



Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадний маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тивисиэ намояндаси, миллатимизнинг гурури, шавву шафафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъатқоридир. Пазбир ҳонэ бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловли бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу уллуэ Зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.


Ислом Қаримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ

Шўла асарлар тўплами

Ун жилдлик



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2011


АЛИШЕР НАВОЙ

Шўла асарлар тўплами

Биринчи жилд

Хазойин ул-маоний

Ғаройиб ус-сиғар



24(54)1 - Ўзбек арабчиси

10 38616/1
48

20 111

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

МЎЪЖИЗАКОР ИЖОД НАМУНАСИ

Дунёда шундай улуғ зотлар, шоир ва мутафаккирлар борки, уларнинг улкан қалб, теран тафаккур, беқиёс истеъдод ва маҳорат, тенгсиз жасорат билан яратилган асарларининг аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин ортиб, умумбашарият мулкига айланиб боради. Бамисоли вақт деган қудратли ҳакам ҳам бундай буюк шахсларнинг измига бўйсунгандек, уларнинг қолдирган мероси нақадар бебаҳо, ҳаққоний ва ҳаётий эканини исботлаб, мўъжизакор ижод намунасини кўҳна тарих ибратига, бугунги кун ва келажак идеалига айлантиришга хизмат қилади.

Жаҳон маданияти тарихидан маълумки, мумтоз зотларни тарбиялаб voyа етказган ҳар қайси халқ ва миллат ўз қалби ва юрагини, юксак ақл-заковати ва маънавий салоҳиятини, асрий орзу-армонлари, эзгу интилишларини айнан ана шундай фарзандлари орқали намоён этади. Шу билан бирга, Ер юзида тинчлик, адолат, дўстлик, меҳр-оқибат каби азалий қадриятлар доимо барқарор бўлиши, обод ва фаровон ҳаёт тантана қилиши учун тарих ва келажак олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини ҳам аввало маърифатли ва бунёдкор халқгина чуқур ҳис қилади. Ва бундай халқ жаҳон цивилизацияси ва маънавияти ривожига қўшган унутилмас ҳиссаси учун дунё аҳлининг ҳақли эътирофи ва ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлади.

Муқаддас диёримиз заминидан етишиб чиққан ўнлаб азиз-авлиёлар, улуғ аллома ва шоирлар, давлат арбоблари ва саркардаларнинг ҳар бири ўз фаолияти, бетакрор мероси билан миллий ва умуминсоний мезонлар силсиласида ҳеч муболағасиз ноёб ҳодиса — феномен ҳисобланади. Айни вақтда бу беназир зотлар ўртасида, гўёки юлдузлар анжуманидаги қуёшдек, яққол ажралиб турадиган шундай бир буюк сиймо борки, у — миллий шеъриятимиз, адабиётимиз даҳоси Мир Алишер Навоийдир.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мумтоз шоир бобомизнинг беҳисоб гўзал инсоний фазилатларини

мужассам этган ҳолда айтган машҳур таърифини эслаш ўринлидир: «Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони-дир».

Дарҳақиқат, Алишер Навоий — жаҳон миқёсидаги шахс, юксак гуманистик ижоди билан шеърят мулкининг султони мақомига кўтарилган бебаҳо истеъдод эгаси, инсон қалбининг шодлигу қувончи, ғам-ғуссаларини, ҳаёт ва эзгулик фалсафасини ҳадди аълосига етказиб тараннум этган буюк сўз санъаткоридирки, бу янглиғ ҳам ижод, ҳам фазилатда беназир зотлар дунё маданияти тарихида камдан-кам учрайди. Ўз умри давомида кўрган кўплаб яхшилик ва ёмонликлар, замондошларидан тортган кийна ва адоватларга, фаолиятининг катта қисми давлат миқёсидаги ишларга, теурийлар салтанатида тинчлик, фаровонлик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлиши, илм-маърифат ва маданият гуллаб-яшнашига сарфланганига қарамасдан, бу фидойи зот ҳар жиҳатдан ҳайратланарли улкан ижодий мерос қолдирди.

Алишер Навоийнинг уммондек теран, камалакдек ранг-баранг асарларида, унинг нодир шахсияти тимсолида «Ҳаётнинг маъноси нима, комил инсон қандай бўлиши керак?» деган азалий саволга кенг миқёсдаги фалсафий жавоб ўзининг мужассам ифодасини топган.

Яна бир ҳайратга молик жиҳат шундаки, орадан беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамасдан, ҳазрат Навоийнинг инсонпарварлик қарашлари заррача бўлсин ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, ХХI аср шароитида, тезкор тараққиёт билан бирга кўпгина маънавий муаммоларни юзага чиқараётган бугунги глобаллашув жараёнида, худдики тун пардаси қуюқлашганда Чўлпон юлдузи янада ёрқинроқ кўринганидек, шоир бобомизнинг ўлмас, боқий мероси ҳар қачонгидан ҳам равшанроқ нур таратиб, унинг ижтимоий моҳияти ва маъно-мазмуни, бадиий жозибаси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Албатта, бундай умрбоқийликнинг сабаб ва омиллари кўп ва улар ҳақида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига, Ватанимиз тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар, маърифий рисоаларда юртимиз ва дунё олимлари томонидан ибратли фикрлар илгари сурилган. Ана шу манбаларда Шарқ дунёсида, Турон, Туркистон деб аталган бизнинг минтақамизда минг йиллар давомида юз берган не-не ўзгаришлар, маданий тараққиёт жараёнлари,

нурга, маърифатга бўлган интилишларнинг мантиқий натижаси ўрта асрларга келиб айнан шу заминдан етишиб чиққан буюк алломалар, азиз-авлиёлар, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан жаҳон цивилизациясида ўчмас из қолдирган ноёб шахслар тимсолида яққол намоён бўлгани алоҳида таъкидланади. Айнан шундай улуг зотлар ўзларининг мислсиз илмий ва ижодий кашфиётлари, гуманистик қарашлари, эркин тафаккури билан Шарқ уйғониш даври деган оламшумул ижтимоий-маданий ҳодисани шакллантиргани ва ҳар томонлама ривожлантиргани ҳам илм-фанда ўз исботини топган ҳақиқатдир. Кейинчалик Фарб Уйғониш даври учун асос бўлган бу улкан тарихий жараённинг энг муҳим ҳалқаси, энг буюк ва ёрқин намоёндаси сифатида Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи биринчилар қаторида тилга олиниши бежиз эмас, албатта.

Шу маънода, атоқли рус шарқшуноси, академик Николай Конраднинг куйидаги фикрлари айниқса эътиборлидир: «Дунёда Алишер Навоийдек шоир борлиги учун ҳар қанча қувонсак арзийди. Бизга шундай шоирни инъом этган ўзбек халқига буюк ташаккуримизни айтамиз. Биз бу шоирни нафақат ўрганамиз, балки унинг асарларини қўлимиздан қўймасдан ўқиймиз, мутолаа қиламиз. Нафақат ўқиймиз, айти пайтда унинг беназир ижоди ҳақида ўйлаб, мушоҳада юритамиз. Уни ўз шоиримиз сифатида ардоқлаймиз. Унинг буюк бир Уйғониш давридан бошқа бир Уйғониш даврига етиб келгани янада улкан тарихий маъно ва аҳамиятга эгадир».

Алишер Навоий Шарқда ёқилган илм-маърифат маёғини Фарб дунёсига безавол етказишда ҳал қилувчи ўрин тутган буюк мутафаккирдир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг ибратли ҳаёти ва ижодий фаолиятининг яна бир тарихий сабоғи шундан иборатки, у соҳибқирон Амир Темур асос солган улкан салтанатнинг маънавий қудрати унинг ҳарбий қудратиданда кучлироқ эканининг амалий ифодаси бўлиб майдонга чиқди. Шу тахлит Фарбдаги айрим доиралар ўртасида шаклланган, гўёки Шарқдаги барча қудратли салтанатлар зулм ва зўравонликка асосланиши ҳақидаги сохта тасаввурларнинг қанчалик пуч экани исботланди. Мана, беш асрдирки, жаҳон тарихини Амир Темур сиймоси ва Темурийлар давлати тарихисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, дунё маданияти, инсоният тафаккури ривожини Алишер Навоий сиймоси, унинг етти иқлимга маълум ва машҳур адабий-илмий меросисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Абадиятга дахлдор асарлари, уларда тараннум этилган эзгу ғоялари, юксак инсоний туйғулари миллий санъатимиз ва маданиятимиз хазинасидан чуқур жой олган, муборак номи онгу шууримиз ва тафаккуримизга сингиб кетган Алишер Навоий бобомизни биз ҳар куни, ҳар дақиқада эслаймиз. Хусусан, 9 февраль ва 1 сентябрь саналари арафасида ҳазрат Навоийнинг маънавиятимиз, дунёқарашимиз ва кундалик ҳаётимизга беқиёс таъсирини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳис этамиз. Айниқса, 1 сентябрь – Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётининг тамал тоши қўйилган қутлуғ кунда у мўътабар зотнинг табаррук номи алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинишининг чуқур маъно-мазмунни бор. Яъни, биз бугунги кунда, Алишер Навоий бобомиз орзу қилган истиқлол замонида миллий давлатчилигимизнинг маънавий асосини, миллий ўзлигимизни, дунё ҳамжамиятидаги ўрнимиз ва мавқеимизни, ёруғ истиқболимизни улуғ аждодимизнинг шахсияти, унинг бебаҳо ижодий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўришимиз ҳар томонлама қонуний ва мантиқийдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, буюк мутафаккир шоиримизнинг 10 жилдлик асарлари айнан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида, у зотнинг шаъну шавкати ва ижодий мақомига ғоят муносиб тарзда юксак матбаа сифати билан нашр этилгани ўзига хос рамзий маънога эга. Чунки Алишер Навоий тарих синовларидан ўтган ўлмас ижоди билан бизни гўзал ва бетакрор диёримиздаги тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаётни асраб-авайлаб, унинг қадрига етиб, доимо халқимиз, Ватанимизга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан, бунёдкорлик руҳига ошно бўлиб, ўзимиздан яхши ном, эзгу хотира қолдириб яшашга даъват этади.

**Азиз Қаюмов, академик,
Абдулла Аъзамов, профессор**



Ғаройиб
ус-сиғар

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

ДЕБОЧА

Шукру сипос ул Қодирғаким, чун адам осойишгоҳидин вужуд оройишгоҳлариға жилва берди, инсонни сойир махлуқотдин нутқ шарафи била мумтоз қилди.

Р у б о и й:

Улким, чу жаҳон хилқатин оғоз этти,
Сунъи килкини нақшпардоз этти.
Инсон хайлин нутқ ила мумтоз этти,
Нутқ аҳлини назм ила сарафроз этти.

Ва ҳамди беҳаду қиёс ул Сониъғаким, чун иборат жавоҳирин назм силкиға тортди, ул гулшани Эрамойинни назм аҳли хомайи гавҳарафшони била рашки нигорхонайи Чин ва ғайрати Хулди барин ясади.

Р у б о и й:

Чун хайли башарға нутқ комин берди,
Ул нутқ ила назм эҳтиромин берди.
Назм ичра балоғат интизомин берди,
Таркибида эъжоз мақомин берди.

Жаллат олоуху ва аммат нуамоуху ва ло илоҳа ғайруху.

Ва дуруди номаъдуд ул анбиё ҳалқасининг хотимиғаким, «иннаш-шеъра лаҳикматун ва иннал-баёна ласиҳрун» нуктаси била шуаро поясин ҳукамо мартабасиға чектию баён рутбасин сеҳр манзиласиға тортти.

Р у б о и й:

Улким чу балоғат этти даъво аъроб
Кўргуздилар ул даъво аро кўп итноб.
Чун нуктасида қилди аён гавҳари ноб,
Даъвогари гавҳарлари бўлди сиймоб.

Ва саллаллоху алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ва саллам.

Аммо баъд сўз байт ул-ҳарамининг бодияпаймойи ва назм шоҳбайтининг зевароройи ал фақир-ул-ҳақир Алишер ал-мутаҳаллис бин-Навоий сатара уюбаҳу ва ғафара зунубаҳу андоқ арз қилурким, бу хоксори паришонрўзгор кичик ёшдин ўзумни шеърнинг паришон савдосиға гирифтор бўлғанимнию туфулият замонидин кўнглумни[нг] назмнинг пароканда вавосиға машъуфу шефтавор бўлганин ва мотақаддам шуароси малик ул-каломлари дастури била жамъу тартибида саъй қилғанимнию неча мартаба анинг тавдинида мураттаблар иртиқоб қилиб ҳар синф шеърға зебу тазйин ва оройишу ойин берганимнинг кайфиятин бурунғи девоним

фиҳрастидаким, «Бадойиъ ул-бидоя»га мавсумдур, шарҳ била арз қилиб эрдим. Андин сўнгра дағи ул жамъу тартибдин бошқа яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин дағи и к к и н-ч и девонимда ким, «Н а в о д и р у н-н и ҳ о я»га машхурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аиззайи асҳобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим. Андин сўнгра хаёлимга келур эрдию кўнглумга эврулур эрдиким,—

Р у б о и й:

Шоирлиғ ила шуҳра қилиб отимни,
Зойиъ қилдим шеър ила авқотимни.
Эмди тузайин Тенгрига тоотимни,
Кўп элга мушавваш этмай абётимни.

Р у б о и й:

Чунким қаридим, умрни барбод этмай,
Кўнглумни йигитлар ғамидин шод этмай.
Ҳар лаҳза биров ишқида фарёд этмай,
Ҳолим шарҳин назм ила бунёд этмай!

Р у б о и й:

Эллик била олтмишқа етти қадамим,
Не маънеким, бўлмади эркин рақамим,
Не турфаки, сабт этмади эркин қаламим,
Ким йўқ биридин хотир аро жуз аламим. —

агарчи бу нигориш топқан икки девон тартибида ва гузоришқа кирган икки дафтар тавдинида ҳам бу фақири номуроду ҳақири ношодға ҳеч ихтиёр йўқ эрди. Невчунки барчаси султоний ҳукмлару эҳсону таҳсинлар ва хоқоний амрлару таълиму талқинлар била эрди. Андин сўнгра худ хотирға келмас эрдиким, бир ғазал ҳусн баҳори ғазолалари таърифида ё ишқ оташкадаси шароралари тавсифида тугатгаймен, балки бир байт бир шўхнинг жамоли дилфурузи бобида ё ўз кўнглумнинг дарду сўзи шарҳида назм силкига киюра олғаймен ё хаёлимга кечура олғаймен.

Р у б о и й:

Комин қилур эрмиш одамизод хаёл,
Нақш айлар эмиш кўнглига юз фикри маҳол.
Мундин ғофил қолибки, Ҳаййи Мутаъол
Келтургуси тонгла анинг оллиға не ҳол.

Р у б о и й:

Ҳам демагида йўқ эътиборе кишига,
Ҳам қилмоғида йўқ ихтиёре кишига.
Тақдир аро чун йўқ иқтидоре кишига,
Не қилганиға не эрк боре кишига.

Яна рўзгор ҳаводисидин ул фикрлар барча кўнглумдин борди ва ишқи ожизкуш зулму бедоди ул хаёлларни хотиримдин чиқарди. Оллимға онча душворлиғлар юзландию теграмға онча саъб гирифторлиғлар айланди ва сипеҳр бошимға онча бало тоши оттию ишқ сипоҳининг лагадкўби заиф пайкарим била сўнгақларимни онча оёқ остида ушаттиким, не сўзумдин хабариму не ўзлутумдин асарим қолди. Ишқим ошуби туғёнида ҳар суубатким юзланур эрди, чун бир ҳамдард рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммае изҳор қилғаймен, бирор байт бирла ул ҳол мазмунин назм қилиб кўнглумни холи қилур эрдим ва жунунум шиддати ғалаёнида ҳар ошубким, оллимға келур эрди, чун ҳамзабон мушфиқим йўқ эрдики, махфий ўтумни ошкоро этғаймен, бирор матлаъ била ул маънони адо қилиб, қаттиғ ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу восита била кўнглум ўтиға ороме ва ишқим бедоди но-ҳамворлиғиға андоме ҳосил бўлур эрди.

Бу навъ била оз вақтда кўп шеър айтилдию ҳар навъ назм теграмға йиғилди. Ишқим шўру ғавғоси вақтида ва жунунум торожу яғмоси фурсатида худ қайда онча таскину сомоним бор эрдиким, айтилған паришон абётқа жамъу тартиб бера олғаймен ва йиғилған пароканда шарҳи ҳолотқа рабту қоида қўя олғаймен? Чун ул таърихдин муддате ўттию ул вақтдин фурсате ароға кирди, фалак ҳаводисининг ул қаттиғ эсадурғон сарсари таскин топти ва ул сарсар ошубидин ашқим дарёсининг анжум юзига тапончалар уродурғон кўлоки ором тутди. Ул ранжу ташвирдин йиллар ранжурлуқ тортқан тандек, балки жонидин маҳжур қолған бадандек чиқтим, набзимға ҳаракат маъдуму нафасимнинг кирар-чиқари номаълум, таним ўн қатла андин заифроқким нол ва кўнглум бир замон ўз ҳолида бўлса, яна ўн соат беҳол.

Ва икки мураттаб бўлған девонлардин янги айтилған абёт адади аксар ва ҳар байти лафзу маъно била даржлиғ ғавҳар демайким шуълалиғ озар. Хотирға келур эрдиким, агар бу авроққа рабту тартиб берилмаса, бир ҳаводис тундбоди эскач, ҳар сафҳасин бир ён совурғай ва агар бу гулбаргларни зебу ойин била бир гулдаста боғланмаса, бир навойиб насими еткач, ҳар варақин бир ён учурғай. Ва агар рабту тартибини ҳавас қилсам, ҳавасимға қайда ул қувватки, икки байтни бир-бирига марбут боғлаштура олғай ва хаёлимда қайда ул жамияту ҳолатки икки лафзин бир-бирига ираштура олғай. Бу ажздин хомам тили лолу бу забунлуқдин ўз тилим шикастамақол эрдиким, ногаҳ иноят насими ҳидоят гулшани ройиҳасин еткура киришти ва саодат мунҳийси давлат равзаси муждасин келтура бошлади, яъни ҳукми қазожараёну фармони вожиб ул-изъон бу банда отиға ул Султони соҳибқирондин етиштиким, қуллари ҳукмидин азим уш-шаън салотин бош торта олмаслар ва бандалари фармонидин нофизи фармон хавоқин бўюн тўлғай олмаслар.

Р у б о и й:

Шоҳеки, фалакка етса фармони анинг,
Топмоққа сукун суръати даврони анинг.
Гар ҳашрға тегру бўлса поёни анинг,
Қилмоқ ҳаракат бўлмағай имкони анинг.

Р у б о и й:

Минг бандаси хоқон била қайсар янглиғ,
Юз чокари Дорову Сикандар янглиғ.
Ҳам тахтиға поя чархи ахзар янглиғ,
Ҳам тожиға қубба меҳри анвар янглиғ.

Р у б о и й:

Маврусий қул жинси бани Одам анга,
Мерос ила мулк жумлайи олам анга.
Ҳайрон қараму жуд ишида Ҳотам анга,
Нўширвон адл ичинда тобеъ ҳам анга.

Р у б о и й:

Фаъоли қазо ҳукмига анбоз келиб,
Ғаддори қадар амрига дамсоз келиб,
Базми аро Зухра нағмапардоз келиб,
Анжоми замон даврига оғоз келиб.

Р у б о и й:

Ҳақ кўнглин анинг биликка махзан айлаб,
Ҳар фанда ариғ зотини якфан айлаб,
Жоҳи тахтин[и] чархи мусамман айлаб,
Туфроқдек ул ўзин фурутан айлаб.

Р у б о и й:

Иқбол анга давлат майи пайваст тутуб,
Бу бода била жонин анинг маст тутуб.
Ҳақ ани сипеҳрдин забардаст тутуб,
Туфроғдин ул вале ўзин паст тутуб.

Р у б о и й:

Ҳам қиблайи иқбол ҳарими жоҳи,
Ҳам Каъбайи омор бийик даргоҳи.
Шаҳларнинг дардмандию огоҳи,
Бу турфаки, дардмандларнинг шоҳи.

Ас-султонун ибн ус-султони вал-хоқону ибн ул-хоқони, муиззис-салтанати
вад-дунё вад-дин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодурхон халладаллоҳу таоло мулкаҳу
ва султонаҳу ва афоза алал-оламина бирраҳу ва ихсонаҳу.

Р у б о и й:

Бўлганча сипеҳр даври коми бўлсун,
Афлок уза базм ихтишоми бўлсун.
Ҳам даргоҳи шоҳлар мақоми бўлсун,
Йилда бир аларға бори оми бўлсун.

Р у б о и й:

Ҳар лаҳза қил анга юз иноят, ё Раб,
Оллиға ёрут шамъи ҳидоят, ё Раб,
Ҳам умрини айла бениҳоят, ё Раб,
Ҳам давлатига етурма ғоят, ё Раб.

Бу янглиғ фалактазийн даргоҳдину бу навъ Аршойин боргоҳдин хитоби садматомизу ҳукми ҳайратангиз етишти. Мазмуни буким, эй қадимий бандаи хосу эй бойри ходими завийул-ихтисос, бурунги икки девонким, бизнинг ҳукму хитобимиз била мураттаб қилдинг ва куллиёту жузвиедин бизнинг машварату таълиму истисвобимиз била тузаттингим, бирининг ишқомиз абётидин бу эски дайрнинг рафиъ тоқда ушшоқнинг шўру ғавғосидур ва яна бирининг шавқангиз ғазалиётидин бу қадимий маниъ гунбад равоқида муҳаббат аҳлининг ҳўйу алолоси. Андин сўнгра йиғилган ашъорнинггу назм ришласиға тортилган дурри шаҳворнинг адади бурунги девонлардин ортқан чоғлиғдурур ва бу лағофатсифот ҳўблар ва малоҳатсимот маҳбўблар била яна икки девон тартиб берса бўлурдек маълум бўладур. Нетгунгдурким, бу ишдин дилбандроқ бўлғайу не қилгунгдурким, бу шўлдин судмандроқ бўлғай. Эмди авло будурким, бу ғариб ишга кўнгул келтургайсен, балки ҳукм бу эрурким, бу ажиб амрға хома сургайсену тафаккур хилваттоҳида хаёл шўху раънолари била базм тузгайсен ва то фалак гардиш қилур башар жинсининг хаёлиға келмаган аъжубани элга кўргузгайсен. Ўзунг билурсенким, назм ҳаримининг хосларию шеър баҳрининг ғаввосларики, руҳпарвар наволиғ анфосларидин замона базми тўлубтур ва хаёл дарёсидин чиқарғон қийматий ғавҳарларидин даврон либоси жавоҳир била мурассаъ бўлубтур, ҳеч қайси сўз оламининг рубъи маскунин ола олмайдурур ва тўрт ғавҳардин мураккаб бўлган башар хайлининг ҳеч қайсидин тўрт девон ёдгор қолмайдурур. Бир ўз асрида ганжи маънавий Амир Хусрав Деҳлавийни дерларким, султон Маликшоҳ Алп Арслон отиға тўрт девон мураттаб қилмиш бўлғайу хотимасини анинг оти била музайял этмиш бўлғай ва бу иши ул замоннинг яхши-ёмони қулоғиға етмиш бўлғай, агарчи бу сўз мазкурдурур, аммо ул девонлар маъдумдурур ва ул маъдумларнинг агарчи асомийси мавжуддурур, аммо вужуди номаъдумдурур. Хаёлиға ўткариб, вараққа нигориш қилмаганму эркин, ё тилиға кечуруб, тартиб юзидин насаққа гузориш бермаганму эркинким, «Хамса»сию сойир манзум кутубу расоили ўз ҳоли била мавжуддурур, бу тўрт девони замон аҳлидин меҳру вафо ва инсофу мурувватдек нобуд. Чун сенга тавфиқ мадад қилигтуру бу мақсуднинг ҳеч кимға йиғилмаган моддаси йиғилигтуру, тиларбизким, фурсатни ғанимат билгайсену бу муддао ҳусулиға рағбат қилгайсен.

Бу ҳукм чун қулоғимға етишти, ажзу забунлуқ ўтининг дуди кўнглумдин димоғимға етиштиким, ҳукм қавий эрдию маҳқум заиф ва амр бағоят куллий эрдию маъмур асру наҳиф ва раъша пайкаримға тазалзул солдию ҳавосу хаёлим хайли бир-биридин кўзгалди. Не узр айтурға захраву журъатим ва не қабул қилурға ҳавсалаву қувватим, агарчи узр дилпазир эмас эрди, аммо ўз ажзи ҳолимни арзға еткурмакдин ҳам гузир эмас эрди.

Р у б о и й:

Дедимки, бу ишдаким, бўлубмен маъмур,
 Хар нечаким тутмасам ўзумни маъзур,
 Лек иштаки, аждаҳоға келтургай зўр,
 Зўр эткай ўзига, истаса қилмоқ мўр.

Ул ҳумоюн замирнинг ойинаи гетийнамоида равшану пайдодурур ва ул покиза кўнгулнинг жоми жаҳоноройида мубарҳану ҳувайдоким, бу бандаи фақирға не нотаваонлиғлар шикаст бердию бу заррайи ҳақирға не саргардонлиғлар даст берди. Агарчи маразимға сиҳҳат умиди пайдо бўлуптурур, аммо ҳануз физо била шарбатким, ичилур-ейилур, мисқол тарозуси била тортилур ва тонгдин ақшомғача соат шишасиға кўз тикилур ва агарчи заъфимға қувват имкони зоҳир бўлубтур, аммо ҳануз бузуғ

кошонамдин чиқарга қўпмоқ тиласам, осилган идбори анкабут торлари дастгирим бўлуб мадад еткурмагунча, тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатқа мақдур, балки имкон йўқтур; пашша юз пили дамон торта олмаган юкни нечук тортқай, батахсиским, мажруҳу ранжур дағи бўлғай, мўрчанинг шери жаён қила олмаган ишни нечук қила олғай, хусусанким, бемору сихҳат тариқидин маҳжур дағи бўлғай.

Р у б о и й:

Аввал икки девонга чу қилдим рағбат,
Ҳам эрди йигитлик мададим, ҳам сихҳат.
Бўлдум чу қарию хаста, йўқ ул қувват
Кўргузгали андоқ нималарга журъат.

Куллийраги буким, ул давовин тартибида Султони соҳибқироннинг олий таъининг ислоху ихтимоми беҳад ва ҳар жузвий нуктада тағйиру таълими моло каломи беадад эркан жиҳатдин ул иш саранжом суратин пайдо қилди ва ифтитоҳидин ихтитомига дегунча тартиб рақами чекилди. Бу заъфу нотавонлиғим замонида бу ажзу забунлуқу бесомонлиғим туғёнида Султони соҳибқироннинг раъйи оламорийию замири хуршидтаъсири гўёким баъзи авқотда олам кишвари фатҳига азмсозу баъзи ҳолотда кишвар аҳли ободонлиғига сеҳрпардоз ва баъзи замонда айшу нишот била илиги зарпошу баъзи авонда тоату ибодат била кўзи гуҳарпошлиққа мутааммилу муштағил учун бу хошок дарёдек кўнглига кирмасу бу зарра қуёшдек замирига пайдо эрмас. Ва Султони соҳибқироннинг ҳиммат юзидин ихтимомию саъйи ғоятдин таълими бардавоми бўлмаса, мундоқ душвор иш илгари бормоғи мутаассир, балки хаёлимга кечурмағи мутааззирдур.

Мундоқ ҳукм бўлгандин сўнгра гаҳ-гоҳи ҳолимдин огоҳ бўлмаса неткаймену лаҳза-лаҳза аҳволимдин хабар тутмаса нета олғаймен? Қумурсқа Сулаймоннинг хотирига келмаса, не маҳалли таажжубу таҳайюр?! Ва Суҳо чархи гардон сатҳида кўрунмаса, не маҳалли ҳайрату тааззур?! Бу хоксор чун бу дарди дилларимни изҳору номуродлиғларимни ошкор қилдим ва мазаллат туфроғига тазаллум била йиқилдим, иноят боргоҳидин садо келдию ҳидоят коргоҳидин нидо етиштиким, кўнглунгни солма ва бу навъ савдову васвос хаёлига қолмаким, биз ҳеч ҳолда сенинг ҳолингдин ғофил эмас эркандурбиз, аммо бу ҳолдин сен ғофилу кўнглумиздин ҳаргиз ёдинг зойил эрмас эркандур ва бу маъно сенинг кўнглунгдин зойил. Андоқки бурунги икки девонинг такмилида риоятдин ҳеч навъ тағофул воқиф бўлмади ва раҳнамолиғу иноятдин ҳеч турлуг такосул сурат боғламади, эмди дағи ҳамул дастур била, балки андин ҳам ортуғроқ, мунда ҳам ҳамул қонун била, балки андин ҳам афзунроқ, аҳволингдин хабар тутулғусидур ва биров вақтда сарвақтингга етилғусидур. Чун заъфи ҳолинг бизга зоҳиру пайдодур, шафқат ва банданавозлиғлар била не ерда қолсанг ўтқарилғусидур ва чун шикасти аҳволинг бизга равшану ҳувайдодур, марҳамату навосозлиғлар била ҳар мушкилинг бўлса ҳал қилинғусидур.

Р у б о и й:

Шаҳдин чу бу навъ лутфу эҳсон топтим,
Умид дағи беҳаду поён топтим.
Зулмат аро эрдим, оби ҳайвон топтим,
Йўқ-йўқки, ўлуб эрдим, янги жон топтим.

Кўнглумга ўзга қувват кирди ва таъбимга ўзга жавдату жалолат ҳосил бўлдим,
килким жардаи тезгомига ўзга равонлигу ҳаёлим саҳоби барқхиромига ўзга
гавҳарафшонлиг юзланди. Қабули бармогин кўзумгаву миннат илигин кўксумгаву
жонпарвар сўзумга қўйдум ва замир хилватгоҳини хавотир гавғосидин муаррову
кўнгул зистгоҳини васовис ҳужумидин мубарро қилдим. Хома учин тез эттиму
табъ оби ҳаётин оташангиз. Ва ўтган айёмда айтилган матлаълар субҳи бидоятин
мақтаълар шомини ниҳоятига пайваставу кечкан ҳангомда битилган паришон абёт
гавҳарларин такмил риштасига тортмоқ била пироста қила бошладим.

Р у б о и й:

Кун бор эрдиким бир ғазалу икки ғазал,
Бал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал.
Маҳвашлардек бори латофатда масал,
Боғлаб кийибон юзга ҳулла тўнға ҳулал.

Бу назоҳат шабистонининг парданишинлари юз минг зебу зийнат била табъ
хилватхонасидин жилваи ноз қилиб чиқиб, сойир абнойи жинс силкига кирарлар
эрди ва бу малоҳат нигористонининг нозанинлари минг туман оройишу намойиш
била ҳаёл хилватхонасидин хироми дилнавоз била ҳаракат кўргузуб, яна абкори
фитнаосорға қўшулурлар эрди. Чун бу мавзун ҳаракатлик дилкашлару бу матбуъ
сифатлик шўхвашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин бўлсалар эрди, бу фақир савдойи
бир тожирдекким, малик ут-тужжор деса бўлғай, —

Р у б о и й:

Юз ҳур сифат барчасининг нозу фани,
Кашмирию румио хитоу ҳўтани,
Ким бир шаҳ учун кетургай ул тойифани,
Тожир ўзин айларга баҳо бирла ғани. —

кашмирийси сеҳрсозлиғда дилрабову дилкаш ва румийси турктозликда кофироину
фарангийваш ва хитойиси хунрезлиғда новакзану шершикор ва ҳўтанийси
фитнаангизлиғда шерафкану ғизолакирдор, бу шамойилу ойин била ва бу зеболиғу
тазийн била Султони соҳибқироннинг ҳарамсаройиға киюрур эрдим ва бирин-
бирин ул ҳазратнинг кимёасар назариға еткурур эрдим.

Ва ул ҳазрат иноят кўзи била ул раъноларни кўруб ва илтифот назарин ҳар
бирига еткуруб, қайси бирининг ҳариру ҳулласида қусуре кўрунса ё ул ҳуллаву
ҳарирни мурассаъ қилган жавоҳирда адами муносабат сабабидин футуре зоҳир
бўлса, ул либосларни чиқариб, хизонаи хосдин муносиб ранглиг хазу дебо либослар
барча қийматий гавҳарлар била тарсиъ қилгон келтуруб ул шўхларға кийдурур
эрди ва ҳар қайсини ўз муносабатиға кўра тартиб била ўз олий мажлисида ўлтуртур
эрди, яъни айтилган абёт барча латойифосор ва сабт бўлган ашъор барча
заройифшиорким, эллик, олтмиш ё юз ғазалға яқин йиғилса эрди, ҳазрати Султони
соҳибқироннинг фирдавсосо суҳбатидаву сипеҳрфарсо ҳазратида ҳозир қилиб арзға
еткурур эрдим ва ул ҳазрат аларға шафқат юзидин боқиб, қайси маъно шўхинингким
таркиби хилъатида ва алфози кисватида бетакаллуфлуқ кўрса, ўз ганжинани замири

хизонасидин муносиб алфоз била ул либосларга тағйир бериб ва ул алфоз кисватида санойиъ жавоҳиридин номуносиблиғ маълум қилса, ўз хизонайи хотири ганжхонасидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул зебу зийнатқа табдил етқуруб, ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди.

Ва бу фақири бебизоату бу фақири беиститоат ул таълимларни ўзумга дастур қилиб ҳамул дастур била ул забту тартибга шуруъ қилур эрдим. Мундин бошқа дағи ул ҳазратнинг кўп хосса маънолари ҳаёлотину ғариб мазмунлари мақолотин ва дилпазир ташбиҳлари назокатину беназир танбиҳлари жазолатин бурунғи икки девоним дебочасида шарҳ била мазкур қилиб эрдиму тафсил била мастур этиб эрдим, бу девонларда дағи ҳамул дастур била маоний жавоҳири шоҳворидин ва алфоз нақшу нигоридин ва таркиб салосату латофатидин ва чошний ҳолату ҳароратидин ҳеч жузве жузъиётдин йўқтурким, ул ҳазратнинг муборак таъъининг анда куллий дахли бўлмамиш бўлғай. Балки асли ҳаёл ул ҳазратнинг бўлуб, бу банда ҳам ул ҳазратнинг буйруғи ва таълими била анда жузвий дахле қилмиш бўлғаймен. Бу жиҳатдин бўла олғайки, бу девонлар ул ҳазратнинг адилсиз таъбидек беназиру ҳар шоҳбайти ўз ҳумоюн зотидек оламгир бўлғай. Чун бу маъно гавҳарлари барча ул ҳазратнинг таъби баҳридину зеҳни конидин ҳосил бўлди ва алфозу иборат хазойини ҳамул маънолар гавҳаридин тўлди, бу маънодин анинг отин «Х а з о й и н ул - м а о н и й» қўюлди.

Р у б о и й:

Ё Раб, бу хазойинки, мен эттим маъмур,
Ким хозини жаннат анга хуштур ганжур.
Чун келди футурлуқ кўнгулларга сурур,
Берма андин кўнгул сурурига футур.

Р у б о и й:

Бу баҳрки, ганжи ломаконий дедилар,
Ҳар қатрасин оби зиндагоний дедилар.
Шаҳ маҳзани таъбидин нишони дедилар,
Ким ани «Хазойин ул-маоний» дедилар.

Агарчи хуршиди оламтобнинг фалакни бир давра қилган замониға йил от қўюптурлар ва йилким, иборат тўрт фаслдиндур, ҳар фаслға дағи бир от таъйин қилибдурлар. Бу наййири аъзам фалакни бир давра қилганининг монандиким, баҳрийу конийу наботийу ҳайвонийнинг натойижи анда зоҳир бўлур, мунда дағи жамий ул натойиждин далилу асар топса бўлур. Тўрт фаслининг муқобаласидаким, тўрт девон воқий бўлуптур, ҳар қайсиға бир муносиб от дарбойист эди, ул сабабдин аввалғи девонниким, туфулийят баҳори ғунчасининг ажиб гуллари ва сиғар гулзорининг боғчасининг ғариб чечаклари била ораста бўлуб эрди, «Ф а р о й и б у с - с и ғ а р» дейилди. Ва иккинчи девонниким, йигитлику ошуфталиғ ва шабобу олуфталиғ ёзю даштида юзланган нодир вақойиъ била пироста бўлуб эрди, «Н а в о д и р у ш - ш а б о б» аталди. Ва учунчи девонниким, васат-ул — ҳаёт майхонасида ишқ била шавқ паймонасидин юзланган бадиъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди «Б а д о й и ь у л - в а с а т» от қўюлди. Ва тўртунчи девонниким, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойидалариким, жонсўз оҳ урмоқу жон топшурмоқдурким, анда сабт бўлубтур, «Ф а в о й и д у л - к и б а р» лақаб берилди.

Умид улким, бу тўрт девонким, Султони соҳибқирон оти била музайялдуруру алқоби била мутарраз, ҳам анинг отидек рубъи маскунда тўлғайу ҳам анинг алқобидек тўртунчи кўкка дегинча мунташир бўлғай. Шукрим, бу банда назм василасию шеър воситаси била тамом умрумни ул ҳазратнинг мадҳи била кечурдум ва барча ҳаётимни анинг дуоси била ўткардим.

Туфулийят авониким, етти — секкиз ёшдин йигирми ёшқача чинаса бўлғайким, умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфаву гулзоридур, анинг мадҳида «Ғаройиб ус-сиғар» била сарф қилдим.

Шабоб замониким, йигирмидин ўттуз бешгача деса бўлғайким, ҳам бу фусулнинг ёзидурурким, йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлиғининг оғозидур, анинг васфида «Наводир уш-шабоб» била кечурдим.

Ва куҳулат айёмиким, ўттуз бешдин қирқ бешга дегинча қиёс қилса бўлғайким, бу фусулнинг хазонидурким, тириклик боғининг баргрезининг нишонидур, анинг таърифида «Бадойиъ ул-васат» била ўткардим.

Ва қирқ бешдин олтмиш яқиниғачаким таъйин қилса бўлғайким, бу фусулнинг қишидурким, кишининг ҳам қад била адам йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод қилишидур, анинг дуосида «Фавойид ул-кибар» била ниҳоятқа еткурдум.

Р у б о и й:

Сарф эттим анга умр баҳорин дағи,
Бўстони ҳаёту лолазорин дағи,
Оллида хазони зарнисорин дағи,
Кофурфишон қиш била қорин дағи.

Ва бу авқот мобайнида ҳар миқдорким, фурсат топтим, хоҳ «Хамса» назмидину хоҳ «Назм ул-жавоҳир» ва «Мажолис ун-нафойис»у «Зубдат ут-таворих» ва сойир таснифлар иштиғолидин ҳам ул ҳазрат дуойи давлатиға авқотимни сарф қилдим. Ва биҳамдиллоҳ андоқ муродлар касб эттимким, менинг абнойи жинсимнинг юзидин бирига муяссар бўлмайду ва андоқ мақсудларға еттимким, аларким, мендек юз, балки минг қуллари бор эрди, бирининг соғари орзуси менга нишот еткурган май била тўлмайду. Биҳамдиллоҳи Таолоки, бу авқотдаким умр водийсининг кўпрагин анинг давлатидин муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятиға комлар, балки комронлиғлар била етибмен, ҳеч турлук армон хотиримда қолмайду ҳеч навъ орзу кўнглумда сиғинганин ҳаёлим топа олмайду. Ҳар не дунё муродио зоҳир комронлиғидур сурубмен ва сўзумнинг сийту садосин анинг мадҳида етти фалакка еткурубмен. Улча орзу ҳайсийятидину армон жинсидин қолиптур, охират йўлининг суҳулат ва осонлиғи ва ботин мулкининг иёлату комронлиғидур. Ва ул вобастадур Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг тавфиқи била амри итоатиға ва Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам шариятининг мутобаатиға. Умидим улдурким, ул ҳазрат давлатидин бу иқболға дағи сарбаланду бу саодатқа дағи баҳраманд бўлғаймен.

Бу бобда бир неча сўз ўз арзи ҳолимни тиларменким, зоҳир қилғаймену ул нишотим гули очилгандин мен ҳам нишотдин ғунчадек очилғаймен ва ул арзадоштим саводин бу дебоча зайлида сабт эткаймену биткучиларға ҳам бу фикрастдин бу арзадоштни айирмасқа васият эткаймен, то кун сўнги бу дебочани ўқуған элга бу арзадоштим била бу муддаомға етканим нишонае бўлғай возиҳу далиле бўлғай лойиҳ. Бу жиҳатдан то олам инқирози бўлғусидур Султони соҳибқирон давлатиға дуо қилғайлар ва шафқату бандапарварлиғиға сано дегайлар.

Куллук арзадошт улким, бу бандага еш улғайған чоғда заъфе юзланди ва ул заъф риштаси риштадек заъфлиғ пайкаримға андоқ чирмандиким, ул куёшдек замирға равшандур. Ҳоло мизожим истиқоматдин мунҳарифу баданимда неча марази мухталифдур ва атиббо иложимдин ожизу маъзул ва аҳиббо мизожимдин мутаажжибу малул. Димоғим паришонлиғидин сўзум номарбуту хаёлим ошуфталиғидин ҳолим намазбут. Бағрим қизигонидин жисмимда ҳуммойи лозим ва кўнглум озғонидин бошим айланмоғию кўзум қорармоғи дойим. Не тонгдин ақшомғача ўзумга бир дам физодин ком, не ақшомдин тонгғача турфат ул-айне кўзумга уйқудин ором. Хотирим савдоомиз хаёллардин мушавваш, бесару диллиқдин ҳар неча дилкаш сўз бўлса кўнглумга нохуш. Меъдамнинг ҳазм қилур физоси замона аҳлининг изоси, кўнглумнинг нишот базмида майи ноби фалак тийғи оқизған бағир хуноби. Нотавонеким, юқори мазкур бўлғандек физо қилур, оши мисқол тоши била бўлғай, агар гоҳи заиф хотири шарбат майли қилғай, ул дағи бу тош тарозуси била тортилғай, киши қўлдамайин еридин қўпарида қўп озор бўлғайу асо мадади бўлмағунча ердин қадам кўтармағи душвор, сайр ҳавосин қилса ики инсонға отландурур-тушурурида ҳаммолвашлику отланғандин сўнгра пайкари юкидин бир ҳайвонга мурдакашлик, тушкандин сўнгра бу сайр кўфтидин аъзоси нокор, бу озурдалиғдин яна бир кеча-кундуз тебрана олмай, андоқки бир йиллиқ бемор, иссиғ нафасларидин ҳаётининг гули пажмурдаву нафасининг оғир кирар-чиқаридин заиф тани озурда.

Р у б о и й:

Ҳар шому саҳарға тегру ингранмоқ иши,
Бу ёнидин ул ёниға айланмоқ иши.
Ғаҳ-ғаҳ иситма ўтидин ёнмоқ иши,
Ғаҳ тўнгдуруридин яна чирманмоқ иши.

Р у б о и й :

Не жисмида тобу не танида қувват,
Не кўнглида хушлуқ, не ўзида сиҳҳат.
Мундоқ кишининг муносибидур узлат,
Вайронасидин чиқмоқ анга не нисбат.

Султони соҳибқироннинг инъоми беғоятидин ва эҳсони бениҳоятидин умрин бу давлатлиғ даргоҳдаву ҳаётин бу саодатлиғ боргоҳда юқори ўткан шарҳ била сарф эткан банданинг илтимоси будурким, мазкур бўлған тараддуду машаққатлардин озод бўлғай ва ғамгин кўнгли бу навъ заъф айёмида нисбатсиз қайғулардин шод, мундоқ умрдаким, букун — тонглалиғ маълум эрмас.

М и с р а ъ :

Иш Тенгрига тавбаи инобат бўлғай, —

ва ўткан умр маъсият била узр тақсирида тоату надомат. Бу ҳолатда дағи авқотнинг покизасида ул ҳазратнинг дуосига машъуф бўлғусидур ва дуову ниёзи нақдининг хулосаси анинг фархунда рўзгориға масруф.

Умид улким, ул ҳазрат давлатидин андоқким дунё иқболу комидин мустафид бўлдум, охират кому иқболидин ҳам ноумид бўлмағаймен. Ул остоннинг қулларининг бу қул била ёрлиғ нишони улдирким, Султони соҳибқирон иноятидин бир ёрлиғ нишони битилгай ва бу бандани султоний иморатнинг байтулмағфирасида сойир жорубкашларидин бирининг ўрнига мансубу сарафроз этилгайким, бу уфтодалиғ айёмида боре ул остонада йиқилгаймен. Қувватим бўлганда супургу олиб, илгим била ва қувватим бўлмаганда супургу ўрнига кирпигим била ул остонани супурур баҳонаси била қўзумни ул мунаввар равза туфроғидин ёрутгаймен ва ул остонани бу супургу бирла ариғу бу уйни ул сурма била ёруғ тутқаймен ва бу хидматни дунёву охиратим шарафи билгаймен.

Сўзум узалдию адо қиладурған мақсудум йироқ қолди. Агарчи хомамнинг гавҳарафшонлиғига ниҳоят йироқдур ва лекин дуо гавҳарфишонлиғи била ихтисор қилмоқ яхшироқ.

Р у б о и й:

То даҳр уза бу гунбади даввор ўлгай,
Ул гунбад уза собиту сайёр ўлгай.
То собиту сайёрға осор ўлгай,
Тенгри бори ҳолингда ниғаҳдор ўлгай.

Р у б о и й:

Тахтинг бўлсун сипеҳри ахзар чоғлиғ,
Чатринг рифъатда меҳри анвар чоғлиғ.
Мулкунг бару баҳр аро Сикандар чоғлиғ,
Лекин умрунг Нуҳ паямбар чоғлиғ.

Р у б о и й:

Ҳам дарғаҳинг иқбол макони, ё Раб,
Ҳам бошинг уза тожи Каёний, ё Раб.
Жомингда зилоли зиндагоний, ё Раб,
Андин санга умри жовидоний, ё Раб.





ГАЗАЛ



АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ
ИБТИДОСИ «ҒАРОЙИБ» ДИН

/

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,
«Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқти садо.

Файр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид, ани ичкан гадо.

Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг мени девонадин қил ибтидо.

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар,
Чеҳраи мақсуди маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ташналаб ўлма Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу, ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

Зиҳи хуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.

Сени топмоқ басте мушкилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.

Чаман оташғаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Не ишга бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло?

Куёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳи сарғармоқ эрур андин,
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомиқ
Юзингдин гар узори боғида гул очмади Узро?

Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро?

Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни,
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам
Далил ушбуки қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.

Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.

Машшотаи сунъунгдурур улким, нафас ичра
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло.

Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид,
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки куяр оғзи, ул ўт ҳирқатидинким,
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.

Муҳтож сенинг дарғаҳинга хусраву дарвеш,
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.

Гул юзида булбул сенинг асроринга нотиқ,
Шамъ ўтида парвона сенинг ҳуснунга шайдо.

Ушшоқ аро, ё Рабки, Навоийға мақоме
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.

Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақову тоат билан санга.

Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга.

Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балоғат билан санга.

Изҳори ажз биздин адаб таркидур басе,
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан санга.

Ҳар тийра рўзгорки, васлингға йўл топиб
Сендин етиб чароғи ҳидоят билан санга.

Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳадки еткамен
Бошдин-аёғ гуноҳу залолат билан санга.

Лутф айлагилки, мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.

Исёни кўп Навоийнингў йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.

Сабур исми била қилсанг тажалли,
Қилиб Намрудға юз минг мудоро.

Қачонким зоҳир этсанг «танзиъ ул-мулк»,
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

Йўлунг муҳлик тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Суҳо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотиға қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ, чиқмоқ не ёро?!

Қиёматда гуноҳин афв этарга
Расулингни шафиъ эт, Кирдигоро.

Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Юз эшигинг туфроғиға сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Анжум ичра оразинг меърож шоми ўйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Не учун киймиш қаро ҳарён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурӯр мотам аро?

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Қум эмас Батходаким, меҳри жамолинг ҳажридин
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.

Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб ондин
Малак раъноларининг жабҳасига чарх сандалсо.

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида худхуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий хуш кўрар оламини отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.

Ҳар гадоким, бўрейн фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.

Ким фано туфроғиға ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.

Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар,
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга?

Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур,
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Фақр кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга.

Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволиға етмас футур,
Бу вале чеккач нафас, барбод ўлур ҳашмат анга.

Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.

Шаҳға сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.

Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом,
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиғ, магар
Шоҳ Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шаҳу дарвеш бўлғай айлагил, ё Раб, аён,
Шоҳдин хидмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.

Гар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг,
Бўлмагунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга?!

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Ўқларингдин дам-бадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.

Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга.

Новакининг парру пайконида рангин тус эрур
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти юқмиш қон анга,

Номаи шавқум не навъ ул ойға етқай, чунки мен
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.

Хизри хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,
Лаб-балаб чунким берур су чашмаи ҳайвон анга.

Эй хушо, муғ кўйиким, рифъат била зийнатда бор
Меҳр анга бир шамсаву кўк тоқидур айвон анга.

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин
Бағри қотмиш гунчанинг, баским эрур хандон анга.

Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.

Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиг қондин анга,
Пай масаллик чирмағаймен риштайи жондин анга.

Бодайи лаълинг мизожи руҳпарвардур баче,
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Ўқи кўнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳ су урду пайкондин анга.

Дарду ғам бўстонининг товусидур кўнглум қуши,
Гул бўлуб жисмимда кескан наъл ҳар ёндин анга.

Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Эй кўнгул, ҳолингни эълон айла афғондин анга.

Кўзга то кирмиш ҳаёлинг совуғ оҳим ваҳмидин,
Боғламишмен қўре ҳар сори мужгондин анга.

Эй Навоий, йиғламоқ оҳимға таскин бермади,
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тўфондин анга?

Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга,
Гоҳ ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.

Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузғали,
Мен тирик, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.

Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр,
Ҳар биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Кўнглум ўтидин йиғоч кулдур, башоқ бир қатра су,
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга.

Олтун эзилиб, эриб куйган сойи холис бўлур,
Не ажаб сарғарса юз, еткан сойи эмгак манга

Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишасидин синдуруб айнак манга.

Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совур,
Ким фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.

Эй Навоий, гар манга кўпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври эрур кўпрак манга?

Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингга уммид агар бор манга.

Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнган кибидур,
Тошким, ёғдурур ул шўхи ситамкор манга.

Зоҳид учмоғни этар васфу мен ул ой кўйин,
Гулшани Хулд анга, ул гули рухсор манга.

Телба андоғки пари жилвасидин олдарағай,
Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.

Баски қонимни яларлар, адади қўп ярадин,
Итларин қилди мулойим тани афгор манга.

Қўнглум истар яна мақсуд жамоли аксин,
Соқие, тут қадаҳи ойинакирдор манга?

Субҳа торини йиғ, эй шайхки, бир лаҳза бурун
Тақтилар муғбачалар риштаи зуннор манга.

Солғил, эй ишқ, вужудумға фано ўтиниким,
Ёпти мақсуд юзин пардаи пиндор манга.

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга?

Фаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга,
Ўйладурким, жондин айру юз яралиғ тан манга.

Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равшан қилмадим,
Бўлғали меҳри рухунг моҳияти равшан манга.

Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоққа бир йўл англа ҳар равзан манга.

Мен ўлармен ғамдину, йиғлаб куюб бошимда шамъ,
Дудидин чирмаб қаро ҳар тун тутар шеван манга.

Раҳм этиб ҳолимға душман дўст бўлмоқ, ваҳ не суд,
Дўст чун раҳм айламай бўлмиштурур душман манга.

Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пирохан манга.

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлуптур фан манга.

Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга,
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар,
Ким насиб ул лаълаб ҳижронидин қондур манга.

Чиқти ақлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,
Чиқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Ўйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб,
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиғ киби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Ҳур мужгонин агар суртай деса қилман қабул,
Ким аёғда орзу хори муғилондур манга.

Май ичиб тоатни фавт этмангки, ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.

Эй Навоий, халқ дер: жон беру ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.

Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга?
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!

Ҳақ тануқтурким, тирикликдин манга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқу бори баробардур манга.

Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,
Гар насиб эмди ўшул покиза гавҳардур манга.

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Кўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.

Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ой чеҳралиғ хуршидпайкардур манга.

Сарвни ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,
Ким бугун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.

Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёлмағай фаҳм этса чарх,
Ким шабистон меҳр шамъидин мунаввардур манга.

Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ё магарким жумлаи олам мусаххардур манга?

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Қай пари пайкарға, дерсен, телба бўлдунг бу сифат?
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим аввора бўл,
Юз боло етмаски, мен ҳам бир боло бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Гусса чангиндин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга,
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин фароғатдур санга.

Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ё Рабким, не одатдур санга?!

Лутфунг ози жон олур, қаҳринг кўпи ҳам ўлтурур,
Бул-ажаб ҳоледурур, оё не ҳолатдур санга?

Панд эшитмай севдинг они, эй кўнгул, чек дарду ранж,
Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча офатдур санга.

Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.

Эй қуёш, меҳр аҳлини куйдурма бу водийдаким,
Гармравлар оҳидин мунча ҳароратдур санга.

Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.

Эй алифдек қоматинг майли бузулган жон аро,
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

Кулмагинг ичра малоҳат ўйладурким, шўхлар
Ўйнамоқдин юз ёшурурлар гули хандон аро.

Гар каломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари
Су ичарда ғўта топмиш чашмаи ҳайвон аро.

Хаста кўнглум оҳи кўнглунгга дедим қилғай асар,
Қайда ўлтурсун вале бемор ўқи сандон аро.

Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дарди сар,
Кимки кечти бошидин гўй урди бу майдон аро.

Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.

Лаълинг олган кўнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,
Айтур ул аввора бўлган ғойибингдур қон аро.

Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур афғон аро.

Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,
Бир қаро туфроғ дегайким тушти мушки ноб аро.

Қошинг ичра риштайи жонимга чирманган кўнгул,
Анкабутедурки, айлабдур ватан меҳроб аро.

Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,
Ўт туташқан ришта янглиғ жисми печу тоб аро.

Ул лаби уннобгун кўнглумга эккан тухми меҳр,
Кўнглум ичра ёшурундур дондек унноб аро.

Уйқу сайди қасдиға отқан тошингдиндур нишон,
Кўз қароси демагил бу дийдаи бехоб аро.

Чархи дойир баҳридин эл тутмасун соҳил умид,
Ким қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.

Гар Навоий ёдини қилмоқ ҳабиб имкон эмас,
Басдурур мазкур ҳам бўлса гаҳе аҳбоб аро.

Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро,
Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.

Англамон Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрар Жайхун аро.

Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қонидек,
Анда ёр андоқки мардум дийдаи пурхун аро.

Борғил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас,
Жунгким Лайло аморийсин чекар ҳомун аро.

Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро.

Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,
Мавж урар юз баҳри ғам бу хоотири маҳзун аро.

Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.

Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,
Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро.

Лек ул тиканлар ичра хаёлинг била кўнгул
Ўйнар магар гул узраю ағнар суман аро.

Жисм уйидин кўнгул тилар ул кўйни, валеқ
Гурбат суубатин киши билмас ватан аро.

Эрмас учуғ лабингдаки ул юз Суҳайлидин
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро.

Жоним лабинг шаҳиди эканга тонуг дурур
Ҳар ол ришга қонға бўялган кафан аро.

Булбул не куймасунки, бир ўт ёқти қасдиға
Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.

Кўрдунг Навоий ул сари зулф узра юз шикан,
Кўр эмди юз шикаста кўнгул ҳар шикан аро.

Икки бармоғ бирла туттум лаълин ул рухсор аро,
Ўйлаким булбул тутар гул яфроғин минқор аро.

Хатда рухсоринг су эркинму ёшунган сабзада,
Йўқса кўзгудурки, қолмиш бир тараф зангор аро.

Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим,
Остиға қолмишмен андоғким самон девор аро.

Май дема, қушлар қанотининг елидин бўлғуси
Нахли қаддинг мойил ўлмоқ ҳар тараф рафтор аро.

Шаккари лаъли хаёлидин саросар мўрдурур,
Сочида эрмас тугун узра тугун ҳар тор аро.

Кофири ишқ ўлган авло демаса иймон сўзин,
Хўб эмас тасбиҳ тори риштайи зуннор аро.

Вусма узра зарварақлиқ икки қошинг юз уза,
Жилвагар бўлган ики товус эрур гулзор аро.

Қоматим гуллар очилган бир тикан шохи дурур,
Тўлғали пайконларинг қонлиғ тани афгор аро.

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,
Файри ғадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро.

Давр эли бедодидин гар махлас истарсен, мудом
Куп аёғидин бош олма кулбаи хаммор аро.

Ҳақ тилар бўлсанг, Навоий, силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок, ўзни қўйма бу мурдор аро.

Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Ғайр зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунумға парихон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Қун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

Эрур ишқ аҳли гўристонию юз минг мазор анда,
Фано шаҳрию лавҳу милдин тоқу манор анда.

Ажаб шаҳреки уй гўр ўлғаю суккони жонсиз тан,
Муошир мотамийлар, навҳа аҳли нағмакор анда.

Кўнгуллар тоза-тоза доғ ила қон ичра айланган,
Кўрарсен лоладин гаҳ-гаҳ гузар қилсанг баҳор анда.

Гиёҳ эрмаски ишқ аҳли шаҳиди бағриға қонғон,
Бўлуптур барча заҳролуд ништар ошкор анда.

Магар тавсан миниб, санчиб этак, тортиб қилич ҳар дам,
Улус қатлиға жавлон қилмиш ул чобуксувор анда.

Бу ўлганларга умри Хизр бергай, гар яна ногаҳ,
Масиҳим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузор анда.

Кўрунглар ишқ даштинким, насиму лоладин ҳар ён,
Гаҳе жонбахш салқиндур, гаҳе муҳлик шарор анда.

Эрур ишқ оятеким, нуқтасининг донасин кўргач,
Тушар арвоҳи қудсий қушлари беихтиёр анда.

Навоий, дайр аро кир, гар фано жоми тилар кўнглунг,
Риёдур хонақаҳ аҳлида, борма зинҳор анда!

Доғларким, кўйдум ул ой фурқати озорида,
Дуди ҳар бирнинг эрур доғе фалак рухсорида.

Заъфим ичра қасри томиға таянғандекдурур,
Ҳар самон кўрсанг ёпушқан кўйининг деворида.

Бир мусулмонға эрур дин қасди эткандин ҳисоб
Ҳар тугунким, кўрсанг ул кофир сочи зуннорида.

Гулшан ичра кўп бинафшангдин дема, эй боғбон,
Нил ила, кўр, холлар ҳар ён юзи гулзорида.

Кўйди гулгун муҳрлар жон пардасида қон ила,
Ваҳки, солур муҳри ё гулму экин дасторида?

Танға жон кирган киби жононни еткур, эй табиб,
Эмдиким, жондин рамақ зоҳир эмас беморида.

Ваҳки, бир қотилға ошиқменки жоннинг бийми бор,
Ишқининг жон ичра ҳам ихфоси ҳам изҳорида.

Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб этмаким,
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.

Эй Навоий, ақлу дин яғмо қилур даврон майи,
Чиқ равон бу базмдин филжумла хушунг борида.

Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр оллида,
Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор оллида?!

Ул кўз оллида ҳалоким десалар, йўқ бок ҳеч,
Гарчи ўлмакдин демак йўқ шарт бемор оллида.

Не жафокашмен кўрунгим, бор анга қилмоқ жафо,
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида.

Оллиға гулларки, санчибдур, мушобиҳдур анга,
Ким тушар гоҳе мулавван муҳр дастор оллида.

Кўзларинг қоним ғизо қилсун агар ёлғон десам,
Бир қошуқ қоним биҳил ул икки хунхор оллида.

Май берур бўлсанг манга дайр ичра бер, эй муғбача,
Ким қўяй бошимни қўйсам пири хаммор оллида

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.

Олам аҳлидин агар йўқтур жигаргун соғаре,
Кошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса,

Маҳвашеким бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,
Хуштурурким жонға ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.

Бедилеким, беҳабар тушқай бирон ҳижрониға,
Не балодур гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.

Соқийё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,
Ақлу ҳушумдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса.

Ким тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса,

Эй Навоий, сен чекарсен оҳ, лекин яхшидур
Ул парининг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.

Не хуш бўлғай иковлан маст бўлсақ васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнидаву оғзим қулоғинда.

Даме васл ичра волалиғ била рухсорим эғнида,
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.

Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар айласам бот-бот,
Қўруб гуллар очилган бодадин рухсори боғинда.

Шимиб ютсам гаҳи ҳайвон суйидек завқдин кўргач,
Тарашшуҳ бодадин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.

Гаҳи кўз суртаримда, йўқса ҳар ён шодлиғ ашким,
Гул узра қатра шабнамлар киби сиймин сақоғинда.

Гаҳи беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми,
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.

Не келса тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хуштур
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Қачон даврон манга бир бўйла ишратни раво кўргай,
Ки ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.

Навоий, сен киму ишрат майи?! Билмасмусенким, ит
Агар қон ичса ҳам боши керактур ўз ялоғинда!

Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлган бало,
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлган бало.

Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, манга бўлган бало.

Шод юзланманг балолар бизгаким бўлмас халос,
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлган бало.

Васлида рашк ўлтурур, ҳажрида — ғам, ваҳким, манга
Васл аро бўлган балодур, ҳажр аро бўлган бало.

Ўлтурурлар ҳамдаминг бўлсам, ўлармен, бўлмасам,
Бўлмаган, жоно, сенинг бирла бало, бўлган бало.

Носиҳо, ошиқлиғимни манъ қилдинг, билмадинг,
Ким насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо бўлган бало.

Чун балосиз ком йўқ топмас бақо комин магар,
Кимки они ўртамас оти фано бўлган бало.

Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлган бало.

Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро,
Тун саводи бирла кийгандек маҳи анвар қаро.

Ул пари ҳиндусимен мен телбаким, урён таним
Тифллар тошидин ийнак бўлди сартосар қаро.

Ашқдек оқти қаро су кўзларимдин ҳажрида,
Тонг йўқ идборим чу бўлмишдур манга ахтар қаро.

Кош ўюб ёқсанг қаро бўлган кўзумнинг мардумин,
Холи майгунунгни қилганча қўюб анбар қаро.

Ишқ рафъ ўлғач кўнгулга йўқтурур жуз тийралик,
Ул сифатким шуъласи ўчкач бўлур ахгар қаро.

Ғайрдин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ,
Тобақай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.

Дуди оҳидин қаро эрмас Навоий кулбаси,
Ким қилиптур хонумонин бир парипайкар қаро.

Ҳам рамад теккан кўзунга чашми бедорим фидо,
Ҳам учуқ чиққан лабингга жони афгорим фидо.

Ашкким, андин томар, гирён кўз онинг садқаси,
Қонғаким мундин чиқар бу чашми хунборим фидо.

Ул кўзу бу лабга умрум боғу гулзориндаги
Наргису гул барги йўқким, боғу гулзорим фидо.

Кўзу оғзингдин кетарга бору йўқ ошубу ранж
Сабру ишқим садқа, яъниким, йўқу борим фидо.

Гар кўнгул оху кўзунг оллида лойиқ бўлмаса,
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамгорим, фидо.

Жон агар ширин лабингга ўлгали дархўр эмас,
Айлай алфозинг учун, эй талх гуфторим, фидо.

Ўзлугумнинг қайдидин бир май била қилдинг халос,
Ваҳ не дей, эй муғ, санга бут бирла зуннорим фидо.

Бода миръотида шоҳид акси зоҳир бўлмади,
Бодаву шоҳидқа бўлмай нақд пиндорим фидо.

Эй Навоий, демаким, жону кўнгулни найладинг?
Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо.

Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,
Жуз менинг эски сафолимники, хуноб тўла.

Жоми майдек тўла қон бўлди ичим, бермай даст,
Ёр базми аро бир жоми майи ноб тўла.

Ваҳки, ҳар кирпичи бир ништар эрур заҳролуд,
Гарчи бор ул икки наргисда шакархоб тўла.

Жолалар туштиму гул барги аро, ёхуд эрур,
Ҳуққайи лаълинг ичинда дури сероб тўла?

Оразинг акси дурур кўздаги ёш эвруладур,
Боғи жаннат гулидин бўлди бу гирдоб тўла.

Мену муғ дайри аро муғбача бошида гулу,
Сену зуҳд аҳли била масжиду меҳроб тўла.

Эй Навоий, неча оз-озғина май мадрасада,
Дайр аро кирки, ичар шайх тўла, шоб тўла.

Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо,
Ким кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.

Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар
Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.

Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам, бир тараф, ул бир тараф,
Ким етар жонон учун жонимга ҳижрондин жафо.

Сайддекким, чаргада юзланса ҳар ён келгай ўқ,
Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жафо.

Гар кўнгул ул зулфдин кўрса жафо, ваҳ не ажаб,
Чун кўрар ушбу сияҳрўзи паришондин жафо.

Англа, жоноким, жафо қилмоққа топқунг йўқ киши,
Мен жафокашга нединким ўтти имкондин жафо.

Кечалар ул ой жафосидинки афғон тортарам,
Ул худ ортуқроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.

Не мусулмонлиғ бўлур ушбуки, даврон бошима
Еткурур ҳар дам яна бир номусулмондин жафо.

Эй Навоий, борғали жонон сари жоним, етар
Жонга жонондин жафо, мен хастага жондин жафо.

Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,
Манга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.

Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,
Танаъум даст бермас кимсага, бўлмай дирам пайдо.

Шафақгун юз ҳилолий қош ила то жилвагар бўлдунг,
Кўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди ҳам пайдо.

Самад қилғач зуҳур ул навъким асном ўлур маъдум,
Бўлур бутлар бари мабхут, бўлғач ул санам пайдо.

Чу айлар жилвайи ҳусн ул пари ушшоқ аро, нетгай
Юзин ёшурмаса бўлган замон мен телба ҳам пайдо.

Не муҳлик водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда
Қадам урған дам-ўқ кўзга бўлур мулки адам пайдо.

Кўюнғ, йиғлайки, кўнглумнинг ғубори пастроқ бўлсун,
Ки манъи гард этар ногаҳ ҳавода бўлса нам пайдо.

Оқизғил бода селобини, эй соқийки, ҳижрондин
Кўнгул даштида бўлмиш корвони дарду ғам пайдо.

Навоийни чу сўрдунг, эй пари, бир дам таваққуф қил,
Ки ул мажнун бўлур саҳро юзидин дам-бадам пайдо.

Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо,
Ул су не тараф борса, очилғай гули раъно.

Зулфунг ғами кўнглумни белинг фикрига солди,
Кўрким, не тахайюлға солиптур ани савдо.

Ғавғо қилур эл маҳвашлар кўйида, лекин
Маҳвашлар иши қилмоқ анинг кўйида ғавғо.

Аҳволима Фарҳод ила Мажнунға таажжуб,
Ишқ этти хирад аҳли қошида мени расво.

Ҳар сори тамошоғаким, ул шўх қилур азм,
Йўқ анга тамошоки, эрур элга тамошо.

Даврон санга зулм этса, қадахлар тўла май ич,
Қон ютсанг аёғлар тўла давронға не парво?

Ул шўхки майдон аро кўрганга солур тийғ,
Кўрмасга солур, етса Навоий сари амдо.

Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё,
Ё шуъла аро бир-бир аҳгарму экин оё?

Бир сари қулоғингда гавҳарму экин ёхуд
Бир жонибида ойнинг ахтарму экин оё?

Рухсоринг уза хайдин юз қатраки кўргуздунг,
Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?

Гунча ичида даврон муҳкам тикан ургандек,
Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?

Кўнглум қушиким қолмиш зулфунг аро саргардон,
Савдо тунида сойир шабпарму экин оё?

Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган,
Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?

Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрға мойилдур
Ё заҳри фироқ ичра ништарму экин оё?

Жон пардасида ҳар ёнким, янги туганлардур,
Қатлимға фалак тузган маҳзарму экин оё?

Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти
Ишқингни, санга бу сўз боварму экин оё?

Зор жисмимға хадангинг захмидин ортар наво
Создекким, тешсалар ани фузун айлар садо.

Қадди ҳажринда ғамим шамъини ҳар деворға,
Ким таябмен сарв андоми била бўлмиш қаро.

Гунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға
Еткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано

Орзуи васлидин ранжур эрур мунглуғ кўнгул,
Қут учун тазвир ила бемор бўлғандек гадо.

Нега йиғлаб анбарин зулфин кесар ҳижрон туни,
Ўлмагимни англабон гар шамъ тутмайдур азо?

Ҳажр дардин кўнглума кам қилди холинг оқибат,
Доғ эмиш дарди шалойин хастаға охир даво.

Рухпарвардур Навоий оҳи ул юз шавқидин
Ул сифатким, лолау гул юзидин келгай сабо.

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ул қуёш ҳажринда қўрқармен фалакни ўртагай
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афгондин жудо.

Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон бўлган нафас жондин жудо?

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

Бир эясиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Маҳвашо, сарвқадо, лоларухо, сиймтано,
Чораким, қолмади сабрим ғами ҳажрингда яно.

Ахтари саъд сенингдекки туғуптур гўйиё,
Ким қуёш эрди атову тўлун ой эрди ано.

Гар фалак сайридур истар сени айлаб таку дав,
В-ар малак зикрин эшитсанг санга дер мадху сано.

Ўйла ишқинг майи лабташнасименким, ичман
Оз дебон, бодам учун бўлса фалак жоми ино.

Ишқ меҳнатлари таркини буюрманг мангаким,
Мужиби сиҳҳату қувватдурур ул ранжу ано.

Хонақоҳ ичра эрур шайху ўзин кўрсатмак,
Эй хушо, муғбачалар жилвасию дайри фано.

Жуз Навоий бориға жоми каромат туттунг,
Айюҳас-соқий, мин-ал-қаъси фано айн-ул-ано?

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ
БИДОЯТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

40

Зиҳи висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,
Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳлуб.

Уружунг ақшоми бўлмай тўқуз сипеҳр ҳижоб,
Юзунг хижолатидин меҳр ўлуб вале маҳжуб.

Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек,
Кишики ишқинг ўтиға ўзин қилиб мансуб.

Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.

Китобат этмаганингдин қаламда нол эрмас,
Ки тушти кўнгли аро тоб ўйлаким мактуб.

Либоси мотам аро қолди то абад соя,
Ки меҳридин нега ёнингда бўлмади масҳуб?

Мутиъи амринг агар подшоҳ, агар сойил,
Гадойи хонинг агар ҳушманд, агар мажзуб.

Ажаб йўқ олса кўнгул ҳушин ул ики гесу,
Бу бўлса силсила, кўп телбани қилур мағлуб.

Тиласа равзани зоҳид, Навоию — кўюнг,
Ки ҳар киши ани истарки, бор анга марғуб.

Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб,
Биридур айна хумор ичинда, бири масти хоб.

Тийғ тортиб дам ола олмай етиштинг бошида,
Ўйиё хуршид янглиғ йўлда кўргуздунг шитоб.

Офариниш баски аҳволимға йиғлар ҳар кеча,
Ашк дарёси эрур гардуну кавкаблар — ҳубоб.

Толпинурмен ашк аро ҳар дамки тишлар лаълини,
Ким тенгизга тушса, жон ваҳмидин айлар изтироб.

Ранжу заъфим бўлмиш андоқким сўрар келган улус,
Ҳолим айларлар суол, аммо эшитмаслар жавоб.

Неча тасбиҳинг ҳисоби, зоҳидо, ич бодаким,
Сену мендекларга худ бу корғада не ҳисоб?!

Гар қарам дарёсининг мавжи будурким, чоғладим,
Қони ўз бўйниға, ким ишратдин этса ижтиноб.

Ич, Навоий, майки фаҳм эттук табиби ишқдин,
Ҳуссаву ғам заҳриға тарёк эмиш ёқути ноб.

Хосса базмиким қуёш жомин шафақ роҳи бида
Элга тутқай хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб.

Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: кўрким қавс буржидин туғуптур офтоб.

Бир лабинг жон олди андоқким, бириси билмади,
Эмдиким билди ароларида бордур шаккароб.

Гар фалак қошинг била баҳсе ҳилолидин қилур,
Бир деса пайваста, жоно, эшитур икки жавоб.

Гул киби юзунгда тер фард этти ҳушумдин мени,
Гарчи беҳуш элга ҳуш учун муқаввийдур гулоб.

Ким сиришким кўрди маълум этти ишқим ҳосилин,
Дона бирла ўйлаким эл нақдини айлар ҳисоб.

Не чамандур буки ҳасрат суйию дард ўтидин
Парвариш топмиш қаю бир гулдаким, бор обу тоб.

Гар Навоийнинг куюк бағрида қондур, не ажаб,
Хомсўз ўлур ёлин узра тушуб қуйган кабоб.

Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб,
Барқи ломӣъдур саманди, гарди андоқким саҳоб.

Ўқи рашкидин эрур кўксум аро кўнглум қуши,
Ул кабутарким, қабақ ичинда қилғай изтироб.

Отса ўқ ул қоши ё юз печ урар жон риштаси,
Ким манга ҳирмону анинг ўқиға еткай таноб.

Ногаҳон отқайму деб бир ўқ қабақ шакли била
Боши устига келур майдонда ҳар кун офтоб.

Ул қуёштин бошқа ким отқай қабақ, ваҳ кўрмадук
Ахтари саъдеки, ҳар дам зоҳир эткай бир шиҳоб.

Жон берурмен қайрилур чоғда кўруб белида печ,
Ўлса тонг йўқ улки, жони риштасиға тушса тоб.

Кимки саркашрак, ҳаводис ўқиға кўпрак ҳадаф,
Ушбу ҳолатни қабақ аҳволидин қилғил ҳисоб.

Эй Навоий, чун ўқи ҳар дам фалак майли қилур,
Сен оти гардига қониъ бўлки, бордурсен туроб.

Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб.

Ки ҳозир эрди ўшул сарви наргиси махмур,
Валек рағмима қилмас эди қадаҳға шитоб.

Манга не захрайи улким, десамки, бир қадаҳ ич,
Не онсиз ичкали май, не қарори тоқату тоб.

Бу ғусса бирла ичим қон бўлуб нечукки қадаҳ,
Кўзумга ҳар нафас ашк эврулур мисоли ҳубоб.

Чу англадики борур ихтиёр илгимдин,
Кулуб қадаҳ киби лутф айладию қўйди итоб.

Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти манга,
Ки анинг ичкани-ўқ қилди мени масти хароб.

Чу соқий этти қадаҳ кўзгусида жилвайи ҳусн,
Не айб ошиқи майхора кўнгли бўлса ябоб.

Навоий, васл биҳиштида шукр қил бу нафас,
Ки яна чекмагасен ҳажр дўзахида азоб.

Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб,
Оғзини йўқтур десам воқийки, ҳеч эрмас ажаб.

Нуқтайи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб?

Васл не янглиғ муяссар бўлғусидур, чун эрур
Дилбарим нозук мизожу мен бағоят беадаб.

Гар қуёш дерлар юзунгни гарм бўлуб чекма тийғ,
Элга журме йўқ, инар чун осмондин ҳар лақаб.

Лаълинг олса чоклик бемор кўнглумни не тонг,
Эй малоҳат нахли, чунким хастасиз бўлмас рутаб.

Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлоға ҳай,
Бас не осиф они ҳайдин қовламоғлиғ, эй араб.

Толиб улким топмасанг дағи бу баским, айламас
Бир нафас гофил сени матлуб ёдидин талаб.

Қаҳр барқи бирла раҳмат ёмғури гар бўйладур,
Эмин эрмас Булғало, навмид эмастур Бу Лаҳаб.

Гар наво топса Навоий лабларингнинг зикридин,
Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тараб.

Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун санга ашҳаб.
Бошинг устидаги дур ўйлаки тонг бошида кавкаб.

Поймол эткан учун маркаби жавлонда бошимни
Узр учун қилдим анинг наълини юз бирла музаҳҳаб.

Меҳр туркин қилибон паст, фалак рахшидин ўтти,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не рокибдуруру, ваҳ, бу не маркаб?!

Не қатиф ҳолки, ҳажринг кечаси тинғали қўймас,
Ёр элин ашк ила андуҳ, кўк элин наъраи ё Раб.

Ити меҳмонлиғ учун эмди қадам қўйса бўлурким,
Кўнгул ўт қилди муҳайёву бағир туъма мураттаб.

Ҳар киши бўлди қулунг, ул кишидур олам аро шоҳ,
Қулларинг қурбини ким топса эрур шаҳға муқарраб.

Юзи васфида керак сафҳа, вале лавҳаи хуршид,
Сочи васфини ёзар вақтда тун дуди мураккаб.

Ёр чун барча замон нозир эрур ҳолинга, бўлғил
Бори ҳолатда мушоҳид, бори эл бирла муаддаб.

Телбараб кўнгли Навоийнинг агар арбада айлар,
Дафъиға силсилаи зулф ила басдур чаҳи ғабғаб.

Неча бўлгай манга ҳажр ичра тазаллум, ё Раб?
Айла бу зулм аро ҳолимга тараҳхум, ё Раб.

Ваъдаи қатл қилиб ваъдага қилгунча вафо,
Нега мен хастани ўлтурди таваҳхум, ё Раб?

Лабларининг калимотики, берур жисмга руҳ,
Оби ҳайвон унидур, йўқса такаллум, ё Раб.

Хони васлида ўкуш неъмат ародур ағёр,
Рўзий эт бизга ҳам ул навъ танаъум, ё Раб.

Ваҳки, кўнглумни шикоф этти кулумсуб оғзи,
Гунчаларни нетиб очти бу табассум, ё Раб?

Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ё Раб?

Ёр қатл эткали ушшоқини йиғдурган эмиш,
Бер бу базм ичра Навойга тақаддум, ё Раб.

Эй, санга юз хўбу лаб хўбу лабингдин кулгу хўб,
Ҳар неким воқеъ бўлур сендин, кўзумга асру хўб.

Дединг ул ой васфин, эй ровий, яна сўз демагил
Хўблардинким, сўзунг эрди бу ерга тегру хўб.

Хўблар қул бўлдилар, лекин парилар қочтилар,
Олам ичра одамий бир сенча бор эркинму хўб?!

Хўбларни арз қилдим қилмади кўнглум писанд,
Ани кўргач ихтиёри қолмайин деди: бу хўб.

Васлида жонимга ҳажридин не келганни деман,
Ким фараҳ базмида зикр этмак эмастур қайғу хўб.

Жавру лутфу кибру ноз андин кўнгулга хўб эрур,
Ҳақ азалда зотини онинг яратибдур чу хўб.

Соф қил хотирки, солғай акс ул юз яхшиким,
Кўргузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу хўб.

Эй кўнгул, борсанг ул ой наззорасиға зинҳор
Ашк бирла кўзларингдин ғайрининг нақшин ю хўб.

Хўбларни кўрмаса сенсиз Навоий қилма айб,
Ким кўрунмайдур кўзига кимса сендин айру хўб.

Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,
Сен май ичкилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.

Дедилар, аҳбоб дардиға ҳабиб айлар даво,
Ваҳки, мен куйдум муҳаббаттин, эмас воқиф ҳабиб.

Кўюнгга киргач, кўнгул қошингга майл айлар бале,
Гўшаи меҳроб этар пайваста манзилгаҳ ғариб.

Чехра сарғарған сойи ортар кўнгулнинг ноласи,
Бор ажаб воқиф хазон фаслида нолон андалиб.

Ҳошалиллаҳ, шарбатимни заҳри қотил бирла эз,
Чун иш андин ўттиким, келгай Масиҳим, эй табиб.

Неча ул ой меҳридин шайдо кўнгулни овутай,
Телбага ёлғон ҳикоят бирла бергандек фиреб.

Майға раҳн ўлмай фано дайрида тасбиҳу ридо,
Пири дайр этмас ҳавола элга зуннору салиб.

Нафсинг этса шўхлуғ, чарх эмгагидин қил адаб,
Тифлни андоқки зажр айлар фалақ бирла адиб.

Эй Навоий, зулмидин дерменки ишқин тарк этай,
То назардин ғойиб ўлди, йўқ яна сабру шикеб.

Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб,
Куйса хошок ёлиндин не ажаб?

Секриди, чунки самандинг деди ақл:
— Барқ бўлмиш бу қуёшқа маркаб.

Хўблар мактаб аро хайли нужум,
Ул қуёш ўртада моҳи мактаб.

Зақанинг чоҳу анинг остида хол,
Чоҳнинг нуқтаси, эй нўшин лаб.

Хусн аро ишвау ноз эл қўнглин
Онча олмаски ҳаё бирла адаб.

Нега матлуб тиларсен, чунким
Не талабдур санга, не дард талаб.

Ҳажр аро хаста Навоию — фигон,
Эй висол аҳли, сизу — лаҳну тараб.

Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,
Ҳеч кимга заррае чун бермаиш Ҳақ илми ғайб.

Ошиқу шайдолиғимни манъ этар зоҳид, кўрунг,
Ким ҳунар ҳам бор эмиш нодон киши оллида айб.

Ёшурун қолғайму кўксум жайбидек чок ўлғани
Хоссаким, ҳажр илгидин кўксум киби чок эрди жайб.

Кўзларинг бирла лабинг андоғки урди дин йўлин,
Не балолардин Билол ўткай, не саҳбодин Суҳайб.

Зарраға саяк эса оғзинг манга йўқ ҳеч шак,
Чеҳранг ўлғандек қуёшнинг даҳ сади йўқ ҳеч райб.

Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас Калим
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб.

Эй Навоий, сендек эткан зойиъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб.

Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб,
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топман сўруб.

Жонки, қат-қат қон бўлуптур, доғи ишқинг кетмағай,
Лола баргидек ани бир-бир совурсанг куйдуруб.

Новакинг кўнглумда қилмиш хона бовар қилмасанг,
Кўксума илгингни келтурким, туруптур билгуруб.

Ишқидур жон пардасида равшан эттим, дўстлар,
Неча куйгаймен ҳарир ичинда ўтни ёшуруб.

Барқдек пўямни айб этманг, саломат аҳликим,
Мундоғ ўтеким, туташибдур манга бўлмас туруб.

Истама таҳсинки, шокирмен не келса оллима,
Шукр қилмай найлай олурсен қазони ёзғуруб?

Чун Навоий жониға марҳам эрур пайконларинг,
Кош, ёқса марҳаме ўқунг ёнимға ўлтуруб.

Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб,
Ким чиқиб лаълини ўпкай риштаи зулфин тутуб.

Зулфин очқанда занах чоҳиға тушкай минг кўнгул,
Кўймаса ул чоҳ уза рухсори шамъин ёрутуб.

Ишқ муҳриқ даштини қатъ айламак душвор эрур,
Кирмасам, оҳим ели бирла ҳавосин совутуб.

Куйгали розимену ҳажриға йўқ, ваҳким, мени
Айлади рози иситмоққа ўлумдин қўркутуб.

Деб эмиш бир кун келиб кўнгли яросин буткарай,
Келса буткил, эй кўнгул, бу сўзга худ бўлмас бутуб.

Даҳр бўстонида қилмоқ сайр айлаб ҳою ҳуй
Ҳарза кезмакдур ҳаётинг қушларини уркутуб.

Жоми васлингдинки, элни тиргузурсен, бил яқин,
Ким Навоий ўлгуси ҳунобайи ҳижрон ютуб.

Ваҳ, не қотилдур келур ойини қатлу кин солиб,
Ошиқ ўлтурмак учун ҳар қошига юз чин солиб.

Чун ўтуб ишқ аҳлидин ошуби сабру фаҳм ўлуб,
Чун етиб зуҳд аҳлига торожи ақлу дин солиб.

Эл сариким юзланиб қиндин чиқариб тийғи кин,
Чун манга маркаб суруб бошимга тийғи кин солиб.

Бу сариг рухсора бирла қон ёшимдин ёд қил,
Ичсанг олтун жом ичинда бодайи рангин солиб.

Сенсизин, эй умр, чун мумкин эмас орому сабр,
Борма ҳардам бизни мундоғ бедилу ғамгин солиб.

Ҳар тарафким, гом уруб юз порсо йўлин уруб,
Ҳар қаёнким, кўз солиб яғмову қатл ойин солиб.

Боғи ҳуснунгим гул очти ранг-ранг, эй муғбача,
Гўйи ичтинг майға барги лолау насрин солиб.

Шаръсиз хошок аро хашхошдекдур, эй ҳаким,
Кўкка чиқсанг жайбинг ичра субҳайи Парвин солиб.

Дарду ғам қолиб, Навоий жони чиқти оқибат,
Ҳажр элиндин хонумонин борди ул мискин солиб.

Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга санчилиб,
Новакинг ёнимға ўлтурди иёдатқа келиб.

Қириб ўтган ўқларинг жон пардасин реш этгали,
Сафҳадектурким қирилғай саҳв хатлар ёзилиб.

Югурур ҳар кирпичимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб.

Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногаҳон,
Ўлғай эрдим ваҳмдин, албатта, заҳрам ёрилиб.

Наълим ичра доғ учун қўйган фатила дуд ила,
Дард ўчоғинда тутайдур анда ўти ёқилиб.

Ул қуёш бирла борур эл соядек, мен хоксор,
Ваҳки, қолурмен изининг туфроғидек айрилиб?

Сирри ваҳдат чун фано дайрида сиғмас лафз аро,
Невчун оё хонақаҳ ичра туганмас айтилиб?

Нуктайи тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса билгилки қилмайдур билиб.

Эй Навоий, майда соқий лаълидин эрмиш фуруғ,
Кайфиятни чунки фаҳм эттинг нетарсен ойилиб?

Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,
Ўтқа тушган қил масаллиқ ўртанурмен тўлғаниб.

Очқил ўтлуғ оразинг, эй шамъким, парвонадек
Ўртанай бошинг уза бир неча қатла айланиб.

Солғасен оламға ўт, гар гул совуғи тобидин
Ғунчадек гулшанға чиқсанг ҳуллаларға чирманиб.

Бийм эрурким, офаринишдин чиқарғайсен дамор,
Базмдин усрук чиқиб майдонға чопсанг отланиб.

Ёр ила ҳўй айлаган кўнглум эрур ул навъ қуш,
Ким кишидин айрила олмас кичикдин ўрганиб.

Молдин умрунға осойиш агар етмас не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб?

Қабрим узра қўйғасиз тошеки, заъф айёмида
Ул пари қўйида ётмишмен бошимға ястаниб.

Эй Навоий, тушта гар кўрмак ани мумкин эса,
Барча гар худ сўнгғи уйқудур, нетарсен уйғаниб.

Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб,
Сўрма кўнглум ёрасин, фаҳм эт кўзум қонин кўруб.

Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби,
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижронин кўруб.

Водийи сабримдағи хору хасак қилдим гумон,
Кўнглум атрофида ҳарён нўги пайконин кўруб.

Англадим қилмиш кўзи олған кўнгул сайдиға қасд,
Ҳар тарафдин чарга тузган хайли мужгонин кўруб.

Еру кўкта истабон пайдо эмас Хизру Масиҳ,
Қочтилар гўё дудоғинг оби ҳайвонин кўруб.

Жисм боғида равон шакле тасаввур қилди ақл,
Бўстони ҳусн аро сарви хиромонин кўруб.

Шабнам эрмас, наргис ашкидур недин қон йиғламас,
Кўз юмуб очқунча гулшан умри поёнин кўруб.

Чархдин сидқ аҳли мотам ичрадур, фаҳм айлагил,
Ҳар саҳаргаҳ субҳнинг чоки гирибонин кўруб.

Номасин, ваҳ ким, очиб солмоқ назар мумкин эмас,
Чун Навоий ҳуши зойил бўлди унвонин кўруб.

Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,
Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оху кўруб.

Қолди ҳайрон зоҳид ашкимда кўруб ҳар ён ҳубоб
Рустойидекки, ҳайрат айлагай ўрду кўруб.

Жон аро тийғинг кўруб кўнглум қуши тузди наво,
Тўтиедекким, такаллум айлагай кўзгу кўруб.

Водийи ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг,
Эл биёбон ичра манзил айлагандек су кўруб.

Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади,
Ул кишидекким, таниғай ўз қулин белгу кўруб.

Бода тутқач, дема беҳуд бўлдим ул кўзгудин,
Борди ҳушум ёр ҳусни жилвасин ўтру кўруб.

Эй Навоий, дафъ ўлур холин кўруб кўҳи ғамим
Фил янглиғким, ҳазимат айлагай ҳинду кўруб.

Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб,
Такаллум чошнийсин шарбати юйил-изом айлаб.

Азалда лаъинга сайд эткали кўнглум қушин гўё
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб.

Чаманда тозалиғдин ҳар қуруқ шохе эрур Хизре,
Магарким андин ўтмиш оби ҳайвоним хиром айлаб.

Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.

Не бўлғай тийра бўлмай рўзгоримким, очиб гесу
Қаро шомимни муҳлик айладинг, субҳумни шом айлаб.

Фараз ул юзни мастур асрамоқдурким, Ҳакими сунъ
Улусқа оҳ этар қисмат ани ойинафом айлаб.

Чу Ҳақ даргоҳидин мардуд этар найларсен, эй зоҳид,
Қабули халқ учун ортуқси тоат илтизом айлаб?

Ёшингни дона, бағрингни су қилким, тутти фақр аҳли
Ҳидоят қушларин бу донаву су бирла ром айлаб.

Навоий кунда чун бир қурси мақсум ортмас, не суд
Фалакдек бўлмоғинг саргашта тун-кун эҳтимом айлаб?

Қон ешим йўлунгда томмайдур кўзум гирен бўлуб,
Ким оёғингга тушубтур кўз қораси қон бўлуб.

Гунчадек кўнглум чекар ун, ғарқ ўлуб хуноб аро
Сўз деганда оғзинг икки лаъл аро пинҳон бўлуб.

Сўрса Мажнун ишқ даштида мени, айт, эй рафиқ,
Ким қуюндек итти бу водийда саргардон бўлуб.

Ҳажри кўнглумни бузуб, ғам сели ҳамвор этти, вой,
Ким асар ҳам йўқтур ул маъмурадин вайрон бўлуб.

Тиғи худ ўтти суубат кўрки муҳлик яраси,
Бу замон бошимга қолиптур балойи жон бўлуб.

Ҳар замон оғзинг хаёли санчилур кўнглум аро,
Гўйиё бу гунча они захм этар пайкон бўлуб.

Чарх ушшоқ оҳи ўқидин магар ваҳм эттиким,
Қубба қилди меҳрини ўз ҳайъати қалқон бўлуб.

Ҳашр хуршидиға моний фикр қилмассен, не суд,
Атласи гардун саропардангга шодурвон бўлуб?

Эй Навоий, фоний ўл ёр истасангким, ҳўб эмас,
Жонни севмаклик баҳона ўртада жонон бўлуб.

Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунграшиб,
Ётса гоҳе чирмашиб, ўлтурса гоҳе ёндашиб.

Зулфи эл кўнглин паришон айламакка жамъ ўлуб,
Турфaroқ буким, кўнгулларни йиғарға тарқашиб.

Мумкин эрмас тортмоқ пайконларинким, жисм аро
Ҳар бири маскан тутуптурлар сўнгакка ўрнашиб.

Чиқти зулфин солғач ул чоҳи занахдондин кўнгул,
Анкабут ул навъким, ториға чиққай ёрмашиб.

Ҳажр хайли кўнглум ичра мўрдек айлаб ҳужум,
Гарчи васл уммиди етканда чибиндек бутрашиб.

Куйдуму ул зулф тоби риштаи жонимдадур,
Шамъ торидекки кул бўлганда турмиш чирмашиб.

Соқийё, қилсанг ҳимоят голиб ўлғум бўйлаким,
Ғам била кўнглум талошурлар икавлон қармашиб.

Қил ҳавола дурдкашлар жониби, эй майфуруш,
Май чу ҳар соат тўкулгай жўш уруб куптин тошиб.

Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам ниёзу ажзини,
Ёр истиғнову нози ҳар неча ҳаддин ошиб.

Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимга солғай деб,
Агар ўлтурса қоним ранги туфроғида қолғай деб.

Кўнгулга юз туман ниш урса ҳижрон, айламан нола,
Висолинг нўшидин ул захмлар бир кун ўнголғай деб.

Кўнгулга новакинг то кирди беҳад ҳифзин айлармен,
Ки бу шиша ичинда ул дағи ногаҳ ушолғай деб.

Кўнгулни кўйида юз ранж ила меҳнатқа топшурдум,
Ки гар кўрса бу сурат бирла шояд кўнглум олғай деб.

Сиришким қони қилди кўйининг туфроғин оғушта,
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясолғай деб.

Ҳарам васлин тиларсен пўя ур мардона, эй солик,
Қадам оҳиста чекма, бағринг ул елмакда толғай деб.

Навоий бенаволиғ бирла дойим май ичар, бир кун
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.

Дам-бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб,
Мен йироқтин боқибон, қон ютубу оҳ чекиб.

Не ғамим ит киби ўлмакдин, агар элтур эса
Бўйнума ип солибон кўйига ул моҳ чекиб.

Фаразим буки, унуттурмағамен ўзни анга,
Кўйига кирмагим афғон гаҳу бегоҳ чекиб.

Кўнглума ҳажр агар дард ўқи ёғдурса, не тонг,
Гар чиқарур эса пайкониини дилхоҳ чекиб.

Мен адам йўлиға борман, мени лекин элтур
Оғзи шавқида кўнгул ўзига ҳамроҳ чекиб.

Майи асфарки тўкулмиш кўюбон юз ичсам,
Каҳрабони кўрунгуз, жилва қилур коҳ чекиб.

Журъасин берса Навоийға эрур ўлгуча бас,
Базми айш ичра тараб соғарин ул шоҳ чекиб.

Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб,
Не тўймоғим бор анинг ҳусниға наззора қилиб.

Ўчарга ишқ ўти чора қил дединг, эй шайх,
Бўлурму қисматим ўлған балоға чора қилиб?

Бошимда тийғи ярасин неча, дебон сўрманг,
Киши бўлурму бошининг тукин шумора қилиб?

Кўнгулки итти қилиб тийра хонумонимни,
Қовай агар яна келса, юзини қора қилиб.

Кўнгулни яра қилиб улки тикти кўксумни,
Ёқамни тикмак эрур кўкрагимни пора қилиб.

Дедимки, майкададин хонақаҳ йўлин тутайин,
Нетайки, ул сари йўл бермас истихора қилиб.

Навоий этти ниҳон ишқин, эй фиғон била ашк,
Анинг бу айбини найларсиз ошкора қилиб?!

Ул ой қасдима тийғи буррон чекиб,
Мен оллида шукронаға жон чекиб.

Масиҳим чу фарёдима етмади,
Неча ўлтурай ўзни афғон чекиб?

Ҳамоно ёмон кўзга майл айладинг,
Алиф нил ила юзга ҳар ён чекиб.

Лабинг нўшдорусидин не осиг,
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб?

Кетур, соқиё, давр аёғин тўла,
Ки жон қолмади ранжи даврон чекиб.

Агар васли боқий керак, истагил,
Фано кўйига рахти ҳирмон чекиб.

Навоий бериб жон ўқи шавқидин,
Анинг захмидин ёр пайкон чекиб.

Чобукум рахш уза ҳижрон йўлида пўя қилиб,
Мен анинг кейнича гоҳе югуруб, гаҳ йиқилиб.

Йиқилиб ёна қўпуб, чунки уруб йўлга қадам,
Ваҳки, юз ништари ҳижрон ағимға тикилиб.

Тобоним дарду бало хораларидин ўюлуб,
Юрагим ранжу ано хорларидин тешилиб.

Турфа, кўргилки инон тортмай ул шўх даме,
Сўнгича бўйла қатиклиқ била ҳолимни билиб.

Ишқ дардиға жуз ўлмак йўқ эмиш ҳеч илож,
Бош қўюнг оллиға онингки бу маънони билиб.

Истарам ўзни харобот ичида лояъқил,
Ҳуш чун боиси ранж ўлди, нетармен ойилиб?

Гар Навоийға ёгин ашк эдию раъд фиғон,
Ҳажр чун кож урубон кўзларига ўт чақилиб.

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИВАШЛАРИНИНГ
ПАРВОЗИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

67

Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,
Гўйига бошим ниёзин еткуруб, чавгонин ўп.

Бодпойи сайрига ҳамтаклик айлай олмасанг,
Ерга мендин юз қўюб кўрган сою жавлонин ўп.

Кулса лаъли, ваҳки, қолмас менда бир ўпкунча хуш,
Ҳашв эрур, кўнглумки, айтурсен лаби хандонин ўп.

Пок этак истар эсанг, бир пок этаклик истабон,
Хоки наълайнига юз қўй, гўшайи домонин ўп.

Гар аёғин рахшининг ўпмак муяссар бўлмаса,
Кўз солиб ҳар ердаким, кўрсанг аёғ босқонин ўп.

Қоши ёси ғамза ўқин отса, ваҳ, мен хастадин,
Кўзларингга суртубон суфорини пайконин ўп.

Эй Навоий, каъбайи мақсуд васлин истасанг,
Шоҳи Ғозий қасрининг даргоҳи олийшонин ўп.

Зулфу юздин сунбулунгни гул уза тарқатма кўп,
Даҳр боғида гулу сунбул исин бутратма кўп.

Кўзларингким, масти хоболуд эрур кўп овлама,
Ҳар сари уйқуға борған фитнани уйғатма кўп.

Зулфиға, эй мушк, истарсен қаримчи бандалиғ,
Йўқ ҳадинг, кечкил бу савдодин ўзунгни сотма кўп.

Ўйнай-ўйнай ўлтурур бир-бир улусни кўзларинг,
Шўх қотилларни жонлар қасдиға ўйнатма кўп.

Тийрадур Мажнунки, мендек дебсен ани, эй хирад,
Ақлу ҳуш аҳлини бу девонаға ўхшатма кўп.

Эйки, мужгондин ясол туздунг кўнгуллар сайдиға,
Кўз юмуб очқунча ушбу хайлни кўзғатма кўп.

Эл била ҳар дам қадаҳ янглиғ кулуб, эй муғбача,
Қон ёшим сочиб суроҳийдек мени йиғлатма кўп.

Сафҳайи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.

Чун Навоий қисмати жоми май ўлмиш, эй фақиҳ,
Сарзаниш айлаб анга санги маломат отма кўп.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ
ТАМОШОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

69

Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут,
Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут.

Лаъли руммоний тиларсен дам-бадам зийнат учун,
Қатра-қатра бағринг андин нордек қон бўлди тут.

Нафъ чун куймактин ўзга кўрмадук парвонадек,
Бир қуёш ҳар тун санга шамъи шабистон бўлди тут.

Дайр қасди қилмағил ҳар лаҳза ошиқ бўлғали,
Қасди дининг қилғучи бир номусулмон бўлди тут.

Истадинг дунё арусин туштаги маҳбубдек,
Топмас эргач ком лаълидин, пушаймон бўлди тут.

Шўхлар қошин тиларсен, лек андоқким ҳилол,
Жонға етганда кўрунғач кўзга пинҳон бўлди тут.

Бир муғаннийдин наво топмоқ тиларсен, чангдек
Эгри қад бирла ишинг фарёду афғон бўлди тут.

Кўси шавкат етти дўзахқа эшик қоқмоқдурур,
Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.

Эй Навоий, ўзни жамъ эт, йўқса олам махзанин
Қон ютуб жамъ айлабон, ўлғач паришон бўлди тут.

Эй кўнгул, ул аҳди ёлгон меҳр шартин қилди тут,
Аҳдини поёнига еткурмайин айрилди тут.

Ханжари ҳижрон била охир кесар жон риштасин,
Меҳр торин риштаи жонингга маҳкам қилди тут.

Чун майи васл ўзгалар ичмакка боис бўлғуси,
Ҳар нафас хуноби ҳижрон ютмоғингни билди тут.

Ё эшитмас, ё эшиткач зулмин айлар бирга юз,
Ҳолинг ул золимга юз минг қатла беш айтилди тут.

Дема, санчиб ниши ҳижрон еткурай нўши висол,
Чун бу нўшунг ўлтурур, ул ниш ҳам санчилди тут.

Мотам ашки дурри чун туфроғинга сочилғуси,
Гавҳари анжум фалакдин бошинга сочилди тут.

Эй Навоий, кисвати фақр иста, йўқса чархнинг
Атласин кийдинг, гумон эт оқибат эскилди тут.

Келгил, эй қурбон қўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,
Чун вафодин тортилул, сен ҳам бориб бир гўша тут.

Чунки ул бизни унутмоғни соғинди яхши иш,
Сен дағи кел бир нафас они соғинмоғни унут.

Ул қуёш ҳар дам бўлул бир зарра бирла гарммехр,
Меҳр шамъин сен дағи бир ўзга ой бирла ёрут.

Ҳайф эрул ҳар шўҳи раъно юзига чун пок ишқ,
Шавқ ўтин кел сен дағи бу ишвагарлардин совут.

Эй пари, бир телба гар оввора бўлди ғам ема,
Одамийвашлар била нозук мизожингни овут.

Гар кўзум ёшиға ул гул мултафит бўлмас не ғам,
Гул булутдин тозадур, сероб эмас гулдин булут.

Даҳр боғида гиёҳи меҳр ҳаргиз бутмади,
Гар десангким кўрмайин бемеҳрлик бу сўзга бут.

Шаҳди айшинг заҳр этар гардун, сен ушбу жомдин,
Хоҳ комингни ачит, хоҳи мазоқингни чучут.

Тарк қил, сен ҳам Навоийдек ҳавосин, эй қўнгул,
Ёки ҳар дам бир тараф майлин кўруб, хуноба ют.

Оҳим, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат.

Ақлу дониш лофини урган кўнгул йиғлай юруй,
Ул париваш ҳажрида девона бўлди оқибат.

Қатра-қатра шодлиғ ашкинки сочтим васлида,
Барча ҳижрон қушлариға дона бўлди оқибат.

Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат.

Соқие, май тутки, ҳажр андуҳидин мен телбани
Фориғ эткан соғару паймона бўлди оқибат.

Чекма ун, оҳим кўр, эй Мажнунки, булбул кўп фиғон
Чекти, ўртанган вале парвона бўлди оқибат.

Бутқа гар бош қўймадим кўргилки, диним тухфаси
Дайр пири оллида журмона бўлди оқибат.

Дединг аввалким, Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,
Ҳеч билманким санга, жоно, на бўлди оқибат?

Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингга бот,
Ким қабул этман оғир деб, чиқса эгнимдин қанот.

Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташла ул юкни етишмак истасанг васлиға бот.

Шаҳсуворимнинг буроқи пўясинин қолди барқ,
Ким онинг феълан широб эритил, мунунг расми сабот.

Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.

Меҳр юз кўрмай ўчашди пардадин чиққач юзунг,
Олғали қўймас сариғ юзин қора ердин уёт.

Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.

Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солғандек набот.

Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.

Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.

Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилғаним,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,
Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.

Васл уммидиға тилармен умр, лекин войким,
Сенсизин кўрсам, тирикмен, ўлтурур мени уёт.

Истасангким, ул қуёш чиққач санга қилғай тулуь,
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,
Сўзидин куяр қалам, қурур қора, эрир давот.

Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Бияйниҳи анга кирпичлар ўлмиш икки қанот.

Безанса дарду бало шоҳиди ҳалоқим учун,
Мижам тароғдурур, эски тутанларим миръот.

Лабинг хаёлида ашким эрур ҳаёт суйи,
Фироқинг ичра қорарған кўзум анга зулмот.

Закот ўлур эди юзунг жамоли нақдиға меҳр,
Тажаммул аҳлиға юздин бир ўлса эрди закот.

Десангки, жонима ўт солмағайсен, эй соқий,
Такаллум этма майолуд лаб била ҳайҳот!

Қолурлар оғзин очиб ишқ аҳли пўямдин,
Соғ элга кулгу эрур телба айлаган ҳаракот.

Лабингки, жон берадур аҳли дард қони учун,
Навоий қониға гар майл этар мумидди ҳаёт.

Эй кўнгул, ёр ўзгалар домига бўлди пойбаст,
Сенга мушкил ҳолату бизга қатиқ иш берди даст.

Васл торин чекти ул, мен дағи чектим, оҳким,
Риштани уздию бўлдум ҳажр туфроғига паст.

Неча бош қўйдум йўлида, ваҳки, қилди поймол,
Заъфлиғ жисмимга зулфи торидек солиб шикаст.

Заҳра йўқ, мужиб сўрарға бўлмасун, ё Раб, киши
Муфлису ошиқ, севар дилдори — мустағнию маст.

Соқие, бу ишга беҳудлуғдин ўзга йўқ илож,
Мужда муғ қўйига еткурғилки, бўлдум майпараст,

Ғарқ ўлай май баҳри ичра рост ул ғоятқача,
Ким солиб бўғзум аро чеккай ажал қуллоби шаст.

Эй Навоий, журм узри даштида қил пўяким,
Яхши эрмас зуҳд занжирига бўлмоқ пойбаст.



Субҳ эрур соқию мен махмурмен, сен майпараст,
Тут қуёшдек жомни, мониъ недур бўлмоққа маст?

Тийра шоми ҳажр аро, ваҳ, асру кўп чектук хумор,
Маст ўлали бу нафаским, васл субҳи берди даст.

Кун бийик чиққунча ҳўю нолани паст этмали,
Кўп бийик чиққай бу кунким бўлғабиз биз ерга паст.

Анжуман аҳли юзин гулгул қилали май била,
Меҳрдин топқунча анжум гуллари бир-бир шикаст.

Чарх мотам еткурур, биз доғи онча йиғлали,
Ким қуҳан ғамхонаси ул селдин қилсун нишаст.

Гар шафоатқа малойик келса, номаҳрам дебон,
Меҳр шаклидин фалак йўлин қилали хорбаст.

Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,
Ким азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.

Жунун тоши уруб ҳар ён янги доғимни афгор эт,
Ичимдин лоладек, ишқ ичра тошимни намудор эт.

Чу мажнун қилдинг эмди, эй муғанний, гўшатобингни,
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнумға тумор эт.

Десанг, кўнглум қуши айлаб ҳаво, чеккай навойи ишқ,
Хадангингнинг парин айлаб қанот, пайконни минқор эт.

Сочинг куфрида ўлсам қабрим узра қўйма хирқамни,
Чекиб ҳар торини бир барҳаман белига зуннор эт.

Кўнгул айвонида оҳим елидин пардаи ишқинг
Десангким, учмасун, мужгондин атрофиға мисмор эт.

Десанг оғзин кўрай, эй ақл, марказ нуқтасин иста,
Вале шарт ушбуким, аввал қуёш даврини паргор эт.

Иморат тарҳидур наълу алифдин ҳар тараф кўксум,
Вафо қасрин қўпарсанг, бу бинолар узра девор эт.

Эрур мақсад йироқ, водий — узун, тун — тийра, йўл — буртоқ,
Бу йўлда салб этиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор эт.

Навоий ўлса тиргузгил, юзига юз қўюб, яъни
Юзига су уриб ул уйқусидин ани бедор эт.

Вужудум ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут,
Худой учунки, мени қайда кўрдунг анда унут.

Кўнгулни васл чароғи била, дединг, ёрутай,
Туташти чун бизнинг уй эмди ўзга уйни ёрут.

Чу васл куймак ила ҳосил ўлмади, эй кўз,
Таҳассур ашки била шуълалиғ кўнгулни совут.

Жунуни дафъиға кўнглумни доғ этай дебсен,
Бу доғ саҳлдурур, ҳажр доғидин кўрқут.

Бухори оҳим эрур лойиқ, англагил, эй ашқ,
Баҳори ҳусниға ногаҳ кераклик ўлса булут.

Не воқиъ ўлса чу тақдирдин эмас хориж,
Бас ўктадур қилуридин кишига бермак ўгут.

Навоиё, бу ўтар олам ичра беш кун қил
Ўзунгни май била машғулу ишқ бирла овут.

Кўнглум олди бир парипайкар малаксиймо йигит,
Ким бани одамда андоқ бўлмамиш пайдо йигит.

Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, нутқи хуш,
Кўрмадук бу навъ маҳваш чобуку раъно йигит.

Ишқида кўзу кўнгулнинг бир-биридин рашки бор,
Аллоҳ-Аллоҳ, бўлур эрмиш мунча ҳам зебо йигит.

Зорлиғлар бирла ўлмай топмағумдур худ висол,
Не учунким мен қари қулдурмен, ул мирзо йигит.

Йўлида юз минг куҳанпир ўлса, қилмас илтифот,
Кимса кўрганму экин бу навъ бепарво йигит?

Йўлунг узра ҳам гадомен, ҳам қари, ҳам хаста ҳол,
Бир боқиб ўт ҳолима ҳуснунг закоти, о йигит.

Дайр пири мазҳабин тутмай, мусулмонлар, нетай,
Олған ўлса нақди иймонимни бир тарсо йигит?

Бош оқарди, сабза хатлар тарки тутсам яхшироқ,
Ким хуш эрмастур йигитлар базмида, илло йигит.

Эй Навоий, қариб ўзни солмаким, айлар сени
Бир қадаҳ май бирла ул шўхи қадаҳпаймо йигит.

Маст чиқти яна ул қотили бебок йигит,
Чок айларга кўнгуллар ёқаси чок йигит.

Ақл пирини фано дайрида расво қилди,
Ким кўрубтур бу сифат золиму бебок йигит.

Етти иқлимда офат йигитимча эрмас,
Қуёшидин ясаса бу етти афлок йигит.

Гаҳ қилур зулму гаҳе қатл ҳавас, ким кўрмиш
Қотилу золим аро бўйла ҳаваснок йигит?

Поклик пардасида тутсун ани Эзиди пок,
Ким эрур асру юзи поку ўзи пок йигит.

Қаридинг, ўзни қорилар сари солким, ярашур
Кирса чолок йигит базмига чолок йигит.

Эй Навоий, йигитинг назминга майл этти, севун,
Ким насиб ўлди санга соҳиби идрок йигит.

Яна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонға ўт,
Солди ўт ҳижрон манга, ё Рабки, сол ҳижронға ўт.

Айтқай киймиш жунун мулки шаҳи заркаш либос
Кўрган эл, бу навъким тушмиш мени урёнға ўт.

Гўйиё бўлди қуюн ғам даштида эскан самум,
Йўқса тушти мен киби мажнуни саргардонға ўт.

Манзилинг эрди кўзу кўнглум, вале сен борғали
Муни су қилди харобу тушти ул вайронға ўт.

Мен дағи қуймай қутулмоқ, эй кўнгул, мумкин эмас,
Бўйлаким солди дамим ғам даштида ҳар ёнға ўт.

Дуди оҳим дош дудидекму равзандин чиқар,
Ё солибтур фурқатинг бу кулбаи аҳзонға ўт.

Гар манга ўт солди даврон ҳажридин, бас айб эмас,
Мен дағи солсам дамодам оҳ ила давронға ўт.

Не учун ашжордин йиғмиш ўтун, эй боғбон,
Оташин гулдин агар урмас фалак бўстонға ўт.

Эй Навоий, тан қолиб жонимни олиб борди ёр,
Солди ул борғанға ўт, ҳижрон вале қолғонға ўт.

Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот,
Ким борур ёйқалибу қайтмас ул оби ҳаёт.

Зулфи оллинда бинафшаки, бошин солди қуйи,
Ани кўрмакка ҳамоно мунга мониъдур уёт.

Ҳаракат қилса лабинг туз тўкулуб шаҳд оқар,
Тузлуқ эл кўп, бири йўқ сен киби ширинҳаракот.

Терлаган лаъли гулоб ичрамудур гул барги
Йўқса усрук кўзиму солди арақ ичра набот.

Кўнглум ул гулга қилиб майл, фиғонким, булбул
Орият истадиму бермади бир лаҳза қанот.

Бу чаман ичра хазон сарсаридин сарв киби,
Ғами йўқ тузлук ила кимки шиор этти сабот.

Кўр Навоийники кўнгли уйидур бутлар ила
Ўйла бутхонаки, анда тўладур Лоту Манот.

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лаболаб бодаошомимға айт.

Ком талху бода заҳру ашк рангин бўлганин,
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди деб,
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ҳажрида нангу номким, тарк айладим,
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға, айт?

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.

Хирмани рухсориға солмиш майи гулнори ўт,
Ўйлаким, гул хирманиға оташин рухсори ўт.

Ҳажр шомӣ ғам сипоҳин, кўрки, кўнглум даштида
Най ёқибдурлар черик тушган киби ҳар сори ўт.

Ўт агар итса жаҳондин, оҳим ўлса, ғам эмас,
Еткурай бир дамда юз аввалғи ўт миқдори ўт.

Ғар ҳарорат мужиби эрмас чучуклук, бас недур
Ҳар замон жонимға солмоқ лаъли ширинкори ўт.

Фўтаӣ зарбафт эмас ул шўҳи раъно бошида,
Ким аён қилди узори тобидин дастори ўт.

Май батининг кўр нишотафзолиғин ҳузн аҳлиға,
Ким сочар суҳбатни гарм айлар учун минқори ўт.

Ғар Навоӣ ўхшатур кўкни тутунга, айб эмас,
Чун булутқа урмиш анинг оҳи оташбори ўт.

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонға тушти ўт.

Дедилар: эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти,
Бу сўз эшиткач, мени бехонумонға тушти ўт.

Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,
Барқи офат чоқилиб ул корвонға тушти ўт.

Ўқларинг кўнглумга тушкач куйди ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт.

Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонға тушти ўт?

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдурғали,
Элга ўт солдинг вале, мен нотавонға тушти ўт.

Эй Навой, билки оҳе чекмишам беихтиёр,
Десаларким, бешайи Мозандаронға тушти ўт!

Войким, душмандек ўлди аҳдидин бегона дўст,
Душманим ўлтурса, аҳд этгимки, тутмай ёна дўст.

Соғаримда захру саҳро узра пўям шиддатин
Билмас улким, бор анга ҳамкосаву ҳамхона дўст.

Жон қуши ўртанди севгач ёрнинг ўтлуғ юзин,
Найлағай куймай, чу бўлғай шамъ ила парвона дўст.

Водийи ҳижронда ағёриға ёр ўлдум, не тонг
Гар бўлур гули биёбоний била девона дўст.

Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли
Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст.

Аҳли дин паймоншикандур, қилса бўлмас дўстлуқ,
Бас манга муғ дайрида улким, тутар паймона, дўст.

Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.

Бош қўярмен куп аёғинда май ичсам пайваст,
Қани муғ дайрида мендек ёна бир бодапараст?!

Ҳажридин токи кўнгул синди, оқар гурмай қон,
Шишадекким, тўкулур бодаси чун топти шикаст.

Дин ҳавас айласам, ўлтурмангиз, эй муғбачалар,
Ким бурун тавба ушатқан куни бўлмишмен маст.

Мену майхонаки, соқию муғанний қилмиш
Чанг зулфию тараб соғари бирла побаст.

Жоҳ базми аро саркашлик ила топма гурур,
Ким бўлур бўйла бийиклар яна бир жом ила паст.

Йўқ ҳарифеки, фано даштида қўллар тутушуб,
Бўлса йўл қатъида ҳампой мангаву ҳамдаст.

Мени усрук кўрубон жомим ушатма, эй шайх,
Ким бу янглиғ мени маст этган эрур жоми аласт.

Селдин томға нишаст ўлғонидек, дайр ичра
Бода селобидин ўлди мени вайронға нишаст.

Фарқи май бўлди Навоию эрур ўйла заиф,
Ким суроҳий қилидин солса бўлур бўғзиға шаст.

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ
САМАРАСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

89

Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис,
Хавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё
Нуқтани дона, хутутини дом қилди ҳадис.

Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин,
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Чибинни шахд нечукким йиғар, такаллумдин
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Зиҳи такаллуми муъжизнизомким, келгач,
Араб фасиҳлариға ҳаром қилди ҳадис.

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.

Ёр дерким, баҳс қил эрним билаким, не учун
Кўнглунг олиб қасди жон этти қилай жон бирла баҳс.

Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жунуним не жадал,
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.

Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонғадур,
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонға жонон бирла баҳс.

Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,
Олими шаҳр этмағай ғули биёбон бирла баҳс.

Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмағил,
Ким гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.

Менинг жунунума гар ул пари эрур боис,
Халокима қад ила пайкари эрур боис.

Дема, недин куясенким, анинг юзу лабидин
Бу ишга шуъла била ахгари эрур боис.

Кўнгул қуши туну кун мулки бохтар сари
Хаво қилурға маҳи ховари эрур боис.

Мангаки, ғамзасидин ўлмишам, ҳаёти абад —
Хаёлиға лаби жонпарвари эрур боис.

Чаманда булбул этар шавқ нуктасин такрор,
Ки гул варақларининг дафтари эрур боис.

Ул ой фироқида ашким оқарға шому саҳар,
Тулуъи Зуҳра била Муштарий эрур боис.

Кўнгулни чоку бағирни шикоф истарима
Анинг қиличи била ханжари эрур боис.

Ҳамеша дайр ичида бўлмоғимға муғбачалар
Карашмасию фано соғари эрур боис.

Навоий ўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ
ЖИЛВАСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

92

Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж,
Ки ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж.

Агар кишига чекиб ранж, ганж бўлди насиб,
Деса бу ганжни асрай, йўқ андин ортуқ ранж.

Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,
Бу ғуссасанждур, олған киши—фароғатсанж.

Йилон киби, не ажаб, ганж асраған кишининг
Ҳамеша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.

Замона жоҳи учун ҳар ғулулайи ташвиш,
Ки келса кўнглунг уйини анга қилурсен ханж.

Десангки, фард ўлай элдин кўнгулни холий тут,
Ки тоқ дерлар агар ханж сари отсанг ланж.

Боши қуйидурур озода савсан оллинда,
Чу наргис ўлди чаман махзанида нақд-ул-фанж.

Тариқ киби сўюлур талхкомлиқ бирла,
Тариғ-тариғки, йиғиштурди олтунин норанж.

Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,
Навоий, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.

Эй гадоингнинг гадои барча аҳли тахту тож,
Ким гадоингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж.

Кўзларинг оз журм учун қилса итоб эрмас ажаб,
Бор муайянким, бўлур беморлар нозук мизож.

Гар санавбар тузмамиш сарвинг хилофин кўнглида,
Ел чинор илги била невчун урар юзига кож.

Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,
Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирож.

Сен жафо қилғач, кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.

Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл, войким,
Тоза доғимға ёнар ўт бирла айларсен илож.

Чун фано гарди ёпар, не суд, тахти жоҳинга,
Кўкнинг анжумдин мукалал атласин қилсанг дувож.

То гадоингдур Навоий тахт ила тож истамас,
Эй гадоингнинг гадои барча аҳли тахту тож.

Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқға ганий қилған киби динор харж.

Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқим, бўлур
Кечкурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.

Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар
Сен киби маҳбуби васлин, айлағай ночор харж.

Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос,
Айлағандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.

Баҳри раҳматдинки, топтинг, халқ уза бир қатра бас.
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж.

Мағфират ганжи санга тамлик эрур, мониъ эмас,
Айласанг исёни кўп умматқа ҳар миқдор харж.

Сен киму наътин демак, тил асрағил кўп нуктадин,
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.

Майи лаълинг эрур жон бирла мамзуж,
Йўқ эрса оби ҳайвон бирла мамзуж.

Жигаргундур сиришким, негаким бор
Бағир бу ашки ғалтон бирла мамзуж.

Жаҳонни бузди ашким оҳ иланким,
Эрур сарсар бу тўфон бирла мамзуж.

Қушулди кўзларимнинг ашки ваҳм эт,
Ки Қулзум бўлди Уммон бирла мамзуж.

Кўнгул қон бўлдию ишқинг ўтидин
Бу қон маҳлул пайкон бирла мамзуж.

Юзига тушти зулф, айланг наззора,
Ки бўлди куфр иймон бирла мамзуж.

Манга ҳар майки, тутти соқийи давр,
Бурун қилди ани қон бирла мамзуж.

Майи васл истама кўп, эй кўнгулким,
Эрур ул заҳри ҳижрон бирла мамзуж.

Навоий сури мотам бўлдиким, бор
Суруди айши афғон бирла мамзуж.

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ
ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

96

Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгул захмин яшурайким,
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Бўёлган қон аро жон пардаси еткач ғами ҳажринг,
Кўнгул боғида баргедурки, ол ўлмиш, хазон кўргач.

Хадангинг захми ичиндин балоларни юган ёшим,
Эрур тифлеки, олғай қуш боласин ошён кўргач.

Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмоғинг бурқаъ
Анингдекдурки, юз боғлар қарақчи корвон кўргач.

Юзин зулф ичра то кўрдум ўлуб васлиға етмасмен,
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.

Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулѳузор ѳлғач,
Қуруқ шох ѳйлаким зоҳир қилур гуллар, баҳор ѳлғач.

Қошин кўргач ҳасаддин истарам эл кўзи боғланғай,
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ѳлғач.

Жунун эрмас кийиклар суҳбати дермен манга шояд,
Бир ѳқ теккай ғалат, ул қоши ё гарми шикор ѳлғач.

Ҳавас ишқ айлаган озода, кечкил бу ҳаёлингдин,
Ки чиқмас бу тикан кўнглунгда ногаҳ устувор ѳлғач.

Дейолмас дард ила иттим, вале билгилки, чекмишмен,
Бир оҳе барча олам ғусса дуди бирла тор ѳлғач.

Қилиб манъи жунунум ул пари кўйига юзланган
Сўзи ҳашв эрканин фаҳм айлағай, беихтиёр ѳлғач.

Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшиду Афридун?
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ѳлғач.

Ғурури жаҳл жоми бирла маст ѳлмаки, ѳлмакдур,
Маозаллаҳ, бу майға чарх давридин хумор ѳлғач.

Навоий шамъдек йиғлаб, куюб ҳолимни шарҳ айлай,
Ул ой базмида бир тун рост ошиқларға бор ѳлғач.

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти қўнгул бўлғоч хароб,
Сув қўюб тухм экинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Ошкор айлаб юзин қўзумни ҳайрон айлади,
Ё шурун олди қўнгул қўзумни ҳайрон айлагач.

Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди қўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар қўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ич,
Нафас-нафас қуюбон май тўла-тўла қадаҳ ич.

Мукаддар ўлса замиринг замона меҳнатидин,
Агар десанг, берай ул кўзгуга жило, қадаҳ ич.

Нишот базмида соқийи моҳваш сархуш
Бош урса дағи аёғ тутса, қўл сола қадаҳ ич.

Жаҳон ишида боқиб халқ ибтилоларига,
Алардек истамасанг ўзни мубтало, қадаҳ ич.

Десанг халоу-малода бўлай нишот била,
Агар мало, қадаҳ ичкил, вагар хало, қадаҳ ич.

Риё ичинда неким ҳосил эттинг, эй зоҳид,
Десанг халос ўлай, эт раҳну ҳосило, қадаҳ ич.

Сангаки дайр элининг шоҳисен, Навоий, агар
Йўлуқса дайрда махмур, уруб сало, қадаҳ ич.

Фақр аҳлиға подшо муҳтож,
Ўйлаким шоҳға гадо муҳтож.

Ёрға билгач эҳтиёжимни,
Бўлмадим кимсага яна муҳтож.

Иштиёқим кўп, эҳтиёжим ҳам,
Анга муштоқмен ваё муҳтож.

Йўқ гадолиғда ихтиёримким,
Тенгри қилмиш мени санга муҳтож.

Кўйига кирганимда тавсан эдим,
Лек бўлдум тура-тура муҳтож.

Тенгри раззоқ келди, рўзи учун
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.

Бенаводур Навоий оллингда,
Тонг эмас, бўлса бенаво муҳтож.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРОМИЙЛАРИ
ҲУСНОРОЙЛИҒИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

101

Зиҳи тилинг ана афсаҳ такаллумида фасиҳ,
Сен амлаҳ ўлдунг, агар дилраболар ўлди малиҳ.

Тулуғи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,
Зиҳи камоли сабоҳат, зиҳи жамоли сабиҳ.

Хаамири мояйи жисмингдин ортқанни қазо,
Ики баданда қилиб руҳ атади Хизру Масиҳ.

Фалакни чок қилиб ўтганингда гар баъзи
Таваҳҳум айлади, шаққул-қамарда бўлди сариҳ.

Қадам қуёш уза қўйдунг уруж шоми не тонг,
Кафингни гар яди байзоға қилсалар таржиҳ.

Эрур каломеким, анда ҳуруфи иллат йўқ,
Қаю ҳадиски, сендин баёнға келди саҳиҳ.

Эмас Навоию мадҳинг демакка ҳад, басдур
Анга бу қадрки, модихларингга бўлса мадиҳ.

Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ,
Ки руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Вафоға ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил машруҳ.

Ҳаёт ёр висolidур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.

Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ.

Фигонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шаъшасидин эл ичра топти вузуҳ.

Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футуҳ.

Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлагай мазбуҳ.

Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ,
Ки йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Бир ой фироқида беҳудлуғ истарам тўла тут,
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдоҳ.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,
Тутарбиз аҳли вараъ, кимки ани тутса мубоҳ.

Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштук, эй соқий,
Магарки вовини иълол этиб қилибсен роҳ.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ.

Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса, ё Фаттоҳ.

Не эрди майкада ғавғоси, раз қизин гўё
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.

Нега, кўргузди совуғ оху сариғ рухсор субҳ,
 Гар ниҳоний меҳрдин мендек эмас бемор субҳ?

Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,
 Кўнглакин чок айлабон тоғ узра Мажнунвор субҳ?

Меҳрдин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,
 Юзда невчун кавкаби ашкин қилур изҳор субҳ?

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момуқ,
 Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ?

Гам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,
 Ким анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.

Кун шуой хатлари эрмаски тутмиш мотамим,
 Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.

Соқий, тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин,
 Биз кетиб бу навъ толий бўлғуси бисёр субҳ.

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,
 Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

Рўзау гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ,
Не қўнгул хушлуқ била тортай мени маҳзун қадаҳ?

Ё мени маҳрумға хунобаи ҳижрон бериб,
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадаҳ.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун қадаҳ.

Соқийё, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадаҳ.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадаҳни солмағил,
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ.

Жом эрур мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,
Лолалар саҳрода бас, гар истаса Мажнун қадаҳ.

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, вагар олтун қадаҳ.

Юз қадаҳ қилғил мурассаъким чекарсен жоми марг,
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаҳ.

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадаҳ?

Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух,
Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоза рух.

Руҳи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,
Не ажаб бўлса равон бўлғанда элга тоза рух.

Кўйи гардиндин ўлук жон топса тонг йўқ, негаким
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза рух.

Бўлғуси жонон киби бўлса мужассам сурати,
Хулла кийса суртубон жаннат гулидин ғоза рух.

Чиқти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,
Зор ул пайкарга жон, вола бу ҳусну ноза рух.

Шавқ тийғи бирла солик айласа кўнглини чок,
Файз шаҳристони сайриға топар дарвоза рух.

Эй Навоий, шукрим, йўл топти жонон кўйига
Ҳажр шоми зулматида йўлни оза-оза рух.

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ
ХИРОМИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

107

Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.

Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,
Ки ваҳм этгай бошиға соя солмоқтин ҳумо густох?

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.

Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмайсен,
Самандар бўлмағунча кирса бўлмас ўт аро густох.

Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.

Шужоат бирла кирмак кулбаи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.

Чу топмас ҳар неким тақдирдур, бу дайр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.

Не нозук ҳўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, дейолмаслар дуо густох.

Навоий ишқ истиғносини то англади, ваҳким,
Қила олмас фиғон фориг, чека олмас наво густох.

Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах.

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришкдин рах-рах.

Ғариб келмади ширин лабингға аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хастаға талх.

Кўнгул фано кучидин зўрбозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах.

Навоий эғни ялангдур демангки, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.

Магар шах ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр,
Ки қилмиш ўн кечалик ойни эғнида ночах.

Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх,
Лек эрур сарви парирўюм менинг бисёр шўх.

Гар менинг шўхи ситамкорим паризод ўлмаса,
Мумкин эрмас одамий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.

Турмаса қон бу кеча қўксум шикофидин не тонг,
Ким эрур кўнглумга кирган чобуки айёр шўх.

Ваҳ, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким, дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.

То етишгай жонға еткурған кўнгулға юз бало,
Шукр этарменким, насиб ўлмиш манга дилдор шўх.

Шўхлардин туз қадам қўймоқ чу келмас, воқиф ўл,
Ким ситамгар чобукедур чархи кажрафтор шўх.

Гар десангким жонға етмай ҳар замон бир жавридин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.

Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмақ бодаи гулфом талх.

Шоми ҳажримдин не оғаҳ улқи ҳижрон тунлари
Тонгға тегру тўкмади шўробани бир шом талх.

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин,
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

Оғзидин аччиғ сўз айтиб зоҳир етса заҳрчашм,
Айб эмастур писта шўру тонг эмас бодом талх.

Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас они заҳрошом талх.

Носабур ўлмас кўнгулға етса хуноби фироқ,
Не учунким талх май ичкандин ўлмас жом талх,

Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг заҳри бирла они даҳри нофаржом талх.

Васл жомидин, Навоий, элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолдик ўз ойи ҳажрида мендек болоға чарх.

Гар хонумоним истамас эрди қаро, недин
Қилди асир ул кўзи, қоши қароға чарх?

Фарҳод бирла Вомиқу Мажнун чиқиб эди,
Солди мени алар авази деб ароға чарх.

Ул не қуёшдурурки бажуз садқа айламак,
Топмас анга ўзин неча қилса мароға чарх.

Не реву макр эрурки, кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлин гадоға чарх.

Фам шоми борди ул қуёш андоқки, гардини
Топмас тилаб ўкуш кўз ила тўтиёға чарх.

Май тутки, фоний ўлди фалакдин баче бино,
Ҳаргиз ҳалал етурмади дайри фаноға чарх.

Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида
Ҳаргиз чу майл қилмади расми вафоға чарх.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт,
Ким сен киби забун эрур амри қазоға чарх.

Хонақаҳда ҳалқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё ҳаёли банг ёхуд хонақаҳ фикри эди,
Ҳар каромоту мақомотеки ифшо қилди шайх.

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд
Қилғали, девоналиғлар ошкоро қилди шайх.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуҳҳолдин
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муридименки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр аро тинди қулогим, роҳибо, зикринг бахайр,
Ким саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади,
Ким манга тартиб важҳи раҳни саҳбо қилди шайх.

Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох,
Ҳаёт гулшанининг сунбулидурур ҳар шох.

Бошингдин айрилибон шох-шоҳ ким кўрмиш
Бу навъ сунбули тар бўлганин саросар шох.

Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв,
Ки икки ёнидин айрилмиш икки аҳзар шох.

Қадинг хиромида илгинг жафоси ўқсумадӣ,
Ғариб нахлки, дойим анга берур бар шох.

Лабингки, бодаӣи лаъл андин оқти маст ўлғач,
Эрур мушобиҳи маржону анда аҳмар шох.

Қади ҳаётим эрур, урса тошу тортса тийғ,
Бу нахлдин хуш эрур гар самардурур, гар шох.

Чу ёғди тоши Навоӣйға кўп шикаст ўлди,
Қуруқ йиғочқа ёғиб жола синди аксар шох.

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ
ДАВРОНИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

114

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Суратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Шаҳларға гадо андоқким келди букун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шаккарга азубатда нутқунг не ажаб кулса,
Ким эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган киби йўқ «Пожанд».

Не келса Навоийға сендин юз эвурмаским,
Ул зарра дурур, сен — меҳр, ул бандаву сен — хованд.

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен, айла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд. Сен ким, элга бермак панд?!

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Бўлуб нафсингға тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилғанин кўргач кўнгул берма,
Ки бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,
Бу важҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Юзунгда ҳар саридин эгма қош эрур ёхуд
Бут оллида ики ҳиндуға воқиъ ўлди сужуд.

Май ичти деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар,
Ки раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.

Қадаҳки, дайрда истармен ушбу кўзгудин,
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.

Дедимки: суд қилай жон бериб висоли учун,
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд?!

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд?!

Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа захрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушкил эрмиш асрамоғлиғ дуд.

Яда тошиға қон етгач ёғин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.

Чу қўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони ўйлаким, қилғай киши хушнуд.

Жунун бу бўлсаким, ёғди париваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали маслуд.

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрким, боре
Сенинг хуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.

Туну анжум дема, давронға роҳат қилмасун деб майл,
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни қийрандуд.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, найлайин қай соридур беҳбуд.

Навоий, Катъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо хувал-мақсуд.

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд?

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Гўёки, вафо илмин унутмиш эди устод.

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға,
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Ўлугни киши дафн эта олмас, вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамийким, бўлса анинг ёри паризод.

Айламас ҳар навъ бўлсам ул бути раъно писанд,
Бўлмаган кўп яхшироқ оламда мендек нописанд.

Умр ўтуб бир хидматим ул ой писанди тушмади,
Ваҳ, не умр эркин, не қилсам айлағай оё писанд?

Ёр агар мушkilписанд ўлмиш кўрунг мушkilки, бор
Менда юз мушkil иш, ул қилмас бирин аммо писанд.

Ишқида қилдим жаҳондин қатъу жондин ҳам, не суд,
Чунки ул жону жаҳоним айламас қатъо писанд.

Эй кўнгул, куйдур тамаъ тухмин, таманно мазраин,
Бу экинни чунки ҳаргиз қилмади доно писанд.

Давлати фақр истагил, невчунки бор, ул кўй аро
Сидқ ила киргач, агар аълову гар адно писанд.

Чун фано шолини кийдим атласинг йиғ, эй сипеҳр,
Ким бу бозор ичра эрмас ҳаргиз ул коло писанд.

Соқие, бер ўтки, кул қилғай вужудум хирманин,
Айламан ҳайвон суйинким, айлағай ихё, писанд.

Бу не ақлу зуҳд бўлғай, зоҳидоким, қилмағай,
Мен киби оламда бир девонайи расво писанд.

Кеч бу боғу гулларидин ҳам Навоийким, эмас
Аҳли таҳқиқ олдида дунёву мофиҳо писанд.

Топқали хокий танимға новаки ишқинг кушод,
Кўнглум айтур хайра мақдам, жоним айтур хайрбод.

Хатмудур ёхуд баёзида юзининг килки сунъ
Хўблуг туғросини зангор ила қилди савод.

Хаттининг васфин ёзармен кирпику холи била,
Хат ёзарда чун заруратдур қалам бирла мидод.

Таън қилмангким, бўлуб ошиқ муроде топмадинг,
Ким эрур бизга бу иштин номурод ўлмоқ мурод.

Кирди гар шайдо кўнгул, эй ишқ, носих пандиға,
Ғам ема девоналар хўйиға бўлмас эътимод.

Бу нафаским ўлгали етмишбиз анинг ёдидин
Ул Масиҳо бир иёдат бирла қилмас бизни ёд.

Эй Навоий, ғам ема бошингға бўлсун мустадом
Улки, бордур вориси тахти Жаму тожи Кубод.

Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғлуқтин газанд.

Дард ўтин ёқти кўзумга ҳажр, чун кўрдум юзин,
Куйдурур албатта ҳар доруки, бўлғай судманд.

Бу қизарған кўз аро мардум эмаским, эл кўзи
Тегмасун ҳуснунгга деб ўт узра солибмен сипанд.

Токим ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзум,
Истабон жинсият оғриқ шевасин қилмиш писанд.

Кўзларим лаълиға ҳамранг ўлди, ваҳ, не ҳол экин,
Ким бу аччиғ йиғлаган сойи ул айлар нўшханд?

Кўзни бир из туфроғидин равшан этким, суд эмас
Шофи кофурий чекиб, осмоқ анга мушкин паранд.

Ул қуёш ҳажринда билманким, Навоий кўзига
Барча олам тийрадур ё боғламишдур чашмбанд?

Чекар ун кўнглум урсанг тийғи бедод,
Не тонг, су қуйғач этмак шуъла фарёд?

Кўнгул сенсиз топар ғам шодлиғдин,
Ғаминг етгач, вале айлар ани шод.

Не тонг мажнунлуғумким, жилва айлар
Кўзумга лаҳза-лаҳза бир паризод.

Кўнгулни, соқие, майдин қилиб хуш,
Бузугни сел ила айларсен обод.

Мени шод айлагил бир журъа бирла,
Ки ғамдин жонға етти жони ношод.

Санам оллида майдин бош кўтарман,
Ки қилди дайр пири мундоқ иршод.

Сенинг ёдинг била ўлди Навоий,
Тириг бўл, гарчи они қилмадинг ёд.

Жилвада ҳусн аҳли ичра кўрмишам бисёр қад,
Қоматингдек зоҳир эткан кўрмадим рафтор қад.

Кўйига борурға йўл берди алифдек фол аро
Чунки мен қилдим тафаъул, зоҳир этти ёр қад.

Не санавбар қолди ўз ҳолида, не гул боғ аро,
Гул киби юз бирла кўргуздунг санавбарвор қад.

Юз кўнгул бирла санавбар бедил ўлғай қаддиға,
Жилва берса, зорлар кўнглин олиб дилдор қад.

Сунъ килки бир алиф чекмиш қадинким, ўхшамас
Бир анга ҳусн аҳли тортиб машқ учун бисёр қад.

Озими майхонаменким, ногаҳ ул жониб манга
Кўргузуб қилди ниҳон ул маҳваши хаммор қад.

Эй Навоий, ул қуёш васлин гадолиғ қилғали,
Зоҳир айлабмен сариғлиғ далқу гардунвор қад.

Мендин эл ҳар сўз деса, бовар қилур ул сарвқад,
Йўқ манга сўз дерга ҳад, ҳар не десам ҳам барча рад.

Чун деса мақбуллар кўп нукта, мен мардудмен,
Менки қавлум барча рад, сўз дерга топқайменму ҳад?

Бевафо аҳбобдин бир ҳам манга бўлмай мумид,
Турфа кўрким, барча айлар муддаий сори мадад.

Турфароқ будурким, улким жон анга қилдим фидо,
Бовар айлаб ҳолима ҳар неки, деб аҳли ҳасад.

Даҳр элидин гўша тутмоқ бўлди авло ўйлаким,
Тутмағай ул қавм отин, топса киши умри абад.

Соқийё, беҳушдору эз, дағи тут бодаким,
Андин ўлсун ҳушдору ўйла зойилким хирад.

Риндлар сархайли мендурмен бугун дайр аҳлиға,
Майкада туфроғидин маснад манга басдур санад.

Ишқ водийсинда мақсад ичрадур аввал қадам,
Ўзлугунг кўҳи балоси бўлмаса оллингга сад.

Эй Навоий, қил фано ҳосилки, истар чоғда дўст
Белга руст айлаб этак тебрарга бўлғайсен муад.

Йўқки оҳимдин қилибдур тийра бу вайронни дуд,
Ким қоронғу айламиш вайронайи давронни дуд.

Дуди оҳимким, чиқар уй тунглукидин бутрабон,
Дошхона айламиш бу кулбайи аҳзонни дуд.

Оҳ дудиму экин ё ишқ уюмга солди ўт,
Буки тутмиш ҳужраву гунбадни дуд, айвонни дуд.

Ҳажр зиндони сияҳчол ўлди оҳим дудидин,
Эмди зиндон этти ишқ аҳлиға бу зиндонни дуд.

Оҳ вақти чун оқар ашким қаро ҳижрон туни
Муҳрае айлар шаба ҳар бир дури ғалтонни дуд.

Тийра оҳим ҳар дам андоқ тўлғашур бўғзумғаким,
Чиққали қўймас кўнгулдин нолаву афгонни дуд.

Кеча ул ой кўйи даврида чекибмен ўтлуғ оҳ,
Хайли анжумни шарар бил, гунбади гардонни дуд.

Чарх мотам кисвати бермиш манга ё оҳдин
Пардаи шабгун била ёпмиш мени урённи дуд?

Бода шамъи бирла, эй соқий, ёрут кўнглумниким,
Оҳдин қилмиш қаро бу кулбайи вайронни дуд.

Олам аҳлининг вафосизлиғларидин чексам оҳ,
Сунбулистон айлағай юз гулшану бўстонни дуд.

Эй Навоий, асру равшан эрди ҳажрим шомиким,
Тийра оҳимдин қорароқ ҳам қилур ҳижронни дуд.

Унутмағилки то ҳажр этти бедод,
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд.

Кўнгул ёд этмасингдин бўлса ғамгин,
Вале руҳум эрур ёдинг била шод.

Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,
Бу уйда кўп бузуғлуғ қилди бунёд.

Қул ўлди сарв то гулгашт этарга
Қадинг базми тарабдин қўпти озод.

Мени гаҳ дашту гаҳ тоғ узра кўрган
Тирилмиш соғинур Мажнуну Фарҳод.

Кўнгулни май била маъмур қилким,
Хумори давр ани қўймас обод.

Навоий телба бўлган чоғда кўрди,
Пари бирла ани соғинди ҳамзод.

Ваҳки, ҳар соат бўлурмен васлидин еткач навид,
Ёрдин уммидвор, аммо ўзумдин ноумид.

Деди, меҳмонинг бўлуб юз жавр ила айлай ҳалок.
Ваҳки, бор ул шўхнинг ҳар ваъдасинда юз вайд.

Қатлим эттинг, айласунлар элтибон кўюнгда дафн,
Ким борур жаннатқа зулмунг тийғидин бўлган шаҳид.

Тикти кўксум чокину тийғин танимда қилди гум,
Эл эшикни қуфл этиб туфроққа кўмгандек калид.

Исларам кўюнг итининг нечасин, не ишкаким
Онча осойиш димоғимға етурмас мушкбид.

Дўст чун жон ичрадур, қўй «наҳну ақраб» сўзини,
Тут бўюн баским, яқинроқ келди «мин ҳаблил-варид».

Эй Навоий, шаҳ хаёлин асра кўз мулки аро,
Ким эрур ҳам Боғи Зоғон анда, ҳам Боғи Сафид.

Иш манга қилмоқдурур ул шўҳи бепарвони ёд,
Ул унутмиш аниким, қилғай мени шайдони ёд.

Хулд аро бўлсам анинг қўйин соғинғум, ваҳ, не тонг
Гурбат ичра айламак эл манзилу маъвони ёд.

Бўйлаким лаълинг майининг шавқидин маст ўлмишам,
Бодадек қоним тўк, этсам бодайи ҳамрони ёд.

Лаъли элни тиргузурда ўзгаларни ёд этар,
Ўлтурурда ғамзаси айлар мени расвони ёд.

Рашкдин беҳуд тилармен халқниким, қилмағай
Жинси одам ул парипайқар малаксиймони ёд.

Кўр муниким андин ўзга кимса борму ёдима,
Эйки дерсен, қилмағил ул чобуки зебони ёд.

Дайр пири илгидин зуннор этармен орзу,
Ҳар қачонким, айласам ул дилбари тарсони ёд.

Дўст ёдидин кўнгулни ўйла истармен тўла,
Ким ул айлай олмағай дунёву мо фиҳони ёд.

Чунки туфроғ ўлди ёдингдин Навоий сен дағи,
Нетти қуйсанг журъае туфроққа, айлаб они ёд.

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗАВИЮЛ-ҲАЁТЛАРИНИНГ
ЗУФУНУНЛУҒИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

129

Зухду тоат шаҳдини аҳли замон кўрмас лазиз,
Ҳар не нофиъдур, маризи нотавон кўрмас лазиз.

Зулмат аҳли ғафлат истарларки, олам комини
Уйқуча шабгир қилган корвон кўрмас лазиз.

Қути ботин истаким, зоҳир ғизоси бирла табъ
Бир замон гар топса лаззат, бир замон кўрмас лазиз.

Ор этар пашминадин аблаҳ тилаб зарриштани,
Ким эшак ҳалвони андоқким сомон кўрмас лазиз.

Ҳар не элдин қутқарур лаззатлиғ улдурким, фақир
Меҳр қурсин ўйлаким бир пора нон кўрмас лазиз.

Ютмайин хуноба етмас васли анинг, аҳли ишқ
Топса кавсар шарбати, андоғки қон кўрмас лазиз.

Топмайин лаззат Навоий солди кўздин ашкдек,
Бодани то хусрави соҳибқирон кўрмас лазиз.

Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон қоғаз,
Ки шуъла чекти дамимдин битир замон қоғаз.

Сипеҳр даври бу саргашта оҳидин бўлмиш,
Магар бу оҳ тутун бўлмиш, осмон—қоғаз.

Тирилмишам битигингдин қилурда муҳр, магар
Лабингга тегдию келтурди тухфа жон қоғаз.

Узору лаъли лабинг васфини қачон ёздим,
Оқиб кўзум ёши гулранг бўлди қон қоғаз.

Очилди хаста кўнгул руқъасин ярамға ёпиб,
Ёруғ бўлур эмиш уй, бўлса тобдон қоғаз.

Ёзар фаришта қуёш сафҳасига васфингни,
Магарким ул фалакий топмас обдон қоғаз.

Кўнгул шикофиға қоғаз аро эрур марҳам,
Ғамим сўрарға рақам қилса дилситон қоғаз.

Кўнгул саҳифасин асра хутур баҳридин,
Ки суға зойиъ ўлур тушса ногаҳон қоғаз.

Хумор дафъиға қуллуқ хатин тилар соқий,
Навоиё, дема ҳужжат кетур равон қоғаз.

Демагил, кўйини беному нишонларға малоз,
Ким эрур тождеху мулкситонларға малоз.

Очсалар лаъли майи шавқи била майхона,
Соҳати бўлғай алам дафъиға жонларға малоз.

Эл ёгиндин панаҳ истар киби кўюнғ ёди
Водийи фурқат аро ашкфишонларға малоз.

Дайр пири қулидурменким, анинг даргоҳи
Яхшиларға паноҳ ўлдию ёмонларға малоз.

Ҳаббазо, ишқки кирёси фазосидур анинг
Барча беманзилу маъвову маконларға малоз.

Кир фано мулкига форигки, эрур ул кишвар
Оҳи сўзонлар ила ашки равонларға малоз.

Шоҳи Ғозий эшигин Тенгри баса тутсунким,
Нотавонларға паноҳ ўлдию хонларға малоз.

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ
РУСТОХЕЗИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

132

Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур,
Ул фикрга бўлмай самаре ғайри таҳайюр.

Юз меҳрга нетсун чу эрур мужиби ҳайрат
Ҳар зарраки, таҳқиқида ақл этса тафаккур.

Идроки камолингни хирад ҳадди соғинган
Бир қатра аро айлади юз баҳр тасаввур.

Кавнайн адам бўлса, вужудунгга не тағйир,
Гар мавж сукун топса, тенгизга не тағайюр.

Қаҳринг йўқ этар халқниким турғали бўлмас,
Сарсар йўлида пашша гуруҳиға таҳаввур.

Бу турфаки, дафъини ярим пашшаға қўйдунг,
Ҳар пилниҳодеки санга қилди такаббур.

Ҳажринг тунида шамъ киби қолди Навоий,
Ҳар тун не ажаб куйса тўкуб ашки таҳассур.

Парим бўлса, учуб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.

Чиқиб бу дайрдин Исоға невчун ҳамнафас бўлмай?
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Халойиқ суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлгай,
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдин нажотим бор.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзумдин уётим бор.

Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай
Бу дамким, кўз саводидин қора, кўздин давотим бор.

Тилар кўнглум қуши анқодин ўтсам нари юз водий,
Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Навоий, билки шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,
Агар, кавнайнға хошок чоғлиғ илтифотим бор.

Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур,
Баҳр мавжи йўқки, ашким селининг кўлокидур.

Суда эрмас меҳр акси, балки дарё жониға
Солған ўтлар хаста жоним оҳи оташнокидур.

Хас эмас гирдоб ароким, бошинга эврулгали,
Су уза саргашта ошиқ жисмининг хошокидур.

Ваҳки, ул киштида дарёкаш, манга худ йўқ ҳаёт
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Ул балиғ тутқанда солиб шасту анинг рашкидин,
Судин айрилған балиғ янглиғ кўнгул топокидур.

Кўрма фақр аҳли сиришки баҳрида ҳар ён ҳубоб,
Ким фано кавкаблари, балким бало афлокидур.

Эй Навоий, кема тийри кўксум ичра ҳажр ўқи,
Кема оғзи гўйиё ишқида кўксум чокидур.

Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаккарханд эрур,
Ваҳ-ваҳ, туз эрмиш улки, мен қилдим гумонким, қанд эрур.

Ўтсанг ғамим саҳросидин, қонлиғ кўнгул ажзосидин,
Ҳар лола баргин англаким, бир доғлиғ парканд эрур.

Кўюнгда мунглуғ жонға тан юз захм иладур хирқае
Марҳам била қўйған момуқ ҳар ён анга пайванд эрур.

Мажнун кўнгул қилмас ҳаво ҳар ён ўқунгдин гўйиё,
Ким бу темур бирла йиғоч ҳабсиға анинг банд эрур.

Боққач қуёш руҳсориға андин қилурмен кўз ёши,
Ким ул мусофир ойима ҳусн ичра бас монанд эрур.

Ғам барқию меҳнат туни зоянда бўлса ишқдин
Тонг йўқки, ўтқа гаҳ шарар, гоҳи тутун фарзанд эрур.

Дунё аруси зулфини тутқан не оғаҳ фақрдин,
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

Минг нола тортиб кўрмай ул гул васлин охир ўлганим,
Бу боғнинг булбуллари гар билсалар, хуш панд эрур.

Кўз учи бирла боқтингу қийдинг Навоий кўнглини,
Билдинг ониким, бир қиё боқмоққа ҳожатманд эрур.

Эл тилидин жонима гар юз боло мавжуд эрур,
 Фам еман, гар ул қизил тил тийғи хунолуд эрур.

Юз уза сиймин занахдонингда хатти мушкбўй,
 Ўтқа қўйган олмадин гўёки чиққан дуд эрур.

Жон бериб олдим жунуну ишқ то бўлдум фано,
 Аллоҳ-Аллоҳ, ул не хуш савдо, бу не хуш суд эрур.

Хажр бедодидин ул юз шавқи ортар ҳар неча,
 Ким хазон осибидин гул яфроғи нобуд эрур.

Кисватедур хилқатим ишқ офати шахсиғаким,
 Риштайи жон анда тору тори жисмим пуд эрур.

Қилмадинг аҳдингда бир аҳдеки қилғайсен вафо,
 Бевафолар аҳди мундоқ гўйиё маъхуд эрур.

Меҳр иси бу мижмари ферузадин кўз тутмаким,
 Барча қад шамшоди бу мижмар ичинда дуд эрур.

Эйки, қаддинг бўлди хам, олам била қил хайрбод,
 Ким хам этмак қад ҳамеша лозими падруд эрур.

Эй Навоий, эрмас ул золим кўзи уйқудаким,
 Зулм эшиги Шоҳи Ғозий адлидин масдуд эрур.

Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур,
Ўтқаким ёғмур ёғар, анинг нишони дуд эрур.

Лаъли шавқидин кўнгул хурсанд эрур хуноб ичиб,
Телбага рангин су берсанг, май дебон хушнуд эрур.

Юз аёғи туфроғидин олман ушбу важҳ ила,
Ким неча туфроғ ичинда турса олтун суд эрур.

Чиқмас оҳим шиддатидин ул маҳи хиргаҳнишин,
Шамъга фонус елдин асрамоқ мақсуд эрур.

Васлин истаб кўп эналдим, қовди кўйидин мени,
Бўлса мубримшева, албатта гадо мардуд эрур.

Талх майдин, соқие, топти чучук жоним ҳаёт,
Эй басо макруҳким, зимнида бир беҳбуд эрур.

Телба итдекдур Навоий ул паривашсиз не тонг,
Оғзидин гар ўт сочиб аъзоси гардолуд эрур.

Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур,
Анга раҳму манга тоқат йўқ, ажойиб ҳол эрур.

Зеб эрур ҳусн аҳлиға аҳли назар наззораси,
Кўзки, булбул тикти гул рухсори узра хол эрур.

Хатти шавқидин тўкулди жисмим ул янглиғ қуруб,
Ким сўнгакларда қалам кўрган соғинғай нол эрур.

Лаълидин ком олмағунча билмадим ширинлигин,
Барги гул замбур коми ичра киргач бол эрур.

Гулханий мажнундек оҳим чиққач, оққан ёшларим
Телба кейнидин югурган гўйиё атфол эрур.

Бу чаман гулбарги хушранг ўлса, майл этмангки, ул
Фоза булбул қонидин суртарки, ранги ол эрур.

Эй Навоий, кимгаким бир журъа чекти жоми васл,
Сўнгра ҳижрон заҳридин юз жоми молломол эрур.

Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлугум ойин эрур,
Чунки усрукрак бўлур ҳар майки, лабширин эрур.

Раз қизи то пардадарлиқ айлагай талбис учун,
Шиша миъжардур ангаву мавжи анинг чин эрур.

Қон ёшим таъсиридин сариф юзумнинг сафҳаси
Қоғазедурким, ҳино суйи била рангин эрур.

Муҳлик ўтумни дамнингдин тез қилма, эй Масиҳ,
Ким бу ўтқа мотам ашки суйидин таскин эрур.

Ул пари ишқида ашким лаҳв тухмидур деманг,
Ким малак тасбиҳиға бу донадин тазйин эрур.

Олмайин ердин қадам сайри мақомот айламак
Чанг пиридин бу базм аҳлиға кўп талқин эрур.

Сизу — васл, эй айш аҳликим, Навоий жониға
Анда ҳижрони азал девонидин таъйин эрур.

То лабинг шавқида жисмим гарқайи хуноб эрур,
Ҳар жунун тоши ангаким, тегди лаъли ноб эрур.

Гар асир ўлдум, тонг эрмаским, кўнгулнинг ломидек,
Мубтало кўнглумда зулфи торидин қуллоб эрур.

Қадди ёдекларни зор этмиш ҳилоли жом учун
Эгма қошингким, ўзи рокиъ, ўзи меҳроб эрур.

Кўз қаросин юб, сариг оразни беқадр этти ашқ,
Гўйиё ҳар важҳ ила айн офати симоб эрур.

Ғам туни гар тобсиз жисмим қуяр, ваҳ не ажаб,
Куйдурурлар кеча кўпрак риштаким, бетоб эрур.

Ҳар тараф наълу алиф жисмимда, гўё ишқ аро
Хатти идборимни возиҳ қилғали эъроб эрур.

Сендадур мақсуд ганжи, лек жисмингдур тилисм
Ваҳки, бу ганж ул тилисм ичра ажаб ноёб эрур.

Эй Навоий, жисм аро жон риштасин тутқил азиз,
Ким бори лўливашим лаъби учун асбоб эрур.

Ул пари кўнгли учун руҳум асиру зор эрур,
Бул-ажаб тоши қанотсиз қушқа бодрафтор эрур.

Ҳар кеча қон бирла жисмим сафҳайи тақвимдек,
Гўйи анжум тирноғидин сарбасар афгор эрур.

Кофири мастедур ул кўзким, каманди зулф анга
Ешибон ёнида қўйган риштайи зуннор эрур.

Бахтим уйқусидин афгонлар чекардин гўйиё,
Ҳар кеча кўз юммай анжум то саҳар бедор эрур.

Янгла кўнглум васл топти раҳм қил, эй оҳким,
Тунд елдин янги буткан ёраға озор эрур.

Қатлима ул кўз саводи ҳайъатидин бағриға
Бир қора тош боғлаған қон қилғучи хунхор эрур.

Ўқусам номангни печу тоблиғ беҳуд таним
Гўйиёким номани чирмаб юборган тор эрур.

Чун қуёшдек ерга киргунг, не осиг, гар юз қуёш,
Маснадинг тоқида ҳар ён шамсайи девор эрур.

Тиргузуб, дебсен, Навоий жониға миннат қўяй,
Гар сен ўлтурсангки ул жон бирла миннатдор эрур.

Кўнгулки, ишқида дерсен бало не бўлғусидур?
Неким бўлур, санго бўлғай, манго не бўлғусидур?!

Ул ой жамолиға ишқим худ ортадур ҳар дам,
Бу ишта оқибатим, ваҳки, то не бўлғусидур?

Дема, не бўлғуси ул зулф қайдида кўнглунг?
Асиру волаву шайдо, яно не бўлғусидур?

Фироқ дардиға дерсен даво не бўлғай экин?
Бу дардға ҳам ўзунг де, даво не бўлғусидур?

Беҳишт меҳнат эмас, бўлса ваъдаи дийдор,
Висол умиди бор эрса, жафо не бўлғусидур?

Бу йўл мусофирининг ҳоли, оҳким, мутлақ,
Билинмадики, не навъ ўлди ё не бўлғусидур?!

Навоиё, дема фоний бўлуб висолға ет,
Мангаки, ҳажр чекибмен, фано не бўлғусидур?

Жафо қилур бари гулчеҳралар, вафо қилакўр,
Вафо ҳам элга қилурсен, вале манго қилакўр.

Не телбаники, муқайяд тиларсен, эй гардун,
Анинг салосили зулфиға мубтало қилакўр.

Десанг ҳижобни олғайлар, эй кўз, оллингдин,
Не гард анинг йўлидин қўпса тўтиё қилакўр.

Тажаллий истасанг ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.

Умиди васл ила кўюнгга борди хаста кўнгул,
Йигитлигинг ҳақи, ул ҳожатин раво қилакўр.

Бийик нишиман эрур, эй кўнгул, висол авжи,
Талаб қаноти била ул тараф ҳаво қилакўр.

Навоиё, чу аламсиз мурод мумкин эмас,
Десангки, васл топай, ҳажр ўтиға ёқилакўр.

Жоним ороми учун қосидки, жонондин келур,
Гўйи жонпарвар насиме оби ҳайвондин келур.

Нома қосид илгидин, қосид ҳабибим оллидин,
Муждаи жон елдину ел моҳи Канъондин келур.

Ваъдаи васлики жонондин келур ҳижрон куни,
Тиндурур кўнглумни сўз янглиғким, ул жондин келур.

Гавҳаредекдурки, чиқмиш хомасининг нўгидин
Нома узра шодлиғ ашкимки, мужгондин келур.

Шодлиғдин жон нисор этсам, не тонгким, бу хабар
Ҳам кўнгулдин, филмасал, ҳам кўнглум олғондин келур.

Ваҳки, мазмунидур аҳли дард саргардонлиғи,
Ҳар бало мактубиким, бу чархи гардондин келур.

Деб эмиш номамға қилмайдур Навоий жон нисор,
Анда жон бўлса қачон бу навъ иш ондин келур?

Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир,
Қуёш тутулса, бале, фитнадур анга таъсир.

Агарчи ёда гириҳ бўлса, ўқи туз чиқмас,
Қоши гириҳ била зулм ўқин этмади тақсир.

Кўнгулни кўзларинг олди, не тонг, ики бўлмак
Бир аҳли динни ики маст кофир этса асир.

Кўруб юзида ғазаб зулфи сари қочти кўнгул,
Кўнгулга соя керак итик ўлса меҳри мунир.

Хадангтинг ўтти кўнгул пардасиға етмиш экач,
Не ҳадди манъ хусусан қазо ўқиға ҳарир.

Ғам ўлса, солма гириҳлар қошингғаким, қилмас
Ғализ ўлуб бу қора манъи хомаи тақдир.

Навоиё, санга бу сўзда шубҳае бўлса,
Қадаҳ кетурки, хутутида кўргузай бир-бир.

Паривашим қора бўркинки, бир ён эгри қилибдур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур.

Хат эрмас улки, чиқариб суйини меҳргияҳнинг
Қуёш саҳифасида раҳмат ояти битилибдур.

Не навъ синграмайин ҳажр ароки, бағриму кўнглум
Фироқ игналаридин ўта-ўта тешилибдур.

Далил эрурки, кўнгулларни қилмиш ўлғасен озод,
Буким салосили зулфунг тутунлари ешилибдур.

Масиҳ игнаси Марям игиргон ип била гўё
Чигилиб, эгнига жонбахшлиғ тўни тикилибдур.

Агар Масиҳ дуоси ўлукни тиргизур эрди,
Не нутқ эрурки, сўкунчунг била ўлут тирилибдур.

Тўла қадаҳ керак ичсам, кўнгулни қилғали холи,
Ки анда давр элидин дарду ғусса кўп йиғилибдур.

Фалак дақойиқидин кимса бош чиқармади ҳаргиз,
Ким ушбу риштанинг асру тутунлари чигилибдур.

Кўп этма ваъда Навоийға васлу қилма тамасхур,"
Ки бу маҳол иш эрканни ул ҳам эмди билибдур.

Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур,
Ёхуд ики қошининг ёларини чоғ этадур.

Ишқ кўнглумни шиёр айлабу кўздин суғариб,
Магар ул гул юзининг ҳасратидин боғ этадур.

Лаълидин маст ўлубон борди хуморим марази,
Турфа майдур буки, ҳам усруку ҳам соғ этадур.

Суванг ул ой эвининг томини балчиғ ясабон
Пайкаримнинг эвини, ҳажрки туфроғ этадур.

Ҳажри ашким тенгизу жисмим этиб кўҳи боло,
Олами ишқ аро баҳр била тоғ этадур.

Фам туни меҳрсиз ўлдики, сипеҳр анжумидин
Меҳр рухсорини реш эткали тирноғ этадур.

Бу болоға не даводурки, Навоийни ул ой
Нечаки кўрса, муни ишқ анга амроғ этадур.

Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур,
Кеча ҳолим зулфи савдоси била чирмош эрур.

Олмаған дин нақди бирла йиқмаған меҳроб йўқ,
Эй мусулмонлар, не кофир кўз, муфаттин қош эрур?!

Чок кўксумдин ичимга солиб ул ой кўнглидек
Асрарамким, ҳамул ой бошимға отқан тош эрур.

Раҳм эмас бераҳмлиқдур сурмасанг бошимға рахш,
Ким бу кўп қатла анинг помоли бўлған бош эрур.

Ишқ сиррин неча кўнглум ичра пинҳон асрасам
Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач, элга фош эрур.

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут саққо, сабо фаррош эрур.

Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ,
Ким Навоий дайр ичинда дохили авбош эрур.

Телбараб иткан кўнгул ёдимға кирса гоҳлар,
Йиғлаб эл кўнгли бузулғудек чекармен оҳлар.

Ўтти хўблар ой киби, йўқтур арода ул қуёш,
Ваҳки, ул бадмеҳрни кўрман ўтадур моҳлар.

Хўблар зулфу занаҳдониға бординг, эй кўнгул,
Ҳозир ўл, тундур қоронғу, йўлда бордур чоҳлар.

Гар мусаввир сизса девор узра ул гул хирманин,
Жав-бажав мендин нишон бергуси бир-бир коҳлар.

Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани?!
Бўлмағил гофилки, бир-бир бордилар ҳамроҳлар.

Тўкти қон гулгун либосин кийгач ул хўблар шаҳи,
Қон тўкар эрмиш, қизил тўн кийса бешак шоҳлар.

Эй баҳори ҳусн, эшитсанг Навоий оҳини
Керак, албатта, хазон елин соғинсанг гоҳлар.

Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуг жонимдадур,
То ҳаводин сарзаниш сарви хиромонимдадур.

Ҳожатим будур, Худоёким, каромат қилғасен
Нотавон жонимға ҳар заҳматки, жононимдадур.

Дард менда сендин ортуқ бўлса, жоно, не ажаб,
Ким сенинг жисмингдадур заҳмат, менинг жонимдадур.

Сўрдум, оғзи таъми талх эрмиш, ажаб йўқ ўлмагим
Менки, бу янглиғ ачиғ таъм оби ҳайвонимдадур.

Эй Масиҳо, субҳи айшим тийра бўлмиш гўйиё,
Зарраи бетоблиғ хуршиди тобонимдадур.

Даҳр боғи ичра барбод ўлмаған гул чиқмади,
Йўқ ажаб, гар елдин осибе гулистонимдадур.

Эй Навоий, сўрмадинг дерсен малул ўлғанда ёр,
Соғинурсен гўйиёким бахт фармонимдадур?!

Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулѳзор,
Ул қуёшдекким, анга моний бўлур абри баҳор.

Ул булут янглиғ либос узра сизилған хатлари
Бор анингдекким, ёғин тушкай булутдин тор-тор.

Бу либоси сиймгун ичра сенинг нозук танинг
Ул кумушдекдурким, ул сиймоб аро тутқай қарор.

Меҳри рухсоринг либоси сиймгундин мутлақо
Ул қуёшдурким, қилур кўзгуда аксин ошқор.

Бўлди сиймобий либосинг ранги баским, айладим
Кўз саҳобидин бошингға ашқ сиймобин нисор.

Танни чун сиймоб этар бу чархи ахзар оқибат,
Тўн агар сиймобий ўлсун, гар яшил, бир ҳукми бор.

Эй Навоий, кисвати гар обгундур, не ажаб,
Бу яқиндурким, эрур су ичра дурри шоҳвор.

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.

Дур тишингдин донайи сабрим қолур бебар десам,
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жолалар.

Барги гул узра ёпишибдур шакар ҳар саридин,
Ё магар лаълинг уза қайнабдурур табхолалар.

Тола-тола най ўқунг кўксумда гўё синдиким,
Теврулуптур нотавон кўнглумда бир-бир толалар.

Фитналик тўққуз фалак гирдингда, жоно, турфадур,
Ким кўруптур бир қуёш давринда мундоқ ҳолалар.

Бордилар аҳбобу мен йиғлармен ўз аҳволима,
Корвондин қолган ит янглиғки, қилғай нолалар.

Кўҳи ғам бўлди Навоий, лолалар — гулгун сиришк
Тоғ агар будур, бале ашк ўлғусидур лолалар.

Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур,
Ҳар бир учкун ғам шабистонида бир парвонадур.

Шоми ҳажрим шарҳин эл афсона қилди, оҳким,
Уйкуға солған қаро бахтимни бу афсонадур.

Ғайрким, маҳв ўлдию сенсен бузуғ қўнглум аро,
Чуғз итиб, товус ер тутмиш ажаб вайронадур.

Қўксум ичраким ғамингдин нордек бўлди шикоф,
Ғўйиё ҳар бир бағир парголasi бир донадур.

Қўйида сўрсанг қўнгулларни унутма, эй сабо,
Менинг авворамником, ҳам хаста, ҳам девонадур.

Чарх шабгардиға гўё нақди умрунгдур ғараз,
Тегранга ҳар тунки икки букрайиб айлонадур.

Сўрма ҳажрингда Навоий ёрину сарманзилин,
Ёр анга дардинг, ватан бир қунжи меҳнатхонадур.

То хаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур,
Кўз била кўнглум аросида ҳасаддин қон эрур.

Кўнглума пайконларингдин қатра-қатра су эмас,
Ҳолима кўздек биайниҳ ул дағи гирён эрур.

Ғарқамен ашк ичраким, ишқинг танимни ўртамас,
Йўқса ўт ким кўрдиким, хошок аро пинҳон эрур?

Ҳажр ўқидинким эрур бағрим аро юз минг тешук,
Ҳар тешук бир кўздурурким, ҳолима ҳайрон эрур.

Ҳусн майдонида ул кўз чобукедурким, анга
Холи мушкин гўю зулфунг анбарин чавгон эрур.

Даҳр бўстонида бош чеккан ниҳол атрофида,
Шох эмас, новак дегил, яфроғ эмас, пайкон эрур.

Тийғ ила душвор айлабсен Навоий қатлини,
Чеҳрадин бурқаъни олғилким, басе осон эрур.

Гунчайи хандон била хуснунг гули хуррам баҳор,
Хаттинг андоқ сабзаким, бўлғай анга ҳамдам баҳор.

Юз уза тердин хатинг гар бош чекар, эй гул, не тонг,
Сабзаға боисдурур, чун бўлди эрса нам баҳор.

Шодлиғдин гулшани васлингда йиғлаб чексам оҳ,
Ёлма, юзким, гулға бўлмас ел-ёғиндин ғам баҳор.

Оразим акси юзунг ойина тушкан турфадур,
Ким кўруптур ҳам хазон бир ойда бўлмоқ, ҳам баҳор?

Войким, бир гул хазонға солди айшим гулбунин,
Ушбу фасл ичраки топмиш жумлайи олам баҳор.

Раъду сел эрмас, фиғону ашк эрур буким, ҳар ил
Гул юзунг кўргач тутар ўз ҳолиға мотам баҳор.

Қасди булбул кўнгли қайди бўлмаса, невчун солур
Боғ шўхи сунбули зулфиға печу ҳам баҳор?

Гул эмас, бу боғ торожиға ийнак лаълдин
Айлади овиза муҳри давриға хотам баҳор.

Эй Навоий, чин баҳор эркин бу, ёхуд кўргузур
Боғи хулқидин улусқа довари аъзам баҳор.

Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур,
Ҳажрим андуҳи бузуғ сабрим уйин вайрон қилур.

Кўп мададдур ҳажр андуҳида совуғ оҳлар,
Ким сингурса мен киби ўзига қасди жон қилур.

Неча йиллиқ меҳнатим ишқ ичра билгай ошиқе,
Ким ҳадисин ёр ила ағёрдин пинҳон қилур.

Жонни истармен чиқарсам, уйидин кўзларни ҳам
Кўнглум ул дамким, ҳаёлин лаҳзае меҳмон қилур.

Асрадим жон ичра меҳрин, билмадим охир нафас
Ул Масиҳо ўлмагим англаб ўзин нодон қилур.

Фақр йўлинда ирик пашминадин ор этмаким,
Ҳар таҳарруқдин таайюн бандини суҳон қилур.

Соқийё, ҳолимни билдинг, эмди тутқил бодаким,
Бу суубатларни беҳудлуғ манга осон қилур.

Ростларға чарх агар ҳар лаҳза қилмас сарзаниш,
Шамъ бас ҳар тун недин йиғлаб куюб афғон қилур?

Дафъ этар дардин Навоийнинг ўшул майким мудом
Хусрави Кисронишон соқийлари эҳсон қилур.

Тарарда уқдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар,
Гирих «мим», икки зулфи икки «лом», ийнак тароғ «син»лар.

Гирихлар зулфида гўё ҳисоб айлаптур ул кофир
Олурда зуҳду тақво аҳлидин торож этиб динлар.

Осиб невчун фиғона солди зулфидин кўнгулларни,
Қарору сабр нақдин олғали гар айламас қинлар?

Не юздур, Аллоҳ-Аллоҳ, бода тобидинки, ҳар соат,
Очар насринлар узра гул, сочар гул узра насринлар.

Келур ул сарвким гуллар мулавван қилди гулшанни,
Киранда шаҳ нечукким мулк эли боғларлар ойинлар.

Десам ҳусн аҳлини кўрмангки, золимдурлару қотил,
Кўнгул айтур кўрай, шоядки мундоқ эрмас эркинлар.

Эрур маҳзун кўнгуллар зулмати зулфида зор андоқ,
Ки шоми ҳажрида ишқ аҳлидин ҳар сари ғамгинлар.

Не елланмақдур, эй шаҳ, мўр хайлидек черигдинким,
Сулаймондек бу водий ичра барбод ўлди чандинлар.

Навоий, бўлмайин зору заиф ўлмас наво топмоқ,
Бу эрмиш пири чанг авторидин дайр ичра талқинлар.

Оллим ул ой саждасидин реш эрур, ҳолим будур,
Тоати мақбулум улдур, доғи иқболим будур.

Ўқларидин қушдек ўлдум жонға ул кўй орзу,
Учмоқ истармен, вале кўрким, пару болим будур.

Бас, ғаниймен кўҳи ғам бирла жунун тоши аро,
Ийнак-ийнак тахти жоҳим улдуру молим будур.

Ёр шавқидин ўлар ҳолатдадурмен, эй табиб,
Не иложинг бор менинг худ заъфи аҳволим будур.

Чўмғали кўймас қуруқ найдек сўнгалар ашк аро,
Турфа кўрким, баҳри бепоеън аро солим будур.

Топмайин дунёда коме, динни барбод айладим,
Ҳайф дўзах ҳам манга, биллаҳ, гар аъмолим будур.

Эй Навоий, гар ўларда жон талашсам қилма айб,
Дермен ул ойни кўруб, жон берсам ихмолим будур.

Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ултурур,
Ўт ёқиб эл жониға менинг ичимни куйдурур.

Кўнглум аҳволин сабодин сўрдум эрса дедиким:
Телбалардек бир пари кўйида саргардон юрур.

Ул қуёш юзига боққан сойи ортар кўз ёшим,
Меҳр тобидин агарчи ҳар неким, ўлдур, қурур.

Қон ёшим ранги ёшурди холами лаъл офзини,
Ўйнамоқда ёшлар андоқким узукни ёшурур.

Сенки йўқсен моҳруҳлар жилва айларлар валеқ,
Кеча ишнар қурт нури меҳр чиққач билгурур.

Ул қуёш ҳижронида ҳар тун ики мунглуғ кўзум,
Тонгға тегру субҳидам йўлиға боқиб телмурур.

Тузлук айлаб шамъдек, ваҳ, билмадимким, бу ниҳол
Меҳнат ўти гул очар, ёш қатраси бар келтурур.

Бул-ажаблиғлар баҳори ишқ аро кўрким, мени
Гаҳ булутдек йиғлатур, гоҳе чоқиндек кулдурур.

Зухд оҳангин Навоий ҳар нечаким соз этар,
Бир наво бирла муганний ёна йўлдин озғурур.

Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлуптур.

Қарориб кўзум дам-бадам зор йиғлар,
Анга шоми ҳажрингда мотам бўлуптур.

Ярамдин чекарга ўқин саъй қилманг,
Ки пайкон сўнгат ичра муҳкам бўлуптур.

Ичимдин нечук тортқайлар ўқинким,
Кўнгул қўймасу жон мадад ҳам бўлуптур.

Кўнгулга ёқар кирпикингнинг хаёли,
Менинг захмима ниш марҳам бўлуптур.

Ғуборин тилаб йиғлама ҳар дам, эй кўз,
Ки ашқингдин-ўқ ер юзи нам бўлуптур.

Бу гулшан аро барг тўтилариға
Хазон тифли бас боиси рам бўлуптур.

Вафо шахсининг фарқини чарх тийғи
Ики бўлди, ваҳким, бири кам бўлуптур.

Эмас ғам юкидинки, қошингни кўргач,
Навоий сужуд эткали ҳам бўлуптур.

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қора бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди
Дардинки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин
Бегонаға ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.

Бақо топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур,
Кавкабафшон кўзларимдин ул қуёш пинҳон бўлур.

Мунграйиб андоқ синуқ кўнглум бузулурким, сипеҳр
Бул-ажаб ҳолимға юз минг кўз била ҳайрон бўлур.

Гаҳ юруб, гаҳ ўлтуруб, бир лаҳза тутмасмен қарор
Гусса бандидин бари олам манга зиндон бўлур.

Гаҳ кўнгул ўти урар кўксум шикофидин алам,
Гаҳ бағир парголеси кўз йўлидин ғалтон бўлур.

Ўлтурур уй сақфиға оҳим тафидин қатралар
Ё менинг ҳолимғадурким, тому тош гирён бўлур.

Эйки, истарсен саломат, ишқ кўйин сўрмағил,
Ким бу йўлға ҳар кишиким тушти, саргардон бўлур.

Истаганга дўст комин, истабон куймак не тонг,
Гар тутун сунбул, ўтун ашжору ўт райҳон бўлур.

Ични урён қилки тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, гар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур.

Эй Навоий, ишқ манъин элга иршод айладинг,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не макру ҳийлаву дастон бўлур.

Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобуксувор,
Кимдурурким, асрағай эмди инони ихтиёр?!

Қошу юзунгдин агар ортар жунунум не ажаб,
Телбаликка ҳам янги ойдур мадад, ҳам навбаҳор.

Чок этинг кўксумки, чиқсун ўтлуғ оҳим шуъласи,
Бир нафас бўлғайки, бу андуҳ ўти топқай қарор.

Ақлу фаҳм ошуфтаҳол ўлди йигит жонинг учун,
Ким яна уйдин мунунгдек чиқмағил олуфтавор.

Соқиё, чун ичкумиздур оқибат жоми ажал,
Бода тут андин бурунким, бизни ўлтургай хумор.

Бир замонлиғ ҳажр чун минг йилча бор, ўлсам не тонг,
Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил пойдор.

Эй Навоий, шукрим, майдонға ул шаҳ қўйди юз.
Ким йўлида қолмади навмид жони хоксор.

Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур,
Ким ғамим таскини ғамгин хотирим оромидур.

Сафҳайи кофур уза мушкин рақамким айламиш,
Гўйиё субҳи саодат узра давлат шомидур.

Ҳажридин жоним аросиға агар худ кирмади,
Нега шакли жон аро кирган алиф андомидур?

Кирди жон жисмимға хатти сафҳасин кўргач, магар
Элга жон бермакка меҳр узра Масиҳ арқомидур.

Ваъдаи васл эрди мазмун, гаҳ ўлукмен, гаҳ тирик,
Англаман қотилмудур бу мужда, руҳафзомидур?

Водийи ҳайратда қолганларға жон ҳирзи учун
Руқъайи мақсуд комил нутқи ё иълومидур.

Эй Навоий, нега суртуб кўзга солмай жонғаким,
Ҳам кўзумнинг нури, ҳам озурда жоним комидур.

Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур,
Ул алиф янглиғдуруким, филмасал жон ичрадур.

Хони ҳусни завқини билмакка ёхуд бармоғи
Лаъли хандон ичра эрмаским, намакдон ичрадур.

Лаъли бир сўз бирла юз йиллиқ ўлугни Хизр этар,
Гўйиё Рухуллаҳ ушбу оби ҳайвон ичрадур.

Мунфаилдур юзу зулфидинки тебрангай насим,
Жилвагар товуским, фирдавси ризвон ичрадур.

Оразинг ҳажринда ҳар қонлиғ кўзумдур лолае,
Доғлар кўзнинг қаросин англаким, қон ичрадур.

Тутма улфат боғ ароким сарсари дайдин дурур,
Эмин ул қушким, анинг маъвоси вайрон ичрадур.

Эй Навоий, бирга юз жоми бало турмиш тўла,
Ҳар нечаким соғари ишрат бу даврон ичрадур.

Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндур,
Бу анинг нуқтасидур, гўйиё ул нуни танвиндур.

Кўнгул зулфунг ғамидин тоза-тоза доғ ила гўё,
Ки нисфи қону нисфи мушк бўлган нофаи чиндур.

Итингнинг гоҳ изи, гаҳ панжасидиндур димоғим хуш,
Бу бирдур мушкбид, ул бир анга гўёки насриндур.

Недин билман юзум сарғарди муҳриқ ишқ тобидин,
Юзи ўтқа яқинроқ бўлган элнинг чунки рангиндур.

Ичимда андоқ ўтдурким, туган жисмимда куйдурсам,
Анга бу ўтдин андоқким, судин бу ўтқа таскиндур.

Юзунга боқса бўлғай ою кунча, нури ўксулса,
Яқин эрмас бу ҳам, астағфируллоҳ, балки тахминдур.

Қизил тўн бирла чиқти, лоларуҳлар не кўрунғай, ваҳ,
Бу гулдин хилъат эткан сарв, алар ҳар ён раёқиндур.

Жаҳон маккораси дилкашдур, аммо кимки ақд этса,
Ипак жон риштаси, ёрмоқ анга дин нақди кобиндур.

Қошинг меҳробига, эй мугбача, юз қўйғали қўйким,
Бу тоат дайр пиридин манга ишқ ичра талқиндур.

Юзунг кўрмак тилаб тинмас Навоий кўнгли солмоқтин
Худой учун олиб бурқазни онинг кўнглини тиндур.

Нуқтаи холингки кўздин доимо маъдум эрур,
Нуқтаи хол эрмас улким, нуқтаи мавҳум эрур.

Тонг эмас ул нуқта гар кўздин ниҳондур, ваҳ, не тонг,
Мардумин кўрмаклигидин кўз агар маҳрум эрур.

Баски холи кўздадур бўлмиш жаҳон бир сафҳаким,
Рамл машқи янглиғ анда нуқта-ўқ марқум эрур.

Ахтари бахтимдурур ул хол, йўқса кўрмадук
Кавкаб андоқ тийраким, хуршид уза маълум эрур.

Холи рухсорин кумуш маснадда Ҳиндустон шаҳи
Оллида саф тортибон хат, тобиъу маҳқум эрур.

Эйки майдин холи эрмас, деб мени таън айладинг,
Боре кўргуз ониким, бу дайр аро маъсум эрур.

Доғи пинҳондур Навоий кўнглида, эй лоларух,
Нуқтаи холингки, кўздин доимо маъдум эрур.

Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур.

Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким
Жон эрур жонон эмас ё жон эмас, жонон эрур.

Бўлса жонон бордурур жон ҳам, чу жонон қилди азм,
Жон кетиб жонон била жондин манга ҳижрон эрур.

Жон манга жонон учундур, йўқки жонон жон учун,
Умр жононсиз қатиқ, жонсиз вале осон эрур.

Борса жон, жонон йитар, гар борса жонон, жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур.

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар
Бўлмаса жон ўйлаким, ўлмас жаҳон, зиндон эрур.

Жоним ол, эй ҳажру жононсиз манга ранж истама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуғ дарё киби ошуфта кўнглум қўзғалур.

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,
Ким ёшинг дарёсидур ҳар сариким эл кўз солур.

Титрабон сиймобдек кўнглум, ётар жон оғзима
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки, дарё чайқалур.

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуруб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Дам тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлғали,
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асралур.

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Ғарқ ётар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илғига чунким Навоий бода киштисин олур.

Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур,
Ваҳ, дема қон томадур, балки чучук жон томадур.

Ноз ўқи бирла кўзум мардумин этдинг мажруҳ,
Ашки гулгун дема захмидин анинг қон томадур.

Ваҳ, ярам ичра не қондур буки девона кўнгул
Топса таскин турадур, айласа афғон томадур.

Гўйиё фитна саҳобидин эрур сели бало,
Рахшидин қатраки, жавлон аро ҳар ён томадур.

Томчидек ашким эмас, кўнглум ўти дафъи учун
Гаҳ бадан кулбасини қилғали вайрон томадур.

Ваҳки, гул шамъин ўчурмаклик учундур гар худ
Қатра ўрниға булутдин дурри ғалтон томадур.

Лаъли васфида Навоий сўзидин оби ҳаёт
Қилса пайдо, оқадур, айласа пинҳон, томадур.

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъзор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе губор.

Юзунда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурим, қарода бор.

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Билман кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпичинг тиканларин айлабсен устувор?

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Машшотаи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?

Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолиға, эй нигор.

Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор,
Жон нисор ул сайд учунким, жон анга қилғай нисор.

Бу эди қасдимки бир кун сайди фитрок айлағай,
Қилғаним умре кийиклар бирла суҳбат ихтиёр.

Чун кийик қатлини истар, кошки руҳум учуб,
Бир қатил этган кийик жисми аро тутқай қарор.

Токи еткурсам рикобиға бошимни, кошки
Қилса шахсимни қазо ит шакли бирла ошкор.

Қомати ҳажрида ҳар ён ёрадин қонлиғ кўнгул
Бир кийикдекдурки, ўқ захми била бўлмиш фиғор.

Гўр учун очмоқ недур ҳар лаҳза Баҳромий каманд,
Чун сени Баҳромдек айлар ажал гўри шикор.

Эй Навоий, ул қуёшнинг соясида кўр итин—
Комрону йўқ санга оллида итча эътибор.

Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар,
 Фунча кўнгли ичра оғзинг ҳасратидин тоблар.

Сафҳадур оразим дебоча ишқ авроқиға
 Қон ёшимнинг хатлари шингарф бирла боблар.

Ашким артилган учун ҳам бўлмамиш кирпичларим,
 Ким ясабдур кўз хаёлин чеккали қуллоблар.

Ҳажридин кўзларгаким ашк эврулур, ул ашк эмас,
 Ким эрур дарду бало дарёсиға гирдоблар.

Айбим этманг бош кўтармайдур дебон хумхонадин,
 Қилмайинму сажда топсам бу сифат меҳроблар?!

Ҳажр аро икки кўзум ичра белингнинг нақшидур,
 Ўткарур тунни хаёл айлаб кеча беҳоблар.

Рўзгорин қилди мазлум оҳининг дуди қаро,
 Кўрма золим хилватининг кўркасин синжоблар.

Терга ботқан гармравлардин магар дафъ айламиш,
 Ўзлути чиркин таҳаррукдин ирик мошоблар.

Дўстлар, мискин Навоий тийра шомин ёд этинг,
 Ёр ила жоми ҳилолий чексангиз маҳтоблар.

Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур,
Манъ қилдим эрса, бағрим оғриғудек ёлборур.

Қўйдум эрса, келтурур мунглуғ бошимға юз бало,
Қўймасам, жонға зарар етгудек ўзидин борур.

Қўймасам бу, қўйсам ул, ваҳ, бўлса юз жоним фидо
Ул кишигаким, ҳазин жонимни андин қутқорур

Ақл васвосини қўйсам авло улким, мен дағи
Бошим олиб кеткамен ҳар сариким, ул бошқорур.

Соқие, бир навъ мен лабташна йўқким оғзима,
Ҳар ярам оғзиға қуйсанг бир қадахни сипқорур.

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули
Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.

Кулда пинҳон ўт киби топмас Навоий кўнглини,
Ҳар нечаким ишқ кул қилған вужудин ахторур.

Ул ойки, жафо нардени хўблардин утуптур,
Ё Раб, не бало, меҳру вафони унутуптур.

Оғзи била писта ўчашур пучлуғидин,
Билманки, ўшул оғзи очуқ қайда бутуптур.

Ҳар дам қизиқ оҳим тафидин музтар ўлурмен,
Ўтлуғ нафас, эй войки, оғзим қурутуптур.

Йиллар лаби лаълинг ғамидин жони ҳазиним
Ҳасрат суйини хуни жигар бирла ютуптур.

Аксини кўнгул кўзгусида кўрдуму ўлдум,
Ким ғайрин анинг эвига невчун ёвутуптур?

Ҳижрон куни ишқ аҳлини ўртарга магар чарх
Оташқадасида шафақ ўтин ёрутуптур.

Булбул киби хушгӯй Навоийни қилиб хор,
Ул гулни кўрунг жониби бадгӯй тутуптур.

Барча ҳўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор,
Лек улким бизни беҳол айлар, ўзга ҳоли бор.

Юзум олтундекдуру бу важҳдинким, ҳолиё
Сиймбарлар ул кишинингдурким анинг моли бор.

Киргали кўнглум аро бир-бир ўқунг бўлмиш таним
Ул қаламдекким, анинг ичида туз-туз ноли бор.

Сунбулунг тушса оёғинг остида не айбким,
Гул била хуршиднинг остида лому доли бор.

Ул сабабдин, зоҳидо, машғул эмасмен зуҳд ила,
Ким кўнгулнинг мутрибу май бирла кўп ашғоли бор.

Одам ўлмишменки, ишқ аҳли манга авлод эрур,
Йўқса ёшдин менча кимнинг юз сари атфоли бор?

Гавҳари мақсуд чун вобастаи тавфиқ эрур,
Деса бўлмаским, мунунг саъйи, анинг эҳмоли бор.

Эй Навоий, топмасанг коме лаби жонбахшидин,
Сенинг учун бўлсун анинг ғамзайи қаттоли бор.

Чораи кор истабон бечоралиғ кўнглум тилар,
Хонумон таркин қилиб, авворалиғ кўнглум тилар.

Истарам оллингда қилсам саждау ўпсам лабинг,
Бут парастииш айлабон, майхоралиғ кўнглум тилар.

Бағриму кўксум била кўнглумни қилдинг ёралиғ,
Жонни ҳам бу ҳол бирла ёралиғ кўнглум тилар.

Ошиқ иши чун савод-ул-важҳи ф-ид-дорайн эрур,
Бу маломат кўйида юз қоралиғ кўнглум тилар.

Қасдима ҳар ёндин ул кўй итларин қўй, эй рақиб,
Ким саломат пардасин юз поралиғ кўнглум тилар.

Тан ғуборин жон юзидин рафъ қил, эй дардким,
Кўзни ул ён гаҳ-гаҳе наззоралиғ кўнглум тилар.

Эй Навоий, нечаким кўнглумга тушкан дард учун
Чора истармен, вале бечоралиғ кўнглум тилар.

Ҳар ўқи ул қоши ёнинг жонниким, қурбон қилур,
Рост бир ўқдурки, қурбон кўнглум ичра санчилур.

Истаса васлин кўнгул кўз рашкдин қон ёш тўқар,
Кўз юзин кўргач, кўнгул юз нола ғайратдин қилур.

Тийғи кўксум чок этиб, кўнглумни очса не ажаб,
Ким равон судин ҳамеша халқ кўнгли очилур.

Гарм ўлуб ҳар ён ул оташпораким новак отар,
Рост ўтдекдурки, гирдидин шарарлар айрилур.

Юзни ўн тирноқ илаким ғуссадин қилдим шиёр,
Дона эркин кўз ёшимким, ҳар дам анда сочилур.

Бода ичким, чарх жоми сиррини Жам билмади,
Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг даврин билур.

Оҳ ўтидин шиква гар айлар Навоий айб эмас,
Телбаларнинг ҳар неким, оғзиға келса, айтилур.

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар,
Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавагонимдин хабар.

Чун манга бердинг хабар, лутф айлаб ул ён дағи элт,
Хотири мажруҳ ила озурда жонимдин хабар.

Гар булар кўнглига таъсир айламасдек бўлса, айт
Ёр юзин ғарқ айлаган ашки равонимдин хабар.

В-ар мунга ҳам қилмаса парво, дегил афлок элин
Кеча-кундуз жонга еткурган фиғонимдин хабар.

Килса истигно керакким, айлагай, албатта, раҳм,
Гар десанг жоним аро доғи ниҳонимдин хабар.

Айтким, тутқил хабар мендин йўқ эрса, топмагунг
Олам ичра истабон ному нишонимдин хабар.

Арз қил тадриж илаким, шодлиғдин ўлмайин,
Эй Навоий, келса ногаҳ дилситонимдин хабар.

Ё Раб, бу не гулдурким, бошига чечак санчар,
Гаҳ эгри қўяр бўркин, гаҳ белга этак санчар.

Қўнглумга чекиб новак, ож айлади пайвандин,
Ҳар захмки ул тешти эл анга сўнгат санчар.

Бошимда ҳавас лаълинг, оламга видо этгим,
Чиқса киши мажлисдин, бошига газак санчар.

Ғам кулбасида, жоно, ул хастага раҳм этким,
Тебранса бағир оғир, дам урса юрак санчар.

Қуллоби муҳаббатдур саргашта қўнгулларга,
Чун қуш солиб ул чобук, бошига кажак санчар.

Ҳар кавкаб учин гардун ниш этти шуоидин,
Ғам шоми вафо аҳлин ҳар навъ керак санчар.

Санчилған ажал хори ишқ учраса билгайсен,
Ким жонга бало нишин ҳажр ўзгачарак санчар.

Жисмин чу Навоийнинг пайкони темур қилди,
Билманки, синон эмди бағрига нетак санчар?!

III

Фаминг ўқиқи кўнгуллар уйин нишона қилур,
Менинг чу хокий таним ичра етти, хона қилур.

Лабинг баҳонасиз эл қонини тўкар ҳар дам,
Манга чу етти иш, албатта, бир баҳона қилур.

Кўнгул берурда фусунлуғ кўзига билмас эдим,
Ки эл ичинда мени оқибат фасона қилур.

Кўнгулда жавҳари пайкониники йиғмиш жон
Ажаб эмаски, бу вайронани хизона қилур.

Десаки, меҳр гиёҳин кўкартайин гардун,
Замона аҳли вафо кўз ёшини дона қилур.

Ҳалок доми ёяр субҳхез қушлар учун
Саҳар елики, чаман сунбулини шона қилур.

Насиб булбул учун хори ғамдурур, ул ҳам
Навоий нағмаси бирла магар тарона қилур.

То бўлди кўнгул ул кўзи усрукка гирифтор,
Эл кўзига соғмен, вале ўз-ўзума бемор.

Тонгдин таним оқшомғача тош захми била реш,
Тундин баданим тонгғача тиш захмидин афгор.

Кулбамнинг эмас хиштлири дарзики, очмиш
Ҳолимға фиғон қилғали оғзин дару девор.

Халқ ичра кўнгул ишқини фош айлади оҳим,
Уй ичида ўт бор эканин дуд этар изҳор.

Ул бут ғамидин кофири ишқ ўлғали кўнглум
Жон ришталарин жамъ қилиб боғлади зуннор.

Ҳуш гулшан эрур даҳр будур айбики, анда
Пайваста хазон елидин озурдадур ашжор.

Ёр оллида гар бор йўқ эрса ажаб эрмас,
Ағёр чу бор анда, Навоий санга не бор?!

Фигонки, ёр вафо аҳлига ситам қиладур,
Ниёзу ажз гуноҳиға муттаҳам қиладур.

Наими васлиға ҳўй айлаган кўнгулларни,
Асири ҳажр этибон мубталойи ғам қиладур.

Рақиб беҳуда тақрири бирла юз тақсир,
Заиф ғамзадалар отиға рақам қиладур.

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида ғам эмас,
Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Ўз илги бирла гар ўлтурса бок йўқ, ваҳким,
Рақиб оллида афтодаву дижам қиладур.

Муҳаббат аҳлини, во ҳасратоки, кўп ўртаб,
Аларнинг оҳи ўтидин ҳарос кам қиладур.

Чу гул вафосиз эрур, неча асрасам, ваҳким,
Кўнгул қуши бу гулистондин эмди рам қиладур.

Замона ўқ киби тузларни синдуруб, «ё»дек
Аларки эгридурур шаҳға муҳтарам қиладур.

Навоий ўлгай эди бўлмаса уммиди висол,
Бу қасдларки, анга ҳажр дам-бадам қиладур.

Улки, онсиз хаста кўнглумнинг юз оҳу войи бор,
Ҳажридин юз минг менингдек ўлса, не парвойи бор?!

Чарх тонг отқунча йиғлар меҳрин элдин ёшуруб,
Гўйиё ул саргаштанинг ҳам бир мусофир ойи бор.

Ганжи ҳуснунг янглиғ ўлмиш махзани меҳрим менинг,
Ким неча исроф бирла харж қилган сойи бор.

Заҳри ҳижронким чекармен, таъмини билгай магар
Бедилеки, бир вафосиз кофири худройи бор.

Ишқ мулкидин хабарлар топса Лайло тонг эмас,
Ким анинг Мажнун киби пайки жаҳонпаймойи бор.

Меҳрнинг кўрма шафақ ичра шуоий хатларин,
Ким сипеҳр осибидин мужғони хунполойи бор.

Ҳажр аро қилди Навоий қошларинг кўнглида нақш,
Разм элидек иш куни қурбонда икки ёйи бор.

Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди ёр.

Борди ўқдек тезу «ё»дек қоматим ёд этмади,
Ишқ аро гўё менинг эгрилигимни билди ёр.

Чун гадолар бирла шаҳлар қилмас эрмиш ёрлиғ,
Мен гадони кўзга бас невчун бурундин илди ёр.

Панд эшитиб, дўстлар, ҳеч ким била ёр ўлмангиз,
Ким менинг бағримни тийғи ҳажр бирла тилди ёр.

Мендин айрилган балову дард учунму йиғлайин
Ё ангаким, борибон ағёр ила қотилди ёр.

Йиғлашиб ғам шоми зоҳир айласунлар дард ўтин,
Кимгаким байтул-ҳазанда шамъдек топилди ёр.

Эй Навоий, ёр учун тортар эдинг ғурбатда ранж,
Йўлга туш, эмди равонроқ бўл, азимат қилди ёр.

Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сари қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд,
Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машхур эрур.

Телбарабмен то ани кўрман, ажойибдур буким,
Ул пари девона кўзидин дағи мастур эрур.

Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,
Недин эркинким, даме усрук, даме махмур эрур.

Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйиё
Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур.

Пар уруб бошингга тутма авжким, ҳар неча мўр,
Ким қанотлангай қачон учмоқ анга мақдур эрур.

Ғар Навоий сиймбарлар васфин айлаб кўрса ранж,
Йўқ ажаб невчунки хом эткан тамаъ ранжур эрур.

Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолиптур,
Андоқки қулоғим тўла овози қолиптур.

Кўз хонасини қилди барандохта бу ашк,
Кўз борди вале хонабарандози қолиптур.

Кўнглум қуши то сунбулунгуз домиға тушти,
Булбул киби ҳар гул сори парвози қолиптур.

Ул қуш сафар айлаб не тараб гулбунин очқай,
Ким боғ аро бир сарви сарафрои қолиптур.

Мен ишқ румузин демай ўлдум, сафар этким,
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш рози қолиптур.

Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли чекар оҳ,
Ул бордию эл ичра саровози қолиптур.

Ҳижрону висолин кўпу оз дема Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолиптур.

Ул малаксиймо париким, халқ анинг ҳайронидур,
Жонлар ошуби, вале ошуфта жоним жонидур.

Тифл авроқ ичра бир-бир барги гул терган киби,
Номаи ҳижрон аро тим-тим сиришким қонидур.

Қўрса жон захмида қонлиғ марҳамин айлар гумон,
Ким бузулган кўнглум ўтидин қизиқ пайконидур.

Юзунга май гуллари юз фитна қилди гўйиё
Фитна ҳар гулким, очар, юзунг анинг бўстонидур.

Бормудур кўнглумда кескан ҳам алиф, ҳам наълу доғ,
Ё бу мирёот ичра солган акс ҳуснунг онидур.

Даҳр торожи қилур урён чаман раъноларин
Ёлдин ун чекмас йиғочларким, чаман афғонидур.

Эй Навоий, билки тонг отқунча йиғлар ҳар кеча
Чархдек ҳар кимки, бир бадмеҳр саргардонидур.

Шаҳсуворим ҳар қачон жавлон қилур,
Маҳв ўлуб билман ўзумни, Ҳақ билур.

Анга ҳар кўзим тушар, кирпиклари
Хаста кўнглумга тикандек санчилур.

Очилур кўнглум саманди сайридин,
Ғунча янглиғким сабодин очилур.

Айрилур гўё қуёшдин бир шиҳоб
Оти наълидин ҳар ўтким, айрилур.

Оҳ тортарда магар жон печ урар,
Ўқ отарда ҳар қачонким қайрилур.

Тавсани гардунни маркаб қилмаким,
Ер била рокибни охир тенг қилур.

Тез этар тийғинг Навоий ишқини,
Гарчи ўт ўчар, агар су сочилур.

Қайси бир кўкнинг юзингдек меҳри оламтоби бор?!
Қайси гулшаннинг жамолингдек гули сероби бор?!

Зулфидин, эй захмлик кўнглум, қутулғунг йўқтурур,
Ким сенинг ҳар ҳалқайи зулфунгда бир қуллоби бор.

Зулфу юзидин дам урманг, тун била кун чашмаси,
Ким бу сунбул бирла гулнинг ўзга обу тоби бор.

Не учун ҳар дам сариграқтур юзумнинг олтуни,
Бовужудиким юзида ашкдин сиймоби бор.

Сажда гар айлар малак, не тонгким ул ой қасрининг
Кунгири шаклидин атрофида кўп меҳроби бор.

Давлати зоҳирки, маҳбуб айладинг, тарк айлаким,
Қайдинга зулфини «дол»у «лом»идин асбоби бор.

Юзу лаълингдин Навоий беҳуд ўлса сўрмағил,
Бир итингдурким, саҳар вақтида шаккархоби бор.

Улки юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор,
Нечаким бордур ниёзим, нозу истиғноси бор.

Дам-бадам кўнглум бериб жон нақди истар васлини,
Аллоҳ-Аллоҳ, телба кўнглумнинг ажаб савдоси бор.

Кўнглаким қонлиғ туганлар ўрнидин гулгул эрур,
Ул катондекким, юзида ҳар тараф тамғоси бор.

То ўқунг ёмғур киби келди, кўзум бўлмиш садаф,
Бовужуди улки дурдин юз сари дарёси бор.

Жон бериб, дардинг олиб кўксумда асрармен, не айб,
Асраса сандуқ аро улким самин колоси бор.

Бўлма эмин чарх давридин мураққаъпўш деб,
Ким қуёшдин бу мураққаъ ичра ўтлуғ тоси бор.

Итларинг бўлмиш Навоий кўнгли учун меҳмон,
Бу кеча ул кўй аро кўрким, ажаб ғавғоси бор.

Яна ғариб гуле жонима жафо қиладур,
Яна ажаб тикане кўнглум ичра санчиладур.

Яна бир ўзгача ишқ икки илги зўридин
Бағир била юрагим бир-биридин айриладур.

Қалади, ваҳки, ўтундек сўнгакларимни сипеҳр,
Бу янги ўтқаки тан кулбасида ёқиладур.

Фироқ кожлари бирла, ваҳки, не ўтлар
Булутдек ашкфишон кўзларимга чоқиладур.

Сиришк айлади хокий танимни андоғким,
Қадам қўяй деса уйку кўзумга, тойиладур.

Қочар бу телба кўнгул, яна воқиф ўл, эй ақл,
Ки толпинур кўпу кўксум шикофи очиладур.

Ғариб қисса эрур ишқким туганмади ҳеч,
Агарчи бўлғали олам биноси айтиладур.

Навоий, аҳли жунун қайди ёр зулфи эмиш,
Хирад танобини уз, банд агар бу силсиладур.

Майдин айру гул эмас гўё эрур гулгун ҳарир,
Ким кесиб гул ҳайъати бирла сепиптурлар абир.

Шамъ эмас боғ ичра майсизким, ҳунарвар илгидин
Бўлди рангин мум ҳар қолаб била ҳайъатпазир.

То қизитмайдур қулоғни май гули яксон эрур
Булбул оғзидин сафиру боғ эшигидин сарир.

Соқӣё, жонимға еттим тавбадин, жонинг учун
Бўл манга бир лаб-балаб паймона бирла дастгир.

Бодаеким, етгач оғзимға, чиқарғай нашъаси
Тақвою ислому ақлу зуҳд жонидин нафир.

То бўлуб расво яна бир жом учун муғ кўйида
Ҳар замон ўзумни кофирларға қилғаймен асир.

Эй Навоий, маъсият узрида ўлсанг яхшироқ,
Зуҳд уjbидин мукаддар бўлғуча лавҳи замир.

Соқиё, дай шиддатидин ақлу ҳис бетоб эрур,
Чораси жоми билурин ичра лаъли ноб эрур.

Тийину қоқумни рокиб шўхлар ўз эғнидин
Тоб бирла юзга чеккандин кўнгул бетоб эрур.

Ишқдин йўқким, совуғдин оташин гул истабон
Топмағандин булбул аъзосида пар синжоб эрур.

Сийм ўтдин сув бўлур, елдин ажойибдур буким,
Титрамакдин сиймбарлар жисми чун сиймоб эрур.

Тўлун ой эрмас, тун оқшомким қуёшнинг чашмаси
Муз тўнғубтурким, зиёси тийра чун маҳтоб эрур.

Сиймдин баҳман чаман Қофини то зол айлади,
Қушлар ул сийм остида Симурғдек ноёб эрур.

Эй хуш улким, лаългун май ич дебон таклиф учун
Илги бир заррин камарнинг бўйниға қуллоб эрур.

Кишу ўрмак қайдидин ўт, айшни фавт этмаким,
Киш қаророқ тулку, ўрмак юпқароқ мошоб эрур.

Эй Навоий, гар муҳайё топмасанг асбоби айш,
Фам ема, шаҳ қуллуғи юз айш учун асбоб эрур.

Ул сарафрозеки, олий дарғаҳининг ҳайъати
Барча саркашларга бош қўймоқ учун меҳроб эрур.

Оразинг хуршиду оғзинг заррадин тимсол эрур,
Зарра узра нуқта янглиғ оғзинг узра хол эрур.

Кокулунгдур мушку устида гиреҳ мушк узра «мим»,
Қоматинг шамшоду зулф остида тушган дол эрур.

Қошу қадду зулфидин пайваста то наълу алиф
Танда кестим, ноладин озурда жисмим нол эрур.

Чун дедим: холинг била кўз мардумининг ҳоли бор,
Деди улким: хол дейсен, нуқтасиз ҳам ҳол эрур.

Нукта дер ҳолатда тор оғзингни кўргузган лабинг,
Гўйиё занбур нишидин тешилган бол эрур.

Дурдкашмен пири дайр оллида мақбул ўлғали,
Давлат аҳлининг қабули кўрки, не иқбол эрур.

Соқиё, гар давр таъжилин кўруб қон йиғламас,
Бас Навоийдек суроҳий ашки невчун ол эрур?

Оразинг кўзгусиму тер касратидин судаду
 Ёхуд ул ораз суйининг аксиму кўзгудаду?

Дема айни ноздин ул кўз очилмайдурки, бор
 Кофиреким мастлиғ ифротидин уйкудаду.

Топмоғим ўзни маҳол ўлмиш фироқинг шомиким,
 Таб ародур хаста жисму тоб ул гесудаду.

Сен отарсен новаку кўксум шикофидин кўнгул
 Кўргали келмиш, хато қилмаки, хуш қобудаду.

Сажда қилмоқ не тафовут Каъба ёхуд бутқаким,
 Қоши меҳроби, қаён қилсам сужуд, ўтрудаду.

Ўлмагимдин зулфунга гўё паришонлиғ етиб,
 Мотам аҳлидек қуйи солиб бошин қайғудаду.

Нух умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо,
 Ич, Навоий, бодаким олам ғами беҳудаду.

Оразинг кўзгусида хат сабзадурким, суда бор,
Ё магар зангор су таъсиридин кўзгуда бор.

Ўқларинг пайкон била ҳар ён қуруқ жисмимдадур,
Шохлар узра кўнгуллардекки ул ножуда бор.

Заҳри ҳажринг қилди дафъ ул кўз қораси, ваҳ, бу навъ,
Қайда бергай хосият позаҳрким, оҳуда бор.

Бордурур меҳроб турғач бутқа қилғандек сужуд,
Сажда қилсам қиблага то қошларинг қаршуда бор.

Зулф аро холинг агар дин қасди айлар не ажаб,
Мунча кофирлиғ раги, ваҳ, қайси бир ҳиндуда бор.

Ишқ водийсин хатардур илм ила қатъ айламак,
Солик эрсанг ташла маълумунгнию осуда бор.

Юзин истарсен, Навоий, қочма зулфи фикридин,
Ким сен истар айшнинг уммиди бу қайғуда бор.

Юзунгда зарварақ ҳар ёнки лутфи бениҳоятдур,
Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдур.

Сочингда зарфишон чехранг залолат шомиди ҳар ён
Тажаллий машғалидин ёруған шамъи ҳидоятдур.

Юзунгда нил холи равза ичра нилуфар шибҳи,
Бинафша гулшан ичра юзда нилингдин киноятдур.

Кўнгул сайдиға очма сунбулунг домин, юз очқилким,
Гул-ўқ очилса қайд этмакка булбулни кифоятдур.

Эл ичра кўптурур афсона Лайло ҳуснидин, лекин
Сенинг ҳуснунгға ташбиҳ этмак они не ҳикоятдур?!

Кўнгул қонин кўп ул хунхора кўз ичти, эмас гўё
Юзунг гулгунадин гулгунким, ул қондин сироятдур.

Дема, туш вақти ул юз кундин ортуқтур, муни кўргил
Ким ул ёндин ниҳоят бўлса, бу ёндин бидоятдур.

Эрур бедод, боринда тараҳҳум, дўстдин юз ҳайф
Ангаким, шукр боринда иши доим шикоятдур.

Навоийға кўнгул бердингки, жонин олғасен бир кун,
Эрур ўз нафъи, шаҳдин гар раиятқа риоятдур.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ
ЗИЙНАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

199

Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
Магарки тосиға ўт ёқти чархи шуъбадабоз.

Бу турфароқки, мунунгдек тамуғ аро тушмиш,
Самуру қоқум учун олам аҳлиға таку тоз.

Не кўкка чиқмоқ эрур долбою ўтаға била,
Ки болу пар бу эса, мумкин эрмас ул парвоз.

Не гармлиғни қўяр, не фусурдалиғни башар,
Нечаки куюб эрир ўту муз киби қишу ёз.

Фалак арусиди йўқ меҳру дилраболиғ кўп,
Нечуқки ҳусну жамол аҳлиға вафо била ноз.

Эгилиб ўпса ер аҳли ғурур ҳурмат учун,
Шабиҳ эрур анга мутлақки маст қилса намоз.

Хуш ул жаридеки, бир навъ қилса сайру сулук,
Ки соя ҳамқадам ўлса анга, камар ҳамроз.

Наво агар тиласанг, тут қироқки, эгри бами
Не кўп тапонча еру не бийик чекар овоз.

Навоий, ёр ила бўлким, будур ҳарам васли,
Мақоминг ўлса Ажам ё Ироқ ёки Ҳижоз.

Рафиқлар, мени маҳзун нечук бўлай ғамсиз,
Ки кўнглум эрмас аламсиз, кўзум эмас намсиз.

Синуқ кўнгулда чу йўқ шодлиғ, соғинурмен,
Ки йўқтурур бори оламда бир кўнгул ғамсиз.

Демангки, ҳажрда май ҳамдам ўлса ғам кам ўлур,
Ки самдурур, дам эмас, бода ёру ҳамдамсиз.

Хуш улки, ёр фироқию ё кўнгул ғамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.

Кўнгул ғамини деб аҳбоб, раҳм қилди ҳабиб,
Менинг жароҳатим эрдик, қолди марҳамсиз.

Кўзумдин этмагил, эй сарв, ҳеч жониб майл,
Ки яхшироқ кўрунур сарвким, бўлур хамсиз.

Навоийни вараъу зуҳд қайди ўзлугидин
Халос қилмади, эй ишқу май, магар ҳам сиз.

Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз,
Чун етар мен хастаға навбат, қилур юз навъ ноз.

Зоҳидо, ҳар дам демаким мазҳабингда бор қусур,
Қайси масжидда қилиб эрдим сенинг бирла намоз?!

Ишқ аро кўнглумни ул юз меҳридин манъ айламанг,
Ким эмас мумкин самандар ўтдин этмак эҳтироз.

Бир кун оҳимдин ўшул бадмеҳр кўнгли юмшағай,
Нечаким пўлод эрур қаттиқ топар ўтдин гудоз.

Ё Раб, охир нетгамен ул шўҳи бадхў бирлаким,
Зулм этар, қилсам тазаллум, ноз этар, қилсам ниёз.

Чархи минойи хати сирриға ҳамроз истама,
Ким бу хат мазмунидин дам урмай ўтмиш аҳли роз.

Эй Навоий, сен баче олуладомансен, магар
Ишқ ул пок ила ўйнарсенки, дерлар, покбоз.

Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз,
Бошимда бордурур ул сарвқад ҳавоси ҳануз.

Юзунг фироқида ҳар бир кўзум менинг бир доғ
Қўюптурур, вале тушмайдурур қароси ҳануз.

Фақиҳ қилди дуо «Ишқдин қутулғил» деб,
Қабул қурбида эрмас эмиш дуоси ҳануз.

Нечук тамаъ қилайин меҳр ила вафосинким,
Ҳақир жонима дархўрд эмас жафоси ҳануз.

Ҳалок ўқи кўзунг урмиш кўнгулга тонмаки, бор
Ёнида кирпику қошингдин ўқу ёси ҳануз.

Ҳалокинг ўлғали жон кўз қорарди, ваҳ, юз очиб
Қародин ани чиқарғилки, бор азоси ҳануз.

Сипеҳр зулмидин ул навъ мотамидур субҳ,
Ки умрлар ўтубон чок эрур яқоси ҳануз.

Навоий жон берур, ул муддаийни маҳрам этар,
Бу ишча юз минг эмастур анинг сазоси ҳануз.

Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз,
Тош отибон не учун телбаларга қотиласиз?

Кетинг, кўнгул била жонким, видоингиз қилдим,
Фироқ, агар будурур, эрта кунни кеч қиласиз.

Фироқ вақтидур, эй кўзлар, эмди қон йиғланг,
Билурмусизки, букун не кишидин айриласиз?

Кўзум ҳақини биҳил қилдим, эй жавоҳири ашк,
Ки боре ҳам анинг-ўқ мақдамиға сочиласиз.

Фироқ нишлари, ваҳки, яна раҳм этмай,
Нафас-нафас нега мажруҳ ичимга сончиласиз?

Кўнгул фасоналари, сизни, ваҳ, нетиб яшурай,
Бу навъким, юз уза қон ёш ила ёзиласиз.

Навоий ҳажрға қолди, қилинг висолда шукр
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен,
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача,
Ким хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Топмадуқ гулранг жоми беҳумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хумморсиз.

Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.

Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордур валеки
Жон анга манзил, кўнгул анинг висоқидур ҳануз.

Ғайр ишқи кўнглум уйинда нечук қилғай нузул,
Ким ҳаёли маскани кўзум равоқидур ҳануз.

Ишқ ила май таркин, эй носих, не навъ айлай қабул,
Ким кўнгулга орзу ул турфа соқийдур ҳануз.

Фурқат ўти дофии доғ ўртамакдур демаким,
Ўртаган жоним ул ой доғи фироқидур ҳануз.

Чарх ёлғиз қилмади Фарҳод қонин лолазор,
Лола қонин тўккучи онинг нифоқидур ҳануз.

Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз.

Хуррам ўлди боғу бир гулдин ичимда ғам ҳануз,
Кулди ҳар ён ғунчаву кўнглум иши мотам ҳануз.

Булбул ўлди гул ҳарими хирманининг маҳрами,
Гул узорим кўйида мен телба номаҳрам ҳануз.

Чиқти туз ҳар нахл уза бир ишқпечон чирмашиб,
Ваҳки, бир қад ишқидин жисмимда печу ҳам ҳануз.

Очти савдо дафъиға сунбул мусалсал туррасин,
Оҳким, бўйнулда занжири жунун муҳкам ҳануз.

Соқие, раҳмеки тортиб лола соғар дам-бадам,
Лолагун соғарға мен бўлмаи даме ҳамдам ҳануз.

Фақр нахлидин гули мақсуд узмак истама,
Ётмай анда оҳу ашқингдин ҳавову нам ҳануз.

Бир сўзин истаб Навоий ўлди, ваҳким, етмишиш
Ҳуққайи ёқутидин кўнглумга ул марҳам ҳануз.

Сел ун чектию савдо менда бепоён ҳануз,
Дашт сарсабз ўлдию мен телба саргардон ҳануз.

Гунбадин қилди иморат гунчанинг ёз ёмғури,
Телба кўнглум уйи савдо селидин вайрон ҳануз.

Ҳар қуруғ шох ўлди дашт узра сабодин ҳуллапўш,
Тинмағур жисмим жунун водийсида урён ҳануз.

Тонг насими бирла найсон ёмғури не судким,
Оху ашким даҳр аро ҳар дам солур тўфон ҳануз.

Ёнғил, эй Исодамим, ҳуснунг баҳори ҳаққиким,
Бордурур муҳлик жунунумға даво имкон ҳануз.

Не осиг ҳар оқ гул ўлса марҳам учун бир момуқ,
Чунки чиқмайдур ярамдин гунчадек пайкон ҳануз,

Дашт ҳайвони қочарлар суҳбатимдин рам қилиб,
Ақли йўқ носих гумон айлар мени инсон ҳануз.

Ком еткурмак ғанимат англа ҳожат аҳлиға,
Эй ғаний, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.

Шайх манъ айлар жунун ҳар дам Навоийға, кўрунг,
Ким баҳор айёмида оқилдур ул нодон ҳануз.

Кўюнг борида қилман жаннатқа гузар ҳаргиз,
Қаддинг қошида солман тубийға назар ҳаргиз.

Ўқунгга кўнгул мойил, мужиб недур, эй қотил,
Ким ўтканидин бўлмас кўнглумга хабар ҳаргиз.

Бу жисми низор ичра кўнглумни гумон қилманг,
Шохеки қурур, анда ким кўрди самар ҳаргиз?!

Лаълингда малоҳатдин жон комидадур лаззат,
Бу таъм қачон бергай туз бирла шакар ҳаргиз.

Кўнглига фиғонимдин раҳм ўлмаса, эй булбул,
Гул ғунчасиға борму нолангдин асар ҳаргиз.

Пил ўлса сенинг хасминг, десангки зарар топмай,
Бир пашшаға оламда еткурма зарар ҳаргиз.

Махлас тиласанг ғамдин даҳр ичра Навоийдек,
Қўймағасен илгингдин соғарни магар ҳаргиз.

Замоне гарчи ёдим қилмас ул номехрибон ҳаргиз,
Фигонким, ёди чиқмас хотиримдин бир замон ҳаргиз.

Оти оғзим аро мазкур, ўлармен оҳким, бўлмай
Отим оғзиға бир мазкур ўлурға комрон ҳаргиз.

Кўнгул то водийи ишқиға тушти, қилмади бир ҳам
Ватанни ёд ул овориай беҳонумон ҳаргиз.

Лабидинким, кўзум ёши жаҳонни лаългун қилди,
Бағир жузвидин айру топмади бир қатра қон ҳаргиз.

Ити фарёдини тоқманг мангаким, хўйидин умре,
Улуғроқ тинмадим, не навъ чеккаймен фигон ҳаргиз.

Ёриб кўксам жунун таъвизидек жон пардасин очма,
Ки фош ўлмайдуру ул қонлиғ неча доғи ниҳон ҳаргиз.

Ғаму андуҳ яъжузиға ҳар девор садделуру,
Ғано майхонасидек топмадуқ дорул-амон ҳаргиз.

Бу дами тут ғаниматким, келуру дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз,

Кирон қилдинг, Навоий, назм ароким илтифот этмас,
Сўзунгдин ўзга сўзга хусрави соҳибқирон ҳаргиз.

Ҳар неча кўнглумни чок этсанг қилур ишқинг ситез
Ул сифатким, ўтни ёрган сойи бўлур шуъла тез.

Сабр ила ишқим хусумат бошлаб ўртарлар мени,
Ўт бўлур зоянда, тош этса темур бирла ситез.

Ғам туни рихлат саҳоби жоласидур ё эрур
Мотамимға чарх анжум жавҳаридин ашкрез.

Васл аро ашким қилур тугён ўшул юз тобидин,
Ёз фаслида қуёш тез ўлса, бўлур селхез.

Сарву гунчанг жилваси куйдурди элни, оҳким,
Даҳр аро тубию кавсар бирла солдинг рустахез.

Кўз уйидин ул пари рам қилди, мардум ашкидин
Бўлди чун ҳамхона тардоман эрур авло гурез.

Чун Навоий васл топти, эмди бирдур, эй табиб,
Шарбатин гар захр ёхуд оби ҳайвон бирла эз.

Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф кошонамиз,
Бўлди гўё аждаҳо коми бизинг вайронамиз.

Тойири васл учти ашким донасидин ваҳм этиб,
Қушқа, ваҳким, рам берур толиъ йўқидин донамиз.

Ул чароғи ҳусн вайрон кулбани ёрутқали
Меҳр шамъин ёругуптур ҳар куюк парвонамиз.

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазл айлабон вола кўнгул,
Ўтқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз.

Эл тилидин уйқу ўчмиштур кўзумдин гўйиё,
Ким эрур бахт уйқусининг боиси афсонамиз.

Ўлтурай бир май била деб, тиргузурсен, соқиё,
Оби ҳайвон бирла гўёким тўлар паймонамиз.

Муршидеким, қилса иршоди фано, биллаҳ анга
Бу вужуди оразидин ўзга йўқ шукронамиз.

Кўйида кўнглум кўнгуллар ичра кўрдум, турфа кўр,
Турфароқким, ошнолиғ бермади бегонамиз.

Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз,
Қиблага, кофирмен, ар бош индуруб қилсам намоз.

Қон ёшимдин лаългун кирпич била айтур қўзум
Оразинг наззорасин айларда юз тил бирла роз.

Қадди васлин истасам раънолиғ айлар ноз ила,
Хусн бўстонида ул саркаш қад эрмиш сарвиноз.

Одамийлиғдин қочиб еттим жунун ўтин сочиб,
Эй саломат аҳли, айланг телба итдин эҳтироз.

Чехра оч қўнглумни десанг куйдурай, ҳижронни қўй,
Ўт не ҳожат, мум топса меҳр тобидин гудоз.

Риштайи ашкин тутуб туфроғ сори тортар фано,
Ул сабабдин эгма қад зоҳир қилур аҳли ниёз.

Эй Навоий, ғайр нақшин пок юб жон лавҳидин,
Ёр учун жон ўйнасанг, ул лаҳза борсен покбоз.

Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз,
Ёки чекти шуъла ахзар жисм ила шамъи Тироз.

Куйса мажнун кўнглум ул юз ламъасидин тонг эмас.
Не учунким айламас девона ўтдин эҳтироз.

Улки эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса ҳусн,
Уйладурким, айлағай фосиқ таҳоратсиз намоз.

Рози ишқинг дерга пайконинг эрур кўнглумга тил,
Лол тил бирла қилур эрмиш такаллум аҳли роз.

Секритиб чиқти яна майдон сари ул турк маст,
То яна қайси кўнгул мулкига қилғай турктоз.

Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни,
Йўқса невчун айлади Маҳмудқа қуллуқ Аёз.

Ҳар мақом ичраки бўлсанг айру бўлма ёрдин,
Эй Навоий, ҳожат эрмас қилмоқ оҳанги Ҳижоз.

Туфроғимдин кошки жисме мураттаб қилсангиз,
Бир ит ўлса кўйида руҳиға қолаб қилсангиз.

Етмагай чобуксуворим гардиға, эй аҳли ишқ,
Меҳрни рокиб қилиб, гардунни маркаб қилсангиз.

Боданўшум базми ғавғосидин, эй жону кўнгул,
Самъиға етмас неча фарёду ё Раб, қилсангиз.

Олами ишқ узра бас лойиқдурур, эй дарду шавқ,
Дуди оҳимни сипеҳр, ашкимни кавкаб қилсангиз.

Маркаби наълин мужалло қилгучилар зеб учун,
Оразимға суртунг ул дамким, музаҳҳаб қилсангиз.

Файри нўшонўш азал соқийсидин келмас хитоб,
Бизни бас май журмидин бўлмас мухотаб қилсангиз.

То Навоий, қисмат ўлған майни ичмас чора йўқ,
Дўстлар, авло буқим, жомин лаболаб қилсангиз.

Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки чектим тез,
Ул ўт шароралари бўлди ҳар тараф гулрез.

Қазо мусаввири гўё ҳал этти лаълий ранг
Лабинг ақиқини айлар маҳалда рангомез.

Лабинг малоҳати ғавғо қўпарди оламдин,
Шакарни бўйла киши қайда кўрди шўрангез.

Итингки шер забундур анга, топа олман,
Десам кўрай ани бошимдин ўзга дастовез.

Чу келди хасталиғим сўрғали қадахнўшум,
Кетур пиёлаки, ўлсам ҳам айламан парҳез.

Десанг замона ситезини ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.

Гули сабоҳ юзин кўрмагайсен, эй булбул,
Бу гулшан ичра Навоийдек ўлмасанг шабхез.

Ёрдин айрилғали шайдо кўнгул беҳоб кўз,
 Ҳар замон зоҳир қилур савдо кўнгул, ҳуноб кўз,

Кўзу кўнглум баҳру бар сайр эттилар ёр истабон,
 Бу сафарда топтилар яғмо кўнгул, ғарқоб кўз.

Кўзу кўнглумдин бири куюб, бирисин бузди сел,
 Йўқса невчун бўлди нопайдо кўнгул, ноёб кўз.

Деб эмиш ҳажримда мендек кўзу кўнглин асрасун,
 Войким, йўқтур манга хоро кўнгул, қассоб кўз.

Ваҳ, не кун бўлғайки, еткай васлиға кўзу кўнгул,
 Тортибон фарёду вовайло кўнгул, йиғлаб кўз.

Кўрмайин деб кўрди кўз, кўргач кўнгул қилди ҳаво,
 Бўлди зор эткан мени расво кўнгул, қаллоб кўз.

Дўст кўзла, ҳасмдин узгил кўнгулким, тушса иш,
 Бермасу олмас эмиш аёдо кўнгул, аҳбоб кўз.

Эй Навоий, гўйиёким ёр меҳмон бўлғуси,
 Ким мураттаб айламиш маъво кўнгул, абвоб кўз.

Тийрадур ўйлаким, еруғлуғ анга қўймас юз,
Шоми ҳажримда агар бўлса қуёш ҳар юлдуз.

Ўтти ҳижрон кечаси ранжида умрум, ё Раб,
Бир кун ўлғаймуки, ушбу кеча бўлғай кундуз.

Хўблар анжумани ичра назиринг йўқтур,
Меҳрни анжум ичида деса бўлур ёлғуз.

Эгриликлар эса зулфунг ҳаракоти не ажаб,
Ким йилонни ҳаракат қилганида кўрмиш туз?

Сендин айру эмас, эй дўст, ўлугу тиригим,
Қаҳру лутфунг била гар ўлтур, агар худ тиргуз.

Гулда йўқ сарв қади, сарвда гул рухсори,
Сарви гулрўюм эрур ҳусн тариқида тўқуз.

Соқиё, май тўлаким арбада истар кўнглум,
Эй қаландар, чола бошла ўкурур кўкта қўбуз.

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тўра ойини била томса тўқуз, оқса ўтуз.

Эй Навоий, тиласанг ёр ила топмоқ пайванд,
Ғайридин саъй қилиб риштайи пайвандни уз.

Йўқки ул кўз қорадур ҳуснунг аро, эй қоракўз,
Ким қошинг дағи эрур асру қаро, эй қоракўз.

Гар кўнгулларни жалойи ватан истар бўлсанг,
Ёш тугунларнию зулфунгни таро, эй қоракўз.

Қора наргис кўзу гул юз била гар сен киби йўқ,
Булбуле мен киби йўқ нағмасаро, эй қоракўз.

Кўзларинг захм агар қилмади ҳар кирпик ила,
Бас, недур кўнглума юз ерда яро, эй қоракўз?!

Менмену бир ярамас кўнглум, анинг қатли учун
Кўз қора қилма, бир ишимга яро, эй қоракўз?!

Гоҳ фақр аҳлига ҳам раҳм кўзи бирлан боқ,
Ким дуогўюнг эрурлар фуқаро, эй қоракўз.

Сен Навоийга вафо айламасанг, бор ўлсун
Шоҳ Абулғозий ибни Бойқаро, эй қоракўз,

Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз,
Не ажаб ани қоракўз десаму ширин сўз.

Лаби юз ваъдани андоқ манга ёлғон қилди,
Ки дей олмас киши юз йилда бир андоқ чин сўз.

Ҳажринг афсонасидин сўз дер эсам васл тунӣ,
Топмағай тонгғача тун йилча эса таскин сўз.

Белию лаъли лаби оллида лол ўлди хирад,
Ким эрур бири дақиқу бири бас рангин сўз.

Ҳар фасоҳатки, лабинг қилди, Масиҳо эшитиб,
Жон топиб, келмади оғзи аро жуз таҳсин сўз.

Ҳусни васфида сўзум тутти бари оламини
Муршиди ишқ манга айлагали талқин сўз.

Базми айш ичра Навоий, не ажаб урмаса дам,
Айта олмас чу нишот аҳли аро ғамгин сўз.

Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз,
Тонг эмастур ҳеч мафҳум улмаса маъдум оғиз.

Аллоҳ-Аллоҳ, турфадур буким ики жонбахш лаб,
Икки ён маълуму эрмас ўртада маълум оғиз.

Ваҳми юз минг гумон ичра солур мундинки бор
Хатти мавҳум ул бел, аммо нуқтайи мавҳум оғиз.

Ул алифдек қад латофат ичра бўлди бирга ўн,
Сифрдек то бўлди анинг зимнида марқум оғиз.

Дол ангаким ишқ китмони керак ишқ аҳлиға,
Ишқинг асрорида сирредур ажаб мактум оғиз.

Ваҳки, ул юзу оғиз шавқидин ўлдум, лек бор
Юзидин юз ноумиду оғзидин маҳрум оғиз.

Заҳри ҳажр оғзим тўла найлаб қилай ўпмак хаёл,
Ҳайфдурким, еткай оғзи нўшиға масмум оғиз.

Пок лафз айтурға оғзинг пок қилким ҳайфдур
Яхши сўз боринда сургай нуктайи мазмум оғиз.

Эй Навоий, махлас истар бўлсанг эл тил, оғзидин
Назмдин ҳам тилни тийғил, насрдин ҳам юм оғиз.

Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Халқ тарки ишқи айларга мени дилхастани,
Ўлтуруб олам элига мужиби панд айлангиз.

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Тўш-тўшидин тишлабон парканд-парканд айлангиз.

Бодайи ишқ асру маст этмиш мени, эй дўстлар,
Жомима афюн эзиб бир дам хирадманд айлангиз.

Йиғласам аччиғ малул ўлмоқ недур, эй хўблар,
Ҳазл учун гоҳе боқиб, сиз ҳам шакарханд айлангиз.

Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,
Кўнглунгуз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.

Килсангиз тасвири Лайло хуснин ул ойдек сизинг,
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз.

Гам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж.
Ҳам бу юк қилмиш эди Фарҳод ила Мажнунни кўж.

Килди чун Фарҳод ила Мажнун қадин ҳам, не ажаб,
Юз аларча заъф ила гар қилса бу маҳзунни кўж.

Юк агар будур не Фарҳоду не Мажнуну не мен,
Рост, гар дерсен бу юк айлаб турур гардунни кўж.

Ваҳ не юкдур буки, гардун қоматин кўж айлади,
Ўйлаким гардуннинг остида кўрарсен «нун»ни кўж.

Юзи маҳтобида мушкин қоши невчун кўж эрур,
Ўғрилиқ гар қилмади ул ҳиндуйи мавзунни кўж.

Эғриликка шуҳра бўлмоқ истамассен, айлама
Аҳли исён хизматида қадди беқонунни кўж.

Гар Навоий кўж эрур шаҳ хизматида не ажаб,
Чунки қилмиш қуллуғи Жамшиду Афридунни кўж.

СИН ҲАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ
САВДОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

223

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,
Умрни тутқил ганиматким, замоне беш эмас.

Уй бино айлаб ажабтур элни меҳмон айламак,
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас.

Қўй тавонолиғ сўзин, ёд эт ажал хоринки, бил
Пашшалар ниши қошинда нотавоне беш эмас.

Кир фано дайридаким, ҳар шайху юз савдо анга,
Улки отин хонақаҳ қўймиш, дўконе беш эмас.

Эйки, бўлмиш хилъатинг зарбафт бори билким, ул
Маъно аҳлин кулдурурга заъфароне беш эмас.

Меҳр тожу чарх тахтинг бўлса ғофил бўлмаким,
Меҳр бемеҳру фалак номехрибоне беш эмас.

Шаҳға иш эл фикрини қилмоқдур. Ул ким, зеб ким?!
Бир сурук қўйдур раоё, ул шубоне беш эмас.

Гар Навоий истади авворалиғ, эй аҳли хуш,
Фам еманг девонайи беҳонумоне беш эмас.

Авжи давлат узра бўлсун доимо Билқиси аҳд,
Ким Зуҳал қасрида ҳар тун посбоне беш эмас.

Не ажаб гар нуқл тухми ғам қушин ром айламас,
Маст чун бир дам овуч қоқмоқдин ором айламас.

Тун қуёшқа ёвуй олмасдекдур улким, май сари
Тийралик шахси азимат бир-ики гом айламас.

Фикру ғам қочмоққа майдин истасанг равшан далил,
Шайх ё зоҳид недурким бода ошом айламас.

Айни нозу шевадин кофир кўзунг, эй муғбача,
Тарфат-ул-айне эмаским, қасди ислом айламас.

Жисм аро пайконларинг су қилди кўнглум оҳ ила,
Бодаи шавқин ажабким, ичкали жом айламас.

Воизо, айлаб тамаъ қон ютмағилким, пири дайр
Бодадин ўзга савол аҳлиға инъом айламас.

Дема, ишқ ўйнаб Навоий оқибат не бўлғуси,
Ким бу иш оғоз қилган фикри анжом айламас.

Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлуғ нишони бас,
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошёни бас.

Дамингни асра, эй Исоки, ранжим дафъиға ҳар кун
Гизо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.

Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким,
Манга ёр оллида ўлмак ҳаёти жовидони бас.

Шаху — иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи,
Манга идбор кўйида мазаллат хокдони бас.

Ганию кўнглида пинҳон дирам фикрию, ишқ ўти
Менинг кўнглумда куйдурган неча доғи ниҳони бас.

Санга Кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғони бас.

Ҳаводис дафъиға шаҳ кўк ҳисори узра гар чиқсун,
Ки фақр аҳли учун дайри фано дорул-амони бас.

Фиғонким, лутфу қаҳриға тафовут йуқни ҳам англаб,
Фано аҳлиға жаврин қилмади бу дайри фони бас.

Навоийдек ўлар ҳолимда деманг ҳуру жаннатдин,
Сизинг барчага—бу, овораға бир кўрмак они бас.

Нафис кийгулук ўлса яланг танимға ҳавас,
Ҳасир нақши ҳасирий либос ўрниға бас.

Сиришк йўлини хас бирла туттилар, ёхуд
Кўзумни йўлиға суртарда мунча тўлмиш хас,

Бир ўт димоғима ҳажр урдиким, нафас андин
Чиқар самум ўлуб, ар худ бўлай Масиҳнафас.

Азим анингдек эрур ишқ маҳмиликим, анга
Қазо фалакни икки бўлса бўлғай икки жарас.

Танимға чоклар очти, не айб агар ўлсам,
Ки руҳ булбулининг лойиқи эмас бу қафас.

Кўнгулки, кофири ишқ ўлди ор эрур зуннор,
Нединки муғбача-зулфин белига қилди марас.

Фано ҳавас қилу фақр эт ҳаво Навоийдек,
Вале ҳавову ҳавас, қилмағил ҳавову ҳавас.

Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон эрмас,
Дағи ҳар лахт қон ёшим била кўздин равон эрмас.

Юзунг меҳри ичинда кўз солиб оғзингни кўрмасмен,
Агарчи зарра хуршид оллида кўздин ниҳон эрмас.

Ушалған ҳар сўнгак жисмимда гўё каъбатайнедур,
Ниҳоний доғи зоид нуқтасидурким аён эрмас.

Эрур дардимға таскин бу кеча, лекин тўшук кўксум,
Ажаб гар новаки кўнглумга киргандин нишон эрмас.

Мени ўлтургали ғамзанг ўқи умредурур, лекин
Тирик лаълинг хаёли бирламен, жисмимда жон эрмас.

Лаҳад кунжин ватан айлаб тиниптур умридин Мажнун,
Не бўлса, мен киби овораи бехонумон эрмас.

Бу давр ичра қачон жоми фароғе етгай, эй соқий,
Чу бир дам дарду меҳнат заҳри чекмакдин амон эрмас.

Агарчи қон ютар булбул, вале не ғам анга чунким
Навола ғунчадин айрую гулдин ўзга хон эрмас.

Навоий ўлди, гар парвона куйди, булбул ун чекти,
Булар гар яхшидурлар, ишқ аро ул ҳам ёмон эрмас.

Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас,
Доғини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳумро эмас.

Настаран кўзгусида бир сори мен, бир сори ёр
Чеҳра аксин кўргузуптурбиз, гули раъно эмас.

Гулни ўхшатқан учун ёримға гўё боғ аро,
Музтариб кўнглум қушидур, булбули шайдо эмас.

Сунбул устидин насим эскач, нигорим туррасин
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.

Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир
Пардаи жонимдурур марҳун, қадаҳполо эмас.

Дема, афғонимда булбул ноласидек йўқ нишот,
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.

Гулни сарв узра хаёл эттим кўнгул бўстонида,
Рост айтай: сарви гулрўюм киби зебо эмас.

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўҳларким, боғ аро
Сиз киби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

Манга гулрух соқию булбулға гул тутти қадаҳ,
Маст эрур ул ҳам, Навоийдек вале расво эмас.

Демаким, нўши лабидин қути жон қилдим ҳавас,
Оби ҳайвондин ҳаёти жовидон қилдим ҳавас.

Лаъли нўшидин гар ўлсам ҳам эмастур айбким,
Ҳазм эта олмас гизо мен нотаваон қилдим ҳавас.

Тош ебон атфол коми бирла жон берсам не тонг,
Ким пари васлиға жонни комрон қилдим ҳавас.

Остонинг истадим бош қўйсам эрмас айбким,
Салтанат тахтин мени беҳонумон қилдим ҳавас.

Ҳар фатила захм ароким, эрди чектим жон аро,
Кўнглума қўймоқ неча доғи ниҳон қилдим ҳавас.

Зухд ила йўл топмадим мақсадға май тут, пири дайр,
Ким ўзумни эмди расвойи жаҳон қилдим ҳавас.

Эй Навоий, тоғу водий тутмоғим айб этмаким,
Ёшурун дардим демак тортиб фиғон қилдим ҳавас.

Бас недур кўз гар хаёлинг хайлига манзил эмас,
Ҳар қаро бир ўт ери, давринда кирпич — хору хас.

Жаннат аҳлига эрур ҳар лаҳза кўюнг орзу,
Дўзах аҳли уйлаким жаннатни қилғайлар ҳавас.

Новакинг пайкони то чектилар, нолон кўнгул —
Айламас афгон кўнгулсизликдин андоқким жарас.

Дема мен мажнунга, эй носихки, бас қил оҳни,
Ким манга иш ул пари ишқида бўлмиш оҳу бас.

Заъфдин беҳуд кўруб, оғзимга ул юз кўзгусин
Қўйсанг ул дам урмағаймен, биллаҳ ар ўлсам, нафас.

Дайр пири хидматиға чекмаинму белни чуст,
Ким неча зуннодин тонгмиш белимга бир марас.

Соқие, даврон агар будур, Навоий ҳар замон,
Жомиға беҳушдору қотмоғ айлар мултамас.

Оҳ ўқин жон ичра асраб, кўнглум изҳор айламас,
Йўқса бир дам бормуким, юз жонни афгор айламас.

Ваҳ, не юздур улки тақлидин қилиб наққоши Чин
Чекса юз сурат, бирин юздин намудор айламас.

Ишқдин чун мункир ўлмиш кўнглум, ўлтурмак не суд,
Ҳажрдин то ани қўрқутмассен иқрор айламас.

Кўйдунг, эй ақл, очқали юз пора кўнглум зулфини,
Ҳар бири бир риштасин қандинки зуннор айламас.

Жон фидо қилғумдурур, лаълинг қабул этсун десам
Дерки: Рухуллаҳ бу навъ ишларга бегор айламас.

Не осиф ҳар зарраға оҳим қуёшдек солса ўт,
Ул қуёш кўнглига чунким заррае кор айламас.

Соқийё, давр ичра ул юз акси кўргузган қадаҳ,
Фитна айларким, сипеҳру меҳри сайёр айламас.

Фоний ўл, гар истар эрсанг меҳрким қилмас насиб
Кимни бир давлатқаким Тенгри сазовор айламас.

Демангизким, бархабар бўл телба кўнглумдин, чу ул
Қайдаким борса Навоийни хабардор айламас.

Зулфидин айру жунунумға десам тадбир эмас,
Телба итка чора дерким, қатл эрур занжир эмас.

Оразин кўрсам недур деб сўрма кўнглум ҳолатин,
Чехра тағйиридин англа ҳожати тақдир эмас.

Ҳар тун анжумдин менинг ҳолимға гардун ашки бил,
Чарх уза оҳим бухори тафидин таъсир эмас.

Зулфи печу тобиға бориб келур шайдо кўнгул,
Бовужуди тийралик, кўргилки кўп дилгир эмас.

Истасанг қатлим чиқарғил тийғу ихмол этмаким,
Не десанг мендин бўюнсунмоқда худ тақсир эмас.

Дайр аро усрук кўруб, зоҳид мени айб айламиш,
Билламиш мискинки, ҳеч иш хорижи тақдир эмас.

Ул пари қилмиш мени мажнуну расво шаҳр аро,
Эй Навоий, гўша тутким, ҳожати ташҳир эмас.

Дам-бадам лаълинг хаёлидин ичим қонму эмас,
Қатра-қатра кўз йўлидин юзга ғалтонму эмас?!

Гаҳ ўлуб, гоҳи тирилсам, тонг эмас, ваҳ, ғамзаси
Қотил эрмастурму ё нўши лаби жонму эмас?!

Не ажаб, ишқ офатидин чиқса жон тан мулкидин,
Шаҳна золимму эмас, ё мулк вайронму эмас?!

Новаки зулм урмоғингдин тонмағил, эй қоши ё,
Танда захм эрмасму, ё кўнглумда пайконму эмас?!

Телба кўнглумни дема кўп вола эрмас ишқ аро,
Шухрайи офоқ, ё расвойи давронму эмас?!

Даҳр шўҳиға кўнгул гар бермадим, айб этмангиз,
Ишваси чинму эмас, ё аҳди ёлғонму эмас?!

Дашт аро кўрсанг Навойни эмас мажнун дема
Тошму урмас кўксига, ё жисми урёнму эмас?!

Чок бўлган кўнглума қилмоқ илож осон эмас,
Ғунчаким очилди, буткармак ани имкон эмас.

Кўнглум ичра гулбуни дард узра ҳар ён ғунчадур,
Эй муолиж, дафъиға саъй этмаким, пайкон эмас.

Меҳрим ўтин ҳушу сабру ақлу ҳис ёшурмади,
Меҳри ломиъ тўрт бурқаъ кейнидин пинҳон эмас.

Оташин лаълинг ғамидин кўнглум эрур пистае,
Ким куюбон чок ўлуптур, ғунчайи хандон эмас.

Зоҳидо, манъ айладинг кўнглумни майдин, билмадинг,
Ким самандарға ёлиндин суд эрур, нуқсон эмас.

Ёнгса дайр ичра мени ҳайрат не тонг, эй муғбача,
Кимдурур бу корғаҳ вазъиғаким ҳайрон эмас.

Дарди ҳажрингдин Навоий кўкси узра доғу наъл,
Тан ҳаримиға ажаб гар шамсаву айвон эмас.

Хаста кўюгда ётмишам бекас,
Тутқучим, қопқучим итингдур бас.

Ашк аро ўртади танимни ғаминг,
Гарчи куймас су ичра тушкан хас.

Жону нолон кўнгул била не ажаб
Посбонинг кеча юрутса жарас.

Ўқларингдин ичимда истаса ишқ
Ясай олур кўнгул қушиға қафас.

Хони ҳусн ичра холингу оғзинг
Келди хашхошнинг ёнида адас.

Тори уммид аро ҳарисни бил,
Риштаи анкабут ичинда магас.

Итинг ўлди Навоий, эй чобук,
Бўйниға маҳкам айла ҳалқа марас.

Бизга олам боғидин ул сарви гулрухсор бас,
Гоҳ андин жилва, гоҳе давлати дийдор бас.

Ёғлиғин захмимға боғларға не ҳаддим истамак,
Қилса лутф андин муни тикмак учун бир тор бас.

Мен киму зулфунг таманноси?! Агар куфр истасам,
Итларинг бўйни танобидин манга зуннор бас.

Ҳажр ўтидин синди кўнглум, истаман қасринг паноҳ,
Соя бир кўнгли бузулганға бузуғ девор бас.

Кўзда бир уйқуни кўрсам, уйкуда кўрсам сени,
То ажал уйқуси ушбу давлати дийдор бас.

Воизо, мен осий эрман ҳуру жаннат лойиқи,
Муғбача соқий, мақомим кулбаи хаммор бас.

Ўзлугунгдин ўзни салб этсанг ғараз бир гомдур,
Эй Навоий, қилмағил бу шевани зинҳор бас.

Манзилеким, ул парипайкарни кўрдум бир нафас,
Гар ани топман, ҳамул манзилни қилсам тавф, бас.

Рангсиз холи юзининг зебидур, ваҳ, ким, дегай:
Ҳусни хониға кераклик мунча бўлғай бир адас.

Банди зулфунг бўйнума тушкач ҳалок этти мени,
Итка, жоно, ҳеч ким ўлтурғали тақмас марас.

Ишқинг ичра булҳавас гар десалар, йўқтур ғамим,
Бок йўқ бу таъндин бўлса манга васлинг ҳавас.

Ашк баҳринда агар жисмим ғариқ эрмас, не тонг,
Йўқ анга ул вазнким чўмғай тенгизга тушса хас.

Бу чаманнинг гуллариға йўқтур, эй булбул, вафо,
Авло улким, айласанг гулбонг чекмакликни бас.

Чора не бўлғай Навоийға фироқинг шомида,
Гар хаёлинг бўлмаса бечораларға чорарас.

Фигонким, кўнглум олган дилбарим дилдорлиғ билмас,
Билур ошиқни ғамгин қилмоқу ғамхорлиғ билмас.

Нечук дей ёр эмас, душман демак бўлмас, худ айтайким,
Эрур худ ёр ул, аммо тариқи ёрлиғ билмас.

Кўнгулда зорлиғ бирла фигон кўюнга айб этма,
Гадои хастадур жуз фиғону зорлиғ билмас.

Оғирроқдур фироқим тоғидин бахтимнинг уйқуси,
Ки нолам бўлди рустохезу ул бедорлиғ билмас.

Бўлуб мажнун паридек итмишам, невчунки ёрим ҳам
Парипайкардур, аммо ғайри мажнунворлиғ билмас.

Кетур, эй соқийи маҳваш, манга бир соғари дилкаш,
Ки даврон ёрлиғ, афлок жуз ғаддорлиғ билмас.

Қазо илги тилармен ер била ҳамвор қилғайким,
Замон аҳли замондек ғайри ноҳамворлиғ билмас.

Менинг ёримда онедурки, ондин ўртанур жоним,
Ки они ҳар қуёш юзлуг шакаргуфторлиғ билмас.

Навоий кўзларининг мардумидин жаври қон тўкти,
Дариғ, ул шўхи мардумкушки, мардумдорлиғ билмас.

Чок этиб кўнглумни очилсун демак имкон эмас,
 Гунчани умдан очиб, гул айламак осон эмас.

Дема зоҳидким, недин ҳайронсен ул рухсорға,
 Олам ичра бир киши топким анга ҳайрон эмас.

Қатра сулардур кўнгул ўтиға таскин бергали,
 Ким ул ой ёғдурди қоши қавсидин пайкон эмас.

Ҳажр даштида қўюндекмен, вале ул мен киби
 Хоксору бодапаймо доғи саргардон эмас.

Гарчи ҳуснунг кўзгудин кирди темур қўрғон аро,
 Меҳрдек ойнагун, афлокдин пинҳон эмас.

Гул вафосизлиғларини шарҳ этар минг дастон,
 Эл гумон қилған киби булбулда минг дастон эмас.

Эй Навоий, ул паридин одамийлиғ кўрмасанг,
 Айб эмас, ул ҳурдур ёхуд малак, инсон эмас.

Хўбларға менг ул ойнинг тоза қуллуқ доғи бас,
Кўзларига сурма кўйининг қаро туфроғи бас.

Бесутун сайрини найлайким, манга эгнимдаги
Кўк равоқиға сутун бўлган маломат тоғи бас.

Чун таним зоғу зағанға туъма бўлди, эй сипеҳр,
Юз бало қуллобин олғилким, алар тирноғи бас.

Шоҳу — тожу хилъатиким, мен тамошо қилғали
Ўзбагим бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас.

Гўшайи майхонадин гулшанға борманким, манга
Гул уза насрин — майи гулранг уза куп ёғи бас.

Ёшинг эллик бўлди, юз қўйғил фано туфроғиға,
Ким шабоб айёми айшу беадаблиғ чоғи бас.

Гар Навоий ҳолиға ул шўх боқмас раҳм ила,
Гоҳ ибрат бирла ҳам ул ён назар солмоғи бас.

Сендегу кийган шабандаррўз ҳуллангдек эмас,
Кечаву кундуз либосин кийсалар ою кунас.

Ишқ саргардонлари бошимға эврулмак не тонг,
Ким бу водийда қуюнмен, ул жамоат — хору хас.

Ишқ эли кўнглум фиғонидин топар мақсадға йўл,
Дашт аро ҳар ён озиққанларни чарлар бу жарас.

Зулф аро холинг кўнгуллар хайлини торож этар
Қалб шабравлар либосин кеча олғандек асас.

Оқ уйидин ҳеч жониб ул пари қилмас ҳаво,
Не ажойиб, қушқа, кўрким, не муносибдур қафас.

Сидқ аҳли оҳидин, эй ҳусн шамъи, ваҳм қил,
Ким кавокиб шамъин этти тийра субҳ урғач нафас.

Дайр пири маст этиб, кўнглумни олди муғбача,
Килманг, эй аҳбоб, муғ дайри тамошосин ҳавас.

Бош оқариб юз қаролиғдур яна тарки адаб,
Дўст ғайрат айламасдин бурна қил исённи бас.

Тақ Навоий бўйниға десам таноби зулф, дер:
Қўй ити бўйниға ким таққандурур мушкин марас.

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ
ШАМОЙИЛИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

242

Зиҳи камол ила кавнайн нақшиға наққош,
Мукавванот вужудин вужудунг айлаб фош.

Вужудунг айлади мавжуд улусниким, бўлмас
Вужуд зарраға мавжуд бўлмағунча қуёш.

Санга етишмаса тонг йўқ бу ақли зулмоний,
Ки меҳр шамъиға парвона бўлмади хуффош.

Қаю париғаки қилдинг юзин қуёш, бердинг
Кўнгул жунуни учун анбарин ҳилол ила қош.

Ангаки, бўлди жунун ишқ ичинда ёғдурдунг
Хирад қушини учурмоққа тифллардин тош.

Анингки, кўнглида ишқ аҳгарини ёшурдунг,
Ниҳоний ўтин улуғ тинмоғидин эттинг фош.

Мувазвисеки, маошини ақл ила туздунг,
Фано йўлида аядинг берурга ақли маош.

Ҳаками қудратинг оллинда чарх ила анжум,
Муҳаққар ўйлаки хашхошу донаи хашхош.

Йўлунгда ўлди Навою бўлди туфроғ ҳам,
Ёпушса эрди бу кўй итлари аёғиға кош.

Мени саргашта жисмин доғ ила қон лолазор этмиш,
Куюн ёхуд тўкулган лолазор ичра гузор этмиш.

Танимдин қон чиқорган ҳар тараф пайконларинг гўё
Эрур ёмғурки, туфроғдин чечаклар ошкор этмиш.

Кўнгул бирла сўнгак манқал аро ўту ўтундекдур,
Маломат тошларин то ишқ теграмда ҳисор этмиш.

Юзин май гулгул эткандин харош эрмас унум, балким
Кўнгулда хорхори нолам андомин фиғор этмиш.

Лабинг жонимға солган шуълалар ичра қазо гўё
Улуғроқ лаълдин аҳгар, кичикракдин шарор этмиш.

Бўла олсам улусқа ул қуёшни кўргали мониъ,
Не ғамдур гар йўлида чарх жисмимни ғубор этмиш.

Ҳалоким билгай улким, бордур ул янглиғ жафокори,
Ки таврин ҳусн бепарволиғи олуфтавор этмиш.

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ шастидин эмин,
Хушо, ул чуғзким вайрона кунжин ихтиёр этмиш.

Маоф эрмиш қаён гом урса раҳрав ноқайи жисми,
Нафас торин қазо чун бурниға анинг маҳор этмиш.

Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлиға тонг йўқким,
Навоий риштаи жонин эшиб чангига тор этмиш.

Кўнгулким зарнишон пайконларингдин нотавон бўлмиш,
Магар бу боғ аро ул барглар бирла хазон бўлмиш.

Гули раъно киби коғаз уза номингни ёзмай мен
Сариғ эрди юзи, хуноби ашким бирла қон бўлмиш.

Юзумни ашкму йўллар қилиптур ё назар пайки
Сени истарга кўп ҳар ён югурмакдин нишон бўлмиш.

Қуруғ шохедурур жисмимки, кўз даврида кирпикдин
Хаёлинг қушлариға анда икки ошён бўлмиш.

Кўзум хуноб аро бўлмиш биайниҳ ўйлаким кўнглум,
Қароси қон аро кўнглумдаги доғи ниҳон бўлмиш.

Сиришк оллида мужгон шохи санчиб боғлайин дермен, —
Йўлин бу селнингким, элга андин кўп зиён бўлмиш.

Юзунг ҳажрида билким, қон ёшим оқмиш чаман ичра,
Қачон кўрсангки, ҳар бир шох уза гул аргувон бўлмиш.

Мурассаъ қилма чатринг ложувардий атласин, эй шаҳ,
Гадо оллидаким, бу навъ чатри осмон бўлмиш.

Навоийға деманг, ул тифл ишқин асрағил махфий,
Бу дамким ҳоли шаҳр атфоли ичра дoston бўлмиш.

Чиқти ерим кеча йўл азмин қилиб ул бағритош,
Бас, ажойибдур қоронғу кеча чиқмоғлиғ қуёш.

Гар қуёшқа эл назар қилса кўзига ёш тўлар,
Ул қуёш борғач назардин, кўзларимга тўлди ёш.

Захмидин кўп қон борурдин қолди чок ўлган кўнгул,
Зангдек афғон чекиб, хайлида бўлғай эрди кош.

Фурқатингдин йиғлабон Ҳақдин висолинг истарам,
Гаҳ сочармен бошқа туфроғ, гаҳ қўярмен ерга бош.

Қатра қонларким томар кўксумга урған тошдин,
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимга тош.

Чун тўшарлар оқибат устунгга хоро бирла фарш,
Не осиг остингда гар чарх атласидиндур фирош.

Фош этар меҳрин Навоийнинг сариг рухсораси,
Субҳдекким сарғариб рухсори айлар меҳр фош.

Қатиқ дардим зулоли ашк этар фош,
Сузук су ичра қолмас яшурун тош.

Ҳалоким васл аро мингдин бир эттинг,
Ки бергай Тенгри бир ёшингга минг ёш.

Демакка фитна таълимин бўлуб ҳам,
Қулоғинг сари бош элтиптур ул қош.

Магар сөчингни тийдинг фитнадинким,
Паришонҳол аёғингга қўяр бош.

Ясар чоғда лабинг рангини гўё
Эзиптур оби ҳайвон бирла наққош.

Қадах, эй муғки, жон айлай нисоринг,
Неча бўлсам харобот ичра қаллош.

Навоий жони сенсиз дардисардур,
Борурда они ҳам олғай эдинг кош.

Чу билди шамъким, ғам шоми кўнглумни ҳалок этмиш,
Танин ашк этмади йўлким, ёқа ҳолимға чок этмиш.

Чаманда йўқки булбул, зоғ ҳам ун чекса заъф айлар
Ҳазин кўнглумни кўрким, фурқатинг не дарднок этмиш.

Кўнгулдин ғайр ёди чиқти еткач тийрборонинг,
Кудурат нақшидин ёмғур суйи бу уйни пок этмиш.

Куюн янглиғ гузар кўйига қилмоғ гар эрур мумкин,
Ғам эрмас, водийи ҳижрони гар жисмимни хок этмиш.

Су ичмай кўнгли зуҳдумдин агар кетмиш эди соқий,
Вузу ибриқида майдур тўла, келсун не пок этмиш.

Фалак пайкони зулми, ваҳки, тешмиш хаста кўнглумни
Нечукким, томчи бир ер узра кўп томиб мағок этмиш.

Қадаҳ тутким, қизартай чеҳра, эй соқийки, ҳижронинг
Юзумни асфар андоғким, хазоний барги ток этмиш.

Балодур нафс ширки фақр йўлида, хуш ул фоний,
Ки бир раҳравға жисми туфроғин гарди широк этмиш.

Навоийни дедингким, бир жафо бирла ҳалок айлай,
Вафо қил эмдиким, бу орзу они ҳалок этмиш.

Кўз кўтарман ул қуёшдин гар кўзум қилмоққа реш,
Пашшалар янглиғ ҳаво узра чекар ҳар зарра неш.

Телбалик боғи гулу нилуфари эркин буким,
Ҳам кўкарди халқ тошидин таним, ҳам бўлди реш.

Хуштурур кўнглумда зулфу қаддин наълу алиф,
Ким бу қурбондек топилмас андоқ ўқу ёға кеш.

Бели тори ҳажридин жисмим бўлуптур тордек,
Эй фалак! Раҳм эт, бу икки риштани бир-бирга эш.

Турфа кўрким, кўнғлума ишқинг кирарга йўл бўлур,
Нечаким, ишқимни тарк эткил, дебон кўксумни теш.

Истасанг дайри фано тавфин белиндин, эй фақиҳ,
Қайд зуннорин узуб, зуннор қайдин доғи еш.

Таън қилмангким, Навоий бекасу беёр эмиш,
Ким анга оламда ошиқлик иш ўлмиш, ишқ эш.

Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.

Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,
Горати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.

“Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг”
Десам, оғзи ичра айтур: “Лаъл ҳам бор навъи тош”.

Новакинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экин,
Ким қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур —
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.

Сариг гул демаким, чун сарвинозим боғ аро бормиш,
Юзин кўргач қизил гул заъф этиб, ул навъ сорғормиш.

Кўнгул атрофида очқан учун ҳижрон ўқи йўллар,
Бало хайлини ишқинг шаҳнаси ул сори бошқармиш.

Гаминг миннат қўюб жон олди, ваҳ, жонимға юз миннат,
Ки худ бори тириглик миннатидин жонни қутқармиш.

Каломинг гавҳаридек топмамиш, гарчи сабо илги
Яқосин ғунчанинг йиртиб нечаким қўйнин ахтармиш.

Кўнгулни чок-чок эткач, етишти ўқи ҳар ёндин,
Ўтун қўймоққа гўёким бу ўтнинг тўш-тўшин ёрмиш.

Нечаким қад чекар, саркашлик айлар анбарин зулфи,
Агарчи кун бийик чиққанда доим соя қисқармиш.

Илик бўғзиға элтиб шиша тўкмиш қон ёшин мендек,
Магар соқий аёгин ўпкали ул дағи ёлбормиш.

Югурма ризқ учун, не етса Ҳақдин англаким, комил
Не келтургил демиш, не ғайбдин келганни қайтармиш.

Фироқу зуҳд дафъиға Навоий ишқ саҳбосин
Магар тўққуз тутуб, тўққуз фалак жомини сипқармиш.

Порсоваш дилситоним бўлган эрмиш боданўш,
То бошим бўлғай — аёгинг бўлғуси, эй майфуруш.

Ичганин кўрган замон-ўқ маст бўлгунгдур, деманг,
Ким эшитган лаҳза мендин зойил ўлмиш ақлу хуш.

Базми васлидин йироқ оғзимда хумдек муҳр эрур,
Тонг эмас қонимға майдек шавқ ўтидин тушса жўш.

Жону кўнглум қон ютуб афғон чекарлар ҳажридин,
Ишрат аҳли май ичиб базмида қилғондек хуруш.

Чок кўнглак бирла то усрук чиқибсен, оҳким,
Кисватин майхона раҳни айламиш юз хирқапўш.

Субҳидам ул бут сабуҳи базмин эттим орзу,
Чиқмағил дайри фанодин, деб, нидо қилди суруш.

Эй Навоий, қору эрмас бўлса юз минг жон фидо,
Гар қадаҳнўшум ики лаъли майидин тутса қўш.

Сени кўргач дер эдим, бир меҳрибоним бор эмиш,
Аллоҳ-Аллоҳ, не бало ботил гумоним бор эмиш.

Оразинг моҳийяту оғзинг сўзин шарҳ айларам,
Ваҳ, не табъи поку зеҳни хурдадоним бор эмиш.

Чок қил кўксумни, эй бадмеҳр, токим билгасен,
Тийғи ҳажрингдин не навъ озурда жоним бор эмиш.

Не ҳаёт эрди, ўлар ҳолимдаким, кўргач мени,
Ноз ила деди: “Ҳануз ул нотавоним бор эмиш”.

Жавҳари ишқин олурға халқ махфий нақдидек
Жон ичинда бир неча доғи ниҳоним бор эмиш.

Юз ғамим бор эрди, муғ кўйига киргач бўлди дафъ,
Ваҳки, мен ғофил ажаб дор-ул-амоним бор эмиш.

Дерки, ёлқибмен Навоий унидин, ваҳ, яхшидур,
Ким тиригликдин нишондек бир фиғоним бор эмиш.

Вусма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличиға яшил қин айламиш.

Кўнглум ўтин демаким, тортар забона зулфидин,
Ким ул афъи тил чиқармоғлиғни ойин айламиш.

Сунбулунг афъисидин захме емиш гўё тароғ,
Йўқса невчун оразин боштин-оёқ чин айламиш.

Титрагучдин қилмиш ул кирпич ясолиға алам,
Ваҳ, яна то не кўнгул яғмосиға кин айламиш.

Ўйладурким, илгини ҳино уза қилмиш нигор,
Улки гулгун кўнглак узра тўнин эпкин айламиш.

Раз қизидин, соқийё, бирдам мени шод айлаким,
Чарх золи ғуссаси кўнглумни ғамгин айламиш.

Ғар Навоийға Сулаймон мулкича бордур не тонг,
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.

Не абрашдурки, секритмиш яна майдонға ул маҳваш,
Қизил, оқ гул била елдин магар халқ ўлди ул абраш.

Жаҳон майдонида то шўх чобуклар қилур жавлон,
Киши кўрмайдур андоқ абраш узра ул сифат маҳваш.

Эмас абраш, сипехредур шафақдин кўргузуб анжум,
Қуёш турки анга рокиб, тонг эрмас гар эрур саркаш.

Нечук ўлмай, ул абраш узра ул маҳвашни кўргачким,
Ҳамул абраш эрур саркаш, ҳамул маҳваш эрур сархуш.

Мени мажнун йиқилсам кўргач-ўқ, ҳайрат ери эрмас,
Ки ақли кулга ҳар соат эрур наззорасидин ғаш.

Париваш рахш уза сархуш, пари жавлон қилур, нетсун
Жунун жомига қилмай бодаполо аҳли тақво фаш.

Қуюн янглиғ эгарса абрашин ул шўх, дам урман
Навоийдек, нединким ушбу сўз бор асру кўп чирмаш.

Ул сарв узори гули серобдек эрмиш,
Лаъли лаби гул узра майи нобдек эрмиш.

Кўрдум қоши аксини кўнгул кўзгуси ичра,
Бу қибланамо, ул мунга меҳробдек эрмиш.

Кўрдум кўнгул аҳволини қўксум тўшугидин,
Лаълинг ғамидин қатраи хунобдек эрмиш.

Хусн анжумани ичра юзин кўрмамиш эрдим,
Анжум аро хуршиди жаҳонтобдек эрмиш.

Девона кўнгул қайди жунундин не қутулсун,
Ким ҳар хамаи зулфунг анга қуллобдек эрмиш.

Тут фақр этагин, атласи зарбафт сўзин қўй,
Ким ул дағи тан ҳифзида мошобдек эрмиш.

Бир йўли Навоийни йироқ солма назардин,
Ким ул дағи бир кун санга аҳбобдек эрмиш.

Не ажаб гар бор эсам девонавашлиғ бирла хуш,
Ким кўнгул олган парирўйум эрур девонаваш.

Манъ этарсиз хуши йўқ кўнглумга лаъли бодасин,
Айтинг, эй хуш аҳли, келгайму бу сўз усрукка хуш.

Софи васли бўлмаса гар барча заҳри ҳажридур,
Соқиё, бир журъа тутким, олди жонимни аташ.

Солди кўнглумни ғами ҳижрон гудози ичра ёр,
Ўйёким ишқ аро ул қалбда бор эрди ғаш.

Ваҳ, не янглиғ соғ ўлай мен телба бу ҳолатдаким,
Ул пари ҳам бордурур девонаваш, ҳам журъакаш.

Шайх бошиға бало эркандурур дасторким,
Ишқ асрорин эшитмакликка моний бўлди фаш.

Демаким, бир яхши сўз бирла Навоий жонини
Олсам, ул бўлғайму рози, яхши сўзга не кенгаш?!

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол англаб, уйқумни ҳаром этмиш.

Сарв ўлмади боғ ичра оҳим ели бирлан хам,
Боқ кўз учи бирланким, қаддингга салом этмиш.

Ҳайвон суйидур шудрун, Исо дамидур салқин,
Бўстон сари жононим гўёки хиром этмиш.

Ҳажр ўқлари захмидин жисмим била ашкимни
Тутмоққа бало сайдин, ғам донаву дом этмиш.

То ошиқу шайдомен қатлим қилур ул кўзлар,
Мажнунга кийикларни ишқ улфати ром этмиш.

Маъшуқ қилур жилва, ҳар кимки анинг кўнглин
Дард ўти кули бирла ишқ ойинафом этмиш.

Искандару Жамлиқдур ишқингда Навоййга,
Ким рахшинг изу наълин кўзгу била жом этмиш.

Борғонингдин жон талашмоқ эрди мен маҳзунға иш,
Келдингу жонимни олдинг, ул боришқа бу келиш.

Васл ошиқ жонидур, мен жон талаштим ҳажр аро,
Ҳажр бориб васл еткач — ўлмак, эрур бу турфа иш.

Тийғи то кўксумни ёрди нола қилман заъфдин
Рост андоқким, қўяр афғонни чок ўлған қамиш.

Киймамиш ул сарв гулгун тўнки, тонг эрмас бу ранг,
Нахлким, кўз боғида қон бирла топти парвариш.

Эътидоледур ҳавои ишқ ароким, хуш кечар
Совуғ оҳим бирла ёзу кўнглум ўти бирла қиш.

Жисмим узра бор янги бутган кўкумтул доғдек
Сўзи ҳажрингдинки урдум ғуссадин ҳар ерга тиш.

Кишу синжобин не тонг гар кийса музий бозгун,
Ким чиқармиштур кишилиқдин ани синжобу киш.

Туз бўл ўқтек, гар тиларсен авж, ёким эгридур,
Давр ҳар бир гўшадин бўғзиға солиптур кериш.

Эй Навоий, ҳар дам ул ой меҳри ортар кўнглума,
Гарчи йиллардурким, ул тарки муҳаббат айламиш.

Оразин кўрдум ниҳон, ашк айлади сирримни фош,
Ёшурун қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёш.

Зулфи саркашлик қилур ҳар неча ул ой чекса қад,
Соя гарчи қисқарур дойим бийик бўлғач қуёш.

Ҳар сари мў ул пари ҳижронида бир ёрадур,
Баски атфоли жунун бошим уза ёғдурди тош.

Айлагил нолам ҳарошидин ҳазар, эй сиймбар,
Ким бу суҳон бирла ногаҳ топмағай сийминг ҳарош.

Каъбадур кўнглум уйи айланг тавоф, эй дарду шавқ,
Анда меҳроб ўрниға ер тутқали ул эгма қош.

Даҳр боғи ичра чун бир гулга йўқ бўйи вафо,
Қилмағай эрди ҳаво кўнглум қуши ул гулга кош.

Эй Навоий, дайр аро тутса аёғ ул муғбача,
Нўш этиб олма аёғидин анинг ўлгунча бош.

Ҳар кун оқшомғача ҳажрингда манга зорлиғ иш,
Кеча тонг отқуча андуҳ ила бедорлиғ иш.

Иш вафо қилмоқ эрур, гар қила олсангки, эмас,
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш.

Ишқ аро қочма кўнгул хору забунлуғдинким,
Ошиқ ўлғанға забунлуқ бўлуру хорлиғ иш.

Лутфу дилжўлуғ эрур хўб паривашларға,
Эй пари, билки, эмас жавру дилзорлиғ иш.

Тақво аҳлиға билинса эди чарх авзои,
Айлағайлар эди бу дайрда хамморлиғ иш.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор
Санга дилдорлиғ иш, бизга дилафгорлиғ иш.

Ёрким ёғлиғ била кўксум яросин боғламиш,
Анда ўт тушмуш, кўнгулдин қон тарашшуҳ қилламиш.

Буки пора-порадур куйган бағир бирла кўнгул,
Итлари оллида ул кофир ҳамоно тўғрамиш.

Риштаи зулфундаким, тушмиш гириҳлар беҳисоб,
Гўйиё қатл айлаган элнинг ҳисобин асрамиш.

Бир киши савдойи ўлмай қолмағай бу навъким,
Олам ичра сунбули зулфунг насими бутрамиш.

Бошима тиг урди, кўксум чоку бағрим қилди захм,
Масти бебоким дедим қаҳр этмиш, ул худ ўйнамиш.

Ҳар сари бир захмлиқ узвум узулған топмиш эл
Нотавон жисмимником, кўйида итлар судрамиш.

Олам аҳли ичра билдик мугтанам ҳар кимсаким,
Ҳар вафоға минг жафо айлар кишига учрамиш.

Қўзғама булбулни кўп, эй гулки, даврон боғида
Қолламиш қўзғалмайин улким, бировни қўзғамиш.

Изтиробидин Навоий кўнгли бир дам тўқтамас,
Сенсизин, соғинмаким, гурбатда кўнгли тўқтамиш.

Кўнглума келмас хазоний боғ аро норанж хуш,
Ким хазони ҳажр аро бўлди юзум норанжваш.

Чеҳра норанжию мен норанж янглиғ талхком,
Қайда келгай кимсага бул ҳол аро норанж хуш.

Шўхи норанжийлибосе ҳажри кўнглум ўртади,
Шарбати норанж эта олмас манга дафъи аташ.

Бўлмаса олтун пиёла, бўлмасун, кел, эй рафиқ,
Жом этиб норанж нисфидин бўлали журъакаш.

Ул пари ишқида отим бўлди Мажнунлуққа фош,
Андин ортуқ ким бурун мундин манга эрди адаш?

Шайх дасторин чу май важҳи йўқ эрди сирмадим,
Майға марҳун қилғали ул яхши, май сузмакка — фаш.

Эй Навоий, найлай эл тархон била барлосини,
Ким берур кўнглумга ҳоло молиш ул шўхи малаш.

Сендин айру танда кўнглум йўқтуру кўнглумда ҳуш,
Бедилу беҳушлардек не ажаб қилсам хуруш.

Бодаи васлим олур ҳушунгни деб қўрқутмаким,
Ваҳм бу сўздин биров қилғайки, бўлғай анга ҳуш.

Ҳажрдин махлас тилаб, нўш айларам заҳр ул сифат,
Ким етишса заҳрдин аччиғдурур оғзимда нўш.

Ишқда ғайрат тилимни лол этибдур, эй рафиқ,
Ҳажр зулмидин, эмастурмен сўзум йўқтин хамуш.

Барча жисмим ҳажр ўтидин решу марҳамлиқ момуқ
Иттисолидин мени урённи дерлар хирқапўш.

Ҳажрдин жон етти оғзимға олиб жон нақдини,
Қуйки, куп оғзини оғзимға қўяй, эй майфуруш.

Эй Навоий, ҳар не олам ичра бўлғай, саҳл тут,
Лек матлубунг таманносида бўлғил сахтқўш.

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,
Йўқса Хўтан жайрани мушк ичида ағнамиш?

Кўйида мен заъфдин ўйлаки, ҳар ён мени
Ит демайин, балки мўр туъма учун судрамиш.

Ғамзанг ўқи касрати кўнглум арому экин,
Йўқса бу қуш парларин ҳажринг ўти чуркамиш?

Ҳуллайи зарбафтдин қилдиму ул ой сепеч,
Йўқса шуои хатин бошқа қуёш чирмамиш.

Олам аро бир киши телбарамай қолмағай,
Бўйлаки еткач насим зулфунг аро бутрамиш.

Водийи ҳажр ичраким бўлди сўнгах аҳли ишқ,
Будур ўтунким, ани ғам сипаҳи ўртамиш.

Ламъаи рухсор ила ўртади ушшоқини,
Ғайрати ҳусни магар зорларин тергамиш.

Тегмаса базмингда май, басдурур ул су манга,
Ким сен ичар жомни сучи олиб ёйқамиш.

Найлагамен боғламай муғбача зуннорини,
Ким бу куҳан дайр аро Исо ани боғламиш.

Меҳру вафо айбидин покдур абнойи даҳр,
Пок назардур ким ул сори назар солмамиш.

Тутти, Навоий, азиз кўйида ул тошниким,
Гоҳ ани бошиға, гоҳ бошин анга ястамиш.

Лаъли ишқ аҳлидин онча ғорати жон айламиш,
Ким ўлукка жон берур ойинин осон айламиш.

Кўйида атфол ушшоқ ўлтурур бедод ила,
Шаҳ магар шаҳр ичра ит қатлиға фармон айламиш.

Субҳи айшим истамиш ғам шомига бўлмоқ бадал,
Йўқса невчун юз уза зулфин паришон айламиш.

Ё Раб, ул тунни ёрутма меҳр бирла то абад,
Ким ғарибе меҳрибон ёрини меҳмон айламиш.

Аҳли даврон кўнглум ошубин нетиб манъ айлағай,
Ким ани ошуфта бир ошуби даврон айламиш.

Гул киби соч хурдаким, ел йиртибон торож этар
Гунчаким, ўз нақдини оғзида пинҳон айламиш.

Эй Навоий, демаким, бағрим эритмиш ишқ ўти,
Ким ани ҳижрон кунининг андуҳи қон айламиш.

Ул гулеким, базмида зоғу заған қилғай хуруш,
Авло улким, булбул учқай, учмаса бўлғай хамуш.

Гар Сулаймон мажмаида бўлмағай жуз Аҳраман,
Кимга ул мажмаъ аро, ё Раб, нидо қилғай суруш?

Ёрға ағёр хайли бўлди матбуъ, эй кўнгул,
Эмди ғам хумхонасида яъс жомин айла нўш.

Шоҳ базмидур дағи маҳкумлуғ, ваҳ, дайр аро
Ҳоким айлар бир қадаҳ бирла гадони майфуруш.

Ҳушманд эл сари бу дайр ичра боқмас муғбача,
Бир қадаҳ лутф этса пири дайр этармен тарки ҳуш.

Сахткўш элга дема, охир фалакдур сахтгир,
Арзимас оламда ҳеч иш худ бўлурға сахткўш.

Икки дунёдин агар кечса Навоий айб эмас,
Ҳар қачонким ул бути хаммор элидин ичса қўш.

Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,
Ваҳки, ёқмас хотиримға ҳеч ранг илло бинафш.

Сарви раъно ҳулламу киймиш бинафша баргидин,
Ё либосин айламиш ул чобуки раъно бинафш?

Хуштурур гар хилъатин қилса қаро ё савсаний,
Ким қуёш мушкин булутдин хуш кўрунур ё бинафш.

Эзди жаннат гулларидин ранг наққоши қазо,
Сен киярдек чунки бўлмас даҳр аро пайдо бинафш.

То бинафш этмиш тўнин ул гул, борурмен хушдин,
Боғ аро ҳар гулниким кўрсам мени шайдо бинафш.

Гул бинафшазор аро тушган киби ул шўхнинг
Кўнглаки воло бинафшу тўни ҳам кимхо бинафш.

Сабзада савсан ярашқандек мулойимдур базе,
Шўхи сабзорангларнинг рангига дебо бинафш.

Жуз бинафша боғ аро гул элмагил, эй боғбон,
Ким либоси рангини истар бизинг Мирзо бинафш.

Бўйлаким, соқий тўнин қилмиш бинафш эрмас ажаб,
Аксидин бўлса булурун соғари саҳбо бинафш.

Чарх рангомиз эрур, кўрма тафовут зинҳор
Рангларким, кўргузур кўку яшилдин то бинафш.

Эй Навоий, ул бинафшапўш гулнинг васфида
Бўлмасун ҳар не ёзарсен қоғази илло бинафш.

Тузмагай эрди қазо бу жисми вайронимни кош,
Чунки тузди, солмагай эрди анга жонимни кош.

Тан уйига жонни солгач, қилмагай эрди муқим,
Ул уй ичра кўнгул отлиғ зори ҳайронимни кош.

Бўлди чун жону кўнгул бори, назар шамъи била
Қилмагай эрди мунаввар чашми гирёнимни кош.

Чун адам саҳросидин келдим вужуд айвониға,
Бузгай эрди марг селоби ул айвонимни кош.

Чун тузалди тан уйи, қовгай эди андин равон,
Йўқ кўнгул, девонаи расвои нодонимни кош.

Чун ани ҳам қовмади, кўр этса эрди тиг ила
Кўз деган қон ёш ила олудадомонимни кош.

Чун бу дағи бўлмади, қилмаса эрди жонима,
Мунча зебову малиҳу шўх жононимни кош.

Чун бу янглиғ бўлди жонон, қўйса эрди марҳаме,
Гаҳ-гаҳе кўргач кўнгулда доғи ҳижронимни кош.

Ишқ ичинда чора ўлмакдин Навоий дема, Ҳақ
Рўзий эткай лаъли жонбахш оби ҳайвонимни кош.

Дедим, ул пайконни лаъл эткан юрак қони эмиш,
 Ғунчанг армонида ул худ лаъли пайкони эмиш.

Пардаи жон ичра тим-тим қон саросар лоладек,
 Фурқатингдин тоза-тоза доғи пинҳони эмиш.

Лабларин тузлуқ тақаллум бирла фаҳм эттим сўруб,
 Лаълдин хони жамолининг намақдони эмиш.

Бир жазаъ солмиш малойик хайли ичра рустахез,
 Эмдиким фаҳм айламишлар кўнглум афғони эмиш.

Ғам туни, дедим, булутнинг пардасидин чиқти ой,
 Зулфдин чиққан жамолинг меҳри рахшони эмиш.

Давр аёгин, соқие, кўйма йигит жонинг учун,
 Ким йигитлик рўзгори айш даврони эмиш.

Эй Навоий, чок бўлған кўнглунга қилдим назар,
 Ёр боқий анда, боқий ўзгалар фоний эмиш.

Илгига мовий катон ул шўх невчун чирмамиш,
Гўйиё кўп тийғи зулм урмоқтин оғриб боғламиш.

Ўлтурурда кош ул ёғлиғ билан-ўқ боғласа
Кўзларимниким, ани илгига ҳоло чирмамиш.

Кўргузур эрди яди байзо урарда тийғи қатл,
Боғламиш чун илгин, эл кўзин қоронғу айламиш.

Англағунча кўнглума юз доғи андуҳ ўртади,
Улки кўргач панжасин боғлиғ, дедим, доғ ўртамиш.

Кош жоним риштасидин бўлса эрди ёғлиғи,
Ким ул ойнинг дастбўси давлатиға учрамиш.

Соқиё, майким, анинг илгида ёғлиғ торидек
Дарду ғам хайли бузулган хотиримни қопсамиш.

Ўлтурур илгида гар тийғ ўлса анинг, гар ҳарир,
Ҳеч билмонким, Навоий не балоға учрамиш.

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ
СИЙТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

271

Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,
Яна не суд керак ўзлутунгдин этса халос.

Авомдин, демаким, ўзни қутқарай, эр эсанг
Ўзунгдин ўзни қутулмоққа жаҳд қилғил хос.

Кўнгул алил эса, фориг эмас хавотирдин,
Жароҳат узра йиғилмоқ дурур чибинга хос.

Ажаб эмастур агар топти гавҳари мақсуд
Бировки, бўлди фано ашки баҳрида ғаввос.

Овуч қоқармен ўз аҳволима таҳайюрдин,
Рамида кўнглум эрур бу усул ила раққос.

Десанг, бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур,
Ки ишқ шаръида гўё бу навъ келди қисос.

Ризо йўлида Навоий борур қаён чексанг,
Чу ишқ боғлади бўйниға риштаи ихлос.

Гулрухум ёди била кўнглум эрур гулга ҳарис,
Ким берур Юсуф иси қон аро юз пора қамис.

Лутф вақтида ул ой оллида элдур махсус,
Ваҳки, бедод қилурда мени айлар таҳсис.

Эй ажал, келмак эмиш бошима ул умр манга
Раҳм қил жонинг учун берма замоне танқис.

Бода кўнглумни халос айлади даврон ғамидин,
Гўйиё ул ўт била бу қалбга бўлди тахлис.

Ишқим айлар сени қон тўккали ҳар дам тарғиб,
Ҳуснунг айлар мени жон бергали ҳар дам таҳрис.

Банд этиптур жадал аҳли ишин ашқол андоқ,
Ким не «Мифтоҳ» анга суд қилур, не «Талхис».

Васл ҳирмони Навоийга эмас ҳеч ажаб,
Чунки маҳрум бўлур ҳар кишиким, бўлса ҳарис.

Жон етиб оғзимға топмон дарди ҳижрондин халос,
Жонни ҳижрондин халос эт, ё мени жондин халос.

Андоқ очти сунбулин гул узра елким, бўлмағай
Бир кўнгул оламда ул зулфи паришондин халос.

Дема, нолангдин ўчар ҳар шом элдин уйқуким,
Туннинг аввал бошида ҳам эрмас афғондин халос.

Гарчи ер топтинг кўнгулда ваҳм эт оҳу ашкдин,
Ким кириб вайронға бўлмас кимса тўфондин халос.

Ёғса мажнун кўнглум узра шўхлар дарди, не тонг,
Телба атфол ичра бўлмас сангборондин халос.

Истамас бир-бирни сенсиз жону тан, Тенгри учун,
Ким ани мундин халос этгил, муни ондин халос.

Ҳажр уйи ичра қоболмиш ёр ҳажридин кўнгул,
Ваҳ, қачон бўлғай бизинг тутқун бу зиндондин халос?

Жом давридин халос ўлмоқни зинҳор истама,
Эйки, бўлмоқ истадинг андуҳи даврондин халос.

Банди зулфунгдин Навоийни халос эткил десам,
Дерки, бўлмас, бўлмағунча ҳукм султондин, халос.

Бода мени айлади зуҳди риёдин халос,
Зуҳди риё йўқки, минг ранжу анодин халос.

Ўзлугума ўт солиб, берди манга ишқ даме
Зуҳду вараъдин фароғ, дарду балодин халос.

Жонни халос айлади жоми фано зуҳддин,
Ё Раб, ани айлама жоми фанодин халос.

Ёр ила агёрдин бир нафас айрилмасун,
Кимки тилар бўлмағай нозу жафодин халос.

Кўнглума ёғдурди ўқ чарх фироқинг туни,
Мумкин эмас бўлмоғи мунча яродин халос.

Хуснунга токим назар бўлғуси наззорагар
Бўлмағунг айлаб жафо аҳли вафодин халос.

Ўзни Навоий халос истамас ўз ёридин,
Ё Раб, ани қилма ул моҳлиқодин халос.

Эй, сенинг ханжари ҳажринг яраси жонима хос,
Ҳар жунун тошики отсанг, тани урёнима хос.

Шоҳ қасрида тиланг айшу тараб хосларин,
Ким эрур хайли бало қулбай вайронима хос.

Уйқу хос ўлди менинг бахти гаронхобимға,
Уйқусизлиқ нечаким дийдаи гирёнима хос.

Тортмоқ зулму ситам жонима хос ўлғандек,
Қилмоқ ул иккини Ҳақ айлади жононима хос.

Эй ажал, ҳажр туни жонима қасд айлама кўп,
Ким ҳалок этмак эрур меҳнати ҳижронима хос.

Хўблар нозидин ўлмиш мутанаффир кўнглум,
Негаким бўлди бу ойин кўнгул олғонима хос.

Истама боғда булбул унидин ишқ асари,
Эй Навоий, ким эрур бу сифат афғонима хос.

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ
ЗИЁСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

276

Бировки амр хилофидин айлагай эъроз,
Агар улус шаҳидур йўқ анинг киби муртоз.

Риёву ужбу ҳасад дафъин эт фано билаким,
Кетар бу дору ила мунча мухталиф амроз.

Амалга боқмаки бебаҳри фазл эрур яксон
Фузайли Бармакий ўлсун, вагар Фузайли Аёз.

Замона аҳлини бу коргоҳ аро билгил,
Зуруфким тўладур анда мухталиф ағроз.

Ҳалоки нафс вали нутқи билки, риштайи куфр
Кесар ишига Али зулфиқоридур миқроз.

Замона мушкунгга кофур қотти, кўз очқил,
Ки чун кўз оллидадур бўлмас айламак иғмоз.

Саводи жаҳлни юб, вақт эрурки уйғонсанг,
Ки умр шомига субҳи ажал кетурди баёз.

Фақир яшурун оҳига боқмаким, ўртар
Жаҳонни гарчи эрур бу чоқин иши иймоз.

Бўлур ўлукка Навоий ҳадиси жон берса,
Нединки, файз эшигин боғламайдурур Файёз.

Ичиб ул шўх гулгул қилди лаъли ноб ила ораз,
Мени маҳзун нечукким дам-бадам хуноб ила ораз.

Магар сиймоби ашким қилғали шингарфгун ул шўх
Қилур шингарфдин гулгуна, юб сиймоб ила ораз.

Ҳамул кун меҳри иқболимни шоми ғам ниҳон қилди,
Ким ул гул қилди пинҳон сунбули сероб ила ораз.

Қуёшнинг партави бирла агар ул юзни тенг тутса,
Эрур андоқки тенг тутқай қуёш маҳтоб ила ораз.

Магар занжири зулфунг шомида мотам насибимдур,
Ки ҳар соат харош айлармен ул қуллоб ила ораз.

Қоши бирла ишорат сажлага айлар хуш ул давлат,
Ки айлаб сажда равшан қилсам ул меҳроб ила ораз.

Дема, қиш совуғ оҳимдин дурурким, чекти ул чобук
Қоши устида киш бўркин, ёпиб синжоб ила ораз.

Талаб йўлинда юз қўй ҳар эшик туфроғига, яъни
Бир аҳли дин оёғига етур ҳар боб ила ораз.

Навоий орази сарғарди ғам еб беҳуд ўлмоғдин,
Нечук сарғармағай бу навъ хўрду хоб ила ораз?

Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз,
Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.

Шавқ ўтиға урмасам су, куйдурур кўнглумни пок,
Истагандин ўқларинг кўнглумга пайкондур ғараз.

Невчун, эй ҳижрон, азоб айларсен онсиз жонима,
Истагилким, топшурай гар худ санга жондур ғараз.

Юз туган кўйдум, эмас қониъ, кетинг, жону кўнгул,
Гўйиё ул бевафоға доғи ҳижрондир ғараз.

Ол этар бўлсанг кафингни даҳшат этма, тийғ сур,
Мен биҳилмен гар санга бу бир овуч қондур ғараз.

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Эй Навоий, воқиф ўл ҳолингғаким ёр оллида
Бас фаровондур ғаразгў, асру паррондур ғараз.

Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз,
Йўқки, жисми нотагон аҳволин эт жонимға арз.

Оҳ дудин, ашк қонин, нола маддин айлагил
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимға арз.

Куфри зулфи, дину имонимни барбод айлабон,
Қилғанин жон қасди, эткил номусулмонимға арз.

Ваъдаи васлиға етмай ўлганимни, эй рафиқ,
Қилғасен ҳар ерда кўрсанг аҳди ёлғонимға арз.

Ошиқ ўлтурмакка чиқмиш маст, ваҳ, ишқим сўзин,
Эй рақиб, этсанг не ул бебоки нодонимға арз.

Васл шавқи голибу мен гунгменким, айламак
Ҳожат эрмас қошифи асрори пинҳонимға арз.

Эй Навоий, ҳажр зиндонида жоннинг хавфи бор,
Қилғасен топсанг маҳал, албатта султонимға арз.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ
ТАРОВАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

280

Нафс кутгоъ-ут-тариқи манзилидур бу работ,
Нақди дин ҳифзиға қил ўткунча андин эҳтиёт.

Манзил этсанг бу работ ичра иқомат қилмаким,
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур бу работ.

Не тўшарсен тахти жоҳинг фаршин олтун хишт ила,
Ким сенингдек шоҳни кўп ўтқариптур бу бисот.

Тавқи лаънат десалар бўйнинда тасбиҳин не тонг,
Макру ҳийлат бирла шайх эл бирла қилса ихтилот.

Шайхи жоҳил бўлмоқ ўз асрори бирла мунбасит,
Ғафлат аҳли банг ила қилган кибидур инбисот.

Зарқ жоми бирла важд этган эрур ул тифлким,
Май дебон рангин суни қилғай ичиб амдо нишот.

Фақр кўйи итларидин кимки кам кўрди ўзин,
Топсанг ани, итлари силкида топқил инхирот.

Васлға йўл ҳажрдин фақр ўлди, кўргил турфаким,
Бирдин учмоғдур хижил, бирдин томуғ, бирдин Сирот.

Эй Навоий, ишқ аро берабт агар сурсам ҳадис,
Анда мазмун бил ғараз, мақсуд кўрма иртибот.

Юзда холингдурму ё таҳрир этар ҳолатда хат,
Томди қудрат килкидин кун сафҳасиға бир нуқат.

Сабзайи хаттинг кўзумни ёрутур боққан сойи,
Кўп назар қилса, агарчи тийра айлар кўзни хат.

Ойни рухсоринг дедим, гўё қоронғу эрди тун,
Ким манга асру йироқтин воқиъ ўлмиш бу ғалат.

Жон аросиға кирар ҳар дам хиромон қоматинг,
Гарчи сокиндур алифким, жонға бўлмишдур васат.

Турки анжум шоми ҳажримни ёрутмас, гўйиё
Новаки оҳимдин ўлмиш тавсани гардун сақат.

Масканинг май ўтидин, эй муғ, эрур оташкада,
Анда бир ўтлуғ самандар май тўла ҳар сари бат.

Зоҳид ўлдум деб, Навоий ишқни тарк этмаким,
Бўлмаса ул шўр, тузсиз луқмадур зуҳди фақат.

Қилса бўлмас оху афғондин мени шайдони забт,
Ўйлаким, жавру жафодин ул бути тарсони забт.

Ҳар дам эл қонин тўкар усрук чиқиб бедод этиб,
Кимдурурким, қилғай ул шўхи қадаҳпаймони забт.

Шўхлиқдин зулм қилмоққа эрур беихтиёр,
Мумкин эрмас қилмоқ ул ҳури малаксиймони забт.

Зулфи занжириға аҳли ишқ кўнглин тортибон,
Яҳши қилди бир сурук девонайи расвони забт.

Телба кўнглум даштни қилса масоҳат айби йўқ,
Омилар Мажнундурур қилғай магар саҳрони забт.

Гунчалар очилса, ўлганлар тирилса не ажаб,
Айлай олмас кулгудин чун лаъли руҳафзони забт.

Забт айлай олмас аҳли ишқ кўнгли кишварин,
Хусравеким айлай олғай сарбасар дунёни забт.

Ашк мавжин манъ этарсиз, менда ҳам йўқ ихтиёр,
Ким қилиптур хосса чайқалган замон дарёни забт.

Давр эли зулмин хаёл этмак била бўлдум ҳалок,
Тинди улким, қилди бир васвос ила савдони забт.

Дайр пири бандасидурменки нофиз ҳукм ила
Айламиш юз минг жуҳуду габр ила тарсони забт.

Эй Навоий, сен дағи девонасен, кўнглунг дағи,
Гар сени забт этсалар ким айлай олғай они забт.

Рухсор ила лабингдин этар кўнглум инбисот,
Ким гул чоғида бода эрур мужиби нишот.

Эй ой, сипеҳр арсасида ўзни сотма кўп,
Шоҳим руҳин унутмаки, холи эмас бисот.

Қилманг назора оғзиға кўпким, топилмағай
Хуршид ичинда заррани кўп айлаб эҳтиёт.

Ул шўх неча ғайр била бўлса мухталит,
Мен ғайри бирла мумкин эмас қилмоқ ихтилот.

Шаҳлар, деманки, қуллуғума бўлди мунхарит,
Гар қулларингнинг ўртасида топсам инхирот.

Қўйма кўнгулни даҳрнинг эски работиға,
Сойирға чун маҳалли иқомат эмас работ.

Ошуфта бўлса назм Навоийға, эй пари,
Девоналар сўзида тамаъ қилма иртибот.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ
ЗУҲУРИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

284

Тариқи ишқдин бўлмиш манга бало малҳуз,
Нечукки фақр тилардин эрур фано малҳуз.

Агарчи дардсиз ўлмас даво валеқ менинг
Бу дард истаганимдин эмас даво малҳуз.

Оёққа кирса не бушқай бало муғилони,
Гар ўлса бодиядин Каъбайи сафо малҳуз.

Эрур мулоҳазам ул ой ризоси ишқ ичра,
Агарчи элга висол ўлди ишқ аро малҳуз.

Фиреб берма манга интиҳодин, эй зоҳид,
Ки бордур аҳли ҳақиқатқа ибтидо малҳуз.

Ниёзинг ўлса, етар дайр пиридин қадаҳе,
Йўқ эрса базмида эрмас шаҳу гадо малҳуз.

Май ички, халқ гуноҳин юмоққа абри карам
Ёғар маҳалда эмас ринду порсо малҳуз.

Ажабки, файз чароғи ишига солғай нур,
Бировки, бўлғай анинг зуҳидин риё малҳуз.

Навоий, эмди қадаҳ шамъини ёрутқилким,
Ёруғлуғ ўлмади тақво била манго малҳуз.

Ришта — диққатдур, каломингда дури шаҳвор — лафз,
Риштаға дурлар чекарсен чун топар такрор лафз.

Лаъли жонбахшинг эрур гўёки Рухуллоҳким,
Сочилур жон ҳар тараф қилған сойи изҳор лафз.

Гўйиё ҳайвон суйидин қатра секрир ҳар сари,
Чун такаллум вақти лаълингдин чиқар дурбор лафз.

Гар ўлукни тиргизур, ваҳким, тиригни ўлтурур
Лаълидин қилғач аён ул шўхи ширинкор лафз.

Дема лафзинким тили эврулмагондиндур синуқ,
Ким топар тор оғзидин чиққунча кўп озор лафз.

Сирри ишқимни тилармен шарҳ қилмай англасанг,
Ким эмас ишқ оятиға маҳрами асрор лафз.

Эй Навоий, чун гуҳар беқадр эрур шоҳ оллида,
Не ажаб гар бўлса назмингдин қошида хор лафз.

Масиҳойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз,
Набий ўрнига урмоқ беҳаёлигдур қадам воиз.

Анинг бу журъатиға бўлмаган бўлса жунун боис,
Недин солиб оёғ-илгин, чекар ун дам-бадам воиз.

Оёғ минбарға қоқиб, айламак дасторин ошуфта,
Недур гар зарқи маҳз эрмасдурур сар то қадам воиз?

Агар жоми гурур ичмакка мажлис тутмамиш, невчун
Назойирхон ила ўз лаҳнин айлар зеру бам воиз?

Малода қичқириб май манъин элга айламак не суд,
Эрур чун хилват ичра май ичарга муттаҳам воиз.

Карам тарғиби айлар мажлис аҳлиға фиғон айлаб,
Рибо важҳини элдин олмаса, айлар карам воиз.

Магарким осмоннинг зинаси ўлди анга минбар,
Ки анда чиққоч ўз ғайрин гумон айлар адам воиз.

Қадаҳ ол дайр пиридинки, бу дайри фано ичра
Қилурлар зарқ, яхши англасанг, ҳам шайху ҳам воиз.

Навоий тонг эмас бу ваъздин майхонаға борса,
Ки шод эткай ўзинким, кўп анга еткурди ғам воиз.

Бу нағма эрдиму йўқ эрса офат, эй ҳофиз,
Ки базм аҳлиға солдинг қиёмат, эй ҳофиз.

Улустин олди унунг ҳуш, сен саломат бўл,
Гар итти элга тариқи саломат, эй ҳофиз.

Нечаки нағманг эрур мустақиму лаҳнинг туз,
Валек элдин олур истиқомат, эй ҳофиз.

Не ҳуш мулкида топқай иқомат улки даме,
Ўқурда топса ёнингда иқомат, эй ҳофиз.

Магар Масиҳ ила Довудсен нафас билаким,
Ҳаёту мавт эрур ул аломат, эй ҳофиз.

Қилиб тиловат ислом элига қасд этма,
Ки Тенгри оллида топкунг надомат, эй ҳофиз.

Магарки Ҳофизи Шероз сенки, бир соғар
Тутуб Навоийға қилдинг каромат, эй ҳофиз.

АЙН ҲАРФИНИНГ ИЙОРЛАРИНИНГ
АЛОМАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

288

Истасангким ургасен давронға тийғи инқитоъ,
Ул видоъ эткунча сен қилғил бурунроғ алвидоъ.

Жон бериб ширину муҳлик жоҳ учун илгингда тийғ,
Назъ вақти шарбати марг истаб айлайсен низоъ.

Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким
Ҳашр бозорида беқийматдурур мундоқ матоъ.

Масканинг охир чу туфроғдур, не ўткармакдурур
Мадфанинг айвониға кўк гунбазидин иртифоъ.

Сандалойин эв ясаб, элдин кўрарсен сарзаниш,
Ким бу янглиғ кўрди сандалники, еткургай судоъ.

Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин хам бўлуб,
Тенгри ёрингким, қилибсен хуш намозе ихтироъ.

Дур қулоғингда момуқдин бир чигитдур, эл сўзин
Бу момуқ бирла чигитдин айламассен истимоъ.

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ.

Эй Навоий, Тенгри асрориға тил маҳрам эмас,
Чок кўнглунг ичра тутким «жоваз-ал-иснайни шоъ».

Жисми васлин қилдим ул зулфи сумансодин тамаъ,
Ул киши янглиғки, қилғай сийм савдодин тамаъ.

Лаълидин тиргузмак этсам орзу айб этмангиз,
Ким киши ўлтурмак этмайдур Масиҳодин тамаъ.

Заррани хуршидча равшан тамаъ қилғанча бор,
Заррача меҳр этмак ул хуршидсиймодин тамаъ.

Не ажаб қилсам тамаъ овора кўнглумдин жунун,
Қилса бўлмас ақл худ мажнуни шайдодин тамаъ.

Доғ этиб кўнглум таваққуъ қилди сабрим нақдини,
Аҳли зулм андоқки қилғай нақд тамғодин тамаъ.

Гулханийдин гулхан олотин тамаъ қилмоқдурур,
Ҳар киши дунёлик этса аҳли дунёдин тамаъ.

Сарву гулдин кўп деманг сўзким, Навоий айламиш,
Барги гулдин хилъат этган сарви озодин тамаъ.

Кўзумни токи қилмиш ул саодат ахтари матлаъ,
Қароғ эрмаски, шабгун ҳулладин қилдим анга бурқаъ.

Лабинг ҳажринда қон ёшим келур бағрим шикофидин,
Ажаб эрмас бу янглиғ суға бўлса ул сифат манбаъ.

Қилурлар қасди жоним келтуруб бир-бирга бош, гўё
Буким пайконларинг кўнглум ҳаримин қилдилар мажмаъ.

Бу не рокибдуру маркабки, жавлон вақти бордурлар
Қуёшдин пояда аъло, фалакдин пўяда асраъ.

Тушар кўнглумга ул юз партави кўксум шикофидин,
Бу равзани не бўлғай қилсанг, эй тийғи қазо, авсаъ.

Не тонг ҳар кун агар бар берса юз офатки, анжумдин
Сочиптур юз мухолиф хосиятлиғ тухм бу мазраъ.

Навоий воқиф ўл гардун арусидинки, қасдингга
Очар гаҳ шомдин гесу, кияр гаҳ субҳдин миқнаъ.

Учуқ эрмаски чун бўлди Суҳайли оразинг толиъ,
Ақиқинг ранг олурда бўлди холинг сояси мониъ.

Гулистон демаким, чеҳранг очарда сунъ наққоши
Қилурға имтиҳон ул рангларни айлади зойиъ.

Чу ҳар ён тиг солдинг ул ҳасаддин йиғладим, лекин
Нетайким, барқ ўтиға бўлмади ёмғур суйи дофиъ.

Кўнгул қасдиға ёлғуз тийрборон қилмади ғамзанг,
Балову фитна хайли келгали ҳам айлади шориъ.

Ҳалоким қасди воқиъ бўлмади ул ғамзадин, лекин
Лабингдин элни тиргузмак мени ўлтурди филвоқиъ.

Чу тийғинг кирди қонимға фараҳ бўлди манга афзун,
Нечукким майға су мамзуж ўлур кўпрак бўлур нофиъ.

Лабингға жон бўлур мойил, таним хоки раҳинг бўлса,
Ажаб эрмас бўлур чун барча ашё аслиға рожиъ.

Нечук зуннор боғлаб бода ичмай, эй мусулмонлар,
Ки пири дайр ҳар ишким қилур бормен анга тобиъ.

Навоий, фақр кўйида тааллуқ куфри маҳз эрмиш,
Бир Аллоҳ дўстдин неким насибинг бўлса, бўл қониъ.

Доғ уза доғдин овора кўнгулдур зойиъ,
Не қаро кунлар анга воқиъ эрур филвоқиъ.

Тийрборони ғаминг қилди зириҳ жисмимни,
Гар зириҳ бу эса кўп бўлғуси ўқдин мониъ.

Ҳажр ўти дуди кўзумдин не ажаб тўкса сиришк,
Чунки, тун хайлиға анжум сипаҳидур тобиъ.

Лаъли шавқида сариг юзни яшурди қон ёш,
Гарчи сафроға чучук шарбат эмастур дофиъ.

Ўртанур ишқида парвона, чекар ун булбул,
Ул гули шамъжабин ишқида менмен зойиъ.

Эл насиби чу азал қисматида топти рақам,
Сенки саъй ортуқ этарсен нечук ўлғай нофиъ.

Ул қуёш ҳар кишига толиъ эрур, ваҳ нетайин,
Ким Навоийға бу навъ ўлмади бир кун толиъ.

Васл шоми хилватимда ёқсалар ногоҳ шамъ,
Рашкдин жонимни гоҳе соя ўртар, гоҳ шамъ.

Равшан этса уйни дилхоҳим, ёрутманг шамъким,
Шамъи базмим бўлди чун дилхоҳ, эмас дилхоҳ шамъ.

Урмасун кўп лоф куймакдинки, ҳижрон тунлари
Тўзмас эрди оллида тортай десам бир оҳ шамъ.

Риштаи жони куяр ашки оқиб, жисми эриб,
Тийра шомим зулмидин бўлмиш магар огоҳ шамъ.

Оҳим андоқ тийра қилди кўкниким, топмас ўзин,
Гар қуёшдин ёқмаса Исойи Рухуллоҳ шамъ.

Топса ҳирмон зулмати ичра не тонг ҳайвон суйин,
Кимгаким бўлса ҳидоят нуридин ҳамроҳ шамъ.

Ҳажр аро истар жамолинг ҳам Навоий, ҳам кўнгул,
Ким тиларлар тийра тунларда гадову шоҳ шамъ.

Юзига кўзгуни ҳар дам қилур ул сиймбар моний,
Анингдекким қуёш рухсориға бўлғай қамар моний.

Жаҳонни ул қуёшнинг барқи ҳусни ўртагай эрди,
Каронсиз баҳри ашким бўлмаса эрди агар моний.

Қуруқ жисмимни ғам тийғидин асрар дард ила шавқунг,
Йиғочқа кесмагидин ўйлаким бўлғай самар моний.

Қабул этман қанот эғним уза чиқса оғир дебким,
Йўлунгда барқдек пўямға бўлғай болу пар моний.

Кўзум узра ҳубоби ашк ул юз монийи эрмас,
Бияйниҳ шишадекким, бўлмас айларга назар моний.

Дема зоҳидки, тақвоға не монийдурки, бордурлар
Шабобу бодаву ишқу жунунум сарбасар моний.

Оғиз бирла қаду қошу кўзунг зуҳдумға қўймаслар,
Нечук қилғай киши бир ишки, бўлғай бу қадар моний.

Кўнгул байтулҳароми тавфиға моний хавотирдур,
Сафарға Каъба сари ўйлаким бўлғай хатар моний.

Навоий жониға тан гарди эрмиш монийи мақсуд,
Насими васл эскач файз боғидин кетар моний.

ФАЙН ҲАРФИНИНГ ФИЗОЛАЛАРИНИНГ
ҒАВҒОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

295

Меҳрсизликдин фалак эл қатлин айлар бедариғ,
Йўқса невичун дафн этар ҳар кун қуёштин ерга тийғ.

Тийғи зулми захмидин ҳар шом андоқким шафақ
Қону туфроғ ичрадур хуршидоразлар, дариг!

Кун эмас, олам кўзига мунташир айлар баёз,
Тун эмас, балким чекар хуршид рухсориға миғ.

Кимгаким, дўлоб чархидек солур саргашталик,
Бўғзин ип бирла бўғар қилған сойи фарёду жиғ.

Нечаким йиғса ўзин, шаҳлар боши узра чекар,
Чатрдек кимни сарафроз айламаклик қилса биг.

Гўйиё они сабаб қилди мусаббиб не учун,
Ким анга бу қилмоғидин не зиёндур, не осиг.

Эй Навоий, бил неким бўлғанни Ҳақ тақдиридин,
Мундин ўзга амрдин кўнгулни уз, илгингни йиғ.

Заиф танда ғамингдин юз эски бўлган доғ,
Хар эски доғ бу шох узра бир қуруқ яфроғ.

Юзунгга ҳусн фузун бўлди нил зийнатидин,
Магарки ёруди гўгирд ўтидин бу чароғ.

Қадинг чу айлади гулгашт, сарву гул демаким,
Бўялди қонға алифлар кесиб ғамингдин боғ.

Сочи асиримен, ўпмай ҳануз холин, ваҳ,
Ки донаға оғиз урмай насибим ўлди тузоғ.

Илож силсилаи зулфидур жунунумға,
Агарчи мушк исидин эмганур заиф димоғ.

Чу бўлса ғайр ҳужуми висол мумкин эмас,
Шуҳуд ўлурму хавотирдин ўлмағунча фароғ.

Агар Навоий ики наргисинг хаёли била
Маризу маст жаҳондин ўтар, сен ўлғил соғ.

Соқие, ҳажр илгидин кўп тортадурмен зорлиғ,
Май кетурким, маслаҳат эрмас манга хушёрлиғ.

Қасдим этмиш ҳажру беҳудлуғ иложимдур, даме
Майға афюн ёр қил, гар айлар эрсанг ёрлиғ.

Маст қил андоқки, бош қўйсам магар бўлғай манга
Маҳшар аҳли ё Рабу ғавғосидин бедорлиғ.

Чораси ё бодадур, ё васл, ё марг, эй табиб,
Ҳар кишиким топса ҳижрон дардидин беморлиғ.

Бар егил, ё Раб, ҳаётинг боғидин, эй муғбача,
Ким майи лаълингдин ўлди бизга бархурдорлиғ.

Зухд, эй соқий, бало эрмиш, хуш ул майхораким,
Ичкали жоми бало бўлмиш иши хамморлиғ.

Эй Навоий, зуҳддин юз қатла ортуқ, дарбадар
Бир сафол илгимда муғ кўйида қилсам зорлиғ.

Ул суманбар қаддининг сарвиға кўнглум бўлди боғ,
Оташин гуллар анга ҳар янги қонлиғ тоза доғ.

Ҳажр аро ул шўх кўнглум сайд этар рухсор очиб,
Тифл оқшом қуш тутарға равшан эткандек чароғ.

Мужибӣ кўп йиғламоқ эрмиш назар пок ўлмоғи,
Ўйлаким айлар суйин афзун оритмоғдин булоғ.

Эй ҳаким, олғил суроҳий лўласидин пахтаким,
Суд эрур қонин неча дафъ этса маҳрур димоғ.

Гунчадин то чиқти гул, маст ўлди булбул, соқийё,
Май суроҳийдинки чиқмас, даҳрдин топман фароғ.

Хатту холи нуқтаси юз чоклик кўнглумдадур,
Бир қафасда турфадур, ваҳ-ваҳ, кўрунғ тўтию зоғ.

Неча рангин ашк тўксам кўзда ул юз нақшидур,
Лоладин ўзга не гул бергай, суйи қон бўлса, боғ.

Ёғмағунча ашк дафъ ўлмас кўнгулдин тийралик,
Бу ёғинни гўйиё дептур қазо ул ўтқа ёғ.

Фақр йўлинда Навоий айлагил боштин қадам,
Ким бу йўл қатъида бош қўймоқдурур қўймоқ аёғ.

Ўртанурмен кечалар ҳажрингда андоқким чароғ,
Равшан айла ришта жисмимдур, кўнгул — ўт, ашк — ёғ.

Сарву сунбул лоладек қад, зулфу юзунг ҳажридин,
Ҳам алиф, ҳам наъл кестим куйдуруб юз ерда доғ.

Бир кўзумга сарв ўқдур, бир кўзумга гул тикан,
Сенсизин, эй сарви гулрух, ногаҳ этсам гашти боғ.

Жоним ичра ўтдурур бир лаъли майгун ҳажридин,
Соқийе, навбат манга еткач лаболаб тут аёғ.

Соғ бўл, девона этсанг мени бир май бирлаким,
Ҳажрдин девонамен, бўлдум эса бир лаҳза соғ.

Истарам оғзин, қилиб лаълу хату холини васф,
Халқ ғойибдин нишонлар айтиб эткандек сўроғ.

Ул фароғу бу тараддуд итти мақсуд ўртада,
Гум бўлуб мақсуд, ўтти ҳам тараддуд, ҳам фароғ.

Рўзгори тийра, нутқи лол булбулдур магар,
Ким хазон фаслида айларлар тасаввур ани зоғ.

Телба деб қилма Навоийнинг иложин, эй ҳаким,
Ким мушаввашдур анга бир ўзга савлодин димоғ.

Гарчи мен ҳажрингдин ўлдум тортибон кўп зорлиғ,
Сен ҳаётингдин топ, эй бадмеҳр, бархурдорлиғ.

Хаста эрдим кўзидин еткурди лаълин оғзима,
Тенгри жон берди, вале чектим басе беморлиғ.

Кечаеким тушка киргай ул саодат ахтари,
Бермагил, ё Раб, манга ул уйқудин бедорлиғ.

Бодаи лаълинг била мундоқки усрукмен мудом,
Кофири ишқ ўлғамен, гар истасам ҳушёрлиғ.

Бу кўнгул озоридин безормен, бор муддате
Бўлғали бизлар аро озорлиғ, безорлиғ.

Не бино эркин буким, бир пора қоши тушмади,
Қилғали бу тоқни сунъ илги мийнокорлиғ.

Эй Навоий, суҳбатингдин қилса ор ул кўркабой,
Йўқ ажаб невчунки сенсен бир гадо, ул — борлиғ.

Неча, эй ороми жон, ҳажрингда беоромлиғ,
Дўстлуғ кўргузки, ҳаддин ошти душманкомлиғ.

Шукр шамъин ёқмадим васлингда, етти доғи ҳажр,
Бизни бу ўтларға куйдурган эрур ул хомлиғ.

Эрмас ўтлуғ кўнглум, оғзинг нақшидур кўксум аро,
Қатрайи қон оташин гул ғунчаси андомлиғ.

Деб эмишсен, тарк этиб ишқу муҳаббат шевасин,
От чиқармишсен салоҳ ичра, зиҳи бадномлиғ.

Лаълидин заъф этти қон бўлган кўнгул, ваҳ,бодадин
Нафъ топмас эрмиш улким, қилса хуношомлиғ.

Кўз ёшимдин нам топибдур, гарчи меъмори қазо,
Боғлади кўк гунбади тоқини истехкомлиғ.

Зулфида дарду бало истар Навоий ишқидин,
Ул гадодекким, тилар аҳли карамдин шомлиғ.

Лолагун бўлмиш суларда қатлима дилдор тийғ,
Ё боло тоғидин этмиш лолазор изҳор тийғ?

Гул тани юз чок ўлуб буким бўялмиш қон аро,
Тегди ғамзанг хайлидин гўё анга бисёр тийғ.

Тийғ тортиб етқач-ўқ қилдим фидоси жонниким,
Бўлмағай озурда қотил, кўрмағай озор тийғ.

Жисм пайконинг била тўлдию жондур ғамдаким,
Айласанг қатлимға рағбат бўлмағай нокор тийғ.

Ишқ дашти сабзасидин лола ҳар ён сочилур,
Яъни ул саҳро гиёҳи бор эмиш хунбор тийғ.

Олам аҳли қатлини бир дамда қилсанг орзу,
Юздин ол бурқаъни, қиндин чекмагил зинҳор тийғ.

Назм мулкин тил чекиб олмиш Навоий ўйлаким,
Чекса оламини олур шоҳи фалакмиқдор тийғ.

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ
ФУСУНИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

303

Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф,
Қолгани сарф ўлди андуҳу пушаймонлиғда ҳайф.

Жонға бир душворлиғ қўймай риёзат ранжидин,
Сарф бўлди нақди авқотим таносонлиғда ҳайф.

Боғладим паймонадин паймон, фиғонким, ақлу дин
Бўлди бу паймонаву ул сустпаймонлиғда ҳайф.

Эй мусулмонлар, билингким, бўлди умрум ҳосили
Нафси кофир фитнасинин номусулмонлиғда ҳайф.

Ҳайфким, нафъ айламас ҳар нечаким тортиб илик,
Десам ўз аҳволима бу навъ ҳайронлиғда ҳайф.

Андоқ иш қилким, пушаймон бўлмағайсенким, эмас
Ҳеч осиф чун иш хато бўлди пушаймонлиғда ҳайф.

Ҳар не ўткан сўзларим чиндур десам ёлғон эрур,
Чин будурким, дегамен умр ўтти ёлғонлиғда ҳайф.

Чун енгилракдур ҳисоб ўлғанда султондин гадо,
Ҳайфким, бўлғай гадо авқоти султонлиғда ҳайф.

Эй Навоий, воқиф эрман халқдин, бори менинг
Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф!

Зор жисмимда қиличинг захми ҳар ён мухталиф,
Ҳар биридур сарв қаддинг ҳасратидан бир алиф.

Тол ниҳолида эмас яфроғки, тиллар тортибон,
Сарви озодим учун қуллуққа бўлмиш муътариф.

Қошу кўзин кўргали, эй шайх, билдим, макри бор
Ҳар сияҳпўшеки меҳроб ичра бўлғай муътакиф.

Анбарин хат бирла ул юз бўлди олам офати,
Олам офатсиз эмас хуршид бўлғач мункасиф.

Соқӣё, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут,
Ким мени ҳайронға бўлғай кашф сирри лав кушиф.

Бодайи мақсуд жоми завқидин табъим юзин,
Ваҳ, неча дойим хумори жаҳл тутқай мунхасиф.

Жон бериб олсанг, Навоий, бок эмас ул бодадин,
Ким эрур юҳйил-изом авсофи бирла муттасиф.

Ёшурун ғамзанг қиличиким қилур кўксум шикоф,
Буки, махфийдур, анга гўё қошинг бўлмиш ғилоф.

Қошларинг не саф чекиб бўлмиш қоровул кирпикинг,
Ким кўнгул султони хайлиға эмас ҳожат масоф.

Меҳр англаб ошиқ ўлдум, сўнгра етса кўҳи ғам,
Не ажаб ишқ ибтидоси «айн» эрур, поёни «қоф».

Қоши кўнглум ўғрисидур рокиъ ўлмоғлиғ не суд,
Ўғри бош солғач қуйи бордур далили эътироф.

Ишқ аро Мажнунни дер баъзи фузун, баъзи мени,
Лек ҳолим англаған топмас маҳалли ихтилоф.

Бўл сафо аҳлиға ҳамдам, ёр васлин истасанг,
Аксини солғайму соқий бўлмағунча бода соф?

Эй Навоий, гар қилур кўнглунг Ҳарам тавфини қасд,
Қатъ этиб дашти фано мақсад ҳаримин қил тавоф.

Кўргузур ҳижрон ҳуруфи нуқтасин жон ҳар тараф.
Сенсизин яъники қўймиш доғи ҳижрон ҳар тараф.

Ўйла шиддат бирла чарх айлар мени саргаштаким,
Заҳми кўп тандин ёғар шудрун киби қон ҳар тараф.

Кўнглум аҳволин не дейким, шарҳиға бир тилдурур
Кўкрагимдин бош чиқарган нўги пайкон ҳар тараф.

Ташладим етқач жунун хайли туганлар тахтасин,
Яъни очтим меҳмонлар оллида хон ҳар тараф.

Ашк қонлиғ кўзни элтур ўйлаким, су лолани,
Бўлмаса йўлинда монӣъ хори мужгон ҳар тараф.

Рашкдин кўп музтариброкдур кўнгул ул гўйдин,
Ким кесиб бошимни ул шўх урса чавгон ҳар тараф.

Қўй башарни, гар малойик доми эрмас яхшидур,
Ул пари мундоқки, зулф этмиш паришон ҳар тараф.

Нетиб ўлмайким, яна ул шўх усрук отланиб,
Тер суви маркаб елидин солди тўфон ҳар тараф.

Кўр, не ҳайратдур мангаким, бордурур бу дайр аро
Дониши юз менчалар, юз менча ҳайрон ҳар тараф.

Шишадек кўнглумни пайдо ўртади соқий валеқ,
Доғин этти май ҳубоб остида пинҳон ҳар тараф.

Эй Навоий, навҳайи ҳижрон тузуб, ун чекма кўп,
Ким киши қолмас тирик етқач бу афгон ҳар тараф.

Бода хуштур гар ҳарифим бўлса бир ёри зариф,
Май ҳарифи гар зариф эрмас, анга эрман ҳариф.

Ул сифат зотинг латофат айнидин жонбахшдур,
Ким ҳамоно ани мазҳар айлади исм-ул-латиф.

Заъфдин гар дарди ишқингдин шикоят айладим,
Ишқ шаръи ичра эрмас муътабар қавли заиф.

Хоки пойингни малойик қилдилар тожи шараф,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким кўруптур бу сифат зоти шариф.

Заъфим андоқдурки дам урсам эрур бийми ҳалок,
Не учунким ул таҳаррукдур анга беҳад аниф.

Давр ранжидин тилармен майға тушмак ўйлаким,
Майға тушган қил киби ғарқ ўлса бу жисми наҳиф.

Эй Навоий, қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,
Назминг ўлди барчасига қофия, балким радиф.

Базм аро гар йўқ май била даф,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф.

Соқийи гулрух, бода кетур,
Ким манга ҳаддин ошти шааф.

Давр ила дайр аро май чеккали,
Чекмак неча масжид аро саф.

Бодаға берсам жон нақди,
Бўлмоқ учундур нақд талаф.

Кел бериким, йўқ санга вубол,
Лекин эрур кўп бизга шараф.

Шайхи риёийи фоний эрмас,
Ул тараф ўлсун, ё бу тараф.

Ўқунг учун хаста Навоий,
Кўзи қаросин қилди ҳадаф.

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ
ҚИРОНИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

309

Зиҳе азалда карам айлабон санга Халлоқ,
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ.

Сипеҳр гунбадини равшан эткали зотинг,
Чароғ ўлуб, анга қандил арсайи офоқ.

Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутуб,
Ғаҳеки секритибон чарх соҳатида Буроқ.

Рикобинг ўпмагининг орзусида ою кун
Бериб Буроқинг учун ўзларига шакли чаноқ.

Ҳилолу меҳру шиҳоб ўлди наълу доғу алиф,
Фалакка бўлғали сендин насиб дарди фироқ.

Сипеҳр ҳар кеча юз минг кўзин недин юммас,
Висолингга яна бир кеча гар эмас муштоқ.

Мақоминга етайин деб Навоий айлар сайр,
Ғаҳе Ажам била Нерез, ғаҳе Ҳижозу Ироқ.

Ёрдин айру кўнгул — мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қаронғу кечадекдурким, маҳи тобони йўқ.

Ул қаронғу кечаким йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони йўқ.

Зулматеким, чашмаи ҳайвони анинг бўлмағай
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони йўқ.

Дўзахеким равзаи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморедурки, анда мастлиғ имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор
Ҳажрдин дардию лекин васлдин дармони йўқ.

Бўлмас эрмиш дилраболар аҳди маҳкам, эй рафиқ,
Гар киши дерким, бўлур, тутма мусаллам, эй рафиқ!

Ҳар паризодеки ўз мажнунига қилмиш вафо,
Билки, андинурки, эрмас насли одам, эй рафиқ!

Моҳвашлар шоми зулфи не учун ошуфтадур,
Тутмамиш бўлса вафо аҳлига мотам, эй рафиқ!

Дард муҳлик умрнинг таъжили кўп, жонинг учун,
Ким Масиҳимни кетур бошимга бир дам, эй рафиқ!

Кўйди бир ўтлуғ фатила доғ учун ҳар ғунчадин,
Чарх то гулшанни кўрди сабзу хуррам, эй рафиқ!

Гул эмас, гулбунда қонлиғ доғ эрурким, настаран
Теврук айлаптур момуқ кўймоқга марҳам, эй рафиқ!

Бу мунаққаш сақф тарихи ёзиғлиқ чун эмас,
Кўп машаққат чектим, аммо қолди мубҳам, эй рафиқ!

Мен худ эттим азм муғ кўйида расво бўлғали,
Сўз эшит, албатта, мендин қолма сен ҳам, эй рафиқ!

Ич, дағи тутқил Навоийга қадаҳким, арзимас
Бир нафас ҳушёр бўлмоғлиғқа олам, эй рафиқ!

Санга иш жавлон қилиб майдонда чавгон ўйнамоқ,
Манга оллингда бошимни гўй этиб жон ўйнамоқ.

Бош овучлаб эгма қомат бирла қолман рахшидин,
То тилар чобуксуворим кўнгли чавгон ўйнамоқ.

Кўз қаросин ўйнатур ҳар лаҳза ул мардумни кўр,
Ҳиндуедекким эрур ойини қолқон ўйнамоқ.

Ўйнай-ўйнай айладинг куфр ила динимни бадал,
Аллоҳ-Аллоҳ, бумудур, эй номусулмон, ўйнамоқ?

Жавр тошин ул пари ўйнаб отай дер эл сари,
Ваҳки, бу девонаға еткач не имкон ўйнамоқ?

Ҳар сари ашким югурмоқ не ажабким, айб эмас,
Тийра уйдин чиққач-ўқ ёшларға ҳар ён ўйнамоқ.

Чарх ўюн бирла олур дин нақдин элдин, воқиф ўл,
Бу мушаъбид бирла бўлмас аҳли ирфон ўйнамоқ.

Ваъда кўп қилдинг Навоийға ва лекин ўйнабон,
Мунча бўлғай эл била, эй аҳди ёлғон, ўйнамоқ.

Оҳким, ғам тийғидин кўксумни қилди чок ишқ,
Дуди оҳимдин кўзумни айлади намнок ишқ.

Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл қилмади,
Не учун ғам тийғидин кўксумни қилди чок ишқ?

Ул пари кўйидаким ҳар лаҳза юз минг бош борур,
Судрабон элтур мени девонани бебок ишқ.

Кўзума ҳар дам ёруғроқдур юзунгнунг кўзгуси,
Хосият мундоқ эмиш ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Ошиқ ўлди хаста жон кўргач ул оташпорани,
Аллоҳ-Аллоҳ, барқ ила ўйнайдурур хошок ишқ.

Ишқ водийсиға кирган, ёнки андин ҳар қуюн,
Ким чиқар саргаштаедурким қилибдур хок ишқ.

Эй Навоий, ошиқеким, сен киби истар фароғ,
Гар эрур мажнунки, ул қилмайдурур идрок ишқ.

Ваҳ, неча жисмимни ғамдин нотавон эткай фироқ,
Нотавон жисмимға ҳар дам қасди жон эткай фироқ.

Жисмим айлаб нотавон жонимға қасд айлаб ниҳон
Қасд қилған жонни расвойи жаҳон эткай фироқ.

Жонни расво айлагандин сўнг қаноат қилмайн
Юз ғаму андуҳ хадангига нишон эткай фироқ.

Эмдиким андуҳу меҳнат ўқиға қилди нишон,
Ҳар жароҳат узра юз доғи ниҳон эткай фироқ.

Эй кўнгул, солма ўзунгни дард ила, мардона бўл,
Бизни, шоядким, бу янглиғ имтиҳон эткай фироқ.

Васлидин дам урмайн, қилсақ фироқ ичра басар,
Шояд ўзин бизга бир кун меҳрибон эткай фироқ.

Куйди жоним васлида эл рашкидин, то етти ҳажр,
Васл мунглуғ жонима ўт солди то неткай фироқ.

Дўстдин истар ризо зинҳор ани кўрмаким,
Васл қилғай комрон ё нотавон эткай фироқ.

Ич, Навоий, май бағир қонидегу беҳуд йиқил,
Неча васл уммидидин бағрингни қон эткай фироқ.

Қон ёшим сориг юз узра ошкор этти фироқ,
Заъфаронзоримни ғамдин лолазор этти фироқ.

То фироқ уйига кирдим, ваҳки, ашкимдин эди,
Гарчи юз гавҳар, ағғимға нисор этти фироқ.

Дам-бадам оҳим чекарга сабр ила тоқатни ақл
Ихтиёр этти, вале беихтиёр этти фироқ.

Жон талошур элни марг андоқки айлар музтариб
Лабларинг истар кўнгулни беқарор этти фироқ.

Деб эдук ишқ андуҳидин ҳар дам афғон қилмали,
Ваҳки, бу даъвода бизни шармсор этти фироқ.

Кет, фараҳким, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума
Юз туман мисмор бирла устувор этти фироқ.

Эй Навоий, васл аро бўлғайки, боқиб кулгамен
Доғларниким кўнгулга ёдгор этти фироқ.

Демангиз, нетти фироқ охирки бўлдунг душмани?
Манъи васли хусрави Жамиқтидор этти фироқ.

Жунун тоши харобот ичра ҳар дам кўксума урмоқ,
Эрур тақвою дониш бутларин тош бирла синдурмоқ.

Қуёшким зарра қўзғаб кирса вайронимға ҳажрингда,
Кўзумга кул совурмоқ, бил ани, кўнглумга ўт урмоқ.

Чу пири дайр тақво хирқасин куйдур, деди, гар худ,
Анинг ҳар торидур жон риштаси бўлмас боқиб турмоқ.

Лабинг ҳажринда хокий тан аро кўнглумни ҳабс эттим,
Нечукким жонсиз элни расм эрур туфроққа топшурмоқ.

Дема, ул дилрабоға не учун кўнглунгни олдурдунг,
Ўз эрки бирла не мумкин киши ўз кўнглин олдурмоқ?

Агар оҳимдин айлаб жилва ёғдурди жафо тошин,
Не тонг гулбун сабо таҳрикидин гул барги ёғдурмоқ.

Бинафша солхўрд элдекки бош солди қуйи, гўё
Яқин англаб жазони умр анга даъб ўлди қайғурмоқ.

Қадаҳ ичмак ёзуқ деб асру мардуд этмагил, эй шайх,
Бу қисм эрса азалдин, бежиҳатдур бизни ёзғурмоқ.

Қароғлардин пулак, жон риштасидин чиллавор эткил,
Қошинг ёсин Навоий қасдиға гар истасанг қурмоқ.

Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ,
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.

Яхшиларға бас ёмондур ҳолким, ёр оллида
Тенгдурур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ.

Тоза ҳар ён доғ эмас, жисмимда ул юз ишқидин,
Ким бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ.

Бу йироқлиқдин яқиндур ўлгамен, ваҳ, ёрнинг
Истабон ройин бўлуптурмен яқинлиқдин йироқ.

Маҳжабинлардин сияҳдиллик не тонг, ойким анинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўрунур зоҳир — оқ.

Қўп Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.

Чиқса жоним, айб қилма, жисми беморимға боқ,
Куйса жоним, ҳайрат этма, нолайи зоримға боқ.

Ҳажр даштининг гули гар лола бўлса, сели қон,
Қилмағил, эй гул, таажжуб чашми хунборимға боқ.

Эйки, кўрмайсен қуруқ шохе безалган гул била,
Ҳажр тошидин саросар жисми афгоримға боқ.

Зулфин очти ул санам, эй шайх, бовар қилмасанг,
Ким асири куфрмен бут бирла зунноримға боқ.

Ер била тенг қилди хоки тан уйин ашким суйи,
Ишқ сайлидин йиқилган эски деворимға боқ.

Қилмасанг тавбамни синдурғанни бовар, эй фақиҳ,
Хирқайи чокимни кўр, ошуфта дасторимға боқ.

Бош кўтармай майдин эким журм тухми барча умр,
Эй Навоий, умр этиб зойиъ сару коримға боқ.

Ғамим кўп айта олмасмен не тонг кўнглум ҳалок ўлмоқ,
Ичимда юз қилич, не айб кўксум чок-чок ўлмоқ.

Ўлар деб шод ўлур, кўп кўрса дардим муддаий, билмас,
Ки ишқ ичра ҳаётим боисидур дардноқ ўлмоқ.

Агарчи ҳусн ичинда сенча пок ўлмоқ эмас мумкин,
Ани ҳам кўрки ишқ ичра бўлурму менча пок ўлмоқ?

Агар заҳр ичсам илгингдин таажжуб қилма, эй соқий,
Ки бўлмиш масту ошиқ шеваси беваҳму бок ўлмоқ.

Чу мен бир жом учун деҳқон асиримен, ажаб эрмас
Либосим ток барги, ришта бел боғларга ток ўлмоқ.

Жаҳондин силкиниб чиққан этак топиб ёпишмоғлиқ
Муяссар бўлса, не ишдур талаб йўлинда хок ўлмоқ.

Навоий кўксида ишқ этмас ўлса дафн ғам нақдин,
Ўюлуб тоза доғи ҳар тараф недур мағок ўлмоқ?

Демангиз аҳбобким, қилмасмусен бас йиғламоқ,
Ким манга Тенгри насиб этмиш туганмас йиғламоқ.

Асрай олмон ўзни, ашким тутти дашту тоғни,
Нечаким Фарҳоду Мажнун дедилар: «Бас йиғламоқ!»

Масту ошиқмен, дағи кўнглумда айрилган кишим,
Эй мусулмонлар, не тонг мен зори бекас йиғламоқ.

Тонг эмас жисмим оқизгунча кўзум гар тўкти ашк,
Не ажаб абри баҳорий оққуча хас йиғламоқ.

Тийра ҳажринг шоида гар жон талашман тонггача,
Бошима шамъу суроҳий недурур бас йиғламоқ?

Даҳр боғидин вафосизлиғ агар фаҳм этмади,
Нега шабнам ашкидин фан қилди наргис йиғламоқ?!

Эй Навоий, тоқини мен дағи ашкимдин йиқай,
Чун манга қисм этти бу чархи муқаввас йиғламоқ.

Кимга, васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ,
Кўз тут ул шамъ ўтидин-ўқ доғи фурқат, эй рафиқ.

Васл софи мумкин эрмас чунки бедарду фироқ,
Зинҳор ул бода сари қилма рағбат, эй рафиқ.

Васл йўқким, ишқ лафзин тилга мазкур этмагил,
Ҳар нафас кўрмай десанг юз навъ шиддат, эй рафиқ.

Куйма ҳар бемехр ўтига, гар десанг ҳар дам сени
Қилмағай кул шуълайи андуҳу ғайрат, эй рафиқ.

Шўх чобуклар ғубори тавсаниға солма кўз,
Юзда истар бўлмасанг гарди мазаллат, эй рафиқ.

Боқма гулдек юз уза хай шабнамимким, бузмасун
Ақл ила сабринг биносин сайли офат, эй рафиқ.

Гар солиб юз минг балоға мендек ўзни бўлмаса
Ишқсиз бир дам санга ҳам сабру тоқат, эй рафиқ.

Токи мумкиндур, кезиб бир меҳрибон ёр истагил,
Бағри тошларни севарга қилма журъат, эй рафиқ.

Гар Навоийдек бошингга тушса бир қотил ғами,
Анда доғи кўргасен не бўлса қисмат, эй рафиқ.

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ
КАМОЛИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

322

Эй, деб сифатингда аҳли идрок,
Лав лока ла-мо халақт ул-афлок.

Афлок нечукки хоки роҳинг
Ул йўлдаки, ожиз ўлди идрок.

Десам афлок эрур туфайлинг
Басдур гуваҳим ҳадиси «лав лок».

Тубий била шохи сидра келди,
Қадринг чаманида икки хошок.

Ким тутса шафоатинг умиди,
Бебоклигидин анга не бок.

Чун шоми уруж қайттинг бот,
Субҳ этти ёқани гуссадин чок.

Васфингда не айтқай Навоий,
Жуз ажз ила узри «мо арафнок».

Ваҳ, недур майдонда ҳар ён азми жавлон айламак,
Бизга етқач ўзга ён оҳанги майдон айламак.

Зулфдин чавгон чекиб эл бошини гўй эткали,
Кўз ёшимни гўйдек ҳар сари ғалтон айламак.

Қон аро жисмим бўяб, дерсенки, ишқим таркин эт,
Бу экин оламда кофирни мусулмон айламак.

Тан ғуборинда ёшурдум доғи ишқинким, эмас
Айб муфлисдин дирам туфроққа пинҳон айламак.

Кўкта гар анжум эмас оҳим ўқининг яраси
Шомлар недур шафақдин кўнглакин қон айламак?

Чарх сидқ аҳлин ғамин истарки, бўлмиш субҳ иши
Ашқдин кавкаб сочиб чоки гирибон айламак.

Гар Навоий жисмини ишқ истамас тошдин фигур,
Бас недур ани жунун кўйида урён айламак?

Ишқ аро васлинг тилаб ҳажрингда бўлдум дарднок
Хаста янглиғким, ҳаёт уммидидин бўлғай ҳалок.

Йўқ ажаб гар ул қуёш навҳангға боқмас, эй кўнгул,
Ўтқа не ғам гарчи куйган нола айлар дарднок.

Тикканин еткач очар пайкони кўксум чокининг,
Ул калид ўлмиш, ажал дарвозаси гўё бу чок.

Айлар эрдук пок ишқ ўтиға куймак орзу,
Шукрилиллаҳ, оқибат куйдурди ишқинг бизни пок.

Солди май ул ҳур шавқин кўнглума, эй боғбон,
Бердинг ўхшар парвариш кавсар зилоли бирла ток.

Ишқ аро дўзахдин, эй носих, мени қўрқутмаким,
Ҳажр ўтин кўрган самандарға шарардин қайда бок?

То танинг авжи ҳаёт устидадур сен хок бўл,
Истасангким авж тутқайсен танинг бўлғанда хок.

Эй Навоий, шоми ғамдин айру йўқтур субҳи васл,
Оқ эрур, лекин қорартур ҳар нени ранг этса зок.

Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек,
Ким танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек.

Ваҳ, не янглиғ ахтари саъд эрдиким қилғач тулуъ
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри оламтобдек.

Қучқамен белин камар занжир илан деб бўлди хам,
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.

Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам,
Ким оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.

Ақл саррофи лабинг рангину нозук сўз била
Топти гулгун ришта ўтқарган ақиқи нобдек.

Силк этак зарришта бирла гул тўқулған жинсдин,
Ким эмас тори чубўлған вуслалиғ мошобдек.

Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиу куллардур анга синжобдек.

Турфа рухсорингки, ҳусн ичра эрур гулзордек,
Турфароқ будурки, гулзор эрмас ул рухсордек.

Сарвнозим бошида турна парин кўрким, эрур
Шамънинг бошида кул бўлган паришон тордек.

Бир тун ул ой ҳажридин куйдум, улус кўрди мени
Тонгласи бир йил тақассур тортқан бемордек.

Тошларким урди ул шўх, ипга боғлаб осмишам
Бўйнума кўнглум ғами таскинига тумордек.

Заъфдин кўйида кўйдум бошим остиға кесак,
Соя ҳам гар истасам йўқтур бузуг девордек.

Ул қуёш маст ўлди, гўёким қилиб эгри хиром
Юз жафо жонимға айлар чархи кажрафтордек.

Телба кўнглунгни, Навоий, забт айлай олмадинг,
Эмди чек андин илиг ҳар сори борса бордик.

Не навъ борди экин уига кеча ул чобук,
Ки тун қоронғу эди, рахши тунд, ўзи усрук.

Нечукки елдин ўлур ҳар тараф ниҳолга майл,
Саманд уза эгилур эрди ул қади нозук.

Агарчи кайфият ичра кўрунубон бир навъ
Ва лек кайфият андин кўнгулга юз турлук.

Гаҳеки кўз очибон кирпичи отиб новак,
Тушуб қаёнки этиб жону кўнглум ичра тўшук.

Агарчи ўлтурубон юз тиригни ғамзасидин,
Ва лек жон топибон нуктаси била юз ўлук.

Нетиб ўз илгида қолғай инони ҳушу хирад,
Ки бода кучлугу рахши инони ҳам кучлук.

Навоиё бу балолар сангаки юзланди,
Хаёли офият этсанг, ўзунгга бор ўтрук.

Менки чектим лаъли шавқи бирла жонондин илик,
Гўйиё ҳайвон суйи бирла юдум жондин илик.

Чун мени ҳайрон анга зору оқар ашким не тонг
Ул парипайкар юса мен зори ҳайрондин илик.

Илги ҳинодинму рангиндурки, мен қурбон анга,
Ё қилурда қатл, анга ранг ўлди қурбондин илик.

Лутф ишида кўргузур ҳар дам яди байзо ул ой
Не ажаб гар элтса Мусойи Имрондин илик.

Жон чиқар ҳолатда бас топсам итидин пойбўс,
Не ҳадим ўпмак учун истарга жонондин илик.

Дайр аро чун муғбача эл ёри бўлди, эй кўнгул,
Ю муғона май била ул номусулмондин илик.

Раҳм этиб ҳолимға солса кўз ёшимға бир назар,
Ваҳ, юмай неткаймен ул дам ақлу иймондин илик.

Берса юз ошуб даврондин илик мен хастаға
Чекмагумдур ҳаргиз ул ошуби даврондин илик.

Сайддек ўқтин қатил ўлди Навоий кўнгликим
Сунди ойлар тийғ ила кесмакка ҳар ёндин илик.

Маҳвашимда заъфу мен бу ғуссадин ҳар дам ҳалок,
Ким не яъни мен тирик бўлғаймену ул дарднок.

Ногаҳ, эй аҳбоб, даврон қилмағай бебоклик,
Йўқса биздек юз туман жонон учун ўлсак, не бок?

Пок жонин, ё Раб, олма поклар кўнгли учун,
Бўлмаса маъшуқи, пок, охир не осиг, ишқи пок?

Кўнглакин чок айламиш андуҳдин гул, чун ёқа
Чок қилса найласун булбулнинг ўлмай кўкси чок?

Гар бўлур юз жони пок анинг фидоси оздурур,
Мен не ҳад бирла бўлай, чунким эрурмен тийра хок.

Чун ажал жомин сумурмай чиқмас эл бу боғдин,
Хуррам улким, бош кўтармас бодадин андоқки ток.

Эй Навоий, ёр дарди не бало муҳлик эмиш,
Ким аранг заъф эткани ушшоқни айлар ҳалок.

Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак,
Ким қиёматқа дегинча бу илигдур, ул этак.

Конима қўл шималу тийғни чекмаки, қилур
Қатл пўлод қиличдин бурун ул сийм билак.

Қайд қилмангки, жунун силсиласи қайдидамен,
Ким кеса олмас ани қилсалар олмос эгак.

Тиргузурда нафасинг юзни қочурмоқ не эди,
Майл қилмас худ ўлук кимсадин олмоққа мучак.

Ишқдин махласима айлабон аҳбоб дуо
Мустажоб ўлмас анинг мени маҳзунға тилак.

Жанда бирла киши дарвиш эмас, бўлса фано
Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг, хоҳ ипак.

Кўйида ўлди Навоий бу сифатким, бор эди
Тақя хорова ҳасири ёни остида тўшак.

Кўнглакинг барги гулу устида гулранг елак
Гул киби жисминг уза уйлаки гулгун кўнглак.

Қалағай саҳфада руқъангни кўруб оқти ёшим,
Тифлдекким югурур кўрса мулавван кўпалак.

Кўйининг туфроғидин кўпмас эсам тонг эрмас,
Ғам тошидин чу бутун қолмади жисмимда сўнғак.

Букун ул навъки мендин бош эрур, сендин тийғ,
Тонгла ҳам бўлғусидур мендин илиғ, сендин этак.

Юрагим итларинг андоқ едилар тишлашибон,
Ким яна йўқтур алар оллиға бормоққа юрак.

Мени бир муғбача ошуфтаву волиҳ қилмиш,
Найлай ислом аро гар кўп эса мирзову мирак.

Тишлабон, дайр ичида жоми ҳилолий чексам,
Қурси лимуси кавокибнинг агар бўлса газак.

Салтанат хилъатидин ортуқ эрур дайрда маст,
Судрасам бода гадолиғида йиртуқ капанак.

Ўзлугунг қайдини кесмакка Навоий билким,
Йўқтурур даҳр ирикликларидин яхши эгак.

Кимга бир мажлисда оху дард ила сўзе керак,
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.

Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг
Бағрини куйдурғали оҳи жигарсўзе керак.

Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,
Шоми ҳажр ўлтурғали мендек сияхрўзе керак.

Кўюнга ҳар кун бориб ҳар дам кўрай дермен сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза наврўзе керак.

Яхши асра ғам туни оҳим ўқин, эй чархким,
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.

Бир Хизрваш ҳимматин берма иликдин, негаким
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.

Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,
Ўйла дарс аҳлиға мундоқ донишомузе керак.

Кимки ошиқ бўлса зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Васл топмоғлиғки ишқ аҳлиға амредур маҳол,
Кечаву кундуз иши фикри муҳол ўлмоқ керак.

Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак, андоқки мўй,
Ҳажр аро гаҳ ноладин андоқки нол ўлмоқ керак.

Васл мумкин йўқ, вале ҳижронда ҳар дам юз боло
Мундоқ офат мубталоси моҳу сол ўлмоқ керак.

Ишқ кўйида зулоли васл ичмайдур киши,
Дайр сори толиби жоми зулол ўлмоқ керак.

Зулм кўрким чарх этиб икки сипаҳни кинавар,
Мўрлар хайли арода поймол ўлмоқ керак.

Эй Навоий, истасанг махлас кудуратдин, санга
Хонақаҳдин дайр сари интиқол ўлмоқ керак.

Ёр бўлмиш ўртаға ҳижрон тариқин солғудек,
Ақлу ҳушу жону кўнглум хайли ҳам кўзғолғудек.

Ёр бориб ақлу ҳушу жону кўнглум кўзғалиб,
Тан ётиб, кўз бул-ажаб ҳолимға боқиб қолғудек.

Бошни ҳолоким, эрур фурсат, солайин оллиға,
Тундлуғдин гарчи эрмас они ердин олғудек.

Соқие, май тут, муғанний, навҳа оҳангини чол,
Ким сипоҳи умрум ўлмиш кўси рихлат чолғудек.

Ҳажр аро, эй Хизри фаррухпай, қўлум тутким, эрур
Пўя урмоқтин бу водий ичра бағрим толғудек.

Ҳулла гул баргидин эттинг, пардаи жонимдин эт,
Бўлса онинг остида ногаҳ танинг товшалғудек.

Эй кўнгул, нақди ҳаётинг қил фано йўлида сарф,
Ҳайф эрур гар бўлса умри Нуҳ учун сайфолғудек.

Бир замондур умр азми дашт этиб осуда бўл,
Бўлсанг абнойи замон бедодидин қийнолғудек.

Эй Навоий, зарварақи жисминг не тонг бўлса гарик,
Баҳри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқолғудек.

Эй, кўнгулда шаҳди лаълинг ҳасратидин юз тешук,
Ҳар тешукдур шаҳд занбури уйи янглиғ чучук.

Гар тери бирла сўнгакмен тўма ҳам қилмас итинг,
Ким тери асру қатиқ бўлмиш, сўнгак асру чурук.

Не лабингдин ком топтим, не кўзунгдин жавр ўқи,
Бу сифат маҳрумлуқтин не тирикмен, не ўлук.

Ўйла занжири жунун расвосименким, ҳар замон
Теграма Фарҳоду Мажнундек йиғилмиш бир сурук.

Ишқ ўтидин қуллуғунг доғини қўйдум кўксума,
Ўзни бу навъ айладим ишқ аҳли ичра белгулук.

Фақр водийсинда ўзлук неча камрак яхшироқ,
Йўлни осон қатъ этар солик енгилрак бўлса юк.

Элга ўт солдинг, вале куйди Навоий ғуссадин,
Ўхшамас ўт бирла куйдурганга бу янглиғ куюк.

Жунун саҳросида бое йўқ эркандур бу маҳзундек,
Ки бўлғай ваҳший хайлин куткали чўпоне Мажнундек.

Не тонг гар олами кубро эсам ҳар қатра ашким чун
Тенгиздекдур, ичимда юз туган ҳар қайси гардундек.

Шафақ кўк зарфин эткай лаълий, аммо лаъли ҳажринда
Қизарта олмағай оламини бу ашки шафақгундек.

Манга атфол отқан тошу сабрим кишварин кўрким,
Мени девонаға ул тоғдек бўлмиш, бу — ҳомундек.

Сочинг савдосидин айтур паришон сўзларим бордур,
Фусунгар санъат айларда йилонға қилган афсундек.

Фироқинг поймоли қоматимким, ҳалқадек бўлмиш,
Назар қилким, биайниҳ бўлди ҳижрон остида «нун»дек.

Қўюб Фарҳоду Мажнун қиссасин, кўр дафтари ишқим,
Ки бир-икки хатинда топилур ул икки мазмундек.

Чу кўмдунг ерга Қорун ганжи ҳукми тутти, эй мунъим,
Тутайким нақд ила бўлди хизонанг ганжи Қорундек.

Вафо айлаб, вафо кўз тутма олам дунларидинким,
Вафосиз келди олам дунлари ҳам олами дундек.

Манга дайри фано синган сафоли жоми Жамдекдур,
Камин сойиллари эски палоси хаззу иксундек.

Навоий назмиға солса қулоқ шаҳ, не ажабким, бор
Анинг ҳар лафзида шоҳона лаълу дурри макнундек.

Лабингки, сайли сиришкимни оқизур қондек,
Эрур бу қондек, эмас ул валеқ қонғондек.

Томуғ ўти била аҳли азоб жониға доғ
Эмас фироқ ўти бирла доғи ҳижрондек.

Фироқ даштида кўнглумни қилди хори хасак
Тиканки, ҳар ёнидин бош чиқарди пайкондек.

Биҳишту бўйнума ҳавро салосили зулфи
Чу сенсиз ўлса гумон айла банду зиндондек.

Кўнгулки тушти жунун даштиға бориб, гоҳе,
Куюндеқ оҳим анинг теграсида айландик.

Вафоға гарчи фалақ даври ожиз эрса, ҳануз
Бу шева ичра эмас эркин аҳли даврондек.

Қадаҳ тубида кўрунг бода дурдини махфий,
Фам ичра қон тўла кўнглумда доғи пинҳондек.

Навоий асру бузуғ, лек Вомиқу Мажнун
Эмаслар иккиси ул хонумони вайрондек.

Ҳажр тоби ичра ким кўрмиш бу жисми зордек,
Ким топибдур барқ шакли ўтқа тушган тордек.

Эй кабутар, тавқ пайдо айлагунг тўти киби,
Сўзлуқ номамни оссам бўйнунга тумордек.

Бўлди юз минг пора жисмимда сўнгах, қон қолмади,
Молиши ҳажрингдин ўлмишмен сиқилган нордек.

Ваҳ, не ҳижрондурки, ҳам аввал тунининг тонгласи
Бўлмишам йиллар малолат тортқан бемордек.

Эй кўнгул, дайр ичра ул кофирни севдунг билки йўқ
Риштае ўзни анга боғлар учун зуннордек.

Ёр агар ҳампову побаржо эса бу давр аро,
Бошиға ҳар лаҳза эврулмак бўлур паргордек.

Ҳар сўнгах ёнимда бўлмиш бир тешук ғам базмида,
Ҳар бирида ўзга янглиғ нола мусиқордек.

Бода ичмакка мақоме истар эрсанг, эй рафиқ,
Маъмане бу ишга йўқтур кулбайи хаммордек.

Ҳар дам ул ой ҳажрида оворалиғ истар кўнгул,
Эй Навоий, қўй ани ҳар қайда борса бордик.

Эй тўқуз торами, ахзар бўлубон жилвагаҳинг,
Хайли анжум – сипаҳинг, нури губори – сияҳинг.

Муждаи васл ила топмай даме ором, магар
Мақсади сидқ бўлуб бир нафас оромгаҳинг.

Чарх юз минг кўзи гўё ёруди, тортилибон
Сурмагун тун ичида сурмасифат гарди раҳинг.

Сўфийи олами қудсий сену асҳоб русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.

Таҳ-батаҳ бу тўқуз афлокдин ўтганда эди
Юқори Холиқ ўлуб, мохалақаллоҳ таҳинг.

Эл кўзин нури шафоат била ёрутқанингга
Тортқан сурмайи мозоғ икки кўздур гуваҳинг.

Эй Навоий, чу шафиъинг ул эрур, бўлди гуноҳ
Ул малакларгаки, ёзмоқ тилагайлар гунаҳинг.

Қорадур холу хатту кўзу қошинг,
Магар борини куйдурмиш қуёшинг.

Ёшим торин узаттингким, сенинг ҳам
Узалғай айш ила, ё Рабки, ёшинг.

Бошимға тошлар ёғдурмаким, бор
Мурассаъ тождин озурда бошинг.

Харошида кўнгулдин чиқтинг, эй оҳ,
Ки эл кўнглин харош этти харошинг.

Нечук сен зулфи ичра, эй кўнгулким,
Ўтар бас тийралик бирла маошинг.

Палоси ҳузну — мен, эй атласи чарх,
Манга лойиқ эмас воло қумошинг.

Навоий фоний ўлди, эй ғаму дард,
Анинг рахтин фано қўйига тошинг.

Эй чучук жоним сенинг ширин лабинг,
Мевайи жоним турунжи ғабабинг.

Мен киму ўпмак юзунг кўзгусини,
Бас муяссар бўлса наъли маркабинг.

Неча элни кеча, ё Раб, эй кўнгул,
Қўймағай уйкуға «ё Раб-ё Раб»инг.

Тезликда гардига етмас шиҳоб,
Эй қуёш, жавлонға кирса ашҳабинг.

Юзида тер қатрасин кўр, эй сипеҳр,
Ой уза мундоқ кўрунмас кавкабинг.

Шурбдин нуқсон эмас, эй порсо,
Фақр ила бўлса мувофиқ машрабинг.

Ғамзанг ўлтурса Навоийни не бок,
Сўз била чун тиргуза олур лабинг.

Кулмадинг, то кўзларимни кавкабафшон қилмадинг,
Тўкмадинг қонимни, то бағрим тўла қон қилмадинг.

Тифлдекким, гунча очқай, қилмадинг, эй бағри тош,
Хотирингни жамъ то кўнглум паришон қилмадинг.

Элга айтур захра йўқ, ваҳ, йўқса қай бир турктоз
Айладингким юз кўнгул мулкини вайрон қилмадинг?

То қуёшдек жилва қилдинг, қўймадинг бир зарраким,
Офариниш ичра рухсорингга ҳайрон қилмадинг.

Юз бало тошини ишқ атфолидин ёғдурмадинг,
То жунун торожидин жисмимни урён қилмадинг.

Эй фалак, қайси қуёш юзлукни бир кун чарх уза
Жилвагар қилдингки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг?

Демаким, қўйдум Навоий жониға доғи ажал,
Шукри Борий мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг.

Эй, менинг жоним олиб яхшилигинг,
Берибон жон яна яхши қилигинг.

Қаҳр ила бодаки туттунг, ўлдум,
Заҳрдек ўлтурур элни ачигинг.

Хусндин меҳр ғараздур, эй ишқ,
Бу масалдур: силигингдин илигинг.

Асрадим сени кўз ичра, эй ёш,
Қонима эрди тануғлуғ осигинг.

Маст ул кофири бебок келур,
Ақлу дин аҳли ўзунгузни йигинг.

Файр гарди борур ул пок сари,
Қани, эй кўз, бу маҳалда аригинг?

Эй Навоий, неча солғай ошуб,
Ул пари кўйида девоналигинг.

Ики гунчанг эрмас, эй гулчеҳра, тенг,
Оғзинг асру тору кўнглунг асру кенг.

Оғзингга тегмас узоринг бирла сўз,
Бўлмади хуршид бирла зарра тенг.

Лоланинг доғи бўлур чун ўртада,
Нега тушмиш оразинг ёнида менг.

Бўлди илгим доғу кўксум захми фош,
Ким танимда тўн йўқу илгимда енг.

Солғуча оламға ўт оразни оч,
Ким жаҳонни куйдурур ул ўтлуғ энг.

Ҳусн даъвосиға қўл енгдин чиқар,
Юз яди байзо чиқарғондекни енг.

Данг қилмиштур Навоийни хумор,
Анга тутсун бир қадах, соқийға денг.

Шоҳ бўлди ишқ ичинда соҳибасорим менинг,
Ишқ маншурида туғродур бу шаҳкорим менинг.

Лаъли ёдин тирикмен, йўқса ўлгум заъфдин,
Қонки ҳар ёндин тўкар бу жисми афгорим менинг.

Мен жунун саҳросида йиттим, гар анда ҳар киши
Кўрса Мажнунни эрур, билдег, намудорим менинг.

Оғзидин андоқ адам кўйида фоний бўлмишам,
Ким вужуд иқлимида топмаслар осорим менинг.

Булажаб ҳолим жунун ичра гар элни кулдурур,
Ваҳки, йиғлатур юз онча нолаю зорим менинг.

Кўнглум ўз ҳолида йўқ, воқиф бўлунг, аҳбобким,
Ҳажр дардидин эрур ҳол узра беморим менинг.

Кофири ишқ ўлдум ул бут оллида, ваҳ, яхшидур
Дайр аро боғланмаса бўйнумға зуннорим менинг.

Сен дағи кўргузма макру шўхлуқ, эй золи чарх,
Ким билур сендин кўп ортуқ шўхи маккорим менинг.

Хотирим ҳам даври ҳам давр аҳлидин озурдадур,
Эй Навоий, истама панд айтиб озорим менинг.

Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг,
Заъфлиғ жисмимни тору қоматим чанг айладинг.

Бўлди бўстони узоринг боладин афрўхта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг.

Чок этиб эл кўнглин, эттинг гунчадек кўнглум гириҳ,
Очтинг эл кўнглин агарчи бизни дилтанг айладинг.

Буки ташбиҳ эттинг, эй кўз, хоки пойин сурмаға,
Билки жавҳарни қаро туфроққа ҳамсанг айладинг.

Ишқ сирри маҳмилин кўк пили чекмас, эй қазо,
Ғар ҳилолидин кажак, хуршидидин занг айладинг.

Не қатиқ водий экин, ё Раб, санга эй ишқким,
Ақл саркаш тавсанин қўйғач қадам ланг айладинг.

Қил Навоийни вужуди нангидин, ё Раб, халос,
Чун вужудин барча олам аҳлиға нанг айладинг.

Оразинг субҳидин эл айшини жовид айладинг,
Субҳи васлингдин менинг шомимни навмид айладинг.

Лаъли серобин тила, қўй Исою ҳайвон суйин,
Эй кўнгулким, орзуйи умри жовид айладинг.

Қошу юзи акси кўк жомиға тушгач, эй қазо,
Бу бирин қилдинг ҳилол, ул бирни хуршид айладинг.

Эй муғанний, Зухрасидин кўкни қилғунг мунфаил,
Сенки ҳар тер қатрасин бир турфа Ноҳид айладинг.

Эй кўнгул, охир қиличи ҳаттиға қўйдум бўюн,
Ваҳки, сайфи ҳирзини бўйнуиға таъвид айладинг.

Васл саркаш қадлидин қилдинг таманно, эй кўнгул,
Ул алифким, яъс ародур нахли уммид айладинг.

Итлари синған сафоли ичра чектинг дурди шавқ,
Эй Навоий, они жом, ўзунгни Жамшид айладинг.

Ишқим ортар хатти зоҳир бўлғали жононанинг,
Шамъ дуди шуъласин афзун қилур парвонанинг.

Ҳар дам ашким келтурур юз таън мажнун кўнглума,
Қисми ёшлардин ҳамеша тош эрур девонанинг.

Оразингнинг нақшидин бутхонадур кўнглум уйи,
Ишқ бўлмиш барҳаман ичинда ул бутхонанинг.

Шоми ҳажрим шарҳи элни беҳуд этса не ажаб,
Уйку келтурмакдурур хосийяти афсонанинг.

Судурур бағримки, пайкони кўнгулдин чекти бош
Нам ҳавода сабза чиққандек учидин донанинг.

Йиқмади кўк гунбадин ёғиб ҳаводис ёмғури,
Ким сувар эркин чиқиб томини бу кошонанинг?

Ўқларинг чок эттилар ҳар ён Навоий кўнглини,
Йўллар этгандек ёгин деворини вайронанинг.

Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,
Секритиб майдонға кирган шахсуворимдур менинг.

Гард эмас, гардинда балким кўрмасун деб эл кўзи,
Волиҳу саргашта жони хоксоримдур менинг.

Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилган ўт эмас
Ким кўнгул отлиғ заифи беқароримдур менинг.

Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,
Кўз қароси йўқки, доғи интизоримдур менинг.

Ул баҳори ҳусн минган қатраафшон бодпой
Гулшани айш очқали абри баҳоримдур менинг.

Чобуки меҳр ўлди бемеҳру ҳарун кўк тавсани,
Тутманг отинким, эшитмак ани оримдур менинг.

Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.

Коғаз уза қаламни фусунсоз қилмадинг,
Бир руқъа бирла бизни сарафроз қилмадинг.

Жонсиз таним ҳаёти учун нома ёзмадинг,
Килкинг учини мўъжизапардоз қилмадинг.

Васлинг кунию шоми фироқинг баёнида
Кофур бирла мушкни ҳамроз қилмадинг.

Бир меҳр номаси била саргашта заррани
Кундек жаҳонда мужиби эъзоз қилмадинг.

То рўзгорим айламадинг дуддек қаро,
Бир номанинг саводини оғоз қилмадинг.

Эй кўк дабири, кимсага бир нома ёзмадинг,
Ким хома янглиғ ани сарандоз қилмадинг.

Раҳмат, Навоӣ, сангаким ёр ҳар неча
Зулмин кўп этти, меҳру вафо оз қилмадинг.

Гам хазонин зоҳир этмиш чехрайи зардим менинг,
Борғали елдек баҳори нозпарвардим менинг.

Телбалардек сўзлашурмен ўз-ўзум бирла мудом,
Чун ўзумдин ўзга йўқ оламда ҳамдардим менинг.

Туфроғ ўлсам кўйида, эй абри раҳмат ёмғури,
Қил мадад ончаким, андин чиқмағай гардим менинг.

Чиқти жон билмай мақомин, муждае бер, эй Масиҳ,
Ким қаю манзилдадур меҳри жаҳон гардим менинг?

Ҳар неча кўнглум совуғ оҳидин айтур, оҳким,
Ёрға ёқмас неким, айтур бу дамсардим менинг.

Ризқ чун мақсум эрур, бир қурс учун ҳар кун недур,
Чархдек саргашталик кўйида новардим менинг?

Эй Навоий, токи урди меҳр нақшин тоси чарх,
Бу бисот ичра ажаб шашдардадур нардим менинг.

Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
Ул сабабдин йўқтурур кўнглумда оромим менинг.

Дуди оҳим сарвдек чиқтию гулгун бўлди ашк,
Қилғали тарки вафо сарви гуландомим менинг.

Нега кўргузди шафақдин шуъла, кавкабдин шарор,
Гар эмас ғам дўзахи бу субҳи йўқ шомим менинг?

Дилраболар аҳдиға ҳеч этмасунлар эътимод,
Эй сабо, ишқ аҳлиға еткур бу пайғомим менинг.

Ошиқ отиға кириптур кўнглуму топмас висол,
Фосиқи маҳрумтек бўлмиш бу бадномим менинг.

Донаи тасбиҳ майли айламас кўнглум қуши,
Риштаи зуннори зулфунг бўлғали домим менинг.

Эй Навоий, мендек ул бут кўйи сори кирмаким,
Куфр ила бўлди бадал бу йўлда исломим менинг.

Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,
Не нома эрдики, ғамгин кўнгулни шод эттинг.

Тилим қалам тилидек шукрдин эрур ожиз,
Бу нома бирлаки бу нотапонни ёд эттинг.

Ўқурда оқти ёшим ихтиёрсиз, гўйиё,
Ки ҳажр дудасидин номаға мидод эттинг.

Етурди жисмима руҳ, эй қуёш, магарки Масиҳ
Муаллим эрди дамеким ани савод эттинг.

Жавоҳиреки йибординг бу номурординг учун,
Кўнгул харобасини махзани мурод эттинг.

Не суд, бўлса амал номаси қора, гар худ
Отинг нишон уза Жамшид ё Қубод эттинг?

Навоий, жисминга руҳ ул қуёш ҳадиси эмиш,
Масиҳ нутқиға йўқ ерда эътиқод эттинг.

Эй ишқ, яна фурқат ўтин жонима урдунг,
Жисмимни кул айлаб, кулини кўкка совурдунг.

Анжум дема, гўёки малойикка туташти,
Оҳим ўти учқунлариким, кўкка етурдунг.

Қайд этмадингу бас хаами зулфунгни кўнгулга,
Ким ғайр хаёлин ҳам анинг бирла супурдунг.

Побўсини истаб магар, эй шодлиғ ашки,
Бу зор ила дилбар кўрушур чоғда югурдунг.

Фурқат куни бас тийрадур, эй ишқ, ҳамоно,
Ким сарсари оҳим била кўк шамъин ўчурдунг.

Ҳижрон туни, эй чарх, мушаъбид гар эмассен,
Не навъ қуёш тосини хирқангда яшурдунг?

Тарк этмади бош қўймоқ эшигингда Навоий,
Бу кўйдин ит деб ани ҳар нечаки сурдунг.

Неча жаврин тортайин ул сарви ҳуризоднинг,
Йўқмудур поёни оё зулм ила бедоднинг?

Ақл дер, сол кўнглунга зуҳду вараъ бунёдини,
Ишқ айтур, йўқтурур бунёди ул бунёднинг.

Тош эритти, ваҳки, Хусрав кўнглига кор этмади,
Шуълаларким, тешасидин секриди Фарҳоднинг.

Кўнгли меҳр айлар аён, кўргач рақиби юзини,
Кўрмагунча зок, чиқмас жавҳари пўлоднинг.

Токи сайдингмен, ишинг невчун ғазабдур чун мудом
Қуш гирифтор ўлса кўнгли хуш бўлур сайёднинг.

Ўлмагимни боқма ҳижронингда, эй султони ҳусн,
Қатл ҳукми қилса шаҳ не эрки бор жаллоднинг.

Рокиъ эрдим, чанг уни келди саҳарға, оҳким,
Борди мутриб нағмасиға ҳосили авроднинг.

Йўл қоронғудур, талаб ноқис, қадам не навъ урай,
Ёрумай комил дамидин машғали иршоднинг.

Эй Навоий, неча булбулдек фиғон ул гул учун?
Йўқ анга таъсири чун бу нолаву фарёднинг.

Кўнгуллар кути ширин достонинг,
Бағирлар қони лаъли дурфишонинг.

Ниҳону ошкоро мен санга ёр,
Сенинг ағёр ила рози ниҳонинг.

Муҳиблар бирла ҳар тун, биздин айру
Қадаҳларким, чекарсен, нўши жонинг.

Вале ваҳм айла андинким, чекиб вой,
Дамодам қон ютар бир нотагонинг.

Ажаб лаълесен, эй ашки жигаргун,
Ажаб йўқким, эрур ғам тоғи конинг.

Кулар, эй боғбон, ҳар ғунча гўё,
Ки ғофилдур хазондин гулситонинг.

Навоий ишқ водийсиға кирди,
Хатарлиқ йўлдур, эй аҳбоб, ёнинг!

Рафиқларни борин ёру муътамад қилдинг,
Арода тек мени, мардуд эдимки, рад қилдинг.

Фалак жафоси, ўлус таънию фироқинг ўти,
Бас эрмас эрдики, сен ҳам яна мадад қилдинг.

Кечиб жаҳон ила жондин Сени дедим, жоно,
Магарки қатлима бу журмни санад қилдинг?

Гараз чу ўлмагим эрди, бас эрди лутфунг ҳам,
Ғазаб не эрдики, эй шўҳи сарвқад, қилдинг?

Ғамингни чеккали ёлғуз кўнгул эди ожиз,
Ки тийғи фурқат ила ани юз адад қилдинг.

Чу бахт ахтари саъд ўлмади не суд, эйким,
Сипеҳр зижини ҳал қилғали расад қилдинг.

Навоий, ёр не жавр этса, жонға миннат қўй,
Азалда чунки бу даъвони то абад қилдинг.

Истаб ул бутни хирад белида зуннорин кўрунг,
Бир калоба ип била Юсуф харидорин кўрунг.

Лаълу холи нақши жонда, танда қону тоза доғ,
Зоҳиримда ботин аҳволи намудорин кўрунг.

Зор жисмим чирмашур ул ойға ёзган номаға,
Васл умидидин битикка чирмаган торин кўрунг.

Заъфлиг жисмим эгилди касрати пайконидин,
Бу йиғочнинг шохини ҳам айлаган борин кўрунг.

Умр даврининг бақосин билмаганлар ҳар тараф,
Суда ёмғур нуқтасининг даври паргорин кўрунг.

Эйки, кўрмайсиз бино аҳли фано туфроғига,
Соясида мен бўлур вайрона деворин кўрунг.

Демангиз ҳажр асру захм этмиш Навоий жисмини,
Жисмида захмича юз жонида озорин кўрунг.

Хаелинг хуснига кўнглумда зийнат берса ҳижронинг,
Эрур гулгуна қон, машшота — ишқу кўзгу — пайконинг.

Жафо сарлавҳида қилди алиф машқи, кўзунг ёхуд
Алифдек жонга ниш урмоққа сафлар чекти мужгонинг?

Лабинг хат зоҳир этти, Хизр умри берсалар ўлгум,
Хусусанким Хизрга ҳамдам ўлғай оби ҳайвонинг.

Тушумда васли эрди, эй кўнгул, ё Раб, боло урсун
Сангаким, мени уйғатти ажаб ҳолатда афгонинг.

Димоғе, йўқ мушавваш бўлмаган, гўёки бутратмиш,
Жаҳон боғида савдо сунбули зулфи паришонинг.

Неча ёғдурса ғам тошин фироқ атфоли, эй Мажнун,
Не ғам бош узра Лайло боргоҳи бўлса қолқонинг.

Қафас қайдидадур булбул, буким вайрона тутмиш чугз,
Вафоси йўқ эканни билди гўё аҳли дунёнинг.

Бу базм аҳли нифоқидин ториқмиш кўнглум, эй соқий,
Эзиб беҳушдору тут манга етканда давронинг.

Навоий, ҳажрида не навъ сели ашк оқиздингким
Висоли бўлди чун мумкин, ўтарга йўқтур имконинг.

Чаманда чехра фуруғи учун қадаҳ олдинг,
Не ачиғ эрдик, гул хирманиға ўт солдинг.

Ажаб йўқ ашкинг агар тинмайин оқар, эй кўз,
Ки ёр боқмайин ўттию сен боқиб қолдинг.

Саманди пўясидин сарсар урған ўт янглиғ,
Не ҳолат эрди санга, эй кўнгулки кўзғолдинг.

Фамим юкин кўтариб, эй сипехр, ҳажр туни
Чу қилмадинг ҳаракат гўйи асру тавшолдинг.

Дедим таронайи жонбахш, мутрибо, сен худ
Фироқ сози тузуб ўлтурур кўки чолдинг.

Висол гулшанин, эй жон қуши, кўп истарсен,
Бу домгаҳ аро гўёки асру қийнолдинг.

Фано йўлида Навоийға бўлмадинг ҳамраҳ,
Бу дашт пўясидин, зоҳидо, магар толдинг?

Ғам тошин жисмимда пайконинг била банд айладинг?
Ул самарни бу йиғочқа баргпайванд айладинг.

Чун шакар ширинлик изҳор этти лаълинг оллида,
Демайин, қилдинг табассумким, шакарханд айладинг.

Элга ишрат бодаси туттунг ёйиб хони висол,
Ваҳки, бизни қон ютуб, ғам ерга хурсанд айладинг.

Истамас бўлсанг мени, булбул киби шайдо, недин
Юзни гулгун бода бирла гулга монанд айладинг?

Қилдинг ул юз жаннатидин айру бу кўз мардумин
Одаму ҳар сори ёшин анга фарзанд айладинг.

Даҳр боғининг гулида йўқтурур бўйи вафо,
Ўзни, эй булбул, агар парканд-парканд айладинг.

Эй пари, дебсен Навоий бор эмиш Мажнун киби,
Бир йўли ул телбани қайдин хирадманд айладинг?

Эй висол аҳли, ул ой кўнглини хушҳол тутунг,
Гар ҳалоким хабаридин овунурким, овутунг.

Юз туман мендек анинг кўнгли ризосига фидо,
Мен агар ўлсам ўлай, сиз они хушҳол тутунг.

Гар сўзум яхши-ёмон хотирига келмас хуш,
Ул унутқан киби лутф айлангу сиз ҳам унутунг.

Моҳвашлар била кундуз берингиз базмига зеб,
Шамъи май бирла шабистони фироғин ёрутунг.

Нозанин хотирига келмасангиз сиз дағи хуш,
Ёвуманг мен киби базмиғаву хуноба ютунг.

Ишқ аро хору забунлуқ керак, эй аҳли жунун,
Ораға ғофилу раънони деманким ёвутунг.

Ғамзаси бийми кўп ачитти Навоий оғзин,
Лаъли пайғоми била бир дағи комин чучутунг.

Ишқ келтурса ишим дайри фано азмида ўнг,
Хонақаҳ кунжи ҳавас айламайин андин сўнг.

Ростлар маъманидур дайр, туз ур ул сари гом,
Кимки ул эгри қадам урди, иши келмади ўнг.

Ҳиммат аҳли била ҳар тийраға тегмас парвоз
Насри Тойир била не нав ҳаво қилғай қўнг.

Боркашларга фано манъи қачон қилғай жоҳ?
Теванинг қўнгли кичикдур гар эрур пайкари чўнг.

Оху ашкидин эрур ўту су ичра ошиқ,
Зоҳидо, не ғам анга гар қизиг ўлғил, гар тўнг.

Зўрбозу кишига даҳр чу қўймас жовид,
Саъй этиб қўлда бировни, чу етар эмди қўлунг.

Карамин иста Навоийки, киши тоат этиб,
Нома маълум эмас, сўл қўлидиндур ё ўнг.

ДОМ ҲАРОНИННИҒ ЛУЪБАТЛАРИННИҒ
ДАТОЙИФИ -ҒАРОЙИБ-ДИН

384

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу сафҳани барбод бил.

Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ ани
Гар фано селобидин вайрону гар обод бил.

Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Эйки дебсен, Ҳақни не таърифу васф ила билай,
Васфдин мустағнию таърифдин озод бил.

Тенгри зикриким, малойикка ғизойи руҳ эрур,
Бу ғизони Ҳақ йўлига кирган элга зод бил.

Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исойи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла руҳ,
Фард бўлганларни бу йўлда анга афрод бил.

Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини,
Май куҳанпиринин ушбу дайр аро иршод бил.

Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийёод бил.

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.

Дўст васлин топмаган дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардингга Навоий ҳолин истишҳод бил.

Оғзидин чиққан ҳадиси нозуку рангинни бил,
Лаъл суфтидин чиқарған риштадур ранги қизил.

Бир забона ҳар ярамда сўзи ишқингдин эрур,
Кўнглум ўти шарҳиға очқан оғизлар ичра тил.

Эй ажал, кўйида бошим қил оғирким, айламиш
Ҳажр ашким селин илдам, заъф жисмимни енгил.

Қон ёш ичра ғарқадур жисмим, чиқар, эй муғбача,
Кўрсанг андоқким олурсен лаългун май ичра қил.

Хўблар ҳар дам ўтар сенсиз қошимдин, ваҳки, бор
Ҳар нафас ҳажринг манга бу ойлар ўтган бирла йил.

Сарсаредур ҳар даминг мақсуд изин гум қилғали,
Гар бу водий ичра ғафлат бирла юз минг йил тирил.

Эй Навоий, фақр туфроғиға кўп тўктунг сиришк,
Гар тилар бўлсанг фано ҳам анда-ўқ эмди йиқил.

Анингдек мастмен дай субҳиким, бу мушкил эрмас ҳал,
Ки майлиқ шиша қуйған ширадур ё шуълатиқ манқал.

Қуёшдек титрамак дафъин саҳаргаҳ орзу қилсам,
Қуёшдек жомни титраб сумурмак фарз эрур аввал.

Мунингдек фаслким, тун мушкини чарх этти кофурий,
Сабуҳий майдин улким, бўлса лояъқил эрур аъқал.

Судоъим ғолибу гулгун майимни муҳтасиб тўкмиш,
Топиб оллимға ул балчиқдин-ўқ суртай қизил сандал.

Совуғ ё тийра эрса дай сабуҳи, иста равшан май,
Нетарсен меҳр ўтидин шуъла ё ой нуридин машъал.

Хуш ул махмурлуғдин тийра кўзим, очқач-ўқ бўлса,
Ўшул кўзгуга соқийнинг ҳилоли қошидин мисқал.

Маҳосин субҳдин боғлаб, сочар ўт оғзидин гардун,
Сабуҳ аҳли, нишот айлангки, топмишсиз ажаб маҳзал.

Май ичра акс эрур соқий юзидин англаман, ёхуд
Кўзум наззорадин тўрт ўлди, ёхуд ўлмишам аҳвал.

Қулоқ ҳар сўзга солма истасанг ишқ ичра расволиғ,
Ки воиз кўп чекиб фарёд, носих кўп дегай муҳмал.

Муяссардур, Навоий, ёр васли хилвати топсанг,
Ки яъни бўлмаса ул хилват ичра ўзлугунг анкал.

Юзунгни кўрдум эмди кўзларимни боғла, эй қотил,
Ки ногаҳ бўлмағайлар ўзга юзни кўргали мойил.

Китоб авроқидек бўлғай мусаттаҳ қолмайин даври
Ғамим тошиға бўлса бир нафас тўққуз фалак ҳомил.

Мени бедилнинг оҳин ўгмаким, оламни куйдурди,
Ҳануз эрмас кўнгулнинг шуъласи бу ўт аро дохил.

Танимда гул эмас, гулхан нишони телбаликдинким
Кул ўлдум ўртаниб ишқинг ўтидин, лек сен ғофил.

Лабинг шавқи кўнгулдин халқ таън айлаб қачон кетсун,
Сабодин ғунчанинг ҳаргиз бўлурму ҳумрати зойил.

Недур ой сафҳаси бўлган қорадин доғлиғ, гўё
Жамолинг дафтарин ёзғанда бўлмиш бир варақ ботил.

Менинг журм ичра узрум шайхнинг зуҳд ичра ужбидин
Батардур дўст лутфи ҳолима гар бўлмаса шомил.

Фиғони ўқидин булбулнинг, эй гулбун, ҳазар қилким,
Тикан пайкониға гул жавшани ҳаргиз эмас ҳойил.

Навоий қуллуғин фақр аҳлининг пири қабул этса,
Эрур бир банда озод айлаган янглиғ шаҳи одил.

Ҳажр ўтиға истасанг ёқилмағайсен, эй кўнгул,
Ёрдин зинҳорким, айрилмағайсен, эй кўнгул.

Ваҳ, не толиъдурки топмай умре истаб ёрни,
Чун сени ёр истагай топилмағайсен, эй кўнгул.

Буки қон бўлдунг десангким, ошкоро бўлмасун
Майл этиб ёшлар сари қотилмағайсен, эй кўнгул.

Десалар: Лайлому ортуқ ҳусн аро ё ул пари?
Гарчи Мажнунсен, керак ёнгилмағайсен, эй кўнгул.

Қилди чун соқий лаби еткан қадаҳ ҳушунгни маҳв,
То абад зинҳорким, ойилмағайсен, эй кўнгул.

Гунчасен ғамдин, вале соқий баҳори оразин
Очса билманким, недин очилмағайсен, эй кўнгул.

Давлати боқий Навоийдек эрур топмоқ маҳол,
То тамом ўзлукни фоний қилмағайсен, эй кўнгул.

Чаманда қонини баским оқизди зор кўнгул,
Соғинма гунчаки гулбун кетурди бор кўнгул.

Не гуллар очқай алам гулшанида гунча киби
Ниҳоний захмларин қилса ошкор кўнгул.

Тўнунгда тугма эмас барча лаъли пайкони,
Лабинг ҳавосига борур тузуб қатор кўнгул.

Чаманда қон ёғар ўтсанг, магар санавбар уза
Очар жароҳати оғзини ҳар фиғор кўнгул.

Туташқан ўт дурур ўтун аро, буким топмас
Фиҳроқинг ўқлари бирла даме қарор кўнгул.

Фатилаларни ярамдин чекиб туташтурди,
Магар ғамингда қўяр доғи интизор кўнгул.

Фироқ захмида очмиш оғиз кетур, соқий,
Қадаҳки, истамас ўлмоғни ҳушёр кўнгул.

Не меҳр иси, не вафо ранги топқунг, эй булбул,
Бу боғ гуллариға берма зинҳор кўнгул.

Навоий эткай анинг таркин ихтиёр, вале
Қачон берур анга бу ишда ихтиёр кўнгул.

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Тўш-тўшумдин баски расволиғ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқарлар ўтсалар ёнимдин эл.

Бахтим уйқусиға гўёким сурудедур ҳазин,
Кўйида буким уюмас ҳар тун афғонимдин эл.

Тонимаслар бир-бирин ёғқан мазаллат гардинин,
Сўрғали ҳолим кириб чиққунча вайронимдин эл.

Менда тумори жунундек печ, ваҳким, беҳабар,
Ҳар тараф кўнглумда қонлиғ доғи пинҳонимдин эл.

Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла тавф,
Каъбайи кўйин хабар топқунча борғонимдин эл.

Эй Навоий, қилмағайлар айб агар девонамен,
Ул пари васфин ўқуған сойи девонимдин эл.

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда Кўҳқан қилғил.

Юзунг висолига етсун, десанг, кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монёъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Номаси кўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўпгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.

Тоза бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.

Чирмабон жон пардасин маншур уза воло киби
Кўрмасун деб ғайр ани, гўё ниқоб айлар кўнгул.

Гунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин,
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мубҳам эрмиш руқъаси давроннинг асру, бодаким,
Жонга бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси кўйнумда, баским изтироб айлар кўнгул.

Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким эрур ҳар сатри, бал ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул.

Лафз йўқ, ҳар ҳарфи жон ҳирзи, дағи ҳар нуқтаси
Мардумак янглиғ биайниҳ кўзга матлуб, эй кўнгул.

Айладим тумор, агар тумор этар дафъи жунун,
Бу мени қилмиш жунун илгида мағлуб, эй кўнгул.

Сафҳада эрмас муҳаббат шарҳиким, келмиш кийиб,
Ҳуллайи кофургун бир турфа маҳбуб, эй кўнгул.

Асру кўп такрор этардин ул париваш номасин,
Бўлмишам эл ичра мажнунлуққа мансуб, эй кўнгул.

Ғайрдин сафҳангни қилғил пок, яъни айлама
Хотиринг лавҳини ҳар хат бирла маъюб, эй кўнгул.

Ғамдин озод ўлди хаттидин Навоий, бермаса
Пайкига қуллуққа хат бўлғайму маҳсуб, эй кўнгул.

Ул париким, банди зулфиға мажониндур уқул,
Мен киби девоналар қайдин қачон қилсун қабул?

Зарра эрмаским, қуёш ажзоси нур айларга касб,
Ул пари қасриға равзандин қилур ҳар дам нузул.

Оламоро ҳусн ила жонбахш нутқунгму экин?
Ё Масиҳо руҳи Юсуф жисмида қилмиш ҳулул?

Эйки дерсен, келдингу шод ўлғуси васлингға ёр,
Шод бўлғай эрди бўлган бўлса ҳажримдин малул.

Мусҳаф авсофингда эрмиш, Аллоҳ-Аллоҳ, мужмале,
Сура-сура ҳар карашманг шарҳида ийнак «Фусул».

Ерга сочинг судралур кулбамга кирсанг ҳам бўлуб,
Меҳр паст ўлган замон андоқки топқай соя тул.

Икки зулфунг тўлғанур ҳар дам сабо таҳрикидин,
Икки ҳинду нағма бирла зоҳир эткандек усул.

Ростлиқдин дайр тоқиға мадор ўлмоқ не айб,
Соликеким бўлса хидматда сутун янглиғ ҳумул.

Бўлмаса эрди Навоий сирри ишқингға амин,
Не залум эткай эдинг анинг хитобин, не жаҳул.

Қон тўкар кўз оразинг гулгуналиқ кўрган маҳал,
Не учунким суйи анинг қон ила бўлмиш бадал.

Тоқи ахзар қотти барча фитнаву бедодини,
Қошинга машшота гўё вусма айлар чоғда ҳал.

Нилдин гулгун узоринг боғида ҳар сори хол,
Нилуфар гулшан аро ҳар ён очилмиш филмасал.

Кечрак очмоқ бурқаъ эрмас эл ўлар деб раҳм учун,
Балки айларсен улус кўпрак йиғилсун деб ҳаял.

Боғ аро ҳар ранг тўн эғнида чиқмиш ўйлаким,
Ҳур жаннат сайриға чиққай кийиб турлук ҳулал.

То юдунг зуннори зулфунгни, сочилган суйидин
Кишвари ислом аро юз минг бино топмиш халал.

Даҳр шўҳидин, Навоий, тут қироқким, боғласанг
Бир аёқ су бирла ақдин, улдурур жоми ажал.

Кўзумда ҳажр ўтининг ҳумратин кўр, дема қондур ул,
Қаро соғинма, пайконинг суйи томғон нишондур ул.

Лабинг холики хат яшурди жонни яшурун ўртар,
Ҳамоно ишқдин жонимдағи доғи ниҳондур ул.

Кўнгул боғи аро ҳар ён ўқунг захми эмас, гўё
Ниҳоли меҳринг экмаклик учун қозған макондур ул.

Кўзумнинг мардумиким, то саҳар кавкаб санар ҳар тун
Ул уйдин уйқу айёрин қоварға посбондур ул.

Кўнгулдин келган оҳим хайлини манъ этмасам авло,
Ки меҳнат кишваридин азм қилған корвондур ул.

Қадинг сарвидадур кўнглум қуши, ваҳ, сунбулунг эрмас,
Ким ул сарв узра қуш қасдиға чирмашқан йилондур ул.

Суроҳий оғзида қил шаклидин хушдилмен, эй соқий,
Магар айшу фароғат тойириға ошёндур ул.

Эмас бўлсанг таайюн хонақоҳи шуғлидин эмин,
Фано дайриға кир филҳолким дор-ул-амондур ул.

Навоий заъфин англаб ўзгага ҳамл этма жаврунгни,
Ки йиллар ушбу оғир юкни чеккан нотавондур ул.

Қани бир чехраки майл эткай анга хаста кўнгул,
Қани бир зулфики, бўлғай анга вобаста кўнгул.

Заҳми оғзида лабинг зикрию аҳволи қатик,
Жон етиб оғзиға ҳол устидадур хаста кўнгул.

Ғусса тирноғи билаким қилур атрофини реш,
Нақш этар эгма қошинг шаклини пайваста кўнгул.

Ғам еман бузди эса кўнглум уйинким, қўймас
Маҳзани ишқини то бўлмаса шойиста кўнгул.

Таҳ-батаҳ қон демаким, икки юзунг шавқидин
Дард боғида қилур лолаву гулдаста кўнгул.

Кўнглунг ар бўлмаса вобаста, тонг эрмас, эй шайх,
Борму охир бори олам аро вораста кўнгул?

Зулмидин деса Навоийки, қилай ишқин тарк,
Манъ этиб ичкоридин ёлбарур оҳиста кўнгул.

Ҳар киши кўрса қизил хорода ул маҳваш жамол,
Қон ёшим мавжи аро қилғай қуёш акси хаёл.

Новакин чекмангки, чирмалмиш анга жон риштаси
Куч била чиқмоқ не имкон реша беркиткан ниҳол.

Ул қуёшнинг маркаби кўк тавсанидур не ажаб,
Гар рикоб ўлмоққа бош бир-бирга еткурғай ҳилол.

Нун бошинда шамра янглиғдур қошинг узра гириҳ,
Ораз узра нуқта мислидур узоринг узра хол.

Гўйиё қилғай шафақ бирла қуёштин ранг ҳал,
Сунъ наққоши тасаввур қилса чеҳрангдин мисол.

Майда соқий аксини кўргач эгилдим ўпгали,
Бош кўтарман эмди, яъниким топибмен инфиол.

Эй Навоий, ўлгил андин бурнаким, еткай ажал,
Ким ажал еткач ўларга бермагай шояд мажол.

Қилди овора мени хастани овора кўнгул,
Хонумонимни қаро қилди юзи қора кўнгул.

Итларинг оллида юз пора кўнгулни солдим,
Муна кўр, ҳар бирининг оғзида бир пора кўнгул.

Ёр юз пора қилиб борди ҳазин кўнглумни,
Ҳеч ўсанмай яна ҳар лаҳза борур пора кўнгул.

Ёш тўкар кўнглум анинг васлиға майл айласа кўз,
Қон ютар кўз, юзини айласа наззора кўнгул.

Ноз ўқин жон била жисмимға уруб худ ўтгунг,
Боқки, қолди боқибон ёлбора-ёлбора кўнгул.

Луъбати даҳр фиреби била бозий емаким,
Бермади кимсаға бу шоҳиди маккора кўнгул.

Кўнгли истарки, синук бўлса Навоий кўнгли,
Бўлмасун шиша кўнгул қасдида, ваҳ, хора кўнгул.

Не қошу юздурур санга, эй сунъи лоюзол,
Бир ой бошида кўрмади ҳеч ким ики ҳилол.

Оғзи сўзин демакда бели ёдима келур,
Оре дақиқ нукта аро юз берур хаёл.

Кўзу қошинг биайниҳ наргис бошинда нун,
Зулфунг аёғинг остида чун вард аёғи дол.

Хат лафзи кимки ёзса қўяр нукта юқори,
Мушкин хатингнинг устида андоқ кўрунди хол.

Сарсабз эрур ҳамеша бу гулшанда сарвдек,
Озодаеки бўлса мизожида эътидол.

Васл истарам аён қилибон ашк дурларин,
Сойил етимлар йиғиб эткан киби савол.

Ул чобук оллида бошин этти Навоий гўй,
Чавгон саргузаштима басдур гувоҳи ҳол.

Ё Раб, ул ой ҳуснин эл фаҳмиға номафҳум қил,
Бўйла мавжуд этмасанг, аввал мени маъдум қил.

Барча юздин ўйлаким кўзумни маҳрум айладинг,
Барча кўзни ул париваш юзидин маҳрум қил.

Бўлса ишқимда қусуре кўнглини мендин совут,
Ишқим ар пок ўлса, тошдек кўнглин онинг мум қил.

Қилса зулм ул золим элни қилмағил, ё Раб, забун,
Чун тазаллумдур ишим доим мени мазлум қил.

То кўзум қутлуғ юзидин ўзга сори тушмасун,
Ҳар не кўз кўргай менинг бахтимға ани шум қил.

То тирикмен ишқи ҳарфидур ичимда, эй рафиқ,
Ўлсам они-ўқ мазорим тошида марқум қил.

Демаким, борму экин меҳрим Навоий кўнглида,
Анда сенсен, бир тааммул айлабон маълум қил.

Бўйнуғи қайда қилғай ул ой қўлини мойил,
Ким басдурур қалода ит бўйнига ҳамойил.

Юз хўб жилва қилса бормас кўзумдин ул ой,
Ким зарра хайли бўлмас ҳаргиз қуёшқа ҳойил.

Улким, кулуб кўзига сурма чекар не фикри?
Гар кўз ёшимдин ўлғай кўзнинг қораси зойил.

Ноз этки сарву гулда, бал инсу жинда йўқтур
Бу ҳусну бу латофат, бу шаклу бу шамойил.

Қил сиғмас оғзинг ичра кўп нукта тонг эмаским,
Нозуқрак ўлди қилдин ҳар сўзга бўлса қойил.

Бу шуқр учун қарам қил, сойилға, эй ганийким,
Эрмастур ул тавонгар, сен хидматида сойил.

Ҳижронда беҳуд истар ўзни Навоий, эй шайх,
Ою йил ани усрук кўрсанг, демаки, ойил.

Зулфини очмиш сабо юзига чиқмиш тоби мул,
Зулфу юзи аксидин тўниға тушмиш долу гул.

Қон ютуб кўнглум тилар ҳар лаҳза ишқинг доғини,
Қурси лиму истагандек аҳли ишрат ичса мул.

Пар эмас булбулда, балким оташин гул шавқидин
Гулханий девонадурким, юқмиш аъзосиға кул.

Юзу холинг ўти то доғ этти, бўлмиш лоладек
Кўҳи ғам тийғи жафодин чок-чок ўлған кўнгул.

Борғуси гардинг фалакка бодполар сайридин,
Бодпойингға не осиг атласи афлок жул.

Гар бинафша хаттинг қуллуқ қилурдин қочмади,
Эл аро невчун эрур боши қуйи, бўйнида гул.

Кирпик эрмаским, Навоий ўткай ул чобук дебон,
Кўз қора суйиға боғлаптур қамишлар бирла пул.

Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамеша шод бўл,
Мендину кимдинки, кўнглунг истамас, озод бўл.

Гарчи сабрим уйи янглиг айладинг вайрон мени,
Доимо, ё Рабки, ҳуснунг мулкидек обод бўл.

Мен чекиб андуҳ ўлай, эй жони бўлсун ул Масиҳ
Совурул, эй чархи нигун, в-эй даҳри дун, барбод бўл!

Бевафолар зулму бедодиға эрмассен ҳариф,
Эй синук кўнглум, агар худ шиша, гар пўлод бўл.

Туттум ўлмакдин тирилмак ҳажрида тенгдур манга,
Эмди гар бергил зилоли Хизр, агар жаллод бўл.

Чекма бошким, эмин эрмассен хазон яғмосидин,
Бу чаман ичра агар савсан, агар шамшод бўл.

Эй Навоий, олам аҳлиға чу йўқ эрмиш вафо,
Келу мундин нари бекаслик била муътод бўл.

Қоматингга ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол,
Нотавон кўнглумга ҳар бир жилвасидин ўзга ҳол.

Эврулур кўнглумда ул чобук хаёли ҳар кеча,
Шуълалиқ кўнглумни қилди чарх фонуси хаёл.

Бош қўяй дедим оёғи туфроғига. Деди: қўй.
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол.

Гунчайи хандонки, дерлар мунфаилдур оғзидин,
Лек кулмак бирла истар қилса дафъи инфиол.

Хатту холи ҳасратидин онча ашким оқтиким,
Бир кўзум тутти ғубору бир кўзумга тушти хол.

Давр хам қилди қадингни, гўшае тут, йўқ асо,
Негаким, дард-ўқ бўлур зоҳир алиф ёндашса дол.

Эй кўз, онсиз ўзга юз кўрмакни қилмишсен ҳавас,
Хажр тийғидин ўюл, ёхуд Навоийдин уёл.

Боғ мендек сарғариб, булбул менингдек бўлди лол,
Гўйиё мундоқ бўлур бир гулдин айрилганга ҳол.

Ердаги ёфроғ ғарибу хоксор ар бўлмаса,
Мен киби не важҳиндур юзи сориг, ашки ол?

Суғаким тушмиш қизарган барглар, кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парголаси айлар хаёл.

Шох Мажнундулки, урён бўлубон афғон қилур,
Барг Лайлодулки, нилу игна бирла қазди хол.

Ҳажр аро оҳимға боқмай борди, лекин шукр эрур,
Ким хазонда сарвға осиб еткурмас шамол.

Бу сариг рухсор уза ҳар сари ашким ўхшашур
Бир хазонлиғ боғ ичинда ҳар тараф равшан зулол.

Васл англа ишқ боғининг баҳоридин нишон,
Ҳажр, билгил гар тилар бўлсанг, хазонидин мисол.

Бу чаман раънолари саркашлик этгандин не суд,
Ким хазон торожидин эмин эмастур бир ниҳол.

Эй Навоий, бу хазон ўлғай баҳор ила бадал,
Келса давлат гулбуни шаҳзодаи соҳибжамол.

Сарвнoзим, йўқ ажаб, гар рўзадин топмиш малол,
Ким су ичмасдан топар пажмурдалиғ нозук ниҳол.

Йиллар оғзимким қурутмишсен зулоли васл учун,
Билдинг эркин шаммаеким, саъб эркандур бу ҳол.

Кун туш ўлмай рўзаву иссиғдин ул ой қилди заъф,
Не ҳароратдур, қуёш, ё Рабки, топқайсен завол.

Рўза заъфидинки чиқмас уйдин ўлмиш моҳи нав,
Заъф кўргилким, тўлун ойимни айлаптур ҳилол.

Рўза муҳри соғиниб дерменки, олсам тишлабон
Ҳар қачон кўрсам анинг ширин дудоғи узра хол.

Шарбатин дермен эзай жон ширасидин қил мадад,
Зулматингдин тийралик, эй Хизру чашмангдин зулол.

Элга шом ўлмиш, Навоийға юзунгдин субҳ эрур,
Ким соғинсун рўза шомин, бор эгач субҳи висол.

Уйғониб субҳ уйқусидин меҳр шамъин тор қил,
Кўз очиб ҳар гўшадин бир фитнани бедор қил!

Кўзни афсунсоз этиб жонбахш лабдин нукта айт,
Сомирий сеҳрин, Масиҳо мўъжизин изҳор қил!

Кўз тўла уйқу оғирлиқ солмоқ учун қўл очиб,
Ул муҳол уммид бирла бизни миннатдор қил!

Сеп қора ер узра хоболуд кўзга су уруб,
Кўз етарча ерни ул су бирла наргисзор қил!

Уйқудин ул гулни кўрмак гар муродим бўлмаса,
Кўзума, ё Рабки, ҳар бир кирпичин бир хор қил!

Дўст матлуб эрса ғафлат уйқусидин кўз очиб
Учмоқ уммиди, томуғ биймидин истиғфор қил!

Эй Навоий, тушта ул ой дедиким, васл истама!
Акс эрур туш, сен талабни улча мумкин бор қил!

Ул муқахҳал кўз жафосидин агар бўлсам қатил,
Сурма тошидин ясаб қабрим, қўюнг бошида мил.

Лаъли жон олган далили улки, йўқтур элга жон,
Буки элга жон бағишлайдур, бу доғи бир далил.

Рашкдин ҳар сори ишқинг доғин айлармен ниҳон,
Боғлабон марҳам дирам ҳар ён ёшургандек бахил.

Юзда йўллар шакли тутмиш қон ёшимнинг хатлари,
Келки, қилмиш кўз хаёлинг хайлига қонин сабил.

Оразингдин хай манга томғайму деб туфроғ мен,
Ул киши янглиғки, бўлғай обрў истаб залил.

Соқие, тут бир қадаҳ майким, эритгай тошни,
Ким ғаму андуҳ ғизосидин эрур кўнглум сақил.

То ани ичкач, Навоийға очилғай гулситон,
Ғар сабукруҳона кирса ўтқа андоқким Халил.

Қилғали хилъатин ул сарв гуландом қизил,
Қилди қон тўкмак ила даҳрни гулфом қизил.

Лаъли шавқи била гар бўлса кўнгул қон не ажаб,
Ким қизил май била тўлса кўрунур жом қизил.

Чарх агар ҳолима қон йиғламади ҳажр туни,
Нега бас бўлди шафақдин юзи ул шом қизил.

Қилди қонлиғ кўнгул ул зулф хаёлин рангин,
Рақам эткан киби шингарф била лом қизил.

Гул севарменки, бу ранг эткали хилъат ул шўх
Ранглар ичра берур кўнглума ором қизил.

Хусн сотма шафақинг рангидин, эй золи сипеҳр,
Ким ани қўймағуси гардиши айём қизил.

Коми дил гарчи Навоийға майи лаълинг эрур,
Бўлғуси чехраси хуноб ила ноком қизил.

Йўқтурур оламда аҳли ишқдек бечора эл,
Ҳажр зулми бирла хонумонидин овора эл.

Ишқ селоби жафоси бирла ҳижрон тийғидин
Хотири вайрон жамоат, кўнгли юз минг пора эл.

Чиқсанг уйдин телба бўлмоқ олам аҳли не ажаб,
Кўрмамиш ҳаргиз чу сендек бир пари рухсора эл.

Англаким, овора бўлганлардур ул ой ишқидин
Ҳажр саҳросида кўрсанг тоғу водий ора эл.

Ўртаб, эй ҳижрон, мени дудумни қил кўйида миғ,
То ул ой ҳусниға айлай олмағай наззора эл.

Чун қазо тағйир топмас, коми озлиғдин гила —
Маҳз ноҳамворлиғдур айламак ҳамвора эл.

Эй Навоий, фитна ёғдурса ул ой ишқ аҳлиға,
Осмондин ҳарнеким келса не қилғай чора эл?

Кеча борди ёру андин қолмади гирён кўнгул,
Оллида машғал соғиндим бор эмиш сўзон кўнгул.

Ул сифатким, гунчанинг табъида бўлғай гул ниҳон,
Оразинг нақшин ичинда айламиш пинҳон кўнгул.

Топмас эрдим кўйида истаб, агар худ захмидин
Тўкмаса эрди қаён азм айлагандин қон кўнгул.

Гунчайи уммид агар лаълингдин узман, айб эмас,
Ким кишига жонидин узмак эмас осон кўнгул.

Ҳажр аро жонлар бериб чунким қўшулди ёриға,
Эй рафиқ, айрилмоқ андин эмди не имкон кўнгул.

Бир насиҳат қилғум, эй ишқ аҳли, айланг истимоъ,
Солмангиз ҳар сори кўз, то бўлмасун ҳар ён кўнгул.

Эй Навоий, ёрдин тушмак йироқ имкон эмас,
Кўйидин чун ихтиёр этмас даме ҳижрон кўнгул.

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ
МАЛОҲАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

393

Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим,
Ким ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.

Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,
Муҳиш аҳволе мангоким, бор ўзумдин ваҳшатим.

Истарам қочмоқ адам водийсидинким, кирғали
Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас гулудур хилватим.

Тўлғанурмен ўзлугумдин чиқғали буким эрур,
Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим.

Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас оғир,
Бу маломат ўқлари бирла тикилган кисватим.

Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошингга ур,
Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.

Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,
Тоқи минойи аро чирмалса оҳи ҳасратим.

Кўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.

Лаълдек бошим осилсун ғарқайи хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.

Турфа кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буким бировга ёқмади бир хидматим.

Эй Навоий, икки оламдин кечиб топтим висол,
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.

Ул пари наззорасиға, ваҳки, йўқтур тоқатим,
Ким қачон қилсам назар девона айлар ҳайратим.

Бас, не навъ айлай таманноким, висоли шамъидин
Ҳажр шоми гаҳ-гаҳе бўлғай мунаввар суҳбатим.

Суҳбаотида бор ҳам топсам бу толиъ қайдаким,
Бир нафас маҳрамлари силкида бўлғай хидматим.

Хидматиға маҳрам ўлсам ҳам қачон имкони бор,
Ким дегай бир лаҳзае бўлғил ҳарифи хилватим.

Бўлса ҳам хилват муяссар, ваҳки, ҳаргиз йўқтурур
Пойбўси давлатин зоҳир қилурға журъатим.

Гар оёқ сунса кўзумга ҳам кўнгул не войким,
Ул замон кўз рашкидин куйдургусидур ғайратим.

Васл умидин қўй, Навоийким, хаёледур муҳол,
Бу муҳол уммид ила ҳар лаҳза берма заҳматим.

Чаманда мунисим не сарв эрур, не гул, не сунбул ҳам,
Манга сарве керакким, сочи сунбулдур, юзи гул ҳам.

Ажаб йўқ тўлганиб жисмим, қорарса субҳи айшимким,
Тушуб ул кокул узра чин, юзига тушти кокул ҳам.

Деманг ул шўх ила асҳоб базмин қил тафарружким,
Талаффуз айлай олман бу ҳикоятни, тахайюл ҳам.

Юзунг бирла қуёш таърифида гар давр эрур ҳосил,
Келур занжири зулфунг васфида лозим тасалсул ҳам.

Юзу қаддиға ҳуру тўби ўхшар дебсен, эй воиз,
Йироқ эрмас сўз айтурда гаҳе қилсанг тааммул ҳам.

Чекиб кўҳи фироқин сабр қилдим, васлиға еткач
Фигон чексам ажаб йўқ мунча-ўқ бўлғай таҳаммул ҳам.

Юзунг шавқида кўнглум оҳи шамъу гулга ўт солди,
Ки куйди нотавон парвонаву кул бўлди булбул ҳам.

Фанимат англасун булбулни гул етгачки, бўстондин
Учар гул яфроғи ҳам, қолмас учмай гарчи булбул ҳам.

Хумор ўлтурмиш эрди бўлмасанг муг дайриға озим,
Бу ишга, эй Навоий, айлади Тенгри сени мулҳам.

Не тонг узорим агар сарғариб, қизарди ёшим,
Ки юз қаролиғу исён била оқарди бошим.

Қуёш киби юз ила тоғдек ғамин нетайин,
Менингки тоғ бошиға етибдурур қуёшим.

Магарки жон талашур вақт учун аён бўлғай
Мулоаба юзидин ҳўблар била талошим.

Замон эли гар урушсуну гар ярашсунлар,
Ки не урушим алар бирла бору не ярошим.

Ўқуған элни ҳалок айлағай китобасида,
Ичимдагини аён қилса қабрим узра тошим.

Ясосалар не ажаб дайр уза мазоримни
Менингки муғбачалардур ҳарифи журъакошим.

Навоиё, магар идбор гардини юздин
Юғай надомату ҳасрат била тўкулса ёшим.

Ҳажр тошининг кўкумтул доғидин куйди таним,
Оҳким, гўгурд ўти бирла туташти хирманим.

Тийра кулбам ичра ўт солди фироқинг, войким,
Ёруди куймак ўти бирла қоронғу масканим.

Нилдин холу алиф юз узра то нақш айладинг,
Доғ куйдурмак ишим бўлмиш, алиф кесмак — фаним.

Ишқ аро бўлдум ғаний, кўнглум аро пайконидин,
Ким тўлуптур ул жавоҳир бирла ушбу махзаним.

Зарварақ бирла безабдур гул юзин, ваҳ, турфа кўр,
Ким баҳор ичра хазон зоҳир қилиптурс гулшаним.

Эмин ўлман хонақоҳу хилват ичра уждин,
Зоҳидо, майхона — мулким, куп ичидур маъманим.

Эй Навоий, ул хат этмиш рўзгоримни қаро,
Тонг эмас йиртуқ яқо бирла қаламдек шеваним.

Қилғали юз тил киби кўнглумни чок ул қотилим,
Тийғи ишқи лаззатин айлар ҳикоят ҳар тилим.

Ҳар кеча ғам тоғи ичра жон етиб оғзимға, бор
Мушфиқим бош узра буму, кўзи — шамъи маҳфилим.

Йиғлаган сойи саригроқдур юзум, толиъ кўрунг,
Ким сочармен донаву андин сомондур ҳосилим.

Ҳалқа-ҳалқа зулфи доми ичрамен, ваҳким, келур,
Тўш-тўшумдин ниши ҳажру бу зириҳдур ҳойилим.

Ғам сипоҳи оллидин қочмоқ не имконким, берур
Оҳ ўтию ашк қонидин нишон ҳар манзилим.

Нега даҳр оё вафо аҳлининг истар ўлмагин,
Оҳким, ўлгумдурур ҳал бўлмайин бу мушкилим.

Эй Навоий, қилма кўп Мажнун ҳадиси нақлини,
Ким мен этсам нақл, Мажнун бўлғусидур ноқилим.

Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум,
Очилди ғунчаву лекин очилмади кўнглум.

Юзунг хаёли ила вола эрдим андоқким,
Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум.

Гум ўлди боғда оғзинг хаёлидин, юз ваҳ,
Ки ғунчалар ора истаб, топилмади кўнглум.

Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул,
Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.

Юзунг назорасида масту маҳв эди, яъни,
Ки гул чоғида замоне ойилмади кўнглум.

Замона гулбунида ғунчадекдур эл кўнгли,
Аларға шукрки боре қотилмади кўнглум.

Навоий ғунча тилаб, кўнглум оғзин этти ҳавас,
Агарчи топмади, лекин ёнгилмади кўнглум.

Магарки кўз йўлидин оқти қон бўлуб юрагим,
Ки тоғ этакларидек лолагундурур этагим.

Не тушки, ҳажри балосин кўрарда сескансам,
Дукулдамак била қўшнини уйғотур юрагим.

Фаминг бўғун-бўғунумни ойирди, ҳам хуштур
Итингга ташламоқ учун бирин-бирин сўнгагим.

Эмас бу холки, кўз оразингга етканда
Қолибдурур ёпишиб, айна шавқдин нинагим.

Не базм эрур майи ҳажринг сумурмагим, ҳайҳот,
Ки ҳасрат илги овуч қоқмоғидурур газагим.

Демангки, қошлари меҳробида тилак тилагин
Мангаки, қошлари меҳроби-ўқдурур тилагим.

Чаманда савсану раъно қадига мойилмен,
Ки савсаний тўн ила жилва кўп қилур мирагим.

Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум,
Санга жон бирла кўнглумни, сени Тенгрига топшурдум.

Нишондур тийра бўлган ахтари бахтим саводидин
Туганларким, фироқинг ўтидин ғам шоми куйдурдум.

Йиғоч бирла бошоқким, танда қолмиш улдурур марҳам
Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмимда синдурдим.

Туташти шамъдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам қўйай деб чун кўнгул чокига еткурдум.

Чу ул кофир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,
Ки мен бечора кўнглумни боқиб тургунча олдурдум.

Қотибдур кўзларимким, не ёпилмоқ, не таҳаррук бор,
Қиё боққайму бир деб азм этарда баски телмурдум.

Юзин кўргач бошимга тушти мушкин зулфи савдоси,
Фиғонким, бир боқишда юз бало бошимга келтурдум.

Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди, ҳар навъ орзу бирла,
Ризо кўйида то кўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.

Макон гулхан кулин қилдим Навоий, телбадек яъни
Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум.

Айни заъфимдин қўлум чун қўлдадинг, эй дилбарим,
Қўйма илгимники, қўрқармен тўкулгай пайкарим.

То жунун беморимен, гулханнинг ўтлуқ куллари
Бўлди гулгун риштадин гуллар тикилган бистарим.

Совуқ оҳимдин зарар топқай эдим ғам базмида
Жисм уйинда бўлмаса ўтлуғ кўнгулдин мижмарим.

Қатра хайлар ичра ул оразни кўрдум, эй рафиқ,
Ўлмагим эрмас ажабким, суга тушмиш ахтарим.

Дема, лаълим шавқидин сипқармадинг қон бир қадах,
Мен ичармен, кўз тўкар, нетиб тугансун соғарим.

Гулшани фақр ичра то кирдим, эрур балким эмас
Гунбади нилуфарий гулшанда бир нилуфарим.

Ҳажр тиғи кўп учун жисмимда ҳар ён чекти бош,
Эй Навоий, мен мазаллат тойири, будур парим.

Тун оқшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайхундек,
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди кавқабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин,
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди рахшоним.

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним.

Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Навоий киби ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афғондин,
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

Ишқ ила бўлдум масал, савдо била афсона ҳам,
Шукри лиллоҳким, яна ошиқмену девона ҳам.

То унутди ошнолиғ расмин ул бегонаваш,
Ошно йиғлар менинг ҳолим кўруб, бегона ҳам.

Ғам туни мендурмен оҳу ашқдин шамъим ўчуб,
Бошима емрулғали турмиш бузуғ кошона ҳам.

Элга меҳринг бор, бузуқ кўнглумга ҳам бир зарра боқ,
Ким қуёшнинг тобидин маҳрум эмас вайрона ҳам.

Эй малоҳат шамъи ҳар соат мени куйдурмаким,
Кўп ёрумас шамъ агарчи ўртанур парвона ҳам.

Йўқ, бу дайр ичра берур жоми ажал таъмини май,
Ким эрур паймона тўлмоқдин нишон паймона ҳам.

Эй Навоий, гар десанг, ул турфа қушни сайд этай,
Риштайи жисмингни дом эт, кўз ёшингни дона ҳам.

Кеча ул маҳвашни ед айлаб фаровон йиғладим,
Меҳрим ошти субҳдек ҳар нечаким қон йиғладим.

Шамъ аввал оқшом-ўқ куйди фиғоним ўтидин,
Ким мен ўт сочқон булутдек тортиб афғон йиғладим.

Тун қоронғу, кулба хилват, ҳажрдин кўнглум тўла,
Тош уруб кўксумга то бор эрди имкон йиғладим.

Ёр ҳажридин кишига айта олмас ғуссани,
Кўнглум этти шарҳу мен маҳжуру пажмон йиғладим.

Чарх ҳам тўкти қуёшнинг ҳажридин кавкаб, вале
Йиғламоқ ул эрдиким, мен зор гирён йиғладим.

Субҳдек хуршид васлидин агар кулсам не тонг
Менки, субҳи васл учун кўп шоми ҳижрон йиғладим.

Эй Навоий, тош эшитса навҳа қилғай ошкор,
Йўқ ажаб гар бир тун ўз ҳолимға пинҳон йиғладим.

Соқиё, кечаги май нашъасидин жон топтим,
Зулмат ичра масало чашмаи ҳайвон топтим.

Оғзинга олма олибким манга тишлаб бердинг,
Ҳам ўшул оғиз ила гўйи занахдон топтим.

Бода тобию юзунг партавидин тийра кеча
Тўлун ой кўрдуму хуршиди дурахшон топтим.

Меҳрдин кўп нафас урма дер эдим тонгға боқиб,
Ким мен ушбу кеча хуршидни меҳмон топтим.

Мен тўкуб ашк фалакдек вале беҳудлугума
Дам-бадам ёрумағур субҳни хандон топтим.

Телба кўнглумки, лабу зулфунг учун итмиш эди,
Кеча майхона аро масту паришон топтим.

Чархдин меҳр тамаъ туттуму офат кўрдум,
Ёрдин васл талаб қилдиму ҳижрон топтим.

Зулфи фикрида Навоийни лаби тиргузди,
Соқиё, кечаги май нашъасидин жон топтим.

Битигингдинки, саводини кўруб жон топтим.
Зулмат ичра масало чашмаи ҳайвон топтим.

Баҳрдин қатраға таъзим ила таҳсин кўрдум,
Меҳрдин зарраға эъзоз ила эҳсон топтим.

Ҳар алиф сарв эди, ҳе ғунчаву дол сунбул
Демайин номаки, бир тоза гулистон топтим.

Анбарин мадлариким меҳр эди мазмуни анинг,
Ҳар узун кечада бир меҳри дурахшон топтим.

Қатра қонларки, кўзум сочти ўқур ҳолатида
Ҳар шаба устида бир лаъли Бадахшон топтим.

Не шаба эрдик, мазмуни била ашкимдин
Тошида лаъл, ичида гавҳари Уммон топдим.

Гаҳ-гаҳе хаста Навоий таниға жон еткур
Битигингдинки, саводини кўруб жон топтим.

Висол тухмини эким, фироқ бар топтим,
Вафо ниҳолини тиктим, жафо самар топтим.

Муҳаббат ўтики, ёқтим висол шамъи учун
Ўзумни оқибат ул ўтдин-ўқ шарар топтим.

Мен ашк бирла юдум ғайр нақшини кўздин,
Валек ғайрға-ўқ ёрдин назар топтим.

Умид баҳрида ҳар неча ғўтаким урдум,
Садаф кўзумдину кўз ёшидин гуҳар топтим.

Дедим: бу рамзни англай, вале хирад пирин
Бу нукта кайфияти ичра беҳабар топтим.

Чу дарди ишқ биёбонларини қилдим қатъ,
Адам вилоятидин нари юз хатар топтим.

Навоиё, кеча-кундуз хату юзини тилаб,
Шабона навҳа била нолаи саҳар топтим.

Васл баргин узки, мен ҳижрон гулин бўй этмишам,
Меҳр таркин тутки, мен меҳнат била ҳўй этмишам.

Нахли қаддингғаки, бердим кўз ёшидин парвариш,
Эмди бош тортарки, ёшдин юз сари жўй этмишам.

Ҳар сари жавлон қилиб етқач манга чектинг инон,
Бу экин журмумки, йўлунгда бошим гўй этмишам.

Нома ичра чирмашибон санга етқайменму деб,
Оразим қаҳбаргу жисмим риштасин мўй этмишам.

Май бўлуб ашким, ғизо бағрим, суруд афғонларим,
Келинг, аҳли ишққим, ғам хайлиға тўй этмишам.

Шайх боқий бўлсуну зарқ ичра тинмаслиғки, мен
Тинмишам токим фано дайри сари рўй этмишам.

Топмадим гулчеҳралардин шаммае бўйи вафо,
Эй Навоий, нечаким елдек таку пўй этмишам.

Тирик юрурмену бор мендин айру жононим,
Бу умр бирла юруб ўлмаган менинг жоним.

Бағирда юз халаву, ваҳ, демакка йўқ заҳрам,
Кўнгулда қон тўлаву йўқ дам урмоқ имконим.

Не бир аниски, аритса лолайи ашким,
Не бир рафиқки, англаса доғи пинҳоним.

Кўруб қошида муҳибларни жамъу мен мардуд,
Мунгайибон бузулур хотири паришоним.

Кўнгул худ иттию жон ҳамдами бўла олман,
Бир-икки лаҳзаки, бор ул заиф меҳмоним.

Азимат эткали ул ганжи ҳусн андоқдур,
Ки чуғз ор қилур кўрса эмди вайроним.

Навоиё, бу наволарки кеча тортармен,
Зухал эшитуру хуршид эшитмас афғоним.

Эй қадинг сарви равон, кўюнг баҳори гулшаним,
Меҳнату афгон сенинг ҳажрингда кўрган-билганим.

Қабр тошидур безаклик сарбасар гул баргидин,
Тоза-тоза доғ ила кўҳи бало бўлган таним.

Чарх меҳнат тошидин то равзан очти ҳар тараф,
Мен маломат булбули, гўё қафасдур масканим.

Меҳнату ғам ўқлариға, ваҳки, юз минг захмлиқ,
Ашки сиймандуд қилган ҳайъат ўлди жавшаним.

Тийғеким, кўксум уйин очти, эшикдекдур анга
Очилиб ёпилса ҳар дам чоклиг пироханим.

Дўстлар, мени кўнгулсиз деб сўрарсиз, шодмен,
Бўлмайинму шодким, дафъ ўлмиш андоқ душманим.

Ишқ нақди доғи ғам кирмиш Навоий, кўнглига,
Ваҳки, бир дам аждаҳодин холи эрмас махзаним.

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон бача қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камонабрўда тузлукдин нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикан,
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне топмадим.

Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзумдек нотабоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бул-ажаброқ достоне топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

Табъ ганжидин маони хурдасин, юз қатла ҳайф,
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.

Оқизди лимуий бўркунгни кўргач, онча қон кўнглум,
Ки заъф этти сариғ гул ғунчасидек нотаваон кўнглум.

Кўнгулда баски ғунчанг фикратидин хурдаи маъно,
Йиғибмен ғунча кўнглидек, бўлуптур хурдадон кўнглум.

Санавабар кўнглига кўнглумни ўхшатмангки, ўртабдур
Ниҳон ҳар тухм уммидиға бир доғи ниҳон кўнглум.

Бадан вайронида ул ҳусн ганжи ҳажридин гоҳе
Гаҳ ўз ёлғузлуғидин чуғздек тортар фиғон кўнглум.

Дури ишқингни то топмиш, агар чок ўлса сартосар
Гуҳар ютқан балиғ янглиғ дам урмас нотаваон кўнглум.

Анингдек топти сиймин соидинг ёди била улфат,
Ки дастомуз қушдек онсиз эрмас бир замон кўнглум.

Мақоми гаҳ бало тоғидурур, гоҳе фано дашти,
Ки ишқ ичра берур Фарҳоду Мажнундин нишон кўнглум.

Фалак золи ғаму дардин чекардин ўлдум, эй соқий,
Кетургин раз қизин ботким, тилар бир навжувон кўнглум.

Навоий дерки, кўнглунгни кетургил ишқ кўйидин,
Бағоят яхшидур, гар бўлса рози ул ёмон кўнглум.

Не айб, агар майи софий ғамидадур кўнглум,
Ки чанги ҳалқайи зулфи ҳамидадур кўнглум.

Фалак ҳақиқати фикрида куйди эрса не тонг,
Ки аждаҳои дамоннинг дамидадур кўнглум.

Муғанниё, келу тузгил хорошлиқ унума
Ҳазин таронаки, рудунг бамидадур кўнглум.

Нишотдин дема сўз, навҳа бирла бошла суруд,
Ки дарду ғамзадалиғ оламидадур кўнглум.

Фироқ ўтиға тушуб дам-бадам тўкар қон ёш,
Ки охир ўлгуси ўз мотамидадур кўнглум.

Не айб васлидин ар марҳам ўлса кўнглумда,
Ҳамеша чунки анинг марҳамидадур кўнглум.

Май ич, Навоию, аҳли замондин айлама ёд,
Ки ушбу хайлдин асру рамидадур кўнглум.

Вайронаедур масканим, андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикта ўрт, ашким била девор нам.

Нўшидин элга гуфтуғў, эй ҳажр ичармен мен оғу,
Кош ўлсуму кўнглумни бу андуҳдин қутқорсам.

Қил ишқ дайрида мақар, суккониға солғил назар,
Ким бор бу мажмаъ ичра ҳар дурдкаши хаммор Жам.

Ҳар ерки анда бир нафас, ишратқа топсам дастрас,
Юз қатла айлармен ҳаваским, бўлса эрди ёр ҳам.

Соқий, бугун майни унут, мендек даме хуноба ют,
Мутриб навоий навҳа тут, созингга боғла тори бам.

Десамки, эй бадмеҳр ўғул, юзунг кўруб ой тутти йўл,
Дер: ер қуйи гар борди ул, бир шабрави айёра кам.

Мискин Навоий берса жон, эй дийда, ҳар дам тўкма қон,
Ул ҳар неча қилса фиғон, сен асрағил зинҳор дам.

Онча кавкаб тўкти шоми ғам хаёлингдин кўзум,
Ким ёруди оқибат субҳи висолингдин кўзум.

Холдин кўз тийра бўлмоқ расм эрур, бу турфаким,
Ёруди кўз мардумидек турфа холингдин кўзум.

Қуй ақиқи май Суҳайли жом аро, эй муғбача,
Ким ёрур ул ахтари фархундафолингдин кўзум.

Васлинга еттим биҳамдиллаҳки, зойиъ бўлмади,
Улки, қон йиғлар эди ҳар дам хаёлингдин кўзум.

Бу сабабдинким, недин сенсиз қолиб кўр ўлмади,
Боқа олмайдур юзунгга инфиолингдин кўзум.

Янги ой кўргач халойиқ, кўзни тутмоқ расм эрур,
Лекин очилди кўруб мушкин ҳилолингдин кўзум.

Шукри лиллаҳким, Навоийдек мунаввардур яна
Хоки пойингдин юзум, шамъи жамолингдин кўзум.

Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим,
Юқори Тенгрию қуйи сендин ўзга йўқ кишим.

Ложарам девонаву расвойи олам бўлғамен,
Чун тушуптур, эй парипайкар, сенинг бирла ишим.

Тиш қадабмен лаълинга, узмасмен андин бу тамаъ
Анбури ҳижрон била бир-бир суғурсалар тишим.

Ҳар дам иссиғ ашку совуғ оҳдин дармондамен,
Юзу зулфунг даврида мундоқ кечар ёзу қишим.

Тийралик дуду шафақдур, шуълаву анжум шарор,
Гўйиёким солди ўт ҳижрон тунига қарғишим.

Меҳри йўқлуктин эрур ҳар тун синони оҳ ила,
Кўк ҳисори хайли бирла тонгға тегру санчишим.

Эй Навоий, гар сенинг нолангға йиғлар андалиб,
Бир кун ул гул кўнглига ҳам кор қилғай нолишим.

Лаълинг ғамидин дийдаи гирён била бордим,
Кўрмай сени юз нолаву афгон била бордим.

Васлингға етай дедиму ҳажрингға йўлуқтум,
Уммид ила келдим, вале армон била бордим.

Васлингға шитоб айлаб ўкуш ғам била ёндим,
Ўқдек келибон бир неча пайкон била бордим.

Оламға видоъ эттим ўшул юз ҳавасидин,
Юз шукрки, охир дами имон била бордим.

Умре тилаб иш сиррини кетмак керак охир,
Ким шаммае андин мени ҳайрон била бордим.

Оламға видоъ эттим, оч ул юзни дамеким,
Зоди абад элтай чу бу борған била бордим.

Дедимки Навоийдек ўлай меҳринг илан-ўқ,
Юз шукрки, ул ваъдаву паймон била бордим.

Водийи ҳажрингда бир дам қон ютардин қонмадим,
Ушбу ўтлуғ водий ичра тинмадим то ёнмадим.

Ўлганимдим сўнгра келди сўрғали дардимни ёр,
Уйқу кўрким, бошима етиб қуёш уйғонмадим.

Оразим сарғарди олтундек сочинг савдосидин,
Мундин ўзга нақд ул савдо аро қозғонмадим.

Кўйига айландурунг наъшимки, ҳижрон заъфида
Ўлтуруб ҳасрат мени бир ул тараф айлонмадим.

Нол янглиғ гарчи хаттинг шавқидин бўлдум заиф,
Лек жавринг тийғи бошимға келиб тўлғонмадим.

Салтанат кўрким, ниҳоли меҳрдин арз эттилар,
Жуз фано майхонасининг кирпичин ёстонмадим.

Ишқ аро иқроҳ кўп чекма мени ўлтурғали,
Эй Навоий, чунки мен ҳаргиз бу иштин тонмадим.

Онча йиглатти жафодин дўстдур деб севганим,
Ким кулар аҳволима ҳар қайда кўрса душманним.

Дўстким қилғай мени бедоди душман кулгуси,
Бўйла душманкомлиғдин яхшироқдур ўлганим.

Дўст душмандин манга кўпрак чу текурди жафо,
Не ажаб гар эмди душмандўстлуғ бўлғай фаним.

Урса душман захм, эрур марҳам таваққуъ дўстдин,
Иккиси захм урса тонг йўқ чок-чок ўлмоқ таним.

Таъна бирла бузма, эй душман, кўнгул уйин дағи,
Ушбу баским, дўст зулмидин бузулмиш масканим.

Дўстқа жон бердиму душмандур эмди, ваҳ, не тонг
Ўртаса ҳам дўст, ҳам душманни оҳу шеваним.

Эй Навоий, дўст худ йўқ, ваҳ, не ҳолатдурки, бор
Бошим узра душман икки дийдаи тардоманим.

Хазон ранги юзига берса тонг иуқ шуълаи дардим,
Ким элга шамъи базм ўлмиш баҳори нозпарвардим.

Анинг васли муҳолу ҳажрида дардим фузун ҳар дам,
Бировни ҳамдами гар кўрсам, афзунроқ бўлур дардим.

Сабо бирла булут туфроғимен, кўйига гардимни
Бири элтиб, бири кўймаса андин чиққали гардим.

Чу сурсанг тийғи заҳролуд кўнглум очилур, невчун,
Ким улдур сабзаму қонким, бағирдин оқизур вардим.

Агар ҳижрон тунида умрум ўтти, эй кўнгул, ғам йўқ,
Топармен жон агар бир тун йўлуқса моҳи шабгардим.

Хазон бирла баҳорин даҳрнинг найлай, чу ёшурди
Бирисин лолайи ашким, бирисин чеҳрайи зардим.

Фалакдек, эй Навоий, бўлмасам бир ой фироқинда,
Недур бас чархдек тун-кун жаҳон гирдида новардим.

Ақлу жон қасдида кўрдум ул кўзу мужгонни ҳам,
Чектим ул мужгону кўз оллида ақлу жонни ҳам.

Новакинг еткач қизиқ кўнглум йиғочин куйдуруб,
Қатрайи су янглиғ ошом айлади пайконни ҳам.

Кўз ёшимни қон қилиб, бағрим су эттинг, эй фироқ,
Йўқки ёлғуз суни қон қилдинг, су қилдинг қонни ҳам.

Ишқ даштида қуюндек хоксорингмен, гаҳе,
Истасанг ушшоқни, ёд эт бу саргардонни ҳам.

Гўйдек бошим неча рахшинг аёғи зарбидин,
Пўя қилгай, гаҳ-гаҳе еткур анга чавгонни ҳам.

Эй тавонгар, нечаким қасрингни қилдинг зарнигор,
Асру холи кўрма дарвеш ўлтурур вайронни ҳам.

Кўнглум олиб бордингу қолмиш манга бир хаста жон,
Ҳар қачон келсанг Навоий топшурур қолгонни ҳам.

Ажойиб тийрадур ҳажрим туни, эй меҳри йўқ моҳим,
Магар совурди ишқинг ўртаганларнинг кулин оҳим.

Вужудум ул қуёш ҳажрида андоқ муртафиъ бўлди,
Ки мумкин йўқ ани истарда бўлмоқ соя ҳамроҳим.

Юзумнинг акси коҳий қилди кўюнгнинг ушоқ тошин
Камоли ишқ кўрким, қаҳрабо ижод этар коҳим.

Кўнгул ҳар ғамзаси ўқинки, бордур, орзу қилди,
Биҳамдиллаҳи, еткурди неким, бор эрди дилҳоҳим.

Ясай дард ўқларидин бир оқ уй жон гулшани ичра,
Ки кўнглумда торикса, анда киргай моҳи хиргоҳим.

Кўнгул афсонасин гоҳе десам, элни тутар уйку,
Ва лекин ҳар замон сескандурур афғони ногоҳим.

Қилиб майхона туфроғин ватан, қон ютмоғим кўргил,
Ки бу бир бодайи айшимдурур ул маснади жоҳим.

Эрур бир муғбача илгидин ичмак орзусидин
Фано дайрида ҳар дам бир эшикдин шайъалиллоҳим.

Умид улким қадам сарвақтима еткургай огоҳе,
Навоий гар талаб йўлида бўлса жони огоҳим.

Тандин ўқунгни чексалар, оғрирдин эрмас шеваним,
Андин қилурмен навҳаким, айру тушар жондин танним.

Гулхан кули ичра ниҳон, жисмим жунундиндур нишон,
То телбалик барқи аён бўлғач куюптур хирманим.

То ишқ аро афсонамен, ўт ичраки девонамен,
Ул шамъ учун парвонаменким, бўлмиш ўртанмак фаним.

Ул шўх секритти саманд, эрмас насиҳат судманд,
Ҳар дўст берса эмди панд, улдур улуғроқ душманим.

Май ичкали ул нўшлаб зоҳир қилур ҳар дам тараб,
Бу навъ очилмоқ не ажаб, андоқ су ичкан гулшаним.

Чун одамийда йўқ вафо, кўр ул пари ишқи аро
Жавлонгаҳим — дашти фано, вайронайи ғам — масканим.

Ғам тигидин қочмоқ ҳавас қилма, Навоий, ҳар нафас,
Ул тийғнинг дафъиға бас, юз пора хирқа жавшаним.

Куруқ танымға туган куйдуруда бебоким
Фатила ўти етишкач туташти хошоким.

Тан ичра телба кўнгул изтироб этар асру,
Тикиб не навъ ўнгансун бу синайи чоким.

Ҳазин кўнгулни магар чок қилғасен, эй гул,
Ки гунча янглиғ очилғай даме бу ғамноким.

Ҳавойи ишқинг аро ўзга олаким бордур,
Ки ашким анжум эрур, оҳ дуди афлоким.

Дедим: бошимни чопиб туъма элт итларинга,
Деди: бу юқдин узулмиш яқинда фитроким.

Фиғонки, ишқ ҳадиси дақиқ эрур андоқ,
Ки қосир ўлмиш ани англамоқдин идроким.

Дединг: Навоий эмиш хушманд, боре дегил,
Жаҳонда ким дурур андоқ харобу расво ким?

Висол ичра ул ойнинг фурқатин осон гумон қилдим,
Чу борди, войким, не навъ душвор эрканин билдим.

Дер эрдим, ҳажрида шояд ўзумни асрай олғаймен,
Бу сўз ҳашв эрканин билдим ҳамул соатки айрилдим.

Фигонким, дарду ғам кирмакка хуш-хуш рахналар бўлди,
Кўнгулким тўш-тўшидин дарду ғам чиқсун дебон тилдим.

Ҳамул дам ишқ даштида мени гум қилди беҳудлуг,
Агар ҳушу хирад саъйи била бир лаҳза топилдим.

Фано йўлиға туштум еткали Фарҳоду Мажнунға,
Нечук йўл бормаинким, яхши ҳамраҳларға қотилдим.

Чу ичтим ишқ жомин беҳуд ўлдум тарки ҳуш айлаб,
Анингдек май ичиб бу навъ усруклукдин ойилдим.

Фироқи мушқил эрмиш, билмаин мен ҳам Навоийдек
Висол ичра ул ойнинг фурқатин осон гумон қилдим.

Ҳажр ила кўрма раво жонимға бепоён ўлум,
Тийғ сурким, хуштурур оз оғриғу осон ўлум.

Жон бериб истармен ўлмакни, ўлум хўброқки, жон,
Жоним ўлмакдур чу истайдур манга жонон ўлум.

Халқ душвор ўлмагим ҳайронидурлар, турфа кўр,
Ким эрур душвор ҳажрим оллида ҳайрон ўлум.

Ҳажр қолмас ёшурун оҳу фиғон чек, эй кўнгул,
Ким яшурмоқ бирла ҳаргиз қолмади пинҳон ўлум.

Дарди ҳижрон саъбу етмас шарбати васл, эй табиб,
Гўйиёким ушбу дардимға эрур дармон ўлум.

Фоний ўлмай қилған изҳори фано, билким, эрур
Ул гадоким ризқ учун зоҳир қилур ёлғон ўлум.

Эй Навоий, жаҳл ила ўлмак қатиқ ишдур, вале
Чун камоли маърифат касб ўлди, не нуқсон ўлум.

Бўлмасун кўнглунг қушиға дурру гавҳар васли ком,
Ким қазо ул доналарға баҳр мавжин қилди дом.

Гар малак тасбиҳи дона, ҳур зулфи дом эрур,
Ким бу дому донаға зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.

Даҳр боғининг ҳавосидур самуму суйи заҳр,
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.

Боғким, нилуфарий гўгурд ўтидур англаким,
Не муаттар бўлғай андин тарбият топқан машом.

Май ўти бирла димоғингни қизитмаким, бу ўт
Эл димоғида пиширмайдур бажуз савдойи хом.

То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одабий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.

Кул қил ул хасни фано оташгаҳиға ташлабон,
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом.

Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,
Соқие, майким! Эрур ишқ аҳлининг кўзгуси жом.

Менки, даврон зулмидур кўнглумга, балким жонга ҳам,
Найлай олғаймен ангаким, зулм этар давронга ҳам.

Кўр ғамим афзунлуғин ҳар дамки, ашким хайлининг
Қатраси баҳр ўлди, эмди айланиптурсанга ҳам.

Ёпмангиз Фарҳод ила Мажнунним, меҳнат тўзи
Сатр учун басдурсанга ҳам, ул ики урғунга ҳам.

То топибмен ишқи ўти бирла тийғи захрини,
Исо анфосига боқман, чашмаи ҳайвонга ҳам.

Гоҳ кўнглум ғунчасин истар, гаҳе пайкониини,
Ким кўнгул бордурсан муносиб ғунчага, пайконга ҳам.

Нилуфар нақш айлаб айвонингга мағрур ўлмағил,
Йўқ, вафо нақши чу бу нилуфариини айвонга ҳам.

Муддаийлар чун Навоий ишқин англаб, жониға
Қасд қилганлар эмиш, боре денгиз жононга ҳам.

Ул қуёш васлида ўзни рашкдин гум айларам,
Соядин ёнимға тебрангач таваҳҳум айларам.

Ул пари кўнглумдадурким, сўзлашурмен демаким,
Телбаликдин ўз-ўзум бирла такаллум айларам.

Шоми ҳажрим тонгсиз ўлмиш не ажабким, ажздин
Шомдек йиғламсиниб, тонгдек табассум айларам.

Қатл ҳукми айласа ўлтуртубон ушшоқни
Ишқ аро, чунким мен акмалмен, тақаддум айларам.

Элга раҳм этман, уқубатлар била қатл айласанг,
Ўз-ўзумга маҳзи ҳирмондин тараҳҳум айларам.

Поклик даъби гар эрмастур сулук ичра, не суд,
Баҳру барда гар таҳорат, гар таяммум айларам.

Эй Навоий, то муқаррар қилдим оҳанги Хижоз,
Гаҳ Ироқу гаҳ Ажам сори тараннум айларам.

Сенсиз ашким ёмғури селини тўфон айладим,
Ким анинг туғенидин оламни вайрон айладим.

Бўйла тўфонга кўзумни абр этиб, ноламни раъд,
Оҳ ўти учқунларин барқи дурахшон айладим.

Йўқки, кўнглум шуъласидин даҳр аро солдим бир ўт,
Ким томуғни эл кўзига боғи ризвон айладим.

Мунча, бал юз мунча ҳам эрмас экин мингдин бири,
Улча мен ул ойдин айру шоми ҳижрон айладим.

Саъб эрур ҳажр ўлманг, эй аҳбоб, ошиқ зинҳор,
Ким бу иш таҳқиқини мен улча имкон айладим.

Севганим бу аҳд аро майдур, қани паймонае,
Ким киши севмакдин эмди аҳду паймон айладим.

Эй Навоий, ишқ таркинким, дедим, маъзур тут,
Ким муҳиқдурмен бу ишда гарчи туғён айладим.

Хуснунга ҳайратдин ўлди барча бесомонлиғим,
Мен киму сомон, чу ортар ҳар нафас ҳайронлиғим.

Кўйида тун-кун кезай дермен ниҳон қолмас, валеқ
Оҳ ўтию ашқ қони рангидин пинҳонлиғим.

Ғайр хошоқин агар совурмас эрсам бас недур,
Кўйи даврида қуюндек мунча саргардонлиғим.

Ул этак қоним била кўргузди гулгун ҳошия,
Не ажаб, тутсам ани бу дам чу улдур қонлиғим.

Тифллар тоши теримни элтибон, қолди сўнгақ,
Ул пари савдосида бордур ажаб урёнлиғим.

Дину дунё нақдини сочтим, чу кирдим дайр аро,
Бу эди аввал қадаҳ ичканда дастафшонлиғим.

Деди зоҳид: ул паридин ҳур умиди бирла кеч,
Эй Навоий, бўлмағай бу ҳадқача нодонлиғим.

Жонима доғе кўюптур лаълинг узра холким,
Кўнглума ўт тушмиш андин юзга бурқаъ солким.

Тушмагай эл кўнглига ўт ҳамки, анинг рашкидин
Бийм эрур, бўлғаймен андоқ ожизу беҳолким.

Ашк сели айлагай кўюнгдин овора мени,
Бу сифат оворалиғдин айла форигболким.

Гарчи мажнунмен сенинг кўюнгни-ўқ айлаб ватан,
Анда-ўқ бўлсам бўлай бозичайи атфолким.

Ёғса урён жисмима ўт анда айлармен қабул,
Ўзга ерда гар ёғар гул, айларам эҳмолким.

Анда ёғқан тош эрур жаннат гулидин яхшироқ,
Бу жиҳатдин анда бўлмоқ истарам помолким.

Қатл қилғайсен мени бир кун вале айтур кўнгул:
Эй Навоий, кеч бу сўздин, сен ким, ул иқбол ким?

Юзунг ғамидин эрур абри навбаҳор кўзум,
Не айб, ер юзини қилса лолазор кўзум.

Саводу қони била бир ғариб лола эрур,
Ки лолазор баса қилди ошкор кўзум.

Не қони лола эрур, не саводи доғи анинг,
Ки қўйди ҳажр ўтидин доғи интизор кўзум.

Агарчи қилди мени хору зор кўнглуму бас,
Валек айлади кўнглумни хору зор кўзум.

Не кону баҳр экинким, лабу тишинг ғамидин
Гулу суманға қилур лаълу дур нисор кўзум.

Буким қорарди чу тардоман эрдию ғаммоз
Фироқ шомидадур тийрарўзгор кўзум.

Навоий, айла назар таркини деманг, чунким
Мен ихтиёр этибон, қилмас ихтиёр кўзум.

Сендин айру то асири дарди ҳижрон қолмишам,
Буки ўлмай қолмишам, ҳолимға ҳайрон қолмишам.

Хонумонимни ғаминг торожи барбод айлади,
Хонумон бориб алохону аломон қолмишам.

Ишқ даштининг самуми ҳулласин айлай паноҳ,
Хайли ғам яғмосидин мундоқки урён қолмишам.

Дарду ғамдин ёшуна олман камоли заъфдин,
Хурдабинларнинг кўзидин гарчи пинҳон қолмишам.

Даштдин Фарҳоду Мажнунни йиғиб мушфиқлари,
Мен ғариб ул навъким, ғули биёбон қолмишам.

Васл даври жомидин аҳбоб сармаст ўлдилар,
Дайр аро тек бир ман-ўқ махмури даврон қолмишам.

Эй Навоий, учти булбуллар хазонда боғдин,
Мен қанотсиз қуш масаллик айлаб афғон қолмишам.

Не ул қулоққа етар, арзи ҳол адо қилсам,
Не ул кўнгулга ёқар, нақди жон фидо қилсам.

Кўнгул шикофиға ул кўй туфроғи қаниким,
Бу хушкдору ила захмима даво қилсам.

Керак қуёш дирами танга бўлса байёна,
Чу Юсуфумни ики даҳрға баҳо қилсам.

Фигонки, ишқ чекар боғлаб ани бўйнулға
Нечаки зуҳду вараъ пардасин ридо қилсам.

Кўзумга даҳрни ҳар лаҳза тийрароқ айлар,
Саводи холингга ҳар неча кўз қаро қилсам.

Ишим чу савмаа шайхи била тузалмади, кош,
Ки эмди майкада пириға илтижо қилсам.

Навоиё, чу сабо ҳамнафасдур ул гулга
Не бўлди, сарсари оҳимни гар сабо қилсам.

Кўнгулни бағир қонидин лола қилдим,
Кўюб доғ паргола-паргола қилдим.

Совуғ оҳдин қатра пайконларингни
Юрак ғунчаси жавфида жола қилдим.

Кўзумда ул ой мардум ўрнини тутти,
Саводин анинг давриға ҳола қилдим.

Не қавмоғки, уйғонмади гарчи тунлар
Тонг отқунча итлар киби нола қилдим.

Кўруб оби ҳайвон юзинда ҳубобин,
Тасаввур лабинг узра табхола қилдим.

Фалак золининг макридин бўлдум эмин,
Нединким, талоқи бу муҳтола қилдим.

Навоий сариғ юзида доғи идбор
Чу кўрдум, гумон сариғ лола қилдим.

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ
НОЗИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

438

Истарам юз манзил ўткаймен адам саҳросидин,
То замоне тинғамен олам эли ғавғосидин.

Умр нақдин сарф этай дермен фано бозорида,
То қутулғай хотирим суду зиён савдосидин.

Хуштурур вайронае таскин учун, лекин йироқ
Юз минг иллик йўл фалакнинг гунбади мийносидин.

Чиқмайин бу дайрдин мумкин эмас бўлмоқ халос,
Ҳар кеча юз минг бути сиймин бадан яғмосидин.

Ҳар сўнғак ёнимда қасди умр этар, ваҳ, хўшае
Борму имконким, қутулғай мунча меҳнат досидин.

Заъфароний юзда гулгун ашк тўкмак не осиг,
Ишва кўрган даҳр боғининг гули раъносидин.

Ғарқа эл дафни учун сардобаедур ҳар ҳубоб,
Ишқ водийсинда ашким селининг дарёсидин.

Ишвагарлар доғидин жон пардасин кўр, оҳким,
Бу ҳарир эскирди золим шоҳлар тамғосидин.

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқан яхшироқ зоғу заған маъвосидин.

Кўнгулни айладим юз чок ишқингдин, мени маҳзун,
Ки ҳуснунг васфи ёзғаймен китобе коғази гулгун.

Кўнгулнинг мазраиким новакингдин бўлди юз хирман,
Бошоқ термак учун келгай магар Фарҳод ила Мажнун.

Қабаб ҳар тун чекиб юз минг синон анжум шуоидин,
Магар сабрим сипоҳиға шабихун келтурур гардун.

Лабинг шавқида кўнглум ҳар не борин бошидин қўйди,
Май истаб ринди муфлис айлади дасторини мархун.

Кўнгулда шўхлар нозидин ортар ҳар нафас оҳим,
Ёнар ўтқа чу атфол эврушурлар, дуд ўлур афзун.

Майи лаълинг учун беҳудлуғум андоқдур, эй соқий,
Ки қотсанг тонг эмас, жомимға касби ҳуш учун афюн.

Илик зулфунгға элтур орзудин ёва айтурмен,
Бировдекким йилон тутмоқ учун оғзидадур афсун.

Тўкуб ферузагун кўк мотамингға гавҳари анжум,
Сени ферузаву гавҳар ҳаёли айлабон мафтун.

Навоий, назм лофин қўйки, кўз бир кунлути эрмас,
Агар юз йил сочарсен табъ баҳридин дури макнун.

Булут ҳайвон зулоли бирла тиргузди ҳаво жонин,
Севунмак ашкидин шодоб қилди сабза мужгонин.

Эмастур сабзаву лолаки, жола тошидин гардун
Кўкартиб ер юзин ҳар сори зоҳир айлади қонин.

Ирик невчундурур шох узра гулбун барги суҳондек,
Ититмас бўлса булбул жони учун ғунча пайконин.

Чаман Лайлосидин айру дегайсен лола Мажнундур,
Ки гардун жола тошидин қонатмиш доғи ҳижронин.

Чаман баҳри латофат бўлди найсон дурлари бирла,
Қизил толдин муҳайё қилди ҳар ён шохи маржонин.

Бу фасл ичра маломат тошидин солим биров қолғай,
Ки чеккай май сумурмакда юзига жоми қалқонин.

Майеким, оташин, чиқғай сариғ гуллар, агар деҳқон
Томизса қатрае андин суварур чоғда бўстонин.

Бировким, даҳр боғининг фиребин билди, наргисдек
Қадаҳдин бош кўтармай сурди ишрат бирла давронин.

Гули мақсуд ул қондур, Навоийким, аёғингдин
Чиқар чекканда мақсад Каъбаси хори муғилонин.

Муҳаббат риштасин уздики, ўлтургай бу ғамнокин,
Магар ул ришта бирла тикмиш эрди кўкрагим чокин.

Эмас гирён кўзум кирпиклариким, сарсари оҳим
Солиб мавж ул тенгизга бир қироққа солди хошокин.

Мунажжим кўнглум ўти дафъиға, деди, топай соат,
Дамим дуди аро не анжумин топти, не афлокин.

Бошим чопқанда ул чобук ёшингни асрагил, эй кўз,
Ким ул судин юғайсен, қон юқардек бўлса, фитрокин.

Назар йўлин сиришким пок юб, кўз пардасин очти,
Ки чиққач пардадин кўргаймен онинг чехраи покин.

Кўзин уйқуда кўргач ўлдум, оё ўлмайин неткай,
Киши гулшанда беҳуд кўрса турки масти бебокин?

Юзунг кўп очма, гоҳе сўз дегилким, ақл деҳқони
Не гул исрофини яхши демиш, не ғунча имсокин.

Ўғуб жаннат гулин воиз тиларким, айласам савдо
Неча эски дирамға Юсуфум, ваҳ, кўргил идрокин.

Десам, ул ой бориб, чиқмас ғами кўнглумдин, айтурким:
— Навоий, не ажаб, бўлмоқ қамар — сойир, ҳажар — сокин.

Баски қадди ғунчадек эл кўнглин олиб қилди қон,
Гулбуни ноз ўлмиш эл кўнглидин ул сарви равон.

Кўзларинг хунхорлиғдин дойимо бемор эрур,
Бода кўп ичкандин андоқким, бўлур эл нотагон.

Ёшурун ҳуснунгда бир онедурурким, жон аро
Ҳам алиф, ҳам наъл уза доғим эрур ондин нишон.

Юзидин бийномен, арчи юз чиқармас пардадин,
Нурдин кўрмакдур, аммо нур эрур кўздин ниҳон.

Ишқ комил бўлса, меҳнат ўқларидин бок эмас,
Не зарар булбулғ аким, бўлғай тикандин ошён.

Ишқ боғининг суйи қондур, не тонг гар оҳу ашқ
Анда ёхуд оташин гул очсалар ё аргувон.

Субҳнинг ҳар тонг эрур эл ғафлатидин кулгуси,
Меҳр хонидин гумон қилмаки, ебдур заъфарон.

Топмадим бу дайр ҳолидин хабар, эй муғбача,
Беҳабар қил мени ўз ҳолимдин эмди бир замон.

Дард агар будур, Навоий чиқса оламдин не тонг,
Масту урён кўкрагига тош уруб, тортиб фиғон.

Ишқида яхши-ёмон бедодидин топман амон,
Яхши то қилсам назар йўқтур киши мендин ёмон.

Лаҳза-лаҳза бош чекар ишқим шарори, эй рафиқ,
Алҳамон, шавқу муҳаббат шуъласидин, алҳамон.

Юз адам мулкига қўйдум, келки, истайдур кўнгул
Бу узун йўл зоди кўз тикмак юзунга бир замон.

Ўртабон ушшоқ жисмин, ғофил ўлма оҳидин,
Ким зарарлиғ дуд зоҳир айлар ўт тушган сомон.

Куймагимга новакинг пайкони бас, ҳижронни қўй,
Хасқа ўт солмоқ учун учкун ҳамон, дўзах ҳамон.

Сен магар туғқанда кун туғқандурурким, заррае
Фарқ фаҳм ўлмас орангизда нечукким, тавҳамон.

Ул қуёш ҳажрида оҳим ўқидин ваҳм этмаса,
Кўк темур ичра ниҳон нечун бўлуптур осмон?

Вақтдин ол нақди айшингники, мундоқким эрур
Дам-бадам кўздин ниҳон бўлмас анга бўлмоқ замон.

Эй Навоий, телба кўнглум дардини англай десам,
Онча айтур ёваким, бир лафз андин англамон.

Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин,
Кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин.

Оҳу афғон чекма деб, оғзимға, жоно, муҳр қўй,
Чунки лаълинг хотаму ёқути нобингдур нигин.

Лаълининг ҳар бир ҳадиси шаҳддек ширин эрур,
Оре-оре, дойимо гул баргидиндур ангабин.

Лаъл уза хат ичра холингдур ниҳон ё ҳиндуе,
Сабзада ёшунди шаккар қасдиға айлаб камин.

Янги ой хуршид аро бўлмоқ аён маъҳуд эмас,
Ваҳ, недур айлаб ғазаб солмоқ жабининг узра чин.

Шамъни парвона куйдурмакдин, эй гул, қилма айб,
Булбул эрмастурму кул, ё сен эмассен оташин.

Эй Навоий, очмағай қонимдин ўзга лолае,
Ҳар гияҳ бу йўлдаким, қатлимға чекмиш тийғи кин.

Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин?
Хароблиғ қиладур мубтало кўнгул, нетайин?

Дедингки, асра кўнгулни ўзунглаву сабр эт,
Чу менда турмасу борур санга кўнгул, нетайин?

Кўнгулни қайди жунундин чиқар дединг, эй ақл,
Кетурса бошингга юз минг бало кўнгул, нетайин?

Кўнгулни ўтқа солиб, кўзни истарам ўйсам,
Балони кўз кетирур жонға, ё кўнгул, нетайин?

Мен ул кўзи қора ишқин қўюб эдим биллаҳ,
Таҳаммул этмади, юзи қаро кўнгул, нетайин?

Тағофул этсам итарсен, ўларсен этсам қайд,
Сенинг била, дегил, эй бевафо кўнгул, нетайин?

Навоиё деб эдинг: Зухд тарҳи бунёд эт,
Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин?

Не тонг, сариғ юзумда ашки рангин,
Ки киймиш сабзи талх ул сабзи ширин.

Ўзи гавҳар, тўни дарёйи офат,
Бўлуб мавжи бало ул тўн уза чин.

Санга ҳамранг тўнлуқ шўхлар бор,
Нечукким сарв оёгинда раёҳин.

Эрур жисмингда ахзар хилъат ул навъ,
Ки гулбун баргидин тўн қилса насрин.

Дегайлар сарв қадду хилъатингни
Ва лекин сарв ким кўрмиш гулогин?

Хатинг шавқида кўнглум тўтиёдур,
Ки йўқ зикрингдин ўзга анга талқин.

Навоий, чархи ахзардур сияҳқор,
Тамаъ сарсабз бўлмоқ қилма андин.

Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон,
Ў магар сарви равон қилмиш либосин арғувон.

Сарвнинг ҳар барги бағрим қонидин сероб эрур,
Йўқса бўлмас арғувоний барглик сарви равон.

Сарвдин то топти зийнат арғувон юз шавқ ила,
Бошқа санчар арғувон ҳар зод сарви навжавон.

Арғувону сарв истармен чаманда, то мени
Арғувоний тўн била ул сарв қилди нотавон.

Кўргузур қадду либосинг шавқидин қонлиғ мижа,
Кўзда ҳар дам арғувону сарвдин бир корвон.

Арғувоний тўн била қатл айламас ул сарвким,
Қон ила қилмиш либосин арғувоний бир авон.

Арғувону сарвдин то даҳр боғи зебдур,
Бўлсун улким даҳр аро ҳам шоҳ эрур, ҳам паҳлавон.

Ишқ аро менмен даме бемеҳнату ғам бўлмаған,
Жонидин маҳрум ўлуб, жононға маҳрам бўлмаған.

Юз вафо айлаб, жафодин ўзга нафъе кўрмаған,
Минг жафо кўруб, вафоси заррае кам бўлмаған.

Минг қуёшча кўрган ўз ёрин, вале ёр оллида
Минг улушидин бирича зарранинг ҳам бўлмаған.

Олам аҳли ишқ аро расволиғим таън этмангиз,
Кимдурур ошиқ бўлуб, расвойи олам бўлмаған?

Анжум эрмас тердур оҳим ўтидин кўк сақфида,
Ваҳки, бу тердин биное қолмади нам бўлмаған?

Дастгире истаким ғамдин халос имкон эмас,
Илки бир заррин камар белига муҳкам бўлмаған.

Эй Навоий, билки топмас лаълидин қути ҳаёт,
Жонни таслим айламакликда мусаллам бўлмаған.

Хуршид тулуъ этса, қуёшинг соғинурмен,
Кўргач янги ой милини қошинг соғинурмен.

Ҳар гулки жаҳон гулшанидин жисмима, эй шўх,
Еткач, мени савдозада тошинг соғинурмен.

Эй кўз, қурудунг, лек қаю сели болоким,
Бир уйни хароб айлади ёшинг соғинурмен.

Эй жисм, ажал чобуки ҳар гўйким ўйнар,
Майдони фано ичида бошинг соғинурмен.

Най шарҳин эшиткач қилиб, эй нола, сени ёд,
Кўз шарҳаларин кўрса, харошинг соғинурмен.

Эй хаста кўнгул, бўлғали сен ишқда мажнун,
Кўргач сени саргашта, адошинг соғинурмен.

Ўлган итин, эй хаста Навоию рақибин
Чун кўрсам ити оллида лошинг соғинурмен.

Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин
Сарғариб мендек тушар айру сиҳиқада ёридин.

Ҳар қуруған шох мажнундурки туфроғ уйига
Топширур ҳар дам илик юб нозанин беморидин.

Боғ аро, деманг, хазонким ошиқ ўлмиш мен киби,
Билгурур совуғ нафас бирла сариғ рухсоридин.

Ҳар оқар суни хазон тийғи қилибдур зарфишон,
Кескали меҳру вафо нахлин жаҳон гулзоридин.

Бу сариғ юз бирла ўлсам қўйида, тобутима
Шохлар боғланг хазоний ишқпечон торидин.

Қўйида куймиш қўнгул буким, хазондур боғ аро
Эсти бир ел, гўйиё куйган ғарибим соридин.

Коҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқие,
Бода тут хуршид жоми қаҳрабокирдоридин.

Бодаеким журъаси томғач, хазон яфроғлари
Ток баргидек қизарғай сарбасар ашжоридин.

Шавқдин ашк ичра фарқ ўлуб, дей олмасмен гамин,
Ким тенгизда гавҳар истар, асрамоқ керак дамин.

Айшу суҳбат хайлига тушкай насимидин вабо,
Қайда солсам захми исланган юракнинг марҳамин.

Пайкарим гардин совурғудек эсар ҳижрон ели,
Лутф этиб, эй гул, саҳоби васлнинг еткур намин.

Қолиб этти янги ойни тоқ учун меъмори сунъ
Қудрат илги боғлаган соат қошинг тоқи хамин.

Кўнглакидур чоку киз бўйнида фонус, эй ажаб,
Тутти ул ҳам шамъдек, ғам шоми кўнглум мотамин.

Шамъ чобуклук аро лўливашимга етмади,
Дудидин ҳар нечаким қилди мутарро парчамин.

Мотами ҳижронда созедур Навоий жисмиким,
Ноласидин зерини тоқмиш, ўкурмакдин — бамин.

Мени бедил санга жон ұйнамоқ бирла ярайдурмен,
Бале сен тифлни бу тухфа бирла арғадайдурмен.

Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, болни тутмайин бармоғ ялайдурмен.

Дедим: кўнглумга ҳар ёндин хадангинг недурур, ёро?
Муҳаббат ўтига, деди, ўтундуким, қалайдурмен.

Чу аҳли дард учун пайваста қош ёсини тортибсен,
Манга-ўқ новакингни хуш кушод этким, қулайдурмен.

Анга еткур сўзум, эй оҳким, ул хусн мирьоти
Чу қилди жилва, кўзгу акси янглиғ алдарайдурмен.

Магар элтур парилар, эй фусунгар, телба кўнглумни,
Ки турмайдур нечаким жисмим уйинда қабайдурмен.

Навоий телбараб то ул пари кўйига юзланмиш,
Эшитурмен фиғон, лекин ҳадисин англамайдурмен.

Тикмишам мажруҳ кўнглум захмини ғам нешидин,
Чиқмасун деб ханжаринг завқи кўнгулнинг решидин.

Лаълдин маҳрур эди кўнглум, чу фассод очти қон,
Қатра қонлар йўқки, жонлар томди ул дам нешидин.

Қоши милин олмаса қурбон кўнгулдин бас манга,
Йўқса не ғам чекса ё қатлимга ҳар дам кешидин.

Кўнглум андоғким, итиб Мажнун отадин тутти тоғ,
Дарди ишқ истар қочиб ақли салоҳандешидин.

Соқийё, чун давр иши маълум эмас, бир май била
Фориғ эт жонимни ақли хурдадон ташвишидин.

Ул маеким тўлғуча паймона озод айлағай
Бу даний хумхона дурду софининг тафтишидин.

Асради мунглуғ Навоий риштайи жонин чекиб,
Асрағандек шоҳлар сарриштае дарवेशидин.

Англаман судек юзунгмудур кўрунган кўзгудин,
Ё юзунгдин кўзгу су бўлди, юзунг зоҳир судин.

Рў-барў бўлғач юзунг ғам шоми оллимдин кетар,
Соя тушкандек кейин хуршид бўлғач ўтрудин.

Йиғламоқ чун айлади даъво кўзум бирла булут,
Барқ гўё муни фаҳм айлаб йиқилди кулгудин.

Тушта ул маҳваш юзига то кўз очтим ҳар кеча,
Истамасмен турфат-ул-айне кўз очмоқ уйқудин.

Холи ул юз ваҳҳи топқан ваҳҳдин бир гўшада
Зулфи янглиғ тўлғаниб бошим қуйидур қайғудин.

Ком соқий лабларидин топтим, аммо олди жон,
Эйки даврондин қўш ичтинг, ғофил ўлма қорудин.

Борған эрмушмен ўзумдин жилва қилган чоғда ёр,
Сўрмай ўтмиш, эй Навоий, худнамойим беҳудин.

Ёна не қад жилва қилдиким, демакдин лолмен,
Ёна қайси зулф очилдиким, паришонҳолмен.

Заъфдин қаддим алиф бўлди, ул икки ломи — зулф
Ҳар ёнимдин фитнагар, ваҳ, не ажаб, гар лолмен.

Итларингнинг изидин юз гул кўзум боғидадур,
Шукр эрур бу ҳамки, ишқинг йўлида помолмен.

Жисмин андуҳ ироа дари остида қатиниш, не ажаб,
Этён қил бирла агар зулфунг тиликдин долмен.

Итти ул кўнглумки, васл учун тилар эриш қист,
Шукр эман ўлганли мақдонида фарғибилмен.

Ишқ ўти бу наъзам тўри танимини чурқата,
Аҳли дари учун фано юзига мушқини холмен.

Эй Навонӣ, не ажаб келум уш югурса ёш,
Чуники Махсун бўлган боридайи афғолмен.

Ваҳки, мендин айру юз жон, йўқса жононму экин?
Манга онсиз минг ўлум ё дарди ҳижронму экин?

Сўрғали заъфимни лаълидинму эркин бир ҳадис,
Ё бузуг жисмимда мамлу юз туман жонму экин?

Равзанимни то ёруттунг, кулбам ичра ҳар тараф,
Зарралар сойирму ёхуд меҳри рахшонму экин?

Олам аҳлиға лабинг зикримудур ратб-ул-лисон,
Ё бори олам лаболаб оби ҳайвонму экин?

Зулф аро қаддинг хаёлидин кўзум ёрутқали
Анбарин юз шамъ ёхуд хайли мужгонму экин?

Кўнглума ул юзу лаб ёдимү эркин ғам туни,
Ё шабистоним тўла гулбарги хандонму экин?

Ғайриға боқған учун кўз мардумин қатл айладим,
Ашки гулгун ёхуд анинг захмидин қонму экин?

Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин?
Бичакда риштаи жонимму ё ипакму экин?

Кўз асру тиктим анинг ўймоғига, билманким,
Кўзум оқиму экин анда, ё сўнгамму экин?

Тун узра ойдину, ойдинда субҳ эркинму,
Ваё сочингда бурунчак уза лачакму экин?

Гул узра ҳар сори тоб урди сунбулунг, ёхуд
Юзунгда зийнат учун санчқан кажакму экин?

Лабингдин истади жоним ҳаёт, билмасмен,
Ки бир сўкунчму ё қасди бир мучакму экин?

Бир усрук элни чиқиб қирған эрмиш, эй Лутфий,
Сенинг бегингму экин, ё бизинг миракму экин?

Навоий, ушбу паришон ҳадис ила ғаразинг
Авом хотирини сайд айламакму экин?

Юзунг ўтига тутун зулфи муанбарму экин?
Оташин лаълинг ул ўт ичида ахгарму экин?

Меҳр сарчашмасидин қатраму томди ёхуд
Оразинг бирла қулоғингдаги гавҳарму экин?

Ғам туни ҳар тараф оҳим ўқи ул ой ғамида
Чархдин ўтканининг ўрниму, ахтарму экин?

Музтариб кўнглум экинму қуядурган тан аро
Ё бу оташкада кунжида самандарму экин?

Қон экинму янги доғим аро, ё ҳажрингда
Жоми гулнорий ичинда майи аҳмарму экин?

Зоҳид учмоғ тилади ёрдину мен ҳам ўзин,
Ё Раб, ушбу ики матлуб баробарму экин?

Эй Навоий, дема Фарҳод паришонлиғидин
Ул бу Мажнунча бало тоғида абтарму экин?

Улки ҳар тун уйғаниб, ёнида кўрмас ҳамдамин,
Йўқ ажаб гар сояни ҳамдам қилиб айтур ғамин.

Кўйнида афъи, не мумкин кўзга уйқу кирмаги
Улки ҳар тун ёд этар бир зулфнинг печу хамин.

Тақя не имкон тушуб бистар аро юз минг тикан,
Улки бир мужгон ҳаёли тийра қилмиш оламин.

Кеча афғон қилмасам тонг йўқ, бировким кўнглига
Ҳажр ўқи теврулди, мушқилдур қатиқ урмоқ дамин.

Не ёруғ бўлғай ҳаёти шамъи улким, ишқ анга
Ғам шабистони аро ёғдурди ҳижрон шабнамин.

Захминга сеп, эй кўнгул, навмидлиғ туфроғиким,
Топмади кўк ҳуққасида кимса вуслат марҳамин.

Чарх анжум ашқини сочиб, недин киймиш қаро,
Ҳажр шоми тутмаған бўлса Навоий мотамин?

Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин,
Не учунким, то май ичмиш, бош кўтармас бодадин.

Боқмаса тасбиҳу мусҳаф хаттига йўқ айбким,
Фориг эрмас дона нуқлию ҳарифи содадин.

Рўзасин сирўза май қилса не тонгким, саъб эрур,
Нася уммидига кечмак ишрати омодадин.

Токим ул гулсиз булут янглиғ ҳавойи бўлмишам,
Базми айши ёдидин ашким қолинмас бодадин.

Майға жоним раҳн этай махмур эсамким, фарз эрур
Сарви озодиға қуллуқ ошиқи озодадин.

Ким қизитти ишқ ўти бирла кўнгул, майдин димоғ,
Не ғами бор носихи беақлу шайхи лодадин.

Заъфдин махмурлуғ йиқти Навоий жисмини,
Ёр айши базмида ёд айланг ул уфтодадин.

Чиқарғач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин,
Жарасдек нола айлармен кўнгулнинг изтиробидин.

Эмас кўксумда эски доғлар, бал суқбалардурким,
Сувабмен то хаёлинг чиқмағай кўнглум харобидин.

Ҳавои ишқинг асрарға эрур ҳар ён кумуш гунбад,
Ки қилмишмен иморат баҳри ашкимнинг ҳубобидин.

Бағирда ниши ғам ўлтурдию кўнглумда юз ғамким,
Итинг қут этмағай ногаҳ куюк бағрим кабобидин.

Тану жон заврақин ғарқ эткали гирдоби офатдур
Қуюнларким, югурур ишқ даштининг саробидин.

Қоши меҳробидин юз қиблага қўй дерсен, эй носих,
Муважжаҳ деб экинсен, ваҳки, ожизмен жавобидин.

Хирад мулкени сабрим кишваридек буздунг, эй соқий,
Бу селиким равон қилдинг қадаҳполо саҳобидин.

Бу базм аҳлини бот йиқмоқдин ўзга соқийи даврон
Не қилди қасд бу нилин қадаҳ даври шитобидин.

Навоий риштаи фикри чекар маъно суманбўйин,
Хуш ул тожирки, Юсуф чеҳра кўргузгай танобидин.

Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин,
Ё кўнгул топти Масиҳ анфосидин жон муждасин.

Ё фалак берди йиғи кўр айлаган Яъқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун Моҳи Канъон муждасин.

Не гули хандон, не Исодур, не Юсуф муждаси,
Топти бир маҳжур ўлар ҳолатда жонон муждасин.

Гунча эрдим ғам елидин тўнға сиғман гунчадек,
То сабо еткурди ул сарви хиромон муждасин.

Ҳажр аро, эй пайк, агар сен нома еткурсанг не тонг,
Тонг ели ҳар кун берур хуршиди тобон муждасин.

Нақди жон бердим, мусулмонлар, уятлиғмен ҳануз
То эшиттим пайкдин ул номусулмон муждасин.

Эй Навоий, шоми ҳижрон йиғларим дафъ ўлдиким,
Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин.

Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен,
Кўрсам ёнида ғайрни ул дам ҳалокмен.

Жонимга юз ғам игнасини тикти ул Масих
То билдиким, қуёш киби ишқида покмен.

Васлинг тахайюлию мен, инсофдин эмас,
Ким руҳи пок сенсену мен — тийра хокмен.

Ваҳм айла, эй сипеҳр, букун оҳим ўқидин,
Ким ҳажр дардидин яна беваҳму бокмен.

Жуз васл шарбати манга суд этмас, эй табиб,
Ким мен фироқ меҳнатидин дарднокмен.

Зотимда чун майи азалий чошнийси бор,
Ҳар сори маст қўл солиб андоқки токмен.

Оҳим, Навоиё, нечук асрай қўнгул аро,
Чун мен фироқ тийғи била сийначокмен.

Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин,
Ўйлаки, маҳкам тугун иничкарак тордин.

Ҳажр аро дардимға раҳм қилмаса ул кўз не тонг,
Кимса маразға илож топмади бемордин.

Оразида тоблиғ зулфни кўргилки, бор
Мусҳафи шерозаси риштайи зуннордин.

Гар ёрутур эл кўзин кўйи аро ул қуёш,
Баски мени сўрмаса сояйи девордин.

Савмааға бормасам айб йўқ, эй шайхким,
Ҳеч гилам йўқтурур кулбайи хаммордин.

Олам аро ёрлиғ қолмади, гўёки бор
Ёрға юз навъ алам ҳар нафасе ёрдин.

Бас манга вайрон мақар, сен қувон, эй чархи дун,
Тоқи муқарнас била шамсаи заркордин.

Неча жафову ситам тортқай аҳли вафо,
Даҳри жафопешадин, чархи ситамкордин?

Тан ялангу бош очуқ, телба Навоийға боқ,
Ким не бўлубтур халос жуббаву дастордин?

Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен,
Доғи ҳажру гуссايи бесабрлиғ ҳам топқасен.

Кам эмас ошиқ санга, солсанг мени кўздин, вале
Ошиқеким, содиқ ўлғай мен киби кам топқасен.

Нўши васл, эйким тиларсен, ниши ҳижрон кўрмайин,
Чун эмас бағринг жароҳатлиғ не марҳам топқасен?

Не ғаминг юз зарра саргардонлиғидин, эй қуёш,
Сенки рифъатдин Масиҳо киби ҳамдам топқасен.

Кулма ҳам қаддимғаким, юкланса ишқинг Қоф аро,
Ишқ остида ёзилган «қоф»дек ҳам топқасен.

Мунча фурқат ашки бирла бўлса дўзах масканим,
Кавласанг юз қарн ўтуб, хирқам тегин нам топқасен.

Эй насихатгў, Навоий яхшидур деб истадинг,
Билмадингким, бўйла бир расвойи олам топқасен.

Юз боло ҳижрон топар ҳар дам бу маҳзун жон учун,
Тенгри гўёким яратмиштур мени ҳижрон учун.

Ҳажр уйида манъи ашкимга маломат тошлари
Фарш эрур, гўё йиқилғур кулбайи вайрон учун.

Қоматинг ҳажринда кўнглум сўрғучи носих тили
Ништаредурким, ёрар ўқ захмини пайкон учун.

Ҳажр аро ҳолимни ёздим ёд тут, эй навҳагар,
Ким басте лойиқдурур сен соз этар дастон учун.

Ишқ ғам базмида эгри қаддима жон риштасин
Тор этиб, соз айлади кўнглум чекар афғон учун.

Аждаҳо оғзи бил ўтлуғким, очиптур қасдинга
Мунчаким волиҳсен, эй булбул, гули хандон учун.

Чун Навоий номаи шавқин етурсанг, эй расул,
Тенгри ҳаққи руқъае бу зори саргардон учун.

Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун,
Гўйиё мен бир ёнар ўтмен, қоронғулуқ — тутун.

Ашк этиб ғаммозлиғ кўнглум бузулса, не ажаб,
Ким топар озор ёшлардин мудом аҳли жунун.

Мен тилармен васлу онинг кўнгли ҳар ағёр ила,
Манга икки тош аросинда керак албатта ун.

Қаддингу эрнинг ҳавоси жондадур, айб этмагил,
Бўлса афғоним бийик, сели сиришким лаългун.

Ким кафанни ёд этар, андин ўлук огоҳроқ,
Ғар либосин билсаким, эрур катон ёхуд катун.

Сели ашкимдин фалак ғамхонаси вайрон эди,
Қилмаса эрди жафоси дуди оҳимдин сутун.

Кўрмасам қошинг бўлурмен турғаним бирла фиғон,
Войи эрур бас, чу бўлмаса «Навоий» бирла «нун».

Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун,
 Сен бўлу бас, тўбию фирдавсу ризвон бўлмасун.

Деб эмишсен: куйдурай бир доғ ила кўнглин анинг,
 Хар нечук доғ ўлса ўлсун, доғи ҳижрон бўлмасун.

Қошига қилғач сужуд, ўлтурди ул кофир мени,
 Ҳеч мусулмон ёри, ё Раб, номусулмон бўлмасун.

Ишқида жоним уқубатлар бида ол, эй ажал,
 То анинг ошиқлиғи ҳеч кимга осон бўлмасун.

Ул пари кўнглумда меҳмон ўлмиш, эй жон, воқиф ўл,
 Оҳ ўти дуд этмасун, захм ичра пайкон бўлмасун.

Эй кўнгул, масте чиқиб шаҳр ичра солмиш рустахез,
 Ваҳ, хабар тутким, бизинг бебоки нодон бўлмасун.

Дедиким: «Жон бер, доғи ўпгил аёғим туфроғин».
 Эй Навоий, тезрак бўлким, пушаймон бўлмасун.

Васлингга етибон соғинурмен хаел экин,
 Ҳолимни англаман, манга, ё Раб, не ҳол экин.

Ушшоқ ашкидин су ичиб бар жафо берур,
 Ё Рабки, қоматинг не ажойиб ниҳол экин.

Зулфунгда хол «жим» аросиндағи нуқтадек,
 Юзунгда зулф вард ёниндағи «дол» экин.

Ҳар нечаким куярмен, анинг зарра меҳри йўқ,
 Оёки, толиим куни кони завол экин.

Дерсенки: сени қайси пари телба айламиш?
 Эй бағри тош, билиб яна бу не савол экин?

Занбурнинг эви киби кўнглум тешук-тешук,
 Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экин.

Мискин Навоий жониға кўюнгда қилма қасд,
 Сайд айламак ҳарам қушин охир вубол экин.

Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
Сен киргали ёдимға ўзумни унутубмен.

Қўнғлумга келур ҳар сари ўқ отса нединким,
Жон ширасидин оғзини анинг чучутубмен.

Ёринг, дедилар, ғайр била бода ичибдур,
Таҳқиқини билгунча не қонларки ютубмен.

Гарм ўлмангиз, аҳбоб, тилаб васл чароғин,
Менким, юрагим куйди, не чоғлиғ ёрутубмен.

Ҳажринг туни оллимға не меҳнатки етибдур,
Васлинг куни ёдидин ўзумни овутубмен.

Хилват асари уjb эканин англадим, эй шайх,
Айб этма, фано дайрида гар кулба тутубмен.

Ашк ила Навоий су берур, сабр ниҳолин
Билмаски, ани оҳим ўтидин қурутубмен.

Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин,
Кел қутқар, эй ажал, мени ушбу фироқдин.

Тонг йўқ қизарса лола киби кўз, чу мардуми
Ҳар дам ғамингда қон ютадур ул аёқдин.

Сен май ичарсен эл била, ул ғамза қон қилур,
Мен қон ютуб назора қилурмен йироқдин.

Атфол санг арбадаси ваҳмидин даме
Девоналар киби чиқа олман висоқдин.

Ичтим итинг сафолида май, ваҳ, қачон юғай,
Ҳайвон зулоли завқини анинг мазоқдин.

Майдин ҳаёт тутки, беганмас Масиҳни
Ҳар шабпареки, учса бу эски равоқдин.

Мутриб била не кўнгли очилсун Навоийнинг,
Ким мен фироқдин десам, ул дер Ироқдин.

Эйким, танимға жон берасен ҳар тариқдин,
Ўлсам не, айру тушқуча сендек рафиқдин.

Белингмудурки, анга қизил ғўта боғладинг,
Ё риштаеки ўткарилибдур ақиқдин.

Савдову ришта захматиға учради кўнгул,
Зулфу белинг хаёлида фикри дақиқдин.

Ҳар дам демаки, кўз ёшидин саргузаште айт,
Дарё фасонасин не сўрарсен ғариқдин.

Оҳим кўнгулни кўюнг аро солса не ажаб,
Гулзор аро Халил тушар манжаниқдин.

Зухд аҳли уjb тафриқасидин халос эмас,
Шарти фано фироқдурур ул фариқдин.

Толпинма ашкинг ичра Навоийки, чиқмади
Ҳеч кимса ғўта бирла бу баҳри амиқдин.

Гамингда ҳар кеча, эй гулӯзор, йиғлармен,
Саҳарға тегру чекиб интизор йиғлармен.

Мену қора кеча, йўқ нисбатим санга, эй субҳ,
Ки сен куларсену мен шамъвор йиғлармен.

Бурунғи меҳру вафо, сўнғи жавру зулминғни
Бирин-бирин соғиниб зор-зор йиғлармен.

Куларлар эл манга беихтиёрким, ҳар дам
Эшитсам отини беихтиёр йиғлармен.

Мунгайди кўнглум анингдекки, ҳазл нағмасидин,
Ки элга кулгу этар ошкор, йиғлармен.

Кулар сипеҳри даний изтиробиға кўнглум,
Вале ўзумда кўруб изтироб йиғлармен.

Навойи, ашким оқизғай ғамим туни мундоқ,
Ки чарҳдек кеча тутмай қарор, йиғлармен.

Лоланинг гунчасидек кўнглум ўлуптур тўла қон,
Ваҳки. эл гофилу куйдурди мени доғи ниҳон.

Заҳри ҳажр ичкали дерменки, қилай ишқин тарк,
Айтқандек киши муҳлик мараз ичра ҳазаён.

Рўзгоримки қаро бўлди, эрур ишқ асари,
Қайда ўт тушса, қаролиғи қолур ерда нишон.

Ишқинг ўтинки, ёшурдум, эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён.

Хатинг ичинда лабингнинг ики холи не ажаб
Иккидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон.

Ҳажр чун қоним ичар ҳар сари қонлиғ туганим,
Хон эрур оллима, то кўнглума бўлмиш меҳмон.

Чархдин меҳр иси топқанға такаббур не ажаб,
Эл димоғиға чу гўгурд ўти айлар нуқсон.

Халқ таън этса, Навоий эгилиб нола қилур
Эгри янглиғки, қилур ел асари бирла фиғон.

Сафҳаи ҳуснунгда жонбахш ирнинг, эй сийминбадан,
Ўхшашурким, айлагай Исо қуёш ичра ватан.

Йўқ ажаб, эй гул, кўнгул захми аро новакларинг,
Расм эрур: чун рахна бўлган ерга қўймоғлиғ тикан.

Ҳасратингдин, билки, ўлмишмен, агар кўюнг аро
Бир гадо ногаҳ ғариб учун тилар бўлса кафан.

Кўзунгу зулфу қошингдин инжудек бўлди ёшим,
Халқ ушбу важҳдин дерлар, ани дурри Адан.

Воқиф ўл, эй боғбонким, ҳар тараф гул шаклидин,
Сендек элнинг қабридурким зоҳир этмиш бу чаман.

Кўнглакининг атри жонсиз жисмима берди ҳаёт,
Гўйиё эл жонидин махлуқ ўлуптур ул бадан.

Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,
Деса бўлурким эрур ҳар байти бир байтул-ҳазан.

Фалак ситезасидин бўлма, соқие, маҳзун,
Қадаҳ кетурки, эрур бесабот олами дун.

Манга тамаъ карам аҳлидин ўлди май важҳи,
Йўқ эрса ер қуйи ул ганжким, йиғар Қорун.

Мураққаъ узра дирам киби вуслалар не осиг,
Ки бир дирамға чоғир учун ўлмағай марҳун.

Бу шукр учун гаҳе, эй шўҳ, бер назрки, Худой
Сени азизу шариф этти, бизни хору забун.

Ема бу лужжаи мийно румузи ҳаллиға ғам,
Май ички, топмади ҳеч ким бу сафҳаға мазмун.

Хумор жонима қасд этти, соқие, май бер,
Ки жонға солса бир ўтким, бошимға чиқса тутун.

Навоий назмидурур яхши, гар қулоқ солсанг,
Тараннумеки қилур ўзи бирла аҳли жунун.

Ғам елидин, ё Раб, ул гулга ғуборе бўлмасун,
Балки онсиз даҳр боғида баҳоре бўлмасун.

Қаддининг сарвиғаким, боғи латофат нахлидур,
Чашмаи ҳайвондин ўзга жўйборе бўлмасун.

Айшу ишрат жомидин бўлсун юзи гулгул, валеқ
Кўнглига ғам гулбунидин хорхоре бўлмасун.

Жилвасоз ўлғанда майдон ичра чобук шўхлар
Шоҳу сархайл андин ўзга шаҳсуворе бўлмасун.

Ғар буюрсанг садқа бошиға эвурмақ, эй рафиқ,
Будур уммидимки, мендин ўзга боре бўлмасун.

Даҳр боғининг насими совурур гул хирманин,
Анга ул гул гулшани сори гузоре бўлмасун.

Эй Навоий, қил дуо жониғаву жаҳд айлаким,
Майлинг анинг қуллуғидин ўзга сори бўлмасун.

Эйким, нафасе ғойиб эмассен назаримдин,
Ваҳким, ғами ҳажринг оқизур қон жигаримдин.

Расволиғ ўти бирла туташиб келадурмен,
Эй аҳли саломат, қўпунгуз раҳгузаримдин.

Сен ғофилу мен ваҳм қилурмен кеча-кундуз,
Бу нолаи шабгир ила оҳи саҳаримдин.

Ғам елидин ул навъ ўтум урди аламким,
Юз барқ ясар абри бало ҳар шараримдин.

Белинг ғамидин мўя била йиғладим онча,
Ким ашк дуру гавҳари ўтти камаримдин.

Эй зуҳд, йўлум урмаки, бу марҳала ичра
Мақсадғача сенсен бири юз минг хатаримдин.

Эй ишқ, фано йўли сари бошлаки, тинман
Гар топса Навоий хабар ушбу сафаримдин.

Не тирикмен, не ўлук, не соғ, не бемормен,
Айта олманким, фироқингдин не янглиғ зормен.

Нуқтаи оғзинг ғамидин тортибон жадвалдек оҳ,
Ашк селин оқизиб саргашта чун паргормен.

Дўстлар, кўнглум ҳадисин демангиз Тенгри учун,
Ким мен ул девонаи саргаштадин безормен.

Кўнглагингдинким топар жон дам-бадам Юсуф иси,
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.

Бир қуёш ҳажринда тундек рўзгорим тийрадур,
Тонг эмас гар тун киби мотам тутуб йиғлормен.

Майда афюн эзгил, эй муғким, бу эски дайр аро,
Телбарармен ғуссадин гар бир нафас ҳушёрмен.

Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол?
Эй Навоий, чун неким дерлар юз онча бормен.

Сарвеки нолишим бийик ўлди ҳавосидин,
Юз минг фиғонки, оғаҳ эмас мубталосидин.

Кўнглумни кўзларидин айирмангки, чиқмағай
Мажнун насиҳат ила кийиклар аросидин.

Мен тийра уйда беҳуду юз навъ гуфтуғў
Ҳар кў бошинда телбалигим можаросидин.

Кўнглумда тоза доғларинг шаклин истасанг,
Фаҳм айла ўтлуғ икки кўзунгнинг қаросидин.

Кувват тутар лабинг ғамини еб ҳазин кўнгул,
Гўёки қон таваллуд этар бу ғизосидин.

Давлат либоси шаҳғаки, йўқтур шикоятим,
Муғ дайри теграсида гадолиғ палосидин.

Ғам шомидин Навоийни неткай халос этиб,
Ёрутсанг уйини шамъи жамолинг зиёсидин.

Дўстлар, бир чора мен девонаи шайдо учун,
Ким ўлармен ул парипайкар малаксиймо учун.

Оташин гул теграсида лаългун юз барг эмас,
Балки юз наъл ўтқа солмиш булбули шайдо учун.

Хом кўнглумким, дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бор дурур ул тифлдекким, йиғлағай ҳалво учун.

Ашк ичинда ғарқамен, зулфунгни тутқайменму деб,
Ўйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Турки мастедур кўзунг уйқуда, кўз кунжида хол
Ўғриким, қилмиш камин ёнида қўйған ё учун.

Гулханийдекдурки истар гулхану олотини,
Сифлаким меҳнат чекар дунёву мофиҳо учун.

Бу Навоий бандани, эй сарви озод, асраким,
Бўйла бир булбул керак сендек гули раъно учун.

Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен.
Не дилрабоки, балои Худо эмиштуксен.

Кўнгул берурда санга билмас эрдим, эй бадмеҳр,
Ки хаста кўнглума мундоқ бало эмиштуксен.

Табиб ожиз ўлуб оқибат, деди, билдим:
Ки ишқ дарди била мубтало эмиштуксен!

Гадолиғ эттим эса бўсае, ачиғланибон
Дедик: Асру уятсиз гадо эмиштуксен!

Кўнгулни куйдурубон жон олурсен, эй янги доғ,
Фиғонки, бир йўли кўнгли қаро эмиштуксен.

Черик вухушу сенга тахт — қулла, эй Мажнун,
Фано мамоликида подшо эмиштуксен.

Дедим: камина итингмен, кулуб манга айтур:
— Навоё, не бало худнамо эмиштуксен?

Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен,
Бир нафас борсен Масихо, бир замон жаллодсен.

Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслик нотагон Фарҳодсен.

Аҳли диллар чехраси олтун, сиришки сийм эрур,
Токи сийми ноб аро қилдинг ниҳон пўлод сен.

Наргисингдин бир назар қилғилки асру бир йўли
Кулларинг ҳолидин, эй сарви равон, озодсен.

Найшакардек қаддинга, ваҳ, баргнай тўн демаким,
Ишқпечон баргида бўлган ниҳон шамшодсен.

Хуррам ўлмассен сумурмай бир қадаҳ, эйким, мудом
Чархдин кўнглунг бўлуб юз лахт қон ношодсен.

Эй Навоий, жисминга пайконларидин лангар эт,
Йўқса бу оҳинг елидин ногаҳон барбодсен.

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё Раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ўл ҳолимни айтур чоғда махмур ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.

Ноумиде мен киби борму экин жононидин,
Жонга еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин.

Фард ҳушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,
Айру шаҳру мулкидин, овора хонумонидин.

Танга меҳнат равзанин очқан ёқанинг чокидин,
Жонга риҳлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин.

Ҳам салоҳ уйин қаро айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин қизил қилган алифлар қонидин.

Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо,
Бу уқубатлар аро қолдим биров ҳижронидин.

Жомима ҳар давр қуй, соқий, ҳалоҳил заҳрим,
Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.

Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чиқмоқтадур
Ҳаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин.

Ростлиғда сарви озоде йигитлик боғидин,
Покликда лаъли раҳшоне эранлик конидин.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Қулки, айрилгай бегидин, бег неким, султонидин.

Ёр пайғоми не осиг ўзгалар таҳриридин,
Жон қачон бергай Масиҳ алфози эл тақриридин.

Руқъаси гар барча қатлим ҳукмидур хушдурки, бор
Қатл ҳукми ҳирзи жон Исодамим таҳриридин.

Кимки кўрса, ваҳки, махфий ишқим ўтин фаҳм этар,
Руқъасин очиб ўқурда ҳолатим тағйиридин.

Номасин очқанда юз девоналиғ қилдинг дема,
Ким хабар йўқтур манга, биллаҳ, аларнинг биридин.

Не фусун қилмиш эди билманки, йўқтур ақлу ҳуш,
Нотавон кўнглум аро алфозининг таъсиридин.

Руқъадур чарх чирмашлиқки, мазмун суратин
Ҳеч ким фаҳм этмади унвонининг тасвиридин.

Ҳар не ёзмиш оллинг килки қазо кўрмак керак,
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас Тенгрининг тақдиридин.

Келки, васлингдин ҳазин жонимни хурсанд айлайин,
Сен жигар парголасин бағримға пайванд айлайин.

Чок этиб кўксумни маҳв айлай сени бағрим аро,
Неча бу уммид ила кўнглумни хурсанд айлайин?

Кўзда мардум бўл, кўнгулда жон ерин тут, ваҳ неча,
Кўзни муштоқу кўнгулни орзуманд айлайин?

Юз бало солди кўнгул бошимға, они, эй рафиқ,
Кўйки, тишлаб-тишлабон парканд-парканд айлайин.

Не ачиғланмоқдур андин, не чучук сўз, эй кўнгул,
Хоҳ аччиғ йиғлайин, хоҳи шакарханд айлайин.

Гулшани васлин тилар жон, ер қуйи, жисми заиф,
Неча қудсий қушқа мундоқ торни банд айлайин.

Дер Навоий, Вомиқу Мажнундек ўлғил, ваҳ, не навъ
Куч била ҳуш аҳлиға ўзумни монанд айлайин.

Масиҳодин лабинг афсаҳ, қуештин оразинг аҳсан,
Қуёшингга фалак ҳайрон, Масиҳингга қуёш маскан.

Кўзумда гарди майдонинг, танимда нақди пайконинг,
Анга кўз мардуми хозин, мунга жон кулбаси махзан.

Ясармен юз мақолат, ваҳ, бўлур кўргач ани ногаҳ,
Кўзум ҳайрон, таним ларзон, эсим волиҳ, тилим алкан.

Шикебу сабр уйин буздики, рухсоринда кўргузди
Хатидин нур уза зулмат, юзидин ўт аро гулшан.

Тўкарсен қон кўзунг бирла, берурсен жон сўзунг бирла,
Ажойиб зуфунунесенки, ҳар фан ичра сен якфан.

Маломат тоши доғидин ёруди ишратим шамъи,
Ажаб гўгурд ўтидин айладим бу шамъни равшан.

Ясарда сунъ меъмори фалак ғамхонасин гўё,
Ки қилди дарду ғам кирмакка ҳар кавкабни бир равзан.

Сен истаб Хизр умри, турфа буким, гунбади хазро
Юзига тун қаросин суртубон айлар санга шеван.

Навоий, асрабон тамкин, кишидин истама таҳсин,
Чу шаҳ кўргузди истиҳсон, кўруб назмингни мустаҳсан.

Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин,
Магар паргор қилди булбули саргашта минқорин.

Қазо машшотаси парвоналар жисми кули бирла
Ҳамоноким, ёрутди шамънинг миръоти рухсорин.

Дегин, Мажнун қаро жонидин узган риштасидиндур,
Ки сунъ илги мутарро қилди Лайло зулфи зуннорин.

Магар Фарҳод жонидин сизиб қонидин этти ранг
Қадар суратгари Ширин лаби лаъли шакарборин.

Тарозу барги гул, ип риштайи жон, тош лаъл этти
Чекарда хозини ҳикмат лабинг ёқути миқдорин.

Қароғларим эмастур, балки топқач кўзга қоқмишмен,
Итардин ваҳм этиб, рахшинг ситомин, балки мисморин.

Аёғинг кирпигимдин оғриған бўлса, ёриб кўксум
Исиқ қонимға қўйким, ул ҳино-ўқ чексун озорин.

Харобот аҳли уру доғ, дерким, куйдурунг, соқий,
Даво йўқ сирмабон қочмоқдин ўзга шайх дасторин.

Магар бўлди қуюн туфроғ ила ел, май, су бирла ўт,
Ясарда масти саргардон Навоий хилқати зорин.

Рашкдин дерменки меҳр итсун сипеҳр айвонидин,
Бори итқай соя айвон ичра онинг ёнидин.

Кўксума урмоққа олған тошқа ўқи тегди, лек
Қилди кул жисмимни ўтким, секриди пайконидин.

Оташин очилди ичкач боғнинг оқ гуллари
Ашк ила ҳар қатраеким, борди бағрим қонидин.

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушти акс,
Баски, дур сочилди ер узра кўзум Уммонидин.

Дема нолангдин юмулмас кўзларимким, тонг эмас,
Келмаса беморларға уйқу ит афғонидин.

Меҳрнинг эрмас шафақ ичра шуоий хатлари,
Ҳажр зулми қон тўкар ҳар шом анинг мужгонидин.

Жон олур лаълим ҳадиси, деб мени қўрқутмағил,
Ким бу бир сўздурки, айтурсен Навоий жонидин.

Кўрубмен кирпигинг боштин-аёғ тешкан кўнгул ҳолин,
Қушедурким, тириклай юлмиш ўлғайлар пару болин.

Экиб тухмини андоқким очилғай бўстонафрўз,
Очар хуноба кўз боғида эксам донаи холин.

Жамолин ваъд агар дебмен, кўп этма, эй араб, ҳайрат
Юзи айнин кўруб ҳар ён назар қил зулфдин долин.

Танимником, қуруптур хомадек нол ўқларингдиндур,
Қалам қилсанг қил, аммо ташлама ҳар ён чекиб нолин.

Бу мажнун қатлин ул тифли париваш истамас бўлса,
Недин тошлар била қасдимға солди шаҳр атфолин?

Ғамин кўрманг бало тоғида лаъли шавқидин жонни,
Ки ҳар бир тошидин сотмас абад умриға мисқолин.

Чу бўлмас шамъсиз парвонаву гул бирладур булбул,
Фироқ ўртар кўнгулни чун кўрар васл ичра амсолин.

Сабухий жом ила хушмен, нечук хуш бўлмағай улким,
Мунунгдек ахтари фархунда қилғай субҳ анинг фолин.

Жавод илгида пири дайрнинг май заврақин кўрсун,
Бировким, кўрмамиш дарё ичинда жунг тимсолин.

Шаҳ эғнида мурассаъ тугмалиг хилъатқа бермасмен,
Йиғочлар бирла оллин теврабон кийган фано шолин.

Навоий, истасанг кўйин, итига ошно бўлғил,
Ялинған янглиғ ул ит ошноға, сен анга ёлин.

Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин,
Ясанг қабрим уза миле, бўянг гулранг қонимдин.

Кўруб тумордек чирманмоғим ҳажрида раҳм этмас,
Ки гофилдур ичимда ҳар тараф доғи ниҳонимдин.

Қуруқ тандинки, қилдинг шарҳа-шарҳа, нола тортормен,
Не тонг важд ўлса элга дам-бадам найдек фиғонимдин.

Алифсиз жон киби йўқ ул паридин ўзга мавжуде,
Ҳазин жонимда то ҳижрон хаданги чиқти жонимдин.

Кўрунуб зулфининг тори, кўрунмас заъфдин жисмим
Нединким ул тавонороқдурур бу нотагонимдин.

Кўнгул, кўз ўту селидин келиб ҳолим кўра олмас,
Малойик равзанимдин, бал халойиқ остонимдин.

Эрур қотилдин этмак орзу жонбахшлиқ расми,
Умиди меҳрибонлиғ боғламоқ номеҳрибонимдин.

Мени уйқуға солмиш даҳр боғининг насими, ваҳ,
Не гул тергаймен ушбу тушта кўрган бўстонимдин.

Навоий, билки топмишмен нишон мақсуддин бешак,
Ўшал кунким, нишоне топмасанг истаб нишонимдин.

Согинманг соя ғам шоми малул эрмас фиғонимдин,
Босиб ўлтурмасам, юз қатла қочқай эрди ёнимдин.

Учуқ захми лабингда билгурур-билгурмасун кўрдук,
Нишона кимки истар жон аро доғи ниҳонимдин.

Балийят шоҳиди гулгуна қилса бас муносибдур
Момуғларким, яра оғзида гулгун бўлди қонимдин.

Ичимда баски, тўлди новакинг ҳар ён алиф эрмас,
Ки рағлардек ўқунг билгурди жисми нотагонимдин.

Кўз ичра уйқу хайли гар кира олмас, ажаб эрмас,
Ки холи турфат-ул-айне эмас ашки равонимдин.

Дема ровий: «Эрур Фарҳоду Мажнун қиссаси муҳлик».
Ани алқисса бир долу алиф бил достонимдин.

Юзумни, эй баҳори ҳусн, қон ёш ичра кўргулким,
Юзунг шавқида не гуллар зуҳур этти хазонимдин.

Улус таклифидин кўп хаста қилдим жонни, ваҳ эмди,
Яқиндур ўлгамен, баским, хижилмен хаста жонимдин.

Навоий, вақтни тоатқа ё ишратқа сарф этким,
Согинсам ўртанурмен тийра ўтқарган замонимдин.

Меҳр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин,
Ўртанур мунглуғ кўнгул бемеҳрим истиғносидин.

Эй мусулмонлар, нетиб сўрмоқ таманносин қилай,
Менки бир сўкмак тилаб топман лаби гўёсидин.

Қадди раъносидин элга жилвайи васлин нетай,
Чун менга йўқ жуз дур бўлмоқ гули раъносидин?

Еткуруб элга лаби жонбахшидин қути ҳаёт,
Жуз ўлум ҳукми манга йўқ лаъли руҳафзосидин.

Тонг ели, тунд эсма ул ёнким, уюмайдур кеча
Итлари фарёдию ушшоқининг ғавғосидин.

Қон ютармен дурди соғар шавқидин, эй пири дайр,
Соғаре бер, муғбача лаъли қадаҳпаймосидин.

Эй Навоий, шукр қил зулм этса ул султони ҳусн,
Ким қаю қул сенча топти тарбият мирзосидин.

Тўла қондур кўзумнинг ҳалқаси то қолди ёримдин,
Магар тушмиш қораси тоза доғи интизоримдин.

Кавокиб демагил, гардун кўзи гўё ёшармишдур,
Тутундинким, чиқар гардун сари шамъи мазоримдин.

Ярамға ҳеч марҳамдин етишмас онча роҳатким,
Чиқариб тил итинг қонин ялар жисми фиғоримдин.

Мен ул ой рашкидинким, эл кўрар, туфроғ агар бўлсам,
Кўрар эл кўзларин кўр айла, эй гардун, губоримдин.

Эгармас кўк ҳисори давриға турки фалак кўргач,
Эвурмак ашҳабин бир хишт уза чобуксуворимдин.

Эрур қонлиғ кўнгулда кўзларинг, ваҳ, турфадур асру,
Ки чиқмаслар даме ул икки жайран лолазоримдин.

Ичиб гар тутмасанг эрди қадаҳ, эй нўшлаб соқий,
Не имкон эрди қутқармоқ мени муҳлик хуморимдин.

Мени ёзғурмангиз қилсам сабуҳийким, азал субҳи
Чиқиптур ихтиёр илгимдину иш ихтиёримдин.

Иноят ёмғури оллида дафъи саҳл эрур, гарчи
Ёғар идбор гарди, эй Навоий, рўзгоримдин.

Мени заифни саргашта айлади гардун,
Шитобу давр ила хошокни нечукки қуюн.

Туташти телба кўнгул ул пари узоридин,
Бу ўтни гул соғиниб, ваҳки, куйди ул мажнун.

Хубоб ончаки Жайхун уза эрур мумкин,
Тасаввур айла кўзумнинг хубобидин гардун.

Юзунг шаҳидлари туфроғин совурмиш ел,
Буким булут кўрунур кўкта ҳар тараф гулгун.

Не айб, шодлиғ ашким кўп оқса васлингда,
Баҳор фасли бўлур чашмалар суйи афзун.

Қадингга сарв бош индурмамиш эмас акси,
Ки даҳр адаб қилур ани солиб су ичра нигун.

Ушотиб ўқини маҳзун кўнгулни синдурманг,
Ки эв шикаст топар ҳар қачонки, синди сутун.

Ер остидин куп ила лаълни чиқар, эй муғ,
Ки борди ер қуйи чун сўз эшитмади Қорун.

Фам ўлтурур мени, қўй панду бир қадаҳ берким,
Қилур бу заҳрни тарёк дафъ, йўқ афюн.

Навоий, истар эсанг салтанат, фано бўлким,
Жаҳон забунунг эрур, бўлмасанг жаҳонга забун.

Елга берди куйдуруб ул гул таним хокистарин,
Оташин гул ҳажри совурған киби булбул парин.

Англаман булбул қизиқ кўнглимудур, ё атр учун
Гунчасидин гул мураттаб қилди ўтлуғ мижмарин.

Барги гулдур, йўқса булбулнинг туташмиш ҳар пари,
Баски, ёрутди сабо гул мижмарининг аҳгарин.

Гул эмастур, балки булбул ошёнин ўртаган
Ишқ ўти бил, кўрсанг онинг даври лавни аҳмарин.

Қўй гулу булбулни, гулгун май тўла тут булбула,
То ўқуй булбул мақолотин очиб гул дафтарин.

Даҳр боғида гулу булбулға йўқ баргу наво,
Солмади бу ғуссадин наргис иликдин соғарин.

Соқийё, ҳайвон суйин мамзуж қилсанг ичмагай,
Гар Навоий топмаса май ичра лаълинг жавҳарин.

Нихон ишқингки кўнглум ичра тушти юз шарор андин,
Нихоний доғлар қолмиш ичимда ёдгор андин.

Муқаввас қошларингнинг нақшидин гирён кўзум бўлмиш
Булутдекким, бўлур қавси қузаҳлар ошкор андин.

Бўлуптур сарвинозим ҳусн шамъи, бошида анинг
Бўрк зар риштаси улким, ёнар бир неча тор андин.

Бузуғ кўнглумки атрофида ул юз шавқидин қондур,
Эрур вайронаеким, лолалар бутгай баҳор андин.

Не кирпичлар экин улким, тахайюл айламак бирла
Бўлур жисм ичра ҳар дам жоним андоми фиғор андин.

Қади нахлидин ўлсам, дўстлар, будур васиятким,
Бошим узра экиб сарве, қилинг мили мазор андин.

Жафодин юмса кўз таскин топар кўнглум ўти, гўё
Қарори йўқ кўзи ҳар дам олур сабру қарор андин.

Жаҳон баҳри эмиш муҳлик, туман минг шукрким, гарчи
Кўп урдум даступо, туттум валеқ охир канор андин.

Навоий янглиғ ўлмиш хонақаҳ аҳли сурук мажнун,
Магарким сархуш ўтмиш ул пари девонавор андин.

Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен,
Тоза юз минг доғ ила ул қулланинг қаплонимен.

Ламъаи рухсоридин парвонадек куйсам не тонг
Менки, йиллар ул малоҳат шамъи саргардонимен.

Хуснунга ҳайрон эсам, келмас улус ҳайронлиғи,
Кимки ҳайронинг эмастур, мен анинг ҳайронимен.

Мен ўлар ҳолатдаву жон қасди айлар ул пари,
Одамийлиғ кўрғузурким, бир нафас меҳмонимен.

Гар кўнгул бузди мени, ёр эрди боис шукрим,
Чуғзнинг йўқ, бир малоҳат ганжининг вайронимен.

Дайр пири тутса май, нўш этсам эрмас айбким,
Заҳр агар ич дерким, онинг бандаи фармонимен.

Телбаликдин ақл сори истамиш зоҳид мени,
Эй Навоий, мунча нодон билмас эрдим они мен.

Субҳи васлин элга кўргандин паришонмен бугун,
Шоми ҳажрин улки нафй эттим, пушаймонмен бугун.

Субҳи васл ул, шоми ҳижрон бу, мени саргашта, ваҳ,
Найлагаймен деб, ўз аҳволимға ҳайронмен бугун.

Қайда билгаймен висол аҳли нишоту айшини
Менки, зору мубталойи дарди ҳижронмен бугун.

Доимо меҳмоним эрди ёр кўйи итлари,
Жамъ ўлуптурларки, мен бориға меҳмонмен бугун.

Парлар ўрниға балийят ўқларининг захмидур,
Менки парсиз қуш киби ҳажрингда урёнмен бугун.

Соқиё, бир май била ваҳмимни камроқ айлаким,
Шоми ҳажр осибидин беҳад ҳаросонмен бугун.

Чун хаёли меҳмонимдур Навоий, не ажаб,
Гар тахайюл шахсидек кўзларга пинҳонмен бугун.

Фироқинда кўзумдин йиғламоқ бўлғайму кам бир кун,
Кулуб киргайму вайрон кулбам ичра ул санам бир кун?

Малойик, тарқашингким, ул қуёш ҳажринда қўрқармен,
Тешиб ўтгай фалакни оҳим ўтидин алам бир кун.

Ҳарими васлиға маҳрамлар, охир шукр этинг, кулманг,
Мени маҳрум дебким, мен ҳам эрдим муҳтарам бир кун.

Фасонам ёзғучи, билким, битик узра сочар кулдек,
Куюб сочилғуси коғазга илгингдин қалам бир кун.

Эмас ғам шоми анжум, қатралар оҳим тафидин бил,
Не тонг кун кўзгусин гар тийра қилса ушбу нам бир кун.

Эшитгим, телба ит кўйида қатл айлар эмиш, айтинг,
Ким ул кўй итларидин эрди бу девона ҳам бир кун.

Талаб даштида йиллар пўя айлаб, ваҳки, то етгим
Ҳарими васлиға дерким, бўлур тавфи ҳарам бир кун.

Кўнгулдин тавба қайдин рафъ қилмас хонақаҳ шайхи,
Магарким, дайр пири зоҳир эткай бу карам бир кун.

Навоий, руҳпарвар нуктаву муҳлик тажарруддин
Ажаб, гар қўймағай кўкка Масиҳодек қадам бир кун.

Жамолинг шавқидин ғам шоми куймак ибтилосидин,
Кўзум шамъи кул айлаптур аён қонлиғ қаросидин.

Фироқингда туган узра туган қўйдум, не ҳосилким,
Манга ун бўлмади ҳосил, бу икки тош аросидин.

Қуёшни Юсуфум байъига бермак бор эса мумкин,
Дегаймен тангаи байъонадур, эрмас баҳосидин.

Чекай ишқинг юкин деб, хаста кўнглум қон ютуб ғам ер,
Не қувват касб эта олғай бу шарбат, ул физосидин.

Жафоси тиргузур элнию мен бу айшдин маҳрум,
Мусулмонлар, билингким, ўлгум ул кофир жафосидин.

Эрур мажнун кўнгулда юз гириҳким, не сабабдиндур
Мусалсал қиссалар эл ичра зулфунг можаросидин.

Хумори ҳажрдиндур тийра кўзу кўнглум, эй соқий,
Ёрутқил ҳам жамолинг шамъидин, ҳам май сафосидин.

Гар ўлсам, дайр пири боғла белим зуннор ила маҳкам!
Манга тобутпўш айлаб фано дайри палосидин.

Адам фаршида то қўйди фано тоши уза бошин,
Навоий ор этар ер натъию кўк муттакосидин.

Манъ қилмас ашк лаълингдин туташқон жон ўтин,
Паст не навъ айлағай дарё суйи маржон ўтин.

Улки айтур ҳажр таскини учун доғ ўртагил,
Кўрмамиш боштин-оёғим ўртаган ҳижрон ўтин.

Ишқ даштининг самумидин гумон эткай қуюн,
Водийи ҳижрон аро кўрган бу саргардон ўтин.

Бул-ажаблиғ ишқ аро кўргилки, кўнглум чекса оҳ
Заҳми оғзидин мушаъбиддек сочар ҳар ён ўтин.

Оташин гулдин қизармиш боғ ёхуд андалиб,
Урди гулбунларға гул ҳижронидин афғон ўтин.

Чарх уза эрмас шафақким, ўртанурга аҳли дард
Тез этар ҳар тун қазо оташгаҳи даврон ўтин.

Эй Навоий, ҳар насим ул гул ҳарими тавфидин,
Ким етар равшан қилур кўнглумдаги ҳирмон ўтин.

Сиришк қонин аёғинг учун ҳино қилайин,
Қабул тушса қароғим эзиб қаро қилайин.

Ақиқи лаълингга жон жавҳарин нисор айлай,
Саводи холингга кўз мардумин фидо қилайин.

Қаро менгинг била қаддинг хаёли келса, ватан
Мунга кўз ичра ясай, анга жон аро қилайин.

Қадингки соя солиптур, улай анга, яъни,
Ки ишқ илмин алифбедин ибтидо қилайин.

Лабини қасдима тишлар, юзига телмурсам,
Боқиб туруб неча ўз жонима жафо қилайин.

Кўнгул қушиким эрур жилвағаҳи гулшани қудс,
Бу домгоҳда недин ани мубтало қилайин.

Навоиё, ғамим аҳли вараъдин ўлмади кам,
Қўй эмди майкада пирига илтижо қилайин.

Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух суратин,
Гўё беганмай ташламиш тарҳ айлаб ой, кун ҳайъатин.

То жилва қилди ул санам, Лайло сўзи бўлди адам,
Савдом ўти чеккач алам, паст этти Мажнун шуҳратин.

Рухсор очиб ул сиймбар, қоматни айлаб жилвагар,
Уздию кесди сарбасар гул рағбатин, сарв улфатин.

Кўнглум юзунг бечораси, жоним лабинг хунхораси,
Сўр, эй жаҳон айёраси, гоҳе аларнинг ҳолатин.

Тақво эви ҳамвор эрур, субҳам ипи зуннор эрур,
Уй кулбайи хаммор эрур, то кўрдум ул Чин луъбатин.

Жаннатқа қилмасмен нузул, ул кўй аро топсам вусул,
Дўзахни айлармен қабул, аммо йўқ онинг фурқатин.

Айлаб салосил орзу, ортар жунунум мў-бамў,
Ногаҳ насими мушкбў еткурса зулфунг нақҳатин.

Иш сиррин оё ким билур, кимдин бу мушkil очилур,
Ваҳким, бу ғам муҳлик қилур, ҳар лаҳза кўнглум ҳолатин.

Бўлгил, Навоий, рў ба раҳ, қилгил фано кўйин панаҳ,
Тарк айла зуҳду хонақаҳ, қил дайр пири хидматин.

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВАЛОҲИЯТАФЗОЛАРИНИНГ
ВАҚОЙИИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

506

Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадур аҳли вафо асру.

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркиним,
Бу эски тоқ аларға ёғдурур гарди бало асру.

Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдур,
Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд,
Ки оламда оғирдур ушбу жавҳарға баҳо асру.

Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим
Вафо, астағфируллоҳ, қилган эрмишмен хато асру.

Ризо аҳлин сиёсат тигидин қўрқутмағил, эй шаҳ,
Ки қатлингдин сенинг қўрқарға ўлмайдур гадо асру.

Табиат чоҳидин руҳунгни қутқарким, хуш эрмастур
Қафас қайди аро булбулға бўлмоқ мубтало асру.

Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин,
Бу ранжимға ҳамоно нафъ этар жоми фано асру.

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.

Ёр мустағнию муҳлик ғами ҳижрон асру,
Оҳким, қолмишам ўз ҳолима ҳайрон асру.

Рахналар солди ўқунг касрати кўнглум уйига,
Ул ёғин айлади бу кулбани вайрон асру.

Эй рафиқ, ўқини захмимдин агар чектинг, лек
Етадур жонима кўнглумдаги пайкон асру.

Шайх таклифи намоз этти, вале билмаским
Ишқ тийғи ярасидин борадур қон асру.

Ноз этиб ғамза ўқин гар отар, эй жон, асра,
Ким отар ғамза ўқин ноз ила жонон асру.

Ғусса жомики бу давр ичра лаболабдур, ани
Ваҳки, бот-бот тутадур соқийи даврон асру.

Эй Навоий, дема иқболи бақо мушкил эрур,
Фоний ўлғанға эрур ушбу иш осон асру.

Юзунгда май гули ё гул очилган бўстондур бу,
Гулунгда қатра хай бўстондаги судин нишондур бу.

Кўзумда қатра қонлар боғлаган эрмас ҳамоноким,
Назар боғида шавқингдин очилган арғувондур бу.

Эмас васлинг тилаб учқан кўзум атрофида кирпик,
Ким ул дарёи қушларға қамишдин ошёндуру бу.

Кўнгулдин чиққон оҳим айлар афзун халқ савдосин,
Ки шайдолиғ диёридин етишган қорвондур бу.

Қизил рағлар кўзумда кўрган анғлар ашқ селинким,
Оқарға келган ул йўллар била ҳар сори қондур бу.

Лабиндин хастадур кўнғлум дам очма, эй Масиҳ, ўтким,
Иложин юз сенингдекнинг беганмас нотагондур бу.

Қуюндек дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар дам
Бошингга эврулуру сарғаштаи бехонумондур бу.

Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидинким,
Мунга Рух ул-аминдур ул, анга дор ул-амондур бу.

Дема, ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим,
Ул ой фарёдинга етмас, Навоий, не фиғондур бу.

Ҳажрида кўнглумга бор ул лаъли сероб орзу,
Не ажаб махмур қилса бодайи ноб орзу.

Ул пари мажнуни ўлдум бу сабабдинким, эрур
Зулфининг занжиридин бўйнулга қуллоб орзу.

Лаълидин беҳуш бўлмоғлиқ ҳавасдур жонима,
Кимга ваҳким, бўлмағай мундоқ шакархоб орзу?!

Иттим оғзин истабон мен, йўқ таманнолиғни, вой,
Ким адам йўлида гум қилди бу ноёб орзу.

Қўрдум ул бут қошлари, кофирмен ар исломи бор —
Каъба аҳли қилмаса бу навъ меҳроб орзу.

Фақр кўйининг қора шоли била гулхан кулин
Топқали, биллаҳки, қилман кишу синжоб орзу.

Гар Навоий тарки ишқ этти ҳавас, ўлтурмаким,
Чин эмастур, айламиш бу ишни ўйнаб орзу.

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,
Ё оқар меҳр чашмасидин су?

Қолди холинг тер остида, ёхуд
Дамин асрар суға чўмуб ҳинду?

Тердин ул юзга бўлмиш ўзга сафо,
Қатрадин гарчи тийрадур кўзгу.

Гулда шабнам ажаб худ эрмас, лек
Ойда анжум ғариб эрур асру.

Сенда тер, менда ашқдур юз уза,
Йиғласам мен, санга келур кулгу.

Уёлиб тер оқизди анжум эмас,
Шоми ҳажрида торами мийну.

Дер Навоийки, ғайр эмас мавжуд,
Турфа сўз «ло илоҳа илло ҳу».

Сели ашким бирла тутмиш жумлаи оламини су,
Жумлаи олам неким, бу нилгун торамни су.

Айлагандек мардуми обий бурун кўз мардумин,
Эмди ул навъ айламиш хайли бани Одамини су.

Баҳри ашким еткурур ҳар дам қуёшқа бир ҳубоб,
Ўйлаким, еткурди Кайхусравға жоми Жамни су.

Захмим ичра қолди пайкониинг, не янглиғ буткай ул,
Чунки қўймас ёраға ёпушқали марҳамни су.

Истангиз кўнглумниким, саҳрода ашким селидин
Қайда солди эркин ул бемори девонамни су.

Даврдин ғамгинмен, эй соқий, қадаҳ селини қуй,
Бўғзума то элткай кўнглум уйидин ғамни су.

Эй Навоий, ўйла назм эттинг бу дурри обдор,
Ким ажаб йўқ рашҳасидин гар тутар оламини су.

Белингу зулфунг хаёлин шарҳ этармен мў-бамў,
Ташнадурмен лаълингга то бордурур жонимда су.

Орзу айлар лабинг оллинда жон бермакни Хизр,
Хизр суйидин ўлук умр айлагандек орзу.

Шарбати лаълинг қўюб нўш айлаган ҳайвон суйи
Бўлғай андоққим, қўюб ҳайвон суйин ичкай оғу.

Сунбулунгни қилғали ошуфта йўл топмас насим,
Баски атрофидадур шайдо кўнгуллардин гулу.

Терлаган юз қатрасидинким, юзум қонин юдунг,
Ваҳ, не дейким, ишқ аро топтим не янглиғ обрў.

Кўнглакинг лавнидин ўлдум, атридин топтим ҳаёт,
Қайси гул баргинда бор эркин бу янглиғ рангу бў.

Эй Навоий, ёр сарвақтингга етмак истасанг,
Оху ашкингдин супур вақтинг ҳаримин, балки ю.

Ул ойға не ғам, тушса бу девонадин айру,
Бўлмас зараре шамъға парвонадин айру.

Холингни тилаб руҳум агар учса эмас айб,
Бу қушқа таҳаммул қани ул донадин айру?

Меҳнат қуши кўнглум уйидин чиқмаса тонг йўқ,
Ким кўргани бор чуғзни вайронадин айру?

Андуху хирад қасдим этар, войки, меҳнат
Ўздин манга айрудуру бегонадин айру.

Қиссамни эшиткан ўладур, ишқ аро, ваҳким,
Эрмас ул огир уйқу бу афсонадин айру.

Туфроғ агар бўлса таним дайрда қилма,
Эй чарх, ани соғару паймонадин айру.

Масжидда Навоий гар эмас, нукта будурким,
Нуқсон қилур ўлмоқ анга майхонадин айру.

Тутқали ламъайи рухсориға жонон кўзгу,
Судурур баски қолиптур анга ҳайрон кўзгу.

Чарх золи санга машшотадурурким, бўлмиш
Анга гулгуна шафақ, меҳри дурахшон кўзгу.

Не қатиқ кўнгли бор оёки ўшул маҳвашнинг,
Рўбарўйиға келур ҳар нафас осон кўзгу.

Жон эви ичра ҳаёлингни безар бўлса кўнгул,
Пари ўлур тароғ ўқунгнунгу пайкон — кўзгу.

Ул пари юзига девона гар эрмас, не учун
Бўлди бозорда саргаштаву урён кўзгу.

Соф қил сафҳайи хотирни тилар бўлсанг файз,
Акс топмоқ, гар эрур тийра не имкон кўзгу.

Кўзгудек борса Навоий ўзидин не тонгким,
Айлади май қуёшин соқийи даврон кўзгу.

Сочти тердин гул уза ул сарви гулрухсор су,
Куймагим дафъиға қилди ўт уза изҳор су.

Юзда хай туғёнидин гар кулса оғзи йўқ ажаб,
Гунчаға бўлмас очилмоқ, ичмайин гулзор су.

Тийғи бот-бот захм урардин зор жисмим қилди заъф,
Замзам ўлсунким, кўп ичса еткурур озор су.

Ёр аёғи туфроғидин ўзга кўрман доруе,
Эй муолиж, кўзларимдинким келур бисёр су.

Меҳрким, ул чеҳра аксидур недур, гар бўлмамиш
Ўтлуғ оҳим шуъласидин гунбади даввор су.

Гам ўтидин, эй ҳаким, ўлмак тилармен, жомима
Заҳр қўшсанг қўш, валекин қотмағил зинҳор су.

Хаста кўнглум оғзи захми пахталиғ пайконидин,
Бор анингдекким, момуқ бирла ичар бемор су.

Шаръдин айру риёзатдин сафо касб айлаган,
Ўйладурким соф ўлур таскин била мурдор су.

Тўрт ёндин ўқи йўл қилмиш Навоий кўнглини,
Ишқ савдоси учун гўё ясаптур чорсу.

Солса зухдунг тунига жоми ҳилоли партав,
Субҳа анжумларин эт бода қуёшига гарав.

Тийра хилватни нетай, хилват ани билки солур,
Анда соқий юзию бода қуёши партав.

Ул пари ишқида қочмоқдур ўзумдин ғаразим
Буки, ғам даштида Мажнундек этармен таку дав.

Зулфи ҳажрида дамим дуди жаҳонни тутти,
Мени савдойи ўшул зулмат аромен шабрав.

Даҳр хусравлигин улким тилади, чарх анинг
Бошига қўйди туганким, дер улус Кайхусрав.

Файз кўз тутма риёзатда тешилмай юрагинг,
Очмайин равзана уй ичра қуёш солмади зав.

Эй Навоий, хуш эрур хилват, агар бўлса киши
Дилбари бирла иков, бўлмаса лек анда бирав.

Жонда жонпарвар сўзидурму лаби хандониму,
Рухум ороми дейинму ани жоним жониму?

Кўнглум ичра нишларким, санчилибдур англаман,
Ништари мужгонидурму новаки пайкониму?

Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ экин,
Нуҳ тўфониму ашким селининг туғёниму?

Жон олурда қайсининг саъб эрканин шарҳ айлайин,
Ишқининг бедодиму, ё шиддати ҳижрониму?

Неси ул гулнинг Эрам гулзоридин ортуғ эмиш,
Жилва айлар сарвиму, ё ғунчайи хандониму?

Эйки, бердинг даҳр шўҳиға кўнгул, қатлинг учун
Ишвайи пайдосиму йўқ, офати пинҳониму?

Қатл қилдилар Навоийни, валекин билмадим,
Кўнглин олдурмоқму эрди, ё кўнгул олғониму?

Шоми ҳажр ўлтурди бу ношодни, сен шод ую,
Қайғум этти қасди жон, сен қайғудин озод ую!

Кеча гар то субҳ монеъ эрди нолам уйқунга,
Чунки бўлди дафъ ул афғон била фарёд, ую.

Бизни ҳижронингда сўнгги уйқу бости, бори сен
Кўз очиб ноз уйқусидин бизни қилсанг ёд, ую.

Сен бағоят масту усрук, наргисинг уйқу тўла,
Чунки гунчанг доғи қилди эснамак бунёд, ую.

Тун эрур кеч, тонгла топқунг уйқусизлигдин хумор,
Бир замон бошинг қўюб, эй сарви ҳуризод, ую.

Ўтти ярим кечаю яхши эмас масти хароб,
Кўз юмуб очқунча суҳбатни қилиб барбод ую.

Эй Навоий, маст бир тун кўз оёғига қўюб,
Уйғанурға ҳашр субҳин айлабон миод, ую.

Фамимниму дейин ё беғам элнинг можаросинму?
Кўнгул ҳолинму ёхуд кўнглум олғаннинг жафосинму?

Қатиқ ишқим балову шиддатинму айлайин тақир,
Йўқ эрса бениҳоят иштиёқим ибтилосинму?

Ададсиз дарду ранжим сатъб эканниму қилайин шарҳ,
Сифатқа рост келмас шавқум ошуби балосинму?

Кўнгулда васл боғи орзусинму баён айлай,
Бағирда хори ҳижрон нўгининг муҳлик яросинму?

Вафосиз ёр бепарволиғинингму сўзин айтай,
Манга жавру жафо тийғин уруб, элга вафосинму?

Фалак зулми, улус бедоди ё бир сарви раънонинг
Менинг ҳолимни айлаб беҳаво, ҳар ён ҳавосинму?

Навойи, илтифот оғоз қилди ёр, билманким,
Фироқидин шикоятму қилай, васл илтимосинму?

Назарға келгали ул икки наргиси жоду,
Кўнгулда йўқтурур орому кўзда ҳам уйқу.

Кўнгулки қайғу сипоҳи била низоъ этти,
Не шод ўлайки, кўнгулни босиптурур қайғу.

Кўзунг Хўтан кийигидур, юз узра холларинг
Магарки нофасидин мушк сочти ул оҳу.

Кўнгулни туз, тиласанг фойиз ўлса туз маъно,
Нединки, эгри эса эгри кўргузур кўзгу.

Хуш улки, дайрға борғач, қадаҳни муғбача маст
Юкунуб илгима берди чиқиб келиб ўтру.

Чу кофир урди бу янглиғ йўлумни, дин лафзин
Яна тилимга кечурсам уят эрур асру.

Навоий, ўйнади жон халқдин бурун, раҳм эт,
Чу қилди жалдлик, эмди керак анга жўлду.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ
ҲАЛОКАНГИЗЛИҒЛАРИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

521

Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи Илоҳ,
Не юздурур бу, не кўз «ло илоҳа иллаллоҳ.»

Жамолинг ойна «ваш-шамс» кўзгуси нозил,
Кўзунг қаросиға «мо зоға» сурмаси ҳамроҳ.

Тилинг ҳамеша ладуний улумиға нотиқ,
Мудом кўнглунг илоҳий румузидин огоҳ.

Қамар ҳар ой боши муъжизнамой илгингдин,
Қочиб бошини ўғурларки, бўлур ўйла дутоҳ.

Чу сен сипеҳрдин ўттунг шиҳобу ҳалқайи бадр
Эмаски, чарх чекар кеча ҳасратингдин оҳ.

Сенинг шафоатинг уммиди чун эрур мумкин,
Ғуноҳкор бировдурки, йўқтур анга ғуноҳ.

Навоий гулшанининг наргиси нужум ўлғай,
Кўз учидин анга қилсанг ҳисоб вақти нигоҳ.

Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға,
Барқ эрур ҳар ел учурған барги булбул жониға.

Гарчи шамъ ўлди шабистон зеби, кўрким, шуъладин
Тил чиқармиштур сусаб парвоналарнинг қониға.

Майки қуйғай соқийи гулрух, эрур ҳайвон суйи,
Ваҳки, офат селидур ишқ аҳли хонумониға.

Най елин Исо дами тутқилки, ул бордур самум
Ҳар нафас аҳли муҳаббат хотири вайрониға.

Бир қадаҳ май ичмади бу дайр аҳли бехумор,
То таҳаррук бўлди бу тоси нигун даврониға.

Бода беранжи хумор эрмиш фано жомиди, лек
Ичмак они келмамиш ҳар булҳаваснинг шониға.

Ҳасрат ўлтурди мени, эй муғ, кетур жоми фано,
Ким чидай олман бутундин сўнг анинг ҳижрониға.

Бўлмайин фоний, муҳаббат жомин ичмақдур маҳол,
Сабт этинг бу нуктани дайри фано айвониға.

Ком топмай кимки ҳирмон дардиға бўлмиш асир,
Истаса ҳамдурд ўлтуртунг Навоий ёниға.

Кўнгулким, васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла,
Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла.

Фиғонлиғ кўнглуму ўтлуғ дамимни саҳл тутмангким,
Олибмен ишқ иқлимини бу таблу алам бирла.

Итурдум оҳ ила ағёрни ул юз ҳавосидин
Анингдекким, киши судин кетаргай хасни дам бирла.

Қуруғ жисмимда қонлиғ захм эмастур қатъ учун ҳар ён,
Ки пайванд айланишсен ул сўнгакларни бақам бирла.

Туган бирла алифдин, эй мунажжим, ҳолатим кўргил,
Ки кўксум тахтайи рамл ўлди ҳар ён бу рақам бирла.

Кўнгул машҳудиға чун бўлди восил бўлса бўлсун тил
Агар қойил самад бирла вагар зокир санам бирла.

Таайюн хирманин куйдургай аммо барқрафторе,
Ки кўкдин ерча манзил қатъ қилгай бир қадам бирла.

Дема кўксумда эскиргай туганларким, кўзум ҳар ён
Чу тўкти қатра доғ ўлди бу сариғ сафҳа нам бирла.

Қаду зулфунг била оғзинг тилаб кўз юмди оламдин,
Навоийға тараҳхум айлаким, борди алам бирла.

Куйди кўнглумким, недин манзил эмас жононаға
Тушти ўт ганж орзусидин бизинг вайронаға.

Ул пари усрук кўзин истаб биёбон тутмишам,
Ким кийик бирла мудом улфат бўлур девонаға.

Келдиму кўрдум юзин қайтурмен эмди ўртаниб,
Шамъни кўрган нафас ёнмоқ керак парвонаға.

То манга бегона бўлдунг кўнглум ўлди шодким,
Ошнодин улфатинг кўпракдурур бегонаға.

Чархдин йиғларсен, эй кўз, билки бўлмиш еткудек
Сели ашкиндин халал бу эртаги ғамхонаға.

Эйки, истарсен бериб жон, васл топқанлар сўзин,
Сафҳаға ўт сол қачон етсанг бизинг афсонаға.

Эй Навоий, неча бағринг су бўлуб тўккунг сиришк,
Тойири давлат чу боқмас бўйла обу донаға.

Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима,
Менки ғайратдин раво кўрман ани ўз ёнима.

Захмлиқ жонимки, ишқи ўтидин хурсанд эрур,
Ўт эмас ул марҳамедурким, ёқибдур жонима.

Васлиға кўз маҳрам эрмастур, нетиб маҳрам бўлур,
Икки тардоманки, тануғлуғ берурлар қонима.

Чун етар ул ойға афғоним, эрур бу дам-бадам,
Ким чиқиб жон доғи ҳамраҳ бўлғуси афғонима.

Ақлу жондин ишқида бегона бўлдунг, эй кўнгул,
Кет Худой учун, бугундин сўнг мени ҳам тонима.

Тан уйин дард ўқи кўп захм этти, аммо шукрим,
Кирмади ношукрлуғ селоби бу вайронима.

Эй Навоий, кулди ул гул ашкима, бўлмай халос
Йиғламоқдин, ком агар будур гули хандонима.

Анбари тар истаман юз узра холинг борида,
Кам кўрунур янги ой мушкин ҳилолинг борида.

Сийми ашким итларингнинг йўлида сарф айларам,
Чун демиштурларки, қозғон дўст молинг борида!

Чашмайи ҳайвондин, эй жоним, су ичмайдур кўнгул,
Хизрваш хаттинг аро ширин зулолинг борида.

Чун вафо қилмас кишига оқибат даврони ҳусн,
Бас ғанимат бил вафо қилмоқ жамолинг борида.

Дегасен, мискин Навоий ноласин булбул киби
Эй сабо, ул гул ҳаримиға мажолинг борида.

Фамидин гарчи жон йўқ эрди танда,
Тирилдим лаълидин ўлдум деганда.

Неча боғ ичра борсам бўй топман,
Қадингдин сарв бирла норванда.

Яшурун неча кўз солсам адамнинг
Вужуди йўқтур оғзинг бор эканда.

Тилар кирпичларингни зор қўнглум,
Бўлур булбул ери доим тиканда.

Дема гул умрин оз, эй боғбонким,
Сенингдек кўпни кўрмиш бу чаманда.

Навоий гарчи ўлди лола янглиф
Эрур доғинг била қонлиф кафанда.

Нечаким шоҳ бепарволиф этса,
Керак ўксутмаса қуллуғни банда.

Кўнглумнинг оҳи қатраи хуни жигар била
Дудедурурки, айрилур ўтдин шарар била.

Лаъл узра холу хатки, юзунг кўзгусидадур,
Тўтиға ҳинду ўргатадур сўз шакар била.

Ул шўх кўнглум олди солиб жисмима шикаст
Бир тифлдекки, шохин ушатқай самар била.

Нозуклугидин эркин, ё мен ҳасудмен,
Буким анинг белин кўра олмон камар била.

Дардоки, олам аҳлида бир ёр топмадим,
Тун-кун ниёзи шому дуойи саҳар била.

Бу ғуссадин дедимки, бўлай умрум охири
Шоҳи сипехрқадр Муҳаммад Умар била.

Эл монӣ ўлса, тушти Навоий киби ишим
Мажнун бўлуб адам йўли сари сафар била.

Зиҳи ҳайвон суйидек лабларингнинг ҳасрати жонда,
Хатинг Хизрики, пинҳондур ва лекин оби ҳайвонда.

Юзунг Ҳақ нури, жисминг руҳи пок, эй руҳдек ғойиб,
Сенингдек бир малаксиймо париваш йўқтур инсонда.

Ики кўзим, аросиндин чиқиб ёш ўтти бошимдин,
Бияйниҳ ғарқ бўлган кемалардур баҳри Уммонда.

Дегайсен баҳр даврида қамишлиғ ичра ўт тушмиш,
Кўзум гирдида қон ёшким, югурур хори мужгонда.

Эмас пайкониининг равшанлиғидин бу кўнгул акси
Ҳар ўқким, ул отар, кўнглум эрур албатта пайконда.

Ўтуб йиллар, ул ой бир кунки кулбам сори йўл озғай,
Ёмон толиғдин ул кун бўлмағаймен байтул-аҳзонда.

Навоий қон ёш ичра ғарқу ёри май ичиб доим,
Дер эрмиш: зарқ айлайдур, кўрунг мен қонда, ул қонда?

Пардаға кирган киби хуршиди рахшон ҳар кеча,
Азми хилват айлар ул шамъи шабистон ҳар кеча.

Ул кулуб аҳбоб бирла субҳдек, мен шамъвор
Ўртаниб кўнглум, тўкармен дурри ғалтон ҳар кеча.

Бир қуёш ҳижронида урён таним гардун киби
Меҳр ўтидин кўргузур минг доғи пинҳон ҳар кеча.

Гаҳ-гаҳ, эй махмури хоболуд, сўр ул хастани,
Ким етар оғзиға лаълинг ёдидин жон ҳар кеча.

Носиҳо, не навъ пинҳон тоат айлайким, олур
Дину дониш нақдини бир номусулмон ҳар кеча.

Бир кеча сўргил мени андин бурунким, сўргасен,
Қани ул бедилки, айлар эрди афгон ҳар кеча.

Чек, Навоий, нола, кўз май берсуну бағрим кабоб,
Чун бўлур ул ой хаёли бизга меҳмон ҳар кеча.

Ул мусофирким, эрур барча сипоҳ аҳлиға шоҳ,
Жисму руҳи хоксоримдур анга гарди сипоҳ.

Дедилар, ул шаҳ қилур йўл азми, бу уммид ила
Кўсума тирноғлар бирла чекибмен шоҳроҳ.

Рахшининг жавлонини кўргач ер ўпсам мен заиф
Йўқ ажаб, чун ҳам бўлур эрмиш итик елдин гиёҳ.

Новаки бирла тўшук бўлган кўнгул аҳволини
Неча шарҳ айлай десам, оғзимға келмас ғайри оҳ.

Кўзда ашкимдин қочиб, кирди хаёли кўнглума,
Кўп ёгиндин йўлда эл вайрона қилғандек паноҳ.

Буки ҳажрингдин ўлубмен, бўлмаса бовар санга,
Жону кўнглумким сенинг бирладурур, басдур гувоҳ.

Келса ёрутқай сипаҳ гарди Навоий кўзларин,
Ул мусофирким, эрур барча сипоҳ аҳлиға шоҳ.

Жон олса найлай ул бути паймонгусил била,
Чун бермишам кўнгулни анга ишқи дил била.

Келди манга чу белини чектим, масалдурур,
Ким тортса бўлур, келури бўлса қил била.

Ашкимки, қон бўлуб юзум узра тушар эрур
Ёшеки, майл бор анга сариғ-қизил била.

Қадди ҳавосида лабидин роҳат истарам,
Ичсам керак мудом чоғир муътадил била.

Зулм аҳли халқ қони учун тил узатмоғи
Бор ўйлаким, сибоъ ичар суни тил била.

Кавсар майини шаҳд уза сунъ илги томизиб,
Лаълинг мухаммар айлади ул обу гил била.

Доим қошингда бўлса Навоий ажаб эмас,
Гул бирла булбул ўлса не тонг мутгасил била.

Оҳким, жон бўйнига зулфунг таноб ўлди яна,
Кеча тонг отқунча ишим печу тоб ўлди яна.

Ишқ асир эткан жунунлуғ кўнглум иши ҳар замон,
Ўтқа тушкан телба янглиғ изтироб ўлди яна.

Ганжи илм эттим кўнгул кунжин, етишкач сели ишқ,
Ҳар иморатким, қилиб эрдим, хароб ўлди яна.

Бир ўқ урди ғамзангу итти кўнгул мажнун бўлуб,
Ул бало урғанға билман, не бало бўлди яна?

Гул шабистон базмида ўт ёқти, ваҳким, ғунчадин
Барча булбул кўнгли ул ўтқа кабоб ўлди яна.

Дедилар, ул шўх ҳар дам ошуқуб уйдин чиқар,
Жон иши чиқмоқ учун, ваҳким, шитоб ўлди яна.

Эй Навоий, бир сари бўлди бу ғамлар чун санга,
Азми даргоҳи шаҳи олийжаноб ўлди яна.

Орази ёнига гул санчар жамол изҳориға,
Англатур ҳуснин ани ёндоштуруб рухсориға.

Эврулур бошиға жонлар, ваҳки, ҳар жон риштаси
Чирмашиптур гарди яздий меъжари ҳар ториға.

Сочбоғ эрмастурки, ул кофир ғилоф айлабдурур
Олам ичра куфр таъзими учун зуннориға.

Кўз дуоси чун битирсиз садқаси айлаб мени,
Тори жоним риштасидин тортингиз тумориға.

Енг била невчун ёпар оғзин такаллум ҳолида,
Лабларидин шаҳд олиб йўл очмаса гуфториға?

Барг эвурмай лавн, гул сўлмай, тўкар эрмиш хазон,
Боғлама кўнглунгни, эй булбул, жаҳон гулзориға.

Каъбайи кўйин Навоий эврулурга заъфи бор,
Бас, мададдур етса илги қасрининг девориға.

Насиҳат аҳли манга дерки, майни тарк эт, ваҳ,
Илик олиб келур, оғиз ичар, манга не гунаҳ?

Манга май ичмак эмас ўзлугумдин, эй носихъ,
Бу ишга чанг қади долу шоҳид ўлди гуваҳ.

Қилур жунуну қадаҳ манъини манга зоҳид,
Дегайму телбага бу сўзни бўлмаса аблаҳ?

Қадаҳ чароғини оллимға тутқил, эй соқий,
Ки зухд зулматида асру бўлмишам гумраҳ.

Бу шамъ бирла харобот сари бошла мени,
Ки тийра зухд туни ичра ўлмайин ногаҳ.

Бошимни пири харобот дарғаҳида қўяй,
Ки бор эшигида шоҳу гадо, гадо била шаҳ.

Навоий айтур эмиш дайр аро санам зикрин,
Бу исм зикрига ким қилса майл бисмиллаҳ.

Қил учи кўрмай оғзингдин нишона,
Анга ошиқ бўлубмен ғойибона.

Хатинг бош чеккали холинг кўрунмас,
Кўкарди чун экин, гум бўлди дона.

Баҳона қилмай эл қонин тўкарсен,
Манга еткач қилурсен бир баҳона.

Булут эрмаски, гардун юз яшурмиш,
Ки тортар шуълайи оҳим забона.

Бу жавлонким қилурсен, ваҳ, замоне,
Инон чеккилки, кўзғалди замона.

Фано аҳли сўзин кўп айла мазкур,
Ки уйқу дафъ этар ушбу фасона.

Ўтар ёринг, Навоий, арз қилким:
— Қадам қўйсанг яқиндур бандахона.

То кўрубон юзин қуёш қолғали иштиёқиға
Гоҳ бошиға эврулур, гоҳ тушар аёқиға.

Қошида холи ҳиндуйи кофир эрурки аҳли дин
Қатли учун чиқибдурур кўз сола дайр тоқиға.

Дарду балову ғуссани кўнглум аро кетурди ишқ,
Дўстларин бирав киби ким тилагай висоқиға.

Васл мени чу ўлтурур, бор санга ўлмагим ғараз,
Раҳм этиб, эй ажал, мени солма анинг фироқиға.

Пўя қилурда чобукум учти рикобида пари,
Нақш соғинма зеб учун сизған анинг жуноқиға.

Толиби фақр бор эсанг барча била мувофиқ ўл,
Сен киму эътироз ким, аҳли замон нифоқиға?!

Нўши лабинг зулолидин хаста Навоий ичкали
Чекса ҳаёт шарбатин, заҳр келур мазоқиға.

Тушти ўт кўнглум уйига оҳи дардолуд ила,
Кўзда кирпич дема бу равзан, қарормиш дуд ила.

Телба ит деб ҳар тараф йўлдин қочарлар аҳли ҳуш,
Ўт сочиб оғзим, югурсам жисми гардолуд ила.

Чарх сайр этмас, нечук субҳ истагаймен ғам тунӣ,
Жавфи чун мадрӯс эрур бу шомӣ қийрандуд ила.

Юсуфум ҳажрида Яъқуб ғам ичра, мутрибо,
Ўйламенким, хушлуғум йўқ нағмаӣ Довуд ила.

Дема ҳар дардингға айлай бир даво, қўйким ўлай,
Ким малул ўлғунгдурур бу дарди номаъдуд ила.

Шаҳ тилар давлат бақосин, мен гадо ёр оғзинӣ,
Ранжадур шоҳу гадо бир коми номавжуд ила.

Эй Навоӣ, қилдилар дунёни рад аҳли қабул,
Гар десанг мақбул ўлай, ёр ўлма бу мардуд ила.

Лабларингким, ҳайф эрур тенг тутмоқ ани қанд ила,
Синдурур юз қанд бозорини шаккарханд ила.

Токи ҳайронмен санга номус ила итмиш кўнгул,
Телба янглиғким, қочар эл гофил ўлғач банд ила.

Одам ул соатки жаннат ичра авлодин кўрар,
Не қуванғай дам-бадам сен нозанин фарзанд ила.

Қўй насиҳат, зоҳиду ўтлуғ дамимдин ваҳм қил,
Телба ит имкони йўқтурким соғалғай, панд ила.

Ҳожатингни элга арз этмакка ҳожат бўлмасун,
Хуш чиқишсанг лаҳзае бу зори ҳожатманд ила.

Лабларинг ҳажринда юз паркандким бўлмиш кўнгул,
Лаъл эрур маҳлул қон ўрниға ҳар парканд ила.

Чун Навоий кўнгли синди эмди лутфунг не осиг,
Ким ушатса шишани бутмас яна пайванд ила.

Меҳрдин дерменки, бўлсам доим ул ойим била,
Найлайинким, чарх эврулмас менинг ройим била.

Ҳажр аро мендурмену пуруҳу пурхам қоматим,
Ғам чериги хасму мен бу навъ ўқу ёйим била.

Аҳли мажлис куйдурур тилин кесиб, бошин узуб,
Шамъ даъво қилса моҳи мажлисоройим била.

Кўҳи дарду тешаи ҳижронни сўр Фарҳоддин,
Англамас Хусравки, Ширин бирладур дойим била.

Хусниға ҳар лаҳза ҳайронроқмен охир яхшидур,
Ўлмасам ногаҳ бу ишқи ҳайратафзойим била.

Бўлмайин дайри фано хаммори гар қилсам бадал,
Зоҳиди худбин ридосин бодаполойим била.

Дам-бадам мискин Навоийнинг дегил қон ютмоғин,
Эй қадаҳ, гар ҳамдам ўлсанг бодапаймойим била.

Гар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била,
Бормен, эй гул, қайдаким бўлсам, сенинг ёдинг била.

Ранг йўқтур чун қизил гулдин санга, эй андалиб,
Эл қулоғин асру кўп ёлқитма фарёдинг била.

Эйки дерсен, кўзларим кўнглунгни не навъ этти сайд,
Бир кабутар нетсун охир икки сайёдинг била.

Масжид ичра бутпараст ўлмоқ неча, эй пири ишқ,
Дин учун кирдим фано дайриға иршодинг била.

Сеҳр эрур, эй ишқким, кўнглум била пайконидин
Хирқайи жисм ичра ўту сунӣ асродинг била.

Гар итобе зоҳир этсанг ўзгаларнинг кўнглин ол,
Негаким мен хўй этибмен зулму бедодинг била.

Эй Навоий, телбалик тарк эткасен кўргач висол
Хур сийратлик, малак хўлуқ паризодинг била.

Ваҳки, ул шўх бориб, жонима ўт солди яна,
Телмуруб икки кўзум йўлга боқиб қолди яна.

Нечук ўлмай мени беморки, Исо нафасим
Кўрди ҳолимнию кўрмасга ўзин солди яна.

Йиғланг, эй шамъу суроҳийки, ўларимни билиб,
Мутриби нағмасаро навҳа кўкин чолди яна.

Заҳм истар эди кўнглум қиличидин, гўё
Илгига тийғ менинг кўнглум учун олди яна.

Ақлу дин нақди фано дайри аро кирмас эгач,
Май била муғбачалар йўлида сийфолди яна.

Сабр элин йиғмиш эдим чиқмас эгач ул хуршид
Войким, зарра киби ҳар сари қўзғолди яна.

Қўлда, эй Хизри раҳим, хаста Навоий қўлини,
Ким бу йўл пўясидин бағри анинг толди яна.

Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била,
Нақд уза мумедурурким, нақш эрур хотам била.

Ғам туни анжумни оҳим ўқлари захмиға чарх
Ул момуқлар билки, қўймишдур ясаб марҳам била.

Йиғлама, эй кўзки, бормас зулм нақши кўнглидин,
Тошда қозғон хат не имконким бузулғай нам била.

Ул алифдурким аёндур бир тарафдин шамраси,
Қадди бир ёндин осилғон мушкбў парчам била.

Шайхи ғофил кўнглин этти зарқ оҳидин қаро
Тифлдекким, кўзгуни қилғай мукаддар дам била.

Оҳким, овора бўлдум айта олмай шаммае,
Ёшурун кўнглумдаги дардимни бир ҳамдам била.

Эй Навоий, гар десангким бенаволиғ кўрмайин,
Ошнолиғ қилмағил жинси бани одам била.

Яна не ўт эдиким тушти хонумонимға,
Яна не шўъла эдиким, туташти жонимға?

Яна не барқ эдиким, тушкач ўртади хасдек,
Бир ўт шарорасидин жисми нотавонимға?

Яна не новаки мужгон эдики, қатлим учун
Тикилди кўнглума, яъники кирди қонимға.

Яна ичимга магар ишқ солди ўтки, чиқар
Шарарлари қотилиб оҳ ила фиғонимға.

Бало ўти ёнадур тўш-тўшимдин, эй носих,
Эшит насиҳату зинҳор келма ёнимға.

Сариф юзумни қизил қилмади висол майи,
Бу гулшан ичра баҳор ўлмади хазонимға.

Навоий итти қўюб ёдгор хаста кўнгул.
Дедики, еткурунг албатта дилситонимға.

Мени гадой қачон еттим эрса шоҳимға,
Юзумни ерга қўюб шукр дей Илоҳимға.

Кўрушмагимга агар бўлса мултафит, бўлғай
Висол тубийи жаннат била гиёҳимға.

Гунаҳ йироқлигим эрди, чу лутф мазҳарисен,
Иноят айлагилу боқмагил гуноҳимға.

Деди, сафарда сутун бирла боргоҳимдур
Кишики, боқти фалак бирла дуди оҳимға.

Баҳо туганларим ўлмиш висол учун, ҳайҳот,
Киши бу тухфани сотқайму ул дароҳимға.

Бузулди кўзу кўнгулдин ишим, магар тушқай
Бир аҳли дил кўзи бу ҳолати табоҳимға.

Навоиё, яна гар ёр юзини кўрсам,
Мутиу қул бўлайин бахти некхоҳимға.

Кўнглума андуҳ елидин губоредур яна,
Гўйи они кўзғаған чобуксуворедур яна.

То не гуллар очқай охир ишқ айлаб чок-чок,
Гунчадек кўнглумда буким хорхоредур яна.

Оҳ дудин саҳл туттум, оҳким, ул дуд аро
Сабр уйин куйдурғали ҳар ён шароредур яна.

То лабинг ушшоқдин жон олмоқ этти ихтиёр,
Жон берурга ҳар тараф беихтиёредур яна.

Тонг елидин бўлди гўё сунбулунг ошуфтаким,
Ҳар қаён боқсам паришонрўзгоредур яна.

Ерга сочқан тер фано даштида солик жабҳаси,
Гавҳари мақсудидин ҳар дам нисоредур яна.

Рафъ ўлуб эрди Навойининг жунуни, эй пари,
То санга тушмиш кўзи мажнуншиоредур яна.

Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумрах,
Бора олман, тура олман, не қатик ҳолат эрур, ваҳ.

Ҳажридин жонима юз бийм қолайин деса андин,
Хўйидин кўнглума минг ваҳм бўлайин деса ҳамрах.

Кўюнг уммиди, юзунг ҳасрати бирла, агар ўлсам
Ёвумай равзаға валлоҳ, тиламай ҳурни биллаҳ.

Майға машғул ўлубон ҳажрни *амдан* унутурмен,
Бузулур зор кўнгул, кирди эса ёдима ногаҳ.

Ақл таклиф қилур кўнглумаким, тарки жунун қил,
Телбадин ким бу тамаъ тутқай, агар бўлмаса аблаҳ.

Шоҳу сойилға насиб ар кўпу оздур, не тафовут,
Тенг насиб ўлди, чу туфроққа агар сойил, агар шаҳ.

Ёр ғофиллиғидин зулфида жон берди Навоий,
Сайд ўлар домда, сайёд агар бўлмаса огаҳ.

Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимға паррондур яна,
Тийра кўнглум кулбасининг шамъи пайкондур яна.

Бир пари ишқида жоннинг нуқта бирла «нун»идек,
Нотавон жонимда наълу доғи пинҳондур яна.

Баски пайконинг йиғилди, йиқти тан кошонасин,
Бу бино су касратидин, ваҳки, вайрондур яна.

Танға жузв ўлди ўқунг ул навъким, андин ани
Олмоқ анбурлар била тортиб не имкондур яна.

Эйки, кўнглумни дединг мажруҳ эмастур ишқдин,
Кўрмадинг оёки мужгоним аро қондур яна.

Чиқмишам муғ кўйидин сархуш яшун, эй чархким,
Ер била тенг қилмоғинг оллимда осондур яна.

Дашт аро Мажнунни кўрганлар Навоийни кўруб,
Қилдилар ҳайратки, не ғули биёбондур яна.

Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ,
Қуёш ҳароратидин не ажаб қурса гиёҳ.

Анинг ниҳол қади титрабон терак янглиғ,
Мен эврлуб бошиға тортибон сабодек оҳ.

Танини гунча киби тўнға чирмабон қат-қат,
Валек талфасадин гулдек очилиб гаҳ-гоҳ.

Гулобхонадағи гул киби сўлуб жисми,
Қилиб гулоб киби тернинг ўртасида шиноҳ.

Ётиб кўзи киби гулгун ҳарир уза бемор,
Валек мендек этиб сиҳҳат аҳлини гумроҳ.

Деманки, шарбат учун яхшидур чучук жоним,
Яраса садқа учун қилғасиз мени огоҳ.

Навоиё, дема невчун танинг заиф ўлмиш,
Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ.

Ҳайҳотким, бирав ғамидин зормен яна,
Фарёдким, балоға гирифтормен яна.

Эй муддайки, орим эди таъну сўкмагинг,
Фориғ дегилки, ҳар не десанг бормен яна.

Дафъ ўлмиш эрди нўши лабингдин малолатим,
Лутф айла, эй табибки, бемормен яна.

Ҳар кеча бир қуёш ғамида ғусса тошидин,
Бошдин-аёғ сипеҳрдек афгормен яна.

Суфийи ақл савмасин шукрим бузуб,
Дорулфанойи ишқда хаммормен яна.

Оғзим қуруб, дамим тутулиб, секридим, не тонг,
Ким телба чобукумга жилавдормен яна.

Ақл итти, ҳуш кетти, кўнгил куйди, чиқти жон,
Шукр эт, Навоӣки, сабукбормен яна.

Яна ҳар дам ишим сочмоқдурур кўз боғидин лола,
Ки бўлмиш лоладек қонлиғ кўнгул паргола-паргола.

Кўзунгдур фитнаву афсун саводидин қаро наргис,
Юзумдур меҳнату идбор доғидин сариғ лола.

Умидим мазраин, дедим кўкартай ашқдин, лекин
Совуғ оҳимдин ўлди ул экинга бу ёғин жола.

Шафақ ичра эмас анжумки, гардун жавфида оҳим
Ҳарорат онча кўргуздики, эрни бўлди табхола.

Маразлиқ захми кўп тандин баёне кўнглум афғони,
Бузуғдин ўйладурким, чуғз қилғай дам-бадам нола.

Деб эрдинг, жон берай ўлсанг, етишти ул маҳал, ваҳким,
Гадо султонға неткай жуз гадолиғ ўтса ҳам ҳола?

Навоий, даҳрнинг кун юзи, тун сочиға майл этма,
Ки охир умр нақдин мухтал айлар ушбу муҳтола.

Нилдин ҳар бир алиф ул маҳжабин руҳсорида,
Бир ниҳоли сарв эрур гўё Эрам гулзорида.

Ишқ султони сиёсат айлади ушшоқни,
Халқ жисмидур, сомон эрмас бало деворида.

Тоза доғедур фиғоним ўтидин бўйнумдағи
Ҳар мудаввар шакл шингарфий жунун туморида.

Тавқлар бўлмиш жели тортарға имон аҳлини,
Ҳалқалар занжири зулфунг риштаси зуннорида.

Телбалик тоғи танимдур, бош уза жўлида соч,
Ҳар бири бир нотагон Мажнун жунун кўҳсорида.

Тушса юз дастор бошдин, бош эгиндин, ваҳ, не тонг,
Ким эрур гулранг май бошида, гул дасторида.

Эй Навоий, зор жисминг нола қилмас заъфдин
Ўйлаким, суст ўлса, ун бўлмас муғанний торида.

Кўнгул қушидур анинг зулфи тобдори била,
Чибинки, боғлиғ эрур анкабут тори била.

Сипанд офат эмас, лолазор офат эрур,
Юзинда ҳар сари хол оташин узори била.

Магарки зулфида ишқ аҳлининг кўнгуллари-дур,
Не дудким, нафасимдин чиқар шарори била.

Нихоли васл анингдек қуруптурурки ани
Кўкарта олмади кўз икки жўйбори била.

Сипеҳр эмин эмас манжаниқи оҳимдин,
Ўн икки буржлуғ ушбу бийик ҳисори била.

Муваффақ ўлмаса тавфиқ ила, эмас мумкин
Ўз ихтиёрини қўймоқ ўз ихтиёри била.

Чурук сўнгакларим ўлмиш қуюн аро хошок,
Бошингга эвурладурган таним ғубори била.

Дардини жисмим аро асрай дебон тадбир ила,
Тоза доғ эрмас ўқи захмин тутубмен қийр ила.

Токи шамъи анжумандур моҳи шабгардим менинг,
Кўк шабистонидин ой ҳар тун қочар шабгир ила.

Зулфи ичра зор жисмим ҳолатин қилсанг рақам,
Эй муҳаррир, зарҳал этқайсен қаро таҳрир ила.

Ҳаддинг эрмастур дебон, ишқим, мени ёзғурмаким,
Мен ҳам англармен, вале не чорадур тақдир ила.

Ул пари зулфи саводин ёзғали бўлмиш давот
Ўйла савдойики, асрарлар ани занжир ила.

Қийр ила айланг юзумни чум қораким, умр ўтуб,
Дўст кўйи азми қилдим юз туман тақсир ила.

Ишқ шаръида Навоий қатл ила топсанг халос,
Билки, ўлмакдин қутулғандекдурур таъзир ила.

Илгин ул гул ранг этибдур лола яфроғи била,
Кафларин барги била, тирноғларин доғи била.

Риштаи зулфи хаёлидин ҳаво қилған кўнгул
Бир қушедурким, қочибдур гўйиё боғи била.

Решлар кўксумда кўр, Фарҳод баҳсин қўйким, ул
Қазмади мендек бало тоғини тирноғи била.

Шамъ ҳамдардимдурур ҳижрон туниким мен киби
Ҳажр ўтида қоврулул ул доғи ўз ёғи била.

Оташин лаълинг шаҳиди қабридин гулгун губор,
Ким қўпор, ўтдур, эмас қон ранги туфроғи била.

Бемаҳал гулбонг ила ёлқитма, булбул, элниким,
Даҳр боғи гуллари хуштур, вале чоғи била.

Лола эрмас, урди ўт гулшанға бир гул ҳажридин,
Ўртаниб ҳар дам Навоий нола қилмоғи била.

Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била
Нечукки, кўзда ёруғлуғ эрур қароғи била.

Фироқ шоми янгилмас ўқунг кўнгул йўлини,
Ки борур ул сари пайконидин чароғи била.

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул
Не воқиф анча фиғону улуг димоғи била.

Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин
Кўрунги, қовруладур шамъ доғи ёғи била.

Шаҳу улус ғамию жоми Жам, хушо улким,
Синуқ сафол ила дурд ичкай ўз фароғи била.

Хумор аро тиладим соқию қадаҳ, юз шукр,
Ки улки мен тиладим, келди ўз оёғи била.

Қучарға сарв ниҳоли бири қадингдек эмас,
Агар кетурса ани боғбон қучоғи била.

Мен масти гарқи бодамен, аксим эмас май ичра, ваҳ,
Соқийға бовар бўлмаса бехудлугум бастур гуваҳ.

Тақво ридоси бирлаким масжидға бордим дайрдин,
Эй муғбача, инак ридо бўйнулма, гар қилдим гунаҳ.

Келдим қочиб ғам хайлидин майхонаға, эй пири дайр,
Тенгри паноҳинг, гар манга хум кейнида берсанг панаҳ.

Дайр ичра сархуш муғбача динимни торож айлади,
Айб этмангиз, гар келмаса ёдимга шайху хонақаҳ.

Наззорадин ҳуш аҳлининг дастори тушмак не ажаб,
Мундоғки сархуш секритур ҳар ён саманд ул кажжулаҳ.

Тасбиҳни май раҳни қил, ҳар донаға майл этмагил,
Гар истасанг кўнглунг қушин сайд этмагай бу домгаҳ.

Май тулғининг ҳар пашшаси пиледурур хартумлуқ,
Дафъ эткали дайр аҳлиға гар чекса дарду ғам сипаҳ.

Юз бирла гар дайри фано йўлин супурсам важҳи бор,
Ким дайр пири оллида бу навъ ўлубмен рўбараҳ.

Гулхан аро остингда кул, урён бошингда ишқ ўти,
Бу навъ тахту тож ила сенсен Навоий подшаҳ.

Хуш улким, бор эди илгимда печон сунбулунг гаҳ-гаҳ,
Тутунлар чирмашур бошимға они чун соғинсам, ваҳ.

Юзунгдур поклик меҳри, кўзумдур ростлиқ айни,
Анингдек юзга мундоқ кўздин ўзга кўз, маозаллаҳ.

Кўнгул парголасидур ҳар тараф ишқингдин ўртанган
Шарарларким, чиқар оҳим ўти дуди била ҳамраҳ.

Тушумда лаълию рухсоридур, уйғатманг мени гар худ
Масиҳо бирла Юсуф бошим узра етсалар ногаҳ.

Учуб руҳум қуши ҳар дам ҳаво айлар занаҳдонин,
Анингдек қуш масалликким нишиман қилмиш ўлғай чаҳ.

Муҳаббат қўйида буким, гадо шаҳни қилур ошиқ,
Бияйниҳ бор анингдекким, гадони ошиқ эткай шаҳ.

Қазойи мо мазо чун фавти ҳол айлар, зиҳи ҳасрат,
Муваффақ улки аввалдин бўлур ўз вақтидин огаҳ.

Қалам ёзган балодин муҳтариз бўлғон, зиҳи нодон,
Муқаррар бўлмаган рўзи талаб қилғон, зиҳи аблаҳ.

Навоий дафтари ҳажринг ёзиб кўз тўкти хунобин,
Чу очсанг сафҳа-сафҳа кўргасен қон ўтканин таҳ-таҳ.

Соқиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.

Сипқариб жоми сипеҳр ақдоҳин айлай рез-рез,
Неча чеккаймен забунлуғ чарх бедоди била.

Зухд кўнглум кўзгусин қилмиш мукаддар, эй ҳариф,
Синдурурмен тавба пири ишқ иршоди била.

Бевафолиғ гар будурким, қилди ул шўх, эй кўнгул,
Сирфа қилмас ошнолиғ Одам авлоди била.

Ваҳки, синди нахли уммидим, хушо, ул боғбон,
Ким эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.

Чун ҳудий Лайло қулоғин ёлқитур, Мажнун, не суд,
Тоғни гар келтурур афғонға фарёди била.

Эй Навоий, ишқ саҳросида худ қўйдунг қадам,
То нечуклашкайсен ул поёни йўқ водий била.

Сочиb сиришк югурсам қошинг хаёли била,
Сипехр менча эмас кавкабу ҳилоли била.

Кўзунгки, мардум ила жон олур, эрур шўхе,
Ки сайд айлагай элдин кўнгулни холи била.

Кўнгулда қадду узоринг хаёлин эттим нақш,
Бу боғни безадим сарву гул ниҳоли била.

Улусни жавр ила ҳусн аҳли ўлтурур, лекин
Ҳалок этар мени ул сарв эътидоли била.

Эмас ясанғали гар солмас илгидин кўзгу,
Ки бўлди кўргали дармонда ўз жамоли била.

Хирад кўнгул сипаҳин тўқтатай деди, ваҳким,
Бузулди кирпичи хайлин кўруб ясоли била.

Қуёш сени кўруб андоқ уялди ўз юзидин,
Ки ерга кирди тура олмай инфиоли била.

Хазон каминдадур, эй булбул, ўлмағил ғофил,
Дамеки даст берур айш гул висоли била.

Мукаддар этса кўнгул шишасини зуҳд, не ғам,
Навоиё, келу юғил қадаҳ зулоли била.

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун дей олмас дардини бир йил юурса додхоҳ.

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас,
Ким балокашлик менинг хўйимдур, онинг — иззу жоҳ.

Шоҳлиқнинг даҳли йўқ ишқу муҳаббат кўйида,
Ким керак анда сариф юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвға то ўт туташқай, қул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Қаю ёреки бир ёри била жоми вафо чекса,
Вафосинда анинг йиллар бўлур, дарду бало чекса.

Мусаллам ёрлиғ ул ёрғаким, қўймағай миннат,
Гар ўз ёри учун агёрдин минг можаро чекса.

Вафо аҳли тонг эрмас кўзларига тўтиё қилмоқ,
Вужудум туфроғин гард айлабон боди фано чекса.

Қаёнким, ул сариг тўнлуқ борур мен зор эришканни
Соғинғайлар қачон қаҳбарғни бир қаҳрабо чекса.

Мусаввирким, қошинг чекти, ушатти хома нақш аҳли,
Киши даъво не навъ этгай бирав бу навъ ё чекса.

Етишқай бегумон айн-ул-яқин асрориға ҳар ким
Аёғинг туфроғидин кўзларига тўтиё чекса.

Борур кўюнгга ғам еб ўлғали кўнглум, не имкон манъ,
Кишини бир тараф ҳам ризқ чекса, ҳам қазо чекса.

Замона аҳлидин кўз тутмасун меҳру вафо подош,
Киши юз йил аларға гар вафо айлаб, жафо чекса.

Бу гулшан қушлариға бенаволиғ келтурур лаҳни,
Навоий ҳар қачон ўз гулрухин истаб наво чекса.

Не эди, эй ишқ, юз тийғи бало бир зорға,
Ҳажрдин минг заҳри қотил бир ҳазин беморға.

Ёрлиғдин эрмас эрди қатл қилмоқ ёрни,
Ул ғазабни хоссаким қилмоқ ружуъ ағёрға.

Кўнглум олди гар кўнгулсизликдин ўлса юз ғамим,
Ўйла бедилменки, дей олман ани дилдорға.

Онча пайкониғ танимдин чекти ҳарён бошким,
Саъбдур марҳам дағи ёқмоқ тани афғорға.

Кўзлари қоним тўкарлар, эй мусулмонлар, не тонг,
Кечса жонидин асир ўлган киши куффорға.

Носиҳо, гар панд эшитмон биласен маъзурмен,
Мен киби девона бўлсанг бир пари рухсорға.

Ужб ила тақводин ортуқ узр ила қилмоқ гунаҳ,
Май қаниким, ўт солай бу пардаи пиндорға.

Раҳм қил, ё Рабки, исён касратидин йўқтурур,
Онча фурсатким тилим эврулғай истиғфорға.

Эй Навоий, ҳам замондин, ҳам замона аҳлидин
Ҳар замон ғам етса юзлан кулбайи хамморға.

Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморға,
Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорға.

Ҳажри бепоён йўлин қатъ айламак душвор эрур,
Заъфдин менким юрурмен қўл таяб деворға.

Телба кўнглумнинг қушидин қону юздин заъфарон,
Қилсалар дафъи жунунум басдурур туморға.

Ишқ пайдову ниҳон ўлтурди, лекин йўқтурур
Заҳра бу ҳолимни ҳам ихфоға, ҳам изҳорға.

Зулфида мен фонию тасбиҳ ила мағрур шайх,
Субҳа торин бас, не янглиғ ўхшатай зуннорға.

Йўқ ажаб ўлсам дағи кавсар суйи бўлғай насиб,
Назъ вақти солсам ўзни кулбайи хамморға.

Зор ўлуб мискин Навоий нечаким чекти фиғон,
Қилмади ул ой тарахҳум бу фиғону зорға.

Чун куяр парвона ул шамъи шабистон ўтиға,
Англағай куймакни бир тун куйса ҳижрон ўтиға.

Ҳар дам ўртарлар мени ўтлуғ ики кофир кўзунг,
Неча куйгаймен ул икки номусулмон ўтиға.

Кўнглум ўтидин не тонг гар топса рухсоринг фуруғ,
Шўхи тарсо мусҳаф ўртар шайх Санъон ўтиға.

Оташин лаълинг гар ашкимдин кулар эрмас ажаб,
Ким кудурат баҳрдин фаҳм этти маржон ўтиға?!

Гар кўнгулнинг ошкор ўтиға таскин берса ашк,
Ким қила олғай илож онинг бу пинҳон ўтиға?!

Шуъла ул янглиғки ўртар шохни айлаб ниҳон,
Сатр келди иш бу жисми зори урён ўтиға.

Ғам туни эрмас шафақдин шуълаким маҳрумлар,
Куйдурурлар оҳдин гардунни ҳирмон ўтиға.

Лаъли кўнглум ичрадур қилма тутун, эй тийра оҳ,
Расм эмас чун уйда дуд этмак аён кон ўтиға.

Эй Навоий, давр аёғин солма қўлдин лаҳзае,
Гар десанг таскин берай ҳар лаҳза даврон ўтиға.

Бўлмағай эрди фалакнинг кинаси давронида,
Бўлмаса ялдо тун ишиқлиғим туғенида.

Тун балосидин қатикроқ йўқтурур ишиққа ҳол,
Хоссаким, бемор ҳам бўлғай муҳаббат онида.

Тийра шоми ҳажр йўқким, дўзах ўти дудидур,
Не қиёмат зормен ул ҳурваш ҳижронида.

Бийм эрурким шуъласи жаннатни доғи ўртагай,
Бўлса бир аҳгар ўтумдин дўзах оташдонида.

Гарчи ул ой кўйи ичра итларининг сони йўқ,
Мендурурменким, эман кўйида итлар сонида.

Сойил андоқким дирам узра дирам қўйғай, эрур
Доғ уза доғи гадойингнинг тани урёнида.

Май била маъшукдин ўзга жаҳонда ҳар не бор,
Топмасанг хушроқ нечаким, зор эсанг армонида.

Бўлма бўстону саро қайдида олам ичраким,
Йўқ вафо қилсанг назар олам саро бўстонида.

Шамъсиз тун бўлса, яъни соя доғи бўлмаса,
Гар Навоий бўлса бир дам дилситони ёнида.

Ишқ аро ишлар тушар эрмиш кишининг бошига,
Ким қўшар эрмиш бағир парголасин қон ёшига.

Қон лаби ҳажриндаким, юқти саросар, қилди лаъл
Ишқ бошим узра ёғдурган маломат тошига.

Қошидин нақдин ўғурларга ҳамоно бўлди хам,
Ул ёшунсун деб, тери бўркин чекиптур қошига.

Бўлди рангомизлиқ оқу қизил гулдин магар
Оразинг рангин эзарда суратинг наққошига.

Асра сийминг, эй ғаний, май берки, йўқ туфроқча,
Берса олам нақдини дайри фано қаллошига.

Остони зебиға тонг йўқ етурсам ашқу оҳ,
Гаҳ булут саққосига, гоҳе сабо фаррошига.

Эй Навоий, таън агар қилмиш сенинг ишқингни шайх,
Ўз ишинг машғули бўл, боқма анинг қолмошига.

Йўқ иложим гар мени бир жавр ила ёд этмаса,
Ваҳ, не бўлғай элни ҳам юз лутф ила шод этмаса.

Ишқ аро, эйким, дединг, ҳар лаҳза фарёд этма, вой,
Ўт туташқан чоғ бўлурму кимса фарёд этмаса?!

Носихо, ёзғурмаким зор ўлмағай кўнглум қуши,
Тенгри ул оразни гул, ул қадни шамшод этмаса.

Хўбларға чун вафо йўқ, авло улдурким, кўнгул
Ўзни ул қаттиғ кўнгуллуқларга муътод этмаса.

Яхши очилмиш баҳоринг гуллари, эй боғбон,
Ғам хазони хуштур авроқини барбод этмаса.

Ваъда васл этти, олиб жон, хўйиға йўқ эътимод,
Яхшироқдур гар бу савдо ичра миъод этмаса.

Мен вафода ўлдум, аммо ул жафода хўб эрур,
Бевафолиғ шевасин бу жониб иснод этмаса.

Бошни қутқарғай парилар тошидин ҳар телбаким,
Ёрлиғ расмида майли одамизод этмаса.

Дилбари бедодидин айлар Навоий шиква, лек
Жонға бедод айлар ул бир лаҳза бедод этмаса.

Ишқ журмидин нетиб инкор этай халқ ичра, ваҳ,
Ким эрурмен бу гунаҳ ичра бағоят бегунаҳ.

Бўлса раҳбарларнинг иршоди гунаҳдин ижтиноб,
Пири ишқ этмиш гунаҳ айларга бизни рўбараҳ.

Ишқ агар бўлса гунаҳ менмен гунаҳқор, эй кўнгул,
Тонмоғим ноҳақдурур бу ишда чун Ҳақдур гуваҳ.

Гар гунаҳдур ишқ, кош ўлса халойиқ бегунаҳ,
Мен гунаҳга қойил ўлсам кошу кўйи — қатлгаҳ.

Мен гадолиққа не лойиқ оллида, невчунки бор
Нози ҳусн айларда ул ой ҳусну ноз аҳлига шаҳ.

Ваҳки, бағримни лаби ҳажрида тийғи фурқати
Юпқа-юпқа кестию, туз септи анда таҳ-батаҳ.

Гар Навоий янглиғ ўртанса не тонг парвона ҳам,
Ким анинг ёридурур бир сарвқадди кажулаҳ.

Лаълидин бир сўз синуқ кўнглумни айлар тоғча,
Нақди жон берсам, йўқ онинг оллида туфроғча.

Равзадин дўзахқа тушканнинг ўтининг шиддати,
Йўқтурур куймакта ҳижронингда қўйган доғча.

Барги гулдек оразингнинг шавқидин тирноғ ила
Юз тараф кўксумни сўйдум, ҳар бири тирноғча.

Жисмим ўлди гулбун ул гулсиз валекин тоза доғ
Анда гулча касрати гулбун аро яфроғча.

Най кўрунди қоматингча найшакар ширину туз,
Най анинг банди белингга боғлаган белбоғча.

Соқие, кўнглумни равшан истасанг тут бодаким,
Ёрута олмас нима ул шуълани бу ёғча.

Эй Навоий, сен кўнгул боғин иморат қилки, бор
Секкиз учмоғ жанбида онинг муҳаққар боғча.

Ёр ҳар базм ичра, мен хориж мушаввашлиғ била,
Ваҳки, дохил ҳам бўла олман сабукашлиғ била.

Кирмайин базмида топсам итлари хайлиға йўл,
Шод ўлай найлай иш очилмас мушаввашлиғ била.

Жонни хушлуғ бирла ул кофирға бердим, негаким,
Ул худ олур, қолса иш олмаққа нохушлиғ била.

Эй фусунгар, қўп, магар ул васлдин қилғай илож,
Ким мени девона айлаптур паривашлиғ била.

Ким фалакнинг шашдаридин эмин ўлғай бўйлаким,
Элтадур жон нақдини, лекин бори ғашлиғ била.

Дер эсангким соя янглиғ бўлмайин туфроққа паст,
Ул қуёшқа боқмағил, эй сарв, саркашлиғ била.

Эй Навоий, шайхқа шайтон гар афсор урмади,
Бас нега доим қилур ҳазл ул узун фашлиғ била.

Баҳорни нетайин, ўт менинг баҳоримға,
Ки тушмагай назарим сарви гулўзоримға.

Юзи ўтиғаки тер шабнами қўяр юз хол,
Хазондин ўлмасун офат бу лолазоримға.

Дедингки, дайрға кирсанг май ихтиёр этма,
Қўярму муғбачайи маст ўз ихтиёримға.

Ул ой жафо тоши ёғдурмоғи била ўлсам,
Борин йиғиб тўкунгуз, дўстлар, мазоримға.

Ёпишти қўнглакима яра қонидин хирқам,
Нечукки ул ёпишибдур тани фиғоримға.

Май ўти чун гули рухсорин оташин қилди,
Анинг шароридин ўт тушти рўзгоримға.

Май интизорида қўйдум туганлар, эй соқий,
Келиб қадаҳ суйин ур доғи интизоримға.

Қўюб беҳиштни майхона сари бордимким,
Илож эмас эди кавсар майи хуморимға.

Навоий айласа булбул киби фиғон не осиг,
Чу раҳм қилмади ул гул фиғону зоримға.

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ
ЛОБАСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

573

Ул жигар парголаси ашкимни гулгун қилдило,
Шод этай деб нотаваон кўнглумни маҳзун қилдило.

Ваъда айлаб жилвасин боғ ичра андоқким пари,
Дашт уза овора қилмоғликқа Мажнун қилдило.

Деди, васлим бирла кўптин-кўп ғамингни кам қилай,
Они кундин-кунга ўксутмактин афзун қилдило.

Қутқарай деб чарх жавридин мени саргаштани,
Анжуми пайкон била жисмимни гардун қилдило.

Зулфиға ваҳший кўнгул сайдин гирифтор эткали,
Йўқ оғиздин бор эканча ҳадде афсун қилдило.

Муфлис эрдим май қилиб синғон сафолим жоми Жам,
Хотирим вайронасин худ ганжи Қорун қилдило.

Ким Навоийдин салоҳ истар, эрур ғофил базе,
Хирқау сажжодасин ул майға марҳун қилдило.

Вафо ваъда айлаб жафо айладингло,
Жафо ваъдасига вафо айладингло.

Менинг бирла юз тийралик зоҳир айлаб,
Ўкуш тийраларга сафо айладингло.

Дедингим, хатосиз отай кўнглунга ўқ,
Деб ўқ отмаган не хато айладингло.

Висолингга бегона айлаб кўнгулни,
Фироқинг била ошно айладингло.

Дединг, эй кўнгул, ишқдин урмайин дам,
Бу маънода кўп можаро айладингло.

Бурун, эй фалак, кўргузуб меҳр, сўнгра
Манга қисм дарду бало айладингло.

Навоий, кўнгулга сиёсатлар айлай,
Дебон борин охир манго айладингло.

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ
ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

575

Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингга исботе,
Жаҳон боғида ҳар гул яфроғи ҳуснунгга миръоте.

Вужуди зарранинг мумкин эмас то собит ўлмас меҳр,
Не ҳожат зарра хайлидин қуёш зотиға исботе.

Бўлуб зотингда ожиз ҳар сифат ичинда мавсуфе,
Анингдекким, қила олмай сифотинг шарҳини зоте.

Хирад зотингда ташбиҳ эткали ҳар фикрким айлаб,
Такаллум анда йўл топмай магар ҳайҳот-ҳайҳоте.

Не қаҳринг заҳридин эмин бўлуб ҳар сокини масжид,
Не лутфунг бодасидин ноумид аҳли хароботе.

Не зарра бўлса мақбулунг қуёшдин зарра қилғандек,
Қуёш ул заррадин айлаб шараф бирла мубоҳоте.

Навоий зикри отингдур, умиди улки қутқарсанг,
Ани от истамақдин, балки андинким, бўлур оти.

Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари,
Ё магарким лолазор ичра кезар кабки дари.

Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳким,
Бир йўли девоналар қониға кирмиш ул пари.

Ҳулласин хуноблиғ жон риштасидин қилди чарх,
Бўлди жонлар жони, ваҳ-ваҳ, ул париваш пайкари.

Оразинг нақшимудур қонлиғ кўнгулда жилвагар,
Ё шафақдин бўлди толиё офтоби ховари.

Ич шафақгун майки, гардун қотиледурким, эрур
Янги ой бирла шафақ тийғу либоси аҳмари.

Қон аро кўнглум юзунг шавқидин андоқ хастадур,
Ким эрур гулгун ҳарир олтида онинг бистари.

Ул пари лаълида жонинг, эй Навоий, бўлди маҳв,
Лаългун кисватда маҳв этгандек ўзни ул пари.

Сўзи ҳажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати,
Бўлмас эрмиш куйган элнинг ўт била кўп улфати.

Ашки тим-тим қонидин кулбам безанса не ажаб,
Ким эрур гул баргидин булбул эвининг зийнати.

Толпинур кул ичра мендек шуъла тортиб гўйиё,
Ким қуёшнинг жисмига ўт ёқти ул юз ҳасрати.

Лаъли серобидин ар хат зоҳир ўлмас, айб эмас,
Хизрнинг ҳайвон суйи ичкандин ўлмиш ғайбати.

Ҳар сари махфий туганлик жисм ила мунглуғ кўнгул,
Сойиледурким, эрур мамлу дирамдин қисвати.

Эй мусаввир, чекма нозир мендин ўзга зинҳор,
Дафтари ишқим аро ёзилса ул ой сурати.

Мудбире топтуқ Навоийни саломатдин йироқ,
Кўрким, ул не навъу не янглиғ жаҳонда шуҳрати.

Тавсанинг наълидин истармен бошимга афсаре,
Ҳиндудекким бошига товусдин санчар паре.

Оразингда май, май ичра оразинг зоҳир қилур,
Гоҳе ахтардин шафақ, гоҳе шафақдин ахтаре.

Базми айшин кўкка невчун чекмагай улким, анга
Тутса Рухуллаҳ дами ҳар дам қуёшдек соғаре.

Маснадим кўргилки, ҳар тун қасри тошу фаршидин,
Бошқа хоро муттакодур, танға коши бистаре.

Ваҳ, не лўливашдур ул қотилки амдан халқнинг
Қонини тўкмакка ҳар бир кирпичидур ништаре.

Оразинг васфи туганмас котиби сунъ айласа,
Даҳр бўстонида гул яфроғларидин дафтаре.

Эй Навоий, сарвдек озод бўл гар истасанг,
Гул масаллик шоҳиде, булбул киби хунёгаре.

Давлат тонги юзию сочи тонг қаронғуси,
Масти сабуҳ кўзларин элтиб тонг уйқуси.

Булбул пари эмас, гул эрур бергали жило,
Ҳар барги гулки, елдин эрур тийра кўзгуси.

Гулзор даҳр шуъбадасин гўйи англамиш,
Ичинда заъфарондин эмас ғунча кулгуси.

Бошимни юқори қила олман бинафшадек,
Кўнглумга чунки чирмашур ул турра қайғуси.

Кўз баҳри ичра шиша кийиб мардум этти ғавс,
Ёйилди ушбу важҳ ила юз сари инжуси.

Ҳолимға ҳажр базми аро тортсам суруд,
Бор навҳа мадди телба кўнгулнинг аёлғуси.

Қатлимға мужда бердию ўлтурди интизор,
Бир умрдин сўнг элга йигит ваъда бергуси.

Зоҳир айлар ашк ила оҳимни ҳажринг оғуси,
Гўйи мундоқ эснатур охир нафаснинг уйқуси.

Ҳажри бепоён, тунӣ муҳлик, жунунум бул-ажаб,
Субҳ гўё мотамим тутмишки, келмас кулғуси.

Куйдуруб жисмимни, бергайсен кулум бирла жило,
Тийра бўлса қон ила қатлимда тийғинг кўзғуси.

Мени Мажнундек тутуптур дашт демангким, бу дашт
Тоғлар эрдики, ҳомун қилди кўнглум қайғуси.

Эй кўнгул, оҳ ўқларин ул ғамзанинг оллиға чек,
Ким ўқ отмоғлиғда сендин туздур анинг қобуси.

Демангиз, ошиқ кўзига не ёруғлуғдур муфид?
Ғам куни дилбар юзи, ҳижрон тунӣ тонг ёғдуси.

Ҳажр аро тузди Навоӣй васл мулкин берди ёр,
Андоқ иш қилғанға мундин кам керакмас жўлдуси.

Ўт солур эл жониға ҳар дам совуғлуг бирла дай,
Соқий, синмас ҳаво заҳри, кетур тарёки май.

Туз шабистон ичра суҳбатким, ишорат майгадур
Шамъи кофурики, ости шуша музлар бирла дай.

Оташин май бирла, эй соқий, қизитқил базмни,
Мутрибо, ул ўтни тез этмакка ол оғзингга най.

Даҳр мушкин чун ҳаво кофури пинҳон айлади,
Бодайи мушкини кофурий мизож ичмай нетай?

Ичкали ихфо учун тун мушкини истар ҳаким,
Шукр бу кофур аро ҳам зоҳир эрмас ҳеч шай.

Ул қуёш қор узра чиққач юзум узра англаман,
Ашк ё кўз оқи су бўлуб оқарму, йўқса хай.

Илгида майлик сафол, усрук Навоий қор уза,
Эй фалак, қил жоми Жам бирла тамошо тахти Кай.

Шукри лиллоҳ, эй кўнгулким, рафъ ўлуб ҳижрон туни,
Ул қуёш юзин кўрамен Тенгрининг қутлуқ куни.

Оташин лаълинг анингдек ўртади оламниким,
Ҳар тараф бир ўт туташқан жондур анинг учқуни.

Меҳрдин рухсора сарғарған сайи саргаштамен,
Зарра саргардонлигин афзун қилур меҳр олтуни.

Боладин тим-тим қизармиш орази, ваҳ-ваҳ, кўрунг,
Ким ажаб гуллар очиптур ул малоҳат гулбуни.

Шоми ҳижрон меҳнатин шарҳ айлай олман заъфдин,
Ул қаро босқан кишидекким, анинг чиқмас уни.

Ахтаредур наҳс ушшоқи бадахтар жониға,
Улки ҳар ён илтирар ҳижрон тунининг шудруни.

Эй Навоий, демаким уйқуни туш кўргай кўзунг,
Йиғламоқ бу эрса туш кўргай магар кўз уйқуни.

Фамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим ниҳон эткай,
Мазорим лавҳи дардинг шарҳини тилдек баён эткай.

Қанотлиғ мўрдек жисмимни уй қилмиш ажал хайли,
Магар ул навъ қушлар бу бузуғни ошён эткай.

Юз очқоч эгма қаддим заъф қилди, ваҳ, не билдимким
Куёш васли янги ойимни мундоқ нотавон эткай.

Оғиз бўлди қўнгулга чокию тил анда пайконинг,
Не тонг бу тил оғиз бирла агар муҳлик фиғон эткай.

Қиличинг суйини истар қуруған нахлдек қаддим,
Ажаб эрмас қазо онинг гулин гар арғувон эткай.

Дер эрдим кўйини юй ашк ила эл захми қонидин,
Не билдимким, ҳамул эл рашки-ўқ ашкимни қон эткай.

Натижа куймагу ашкимдин ўзга топмағай, улким,
Бу гулшан шуълаву дудин гулу сунбул гумон эткай.

Тилар юз лахт қон эткай насибин даҳр деҳқони
Қаю булбулнимим, гул хони узра меҳмон эткай.

Жигаргундур Навоий жисми қон ёшдин маҳалдурким,
Қазо бу навъ лаъл учун фано тоғини кон эткай.

Сихҳатим озурда жононимда бўлғай кошки,
Дарди онинг тинмағур жонимда бўлғай кошки.

Нотавон кўргунча бистарда синондек қоматин,
Юз синон бу чашми гирёнимда бўлғай кошки.

Бўлғуча ашки равоним сели ҳар ён жилвагар,
Жилва ул сарви хиромонимда бўлғай кошки.

Кўзума гар кирпигим осибидин сунмас оёқ,
Барқи офат бу найистонимда бўлғай кошки.

Ул аёқ озурда бўлғунча бўлуб бошим фидо,
Заҳмати боштин-аёқ жонимда бўлғай кошки.

Нолам ул ойға етиб жон васлидин маҳрум эрур,
Жон дағи пайваста афғонимда бўлғай кошки.

Эй Навоий, дема розисенму умрунг истаса,
Юз менинг умрумча султонимда бўлғай кошки.

Нечаким, ул ойға мендин меҳрибонроқ йўқ киши,
Яхши то қилсам назар мендин ёмонроқ йўқ киши.

Хасталар жониға ул бемор кўздин новаке
Гар отарсен билки, мендин нотавонроқ йўқ киши.

Оҳу хунобимни лаҳну бода қилмишсен гумон,
Дилраболар ичра сендин бадгумонроқ йўқ киши.

Аҳли ишқ озори жонин истабон тишлар лабин,
Мендин ушбу қиссада, озурдажонроқ йўқ киши.

Ёр этар эрмиш ватан бехонумонлар кўнглини,
Шукр мендин кўйида бехонумонроқ йўқ киши.

Хослар васл истагайлар, ваҳки, мен девонадин
Ул пари кўйида беному нишонроқ йўқ киши.

Эй Навоий, хурдаи назмингға ислоҳ истасанг,
Шоҳи Ғозийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши.

Сенсизин базм ичра қат-қат қон кўнгул бетоб эди,
Дам-бадам жоми лаболаб чекканим хуноб эди.

Ҳар муқаннад пистаким, базм ичра эрди жилвагар,
Лаълинг оғзинг хаёлидин кўнгул бетоб эди.

Базм эди жонбахш май бирла ёруғ, ваҳким, манга
Зулмат эрдиким, ҳаётим чашмаси ноёб эди.

Ҳалқайи базм элга қайду бир мусалсал туррадин
Чеккали ул базмдин жонимда юз қуллоб эди.

Етти кўк жавфи тўла ғамни азалдин гўйиё
Ишқ жамъ айлаб менинг жоним учун асраб эди.

Сиймгун ғалтон сиришкимдурки, ҳоло бўлди қон,
Буки эл шингарф дейдурлар, бурун сиймоб эди.

Нўши васл ар етмаса ғам йўқ Навоийким, мудом
Ҳажрдин аҳли вафо жомида заҳри ноб эди.

Тилармен музтар этса офати озурда жонимни,
Совурса офият бирла тузулган хонумонимни.

Чиқиб сархуш, чоғиб абраш, қилиб жавлон, олиб майдон,
Вужуд иқлимидин маҳв айласа ному нишонимни.

Уруб жонимға ниши ғам, тузуб қатлим учун марҳам
Ҳино қилса бало шоҳидлари илгига қонимни.

Фироқ ичра алифдек қаддима ғам тоғини юклаб,
Уҳуд остидағи дол этса жисми нотавонимни.

Жунун кўйида усрук судратиб ратб ул-лисон қилса,
Фано авбошиға дайр ичра бу рози ниҳонимни.

Юзин айлаб қаро кейнича солиб ишқ атфолин,
Бори масту маланг ўйнатса ақли хурдадонимни.

Навоий, не май эрдиким, ичиб оламға фош эттим,
Улустин ёшурун йиллар кўнгулда асрагонимни.

Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лаболаб сипқорай.

Бўғзума жоме қуюб, қутқар гадолиғдин мени,
Ваҳ, неча бўғзум чекиб бир журъа учун ёлборай?

Бир қадаҳ май берсалар, ваҳ, ғояти ифлосдин,
Неча лаъли қиймати топқан гадодек олдорай.

Тортай ўзумни эваз, ким қилса эҳсон бир қадаҳ.
Бу баҳона бирла ўзлукдин ўзумни қутқорай.

Важҳи май жон нақдию тан доғидур, эй муғбача,
Хилқатим ганжинасин юз қатла гар худ ахторай.

Жонға еттим ақл васвоси била, Тенгри учун,
Соқиё, жомимда афюн эзки, ботроқ телборай.

Эйки, дебсен ғайрдин айру келу чек жоми васл,
Гар бу хилватда Навоий маҳрам эрмас қайторай.

Бўлғай эрди юз туман минг ранжу меҳнат кошки,
Бўлмағай эрди балову дарди фурқат кошки.

Елдек айларда ҳаво сайр эткали жисмим хасин
Ўртағай эрди уруб бир барқи офат кошки.

Хосият чун телбараб саҳроға юзланмак эмиш,
Тутмағай эрдим парилар бирла улфат кошки.

Офият кунжин, дедим, истай бузулдум бир йўли,
Кўнглум ичра кечмағай эрди бу ният кошки.

Юз ғариб аҳвол бекасликда ҳар дам бор эмиш,
Ўтмағай эрди тилимга лафзи ғурбат кошки.

Жилва қилғунча тилаб товус янглиғ ганжи зеб,
Чуғз янглиғ тутқай эрдим кунжи узлат кошки.

Ёрдин эл рашкидин бўлдум жудо, бўлғай эди
Илтифотин ғайр ила кўрмакка тоқат кошки.

Демаким, жон эт фидо аҳбоб ила топқач висол,
Эй Навоий, умр бергай онча муҳлат кошки.

Хуштурур гулгун қадаҳ давринда гулбарги тари,
Хосса байрам аввали бўлғай, дағи гул охири.

Ҳар варақ бир номаи ишратдурур фаҳм айлагил,
Тонг елидин абтар ўлмастин бурун гул дафтари.

Ғунча худи бирла гул қолқониға етти шикаст,
Бўлғали пайдо сариғ савсаннинг олтун шашпари.

Гул адам шомига юзланган учун занбақ гули
Бор кумуш машғал доғию хурдалардур ахғари.

Лола қон узра бўялиб, ўт уза анбар қўюб
Бор парихон, чиқмаган ғойиб чечаклардур пари.

Нилуфар тутмиш сипеҳри ложувардий ҳайъатин,
Жолалар юзинда андоқким нужуму ахтари.

Ўгса лаълингни Навоий санга хуш келмас, вале
Хуштурур гулган қадаҳ давринда гул барги тари.

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,
Кувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.

Сафардин ул пари етти, мени маҳзунни шод этти,
Кўнгулдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон келди.

Хирад, йиғ бу масофингни, таҳаммул, қўй газофингни,
Вараъ, тарк айла лофингники, ошуби жаҳон келди.

Дамеким андин айрилдим, кўнгулни ҳамраҳи қилдим,
Бутун келди кўнгул, билдимким, ул номехрибон келди.

Келиптур ёшурун ул шаҳ, мени мажнун эман оғаҳ,
Пари эрмас эса бас, ваҳ, нечук кўздин ниҳон келди.

Фалак боқти фиғонимға, ажал раҳм этти жонимға,
Хазонлиғ бўстонимға гули боғи жинон келди.

Муғанний бир навое туз, Навоий нағмае кўргуз,
Аёқчи, томса тут тўққузки, Доройи жаҳон келди.

Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари,
Топмасун биздин малолат хоотири хуррамлари.

Ою кунким базм тузгайлар фалак хиргоҳида,
Зарраи саргаштадин не бўлғусидур ғамлари.

Гул била насринки, чеккай бода наргис жомидин,
Зулм эрур воқияки, булбул бўлмағай маҳрамлари.

Чуғздин рам айласа не айб дуррожу тазарв,
Хосса бўлса мастлиғдин ўзгача оламлари.

Эй табиб, ўлгумдурур гўёки ушбу кечадин,
Захмлиқ кўнглумга ўқдек санчилур марҳамлари.

Эй муғанний, бўлма ғофилким, забони ҳол ила,
Навҳа айлайдур менинг ҳолимға созинг бамлари.

Кечалар афлок невчун ёш тўкар кийиб қаро,
Бўлмаса мискин Навоий ҳолиға мотамлари.

Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени,
Қарор тут нафасе, беқарор қилма мени.

Кўзумни шамъи жамолинг фуруғи бирла ёрут,
Тонг откуча кечалар ашкбор қилма мени.

Худой учун яна ҳар сари беҳабар борма,
Фиғону нолада беихтиёр қилма мени.

Тараҳҳум айлагил, эй ихтиёрсиз нола,
Дамо-дам эл ичида шармсор қилма мени.

Ҳаёт ранжи, ўлум ёди саъб эмиш, соқий,
Бу дайр ичинда даме ҳушёр қилма мени.

Мен ўзга, Вомиқу Фарҳод ўзгадур, эй ишқ,
Танаъум аҳли аро эътибор қилма мени.

Қаёнки борсанг ўлармен Навоий янглиғ зор,
Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени.

Эй дудогинг шарбатида оби ҳайвон лаззати,
Лаззате бўлғай, насибим бўлса лаълинг шарбати.

Кечалар ҳажрингда беҳудмен, менинг ҳолимғадур
Шамънинг гаҳ куймаги, гаҳ ноласи, гаҳ риққати.

Меҳнати ҳажрингда ишим оҳ ила фарёд эрур,
Оҳ агар фарёдима етмас висолинг давлати.

Лабларингнинг ҳасрати кўнглумда бўлса не ажаб,
Шиша бирла боданинг бир-бирга кўптур нисбати.

Оразингга, эй пари, мажнун кўнгулнинг майли бор
Телба янглиғким, анинг ўт бирла бўлғай улфати.

Умр эрур ишқ аҳлиға пайки насим, эй боғбон,
Басдурур бу муддаоға шоҳид анинг суръати.

Юзу холингдин Навоийнинг кўзидур қон аро
Лоладекким, доғи бўлмиш кўз қароси ҳайъати.

Наргисин гул узраким, бемор этар ноз уйкуси,
Мисли шўхедурки, суст эткай ани ёз уйкуси.

Кўз очиб беҳудлуғумни кўрмаса йўқтур ажаб,
Ким манга бахт уйкуси бўлмиш, анга ноз уйкуси.

Чархи сойир гўйиё ошиқдурурким, кечалар
Бор анинг ҳам мен киби кўп ашкию оз уйкуси.

Бизни дафъ ўлсун дебон солмиш ўзини уйкуға,
Зарқдин холи эмастур ул фусунсоз уйкуси.

Ҳар тун айлар истимоъ эл қиссасин, ваҳким, келур,
Менки ўз ҳолим десам, ул қиссапардоз уйкуси.

Иста комил хидматин ғафлатни рафъ айлай десанг,
Бордур ўздин ғойиб ўлмоқ зумрайи роз уйкуси.

Эй Навоий, очма ғамдин кўзки, сиррим қилди фош,
Яхшироқ бедорлиғидин бўйла ғаммоз уйкуси.

Тануредур ичим, гўё қизитқан ишқ ўти они,
Ўпиштурған кабоб ўрни анга ҳар доғи пинҳони.

Қизил рағлар эмас кўз ичраким, кўз мардумин ғамзанг
Анингдек нишлар урдики, оқмиш ҳар тараф қони.

Эрур қаддинг хаёли гаҳ кўнгул, гаҳ кўзда гўёким,
Будур ул жўйбор, у — боғнинг сарви хиромони.

Тариқи ишқ аро кўнглумдадур ҳар дам ғами, ул уй
Ажаб йўл узрадурким, ўксумас бир лаҳза меҳмони.

Ғамим шюмин ёрутти қаддинг ул юз шуъласи бирла,
Нетар кундузни улким, бўйладур шамъи шабистони.

Ёнар ўтлуғ кўнгулда оташин лаълинг фироқидин,
Қизиқ ҳар лаългун пайкон эрур бир лаъли пайкони.

Хати райҳони ичра бодаи лаълин хаёл айлаб,
Учар ҳар лаҳза руҳум, соқие, тут роҳи райҳоний.

Мунунгдекким, йироқдур каъбаи мақсад ҳамоноким,
Эрур манзилга етмасдин жараснинг тинмай афғони.

Навоий давлати боқий тилар бўлсанг яқин билким,
Эрур соликка мушkil топмоқ они бўлмайин фоний.

Эй кўнгул, бердинг иликдин васлининг давронини,
Билмадинг бу навъ талх эрмиш ғами ҳижронини.

Гўйиё Фарҳод эрур тоғ ичраким, чексам фиғон,
Ул дағи ҳамдардлиғдин тенг чекар афғонини.

Тўтиёе кўз тутарменким, кетурсанг, эй насим,
Кўрсанг ул бадмеҳр чобук туркнинг жавлонини.

Қолди кўнглум сенда, лекин асрадим, эй қоши ё,
Хаста кўнглум ўрнида хокийларинг пайконини.

Не учун киймиш қизил тўн даҳр бўстонида гул,
Гар оқизмоқ истамас ошуфта булбул қонини?

Тийрборони ғаминг жисмимни қилди ерга паст,
Ваҳки, ёмғур касрати йиқти ғаминг вайронини.

Эй ажал, Тенгри учун кетким, биҳил қилман санга
Қўймасангким, дарди-ўқ олғай Навоий жонини.

Ул ойки, меҳри ила оламини муҳтарам қилди,
Бу телбага недин оё назарни кам қилди?

Кўзум изига яқиндур мунга дағи юз шукр,
Агарчи йўлида гардун қадимни ҳам қилди.

Насиҳат этса улус тезрак бўлур ишқим,
Бале, итикрак этар ўтни улки дам қилди.

Фироқ шарҳини ҳар кирпигим ёзар, гўё
Фалак миҳамни тенгиз ичраги қалам қилди.

Ул ой азимат этиб юз ғаму бало нақдин
Насибим этти, ёмон бормади, қарам қилди.

Сипеҳр ишқда Мажнунга ёзди кўп таъриф,
Муқобилида замона мени рақам қилди.

Кўзумки қон аро бўлди ниҳон ажаб эрмас,
Ки «айн»га чу дам ўлди қарин, адам қилди.

Шукуфа сийм чиқарғач бу гулшан ичра хазон,
Ҳавога баргини сочмоқ била ситам қилди.

Навоий жисмин ўқунг захми этти доми бало,
Висол қушлари андин магарки рам қилди.

Маҳвашеки мeҳридин бўлдум жаҳон овораси,
Раҳм этиб бир чора қилмас ўлса ҳам бечораси.

Захмлар қилдинг яна ғам нишидин, эй бевафо,
Бутмиш эрди васл нўши бирла бағрим ёраси.

Бевафолар кўнгли тонг йўқ лабларингга бўлса сайд,
Қайдаким лаъл ўлса, атрофида бўлур хораси.

Юзига боққач, ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашк,
Эл кўзига ёш тўлар қилса қуёш наззораси.

Дарди ҳажрингдин Навоий кўнгли, кўкси, бағридур,
Ҳар бири юз пораву минг ёра ҳар бир пораси.

Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини,
Мен анга сиррим дедим билман анинг асзорини.

Кўз қаросин ҳал қилиб ул ойға ёзғум номае,
Боре бу тазвир ила кўргай кўзум рухсорини.

Кўзидин то жонға етман лаълидин бермас ҳаёт,
Ул Масиҳ ўлдум деганда тиргизур беморини.

Ҳайфдурким, риштаи тасбиҳ қилғай аҳли зуҳд,
Куфри зулфи ичра ўлган халқнинг зуннорини.

Оразинг даврин чекарда гўйиё наққоши сунъ,
Меҳр даври бирла тенг очмиш эди паргорини.

Тўкма жоминким, бало сели жаҳонни бузмасун,
Маст кўрсанг, зоҳидо, дайри фано хамморини.

Эй Навоий, шавқидин ўлсам иморат қилғасен,
Туфроғим бирла муҳаббат кўйининг деворини.

Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани,
Ул қуёш бир зарра ёрутмас бузуғ кошонани.

Эгма қошин кўргузуб айлар манга манъи жунун,
Янги ой бирла керак соғ этса бу девонани?

Кўзума ул важҳдин дермен юзунг афсонасин,
Ким севарлар уйқусизлар дойимо афсонани.

Ўзгалар ҳуснидин ўртанманки, гардун ҳар кеча
Ёрутур минг шамъу куйдурмас бири парвонани.

Чиқти жоним бодайи лаълин кўруб, эй муғбача,
Ваҳ, тўла айлаб нетарсен қасдима паймонани.

Билмадиким, аввал айлар нафй ранжидин халос,
Нафйи қилган шайх муғ кўйидаги майхонани.

Ашк йўлин тут, Навоий, хоки пойи бирлаким,
Ғусса бар берур қаёнким, сочсам ушбу донани.

Ҳар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади,
Эй жигар парголаси, сенсиз ичим қон боғлади.

Сендин айрилмоқ кўнгулга мумкин эрмас то абад,
Чун сенинг бирла азалдин аҳду паймон боғлади.

Лабларингнинг шавқидин ҳар қатра қонким, тўкти кўз,
Совуғ оҳимдин ҳамул дам лаълу маржон боғлади.

Деди ақлу фаҳм ани кўргач, шикебе кўзлали,
Ваҳки, тун боғин яна ул шўх часпон боғлади.

Қондин ўлди дард боғининг гули ҳар пахтаким,
Доғима сабр илги марҳам бирла ҳар ён боғлади.

Совуруб тифли хазон туфроғ ила тенг қилмаған
Қайси бир гулдаста бу боғ ичра деҳқон боғлади?

Иштиёқингдин Навоий ўлдию етмас санга,
Гўйиё бу навъ оёгин банди ҳижрон боғлади.

Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлали,
Сарв қадде истабон сийминузоре кўзлали.

Ёрлиғ кўз тутқонимиз кўзлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёре кўзлали.

Чун ғубори маркабидин равшан айлар эл кўзин,
Термуруб турғунча бориб, шаҳсуворе кўзлали.

Сайри боғу дашт этарбиз ҳам яна бир ёр учун,
Боғ сари кўз солали, даштсоре кўзлали.

Гар анингдек шўхи шаҳрошуби офат топмасақ,
Бир фақири меҳрибони ғамгусоре кўзлали.

Гарчи нопайдо эрур мақсуд, армон қолмасун
Хосу ом ичра қила олғунча боре кўзлали.

Эй Навоий, бўлмағунг андин булар бирла халос,
Келки, ҳам васлин тилаб сабру қароре кўзлали.

Гунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани,
Борғали кўз жўйборидин жамолинг гулшани.

Кўз қаросидин ёзай дермен битик, ҳайҳотким,
Куйдурур ғайратки, мен маҳруму ул кўргай сани.

Ақл қочти кўнглум ичра сокин ўлғач дарди ишқ,
Мўр манзилгоҳи эрмас аждаҳолар маскани.

Кўнглум уйида ғами торикмасун ҳар захмидин,
Марҳамин ташлангки, ҳар ёндин очилсун равзани.

Арғувоний ашк аро савсан масаллик лолмен,
То тўнингдур арғувоний, кўнглакингдур савсаний.

Ҳар гул ушбу боғ аро кўрсанг тикан осибидин,
Ғарқайи хуноб ўлуб юз чок эрур пирохани.

Ашк қонида Навоийдур сўнғак жисми била
Ул муборизким, қизил жинс ичра бўлғай жавшани.

Ғариблиғ яна кўнглумни дарднок этти,
Шикасталиғ яна кўксумни чок-чок этти.

Бу барча бир сарию ёр ҳолатимни билиб,
Тағофул этмаги мен хастани ҳалок этти.

Дамингни асра, Масиҳоки, чиқмағай гардим,
Бу дамки, кўйида жисмимни даҳр хок этти.

Юзунгга улки қуёш тоби берди юз минг шукр,
Қуёш киби мени ҳам ишқинг ичра пок этти.

Хуш ул дамеки, дегайлар фано ўтиға фалон
Қадам қўярда не ваҳм айлади, не бок этти.

Не май, не жом, мен усрук ҳамеша, гўё ишқ
Таним ҳадиқасида рағларимни ток этти.

Навоийни тила андин бурунки, дегайлар
Адам йўлин тутуб ул зори бенаво итти.

Лаълингга боғланди жоним ҳажр элиндин ол ани,
Зулфунгга чирмашти кўнглум қилмағил помол ани.

Боғлади кўнглум манга ошиқлигининг тухматин,
Шарт қилдим кўргач-ўқ расво қилай филҳол ани.

Сендин айру хўблардин очилур кўнглум, вале
Гунча янглиғким, очарлар куч била атфол ани.

Эй сабо, бағримға санчилған тиканким, англадинг,
Бўлсанг ул гул бирла ҳамдам қилғасен ирсол ани.

Ул алифким, нил ила чектинг узоринг ёнида,
Хусн ичинда бирга ўн қилмиш ёнида хол ани.

Бу чаман кайфиятин озодаеким қилди фаҳм,
Ўн тили савсандек ўлса ҳайрат айлар лол ани.

Эй Навоий, деб эдинг кўргач ани жон топшурай,
Бўлса бу давлат муяссар қилмағил эҳмол ани.

Қани висолингга бир мендек орзуманде,
Висол умиди била меҳнатингга хурсанде?

Фано майин ичиб оворалиғ йўлин туттум,
Насиҳат аҳли манга эмди бермангиз панде.

Эрур танимдағи юз доғ бирла мунглуғ жон,
Гадоки, тўниға ҳар сари солса пайванде.

Сабаб бу эрди экин хилқатидин Одамнинг,
Ки бўлғай анга сенингдек хужаста фарзанде.

Қўнгулни шўхлар андоқ талаштилар кесишиб,
Ки қолмади мени бедил насиби парканде.

Чоғирни оқил эсанг лаъл деб қизитма димоғ,
Ки ўтни исламади гул дебон хирадманде.

Ажал, Навоийни қутқаз балойи ҳирмондин,
Ки ул заиф бу дард ичра асру эмганди.

Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире,
Бу ёна ўтки, топилмас бу ишга тадбире.

Не турфа сурати бордурки, ҳеч сурат ила,
Қазо мусаввири қилмади бўйла тасвире.

Шикоятим кўпу қолмас сени қачон кўрсам,
Танимга тобу тилимга мажоли тақдире.

Тушумда оби ҳаёт ичтим, оҳким, келмас
Кўнгулға лаълини ўпмакдин ўзга таъбире.

Мени муқайяд этар бўлсанг, очма ҳалқайи зулф,
Ки пашша қайдиға йўқ эҳтиёжи занжире.

Гул ичра шабнам ила хурдадур сую дона,
Магарки, қайдиға булбулнунг этти тазвире.

Навоий ёрдин ар зулм эрурки, лутфича бор,
Сен этмасанг керак ўз қуллуғунгда тақсире.

Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди,
Кўнглум куядур, дард ила дармон керак эрди.

Фам шомиди парвона сифатким, куядурмен,
Бошим уза ул шамъи шабистон керак эрди.

Кўз боғида юз гул очадур ишқ, валекин
Юзу хатидин лолаву райҳон керак эрди.

Хуш келди ҳазин кўнглум аро ғамзаларингким,
Оҳ ўқлариға бир неча пайкон керак эрди.

Қабримға хиром эттингу йўқ тухфае, ваҳким,
Бу хас киби жон ичра бугун жон керак эрди.

Хуш зийнати кўп номадурур умр, валекин
Тавқиъи вафодин анга унвон керак эрди.

Билмай сени ул гул қовар, эй зор Навоий,
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди.

Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси,
Ваҳки, эл беҳудлуғи жонимни қурбон қилғуси.

Барқи офат бўлғуси ҳар шуълаеким айрилур,
Маркаби туйноғидин ул дамки жавлон қилғуси.

Ўқ ҳунилаб ўт ёлиндек ҳар тарафким қўйса юз,
Юз кўнгулни куйдуруб, юз жонни вайрон қилғуси.

Ошкоро жон олиб ҳар ён қилур машғул ўзин,
Элни билмас деб йигит ўзини нодон қилғуси.

Шамъ эмас кўз очтилар наззораға аҳли қубур,
Ким ул ой ийд оқшоми сайри хиёбон қилғуси.

Субҳ майдон азми қилғач, ваҳки, йўқ ёлғуз мени
Олам аҳлин ийди рухсориға ҳайрон қилғуси.

Ийдгоҳ аҳли ҳужуми бирла, эй шаҳ, қилма кибр,
Ким фалак бу жамъни ҳоли паришон қилғуси.

Эй Навоий, рашқдин ўлдумки, ул қотил бугун
Ҳар тараф бу шакл ила юзланса юз қон қилғуси.

Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.

Кўзга кўнглум дардинин йиғларға имкон қолмағай,
Тилга дардим шарҳини айларға гуфтор ўлмағай.

Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким,
Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.

Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай.

Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Махфий асроримға бўлғай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру валекин соҳибасрор ўлмағай.

Эй Навоий, қилма ҳар ёр оллида сиррингни фош,
Бормудур имкониким, ул ёрға ёр ўлмағай.

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди.

Магарки, мен киби элдин қочарни айлади варзиш,
Кийиклар ичраки, Мажнун тамоми умр югурди.

Мен арчи кўйида ўлдум қовунгки, телбарар охир,
Чурук сўнгакни танимдин узуб, не итки, кўмурди.

Гаминг қўюб туган узра туган бу макр ила кўрким,
Танимда ҳар туган ичра неча туганни ёшурди.

Кўнгулда гар ўқунг итмиш, яна бир ўқ дағи отким,
Бу навъ топса бўлур ҳар кишики, бир ўқ итурди.

Дам урмаю қадаҳ ичкилки, телба бўлмаса воиз,
Недин эди урунуб, қичқирибки, оғзи кўпурди.

Фироқ доғиға машғал фатиласи кетурунгким,
Навоий оғзини чун купка қўйди, пок сумурди.

Лабинг такаллум этиб, сўзда лол қилди мени,
Очилди зулфунгу ошуфтаҳол қилди мени.

Юзи кўрунди, очинг эмди зулфи силсиласин,
Ки ул пари яна мажнунмисол қилди мени.

Аёгин ўпкали бошим йўлиға еткурдум,
Фиғонки, зулфи киби поймол қилди мени.

Қоши хаёлида пайваста баски, чектим ранж,
Фалак бу ғамда нечукким, ҳилол қилди мени.

Бели ғамида хаёл ўлдум оҳу афғондин,
Бу мўя мўй этиб, ул нола нол қилди мени.

Куп оғзима қую қўй адл жомин, эй муғким,
Қазо бу шевада безътидол қилди мени.

Навоий, англаки, журмумча юз умидим бор,
Фақиҳи зоҳид ўзидек хаёл қилди мени.

Хароб айладинг, эй ишқ, хонумонимни,
Тасаввур айлаки, ўлдум, бағишла жонимни.

Магарки, ишқ маломат ўтин ёрутмоқ учун
Қурутти ўйлаки хас жисми нотавонимни.

Бу турфа кўрки, фузун бўлди лаългун ашким,
Агарчи шуълайи ишқинг қурутти қонимни.

Фиғонки, ўлдуму кўйида халқ ғавғоси
Анинг қулоғига еткурмади фиғонимни.

Бугун танимға нишон ул ҳаётдин келибон,
Ки тонгла топмағасен истабон нишонимни.

Чу ишқ оятида савту ҳарф йўл топмас,
Камоли ишқ итурмиш магар баёнимни.

Дедимки, кўзга чекай гарди раҳнавардингни,
Фигонки, топмади кўз тўтиёга гардингни.

Магар замона кўзи сурма истар эркандур,
Ки гард қолмади сурганда раҳнавардингни.

Фироқу орзуву шавқ ҳар бири бир дард,
Десамки, дардинг этай шарҳ қайси дардингни.

Сафарда ёмғуру ел бўлмасун музоҳим анга,
Кўз, асра ашқу кўнгул, чекма оҳи сардингни.

Тўшаб самандиға фарш, эй замона, ўткардинг
Сипехру ахтаридин сабза бирла вардингни.

Кўк аблақин эгариб, эй қуёш, синон тортиб,
Магар бу зарраға қилдинг аён набардингни.

Навоий, эмди нишот авжи тутки, гардиши чарх
Кетурди моҳи фалаксайри тезгардингни.

Қўзғади оҳим сўнгатк бирла тани ғамнокни,
Ел совурди бир овуч туфроғ ила хошокни.

Демагил сихҳат сўзинким, кўксум узра тийғи ишқ
Айлар икки чок, тикмасдин бурун бир чокни.

Буки оламға ҳаводис тушти, гўё қўзғамиш
Ул қуёш ҳажрида оҳим анжуму афлокни.

Мен худ эттим азми масжид, эй мусулмонлар, валеқ
Бок эмас гар кўрмасам ул кофири бебокни.

Қилди чун ҳижрон мени нобуд, тутма жоми васл,
Заҳр чун ўлтурди зойиъ қилмағил тарёкни.

Қаддидин оғзимда ҳайрат бармоғидур, зоҳидо,
Ўтқа сол эмди асо, бошингга ур мисвокни.

Ғайри лоф эрмас Навоий покравлиқдин ҳадис,
Топмайин бир ғайр нақшидин замири покни.

Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай,
Ким хираднинг шавкатин, тақво шукуҳин синдурай.

Қилса тавсанлиғ кўнгул тортиб жунун занжириға,
Ҳажр зиндонида ишқинг шаҳнасиға топшурай.

Ул пари кўздин чу махфийдур ҳамеша, ваҳ, неча
Истаб они топмаса, мажнун кўнгулни ёзғурай.

Ғам туни анжум кўзи янглиғ юмулмас кўз била,
Ваҳ, неча гоҳе юрай, гоҳе турай, гоҳ ўлтурай.

Чун не тақдир ўлса тағйир ўлмас эрмиш саъй ила,
Қайғу қисмим бўлди деб ортуқси невчун қайғурай.

Ул қуёшқа заррае таъсири чун йўқтур, не суд
Ғар тўқуз афлокни оҳим ўтидин куйдурай.

Эй Навоий, истасам ўлмак не ғам эл таънидин,
Боре мен ҳар навъ этиб, жононға жонни еткурай.

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, келгилки, тарки жумлайи олам тутай.

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқие,
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза они ҳам тутай.

Қўйгил, эй носихки, муғ дайрида ўз аҳволима,
Масти лояъқил ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин маҳкам тутай.

Олса жонимни лабинг даврон тўкуб қон ёшини,
Тонг эмас ул ёш ила лаъл этса қабрим тошини.

Фитна таълим этмаса қошинг санга бедод учун,
Хам бўлуб невчун қулоғингга кетурмиш бошини.

Кўз тутар эрдим қалам кирпикларимдин боғла деб,
Гар азалда кўрсам эрди суратинг наққошини.

Майл этар кўнглум қуши жон пардасин қилгай қанот,
Кўргали ҳар кеча маҳрам кўйининг хуффошини.

Ошиқ ўлдум, чунки май бердинг, магар, эй муғбача
Ишқ ўти бирла пишурмишлар пиёланг дошини.

Шайху — аҳли хонақаҳ, Тенгри тута берсун манга,
Ҳақ йўлин кўргузгали дайри фано авбошини.

Жон қуши қасдиға соғингай гуруҳа бирла ёй,
Эй Навой, кимки кўрса холи бирла қошини.

Эй кўнгул, қўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай,
Кўйида бу фан била бир йўл бошин маскан қилай.

Гаҳ бу ишратдинки, ул кўй ичрадурмен шод ўлай,
Гаҳ бу меҳнатдинки, андин айру мен шеван қилай.

Айламакдин танға андуҳу бало тошин ҳисор,
Жонима хайру саломат хайлини душман қилай.

Ул юзу қомат керак, ваҳ, ўзни куч бирла неча,
Мойили гул айлайин ё волиҳи савсан қилай?

Ёшурун ғам солди равзанлар кўнгулга, эй рафиқ,
Қўйки, мен ҳам оҳ ила гардунни юз равзан қилай.

Соқие, кўз бирла кўнглумни қора қилмиш хумор,
Келки, бу уйларни май хуршидидин равшан қилай.

Гар Навоий маст агар махмур ўтар бу дайрдин,
Бодаполодин кафан, муғ дайридин мадфан қилай.

Кўнглумга шўр солди биравнинг малоҳати,
Ваҳким, ажаб туз ўлди яна захмим офати.

Тер қатрасин юзида кўруб ишқим ўлди тез,
Афзун бу судин ўлди ўтумнинг ҳарорати.

Ўйнатти қошу, оҳким, ул дос нўғидин
Бағримнинг ўлди тоза ўнгалган жароҳати.

Секритти рахшу куйди кўнгулнинг ул ўт била
Жон мазраида хирмани орому тоқати.

Кўнглум сўрарға келди, вале олди жонни ҳам,
Мундоқ бўлурму дилшудаларнинг иёдати.

Шарбати висол ё май эмиш қайси хастанинг,
Ким ишқ андуҳидин ўлуптур малолати.

Майға Навоий этти кўнгул шишасини зарф,
Бу бўлди риндлик аро анинг зарофати.

Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули,
 Ҳар овуч кул даҳр бўстонида бўлғай булбуле.

Хатту рухсорин тилаб ғам шоми чексам ўтлуқ оҳ,
 Ҳар шарардин кўк шабистонида очилғай гуле.

Зулфи савдосида ўлсам тортқай қабримда бош
 Ҳар гияҳдин хўшае, ҳар хўша бўлғай сунбуле.

Тушта айшим субҳиға кирди бало шоми магар,
 Қасдима шўхе узори узра очмиш кокуле.

Лаъли руҳафзосини кўрсун биравким, кўрмамиш,
 Руҳ ошом айлабон сармаст бўлғудек муле.

Май ниҳон ичсам керак оғзим қўюб қўп оғзига,
 Ким тутатсам чиқмағай андин садойи қулқули.

Эй Навоий, истасанг бўлмоқ замиринг лавҳи пок,
 Май суйин келтурким, они ғайр нақшидин юли.

Оразинг зар ҳуққалардин, эй малоҳат машъали,
Мусҳафедур ложуварду олтун онинг жадвали.

Турфа оедур узоринг, кўк анга мовий либос,
Анжум онинг танга-танга басма қилган зарҳали.

Ҳар нафас ортар жамолингнинг сафоси кўзгудин,
Кўзгунинг андоқки кулдин бўлғай афзун сайқали.

Бир паридур лолазор ичра сариг гуллар аро
Ё ул ой эгнидадур зарбафт гулгун махмали.

Хусни атрофида, эй машшота, ҳар ён қўйма хол,
Ким Хўтан мулкида ҳиндуларнинг ўлмас мадҳали.

Нав аруси даҳр ақдин истама, кўпким арус
Охири ифрит ўлур, гарчи паридур аввали.

Эй Навоий, вусма бирла кесмадин топқан фиреб,
Гар малакдурким, бўлур шайтонсифатлар маҳзали.

Каманд авжиға еткурмас ғаму андеша айёри,
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.

Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст ўлдум,
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.

Тўла куп оғзи май хуршидидур, гўё тенг очилмиш
Чекарда бу ики хуршид даврин сунъ паргори.

Май ичмиш хонақаҳ шайхи, харобот аҳли, айш айланг,
Ки чиқмиш баҳя урған хирқасидин маблағи кори.

Кўрунган мосиво буди эмас балким намудедур
Май устида ҳубобу мавж шаклининг намудори.

Ҳубобу мавж май таҳрикидин зоҳир бўлур, лекин
Сукун топқач вужуди майдин ўзга қайдадур бори.

Қуёш аксимудур ҳайвон суйида ё кўрунмишдур
Равоносо май ичра соқийи гулчеҳра рухсори.

Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга
Тутарда бода шояд журъае сунғай бизинг сори.

Навосидин фано чун ҳосил ўлди қилғасен, эй ишқ,
Навоий риштайи жонин муғанний удининг тори.

Эмас боғ ичра сариғ лола занбақ билки, ҳар сори
Янги доғ ўртаб ул гул ишқидин сарғарди рухсори.

Бу ҳумрат бирла эрмас оташин гул, оқ гул эрдиким,
Юзунг барқидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнорий.

Қадинг оллида бўлган жилвагар оқ савсан англаким,
Кўк этти барча аъзосин сабо кожининг озори.

Шажар яфроғлари ўқдек қадингнинг ҳажрида бордур
Бошоғларким, чаман ашки наמידин бўлди зангори.

Дема кундуз, қаронғу тун эди, чун пардадин чиқтинг,
Жаҳонни қилди кундуздек юзунг меҳрининг анвори.

Десамким, Ҳақдурур мавжуду ашё ҳар недур нобуд,
Ҳубобу мавжи баҳр узра эрур анинг намудори.

Навоийнинг ақиқ ашки ол эрдиким, тутмиш ранг,
Суҳайли оразинг гўёки қилмиш ламъа изҳори.

Донайи холи узра кўр сабзайи хат нишонаси,
Донайи хол эмас, эрур меҳргиеҳ донаси.

Ўртанурумни ишқида билмаган, эт наззораким,
Тилдур анинг баёниға кўнглум ўти забонаси.

Қатлима бас баҳонаким, қилди баҳона қолмамиш,
Эмди баҳона узрини қўлмоқ эрур баҳонаси.

Тийра фироқ тунлари шарҳини айт демаким,
Минг кеча деб туганмагай бир кечанинг фасонаси.

Истама ишқ баҳрининг соҳилин, эйки ғарқасен,
Бир-бирига етишти чун тўш-тўшидин каронаси.

Тавсан эди кўнгул майи ишқини тортқан замон,
Кўрки, не ром этибдурур эмди ани замонаси.

Бошиму дайр пирининг дарғаҳи чун тушуптурур
Ваҳм, тааққул айламас вазъ ила корхонаси.

Фикри бу корхонани қилғай эди ҳалок, агар
Бўлмаса ақл зойили жоми майи муғонаси.

Баски, Навоий айлади дард сурудида наво,
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси.

Ишқ аҳли ғўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси,
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлғуси.

Дерсен, юзум сори кўзунг кўп боқмасун, гар юз будур,
Ул меҳр тобидин эриб, оққунча нозир бўлғуси.

Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,
Бу навъ устод ўлса, ул оз чоғда моҳир бўлғуси.

Хатти ғуборин демаким, бўлғуси ул юз монии,
Тун пардаси ой нурига не навъ сотир бўлғуси?

Ул ғамза куфридин кўнгул навъе келур исломға,
Ким тарки ислом айлабон гўёки кофир бўлғуси.

Бўлғуси мутлақ шуълалар ичра самандар сайридек,
Сенсиз кўнгул гулзор аро ул дамки, сойир бўлғуси.

Кўнглумдаги ҳар нишдин гар бўлса бир тил, ҳар бири
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир бўлғуси.

Хотирни жамъ истар эсанг аввал хавотир дафъин эт,
Кимда хавотир бўлмаса осудахотир бўлғуси.

Қилди Навоий қаддингга сарви сиҳий ташбиҳини,
Бу табъи номавзун била бечора шоир бўлғуси.

Бутмади гулшан тавофи бирла бағрим ёраси,
Бермади ўтумға таскин сарву гул наззораси.

Бир замоне сарву бир дам гулга кўп қилдим назар,
Бўлмади ул сарви гулрух фурқатининг чораси.

Гул била сарв истабон гулшан сари майл айламас,
Даштдин ул сарви гулрухсоранинг овораси.

Қадди ҳажрида ҳар оҳим дуди сарведур баланд,
Юзидин айру гуледур кўкрагим ҳар пораси.

Сарву гул мафтуни бўлмоким, нигору зеб учун,
Синдуруб ҳар дам узар они фалак маккораси.

Сарв ўқдур, гул тикан, боғ ичра то кўз оллидин
Борғали ул сарви гулрухнинг қаду рухсораси.

Эй Навоий, сарву гулдин кечки, қадду юзидин
Бор эмиш юз йилчилиғ йўл сарв ила гул ораси.

Гам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари,
Хасқа ўт солиб гадо элтур киби вайрон сари.

Хирз қолқони, дуо диръи недур, эй порсо,
Чун бало тоши ёғар мен телбайи урён сари.

Ёр истар ҳажру айнаи васл эрурким, кўнглума
Бўлди майл онинг ризосин истабон ҳижрон сари.

Сабза ништар, барг пайкон, гул ўт эрди жонима
Ҳар қачонким, сенсизин азм айладим бўстон сари.

Не футур ислом аро тушкайки, ул кофир яна
Маст ўлуб, кўнглакча чиқти секритиб майдон сари.

Гар харобот ичра мумкиндур сумурмак бир қадаҳ,
Хизр агар ўлтурса борман чашмаи ҳайвон сари.

Соқиё, тезгиндурур ҳар лаҳза бошимни хумор,
Давр эвурсанг, журъае сунғил бу саргардон сари.

Юз Хизр умридин ортуғроқдурур минг жон бериб
Бир қадам қўймоқ, муяссар гар бўлур, жонон сари.

Эй Навоий, гар десангким фитна кўрмай, солмағил,
Бир назар ҳар турфат-ул-айн ул кўзи фаттон сари.

Гарди Яздий меъжар остида қошинг, эй кўркабой,
Бор анингдекким кўрунгай гард ичинда янги ой.

Вусмадур ул қош уза ёхуд зарофатдин кўзунг,
Олди бу қурбон кўнгул қасдиға мийноранг ёй.

Гар ниҳон сочинг тарар машшота келсунким, эрур
Кирпигимдин шона, ашкимдин су, кўз — хилват сарой.

Дилраболар ичра ҳар дам кўзгуга боқмоқ недур,
Ваҳки, билман, эй пари, худбинмусен ё худнамой?

Оташин гул баргидин кўнглак кийибдурсен, валеk,
Десанг ўт солмай жаҳонға чиқмағил кўнглакча, вой.

Гаҳ тутулса, гаҳ очилса кўнглум эрмас айбким,
Сунбулунг дилбанд, хандон ғунчанг ўлмиш дилкушой.

Эй Навоий, даҳр шўҳи ошиқи бўлдунг, валеk
Билки, кобин нақди жондур гар бўлурсен кадхудой.

Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади,
Ким мени зуҳду риё аҳлиға мардуд айлади.

Май ўтининг ламъаси ўртаб вужудим хирманин,
Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади.

Бодадин хушнуд ўлубмен то мени жоми фано
Давр элининг софию дурдиға хушнуд айлади.

Майға раҳн этгил риё сажжодасин, эй шайхким,
Ҳар киши бу навъ савдо айлади, суд айлади.

Майға ашким лаълидин олудалиғ гар истамас,
Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади.

Одамийлиғ кўргузуб қилдинг паривашларни қул,
Одам улдурким, малойик они масжуд айлади.

Эл тилар муғ кўйину истар Навоий муғбача,
Азми мақсад айлаб эл, ул қасди мақсуд айлади.

Оҳима ер оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,
Чун сабодин ғунча очилди яна ёпилмади.

Ништари оҳим ажаб йўқ кўнглунга кор этмаса,
Тезликдин игна ҳаргиз хораға санчилмади.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,
Шамъ ўтидин, соқие, ҳаргиз шарор айрилмади.

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқайин,
Ҳеч гулшанда сабодин бўйла гул очилмади.

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким,
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади.

Кўнглум оҳидин табассум лаълингга фан бўлмади,
Ўйлаким, лаъл ахгари ел бирла равшан бўлмади.

Истади жисм уйи бир равзан ўқунгдин, войким,
Қолмади равзан ериким, неча равзан бўлмади.

Деди, бир дашном учун жонингни олғумдур баҳо,
Ўлтурур савдоки, миоди муайян бўлмади.

Эл чаманда ул пари бирла кезиб, мен телбага
Ваҳки, ишрат жилвагоҳи ғайри гулхан бўлмади.

Оҳ ўтидин хирқани пок ўртаким, ҳар булҳавас
Зарқ ашкидин этак юб покдоман бўлмади.

Лофи ишқ урған кўнгул ғам дўзахидин қочмасун,
Ким самандарға ёлиндин ўзга маскан бўлмади.

Эй Навоий, кимни севсанг қилма зоҳирким, санга.
Кимдурурким дўстлуғ фаҳм этти, душман бўлмади.

Май халос этти риейи порсолиғдин мени,
Шукрим, қутқарди зуҳду худнамолиғдин мени.

Бўлди нобуд ўзлугум, юз шукрим, қилди халос
Ҳар замон бу корғаҳда беҳаёлиғдин мени.

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Бўлдилар бегона аҳли зуҳд хуш давлат буким,
Қилди манъ ул қавм бирла ошнолиғдин мени.

Оразимдин ғусса кожининг саводин қилди ол,
Шукрим, қутқарди мундоқ юзқаролиғдин мени.

Бандамен соқийғаким, бир жоми молломол ила
Айлади озод юз минг мубталолиғдин мени.

Тавба аҳли ёруманг мундоқки, маҳрум эттингиз
Дайр ичинда масту лояъқил гадолиғдин мени.

Душманимсиз дўстларким, қовдингиз айлаб ҳужум,
Бенаволиғ кишварида подшолиғдин мени.

Эй Навоий, ҳам магар, ё муғбача, ё пири дайр
Синдуруб тавбам чиқарғай бенаволиғдин мени.

Юзидин ўлмаса, ё Раб, раво кўзум тилаги,
Тазаллумум илигидур — адолатинг этаги.

Кўнгулда фурқат ўқи биркишибдур андоқким,
Киши чекарда гумон айлагай анинг сўнгаги.

Чаманда гунча эмаским, бўлуптур ул гул учун
Фиғоним ончаки, қон боғланиптурур юраги.

Чечак нечукки, ёпар кўзни тийра айлаптур,
Кўзум баҳорини гулгун сиришкнинг чечаги.

Лаби хаёлида бағрим шикофини тиксам,
Алифдин игна қилур, жону риштадин ипаги.

Хазон чаманга шабихун келурга бўлди далил
Санавбар ушбу чамандин канора айламаги.

Не кўнглини бузадур дарду ғам Навоийнинг,
Чу ул паридуру бас ушбу телба кўнглидаги.

Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди,
Тонгга тегру айта олманким, не ҳолим бор эди.

Фурқатинг бедодидин йўқ эрди бир соат мажол,
Бўлса доғи йиғлар эрдим то мажолим бор эди.

Тош уруб кўкsumга, туфроғлар бошимға совуруб,
Лек бу вақте эдиким, эътидолим бор эди.

Келсам ўз ҳолимға ногаҳ бу маломатлар аро,
Гоҳ ўзумдин, гаҳ улусдин инфиолим бор эди.

Васл умиди кирмаса жоним аросиға гаҳе,
Қайда жон элтурга боре эҳтимолим бор эди.

Васл таркидин агарчи мужрим ўлдум, ваҳ, қачон,
Ҳажрни бу навъ саъб эркон хаёлим бор эди.

Эй Навоий, фурқатим айёми мундоқ қолмағай,
Қолмади чун улки, даврони висолим бор эди.

Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини,
Ким қилибмен сурма Марви шоҳжаҳоннинг гардини.

Улки аҳбобин қилур парварда айшу ноз ила,
Ғам эмас ёд айласа гоҳи бу ғампарвардини.

Чекма заҳмат, эй табиб, эрмас чу мумкин айламак,
Шарбати васл ўлмағунча дафъ фурқат дардини.

Англағай дўзахда бор иссиғ-совуғ бирла азоб,
Ҳажр аро ким кўрса ўтлуғ кўнглум оҳи сардини.

Анжуми ашкин тўкар тонг отқуча мендек сипехр,
Йўқламиш ул ҳам магар бир меҳри оламгардини.

Эй кўнгул, васл истасанг беҳуд бўлуб ғам емаким,
Ком топмас кимса қилмай тарк хобу хўрдини.

Ёр агар ҳижрон аро солди Навоийни йироқ,
Бок эмастур васл ила гар қилса бозовардини.

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулган рўзоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий губор ўлдум,
Тилармен топмағайлар тўтиёлиғқа губоримни.

Шак эрмас партаве тушакч уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гўристон гадоий сирмағай шамъи мазоримни.

Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўргай
Бағир парголасидин қонға булғанган узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,
Қадаҳқа заҳри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркини қилмай, чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўку боримни.

Кўзи ҳажри мени бемор этти,
Қора оғриққа гирифтор этти.

Жузв-жузвимға тикиб мужгонинг
Рухум ажосини афгор этти.

Субҳ гул сафҳаларидин булбул
Оразинг васфини такрор этти.

Лабинг анфосидин эрдики, Масих
Ўлук ихёсида изҳор этти.

Заррайи меҳри жамолинг Юсуф
Топибон олам элин зор этти.

Айлади зухду риёға иқдор
Кишиким, ишқдин инкор этти.

Даҳрдин топти Навоий чу малол,
Масканин кулбайи хаммор этти.

Эй узоринг оллида шарманда меҳри ховарий,
Йўқса невчун ёшунур ҳар кеча андоқким пари.

Коматингдин азми саҳро қилди гулшандин тазарв,
Тоғ сори ўйлаким фарёд этиб кабки дари.

Гулшани ҳуснунгга зийнат берди тердин қатралар
Ким, кўрубтур бўйла гулбарг узра шабнам гавҳари.

Ҳажр сўзи заъфлиғ жисмим аро бўлмиш ниҳон,
Бас ажабдур бир овуч хас ичра дўзах ахгари.

Сафҳайи ҳуснунгда Ҳақ сиррин кўрар кўнглум аён,
Тонг эмас булбулға мусҳаф ўрнида гул дафтари.

Ёр базмида висол аҳли чекар жоми мурод,
Давр чун ҳажр аҳлиға қисм этти меҳнат соғари.

Эй Навоий, ёр зулмиға не чора, ғайри сабр,
Кимса неткай сабр қилмай золим ўлса дилбари.

Чу ишқ илги забун айлар диловар подшоларни,
Тааққул айлагилким, найлагай бедил гадоларни.

Далил айтай эрурлар деб паризоду малаксиймо,
Десамким, одамий сонида эрмас бевафоларни.

Вафони, эй вафосиз, элга кўргузсанг карам айлаб,
Жафокаш жонима боре мусаллам тут жафоларни.

Анингдек ҳушдин бегонаменким, тоний олмаслар
Мени ҳам ошнолар, ўйлаким мен ошноларни.

Қилурға зулм ишқ аҳлини айлар жамъ ул золим,
Нечукким, шоҳ эҳсон қилғали йиғқай гадоларни.

Агар юз чок қилдим кўнглакимни ҳам ёмон эрмас,
Фироқинг тийғидин жисмимда боғларға яроларни.

Эрур муҳлик жаҳон шуғли май ичким, қутқарур ҳар дам
Ўқуш вобасталиғлардин бизингдек мубталоларни.

Қиёмат дашти бўлғай тийра дўзах сори юзлансам,
Хито хони сипаҳ чеккан киби бошлаб хитоларни.

Агар ушшоқинга базм ичра йўл берсанг Навоийдек,
Бирар соғар била ҳам ёд қил биз бенаволарни.

Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади,
Ком ила бир гунчаси балким табассум қилмади.

Васл жомидин улус маст ўлдилар, юз войким,
Бир қадаҳ бирла хумори фурқатим ёзилмади.

Эл кўзин ёрутти барқи васл, ҳижрон кожидин
Қайси ўтларким, кўзумга барқдек чоқилмади.

Васл гулзори аро эл масту ҳижрон даштида,
Қолмади эркин тиканким, бағрима санчилмади.

Лолалар кўнглумга қонлиғ доғлардур навбаҳор,
Ким ватанга лоларухсорим азимат қилмади.

Фурқатим саъб эрканин ишқ аҳли ичра билмагай,
Ёриға улким, қўшулмоқдин бурун айрилмади.

Қайда бағрим чоки муҳлик эрканин фаҳм айлагай,
Улки, ҳижрон тийғи заҳролуди бағрин тилмади.

Чун ўлармен сирри ишқим махфи ўлган яхшироқ,
Билмасун эл ҳам, чу ҳажри жоним олган билмади.

Бир жунун ўти аро тушмиш Навоий телбаким,
Бўлди куймакдин халос улким, анга қотилмади.

Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай,
Солур кўнглум магар дилдор келгай.

Кучуштум сарв бирла тушта, гўё
Буён ул қадди хушрафтор келгай.

Чу сен бординг, кўнгул ҳам кетмиш эрди,
Чу келдинг, ул дағи ночор келгай.

Қачонким ул парипайкарни кўрса,
Кўнгул ул сори мажнунвор келгай.

Мени ул кўйдин қовмангки, булбул
Гулистон жониби бисёр келгай.

Кўнгул бу қатла борса хонақаҳдин,
Муқими кулбайи хаммор келгай.

Кўнгулни бир кўз олди, ваҳ, не билдим,
Ким ул соғ борғаю бемор келгай.

Кўнгул жон олдуруб келди қошингдин,
Не билдим бўйла миннатдор келгай.

Навоий борса ул ён шод борғай,
Вале келса, топиб озор келгай.

Эврулай бошинггау беҳушу ҳайронинг бўлай,
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай.

Хони васлингдин агар қовса рақибинг, рағмиға
Кўнглум истардек тахайюл бирла меҳмонинг бўлай.

Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,
Кўзу зулфунгдин неча масту паришонинг бўлай.

Хуштурур васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,
Неча, жоно, мубталои доғи ҳижронинг бўлай?

Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин,
Ким қуюндек садқаи сарви хиромонинг бўлай.

Танни жилванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксувор,
То бошингга эврулурга гарди майдонинг бўлай.

Эй Навоий, гунгу лол истар эсам тонг йўқ сени,
Тобакай озурдаи фарёду афғонинг бўлай?

Сурганда жафо тийгин қўл асрамадинг боре,
Қонимни тўкар чоғда раҳм айламадинг боре.

Юз лофи вафо урдунг, минг тийги жафо сурдунг,
Ҳар нечаки ёлбардим, ҳеч эсламадинг боре.

Аҳбобни хос эттинг жон бергали лутфунгдин,
Қатл эткали ҳам бизни бир истамадинг боре.

Қатлимни бурун ваъда қилдинг, чу ғазаб сурдунг
Баъзини бурун, сўнгра деб толғамдинг боре.

Дардингға қулоқ солғум деб, маст чиқиб келдинг,
Ҳолим неча шарҳ эттим сўз тингламадинг боре.

Эй зоҳиди динойин, дайр ичра тутуб таскин,
Зуннор ипини тортиб, хирқанг ямадинг боре.

Давронға вафо чун йўқ, шукр айлаки, кўнглунгни
Ул сори Навоийдек кўп боғламадинг боре.

Эй фалак, бир ой гамидин асру зор эттинг мени,
Пўядин тун-кун ўзунгдек беқарор эттинг мени.

Токи қилдим бир париваш дарди ишқин ихтиёр,
Телбалик афғонида беихтиёр эттинг мени.

Гўйиё ҳар кавкабингнинг ламъасин бир ниш этиб,
Дарди ҳижрон шоми сартосар фиғор эттинг мени.

Гар улус они кўрардин манъ этар ҳам хушдурур,
Гарчи меҳнат хайли йўлинда ғубор эттинг мени.

Ёр зулфидин мени айлаб паришонрўзгор,
Тори зулфидек паришонрўзгор эттинг мени.

Найлай ониким, ёшим дур бўлди бори ҳолима
Йиғламоққа ўйлаким абри баҳор эттинг мени.

Эй Навоий, ишқ торожиға то бўлдунг асир,
Дарбадарлардек жаҳонда хору зор эттинг мени.

Мангоки кўрмаки ул шўхнинг муҳол ўлғай,
Бўла олурки, бу кўрмак дағи хаёл ўлғай.

Қуёш юзидин эмастур мисол ҳусн ичра,
Магарки, оғзи анинг заррадин мисол ўлғай.

Қадим ниҳоли, дединг, ҳадди эътидолдадур,
Хироми ўлтурур элни, не эътидол ўлғай.

Фалакнинг оий юзунга мушобиҳ ўлғай агар,
Оғиз Суҳову Зуҳалдин юзинда ҳол ўлғай.

Ўлукка руҳ висолингда муҳтамалдур, лек
Ҳаёт кимсага сенсиз не эҳтимол ўлғай.

Малолатимни фироқ ичра англағай улким,
Менингдек анга бирав ҳажридин малол ўлғай.

Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам не ҳол ўлғай?

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши
Етишмагангаву ўтганга қийлу қол ўлғай.

Навоий айласа ишқингда куфру дин тарки,
Қачон бу воқиа шавқ аҳлидин муҳол ўлғай.

Вафо кўз тутқан ондин ҳушдин бегонае бўлғай,
Паридин одамийлиғ истабон девонае бўлғай.

Анингдек базм аро руҳум қуши кирмакка йўл топти,
Магар ул ҳусн шамъи гирдига парвонае бўлғай.

Фароғат қасридин кўнглум агар уркуб бузуғ истар,
Ажаб йўқ чуғзнинг манзилгаҳи вайронае бўлғай.

Ёнимни сўкти чун тийгинг сўнгақлар шаклидин кўрдум,
Бузуғ кўнглум уйининг фаршиға дандонае бўлғай.

Дема, мендин узуб кўнгул яна бир ёр тутмишсен.
Гумон қилмаки, олам ичра сендек ёнае бўлғай.

Дединг, бўлсам санга меҳмон не ерни базмгаҳ қилғунг?
Гадойи хастаға манзил бузуғ кошонае бўлғай.

Фано дайрин тилармен бўлмағай ҳеч кимса ўзлук ҳам,
Улуғ бирла кичикдин бир купу паймонае бўлғай.

Жаҳон маккораси шўхедурур бас дилфириб охир,
Не эрким, бошидин кечгай анинг мардонае бўлғай.

Навоий ғамға ҳўй айлабдурурким, офаринишда
Фалакнинг жавфидек мушқил агар ғамхонае бўлғай.

Ваҳ, неча ул шўх бедодин мени шайдо кўрай,
Ишқидин яғмо чекай, ҳуснидин истиғно кўрай.

Неча ул дурри киромий шавқида ҳижрон туни,
Кўз етишгунча сиришким селини дарё кўрай.

Неча ул рашки ғазоли Чинни истаб дашт аро,
Ит киби девона кўнглумни жаҳонпаймо кўрай.

Неча бир кофир хаёлининг сипоҳи зулмидин
Кишвари жон ичра диним нақдиға яғмо кўрай.

Неча зуҳду офият ичра кўруб тақво элин,
Ўзни ишқ ошубидин олам аро расво кўрай.

Неча кўз қони ҳубобидин балият даштида
Бир юзи гулгун ғамидин лолаи ҳамро кўрай.

Соқие, ул навъ ғарқ эткил мени май ичраким,
Ғар дам урсам май ютай, ғар кўз очай саҳбо кўрай.

Элда чун йўқтур вафо, саҳроға қилдим азмким,
Халқ ила кўргунча кишвар, ваҳш ила саҳро кўрай.

Жон била азм эттим ул қотил сариким, саъй этиб,
Ё Навоийдек қилай жонни фидоси, ё кўрай.

Эй қуешқа кўз қамаштурғон жамолинг партави,
Сарв раъноликда хушрафтор қаддинг пайрави.

Қоф тоғин гар парилар маскан этмишлар не тонг,
Қарилардур навжувоним хижлатидин мунзави.

Ўйлаким Моний ишидин зойиъ ўлди нақши Чин,
Ул бути Чин суратидин бўлди нақши монавий.

Ишқ илги қуввати мен хастани қилмиш забун,
Эй кўнгул, не чора айлай, мен заифу ул қавий.

Булбул ар гулбонг урар гул суратидин мен хамуш,
Ким тақаллум таҳтига кирмас адои маънавий.

Ишқ сиррин ринди дурдикаш билур, йўқ аҳли дарс,
Улча авроқ узра сабт ўлмас, не билгай Мавлавий?

Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий.



Myemad



Эй хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалло,
мазҳар санга ашё,
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,
олам санга мавло.

Ҳар ён кезарам телбасифат токи яшундунг
кўздин пари янглиғ,
Мажнундин ўзин токи ниҳон қилмади Лайло,
ул бўлмади шайдо.
Урён баданим захмлари ичра эмас қон,
юз пора кўнгулдур.
Бу равзаналардин қиладур ҳар бири яъни
хуснунгга тамошо.

Ҳар ён назарим тушса сен оллимда турарсен,
кўрмас вале ағёр.
Равшандурур ушбуки, эмас қобили аъмо,
наззорайи байзо.


Ул нодирадинким, лақабин ҳур демишлар,
хуснунг эрур аҳсан.
Ул манзарадинким, отидур жаннати аъло,
кўюнг эрур аъло.

Зухд ичида топмади Навоий чу мақоме,
эмди қилур оҳанг,
Ким бўлғай улу бодау бир турфа муғанний,
муғ кулбаси маъво.

Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра су янглиғ
тушкач адам ўлғай.
Гар қилмаса ишфоқ этибон Хусрави Ғозий
назми сари парво.



Мухаммад



Ҳалқайи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами
Ул қаро қайғу билан савдода чун ортар ғами.
Дер санга девонаву шайдолиғидин ҳар даме,
Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Ҳалқа-ҳалқа руҳнинг сарманзилидур ҳар хами.

Эй гули сури жамолинг дафтаридин бир варақ,
Сабзаву райҳон сенинг хаттингдин элтурлар сабақ.
Чини зулфунгни очибон илгинга олсанг тарақ,
Сунбулунгни тарағанда гул уза тонгдур арақ,
Ким булутлуғ кечанинг албатта бўлмас шабнами.

Рашкдин ҳар дам яқиндур бағрим эриб оққали,
Юзунга машшотаву кўзгуси мундоқ ёққали,
Зулфунга машғул эрур машшота зевар тоққали,
Мен йироқдин жон берурмен тоқатим йўқ боққали,
Юзи қаттиқ кўзгуким, бўлмиш жамолинг ҳамдами.

Оғзининг рамзини мушқилдур фаровон сақламоқ,
Ким адам бўлса билур ул рози пинҳон сақламоқ,
Барча дилбарлардин ўлур жонни осон сақламоқ,
Сен париваш ҳурдин мушқилдурур жон сақламоқ,
Ким малак ҳайрондур ул суратқа, нетсун одамий?

Зулфи васлин истасам рухсори меҳрафрўзидин,
Йўқ ажаб чун йил келиши билгурур наврўзидин.
Кўзларим уйи бузулди ашки селандўзидин,
Мен бу кўз бирла уётлиғмен жамолинг юзидин,
Ким келур ҳар лаҳзаву ул гўшанинг бордур нами.

Атласи гардунға етти ростий ушшоқ уни,
Ким қабо невчун қучар нозук танин вуслат туни.
Бу ажаб сарриштадур кўргил аро ерда муни,
Ул баданнинг давлатидин туғди кўнглакнинг куни,
Ҳусни толиъ кўрким, улдур ҳоли ички маҳрами.

Эй лабинг Исо дамидек хаста жонға чорарас,
Ваҳ, неча ғамзанг Навоий қатлин этгай мултамас.
Ул муборак кўнглунга бўлғай муяссар бу ҳавас,
Лутфини боштин яна тиргузсанг, эй Исонафас,
Ким етибдур, ваҳ, ани ўлтурғали ҳижрон ғами.

2

Оҳким, тарки муҳаббат қилди жонон оқибат,
Бўлдум ушбу ғуссадин расвои даврон оқибат.
Қолмади махфий ғамим эл ичра пинҳон оқибат,
Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон оқибат,
Асраған сирримни ёйди сели мужгон оқибат.

Токи чекти ўқу ё қасдимға ул мужгону қош,
Айлади пайконлари ҳар сори бағримни харош,
Пардаи сабру саломат ёйибон, эй бағри тош,
Ёшуруб эрдим бағир чокини, ваҳким, қилди фош,
Ҳар тараф кўздин тарашшуҳ айлаган қон оқибат.

Кўп югурдум ишқ йўлида мени гумроҳким,
Билгасен ҳолимни, лекин бўлмадинг огоҳким,
Ишқ аро ўлгумдурур бил эмди, эй дилхоҳким,
Тийғи ҳажрингдин ниҳон кўксум шикофин, оҳким,
Элга равшан айлади чоки гирибон оқибат.

Тийрборони ғаминг ёғдурғали кўнглумға саҳм,
Юз туман доғи ниҳон қўймиш эди ул хавфу саҳм,
Халқ ани фаҳм этмасун деб, бор эди кўнглумда ваҳм,
Войким, кўксум шикофидин улусқа бўлди фаҳм,
Ишқ ўти бағримда қўйған доғи пинҳон оқибат.

Ул париким, телбаларға ишқидин монанд эдим,
Зулфи занжирида Мажнундек асири банд эдим.
Жавриға қонё бўлуб, васлиға ҳожатманд эдим.
Шавқидин дам урмайин бедодиға хурсанд эдим,
Ваҳки, бўлдум ҳажридин расвои даврон оқибат.

Орази қошида гул юз важҳ ила бордур кариҳ,
Минг жиҳатдин нутқи оллинда эрур булбул сафиҳ.
Кўзию зулфиға эрмас наргису сунбул шабиҳ,
Гар будур кофир кўзу зуннори зулфи, эй фақиҳ,
Бўлғудекмен дайр аро масту паришон оқибат.

Жонни Мажнун ул пари рухсора ёди айлади,
Кўзни гирён ишқ зулми, май фасоди айлади,
Танни урён, ақлу дониш хайрбоди айлади,
Ишқ кўйида жунунумни муноди айлади,
Хажр тошидин мунаққаш жисми урён оқибат.

Бода ичким, давр ишида эътидоле кўрмадук,
Навбаҳори ҳусн аро соҳиб жамоле кўрмадук,
Ким хазони умрдин анда заволе кўрмадук,
Даҳр бўстони аро саркаш ниҳоле кўрмадук,
Соя янглиғ бўлмаған ер бирла яксон оқибат.

Шаҳлиғ эткандин не ҳосил фақр сиррин билмайин,
Ҳеч ким мулки бақо султони бўлғонму экин,
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғозий бикин,
Эй Навоий, давлати боқи тиларсен васлидин,
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат.

3

Ишқ ўтидин жисми зори нотавоним ўртадинг,
Қайси жисми зорким, руҳу равоним ўртадинг,
Парда ораздин олиб, жону жаҳоним ўртадинг,
Ваҳки, ўтлуғ чеҳра очиб, хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдин айтиб нукта жоним ўртадинг.

Сен чу тийғи кин чекиб сабрим сипоҳи кўзғолиб,
Кўнглум олиб, азм этиб, зору ҳазин жисмим қолиб,
Эмдиким, кўнглум олиб, ҳижрон ўти ичра солиб,
Дема, не қилдим, не қилдим нотавон кўнглунг олиб?!
Ўртадинг, эй қотили номехрибоним, ўртадинг.

Фурқат ичра йўқки жоним куйди ёлғуз шавқидин,
Ким куяр маҳзун кўнгул ҳам кеча-кундуз шавқидин,
Неча, эй гардун, дедимким, раҳм кўргуз шавқидин,
Ўтда қилдек тўлғаниб, куйганда ул юз шавқидин,
Нечаким тоб урди жисми нотавоним ўртадинг.

Ўт туташмиш даҳр аро ҳар ён эмастур лолазор,
Дуд эрур бўстон ичинда сунбул эрмас мушкбор,
Тоғ аро ёқутдин ахгарлар ўлмиш ошкор,
Кўкта зоҳирдур шафақдин шуъла, кавкабдин шарор,
Ким ани, эй шуълалик оҳу фиғоним, ўртадинг.

Отланиб чиққандаким оламни қилгайсен хароб,
Оразинг хуршидидин солдинг бари оламға тоб,
Тийғ тортиб чун кўнгул сайд эткали қилдинг шитоб,
Бисмил эткач сайдни андоқки, қилгайлар кабоб,
Захм этиб кўнглумни чунким оқти қоним, ўртадинг.

Ул қуёш токим кўрунди дидаи гирёнима,
Қолмади ўзлук хаёли хотири вайронима,
Ҳар тарафдин тушти офат барқи хонумонима,
Урғали, эй ишқи золим, барқи офат жонима,
Ҳар не ўзлуктинки бор эрди гумоним, ўртадинг.

То белининг, эй кўнгул, азми висоли айладинг,
Токи оғзи нуктасининг қийлу қоли айладинг,
Ишқ ўтида бизни бир ахгар мисоли айладинг,
Эй Навоий, то белу оғзи хаёли айладинг,
Бору йўқ, яъники пайдову ниҳоним ўртадинг.



Myraddac



Субҳидам махмурлуқтин тортибон дарди саре,
Азми дайр эттимки, ичгаймен сабуҳий соғаре,
Чиқти соғар тўлдуруб кофирваши маҳпайкаре,
Нақди дин олиб ичимга солди майдин озаре,
Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофаре,
Куфр элига ҳомию дин аҳлига яғмогаре.

Демаким, невчун ҳаётингдин санга йўқ ҳосиле,
Ишқдин оллингда ҳар дам мушқил узра мушқиле,
Чун билурсен невчун айлабсен ўзунгни гофиле,
Бўйла бўлғай кимга ёри бўлса сендек қотиле,
Чобуке, раъноқаде, нўшинлабе, хородиле,
Маҳваше, насринузоре, гулрухе, сийминбаре.

Дўстлар, гар халқ аро йўқ мен киби девонае,
Айламанг кўп айбким, ёнимдадур майхонае,
Анда шўхким тутар ҳар дам тўла паймонае,
Қайси шўхе, боданўше, кўзлари мастонае,
Жон берурда лаълидин Исосифат жононае,
Кўнгул олурда юзидин Юсуфойин дилбаре.

Ул қуёш ишқидаким кўнглумга йўқтур тоқате,
Шоми зулфидин агар жонимга етса меҳнате,
Орази меҳриға қилсам майл эрмас ҳайрате,
Ким эрур ҳар кимсаким, наззора қилса соате,
Зулфи кўзларни қаро қилмоққа шоми фурқате,
Шоми фурқат дафъиға рухсори меҳри анваре.

Майл қилман боғ аро гар бўлса гул ё сунбуле,
Ёки гулдек юзда сунбулдек сочилған кокуле,
Улки, андин ҳар дам айлармен фиғону гулғуле,
Гульзоредадур, вале савти нечукким булбуле,
Ҳам гулистон базми ичра сарв қоматлиғ гуле,
Ҳам шабистон базми ихёсида шамъи анваре.

Раҳм қилмас нотавон кўнглум анинг зори бўлуб,
Чеҳра очмас кўзларимнинг ашки гулнорий бўлуб,
Илтифот этмас таним ҳажр ичра бемори бўлуб,
Васлидин марҳам етурмас бағрим афгори бўлуб,
Аллоҳ-Аллоҳ, бўйла офатнинг гирифтори бўлуб,
Найлагай бир мен киби зори заифи абтаре.


Кўҳи дардинг заъфлиқ тан бирла чектим муддате,
Ким висол уммидидин кўнглумда эрди қуввате,
Эмди раҳм эткилки, юзланмиш ажойиб ҳолате,
Не кўнгулда қуввате қолмиш, не танда сиҳҳате,
Не қарору сабру не тобу тавон, не тоқате,
Не кўнгул, не жону не руҳу равон, не пайкаре.

Ул замонким, бўлдум ул ой меҳриға мойил бу навъ,
Билмадимким, бўлғусидур жонима қотил бу навъ,
Келғусидур ишқида оллимға юз мушкил бу навъ,
Айлагумдур ҳажридин майхонани манзил бу навъ,
Соқиё, дилдорим ул янглиғ, мени бедил бу навъ,
Раҳм этиб, айлаб манга тутқил лаболаб соғаре.

Ошнолиғ тарк этиб, чун ёр этар бегоналиғ,
Мен қила олман саломат кўйида фарзоналиғ,
Айлайин дайри фано аҳли била ҳамхоналиғ,
Ким маломат жомидин ҳосил этай мастоналиғ,
То бўлуб беҳуд Навоийдек қилай девоналиғ,
Ким тараҳхум қилмаса, қилгай тамошо ул пари.



Platzband



Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.

Маеким қилур, қуйсалар жом аро
Ўзи масту кайфияти майпараст.

Эшит саргузаштеки, бир кун манга
Неча майпараст ўддилар ҳамнишаст.

Май олмоққа пири муғон жазбаси
Мени чекти андоққи, моҳийни шаст.

Қилиб хирқа май раҳнию зарфининг
Этиб оғзини мум ила сангбаст.

Келур эрдим эгнимда майлиқ сабу,
Бўлуб тўққуз афлок оллимда паст.

Ки огоҳ ўлуб тўш-тўшумдин қабаб,
Манга топтилар ихтисоб аҳли даст.

Шикастим менинг онча эрмас эди,
Ки май зарфи топти арода шикаст.

Чу синди сабу, чорае топмадим,
Мени муфлиси ур[у], гирёни маст.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

II

Кетур, соқиё, муждае жомдин,
Ки пажмурда бўлмишмен айёмдин.

Бу гулшан гулига чу йўқтур вафо,
Не парҳез этай жоми гулфомдин?

Чу йўқ шоми ҳижрон хумориға субҳ,
Ичиб англамай субҳни шомдин.

Халос айлай ўзни маю нуқлнинг
Сую донаси бирла бу домдин.

Бўлай дайр пириға андоқ мурид,
Ки ёд этмайин шайхул-исломдин.

Кирай дайр аро ўйла мажнуну маст,
Ки кетсун хирад хос ила омдин.

Солай бир алоло харобот аро,
Ки чиқсун фиғон аҳли айёмдин.

Хароботий ўлмоғлиғим, зоҳидо,
Суол этма мен зори бадномдин.

Гарав қилғали майға чун қолмади
Не тасбиҳу не хирқа, нокомдин.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

III

Сафол ичра бир журъа лое манга,
Эрур жоми гетинамое манга.

Кетармакка худбинлигим ранжини,
Қани бода янглиғ давое манга.

Чу мен дайр пири вафосидамен,
Фалакдин етишмас жафое манга.

Фалакдин жафо етса, эй муғбача,
Не гам сендин ўлса вафое манга.

Тариқат сулукини касб эткали,
Ҳамул кунки, бўлди ҳавое манга.

Бурун зуҳду тақвони айлаб шиор,
Дедимким, етишгай сафое манга.

Бориб хонақаҳ ичра қилдим мақом,
Бу маъно худ ўлди балое манга.

Боқиб хилвату зикру сажжодани,
Зухур этти ҳар дам риёе манга.

Булардин ўзумни халос айладим,
Ки то ҳосил ўлғай фаное манга.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синган сафол.*

Тилармен бу даир ичра кошонае,
Ки бўлғай живорида хумхонае.

Бу хумхона сахнидағи майфуруш
Сахо шевалиг пири фарзонае.

Анинг қуррат-ул-айни куп оллида
Илигинда паймона жононае.

Суманбарлар ичра паричеҳрае,
Паричеҳралар ичра девонае.

Менга гоҳи ул берса май бирла жон,
Бу қилса гаҳе қатли мастонае.

Эрур телбаликдин ишим туну кун
Хаёл айламак ўйла афсонае.

Неча муфлис истаб дедим май учун
Қилали ичин оро дангонае.

Эшиттимки, қилмиш яна пири даир
Харобот аҳлиға майхонае.

Бугун очиб ул майкада эшигин,
Берур ҳар гадо етса паймонае.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

V

Яна бўлмишам ошиқу зор ҳам,
Хароботию ринду хаммор ҳам.

Мубоҳот этиб дурдкашлик била,
Қилиб тақвову зуҳдин ор ҳам.

Суроҳийни бут айлабон оғзида,
Қилидин эшиб белга зуннор ҳам.

Бўлуб майға сажодаву хирқа раҳн,
Бориб нуқл учун кафшу дастор ҳам.

Фано дайри ичра қаландарсифат
Кезиб балки девонакирдор ҳам.

Паричеҳра атфолнинг тошидин
Бўлуб сарбасар жисмим афгор ҳам.

Мени ишқдин ўртаган муғбача,
Ки девонавашдур, паривор ҳам.

Чу билдимки, бу навъ бирла эрур
Харобот кўйида майхор ҳам.

Эрур чунки якранглик шарти ишқ,
Бу тақриб бирла мени зор ҳам.

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.

VI

Қани соқийи гулӯзорим менинг,
Ки жон қасди этмиш хуморим менинг?

Фироқ ичра кўп меҳнату дарду ранж,
Чекиптур тани хоксорим менинг.

Хумор эмгагидек вале кўрмамиш
Тани ғамкашу жони зорим менинг.

Бу хайли бало дафъиға авло ул,
Ки майхона бўлғай ҳисорим менинг.

Кўпу оздин тутса май пири дайр,
Фидоси анинг йўқу борим менинг.

Етурса қадам бошима муғбача,
Эрур жавҳари жон нисорим менинг.

Харобот аро кирганим, эй фақиҳ,
Дейин, бўл даме роздорим менинг.

Кеча хонақаҳ ичра сармаст эдим,
Бугун майсиз итти қарорим менинг.

Хумор айлаб ул навъ ошуфтаким,
Илигдин бориб ихтиёрим менинг.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

VII

Мени май бас ошуфтаҳол айлади,
Бу водийда Мажнунмисол айлади.

Бошимни куп атрофида майфуруш
Узум жисмидек поймол айлади.

Ҷоғир касрати май батидек манга
Хирад булбулин гунгу лол айлади.

Сабукашлигим айни идбордин
Қадимни юк остида «дол» айлади.

Майи лаъл олтун қадах шаклидек,
Юзум сориғ, ашкимни ол айлади.

Қадимдин фалак офият хирқасин
Чекиб раҳни жоми зулол айлади.

Сипеҳр атласи дайр кўйи аро
Менинг қисватим эски шол айлади.

Май истарда идбору ошуфталиғ
Манга жом синған сафол айлади.

Харобот пири чу бир жом учун
Мени мундоқ ошуфтаҳол айлади.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

VIII

Яна дурдкашмен мубоҳот учун,
Бериб жон ҳавои харобот учун.

Кетур, соқие, бода оғзимға қуй
Дамеким, ўлубмен бу миръот учун.

Не миръот, балким қуёшеки, файз
Анга ом эрур барча заррот учун.

Манга зоҳид этти басе сарзаниш
Май ичмакка сарф ўлган авқот учун.

Дедим: яхшироқ бода ул зуҳддин,
Ки қилғай киши шуҳрату от учун.

Манга бодадин бўлди нафйи вужуд,
Санга зуҳд ани қилмоқ исбот учун.

Бўлуб тунд масжид сари қилди азм,
Мени қарғайин деб муножот учун.

Муножот этиб кирди хилват аро
Ясалғон риёий каромот учун.

Каромот мен қилдим ул лаҳзаким,
Риё биймидин дафъи офот учун.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

IX

Яна бошламиш бода ичмак ҳабиб,
Манга ичмай ўлғайму сабру шикед.

Ичармен вале қон, нединким ичар
Ҳабибим била бода ҳар дам рақиб.

Насиби рақибенинг ар май бўлуб,
Насибим менинг бўлса қон, ё насиб!

Не зулмеки, гулшанда гул маҳрами
Бўлуб зоғу маҳрум эрур андалиб.

Не тонг боғламоқ, кофири ишқ ўлуб,
Киши белга зуннору осмоқ салиб.

Ёқам чок этиб кўксума тош уруб
Солиб рустахез эл аро мен ғариб.

Булар нафъ чун қилмади кўнглума,
Лаболаб қадаҳ бирла бердим фиреб.

Чу билдимки, беҳудлуғумдур илож,
Харобот йўлида бўлдум нишеб.

Нечукким, етиб Рустаме кўйига
Кирар эрди сармаст Маҳмуди Ҳабиб.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*

Д

Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар ғаму меҳнатим.

Назар айла бу коргаҳ вазъига,
Ки ортар тамошосида ҳайратим.

Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.

Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим.

Не касби улум этти ҳал мушкилим,
Не тутти илик тақвову тоатим.

Топай деб хабар ушбу мақсуддин,
Тугашти баса қавм ила суҳбатим.

Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.


Не қилмоққа бир амрдин ҳосилим,
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.

Менинг бошима бас қотиқ тушти иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.*



Маснавіі



Сано Ҳаққаким, кошифи ҳол эрур,
Хирад мушкилотиға ҳаллол эрур,

Алимеки, йўқтур бидоят анга,
Азимеки, йўқтур ниҳоят анга;

Ҳазар ичра бечоралар ёвари,
Сафар ичра оворалар раҳбари;

Не соликкаким, дашт этиб жилвагоҳ,
Таваккулни айлаб анга зоди роҳ;

Мусофирни йўлдин кеча гум қилиб,
Ёниға анинг қумни қоқум қилиб;

Аниким, қилиб ишқдин ёралиғ,
Насиб айлабон анга оворалиғ;

Бировга неча гурбат изҳор этиб,
Чу бир ерда кўп турғузуб, хор этиб;

Биравниким айлаб бир эл ичра хор,
Анга чора айлаб ул элдин фирор;

Сафарни тамуғдин нишон айлабон,
Тамуғ ранжин андин аён айлабон;

Кўнгулсизга мушфиқ, кишисизга ёр,
Умиди йўқ эл андин уммидвор.

Анинг ҳамдидин сўнгра юз минг дуруд,
Бари фаррухойин ҳумоюнвуруд.

Набий равзасиға алайҳиссалом,
Ҳам олу ҳам асҳобиға бардавом.

Адо бўлди чун ҳамду наъту сано,
Бу оврадин юз туман минг дуо.

Ангаким эрур фазл авжида меҳр,
Не меҳреки, бир зарра анга сипеҳр.

Сафо субҳининг меҳри фархундаси,
Фано шомининг шамъи рахшандаси.

Карам боргоҳида маснаднишин,
Адам хонақоҳида хилватгузин.

Тикиб хирқалар эғнига аҳли роз,
Анинг қоптани вусласидин тироз.

Тўни чарху анда ўзи бир жаҳон,
Жаҳонни қилиб бир тўн ичра ниҳон.

Ўтук ултонги тахта наълайн анга,
Бўлуб ҳар қадам ўрни кавнайн анга.

Фалакдин сипоҳи фано ошуруб,
Сипоҳийлиқ ичра ўзин ёшуруб.

Жамол ичра тонг боши Ноҳиддек,
Камол ичра туш вақти хуршиддек.

Вафо анга — пеша, сахо анга — фан,
Вафову сахо кони Саййид Ҳасан.

Зиҳи равзадин хулқунг ортуқ басе,
Келиб боғи қадрингда тубо хасе.

Чу сенсен бугун олам аҳлида фард,
Ки ҳолин дейолғай санга аҳли дард.

Мангаким, видодингга хурсандмен,
Жанобингга шогирду фарзандмен.

Ғаме етти чархи жафопешадин,
Ҳамул анжуми хориж андешадин.

Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди,
Кўнгулга жало дафъи озор эди.

Сафар тушти оллимға беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?!

Билурмен сени ҳам сафардин қазо,
Агар қайтарурға қилиб иқтизо.

Қилиб авд, майли ватан айласанг,
Ичиб бода азми чаман айласанг.

Ўз илгингга жоми майи нобни
Олиб истасанг бир-бир аҳбобни.

Аларни чу май бирла шод айлагунг,
Мени доғи, албатта, ёд айлагунг.

Бу азмимни шоядки тафтиш этиб,
Фироқим замирингга ташвиш этиб,

Мени йўқлабон барча аҳбоб аро,
Тилаб топмайин хайли асҳоб аро,

Дегайсенким, ул зори овораваш,
Ки ҳижрон майидин бўлуб журъакаш,

Не қилди экин чархи нобахтиёр,
Ки саргашталик айлади ихтиёр?

Хаёлига ҳодис не бўлди экин?
Бу азмига боис не бўлди экин?

Чу ҳолимдин аҳбоб огоҳ эмас,
Дегайлар ҳадисеки, дилхоҳ эмас.

Аён бўлғай оллингга ҳангомае,
Битимак манга фарз эди номае.

Санга ҳолатимни аён айламак,
Бу азмим вужуҳин баён айламак.

Манга неча навъ ўлди бечоралиғ,
Ки оллимга тушти бу оворалиғ.

Бир улким, чу сўздиндур инсон шариф
Чу ҳайвонга сўз йўқтур улдур касиф,

Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.

Эрур сўз фалак жисмининг жони ҳам,
Бу зулумотнинг оби ҳайвони ҳам.

Агар жон эмас, бас недурким, Масиҳ
Ўлук тиргузур, деб каломи фасиҳ?

Агар оби ҳайвон эмас бас нечук,
Топар жон зулолидин анинг ўлук?

Не бўлғай анинг васфида эл сўзи,
Ки ҳарнеки дерлар эрур чун ўзи.

Бу сўз к-офаринишдин ашрафдурур,
Анинг дағи мавзуни алтафдурур,

Жавоҳир неча ҳўбу дилкашдурур,
Вале назм силки аро хушдурур.

Сўз ичраки, ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар, қилди доно писанд.

Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.

Не назме дер эрсам мени дарднок,
Ки ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок.

Етар Тенгридин онча қувват манга,
Ки бўлмас битирига фурсат манга.

Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,
Ки гар келса Рустам жавобин беру.

Рақам қилди фархунда «Шаҳнома»е,
Ки синди жавобида ҳар хоме.

Мусалламдурур зоҳиран бу иши,
Ки маъразға келмайдурӯр ҳар киши.

Деди ўз тили бирла ул кони ганж:
Ки си сол бурдам ба «Шаҳнома» ранж.

Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим.

Ки ҳар неча нутқ ўлса қоҳилсарой,
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.

Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.

Вале айт деб, ким манга тутти юз,
Ки мен юз учун демадим икки юз.

Не юз, не ики юзки, бу килки тез,
Аторуд била қилса зоҳир ситез,

Анинг сайри бир давр охир бўла,
Фалакни латойифдин этгай тўла.

Бирав бўлса бир ишда бу навъ фард,
Вале кўрмаса баҳра жуз ранжу дард.

Бўлуб Қоф важҳи маошиға кон,
Мураббийси анқоға ҳамошён,

Уйи нотавон кўнгли янглиғ бузуқ,
Бу уй ичра андуху ғам ер озуқ.

Майи базми барча юрак қонидин,
Суруди ҳазин кўнгли афғонидин.

Десаким, топай эски пулдин фароғ,
Топилмай жуз аъзосида янги доғ.

Маишат учун орзу қилса сийм,
Ани топқай, аммо эсарда насим.

Киши жинси мулкида мардумгиё
Дирам синфи авзоида кимиё.

Киши бўлса андоғки, ўтти мақол,
Бу янглиғ кишига бу навъ ўлса ҳол,

Нечук майли оворалиғ этмагай,
Бошин олибон бир тараф кетмагай?!

Яна бир буким, зоҳир ўлмиш манго,
Ки чиқмиш Хуросон элидин вафо.

Вафо азм айларда бўлмиш магар
Сахову мурувват анга ҳамсафар.

Бу уч феъл чиққач ародин тамом,
Яна бўлмиш уч феъл қойиммақом.

Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифоқ,
Сахо ўрнида бухл тутмиш висоқ.

Мурувватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зиҳи хуш элу мулкати дилпазир.

Не мулку не эл эмди таҳрир этай,
Алар ҳолатин васф бир-бир этай.

Дема мулкким, ваҳшатободи зишт,
Тамуғ билгуруб ғойиб ўлғач биҳишт.

Тамошосини кимки, бунёд этиб,
Сипоҳону Рай мулкидин ёд этиб.

Ҳисори аноу тааб маҳбаси,
Сияҳчолдин тийрарўроқ базе.

Иморотида ганждин йўқ асар,
Хизона хароба бўлуб сарбасар.

Масожидда тоат била нур йўқ,
Хавоникда нон расми дастур йўқ.

Ҳама авқофни садр амлок этиб,
Вале кўпрагин май учун ток этиб.

Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,
Товуғ ўрниға чуғз ўлтурғузуб.

Мадорисда илму салоҳу яқин
Анингдекки, дайр ичра ислому дин.

Кўнгул жамъи аҳли муножот аро,
Анингдекки, тақво харобот аро.

Элида кишилиқдин осор йўқ,
Шароратдин ўзга падидор йўқ.

Не эл, не киши, балки шайтону дев,
Келиб барчаға даъб бедоду рев.

Бўлуб ломакон сатҳидин хонлари,
Адам мулки бугдойидин нонлари.

Қаро пул учун айлабон қатл фан,
Ўлуктин тамаъ айлаб аммо кафан.

Не вайронда эски танобе билиб,
Йилон соғиниб, ганж даъво қилиб.

Қизил олтун истаб қаро тоштин,
Фалак гўйи бир дона хашхоштин.

Тутулса бирав ўғридур деб кучун
Тутубон илик, лек кесмак учун.

Ўлум келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон, лек қотил сари.

Ҳирот аҳлин элтиб ҳаводис ели,
Эсиб дай елидек Самарқанд эли.

Бу мулк аҳли ул элга зору асир,
Бўлуб наҳбу яғмо қалилу касир.

Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме,
Ки бир дам иковлан дейишсак ғаме.

Не шоҳеки топса ишим ихтилол,
Мадиҳига кўргузгамен иштиғол.

Не бир аҳли давлатдин онча умид,
Ки андин наво топса бир ноумид.

Не важҳи маоше муқаррар манга,
Ки бўлғай фароғе муяссар манга.

Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгул,
Даме анда ором топқай кўнгул.

Не бир шўх васлиға ул моядаст,
Ки азмим аёғиға бергай шикаст.

Не ёреки, ранжимни қилғай қабул,
Не зореки, ҳажримдин ўлғай малул.

Етишса ўлум ранжи беморлиғ,
Су бергунча қилмай бирав ёрлиғ.

Су бермак неким, зоҳир айлаб ғулу,
Олурға агар бўлса жонимда су.

Сен эрдингки, ҳар ишда ёрим эдинг,
Не ғамким етар, ғамгусорим эдинг.

Сени ҳам сипеҳри муҳолифмазоқ,
Ўкуш рев ила солди мендин йироқ.

Биравгаки юз қўйса мунча бало,
Не бўлғай анинг чораси жуз жало?!

Заруратки, ясаб сафар баргини,
Тушуб йўлға қилғай ватан таркини.

Учунч улки, чун Холиқи Зулжалол,
Ки ҳам ламязал келди, ҳам лоязол.

Чу лавҳи вужуд узра тортиб қалам,
Ики кавн тарҳиға урди рақам.

Бурун чекти мундоғ сипехри рафиъ,
Яна ёйди бу навъ арзи васиъ.

Неким жилвагар қилди афлок аро,
Не қилди аён арсайи хок аро.

Демай етти обоу тўрт уммаҳот,
Ки хилқат тўни кийди чун коинот.

Эмас эрди мақсуд жуз одамий,
Ки Ҳақ сиррининг бўлғай ул маҳрами.

Баридин ғараз гарчи инсон эди,
Анга дағи мақсуд ирфон эди.

Бу сўз сидқиға дағи бетаъну танз,
Далолат қилур ояти «кунту канз».

Хаёлимда андоғ мусаввар бўлур,
Ки ул ики ишдин муяссар бўлур.

Бири буки, бир жазба Ҳақдин етиб,
Кўнгулни якин жомидин маст этиб,

Ҳақиқат сари турктоз айлағай,
Жаҳон шуғлидин бениёз айлағай.

Анга қолмағай ҳам ўзидин хабар,
Ўзидин неким, ўзлугидин асар.

Бўлуб рафъ имкони мавжудлуг,
Топиб Ҳақ вужудида нобудлуг.

Чу Ҳақ топти бу нисбатидин анинг,
Ки мақсуд эди хилқатидин анинг.

Мушарраф қилиб ани ўз розидин,
Яна ҳам ўз анжому оғозидин.

Буюрдики, эл бўлғали баҳравар,
Сулуку маротибга қилғай гузар.

Яна бир будурким, гадо гар мулук
Талаб йўлида қилғай онча сулук.

Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқач ўзин анга топшуруб.

Сулук амрида урмайин бешу кам,
Анинг амридин айру дам ё қадам.

Фано даштида сайри бўлғач тамом,
Ҳақ андин сўнг эткай ато ул мақом.

Ки бир жазб ила ошно бўлғай ул,
Муқими ҳарими сафо бўлғай ул.

Аларким нишони масолик дебон,
Бурунғини мажзуби солик дебон.

Бу бирнингки, ҳар амри марғубдур,
Отин солике дебки, мажзубдур.

Чу аввалғи иш бўлмади дастгир,
Икинчисидин ҳўб эмастур гузир.

Мениким, бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади.

Не имконки, топқай қарору сукун,
Биравким бу фикр этти ани забун.

Урармен қадам токи борғунча гом,
Ки бўлғай муяссар менга ушбу ком.

Агар бўлса бу йўлда умрум талаф,
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.

Ва гар бўлсам ўз комима баҳраманд,
Зиҳи мулки жовиду бахти баланд.

Хушо улки, оламда гар чекти ранж,
Яна олам асбобиға топти ганж.

Хуш улким, агар чекса минг хори дард,
Сўнги тушса илгига бир тоза вард.

Не фаррухдур ул ҳажр овораси,
Ки васл эткай охир онинг чораси.

Эмас бўлса даврон муроди била,
Фано бўлса матлуби ёди била.


Жанобингда улдур манга мултамас,
Ки мен бенавони соғинган нафас.

Сўзум айт фонийлиғ оҳи била,
Мадад айла ҳиммат сипоҳи била.

Бу эрди сўзумким дедим мен ғариб,
Яна Тенгри дийдор қилғай насиб!



Қытғалар



«ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР» МУҚАТТАОТИНИНГ
САРСУХАНЛАРИ

1

ТЕНГРИ ЗОТИ ҲАҚИҚАТИДАКИМ, ХИРАД
МАБҲУТУ НОДОНДУР ВА АҲЛИ ХИРАД
ФАРТУТУ ҲАЙРОН

Ҳақ зотиға биравки, хирад бирла фикр этар,
Отин эл ичра оқилу фарзона айлабон.

Миқдорини тенгиз суйининг истар англамоқ,
Лекин ҳубоб жомини паймона айлабон.

2

РАСУЛИ АЪЗАМ ШАЪНИДАКИМ, ҚУЁШДИН
ОЛАМОРОЙРОҚДУРУ НАФЪ ҚИЛҒОН
ХУФФОШДИН ТИЙРАРОЙРОҚ

Муҳаммади арабий шаъни андин аъзам эрур,
Ки нуқс бўлғай улус бўлса нафйиға қойил.

Қуёш ашиъасиға ламъа андин ортуқ эрур,
Ки зарра касрати бўлғай зиёсиға ҳойил.

3

ФАНО ШАРБАТИ БОБИДАКИМ, ТАЪМИ ЗАҲРИ ҚОТИЛДУРУ
БАҚОЙИ АБАД НЎШИ УЛ ЗАҲРДИН ҲОСИЛ

Фонийи мутлақ ўлмаин солик,
Анга йўқтур умиди мақсади кулл.

Қаро туфроқға сингмаган қатра,
Андин имкони йўқ очилмоқ гул.

ФАНО МАҚОМИФА ЕТКАН СОЛИК ВАСФИДАКИМ,
МОЛДИН АНГА ЗИЁН ЙЎҚТУРУ ЖОҲДИН НУҚСОН

Солики озодани кўрсанг ғаний, қилгай дебон
Мол анинг манъи сулуки қилмағил инкор анга.

Кема тийри мол аро бўлмиш муқайяд демагил,
Кўрки, онча мол ўлурму мониъи рафтор анга.

ЎЗЛУКДИН ҚУТУЛМОҚ СУУБАТИДА ВА АНОНИЯТ
ТАРКИ ШИДДАТИДА

Эй кўнгул, тан тахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин
Истасанг соҳилга чекмак, билки, бу осон эмас.

Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса бўлмас бу иш,
Кимдурурким бағри бу ҳасратдин онинг қон эмас?

АҚЛНИНГ БАРЧА ТАРИҚИДА МАОШНИ ДУШВОР
БИЛМАГУ ЖУНУНГА ҚАРОР БЕРМАК

Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай,
Қисмат ризосидин анга бегоналиқ керак.

Кунжи қаноат арчи эрур салтанат валеқ,
Элдин тамаъни узгали мардоналиқ керак.

Ким ишқ асири ўлсаки, мумкин эмас висол,
Дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналиқ керак.

Лаззоти нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиқ керак.

Тажрид нуридин киши кўз ёрутай деса,
Аҳбоб ҳажри шамъиға парвоналиқ керак.

Гар анжуманни деса муриду мутӣ этай,
Кўп нуктаву фасонада афсоналиқ керак.

Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиқ керак.

Зоҳир юзидин ар тиласа тожу иззу жоҳ,
Дарду бало муҳитиға дурдоналиқ керак.

Десанг халос ўлай борисидин Навоийдек,
Беҳудлуғу май ичмағу девоналиқ керак.

7

ҚАНОАТ НАҚШИНИНГ ИФШОСИЮ
НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚИНИНГ АДОСИ

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул,
Ки хатм ўлгай ойини иззат санга.

Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдурур,
Бу бир тахту ул чатри рифъат санга.

Фано шуъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.

Етар лола буткан қоя қулласи,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.

Эрур бас ариғ нуктаву қон ёшинг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.

Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Дамингдин йироқ тутмагил хушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тонг кўси давлат санга.

Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.

8

ТАВАККУЛ СИФАТИЮ БЕТАВАККУЛЛАР МАЗАММАТИ

Таваккулни улким қўюб, хотирига
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ ҳавоси.

Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.

Биравким, бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керактур қазоннинг қароси.

9

МАХЛУҚ МУЛОЗАМАТИДИН ТАНФИРУ ФАЙРИ ҲАҚ МУЛОЗАМАТИДИН ТАҲЗИР

Кимки махлуқ хизматиға камар
Чуст этар, яхшироқ ушалса бели.

Қўл қовуштурғуча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эғни, синса эли.

Чун хушомад демакни бошласа кош,
Ким тугулса дами, кесилса тили.

КАМОЛ КАСБИГА ДАЛОЛАТУ НУҚСОНИДИН ИЗҲОРИ МАЛОЛАТ

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

11

ЖАБҲА ЧИНИНИНГ МАНЪИКИ, ОРАЗ ГУЛИНИНГ ХОРИДУРУ МУРОД ЮЗИНИНГ ГУБОРИ

Биравким, жабҳасида чин эрур, тута олмас
Мурод шоҳидининг соидини коми била.

Агарчи фаннида соҳиб камол эрур сайёд,
Қачон балиғ тута олғай су мавжи доми била.

12

СЎЗГА ҚУЛОҚ СОЛМОҚУ ОФИЗ ОЧМАМОҚ, ГАВҲАРНИ ТЕРИБ, ЎЗ ГАВҲАРИН СОЧМАМОҚ

Қулоқда асра гаронмоя сўзнию фикр эт,
Ки дурсиз ўлса, не бўлғусидур садаф ҳоли.

Сўзунгни дағи кўнгул ичра асрағилким, ҳайф,
Ким ўйла дуржни гуҳардин эткасен холий.

Бу дуржу икки садафни тўла дур этканга,
Зиҳи улувви гуҳар, балки гавҳари олий.

ҲИДОЯТ АҲЛИҒА ҲАВОДИС ОСИБ
ЕТКУРА ОЛМАСИДАВУ НАВОЙИБ ЗАРАР ЕТКУРА ОЛМАСИДА

Не раҳравеки, тожи ҳидоят бошидадур,
Йўқ бок анга ҳаводиси афлок тошидин.

Ҳудҳудки, қўйдилар азалий тож бошиға,
Тушқайму жола ёғқан ила тожи бошидин?

ЗОҲИДИ РИЁЙИ КЎНГЛИДИН МАЛОМАТ
АҲЛИ КИНИ РИШТАСИН УЗМАГУ САЛОМАТ
ЙЎЛИН КЎРГУЗМАК

Кўрсанг, эй зоҳид, муқомираваш қаландарпешае,
Бўлма кўп машғулу дунё шуғлидин қил ижтиноб.

Дона ўйнаб важҳин исор этсанг андин яхшиким,
Эвруб тасбиҳу ёрмоқ судин эткайсен ҳисоб.

БАДАСЛ ЭЛГА МУЛОЯМАТДИН ЭҲТИРОЗ КЎСИН
УРМОҚУ ИДБОР АҲЛИ СУҲБАТИДИН
ИЖТИНОБ ҚИЛМОҚ

Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳгилемга албатта меҳр айлама фoš.

Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қуёш чароғиға парвона бўлмади хуффош.

ДУШМАНДИН ТАҲЗИР ҚИЛМОҚКИМ, БИЙМИ БЎЛҒАЙ,
ХУСУСАНКИМ, УЛ ДУШМАНИ ҚАДИМИЙ БЎЛҒАЙ

Чу душман ўлди қадимий зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши жонға роҳат эрур.

Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа офат эрур.

17

**ВИҚОР ТАРҒИБИДАКИМ, ҚОФИ ҚУРБ
ҚОФИДИН НИШОНАДУРУ УЛ ҚОФ ДАВЛАТ АНҚОСИҒА ОШЁНА**

Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,
Десангки, қилғай итоат санга гадо била шоҳ.

Бу шева тоғда зоҳирдурурки, даврондин
Қачонки тафриқа етти, улусқа бўлди паноҳ.

18

ТУЗЛУК ИРТИКОБИДАВУ ЭГРИЛИК ИЖТИНОБИДА

Бийик мақомиға улким тилар сабот, керак,
Ки эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.

Туз ўлса соясида эл тиниб манор киби,
Сипеҳр уйида турар қарнлар нечукки сутун.

Гар эгридур ёғибон ўқу боғланиб бўйни,
Бўлур қабақ йиғочидек беш-ўнча кунда нигун.

19

РОСТЛИҚ СИФАТИЮ РОСТРАВЛАР КАРОМАТИ

Хиромон суда сойир бўлмоқу учмоқ ҳаво узра
Ажаб эрмас, қачонким ростравлиқ қилса озода.

Шиор айлаб бу ишни кема тийри, кўрки, су узра
Хиром айлаб ҳавоға бодбондин солди сажжода.

ТАЗВИР АШКИ ШАҚОВАТ ДОНАСИЮ НОДОН
ЁВАСИ ИДБОР НИШОНАСИДУР

Поклар жони бўлур озурда тазвир ашкидин,
Кўзгу рухсори нечукким, занг тутқай нам била.

Ростлар кўнглини айлар тийра нодон ёвадин,
Шамъни ул навъким, жоҳил ўчургай дам била.

НИҲОНИЙ САХОВАТДА КЎШИШ ОСОРИЮ АНИНГ
ЖИЛВАСИДА НАКУҲИШ ИЗҲОРИ

Сахий улдурки, навъе базл қилгай,
Агар худ суфра ичра бўлса нони.

Ким ул чодир кўмочидек етишкай
Гадо уйига кўзлардин ниҳоний.

Фалакдек йўқки, аввал жилва бергай
Куёшнинг қурсидек оламға они.

ТАКАЛЛУФ АҲЛИНИНГ ДУНЁҒА ШЕФТАЛИФИДАВУ
ДУНЁЛИККА ФИРЕФТАЛИФИДА

Тўнни зарбафт айлабон хиффатдин учқан ҳар тараф,
Йўқ ажаб гар бор эса дунё матои ком анга.

Ул чибинким, кўзга олтун янглиғ ишнар хилъати,
Кўпраги, билким, нажосат узрадур ором анга.

ОЗ СЎЗ ДЕМАКНИНГ МАНФААТИДАВУ КЎП
СЎЗНИНГ МАЗАРРАТИДА

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус.

Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилур тожварлар била дастбўс.

Неча тожвардур кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.

ҲИНДУ ТАРБИЯТИДАКИМ ҲАДИС МАЗМУНИ БИЛА
БЕТАХАЛЛУФДУРУ ХИЛОФ ҚИЛҲОНҒА БАҲРАЕ ТААССУФ

Иссиғ нафас билан ҳиндуға тарбият қилсанг,
Хисоли ҳарён ўлур жаҳл тавсанин сурмак.

Кўмирни ўтқа солиб лаъли оташин этсанг,
Натижа бўлғай анга қайда тушса куйдурмак.

ЛАИМҒА ТАЪЗИМ ЎЗ-ЎЗИГА РАНЖИ АЗИМДУР,
БАЛКИ АЗОБИ АЛИМ

Лаим фарқиға иқбол тожини қўймоқ
Яқинки, бўлғусидур мужиби азоби анинг.

Нутуқчи бошиға шунқор тумоғаси тонг эмас,
Ки бўлғуси сабаби ранжу изтироби анинг.

ОЛИЙ ШАЪН ЭЛ КИЧИК ЁШЛИФ ЭКАНДА ҲАМ
ОЛАМОРОЙДУРУ ОЙ БИР КЕЧАЛИКДА АНГУШТНАМОЙ

Бийик мақомлиғ эл тифл эканда ҳам бўлмас,
Ки тийра қилғай ани жаҳлу зулмат аҳли тили.

Қамар чароғи агар бўлса барча бир кечалик,
Не навъ ўчургай ани шабпарак қаноти ели.

САХОВУ БУХЛ БОБИДА НУКТА СУРМАК ВА
АРОЛАРИДА ИККИ ВОСИТА КЕЛТУРМАК

Добон берган киши эрдур валекин
Демай берганга эрлик бил мусаллам.
Не деб, не берса билгил ани хотун,
Добон бермасни хотундин дағи кам.

АВОМ РЎЗАСИН БАЁН ҚИЛМОҚ ВА
ДАҲАНБАСТЛАР ОЧЛИҒИН АЁН ҚИЛМОҚ

Не рўза бўлғай ангаким, очуқ бўлуб оғзи,
Даме кам ўлмағай андин калому ҳарза калом.
Ғариброқ буки, қилғай баҳонаи суннат,
Ки шарбат айлағай ошом зоҳир ўлмай шом.
Намоз қилмағая қилса ҳам намоз ичра
Тахайюл айламағай ғайри лавн-лавн таом.
Чиқиб намоздин ўлғай таом ила мамлу
Бу шарт бирлаки, бўлғай таоми барча ҳаром.
Димоғ топса ругубат бу навъ атъимадин
Гунас бош ургуча уйғанмағай киши ноком.
Кўзин чу очти яна рўза айлағай ният,
Агарчи фосид эрур меъдаву сақл андом.
Бу турфаким, тилағай бу қадар қабоҳат ила,
Ки рўза тутмағини англағай хосу авом.
Бу савм илаки малак ани ёзмағай жуз фисқ,
Зиҳи малакваш сойим, зиҳи хужаста мақом.

Навоиё эрур ортуқ бу емак-ичмакдин
Йилон этини ебон, заҳрин айламак ошом.

29

АЧЧИҒ СУ КАСРАТИДИН ТАНБИҲУ ДАРЁДА
ЧУЧУК СУНИ АНГА ТАШБИҲ ҚИЛМОҚ

Ўйла ғарқи майдурурлар халқ бу давр ичраким,
Шарънинг айн-ул-ҳаётидин асар мафҳум эмас.

Ул сифатким, баҳрнинг аччиғ суйида баъзи эл
Топилур дерлар чучук су ҳам вале маълум эмас.

30

ПОДШОҲ МУҚАРРАБИ КИШИГА ЭЛ ҲАСАД
ЕМАК ВА БУ ИШНИНГ ДИЛПАЗИР ЖИҲАТИН ДЕМАК

Шаҳға муқарраб ўлса бирав барча хайлдин,
Эл барча душман ўлса анинг бирла важҳи бор.

Ким хайлу шоҳ ошиқу маъшуқ эрур яқин,
Гулчеҳраеки, ошиқ анга бўлса бешумор.

Ул барчасидин ўлса бирисига мултафит,
Душман бўлурда ўзгаларига не ихтиёр.

31

АБЛАҲНИНГ ҲАРЗАСИ ИНТИБОҲИДАВУ
ЭШАКНИНГ ФАРЁДИ ИКРОҲИДА

Умрин аблах кечуруб ғафлат ила,
Нукта ўрниғаки тортар харрос.

Бир эшакдурки, тағофул юзидин
Қилғай изҳор паёпай аррос.

ХЎБЛАР ВАСЛИФА МАҒРУР БЎЛМАМОҚУ АЛАРНИНГ ИЛТИФОТИФА МАСРУР

Замона хўбларининг висоли шарбатидин,
Навоиё, тилабон ком кўп чучутма мазоқ.

Ки ҳар пиёласи зимнида коминг эткай талх,
Сипеҳр тутқусидур юз тағора заҳри фироқ.

«АННОСУ АЛО ДИНИ МУЛУК» ҲАДИСИНИНГ ТАФСИРИ

Шаҳнинг афъоли этар хайлу сипоҳиға асар,
Чу наби дедики, «анносу ало дини мулук».

Хукамо ҳам дедилар шаҳни тенгиз, хайли — ариқ,
Ул ачигдур, бу ачиг, ул чучук ўлса, бу чучук.

ЖАВОҲИРСЕВАР САЛОТИН ИНКОРИДАВУ АНИНГ ТОШҚА МУШОБАҲАТИ ИЗҲОРИДА

Шаҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг,
Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош.

Чу ўлгунгдур не осиг тўкмак они
Мазоринг узра андоқким, ушоқ тош.

АТФОЛНИ ҚАРИЛАР ХИЗМАТИФА ЙЎЛДАМОҚУ ЧУЧУК СЎЗ БИЛА АЛДАМОҚ

Қарилар хотири нозукдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох:

Унутгунгмуки, атфол ўйнағанда,
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох.

ЎЗ ТОИФАДИН ШИКОЯТИЮ ЭЛГА ЯХШИЛИҚ ҚИЛИБ,
ЁМОНЛИҚ КЎРГАНИ ҲИКОЯТИ

Не толиъдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш.

Биравдур гар ани десам кўзумсен,
Чекар мужгон киби қасдимға юз неш.

УЛ БОБДАКИМ, ҲУСН ҚУШИ АШК ДОНАСИ
БИЛА САЙД БЎЛМАСУ ЖОН РИШТАСИ
БИЛА ГИРИФТОРИ ҚАЙД

Ул турфа қуш ҳавосида кўз тўкти дурри ашк,
Жон ёйди риштасин анга айлаб ҳавои қайд.

Лекин гар инжу сочса киши дона ўрниға,
Товусни қачон қилур ўргамчи доми сайд?

УЛ МАЗМУНДАКИМ ТАКАЛЛУФЛУҚ ТЎН МУЖИБИ
КУЛФАТДУРУ БЕТАКАЛЛУФЛУҚ АДАМИ УЛФАТ

Кийиб самур ила киш қилма асру раънолиқ,
Ипак либос ила тутма ғурур жоми тўла.

Тийннинг ўз туки-ўқ бўлди жониға офат,
Фарисанинг паридин келди ўз бошиға бало.

ЛОЖУВАРДДИН РАНҒЕ КЎРМАГАН КЎКИН
ТУЗМАҒУ УЛ КЎКТА РАНҒЕ КЎРГУЗМАК

Шоҳи сипехрқадр Абобакр ул шаҳе,
Ким кўк равоқи дарғаҳи қадриға тоқ эрур.

Бу чархи ложувард уза хуршид, гүйиё
Кўкбўз таковариға музаҳҳаб жаноқ эрур.

Бир пора ложувард сари гўйи англади,
Ким бу заифи хастаға кўп иштиёқ эрур.

Хукм этти бир қулиғаки, таслим айласун,
Гўё вусули ул киши оллинда шоқ эрур.

Ердин деса қазиб чиқарай, ер эрур қатик,
Кўк конидин десаки, олай, кўк йироқ эрур.

40

КУЧ БИЛА КУЛГУДИН ЙИРОҚ СОВУҚЛУҚҚА
ЁВУҒРОҚ, ВАЛЕ КУЧ БИЛА ЙИҒЛАМОҚ ЭРУР АНДИН СОВУҒРОҚ

Хикмат аҳли оллида совуқ сифат йўқ кимсада
Субҳи козибдек маҳалсиз айлагон кулгу киби.

Лек мундин кўп совуқдур ашк тўкмак зўр ила
Дай елида қатра-қатра муз томизған су киби.

41

АНОНИЯТ УЙИН БУЗМОҚ БОБИДАКИМ,
ФАНО ЗОВИЯСИН ТУЗМАҚДУР ВА ЎЗИН
КАМ ҚИЛМОҚДА ЎЗИН КЎРГУЗМАК

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик
Бўла олмас бу нақдға молик.

42

ҚОНИЪ ВАСФИДАКИМ, «АЛҚАНОЪАТУ КАНЗУН ЛО ЮФНО»
МАЗМУНИ БИЛА АМАЛ ҚИЛУР ВА ҲАР НЕЧА
НАФЪ ТОПСА ҚАНОАТ ҚИЛМАС

Қаноат гўшасин тутқилки, чун анқо бу даъб этти,
Анга қушлар ичинда қурб Қофида нишимандур.

Чу парворий товугнинг оғзи тинмас туъмадин гарчи,
Ўлар охир, анга аввал катак зиндони маскандур.

43

ЮРУШДА ОТЛАРИ ЗАЪФИ ТАЪРИФИДАКИМ,
МУАММО ИЧИДАГИ ОТДЕК ПАЙДО ЭМАС ЭРДИЛАР

Бу юрушда ики улогим бор,
Лек бормен сипоҳийликда яёқ.

Ики шатранж отидек бириси
Кўтара олмай ўз еридин оёқ.

Чопса шатранж хонаси хатидин.
Секримаклик аларга беҳад шоқ.

Бири ранги қорадурур, бири бўз,
Қора ердур дағию бўз туфроқ.

44

УЛ ИМОМ БОБИДАКИМ, НАМОЗ ҚИЛМОҚДИН
МАҚСУДИ ЖАМОАТДИН ЎЗНИ МУМТОЗ ҚИЛМОҚ ЭРДИ

Турфа иш кўрким, фалон ҳар вақтким, қилғай намоз,
Анда бир иш, ғайри номашруъ, зоҳир бўлмағай.

Гар қиёму гар қироат, гар рукуъу гар сужуд,
Ҳар не қилғай бири ўз еринда содир бўлмағай.

Бўлмағай ҳозир жамоатқа вале ёлғуз дағи,
Қилмағай то бир жамоат анда ҳозир бўлмағай.

Бовужудиким, жамоат айлағайлар барча ҳазл,
То имомат қилмағай осудахотир бўлмағай.

ТУС МАЗОРЛАРИ БОБИДАКИМ ВАЙРОНАДА ГАНЖИ
МАДФУНҒА, БАЛКИ САДАФ ИЧРА ДУРРИ МАКНУНҒА
МУШОБИХДУРЛАР

Авлиёуллаҳ мазори Тус вайрони аро
Кўптурур, йўқ бок агар тавфида кўрса кимса ранж.

Мунчаким вайрона кездим ганж бир ҳам йўқ эди,
Бўйла вайрон ким кўруптур анда мадфун мунча ганж.

ҒАЛАТ БИТИР КОТИБ БОБИДА ҚАЛАМ СУРМАҒУ
ҚОРАСИНИНГ ҒАЛАТИН ЮЗИГА КЕЛТУРМАК

Ғалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин ани қўпармоқ керак.

Юзин номасидек қаро айлабон,
Қаламдек бошин дағи ёрмоқ керак.

Қародин қароға берибон улоқ,
Қаламравдин ани чиқармоқ керак.

КОМИЛ ҚАЛАМЗАН СЎЗИДАКИМ, ТАЪРИФИ
ЛОЗИМ КЕЛГАЙКИ, ҚАЛАМ ТИЛИН БИЛУР КИШИ АНИ БИЛГАЙ

Қиблат-ул-куттобким, дерлар ани Султон Али,
Ким қазо килки масаллик хомаси ёзмас ғалат.

Қайси қитъамники ёзди борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвдонғаким, эрур бир қитъа хат.

ҲИММАТ БОБИДАКИМ САРВНИНГ САРАФРОЗЛИҒИГА
САБАБДУРУ АРИҒНИНГ ХОКСОРЛИҒИГА БОИС

Ҳиммат аҳлики эрур тузлук аро сарв киби,
Даҳр бўстонида сарсабздуру озода.

Улки, су янглиғ эрур пастниҳоду кажрав,
Чекиб афғон анга тинмаслиғ эрур омода.

49

ДИЛБАСТАЛИҒ МАНЪИДАКИМ ВАСЛ НАҒЪИ ЖОН
ТОРТМОҚДУРУ ҲАЖР САРСАРИ ЖОН БЕРМАК

Эй Навоий, кишига берма кўнгул,
Агар ул ҳурдурур, йўқса пари.

Васли нағъи буки, чеккайсен жон,
Ўлтурур, лек фироқи зарари.

50

ҚАЛАМИНИНГ СΙΑҲҚОРЛИҒИНИНГ БЕРОҲЛИҒИ ВА
ЎЗИНИНГ СИЁҲРЎЛИҒИНИНГ УЗРҲОҲЛИҒИ

Илоҳий, ул рақамеким, чекибдурур қаламим,
Мин-аш-шарорати ав ғайриҳо фарарту ладаик.

Агар худ ўлса малиҳ ажри раҳматингдур анинг,
Ва лав якуну қабихан, фа-минҳу, тубту илайк.



Рубинкара



Субҳоналлоҳи холиқи 3-ул-мажду ало,
Ким андин эрур тўла хало бирла мало.
Гар меҳр анинг мисли дегайлар уқало,
Меҳр оллида зарра янглиғ ўлғай масало.

2

Кўк пўяву сайр ила талабгор санга,
Кун сорғорибон ишқда бемор санга.
Ой доғ ила қуллуқ айлаб изҳор санга,
Тун анжуми нақдидин харидор санга.

3

Ё Рабки, иноятингни ёр айла манга,
Йўқлуққа ҳидоятингни бор айла манга,
Ҳам қаҳфи кифоятингни дор айла манга,
Ҳам дурри иноятинг нисор айла манга.

4

Шоҳеки фалак сори чу майл ўлди анга,
Кўк зарфи сочарға нур кайл ўлди анга,
Афлок шаҳи тобеу хайл ўлди анга,
Балким, еру кўк хайли туфайл ўлди анга.

5

Жонимдағи «жим» икки долингға фидо,
Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолингға фидо,
«Нун»и дағи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолған ики нуқта икки холингға фидо.

6

Бу қосид ишим оху фигон айладило,
Бу руқъа танимни нотавон айладило.
Бу сазб хабар ичимни қон айладило,
Бу қонлиғ ичим ҳалоки жон айладило.

7

Уйланса бирав торий ўлуб накбат анга,
Маккораки, қалтабон суар шаҳват анга.
Зишт эрса гар элдин ёшурур, раҳмат анга,
Хўб эрса гар элга кўргузур, лаънат анга.

8

Ким бўлса бу мотамкададек олам аро,
Сайр айласа ғамсириштлиқ одам аро,
Гар одам эрур, бўлса керактур ғам аро,
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

9

Ишқингда неча зор бўлай фурқат аро,
Етсам хуш эрур базминга бир ишрат аро.
Кўз икки юзунгдин олмасам суҳбат аро,
Икки табонингдин ўйлаким хилват аро.

10

Нўш айлар эмиш қадаҳни жонона тўла,
Соқий, манга тут жоми ҳарифона тўла.
Қуй, гар худ эрур сипеҳр паймона тўла,
Ҳар нечаки, холи этсам, эт ёна тўла.

11

Номангки, тириклигимдин улдур матлуб,
Очиб ўқугач бир неча лафзи марғуб,
Кўп тўлғаниб ашк ичра ўзумдин бордим,
Ул навъки, су ичига тушкай мактуб.

12

Номангки, эрур боиси иқболу тараб,
Еткурса тараб мени ҳазинга не ажа?
Ёлғуз мендин кетармади ранжу тааб,
Ким бўлди баса халқ ҳаётига сабаб.

13

Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб эрса, маломат дағи бордур матлуб.

14

Су кўзгусини боғ аро айларда шитоб,
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу симобни андоқ кўзгу,
Ким кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.

15

Васлинг бўлубон жонға муяссар, ё Раб
Чехранг қилибон кўзни мунаввар, ё Раб,
Нутқунг сочибон базмда гавҳар, ё Раб,
Ё Рабки, ижобат айлагил ҳар «ё Раб».

16

Маҳбубдурур гулу висоли матлуб,
Кўрмак ани гулбун узра билгил маҳсуб.
Базм ичра узуб кетурмак эрмас марғуб,
Ул навъки мажлис ичра ўлган маҳбуб.

17

Эй улки, сўзунг тушти ҳабиб оллида хўп,
Мендин йўлиға бошинг кўюб, туфроғин ўп.
Аҳбобға ҳам бирин-бирин хидмат этиб,
Арз айла, ниёз ила дуо кўптин-кўп.

18

Гардун уза базм учун мақом айлади тут,
Ул базмда хуршидни жом айлади тут.
Ул жом ила ишратни мудом айлади тут,
Охир дами ер қуйи хиром айлади тут.

19

Гар ошиқ эсанг зебу такаллуфни унут,
Яхшию ёмон ишда тахаллуфни унут.
Ўткан гар эрур ёмон таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши тасарруфни унут.

20

Эй ишқ, анинг кўйида тавфи ҳарам эт,
Бизни дағи ул тавфға бошла, қарам эт.
Бир дойира кўйи теграсида рақам эт,
Гар чиқса оёғим рақамингдин, қалам эт.

21

Чун ханжари ҳажринг манга қатъ этти ҳаёт,
Бори ғаму дардинг ўқини тинмайин от.
Ким онча қовурсун пар уруб бутса қанот,
Тойир бўлубон етқамен охир санга бот.

22

Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис,
Савдоға ҳавойи жоми саҳбо боис.
Саҳбоға дағи дайру чалипо боис,
Бу барчаға ул дилбари тарсо боис.

23

Кўнглумни олибдур ул шаҳи сабздавож,
Ким ғамза била олур мамоликдин бож.
Боши уза мамлакат хирожи бир тож,
Тожи уза гавҳари мамоликка хирож.

24

Кундуз кўрсанг ўзунгни маҳзун, қадаҳ ич,
Андоқки, қуёш равшану мавзун қадаҳ ич.
Ул дамки, қуёш ботти, шафақгун қадаҳ ич,
Жомингни қилиб нечукки гардун, қадаҳ ич.

Гул вақти муяссар ўлса гулфом қадаҳ,
 Андин сўнг тутса бир гуландом қадаҳ.
 Манъ айласа барча аҳли ислом қадаҳ,
 Кофирмен агар қилмасам ошом қадаҳ.

Рухумғаки майдин эрди ҳар лаҳза фугуҳ,
 Носиҳ тили ниши қилди ани мажруҳ.
 Май лойини марҳам қилайин шому сабуҳ,
 Ул вақтқачаки, тоза бўлғай манга руҳ.

Қўрқутма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях,
 Жаннат манга бўлғуси дебон урма занях.
 Ким дўзах анинг ёди била жаннат эрур,
 Жаннат бори сенинг биладур дўзах.

Рухсори уза холларин ул дилбанд,
 Очти чу мени кўрди баче ҳожатманд.
 Айшимға ёмон кўз этмағай эмди газанд,
 Хоссаки, ул-ўқ бўлубтур ўт узра сипанд.

Ёшимға бағир қони чу эрди монанд,
 Кўз асради ёшдек бўлуб андин хурсанд.
 Турмади кўзумга еткач ул сарви баланд,
 Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.

Кўнглум сайди узуб улустин пайванд,
 Саргаштасифатлиғ била эрди хурсанд.
 Қуллоби муҳаббатинг яна солди каманд
 Сайдеки, узуб эди расан, айлади банд.

Эй шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаз,
Ҳайвон суйини қўйки, чучук жондин алаз.
Не жондин алаз, не оби ҳайвондин алаз,
Ким ҳарнеки йўқ, ондин алаз, ондин алаз.

32

Будур тилагимки улки, маъбудунг эрур,
Тутқай сени ул ёнки, сенинг судунг эрур.
Кўнглунгга етургай улча беҳбудунг эрур,
Илгингга кетургай улча мақсудунг эрур.

33

Гул зикрин эшитурмену йўқ гулдин асар,
Бу боғ эшигидин истарам онча гузар,
Ким топмаса гул жамолидин баҳра назар,
Боре исидин етса димоғимға хабар.

34

Соқий, баданимни нотавон этти хумор,
Кўнглумни қадаҳдек тўла қон этти хумор.
Ҳар узвума юз ранж аён этти хумор,
Тутқил қадаҳеки, қасди жон этти хумор.

35

Мулк очқали ҳар хисрави олиймиқдор,
Инсофу адолату салоҳ етса шиор.
Фатҳ ўлғай анинг ниҳояти охири кор,
Алминнату лиллаҳки, санга барчаси бор.

36

Кўзум учадур, магарки ёрим келадур,
Эс ҳар дам озар, магар нигорим келадур.
Ё бодияи фироқ сайрида, қилиб —
Юз марҳала қатъ, шаҳсуворим келадур.

37

Ошубки ул кўз тарфи айланадур,
Боғлабсену жон бу дарддин ўртанадур.
Ё ғояти усруклуғидин булғанадур,
Ул маст кибики, булғанур боғланадур.

38

Ағёр ила жуфт берма фардим бор,
Ким фурқати заъфида рухи зардим бор.
Гар дардидин оҳи ғуссапарвардим бор,
Манъ айлама, эй рафиқким, дардим бор.

39

Ҳар лаҳза кўнгул ғамингда маҳзун бўладур,
Маҳзунлуғи лаҳза-лаҳза афзун бўладур.
Савдо анга юз ончаки, Мажнун бўладур,
Юз мунча десам ҳам не ажаб чун бўладур.

40

Эй боди сабо, айласанг ул сори гузор,
Жон бирла кўнгулни топшурай олғач бор.
Кўнглумни итига туъма қилғил зинҳор,
Жонимни дағи оёғиға айла нисор.

41

Эй жисм, анинг кўйини пайдо қилакўр,
Эй кўнгул, ўшул кўйни маъво қилакўр.
Эй кўз, сен анинг юзин тамошо қилакўр,
Эй ашк, анинг кўйи сари оқилакўр.

42

Элдин қочиб улки, тутса тоғ ичра қарор,
Совуғда ери бу тоғнинг жавфида ғор.
Иссиғда макони андаким, ётмиш қор,
Олам элининг шаҳлиғидин бор анга ор.

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолайи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

44

Ҳар гармравеки, бўлғай ул қошифи роз,
Мақсуд ҳарими сари қилғач парвоз.
Тонг йўқ фалак узра айлабон жилвайи ноз,
Наълайни малакка бўлса меҳроби намоз.

45

Олам бор эмиш, Навоӣё, шўрангиз,
Оламдағи эл боштин-аёғ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам мисри сари,
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

46

Аҳбоб денгизки, хонумондин тамаъ уз,
Не хону не мон, кавну макондин тамаъ уз.
Не кавну макон, жону жаҳондин тамаъ уз,
Лекин демангиз муники, ондин тамаъ уз.

47

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники, севмак андин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

48

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қорақўз,
Ишқ аҳли ҳаётиға яро, эй қорақўз.
Чекма яна сурма кўз аро, эй қорақўз,
Эл қониға қилма кўз қаро, эй қорақўз.

49

Ул кўзки, даме бўлмади соғ, эй қорақўз,
Қонимдин ичар мудом аёғ, эй қорақўз.
Билмонки эрур анга қароғ, эй қорақўз,
Ё маст эди қўйди тоза доғ, эй қорақўз.

50

Жонбахш лабинг чашмаи ҳайвонму эмас?!
Ҳажридин анинг ичим тўла қонму эмас?!
Ҳар қатраи қон лаъли Бадахшонму эмас?!
Ҳар порайи лаъли жавҳари жонму эмас?!

51

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дафъиға даво қилма ҳавас.
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

52

Маҳбубқа эътимод қилмоқ бўлмас,
Андин талаби мурод қилмоқ бўлмас.
Кўзнинг қаросин мидод қилмоқ бўлмас,
Гар бўлса битиг савод қилмоқ бўлмас.

53

Ҳам савмаа кунжи шайхи таррорға бас,
Ҳам шайх юзи зоҳиди ҳушёрға бас.
Ҳам дайрда мастлиғ мени зорға бас,
Ҳам муғбача васли жони беморға бас.

54

То субҳ хурусе уйғаниб урди нафас,
Хуффош қанот очқуча май қилма ҳавас.
Чун валвала чекти қўй аро табли асас,
Май ич анга тегруким, етар савти жарас.

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

56

Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш,
Айларда ажал анга жафо расмини фош.
Ғам тирноғидин қилиб қароғимни харош,
Яшурғай эдим ани кўзум уйида кош.

57

Йўқ бодайи васл, оби ҳайвон ул эмиш,
Аҳбоб мулоқоти дема, жон ул эмиш.
Гардун ғаму ранж суратин нақш этса,
Жон чехраси атрофиға ҳижрон ул эмиш.

58

Йиллар тутубон шайх мақолотиға гўш,
Не кўнглума завқ етти, не жонима жўш.
Жонимға наво солдию кўнглумга хуруш,
Бир журъа била муғбачайи бодафуруш.

59

Шарбат манга хунобу гизо ғам бўлмиш,
Бистар туфроғу оҳ ҳамдам бўлмиш.
Ҳолимға халойиқ иши мотам бўлмиш,
Сенсиз ўларим саъб эди, ул ҳам бўлмиш.

60

Соқий, мени хорхордин айла халос,
Гулгул юзунг оч, баҳордин айла халос.
Ё май беру интизордин айла халос,
Ё ўлтурубон хумордин айла халос.

61

Бер жому ол, эй муғбача, жонимни эваз,
Қўш тутқилу, ол икки жаҳонимни эваз.
Ани сумурурда қатрае томса агар,
Сен ҳам тўк анинг ўрнида қонимни эваз.

62

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа вафодур анга шарт.
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт.

63

Бу даврда йўқ сен киби хушхон ҳофиз,
Хуффоз аро сарҳалқайи даврон ҳофиз.
Қуръонға сен ўлган киби яксон ҳофиз,
Бўлсун санга барча ишда Қуръон ҳофиз.

64

Ким айласа соқийи гуландом тамаъ,
Илгидин онинг соғари гулфом тамаъ.
Андин сўнг агар тақвою ислом тамаъ
Айлар эса, гўл мардак эрур хомтамаъ.

65

Ул дамки, қуёш айлади мағрибқа ружуъ,
Гар суҳбат ўшул қуёш била топса вуқуъ.
Хуштур қилмоқ жом қуёшиға шуруъ,
Ул дамғачаким, қилур қуёш жоми тулуъ.

66

Муғ дайрида даст берса бир лаҳза фароғ,
Ким муғбача ишқидин қизиг бўлса димоғ.
Ул тутса муғона лаҳн ила ҳар дам аёғ,
Бош олсам оёғидин керак бошима доғ.

Бир гул ғамидин дедим, қўяй бағрима доғ,
Бергайму дебон, атри димоғимға фароғ,
Баргин чу мулаввас айлади бум ила зоғ,
Эмди ани исламакка юз ҳайф димоғ.

Бердинг манга дайр аро иқомат, эй муғ,
Туттунг қадаҳи майи маломат, эй муғ.
Бу ишни худ айладинг каромат, эй муғ,
Ё Рабки, ҳамиша бўл саломат, эй муғ.

Номанг етибон топти кўнгул иззу шараф,
Ҳар лафзи бўлуб мурод дурриға садаф.
Ҳар сатри алам черигининг дафъи учун,
Иқбол сипаҳидин чекибон бир саф.

Соқий, баданимни қилди ғам тийғи шикоф,
Қоним бори оқти, тутма ўзунгни маоф.
Тутқил бадали моятаҳаллал майи соф,
То маст қилай ғам чериги бирла масоф.

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,
Жонимға балову дард ўқин урди фироқ.
Жисмимни фано ўтиға кўйдурди фироқ,
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.

Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ.
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,
Бедил эканим бўйла аён айлади ишқ.

73

Ул дамки қуёш боттию сарғарди шафақ,
Базмингга шафақгун май ила бер равнақ.
Не Ҳақни унут, не майни қўйгил мутлақ,
Ким тонгла эрур Тенгри кариму барҳақ.

74

Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.
Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йўқ.

75

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлағай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

76

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,
Кўнглум аро ғайри нолаву афғон йўқ.
Жонимга ҳаёт умиди худ имкон йўқ,
Йўқ-йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

77

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаву ҳайрон мендек.
Гам қўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону аломон мендек.

78

Бераҳмдурур оламу золим афлок,
Бемеҳрдурур анжуму даврон бебок.
Қай сарви чаманки, жилва қилди чолок,
Ким ерга тўкулмади нечукким хошок.

Зоҳид, сенга ҳур, манга жонона керак,
 Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
 Майхона аро соқию паймона керак,
 Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

80

Эй жону кўнгул, бир-бирингизга қоришинг,
 Ул кўй сари раҳши таманно ёришинг.
 Ҳол устида эрканим сўзин ўтқаришинг,
 Ҳолимни сўрарға келмаса ёлборишинг.

81

Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг,
 Юклаб элитинг жисми фигоримни менинг.
 Ўтру чиқариб аҳли диёримни менинг,
 Кўйида кўюнг тани низоримни менинг.

82

Эй улки, замона аҳлидин айрилдинг,
 Ишқ аҳли тариқи ҳўб эканни билдинг.
 Хуш қилдинг алар тавринию қотилдинг,
 Раҳмат санга, яхши айладинг, хуш қилдинг.

83

Кўксумни жафо тийғи била ёра қилинг,
 Кўнглумни чиқаринг дағи юз пора қилинг.
 Ҳар порасини бир сари овора қилинг,
 Ишқим ўтиға бу навъ ила чора қилинг.

84

Гар дилбар эмас малаквашу ҳурхисол,
 Андин сўнг улуснинг кўзи кўру тили лол.
 Не ҳусниға руъяту не ишқимға мақол,
 Биллаҳ мену ошиқлиқ эрур амри маҳол.

85

Бир сари сариг пўлоу мен тутсоқ йўл,
Не тоғу, не туз десак, не ободу, не чўл.
Йиртуқ капанакдин чиқариб яланг қўл,
Ул қочсаю мен қовсаму, мен қочсаму ул.

86

Турмай мени зору нотагон бирла кўнгул,
Улфат тутмиш ул остон бирла кўнгул.
Ёреки манга жон эди ҳам азм этти,
Мен мундаву хизматида жон бирла кўнгул.

87

Умринг қуёшига бермасун чарх завол,
Жонинг қамарини қилмасун давр ҳилол.
Тун-кун бўлғил маҳравишу меҳрхисол,
Даҳр аҳлига нурбахшу фархундажамол.

88

Эй жони ҳабибу кўнгли аҳбобқа лол,
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол.
Кўнглумга бер аҳбоб била жоми висол,
Жонимни ҳабиб оёғи туфроғига сол.

89

Садбарг, бинафша, йўқса наргис, ё гул,
Ичмак бўлмас булар ҳавоси била мул.
То ҳажр елидин ўлди ошуфта димоғ,
Юз нохуна кўз ичраву юз пора кўнгул.

90

Тоғ ичра ажаб шоҳдур ул шефтаҳол,
Ким топса булоғе суйи андоқки зулол.
Боши уза чатри салтанат ҳар янги тол,
Су ичкали жоми айши бир эски сафол.

То даҳрдурур, даҳр уза султон бўлғил,
То олам эрур, олам уза хон бўлғил.
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.

Муғ дайри сари бугун таманно қилдим,
Ул муғбача ҳуснини тамошо қилдим.
Дин нақдини куфри бирла савдо қилдим,
Ким қилди бу ишким, мени расво қилдим?!

Ёшунған эмиш қаро булутқа моҳим,
Гардунни совурмоғлиқ эрур дилхоҳим.
Кирмиш қора туфроққа қуёшдек шоҳим,
Невчун қора қилмасун қуёшни оҳим.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.
Кўзларни олишмоққа чекиб тийғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам.

Баҳру кемадин кўнгулда кўптур аламин,
Ким секримайин қадам, югурмай қаламин.
Мақсуддин онча солди бир дамда йироқ,
Ким юз йил ани тай қила олмас қадамим.

Гурбатқа тушуб заифу бемор ўлдум,
Дарду ғаму меҳнат илгида зор ўлдум.
Сартосар ажал тошидин афгор ўлдум,
Сенсиз не балоларға гирифтор ўлдум.

Ишқ аҳлики, манзурдин истарлар ком,
Ул ком керакки, бир назар бўлса тамом.
Гар бўлса наззорасида андишайи хом,
Кўзларга назар доғи ҳаром ўлди ҳаром.

Масжидқа неча аҳли риёдек етайин,
Ё ринд киби азимати дайр этайин.
Мақсуд топилса яхши, йўқса нетайин,
Бошимни олиб қай сари эмди кетайин?

Жоним аро ўт лаъли сухандонинг учун,
Юзум уза кавкаб маҳи тобонинг учун.
Кўксумда алиф сарви хиромонинг учун,
Сўзлаб, юз очиб кел бу тараф жонинг учун.

Зулфунг гириҳиға пойбаст ўлмишмен,
Лаълинг майидин бодапараст ўлмишмен.
Ул майни ичиб йўлунгда паст ўлмишмен,
Ҳай-ҳай, не дедим, магарки маст ўлмишмен.

Зофеки чўқуб оқизди қон кўнглумдин,
Тирноғ ила узди нотавон кўнглумдин.
Аъзосида кўр асар дамим дудидин,
Минқор ила чангида нишон кўнглумдин.

Хуштур бўлсак, иковла ҳамдам сену мен,
Бир-бирга десак, етушса ҳар ғам сену мен.
Бўлсақ бор э ак ҳарамға маҳрам сену мен,
Муғ дайри ато бўлса ватан ҳам сену мен.

Эй боди сабо, агар ҳаво айлагасен,
 Гулшанға етарни муддао айлагасен.
 Сарв оллида ер ўпуб дуо айлагасен,
 Гул қошида қуллуғум адо айлагасен.

104

Менменму висол умидидин шод ўлған,
 Бир-бир ғаму андуҳдин озод ўлған.
 Оз-озғина берган сойи гул атри насим,
 Булбулдек ишим нолаву фарёд ўлған.

105

Исён тутуни бермаю чехрамга амон,
 Ул навъ қаро қилдики, мўрида самон.
 Оқ айламагини мен сияҳрўйи ёмон,
 Айлайолмон афв суйи бирла гумон.

106

Исён аро қолған ибтилониму дейин?
 Маъмур эткан нафси вағониму дейин?
 Йўқ тоат ила кибру риёниму дейин?
 Яхши демак ўзни, бу балониму дейин?

107

Дайр ичра тилаб жоми ҳилолий партав,
 Сажжода гарав бўлса не тонг, эй раҳрав!
 Чун муғбача оллида қилур сажда бирав,
 Йўқ айб мусаллоси анинг майға гарав.

108

Жонимға қилур жавру жафо ёр асру,
 Ким ёр ичида жавру жафо бор асру.
 Бўлдум чекибон жавру жафо зор асру,
 Мен жавркашу ёр жафокор асру.

109

Гар қилса киши қилиб гуноҳе, тавба,
Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳи тавба,
Бу журм ила тавбадин, Илоҳи, тавба.

110

Не юзини ғоза айламиш фарсуда,
Не кўзига сурма тортмиш беҳуда.
Не қошини вусма айламиш олуда,
Бу юзу кўзу қошдин эман осуда.

111

Номанг манга руҳдин нишон бўлди яна,
Осоиши жони нотавон бўлди яна.
Ҳар ҳарфи анинг танимда жон бўлди яна,
Ҳар лафзи ҳаёти жовидон бўлди яна.

112

Чун лола тўкулди, лолагун жом ичма,
Гул фасли туганди майи гулфом ичма.
Жавзода чу тутти меҳр ором ичма,
Кўп бўлса зарурат, ўлмайин, шом, ичма.

113

Муғ дайрида бўлса манга бир кошона,
Малжаъ дағи пири дайрдек фарзона.
Май муғбача тутса ҳар замон мастона,
Кофир бўлайин бўлса муродим ёна.

114

Ҳам жисминга заъф бўлса жоним садқа,
Ҳам жонинга жисми нотавоним садқа.
Сарвингға шикаст ўлса равоним садқа,
Йўқ-йўқки, санга жону жаҳоним садқа.

115

Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши,
Ҳаллоли румузи осмон бўлса киши.
Ё ошиқи зори нотавон бўлса киши,
Девонаву расвойи жаҳон бўлса киши.

116

Сен худ борасен кўнгулни қайтарғил, ахи,
Бедиллиқ ўтидин мени қутқарғил, ахи.
Ё тийғ чекиб тўш-тўшидин ёрғил, ахи,
Бир порасини бизга бериб борғил, ахи!

117

Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиғи,
Оҳ ўқларидин ҳар нафас афгорлиғи.
Билман унутулганму экандур манга ҳажр,
Ё кўпрак эрур бу қатла душворлиғи.

118

Жонимға етиптурур хумор, эй соқий,
Май тутқилу берма интизор, эй соқий.
Аввал ўзинг айла ихтиёр, эй соқий,
Тутқил менга сўнгра зинҳор, эй соқий.

119

Охир дами умр этса шитоб, эй соқий,
Тутқил манга онча майи ноб, эй соқий,
Ким ҳашрда маст ўлай хароб, эй соқий,
То англамай этсалар азоб, эй соқий.

120

Дедим зақанинг тутуб, сақоғингни ўпай,
Кўз қошингга суртубон қабоғингни ўпай.
Гулдек юзунг ислабон дудоғингни ўпай,
Йўқ, йўқ-йўқ, агар десанг, аёғингни ўпай.

121

Ҳар зулф ҳамиға қилма вобаста мени,
Ҳар кӯз ҳавасидин этмагил хаста мени.
Ҳар қош тамаиға солма пайваста мени,
Ё Раб, барисидин айла вораста мени.

122

Жонимда хумордин азоб, эй соқий,
Кўнглумда ҳам андин изтироб, эй соқий.
Еткур манга жоми майи ноб, эй соқий,
Ким ҳолим эрур асру хароб, эй соқий.

123

Фурқат саҳари ғамға йўлиқтурди мени,
Ҳижрон куни юз балоға топшурди мени.
Ғам шоми ўлум ҳолиға еткурди мени,
Тонг отқуча уйқусизлиғ ўлтурди мени.

124

Мунглуғ бошим остидағи тошимниму дей?
Тош устидағи ғариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей?
Ўлмақдин саъброқ маошимниму дей?

125

Не дашти махуф эмиш фано саҳроси,
Ким анда кирарга йўқ бало ёроси.
Ҳаргиз чу ёниб келмади нопайдоси,
Кимдин киши айлағай нишон илқоси.

126

Аввал менга васли руҳпарвар не эди,
Сўнгра қилмоқ ҳажр ила музтар не эди.
Десам булар, эй шўхи ситамгар, не эди,
Дерким, сенга не? Мен билайин ҳар не эди!

127

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

128

Ё Рабки, фано базмида хос айла мени,
Фақр аҳлиға соҳибихтисос айла мени,
Ё дохили зумрайи хавос айла мени,
Ё ранжи авомдин халос айла мени.

129

То дашт баҳор бирла рангин бўлғай,
Гулзор нигорхонайи Чин бўлғай.
Дашт узра сенга салтанат ойин бўлғай,
Гулзор аро тахт устида таскин бўлғай.

130

То чарх висоли кўйидин сурди мени,
Қатл айлагали ҳажрға топшурди мени.
Гар ҳажр ўлум ҳолиға еткурди мени,
Ёр эткани таъна, лек ўлтурди мени.

131

Ҳажринг сипаҳи зеру забар қилди мени,
Фам кишвари ичра дарбадар қилди мени.
Ондинки батар эмас, батар қилди мени,
Жон олғуча не дейки, нелар қилди мени.

132

Номангки, менга муждаи жони эрди,
Ҳижрон ғамидин хатти амони эрди.
Зулматқа саводи гар нишоне эрди,
Мазмун анга оби зиндагони эрди.

Тил сўз била то қизитти ҳангомамни,
Бир ҳам тия олмадим бу худкомамни.
Ҳар неча итикрак айладим хомамни,
Ул хома қаророқ айлади номамни.



Курсатюгчлар

ТАРИХИЙ, АДАБИЙ ВА АФСОНАВИЙ ШАХСЛАР НОМИНИНГ ИЗОҲЛИ КЎРСАТКИЧИ¹

АБОБАКР — Алишер Навоий замондошларидан бири. *Қитъа* 39, 1.

АБУЛҒОЗИ СУЛТОН ҲУСАЙН БАҲОДИРХОН — тўлиқ номи Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро (1438—1506). Хуросон ҳукмдори (1470—1506). «Ҳотамий» ва «Ҳусайний» тахаллуслари билан ўзбек тилида шеърлар ёзган. Асосан ғазаллардан иборат девони бор. Навоийнинг яқин дўсти ва маслакдоши, ўзбек тили ва адабиёти ривожига катта ғамхўрлик қилган темурий ҳукмдорлардан. 1485 йили ёзган «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» номли насрий асарида Навоийга «шеърят мулкининг соҳибқирони» деб, таъриф берган. «Ҳазойин ул-маоний» девони айнан Ҳусайн Бойқаро ташаббуси билан тузилганини Навоий дебечада алоҳида эҳтиром билан қайд қилиб ўтади. *Дебеча*, 13.

АЁЗ — асл исми Абу Нажм Аёз ибн Уймоқ. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг садоқатли ва соҳибжамол қули. Султон саройида тутган мавқеи барча ашрофлардан баланд бўлган. Султон Маҳмуд вафотидан кейин бир муддат Султон Муҳаммад, сўнг Султон Масъуд Ғазнавий саройида хизмат қилган. «Тарихи Байҳақий»да келтирилишича, Аёз умри охирида Муқрон вилояти ҳокими этиб тайинланган. Султон Маҳмуд ва қули Аёз ўртасидаги дўстлик ва самимий муҳаббатни адабиётга илк марта Санойи ва Низомий олиб кирган. Форс шоири Зулолий Хонсорий «Маҳмуд ва Аёз» номли йирик ирфоний дoston ёзган. Аёз — ишқ ва ошиқлик йўлида шоҳу гадо тенглигининг рамзи сифатида талқин қилинади. *Ғазал* 213, 6; 276, 3.

АЛИ — тўлиқ исми Али ибн Абу Толиб (598—661). Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва саллам (бундан кейин қисқартириб (с.а.в.) ҳарфлари билан ифодаланади)нинг амакиваччаси ва қўеви, ҳулафойи рошидиннинг тўртинчиси, 656 — 661 йилларда халифалик қилган. Ислom динининг ёйилиши ва аслиятидан узоқлашмаслиги учун жонбозлик кўрсатган. Бу тарихий шахс адабиётда асосан енгилмас баҳодир, жасорат, жисмоний куч ва руҳоний қудратни ўзида мужассамлаштирган зот сифатида талқин қилинади. *Ғазал* 276, 5; *қитъа* 47, 1.

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ (1253, Патёл — 1325, Деҳли) — Ҳиндистонда яшаб, форс-тожик ва ҳинд тилларида ижод қилган туркий лочин қабиласига мансуб мумтоз шоир. Отаси — Сайфиддин Маҳмуд Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳрининг нуфузли амалдорларидан бўлган. Амир Хусрав Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сига муваффақиятли жавоб ёзган. Унинг «Хамса»си «Матлаъ ул-анвор», «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли» (учала дoston 1299—1300 йилларда ёзилган), «Ойинаи Искандарий» (1301 йил), «Ҳашт биҳишт» (1304 йил) дostonларидан иборат. Умумий ҳисобда Амир Хусрав «Хамса»си 18000 байтдан ошади. «Тухфат ус-сиғар» (Ўспиринлик даври тухфаси), «Васат ул-ҳаёт» (Йигитлик даври шеърлари), «Фуррат ул-камол» (Камолот ёшидаги ғаройиботлар),

¹ Изоҳларни Сайфиддин Рафиддинов ва Олимжон Давлатовлар тайёрлаган.

«Бақияи нақия» (Умр сўнгидаги ижод маҳсуллари) номида турт девон тузган. Булардан ташқари, «Қирон ус-саъдайн», «Нўҳ сипеҳр», «Тож ул-футуҳ», «Дувалроний ва Хизрхон», «Афзал ул-фавойид», «Эъжози Хусравий», «Туғлуқнома», «Хазойин ул-футуҳ», «Маноқиби Ҳинд», «Тарихи Деҳли» каби маснавий, дoston ва насрий асарлари ҳам бор. Навоий Амир Хусравни ғазалнависликда ўзига устоз деб билган. *Дебона*, 14.

АБУ ЛАҲАБ — Абу Лаҳаб — ислом динининг ашаддий душманларидан бири, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиси. Абу Лаҳабнинг асли исми Абул Уззо ибн Абдул Муталиб бўлиб, икки ёноғи оловдек қизариб тургани учун Абу Лаҳаб кунясини олган эди. Абу Лаҳаб ҳақида «Масад» сураси нозил бўлган. *Ғазал* 45,8.

АФРИДУН, Фаридун — «Шоҳнома»да зикр этилган Пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири. Навоийнинг «Тарихи мулуки аҷам» асарида ҳам Фаридунга бағишланган алоҳида боб мавжуд. Унда келтирилишича, Жамшид авлодидан бўлмиш Отибиннинг ўғли — Фаридун Заҳҳокка қарши бош кўтарган Кова бошчилигидаги исёнга раҳбарлик қилади. Нухум, тиб ва афсунгарлик илмлари ҳамда Меҳржон байрамига асос солган. Уч ўғли — Салм, Тур ва Эражга мамлакатини бўлиб берганидан сўнг ораларида адоват пайдо бўлиб, Рум ва Турон ҳукмдорлари — Салм ва Тур ўз укалари — Эражни ўлдиришади. Йиллар ўтиб, Фаридуннинг набираси — Манучеҳр отаси учун амакиларидан қасос олади. Шу тариқа, беш юз йил адолат билан ҳукмронлик қилган Фаридун уч ўғлини тупроққа топширади ва ҳасрат билан дунёдан ўтади. *Ғазал* 97,7; 105, 9; 222, 7.

АҲРИМАН — зардуштийлик динида ёвузлик ва зулмат илоҳи. «Авесто»да Анхра Манйу шаклида келган. Зардуштийлар эътиқоди бўйича, дунё яхшилик ва ёвузлик маъбудлари — Ҳурмузд ва Аҳриман кураши майдонидир. Мумтоз адабиётда нафси аммора ва Шайтоннинг муқобили сифатида ҳам қўлланилади. *Ғазал* 266, 2.

БАҲРОМ — Сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Баҳром Гўр, Баҳром ибн Яздигурд номлари билан ҳам машҳур бўлган Варахрон V (421–438). Шоиртабиатлиги, ҳаётсеварлиги, овчиликка ишқибозлиги, одиллиги билан машҳур бўлган. «Саъбаи сайёр» дostonининг асосий қаҳрамонларидан бири. *Ғазал* 172, 6.

БИЛОЛ — Муҳаммад (с.а.в.)нинг улуғ саҳобаларидан бири. Қора танли бўлгани учун Билол Ҳабаший деб ҳам юритилади. Исломи тарихидаги илк муаззин. «Ашарай мубашшира» (жаннатий бўлишига башорат қилинган ўнта саҳоба)дан бири. *Ғазал* 51, 4.

БИЛҚИС — Сабо мамлакатининг маликаси, Сулаймон алайҳиссалом (бундан кейин қисқартириб (а.с.) ҳарфлари билан ифодаланади)нинг хотини. Навоий асосан малика Ҳадичабегимни «Билқиси аҳд» деб таърифлайди. *Ғазал* 223, 9; 253,7.

ВОМИҚ — Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро» дostonидаги ошиқ йигит. *Ғазал* 2, 6; 111, 3; 149, 5; 337, 8; 393, 3; 412, 6; 487, 7; 593, 6.

ДОВУД — исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд исми Куръони каримда 16 марта зикр этилган (2:251, 4:163, 5:78, 6:84, 17:55, 21:78, 21:79, 27:15, 27:16, 34:10, 34:13, 38:17, 38:22, 38:24, 38:26, 38:30). Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Довуд (а.с.) ҳақида маълумот беради. Тўрт муқаддас китобдан бири саналмиш «Забур» китоби Довуд (а.с.)га нозил бўлган. Довуд (а.с.)нинг хуш овози ва қизиб турган темирни қўлда ушлаб унга шакл бериши у кишининг мўъжизаларидан ҳисобланган. *Ғазал* 225, 6; 287, 5; 538, 4.

ДОРО — Аҳмониёлар сулоласининг охири ҳукмдори бўлган Эрон шоҳи. Искандар билан бўлган урушда мағлубиятга учраган. Милоддан аввалги 330 йилда ўлдирилган. *Ҳазал 5, 3; 591, 7, дебоҳа, 12.*

ЖАМШИД, Жам — Пешдодийлар сулоласига мансуб учинчи подшоҳнинг исми. Баъзи манбаларда ёзилишича, етти юз йил ёки минг йилга яқин подшоҳлик қилган. Тахму-распнинг ўғли. Ривоят қилинишича, Жамшид инсонларга зарур кўп нарсаларни ўйлаб топган, жумладан, қурол-аслаҳа ясаган, бинолар ва ҳаммом қурган. Одамларга либос тикиш, кемасозлик ва табибликни ўргатган, Наврўз байрамини жорий қилган. Гавҳар ясашни ўйлаб топган ва гавҳарли тахт ясаган. Бу тахт Жамшид тахти, Жамшид маркаби, Жамшид чодир, Жамшид курсиси каби номлар билан аталган. Шунингдек, Жамшид «жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ҳам ихтиро қилган, деб ривоят қилинади. Бу жом Кайхисравга, сўнгра Дорога ўтган экан. Саъдий Шерозий ҳам «Гулистон» асарида биринчи бўлиб тўн тиккан ва қўлига узук таққан киши Жамшид эканлигини айтган. Художик даъвосини қилганидан сўнг таназзулга юз тутган. Заҳҳок томонидан ўлдирилган. *Ҳазал 1, 3; 16, 6; 41, 9; 97, 7; 105, 8, 9; 120, 7; 178, 6; 222, 7; 315, 7; 347, 7; 353, 6; 415, 3; 511, 3; 556, 5; 573, 6; 581, 7; 650, 7.*

ИМРОН — Мусо (а.в.) нинг отаси. Қуръони каримда «Оли Имрон» сураси мавжуд. Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» китобида Имрон тўғрисида маълумот берилган. *Ҳазал 328, 4.*

ИСКАНДАР, Сикандар — ўз даврида Ер юзининг ягона ҳукмдори бўлган машҳур шоҳ. Айрим манбаларда Қуръон тафсирилари ва «Хамса» дostonларида келган Искандар Зулқарнайн билан македониялик Александрнинг бошқа-бошқа шахс эканликлари таъкидлаб ўтилган. Унинг ҳаётини Навоий «Тарихи мулуки аҷам» асари ҳамда «Садди Искандарий» дostonида ёритган. Ундаги талқин бўйича, Искандар ҳикмат, валийлик ва пайғамбарликни ўзида мужассам этган. *Ҳазал 5, 3; 257, 7; 591, 7.*

ИСО, Масиҳ, Масиҳо, Рухуллоҳ — исломиятдан олдин ўтган пайғамбарлардан бири. Насронийлик динининг асосчиси. Инжил китоби унга нозил бўлган. Қуръони каримда Исо исми 25 марта учрайди. Исо Масиҳ (а.с.) Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай касалликларни тuzатиш, ўликларни тирилтириш каби мўъжизаларга эга бўлган. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида таъкидлашича, Исо (а.с.)дан илгари ўтган пайғамбарларга қирқ ёшидан сўнг пайғамбарлик мақоми берилган, Исо (а.с.) да гўдакликдан пайғамбарлик нишонлари намоён бўлган. Онаси Марям Жаброил алайҳиссаломнинг нафаси билан ҳомиладор бўлади ва Исо (а.с.) дунёга келади. Исо (а.с.) халқни ҳақ динга даъват этиб, улуг мўъжизалар кўрсатади. Аллоҳ таоло иймон келтирмаганлар зараридан асраш учун Исо (а.с.)ни осмонга чиқаради. Навоий мазкур асарида Исо (а.с.)нинг Имом Маҳдий зуҳур қилганидан сўнг осмондан тушиши, Дажжол лаъинни ўлдириши, миллатларни тўғриликка ва ҳақ динга даъват этиши, шунингдек ўн етти ёшда пайғамбар бўлганию ўттиз уч ёшида осмонга чиқиб кетганидан хабар беради.

Мумтоз адабиётда Исо Масиҳ (а.с.) кўплаб ғоявий-бадий вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган образлардан бирidir. У поклик, гўзаллик, қаноат, тажрид, тафрид ва ҳозиқ табиб тимсоли. Маъшукнинг ахлоқи, ҳусни, чиройи, аъзолари таъриф-тавсиф этилганда Исо Масиҳ (а.с.)га қиёсланади, баъзан ундан устун қўйилади. *Ҳазал 90, 1; 114, 3; 133, 2; 207, 5; 225, 2; 257, 3; 264, 9; 293, 5; 347, 2; 364, 6; 429, 4; 450, 7; 475, 1; 486, 2; 522, 4; 542, 2, мухаммас — 1, 7 бандлар; мусаддас — 3 банд.*

КАЙ – қаранг: Каёний. *Ҳазал 581, 7.*

КАЁНИЙ – Эрондаги шоҳлар сулоласи. Пешдодийлардан кейинги, Аҳмонийлардан олдинги даврни қамраб олади. Каёнийлар сулоласига мансуб шоҳларнинг исмлари одатда «Кай» қушимчаси билан айtilган. Масалан: Кайкубод, Кайковус, Кайхусрав... *Дебоҷа 20.*

КАЛИМ – Мусо пайғамбар (а.с.)нинг лақаби. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Мусо (а.с.) нинг золим Фиръавн, ҳасис Қорун, Бани Исроил қавми билан муомаласи, Хизр (а.с.) билан қилган сафари, Тавротнинг нозил бўлиши воқеаларини ёритади ва Мусо (а.с.) «мўъжизоти барча анбиёдин кўпдир» деб хабар беради.

Мумтоз адабиётда Мусо (а.с.) тимсоли воситасида маъшуқнинг нутқи илоҳий қудсий калом ва маънога қиёсланади. Мусо (а.с.)нинг ҳассаси аждарга айланиб, барча сеҳргарларнинг сеҳрини барбод қилгани каби маъшуқнинг зулфи, сочи ҳам ошиқлар кўнглини ошуфтаю барбод этади. Баъзи ирфоний шеърларда Мусо ва Хизр (а.с.) лар пиру муршид тимсоли сифатида талқин қилинади. *Ҳазал 51, 6.*

КАЙХУСРАВ – Каёнийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Ота томонидан Кайковус, она томонидан Афросиёбнинг набираси бўлган. Отаси – Сиёвушни ўлдиргани учун ўз бобоси – Афросиёбни қатл этади ва Турон ҳамда Эроннинг якка ҳукмдорига айланади. Машҳур «жоми жаҳоннамо»дан фойдаланиш Жамшиддан кейин Кайхусравга насиб этган. Айрим манбаларда «жоми жаҳоннамо» шоҳ Дорога ҳам қолганлиги айtilади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ёритилишича, салтанатнинг бебақолигини англаган Кайхусрав ибодатга берилиб, осмонга кўтарилиб кетади. *Ҳазал 511, 3; 516, 5.*

ЛАЙЛИ, Лайло – гўзал ва латофатли маҳбубанинг исми; Мажнуннинг севикли ёри. *Ҳазал 2, 4; 20, 4; 43, 4; 72, 4; 104, 2; 106, 2; 221, 7; 228, 1; 339, 4; 362, 4; 388, 4; 443, 4; 489, 2; 505, 2; 559, 6; мустазод 1, 4.*

ЛУТФИЙ – таниқли ўзбек шоири. 1366 йили туғилиб, 1465 йилда, 99 ёшда Ҳиротда вафот этган. Бизгача ўзбекча шеърлар девони ҳамда форс тилида ёзган шеърлари етиб келган. *Ҳазал 457, 6.*

МАВЛАВИЙ – машҳур шоир ва шайх Мавлоно Жалолиддин Румий. Балхда туғилиб, ёшлигида мўғул босқинидан паноҳ излаб Кўнёга кўчиб кетади ҳамда умрининг охиригача ўша ерда яшайди. Олти дафтардан иборат «Маснавийи маънавий», «Фийҳи мо фийҳи», «Мактубот» ҳамда Шамс Табризий таҳаллуси билан тартиб берилган «Девони кабир» асарлари бизгача етиб келган. Вафотидан сўнг Туркияда «мавлавия» тариқатига асос солинган. *Ҳазал 650, 6.*

МАЖНУН – «Лайли ва Мажнун» достонининг бош қаҳрамонларидан Қайснинг номидан. *Ҳазал 2, 4; 20, 4; 25, 4; 43, 4; 68, 2; 68, 2; 72, 4; 104, 2; 106, 2; 112, 2; 118, 4; 126, 2; 132, 4; 140, 2; 144, 2; 147, 2; 221, 7; 222, 1, 2; 227, 4; 236, 4; 237, 2; 249, 4; 303, 2; 320, 2; 332, 4; 334, 1; 337, 4; 343, 2; 358, 4; 362, 7; 368, 4; 369, 4; 393, 2; 398, 7; 412, 4; 413, 7; 426, 2; 429, 2; 431, 2; 439, 2; 443, 4; 449, 4; 453, 4; 453, 7; 454, 7; 460, 2; 482, 4; 487, 7; 489, 2; 493, 4; 505, 2; 516, 2; 526, 7; 548, 7; 552, 2; 558, 4; 573, 2; 586, 4; 612, 2; 627, 1; мустазод 2, 2, 7 баит; мустазод 3 баит, 1 мисра; Ҳазал 78, 2.*

МАЛИКШОҲ АЛП АРСЛОН — салжуқий ҳукмдорлардан бири. Марказлашган ҳокимият тузгани ва илм-фанга алоҳида ғамхўрлик қилгани билан тарихда ёрқин из қолдирган. *Дебоча, 14.*

МАРЯМ — исломиятдан аввал ўтган Исо Масиҳ (а.с.)нинг онаси. Куръони каримда «Марям» сураси мавжуд. Муқаддас китобда Марям исми 34 марта келади. Марям образи Навоий шеъриятида поклик, ифбат ва аёл шаънини улугʻловчи тимсол сифатида қўлланилган. *Ғазал 146, 5; 364, 6.*

МИРАК, Мирак Ҳусайн — XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда яшаб ўтган шоир. *Ғазал 331, 6.*

МИРЗО ЧУЧУК — темурий шаҳзодалардан бири, Навоийнинг замондоши. *Ғазал 559, 1.*

МОНИЙ Ибн Фатак (216 — Ктесифон — 277) — монизм таълимотининг асосчиси; наққош ва рассом. Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон бўйлаб сафар қилиб, зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик каби турли диний таълимотлар билан танишади. 240 йилдан бошлаб Моний ўзининг мустақил таълимотини Эронда тарғиб қила бошлайди. Бироқ зардуштий роҳиблар бу таълимотга кескин қарши чиқадиладар. Шундан сўнг, Моний асосан Марказий Осиё ерларида, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатади. Аммо Моний 273 йилда яна Эронга қайтади. 275 йили Шоҳ Баҳром I нинг амри билан ҳибс қилиниб, зиндонга ташланади ва 277 йилда қатл этилади. «Шобурақон», «Канз ул-эхё» («Тирилганлар хазинаси»), «Жабборлар ҳақида», «Сирлар китоби», «Авангелион», «Кефалак», «Бунгоҳик» («Бунгоҳанг») китоблари унинг қаламига мансубдир. Моний таълимоти ўлимидан кейин кенг тарқалади. У VIII асрда Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланади. Аммо кейинчалик ислом дини вужудга келганлиги сабабли монийлик аста-секин Европа ва Осиё мамлакатларида барҳам топди. XIV асрга келиб бу диний таълимот Хитойда ҳам тақиқланди. Моний ўрта аср Шарқ шеъриятида машҳур наққош ва рассом сифатида доимо тилга олинган. *Ғазал 650, 3.*

МУҲАММАД, Аҳмад, Аҳмади мурсал (с.а.в.) (570—632) — пайғамбарлар силсиласидаги энг сўнгги пайғамбар. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти ислом тарихига оид ишончли манбаларда ҳамда сиярларда батафсил ёритилган. Навоий девонидаги бир қатор ғазал ва қитъалар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га бағишланган. Уларда пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сифатлари, шафоат ва меърож мўъжизалари, нури муҳаммадия тўғрисидаги таълимот, ул зотнинг «макорими ахлоқ» эканлиги шоирона талқин қилинган. *Дебоча 1.*

МУҲАММАД УМАР — темурий шаҳзодалардан бири. *Ғазал 528, 6.*

НАМУРУД — пайғамбар Иброҳим (а.с.)нинг замондоши, ўз даврида бутун ер юзининг якка ҳукмдори бўлган золим подшоҳ. Унинг фармони билан Иброҳим (а.с.) ўтга ташланган (яна қар.: ХАЛИЛ). Худолик даъвосини қилган. Умрининг охирида мияси қуртлаб вафот этган. *Ғазал 5, 2.*

НИЗОМИЙ — Низомий Ганжавий (1141—1203) — форс-тожик тилида ижод қилган озарбайжонлик улугʻ шоир. Бизгача «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал»), «Искандарнома» дoston-

лари ҳамда шеърӣй девони етиб келган. Кейинчалик бу беш дoston тўплам ҳолига келтирилиб, «Хамса»навислик анъанасига асос солинди. Амир Хусрав Деҳлавӣй, Абдурахмон Жомӣй ҳамда Алишер Навоӣйлар Низомӣйнинг «Хамса»сига тўлиқ жавоб ёзганлар. *Маснавий VII, 5, 2.*

НУҲ — исломиятдан аввал ўтган ва узоқ умр кўрган пайғамбар. Қуръони каримда «Нух» сураси мавжуд. Қуръонда Нух исми 33 марта зикр этилган. Нух (а.с.) замонидида буюк Тўфон воқеаси содир бўлган. Нух (а.с.) кема ясаб, ҳар бир ҳайвондан бир жуфтдан, барча ўсимликлардан намуна олиб, Ҳаққа имон келтирганлар билан бирга кемага чиқади ва тўфондан нажот топади. Навоӣйнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида берилишича, бугунги башарият асли Нух (а.с.)нинг уч ўғли — Сом, Ҳом ва Ёфаснинг авлодларидир. Шу сабабдан Нух (а.с.)ни «Одами сонӣй» — Иккинчи Одам ҳам дейишади. *Ҳазал 1.2, 5; 196, 7; 334, 7.*

ОДАМ, Одам Ато — илк инсон ва пайғамбар. Қуръони каримда Одам Ато исми 25 оятда келтирилган. Мумтоз адабиётда, жумладан, Навоӣй шеъриятида Одам (а.с.) нинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, амри Илоҳӣй бўлгани сабабли фаришталарнинг унга сажда қилгани, Шайтоннинг кибр қилиб унга сажда қилмагани ва Илоҳӣй даргоҳдан ҳайдалгани зикр этилади. Шунингдек, Одам (а.с.) жуфти — Момо Ҳавво билан Шайтоннинг макрига учиб, манъ қилинган дарахт мевасини егани ва жаннатдан қувилиб ерга тушгани, тавбаси тўфайли Аллоҳ таоло томонидан афв этилгани каби воқеалар ғазалларда турли муносабатлар билан талмеҳ сифатида келтирилади. *Ҳазал 6, 1; дебоҳа 13.*

РУСТАМ, Таҳамтан — афсонавий паҳлавон. Каёнийлар сулоласининг жаҳонпахлавони — Золи Зар ҳамда Кобул ҳукмдори — Меҳробнинг қизи бўлмиш Рудобанинг фарзанди. Туғилишида афсонавий Семурғ доялик қилган. Болалигидан унинг ҳаёти қаҳрамонликларга тўла бўлган. Тўққиз ёшида оқ филни гурзи билан уриб ўлдиради. Ўн бир ёшида бобоси очолмаган Албурз тоғидаги Оқ Қалъани фатҳ этади. Оқ дев, Аждарҳо, Аквондев, икки бошли шер каби даҳшатли махлуқлар, Комус Кашонӣй, Ашкбўс, Ҳомоварон шоҳи, Афросиёб каби енгилмас баҳодирлар ҳам Рустамнинг куч-қуввати олдида ожиз қоладилар. Билмасдан ўз фарзанди — Сухробни ўлдириб қўяди. Умри охирида Исфандиёр — Эрон тахтининг валиаҳдини ўз шаънини асраш йўлида ночор ўлдиради. Ўзи укаси Шағоднинг ҳийласи билан чоҳга тушиб, ҳалок бўлади. Рустам мумтоз адабиётда жасорат ва ботирлик, жисмонӣй қувват, қаҳрамонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. *Ҳазал таржӣзбанд IX, банд 9; маснавий VII, 8.*

РАСУЛ — қаранг: МУҲАММАД. *Ҳазал 5, 7; 89, 7.*

РУҲУЛЛОҲ — қаранг: ИСО. *Ҳазал 18, 3; 23, 6; 49, 5; 57, 5; 59, 1; 65, 2; 73, 4; 89, 2; 101, 3; 120, 6; 139, 4; 146, 6; 150, 5; 156, 5; 164, 4; 165, 3; 219, 5; 226, 3; 231, 5; 285, 2; 285, 2; 287, 5; 289, 2; 293, 5; 311, 4; 328, 4; 351, 4; 353, 4, 7; 374, 3; 384, 3; 388, 2; 462, 1; 463, 2; 465, 4; 471, 6; 483, 1; 486, 1; 488, 1; 501, 9; 508, 6; 558, 4; 600, 3; 605, 3; 639, 4; маснавий VI, 6.*

САЙЙИД ҲАСАН — Алишер Навоӣйнинг маслакдош дўстларидан бири. Умри аввалида сипоҳӣйлик билан шуғулланиб, умри охирини хонақоҳда ўтказган валийсифат шахс. Навоӣй «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарида бу зот билан муносабатларини батафсил ёритган. *Маснавий III, 6.*

СОМИРИЙ – Мусо (а.с.) даврида яшаган сеҳргар. Манбаларда келтирилишича, Мусо (а.с.) ўттиз кунлик узлат учун Тур тоғига кетган пайтида Сомирий яҳуд қавмининг олтинларидан бузоқ ясаб, Жабраил (а.с.) отининг изидан қолган тупроқдан олиб бузоқчага дам солади. Олтин бузоқча тирик жонзотдек овоз чиқарганда яҳуд қавмининг бир қисми ушбу бузоқчага сажда қилади. Мусо (а.с.) қайтиб келганидан сўнг Сомирийнинг сеҳри ўз кучини йўқотади. Мумтоз адабиётда Сомирий сеҳр-жоду, макр ва ҳийла, охири пушаймонлик билан тугайдиган амалларнинг тимсолидир. *Ҳазал 388, 2.*

СУЛАЙМОН – исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд (а.с.)нинг фарзанди. Сулаймон (а.с.)нинг исми Куръони каримда 17 марта зикр қилинган. Ўз даврида бутун ер юзининг якка ҳукмдори бўлган. Файб ва шаҳодат оламидаги жамийки мавжудот – инсу жин, деву парилар, наботот ва ҳайвонот бу зотга бўйсунган. Сулаймон (а.с.)нинг қушлар тилини билиши, Сулаймон ва чумоли мунозараси, Исми Аъзам нақш қилинган узук қиссаси каби унинг ҳаётига боғлиқ воқеалар мумтоз адабиётимизда турли мақсад ва йўналишларда ўз ифодасини топган. *Ҳазал 7, 7; 157, 8; 196, 7; 253, 7; 266, 2.*

СУҲАЙБ – пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг яқин саҳобаларидан. Асли Рум мамлакатидан бўлган бу зот исломнинг ҳижратдан олдинги давридаёқ мусулмон бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Кашф ул-асрор» асарида келтирилишича, исломнинг илк даврида тўрт киши дунёнинг тўрт бурчагидан Маккага келиб, дини муҳаммадийга имон келтирдилар. Булар – Суҳайб Румий, Салмон Форсий, Абу Зарр Ғифорий (Яман) ҳамда Анас ибн Молик (Мағриб). Бу ҳодиса келажакда ислом дини дунёнинг барча ўлкаларида ёйилиши, ислом – жаҳоний дин эканлигига башорат эди. *Ҳазал 51, 4.*

УЗРО – XI асрда яшаган форс шоири Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро» достонидаги гўзал маҳбуба образи. *Ҳазал 2, 6.*

ФАРҲОД – Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Чин ҳукмдорининг ўғли, Шириннинг севгилиси. *Ҳазал 2, 7; 35, 4; 111, 3; 118, 5; 126, 5; 149, 5; 187, 5; 205, 6; 222, 1, 2, 3; 320, 2; 335, 4; 336, 7; 355, 3; 393, 3; 412, 6; 413, 7; 426, 5; 429, 3; 435, 6; 439, 2; 458, 7; 483, 2; 489, 4; 493, 6; 499, 1; 540, 4; 555, 3; 593, 6; 597, 2; 627, 1.*

ФИРДАВСИЙ, Заҳир Форёбий – XI асрда яшаган форсийзабон шоир. Салжуқийлар саройида хизмат қилган. Қасиданависликда моҳир бўлган. *Маснавий VII, 8.*

ФУЗАЙЛИ БАРМАКИЙ – аббосий халифа Хорун ар-Рашид замонида яшаган таниқли вазир. Адолатпарварлиги, халифага яқинлиги, ҳисобсиз бойлиги билан машҳур бўлган. Умри охирида манманликка берилган, оқибат халифа томонидан бутун уруғ-аймоғи билан қатл этилган. *Ҳазал 276, 3.*

ФУЗАЙЛИ АЁЗ – машҳур сўфий (711–803). Тўлиқ исми Фузайл бин Аёз бин ал-Масъуд ат-Тамимий. Самарқандда туғилиб, умри охирида Маккада яшаган. Имом Шофеъига ҳадис илмидан сабоқ берган. Ёшлигида Марв ва Бистом орасидаги биёбонларда қароқчилик қилган. Тавба қилганидан сўнг тариқат йўлига кириб, етук шайх мақомига эришган. Фузайл ҳақида Аттормнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ҳамда Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида маълумот берилган. *Ҳазал 376, 3.*

ХАЛИЛ — исломиятдан аввал ўтган пайғамбар — Иброҳим (а.с.)нинг лақаби. Иброҳим Халилulloҳ (а.с.) Намруд замонида одамларни тавҳид — яккахудоликка даъват қилиб, Намруд томонидан манжаниқ билан оловга ташлангани, Аллоҳ таоло амри билан олов салқинлик ва омонликка айлангани, Иброҳим (а.с.) Каъбани бино этгани каби воқеалар мумтоз адабиётимизда талмеҳ сифатида жуда кўп ўринларда келтирилади. *Ҳазал* — 2, 8; 389, 7; 472, 5.

ХИЗР — «оби ҳайвон» (тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичган, пайғамбарлигига эса шубҳа бўлган кишининг номи. Одамларга йўлдошлиги билан машҳур. Хизр (а.с.)нинг исми ҳақида турли фикрлар билдирилган. Баъзи манбаларда унинг исми Бикё бин Милкондир. Куриб қолган ўт-ўлан устига ўтирганда яшил майсага айлангани учун Хизр деб аталган.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилишича, Хизр (а.с.) Арфахшад бинни Сомнинг фарзандидан бўлиб, Зулқарнайннинг мулозимларидан биридир. Зулқарнайн тириклик сувини қўлга киритиш мақсадида зулматга кирганида Хизр (а.с.) уни бошлаб борган. Ўша пайтда Илёс (а.с.) ҳам улар билан бирга эди. Аммо ушбу тириклик сувини Аллоҳ таоло Хизр ва Илёс (а.с.)ларга насиб қилди. Айрим манбаларда айтилишича, тириклик сувидан мурод илми ладунийдир. Аҳли ислом этикодига кўра, Хизр (а.с.) абадий ҳаётга эришган. Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳу асарларида битилишича, у Сабзаворнинг Кавк шаҳридан бўлиб, ислом динининг имом Шофеъий мазҳабидадир. Навоий шеъриятида Хизр образи абадий мангулик рамзи, ҳаёт ва ишқ тимсоли, раҳнамо — пир, дарвешлик ва руҳий хурлик намунаси сифатида энг кўп қўлланилган образлардан ҳисобланади. *Ҳазал* 16, 6; 24, 6; 57, 5; 74, 1; 101, 3; 165, 3; 225, 3; 249, 6; 278, 1; 334, 5; 359, 3; 370, 6; 384, 5; 387, 6; 403, 5; 488, 8; 512, 2; 529, 1; 542, 7; 577, 4; 629, 6, 8.

ХУСРАВ — сосоний ҳукмдор Хусрав Парвез. Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири. Навоий ғазалларида Хусрав сўзи асосан уч маънода қўлланилади: Хусрав Парвез, Амир Хусрав Деҳлавий ҳамда шоҳ (Хусайн Бойқаро). *Ҳазал* 156, 9; 282, 7; 355, 3; 540, 4; 650, 7.

ШАЙХ САНЪОН — ирфоний адабиётда кенг қўлланилган ва турлича талқин қилинган образлардан бири. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ҳамда Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonларида Шайх Санъоннинг ишқий можароларга тўла ўтли қиссаси батафсил келтирилади. *Ҳазал* 565, 3.

ШИРИН — Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги гўзал маҳбуба, Фарҳоднинг севгилиси. *Ҳазал* 2, 7; 483, 2; 489, 4; 540, 4.

ШУАЙБ — Машҳур пайғамбарлардан бири. Хушсуханлиги ва беназир воизлиги сабаб «Хатийбуллоҳ» лақаби билан ҳам эсланади. Куръони каримда Шуайб исми 9 марта зикр этилган. Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилишича, Шуайб (а.с.) Шом ўлкаси яқинидаги Мадян аҳолисига пайғамбар қилиб юборилади. Мадян аҳли унга бўйсунмагач, Аллоҳ таоло уларга олов ва иссиқлик балосини юборади. Шуайб (а.с.) ва унга эргашган солиҳ зотларгина бу балодан омон қоладилар. Мусо (а.с.) пайғамбарликдан аввал Шуайб (а.с.) хонадонида бир неча йил чўпонлик қилади, у зотнинг қизига уйланади. Шуайб (а.с.) Навоий шеъриятида кўпинча раҳнамо — пир сифатида қўлланилган. *Ҳазал* 51, 6.

ЮСУФ — канъонлик Яъқуб (а.с.)нинг ўғли. Қуръонда Юсуф (а.с.)нинг қиссаси «энг гўзал қисса» дея таърифланади ва у «Юсуф» сурасида тўлиқ келтирилади. Юсуф (а.с.)нинг беқиёс ҳусни, отаси Яъқуб (а.с.)нинг унга бўлган чексиз муҳаббати, акаларининг Юсуф (а.с.)га ҳасад қилиб уни қудуққа ташлашлари ва арзимас чақа учун Миср қарвонига қул қилиб сотиб юборишлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, қуллик даврида Юсуф (а.с.) ва Миср Азизининг хотини — Зулайхо ўртасидаги можаролар, тўхмат билан зиндонга тушиши, тушларни тўғри таъбир қилиш мўъжизаси, умрининг охирида сабри ва лаёқати туфайли Мисрда азиз бўлгани, Юсуф (а.с.)дан айрилгач Яъқуб (а.с.)нинг йиғлайвериб кўр бўлгани, фарзанди Юсуф (а.с.)нинг кўйлагини кўзига суртгач отанинг кўзлари очилгани каби воқеалар мумтоз шеърият вакиллари учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи бўлган. Умуман, мумтоз шеъриятда Юсуф гўзаллик тимсоли бўлса, Яъқуб маъшуқига нигорон ва интизор бўлган ошиқ тимсоли сифатида келтирилади. *Ҳазал 114,2; 272, 1; 358, 1; 374, 3; 436, 3; 441, 8; 461, 9; 462, 3; 479, 4; 502, 3; 523, 1; 538, 4; 558, 4; 639, 5; мусаддас 3 банд.*

ЯЪЖУЖ, Яъжуж ва Маъжуж — фитна ва фасод уяси бўлган, Қуръонда ҳам номи зикр қилинган қавм номи. «Садди Искандарий»да келтирилишича, афғ-ангори даҳшатли махлуққа ўхшаб кетадиган бу қавм тинч аҳолига кўп азият етказди. Искандар Чин халқининг илтимоси билан катта бир тўсиқ қуриб, шу тариқа инсониятни маълум вақтгача бу сон-саноксиз қавмнинг зулмидан халос қилган. *Ҳазал 209, 7.*

ЯЪҚУБ — улуг пайғамбарлардан бири. Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.)нинг ўғли — Исҳоқ (а.с.)нинг фарзанди. Яъқуб (а.с.)нинг исми кўпинча ўғли — Юсуф (а.с.)нинг бошидан ўтган можаролар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Манбаларда келтирилишича, ўн икки фарзанднинг отаси бўлган Яъқуб (а.с.) Юсуфни айрича бир муҳаббат билан яхши кўрган. Юсуфнинг акалари унга ҳасад қилиб, Миср қарвонига арзимас баҳога сотиб юбориб, қонли кўйлагини оталарига келтириб, «Юсуфни бўри еб кетди», деб ёлғон гапирадилар. Яъқуб (а.с.) уларга ишонмайди, гўзал сабр қилишдан бошқа чора топмайди. Юсуф (а.с.) фироқида уйига (бу уй кейинчалик «байт ул-аҳзон» — ғамхона, ғам уйи номи билан машҳур бўлади) кириб, кечаю кундуз шунчалик кўп кўз ёш тўкадики, алалоқибат кўзлари кўр бўлади. Юсуф (а.с.) узоқ йиллардан кейин Мисрдан ўз кўйлагини тириклиги нишонаси сифатида отасига юборади. Яъқуб (а.с.) жигарбандининг кўйлагини кўзига суртади ва кўзлари очилади. Навоий шеъриятида Яъқуб (а.с.) воқеасига ишора қилиб, ўз ёридан айро тушган ва уни соғиниб яшаган ошиқ ҳолатини тасвирлайди. «Байт ул-аҳзон» воситасида эса ғам, алам ва ҳижрон дардига мубтало бўлган ошиқ маскани назарда тутилади. *Ҳазал 462, 2; 538, 4.*

ҚОРУН — Мусо (а.с.) замонида яшаган ҳасис бой. Сеҳр-жоду туфайли жуда кўп бойликка эга бўлиб, Мусо (а.с.)га қарши фитна уюштиради. Мусо (а.с.)нинг дуоси туфайли бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Мумтоз шоирларимиз Қорун воқеасини ибратли талмеҳ сифатида келтирадилар. Бу орқали ҳасислик ва очкўзликни қоралайдилар. *Ҳазал 56, 6; 97, 7; 336, 8; 476, 2; 496, 8; 573, 6; қитъа 8,2.*

ҚУБОД — Каёнийлар сулоласига мансуб қадимий Эрон шоҳларидан бири. *Ҳазал 120, 7; 353, 6.*

ҲОФИЗ, Ҳофиз Шерозий — XIV асрда яшаб, ижод қилган улкан форс шоири. Жомий «Баҳористон» асарида Ҳофизнинг ғазалларини «эъжоз сарҳаддига яқин» деб таърифлайди. Ҳазаллари чуқур маънога эга бўлганлиги учун «Лисон ул-ғайб» (ғайб оламининг баёнчиси)

лақаби билан шарафланган. Ҳофизга 498 ғазал (айрим нашрларда 620 ғазал) нисбат берилган. «Соқийнома», «Муганнийнома», «Оҳуйи ваҳший» маснавийлари, қасидалар, рубоий ва қитъалардан иборат девони бизгача етиб келган. Навоий ғазалнависликда Ҳофизни ўзига устоз деб билган ва «Девони Фоний»да энг кўп унинг ғазалларига татаббуъ қилган. Шунингдек, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам Хожа Ҳофиз Шерозий ҳақида маълумот берилган. *Ғазал 287, 7.*

ГЕОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АДАН — Яманнинг жанубида жойлашган шаҳарнинг номи. Ўзининг қимматбаҳо дурлари билан машҳур. *Ғазал 475, 4.*

АЖАМ — араб бўлмаган мусулмон ўлкаларнинг умумий номи. *Ғазал 119, 9; 309, 7; 317, 7; 430, 7.*

АФРАНЖ — Ўрта ер денгизи; Европа. *Ғазал 92, 9.*

БАДАХШОН — Помир тоғ тизмасида жойлашган Тожикистондаги Тоғли Бадахшон автоном вилояти ҳамда Афғонистондаги ўлка номи. *Ғазал 407, 5; рубоий 50, 3.*

БАТҲО — Маккаи мукарраманинг олдинги номи. *Ғазал 6, 7.*

БОҒИ САФИД — Ҳиротдаги боғлардан бири. *Ғазал 127, 7.*

БОҒИ ЗОҒОН — Ҳиротдаги боғлардан бири. *Ғазал 127, 7.*

ЗАМЗАМ — Маккаи мукаррамадаги қудуқнинг номи. *Ғазал 6, 5.*

ЗУҲАЛ — еттинчи фалакда жойлашган сайёранинг номи, Сатурн. *Ғазал 223, 9.*

ЖАЙҲУН — Амударёнинг бошқа номи. *Ғазал 20, 1; 2; 403; 496, 3.*

ИРОҚ — мамлакат номи бўлиб, тарихий манбаларда Араб Ироқи ҳамда Форс Ироқи каби иккига бўлинган номда ҳам учрайди; «Шашмақом»даги мақомлардан бирининг номи. *Ғазал 91, 9; 199, 9; 309, 7; 317, 7; 430, 7; 471, 7.*

КАНЪОН — ҳозирги Фаластинда жойлашган минтақанинг номи. Яъқуб ва Юсуф (а.с.)ларнинг ватани. *Ғазал 114, 2; 462, 2.*

КАЪБА — мусулмонларнинг Маккадаги зиёратгоҳи. *Ғазал 6, 4; 117, 9; 196, 5; 294, 8; 370, 6; 440, 9; 509, 5.*

КАШМИР — Ҳиндистоннинг шимолидаги воҳа ва шаҳар номи. Сеҳргарлари ва гўзал аёллари билан машҳур бўлган. *Дебача 16.*

МАДИНА — Саудия Арабистонидаги йирик шаҳар. *Ғазал 92, 9.*

МАРВ — Хуросондаги обод ва машҳур шаҳар, ҳозирги Туркманистонда жойлашган Мари шаҳри. *Ғазал 637, 1.*

МОЗАНДАРОН — Эрондаги вилоят номи; ўрта асрларда Табаристон воҳаси ҳам шундай номланган. Астробод шаҳри бу минтақанинг маъмурий маркази ҳисобланган. *Ғазал 86, 7; 637, 1.*

РАЙ — Эрондаги шаҳар номи. *Мусаддас XI, 2.*

САМАРҚАНД — Ўзбекистондаги қадимий шаҳар номи. *Мухаммас XIII, 2.*

СИПОҲОН — Исфаҳон, Эрондаги шаҳар номи; «Шашмақом»даги куйлардан бирининг номи. *Мусаддас XI, 2.*

ТУС — Эрондаги шаҳарнинг номи. *Қитъа 45, 1.*

УММОН — ҳозирги Арабистон денгизи. *Ғазал 95, 4; 407, 6; 529, 3.*

ХУРОСОН — шарқдан Мовароуннаҳр, ғарбдан Кўҳистон билан туташган минтақа номи. *Маснавий X, 3.*

ХЎТАН — Кошғар минтақасига кирувчи, киндигидан мушк ажратувчи жайронлари билан машҳур воҳа ва шаҳар. *Ғазал 264, 1; 520, 3; 623, 5.*

ҚОФ — афсонавий тоғ номи. *Ҳазал* 133, 6; 194, 6; 465, 5; *маснавий* IX, 3.

ҚУЛЗУМ — Қизил денгиз. *Ҳазал* 95, 4.

ЧИН — Хитой мамлакати ва унинг маркази шундай ном билан аталган. *Ҳазал* 231, 2; 505, 5; 650, 3; *рубойи* 129, 2.

ЯМАН — Арабистон ярим оролининг жанубидаги мамлакат номи. *Ҳазал* 21, 4.

ЯСРИБ — Арабистондаги Мадинаи мунаввара шаҳрининг қадимий номи. *Ҳазал* 6, 8.

ҲИНДИСТОН — Осиёнинг жанубида жойлашган мамлакат. *Ҳазал* 167, 5.

ҲИЖОЗ — Арабистон ярим оролидаги (Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган) минтақанинг номи. *Ҳазал* 91, 9; 199, 9; 213, 7; 309, 7; 317, 7; 430, 7.

ҲИРИЙ (Ҳирот) — Хуросоннинг маъмурий ва сиёсий маркази бўлган обод шаҳар, теуурийлар пойтахти. *Ҳазал* 91, 9; *маснавий* XIII, 2.

ЭТНИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АРАБ — *ҳазал* 45, 6; 89, 6.

БАРЛОС — *ҳазал* 262, 7.

ГАБР — *ҳазал* 282, 10.

ЖУҲУД — *ҳазал* 116, 4; 282, 10.

ЛЎЛИ — *ҳазал* 140, 8; 451, 6; 578, 5.

ТАРХОН — *ҳазал* 262, 7.

ТУРК — *ҳазал* 213, 5; 441, 6; 481, 5; 499, 5; *маснавий* VII, 4.

ТАРСО — *ҳазал* 282, 10.

ХИТО — *ҳазал* 641, 8.

ЎЗБАК — *ҳазал* 240, 4.

ҲИНДУ — *ҳазал* 24, 1; 58, 7; 116, 3; 197, 5; 312, 3; 374, 7; 444, 4; 510, 2; 528, 2; 578, 1;

АЙРИМ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ¹

А

Абр (булут) — тасаввуф истилоҳида ортиқча ҳисобланган ҳижоб (парда); у бандалик ва раббонийлик пардасидир; жидду жаҳд билан мушоҳада мақомига етишишга сабаб бўлган ҳижобдир. Шунингдек, нафсоний зулмат афъоллари ва руҳоний малакалардан ҳосил бўлган қалб ҳижоби. Бу ҳижоб — зотий ва асмой тажалли офтобини мушоҳада қилишга монелик қилади.

Абру (қош) — Илоҳий зотни тўсиб турадиган илоҳий сифатлар. Ва вужуд олами бу сифатлардан равнақ, гўзаллик ва жамолга эга бўладилар. Навоий ёзади:

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

(«*Ғаройиб ус-сиғар*», 117, 1)

¹ Биз ушбу изоҳларда сўзларнинг асосан тасаввуфий маъноларига эътибор қаратдик (*нашрга тайёрловчилар*).

Авбош — гуноҳу савобнинг ғамини емайдиган киши.

Алойиқ (алоқалар) — толибларни мурод ва мақсадлардан йироқлаштирувчи сабаб ва муносабатлар.

Арш — айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш туққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ — қулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Арш «нафси кулл» ҳам дейилади. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, тажаллий манбаи, яъни илоҳий қудрат намунаси. Навоий ёзади:

Суфийи олами қудсий сену асҳоб русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.

(«*Фаройиб ус-сиғар*», 339,4)

«Арши муалло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» — булар Аршга қўйилган номлардир. Қалб ўзининг сир-синоати, азамати ва файз мазҳари бўлгани учун Аршга, Каъбага қиёсланади.

Асмой ҳусно — АЛЛОҲу таолонинг гўзал исмлари. Навоий орифона ғазалларида ва «Хамса» дostonларининг ҳамд ва муножот қисмларида асмой ҳуснони зикр қилади, уларни турли ният ва мақсадларда қўллайди. Асмой ҳусно ҳақида Куръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: «АЛЛОҲнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)» (Аъроф: 180). Ёки (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «АЛЛОҲ, деб чорлангиз ёки Раҳмон — Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, у Зотнинг гўзал исмлари бордир» («Исро» сураси, 110-оят). Бу исмлар, асосан, тўқсон тўққизтадан иборат дейилади.

Ақли кулл — Жабраил алайҳиссалом, нури муҳаммадий, Арши азим ёки тугал ва комил ақл назарда тугилади.

Аҳли дил, аҳли фақр, аҳли ҳол — валийлар; тариқатда ҳол ва мақомларга эришган кишилар.

Б

Бақо — ориф АЛЛОҲга оид ҳақиқатлар билан ўзида мавжуд нарсалардан кечади ва бақобиллоҳ мартабасига эришади. Бу мартабада башарий иродада илоҳий ирода ва сифатлар намоён бўлади.

Бел — сайри сулук пайтида ошиқ ва маъшук ўртасида содир бўлиши муҳаққақ бўлган нозик сирлар. Нозик бел — нозик сир ва ҳақиқатлар. Ўртада бошқа пардалар қолмаган пайтда солиқнинг борлиқ, мавжудлик пардаси тушунилади.

Боди сабо — руҳоният машриқидан эсадиган раҳмоний нафас.

Ботин — солиқнинг сийрати, руҳи ва ички олами.

Бут — маъшук, мақсад ва матлаб; бошқа бир талқинга кўра солиқ қалбида зоҳир бўлувчи нозик маънолар. Навоий ёзади:

Ул бут ғамидин кофири ишқ ўлғали кўнглум,
Жон ришталарин жамъ қилиб боғлади зуннор.

(«*Наводир уш-шабоб*», 182,5)

Бутхона — лоҳут илмидан ва аҳадият зотининг мазҳаридан киноя.

Буткада, бутхона, шаробхона, дайру харобот ва маъно олами — зикр ва Ҳақ ошиқларининг мажлислари ҳамда комил орифнинг ботини.

Бўса — руҳнинг жисм билан лаззатланиши ва давомли мууроқаба. Навоий ёзади:

Бош қуяй дедим оёғи туфроғига деди: қўй,
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол.

(«*Фаройиб ус-сиғар*», 385,3)

Бўса, канор ва ғамза — соликнинг мақом ва даражасига кўра воқеъ бўлувчи файз ва ботиний жазба.

В

Важд — ишқ ва муҳаббат. Ошиқ қалбида табиий бир равишда туғиладиган илҳом, сурур ва тажаллийлар. Ҳужвирий «Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф) дағи аламдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ», дейди.

Важҳ — Ҳақ зотининг файз етказувчилик сифати. Файёз.

Васл — Маъшуқи азал ишқига тамоман ғарқ бўлмоқ; ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфийлар бир хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари АЛЛОҲ ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишини кўзда тутиб, васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўртадаги парда кўтарилиб, инсон Ҳақ васлига эришади, деб ишонадилар.

Ваҳдат, ваҳдоният — АЛЛОҲ таолонинг ягоналиги.

Ваҳдат майи — АЛЛОҲнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май, Ҳақ ишқи ва жазбаси.

Вафо — Ҳақнинг азалий инояти ва марҳаматидир.

Висол — ваҳдат мақоми. Тариқат машойихларининг таъкидлашича: «Манозил ул-вусли ло юқтаъу абад ул — абад фил умрил касирид дунявий» (*Маъноси*: Васл манзилларини абадул-абад дағал дунёвий умрда босиб ўтиб бўлмайди).

Ворид (воридот) — соликнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган равишда қалбда юзага келадиган маъно, илҳом ва файз.

Воҳид — тенги, шериги йўқ ягона Зот, асмой ҳуснодан бири.

Вужуд — Ҳақ вужудига айтилади. Вужудни нафй ва исбот қилиш, яъни бутун борлиқ абадийлигини инкор қилиб, Ҳақ вужуди боқийлигини исбот қилмоқдир. Бу зикр пайтида ўзига хос сўз ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Тариқатда буни «нафйи исбот» дейдилар.

Г

Гармий (иссиқлик) — муҳаббат ҳарорати.

Гарди пой — оёқ чанги, губори. Сўфийлар ўз жисмларини чангга тенглаштирганлар.

Гесу (ўрилган соч) — соликнинг талаб йўлида Ҳаққа етказадиган ип-арқон; висол ва боғланишни талаб қилиш йўли, ғайб оламидан иборат бўлган мутлақ жамол ва Ҳақ дийдори.

Гулгун чехра — комил ориф қалбида порловчи мутлақ тажаллий; уйқу ё беҳушликда моддадан ташқарида бўлган тажаллиёт.

Дайр — ориф ва авлиелар мажлиси; хонақоҳ ва инсоният олами.

Дарвеш — нафсининг ҳавоии орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунёвий лаззатларни тарк этиб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Сўфий, девона, қаландар каби атамалар ҳам баъзан дарвеш маъносида қўлланади. Дарвешлик, тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир. Яссавий «Фақрнома»сида таъкидлайди: «Ҳар ким дарвешлик даъвосини қилса, аввал Ҳақ амрига бўйинсуниб, шариат амри билан бўлғай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмагунча, кундуз хизмат қилмагунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил турур».

Дарвешларга яқинлик — нафсу ҳаводан йироқлашув демак. Дарвешлар суҳбатини тинглаш Ҳақ сирларидан огоҳликдир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан: «Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади?» — деб сўралганида, «Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу таоло бунини дарвешларга ато қиладики, «фаиннаҳу янзуру би нуриллаҳи» — «Чунки у (яъни, дарвеш) АЛЛОҲнинг нури орқали боқади», деб жавоб қилтарган эканлар.

Даҳан (огиз) — махфий сир. Инсоннинг фаҳм ва ваҳмидин пок ва муқаддас бўлган мутакаллимлик сифатидир. Қалом (сўз)нинг асрор ва нозик маъноларига ишора қилиниб, огиз тор ва кичикликда зарра ва нуқтага ташбиҳ қилинади. Навоий ёзади:

Нукта дуррию камар лаъли эрур бас турфақим,
Бел анга маълум эмас, маълум эрурки йўқ огиз.

(«Наводир уш-шабоб», 207,5)

Дил (қалб) — илоҳий хитобнинг, маърифат ва ирфоннинг мазҳари. Орифлар тилида илоҳий сирлар макони ва маҳзани бўлган жой. Ва яна «нафси нотиқа» маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги мужаррад нуроний жавҳардир. Ҳақимлар уни нафси нотиқа дейдилар.

Қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томондаги аъзоси. 2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа, раҳмоний файз ва нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар жойдир. Тасаввуфдаги «Дил назаргоҳи Ҳақ» деган таъриф ёки «Мўъминнинг қалби — АЛЛОҲнинг Арши» деган ҳадис, шунингдек, «Ер-осмонга сиғмадим, мўъминнинг қалбига сиғдим», деган ҳадиси қудсийлар инсон қалбининг илоҳийлиги ва имкониятларининг чексизлигидан дарак беради. Бироқ илоҳий таважжуҳ, зикр, фикр ва саодатлар билангина бу қалбнинг сир-синоат ва имкониятлари юзата чиқади. Сўфийлар қалб деганда айнан шу руҳоний латифани назарда тутганлар.

Қалбнинг атвори, табақоти еттитадир: 1. Садр — кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоғи. 2. Қалб — юрак, имон жавҳарининг ўчоғи. 3. Шигоф — халқни севиш, халқ учун куйиниш жойи. 4. Фуод — кўнгилнинг мушоҳада маскани. 5. Ҳаббат ул-қалб — Ҳаққа қаратилган муҳаббат макони. 6. Сувайдо — ғайбий муқошафа жойи. 7. Муҳжат ул-қалб — илоҳий нурлар тажаллий қиладиган жой.

Дилбар — орифлар тилида тажаллиёт вақтида кўнгилни файзли ва нурафшон қиладиган нарсига дилбар дейилади.

Дилдор — дилга ором берувчи, кўнгил овловчи, кўнгилли, севгили, маҳбуба, ёр. Тасаввуфда АЛЛОҲ, расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам ва улуғ зотлардан киноя.

Дўст — АЛЛОҲ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ва муршиди комиллар ва бошқаларга дўст деб мурожаат этилади.

Ж

Жавр — соликни сулукдан ва сулук мақомларига юксалишдан тўсиб қолиш; қаҳр сифатининг зуҳур этиши.

Жазба — банда саъй-ҳаракат қилмасдан Аллоҳнинг инояти билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишидир; Аллоҳнинг лутфи билан руҳнинг севинч, сурур ва ғайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздан кечиш ҳоли.

Жазба икки турлидир: а) хафий жазба — ошиқнинг Ҳақни севиши; б) жамъий жазба — Ҳақнинг ошиқни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у АЛЛОҲ томонидан ато этилади. Солиқда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳаққа яқинлаша олмайди. Сайри сулукнинг бошланғичи жазбанинг ниҳояси ҳисобланади.

Жалол — улуғлик, буюклик, азамат. АЛЛОҲнинг буюклик, иззат, кибриё ва қаҳрга далолат қиладиган васфлари. Маъшукнинг ошиққа мутлақо муҳтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг ғурурини синдириб, ўзининг қаршисида нақадар чорасизлигини исботлаш. Солиқни «мен»лик даъвосидан халос этгувчи илоҳий тажаллийлар. Жалол — Ҳақнинг кўз ва назардан пинҳон ҳайбати.

Жамол — ҳусн, гўзаллик; чирой. АЛЛОҲнинг лутфига ва раҳматига сабаб бўлган сифатлари; Ҳақ тажаллийси; жамол — АЛЛОҲнинг марҳаматига далолат қиладиган васфлари. Ҳақнинг лутфу эҳсон ила қилган тажаллийси; жамол — маъшук ошиққа ҳожатманд эмаслигини кўрсатиш учун камолиятини зоҳир қилиши.

Жафо — солиқ қалбини маърифат ва мушоададан тўсувчи ҳолат; маҳбубнинг бевафолиги.

Жилва — ноз, истиғно, гўзалнинг кўнгилни фатҳ этувчи ҳоли ёхуд чиройли ҳаракатлари. Сулук аҳлининг кўнглида порлаган илоҳий нур. Бу нурдан ошиқларга ошуфалик, телбалик, мастлик кайфияти етади.

Жон — инсон руҳи, раҳмоний нафас ва Ҳақ тажаллиёти. Ва яна воҳидият ва жабарут оламида илоҳий тажаллийдан зоҳир бўлган аъёни собита ва ҳақиқатлар.

Жом — қадаҳ. Орифнинг маърифат бодасига тўла дили ва аҳволи. Баъзилар жом — бадан, жисм баданни тозаловчи, софловчидир, дейдилар. Зотан, комил ориф илоҳий бода жомидан ичади ва тавҳиддан сармаст бўлади. Соғар, суроҳи ва мино атамалари ҳам ориф қалбини англатади. Қалб — хумхона, майхона ва майкада иборалари билан ҳам таъбир қилинади. Мастлик деганда, ишқнинг чулғаб олиши, ботиний ва зоҳирий сифатлар, маърифат сархушлигига фарқ бўлиш назарда тутилади. Навоий ёзади:

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

(«Ғаройиб ус-сугар», 1,5)

Жоми илоҳий — орифни сармаст қиладиган муқаддас илоҳий тажаллий.

Жоми май — шайхнинг маърифат бодасига тўла қалби ва Ҳақ нурининг тажаллийси.

Жоми жаҳоннамо — комил инсон ва Ҳақ эранларининг ботини.

Жоми Жам (Жамшид), жоми жаҳоннамо — Жамшид жоми. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Жамшид салтанатининг тараққиёти ва таназзули ҳақида маълумот берган. Ирфоний адабиётдаги «жом шароби» илоҳий сирларни ошкор қилиши

билан «жоми жаҳоннамо»га қиёс қилинган. Мутасаввифлар ғайб асроридан воқиф қалбни ҳам «жоми жам»га ўхшатишган. Солик бу «жоми жаҳоннамо»га назар солиб, унинг сирларидан огоҳ бўлади ҳамда қалбини ғурур ва ўзлигидан халос этиб, дўст ишқи билан лиммо-лим тўлдиради.

Жунун — телбалик, жиннилик. Илоҳий ишқдан сармастлик ҳоли. Ҳамма нарсани унутиб, фақат Ҳақ дийдорини исташ.

3

Завқ — ишқ лаззати ва унинг ошиқда мавжудлиги. Муҳаббат чақмоғининг порлаши пайтида солиқнинг Ҳақни зоҳир ва мушоҳада қилишидаги илк ҳолат ва даражаси. Бу мушоҳада — мушоҳада қилувчининг завқ ва машрабига кўра юксак ё паст даражада бўлади. Завқ қанчалик бузуқ хилт, аралашмалардан соф бўлса, мушоҳада этилувчи зотни идрок қилиш, васл ҳаловатини туйиш ва кўриш лаззати шу қадар мусаффо ва тотлироқ бўлади. Завқ — ҳузур, лаззат. Илоҳий тажаллийларнинг бошланиши. Ҳақ ишқидан етадиган ирфон нури.

Зақан (занаҳ, зақан, занаҳдон) — бағбақа. Тасаввуфда солиқнинг табиатига мувофиқ ва уйғун бўлган иш; илоҳий тажаллийлар пайтида юз берадиган теран мулоҳаза дамлари; жамол мушоҳадаси бўлган лаззат мақоми.

Зикр — эслаш, хотирлаш, АЛЛОҲга яқинлик қилиш мақсадида айтиладиган вирд ва дуолар. Тариқатда бандани АЛЛОҲга яқинлаштирувчи энг осон ва самарали йўл бу зикр қилишдир. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида АЛЛОҲни зикр қилиш буюрилади. «Аҳзоб» сурасининг 41-42-оятларида шундай амр қилинади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч у Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар».

Бир ҳадиси шарифда келтирилишича: «Жаннат аҳли ҳеч нарсадан афсусланмайдилар, фақатгина дунёда зикрсиз ўтказган вақтларидан афсусланишади». Зикр барча тариқатларнинг асли, асосидир. Ҳақ тариқатнинг, дарवेशликнинг зикрсиз қарор топиши мумкин эмас.

Зикр — инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган машаққатли ва завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Зикр дил, фикр ва туйғуни АЛЛОҲга йўналтириш, АЛЛОҲ билан мукамал шуурий, зеҳний мулоқот қилишдир. Тасаввуфда зикр икки қисмга ажратилган: бири «зикри омма», иккинчиси «зикри хос». Зикри омма савобни қўлга киритмоқ нияти билан амалга оширилади, аммо, зокирнинг табиатидаги ёмон хислатлар (кибр, ғурур, риё, ҳирс, ғазаб, қаҳр, макр) бутунлай барҳам топмаган бўлади. Хосларнинг зикрида нафс тамоман мағлуб этилади, қалб маърифат ва муҳаббат нурларидан ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам АЛЛОҲ исми ва ишқидан бошқа ҳеч нима қолмайди.

Икки хил зикр мавжуд: зикри хуфия — яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия — очик, овоз чиқариб айтиладиган зикр.

Зот — ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли, асоси. Сўфийлар ақидаси бўйича, АЛЛОҲ ўз зотида қойим, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зуҳури, сифатлари эса ул зотнинг тажаллийсидан иборат.

Зоҳид — дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатга мансубдурлар». Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, кўрқув, умид ва «Илм ал-яқийн»дир. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан беҳабарлиги учун ҳам танқидга нишон бўлган. Навоий шеърларида ҳақиқий зоҳидларни эмас, риёкор, ишқсиз ва ихлоссиз зоҳидларни танқид қилган.

Зуннор — ишқ йўлида садоқатли бўлмоқ; маъшуққа хизмат ва итоат этиш учун астойдил бел боғламоқ; баъзи ўринларда дунёга кўнғил бермоқ ва «мен»лик даъвосини илгари сурмоқ маъносида ҳам келади. Навоий ёзади:

Дайр пири хидматиға, эй кўнгул, бел боғладинг,
Балким ушбу боғламоққа бор эди зуннор шарт.

(«Наводир уш-шабоб», 281,6)

Зулф — Зулфнинг тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкilotлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жалолий сифат; зулф — яширин моҳиятдурким уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг ғаройиб суратлари; йўқлик олами.

Зулф — ваҳдат мартабаси ва АЛЛОҲ таолонинг зотидурки, унинг сир-синоатига етмоқ мумкин эмас. Зулф — ғайбий ҳувийят. Шунингдек, зулф қудрат ва жамол тажаллийсининг сифати бўлиб, у ваҳдатга тўсиқдир. Ва сўфийлар истилоҳида зулф тугал, бўлак нарсалар — ақл ва ҳис билан идрок қилинадиган нарсалар, арвоҳлар ва жисмлар, жавҳар ва аразларнинг даража-мақомлари имкониятидан киноядир.

Зулф — куфр зулматидан ҳам киноя. Тасаввуфда зулфнинг узунлиги, беқарорлиги, гажаклиги, хамлиги, паришонлигининг ўзига хос маънолари бор. Айтайлик, зулфнинг хамлиги — илоҳий асрор демак. Унинг узунлиги — борлиқ мавжудотнинг кенглиги. Беқарорлиги — оламнинг ўзгарувчанлиги ва ҳоказо.

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган мавлоно Атоийи бир байтида:

Ҳар маърифатки, шайх ани таҳқиқ сўзи дер,
Билмас муники, маънийи ул — зулфу хол эрур, —

деб тасаввуфдаги «зулфу хол» атамаларининг илоҳий маърифат ва ҳақиқатларга ишора қилувчи рамзий маънолари борлигини таъкидлайди.

Зулф гажаги — илоҳий сирларнинг махфийлиги; тариқат мушкilotлари; шаҳодат (кўз билан кўриладиган, мавжуд) оламида илоҳий асрорнинг пинҳонлиги.

Зулф ҳалқаси — илоҳий борлиқлар ва ашёларнинг айри-айри ҳолдаги мартабалари.

Зухд — парҳез қилмоқ, яъни дунёга илтифот этмасдан тоат-ибодат ила кун кечирмоқ. Асл зухд — АЛЛОҲга маъқул нарсаларни севмоқ. Тангри таъқиқлаган нарсалардан ҳазар этмоқ. Расулulloҳ (с.а.в.) шундай дейди: «Дунёда зухдни таржих этки, Мавло сени севсин ва носнинг (инсонларнинг) қўлидагиларга илтифот этмагилки, нос ҳам сени севсин».

Аҳмад ибн Ҳанбал зухднинг уч мартабаси борлигини айтади. Биринчиси — авом зухди. Бу — ҳаромни тарк этмоқ. Иккинчиси — хавос зухди. Бу — ҳалолнинг ҳам заруриятдан ортиғини тарк этиш. Учунчиси — аҳас зухди, яъни АЛЛОҲдан бошқа ҳаммасини тарк қилмоқ.

И

Имон — Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш. Қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол.

Ислом динида, АЛЛОҲнинг мавжудлиги, бирлиги, фаришталарга, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) АЛЛОҲнинг элчиси эканига, Қуръонга, ундан олдин нозил этилган

диний китобларга, охират кунига шубҳасиз ишонган, намозини канда қилмаган, рўза тутган, ҳажга борган, закот берган киши мўъмин, яъни имонли киши дейилади. Имоннинг туб моҳияти ва бош асоси Куръони карим оятларида белгилаб берилган. Масалан, «Нисо» сурасининг 136-оятида шундай дейилади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲга, унинг пайғамбарига, нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган китобларига имонингиз комил бўлсин. Кимки АЛЛОҲга, фаришталарига, китобларга, пайғамбарларга ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди».

Диний ва тасаввуфий адабиётларда имон икки қисмга ажратилган: тақлидий имон ва таҳқиқий имон.

Тақлидий имон — ота-боболари, дин вакиллари ва муҳит таъсирида юзага келган имон бўлиб, бунда тақлид қилиш, эргашиш жиҳатлари устуворлик қилади.

Таҳқиқий имон — имонга оид барча масалаларни далил ва тафсилот, талаб ва қонуниятлари билан билмоқ, сўзсиз унга амал қилмоқдир. Бу имон инсонни ҳар қандай шубҳа, кўрқув, гуноҳ, фалокат ва ожизликдан муҳофаза этувчи илоҳий қудрат манбаи ҳисобланади.

Илҳом — илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар.

Иксияр — мис, қалай каби қиммати паст маъданларни олтинга айлантириш ҳамда барча касалликларни дафъ қилиш хосиятига эга деб ишонилган фаразий кимё «илми»; Тасаввуфда камолга эришган улуг зот (пир) нинг назари, таъсири; фавқулудда таъсир кучига эга бўлган нарсалар: масалан, ишқ, ошиқлик.

Ирфон — кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим. Маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм.

Исми аъзам — Худонинг энг улуг исми.

Истиқомат — тўғри, дурустлик. Шариатга, диний амрларга тўла риоя қилиш. Сўфийлар «Энг буюк каромат, бу — истиқомат», деганлар ва кароматга эмас, истиқоматга эътибор қаратганлар.

Ишорат — илоҳий маънога дахлдор бўлгани боис сўз билан изоҳланмайдиган ва сўзловчи сир сақлайдиган ҳақиқатлар. Ишорат — фақат аҳли илмнинг улуглари идрок қила оладиган бир нарсадир. Тасаввуф тили — ишорат тили, дея эътироф этилганлиги учун Абу Али Рўзборий: «Бизнинг илмимиз ишорат эрур. Иборага кўчгач, ғойиб бўлур», дейди.

Ишқ — Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат. Тасаввуфда Ҳусни Мутлаққа бўлган шиддатли севги. Ҳақнинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллийсининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ишқ АЛЛОҲдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос. Навоий ёзади:

Ҳавойи ишқинг аро ўзга оламин бордур,
Ки ашким анжум эрур, оҳ дуди афлоким.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 425,4)

Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ — Аллоҳга, мажозий ишқ эса АЛЛОҲ яратган нарсаларга, одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур.

Ёр, дилбар, маҳбуб, санам, дўст — бу сўзлар орқали Аллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга, муршиди комилга ва кўнгилга яқин кишиларга хитоб қилинади. Шунингдек, бу сўзлар воситасида сифотий тажаллийга ҳам ишора этилади.

Кабоб — Ҳақ тажаллийси учун қалбни парвариш қилиш.

Кави — бор бўлиш, бирор-бир нарсанинг борлиги. Бутун мавжудот.

Калисо — насронийлар ибодатхонаси. Тасаввуфда — ҳайвоний олам.

Камол — етишганлик, қусурсиз ва камчиликсиз бўлиш, камоли мутлақ: илоҳий камол; комил инсон, валий, муршид, намунали инсон, ўрнак инсон, қутб, ғавс, ғавси аъзам, қутб ул-ақтоб.

Каромат — АЛЛОҲнинг лутфи билан солиҳ ва тақводор бандалардан содир бўладиган хариқи одат — ғайритабиий ҳодисалар. Каромат иккига бўлинган: биринчиси — каромати кавний. Иккинчиси — каромати илмий. Булар «кавний» ва «ҳақиқий» деб ҳам аталган. Кавний кароматлар — қисқа фурсатларда рўй берадиган фавқуллодда ғайритабиий ҳодисалар. Масалан: ҳавода учмоқ, денгизда юрмоқ, қушга ўхшаб парвоз қилмоқ ва ҳ. Ҳақиқий каромат эса — илм, ирфон, маърифат, ибодат, ахлоқ ва инсонликдаги устунлик ва шу устунликдан юзага келган турли шакллардаги ҳодисотлар. Тасаввуф аҳлининг эътиқодига кўра, асл каромат — каромати илмий ҳисобланади. Шунинг учун ақл ва маърифатнинг кучига ишонган одамлар каромати кавнияга иштибоҳ билан қараганлар.

Кашф — ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги ғайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб, уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик; илҳом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларидир. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи руҳоний, кашфи маънавий, кашфи мужаррад, кашфи мухайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд.

Каъс — қадаҳ. Мақсадга интилаётган солиқни маст қилган ваҳдат шаробининг қадаҳи. Шароб зоҳир бўлса, коса мазҳардир. Севги қадаҳи; солиқнинг сирри; ошиқнинг қалби.

«...Кунту канзан...» — ҳадиси қудсийдан олинган ибора. Ушбу ҳадиснинг тўла таржимаси шундай: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айтди: «Мен бир гўшаи қаноатда ёшурўлуг ганж эрдим. Мани Тангрилигимни ҳеч ким билмас эрди. Ўз қудратимни билдирмакни дўст тутиб, қамуғ оламни халқ қилдим. Мени бирлигимга иқрор қилсунлар деб». (Рабғузий. «Қисасул анбиёи туркий». Тошкент. 1898. 3-бет.)

Кофир (Куффор) — динсиз, ишонмайдиган, инкор этувчи, ғайридин. Мажозан: раҳмсиз, бепарво ёр; сўфийлар истилоҳида кофир — ваҳдат оламидаги якраглик. Мақоми тафриқа, айри оламда бўлган киши. Габр ва кофир (кофирбачча) — ваҳдат оламидаги садоқатдурким, қалб мутлақо мосиводан юз ўгириб, фано зулматидан жой олган бўлади.

Куфр — зулматга ишора.

Кўнгил — қалб ва дил маъносида ҳам келади. Кўнгил ишқу муҳаббат ва нозик сирлар мазҳаридир. Тасаввуфда Ҳақ нури жамолини кўрсатадиган кўзгу. Айрим сўфийлар кўнгилни Каъбадан ҳам устун қўйганлар. Дил гўё (гапирувчи) бўлиши учун жидду жаҳд қилмоқ керак, дил гўё бўлгач, у ҳеч ўлмайдиган ҳаётга етган бўлади. «Дили ишқ билан тирик бўлган киши ҳеч қачон ўлмади, олам рўзномасига бизнинг доимий ишқимиз шундай деб ёзилган», дейди Ҳофиз Шерозий бир байтида.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан шундай нақл қилинади: «Ейиш пайтида ҳар бир аъзо бир ишга машғул, дил бу пайтда нима билан машғулдир?» Жавоб бердилар: «Ҳақ субҳонаҳу зикри билан». Буюрдилар: «Зикр айтишдан мақсад «ла илаҳа иллаллоҳ» эмас, балки сабабдан сабабгача бориш ва неъматни сабабчидан деб билишдир».

Л

Лаб — мавжудотга вужудий файз етказувчи раҳмоний нафас; лабдан мақсад калом (сўз) ва раҳмоний нафасга ҳам ишора, ашёлар вужудига файз бағишлаш. Лаб жонни қувватлантирувчидир, шариат тилида «нафхи руҳ» дейилади. Шунингдек, лаб — ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш; илоҳий оламдан пайғамбарларга фаришта, валиларга илҳом орқали нозил бўлган сўзлар.

Лаби лаъл — маъшуқ каломининг ботиний маъноси, аҳволнинг софлиги ва нозиклиги ҳамда илоҳий жамол гўзаллигини зикр этувчи сўзлар.

Лаби ширин — ҳадиси қудсий ва воридоти ғайбийлар каби идрок қилинадиган ва бевосита нозил бўлган сўзлар.

Лавлок (лавлока ламо халақтул афлок) — «Агар сен (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бўлмасайдинг фалакларни яратмасдим», деган ҳадиси қудсийга ишора.

Лайлат ул-меърож — Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга кўтарилган кечалари.

Лиманил-мулк — «Мулк кимга тегишли?» Қуръон оятига ишора. Яъни, «Лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор — Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрлардан) ўша кун (қийматда) бирорта ишлар ҳам АЛЛОҲу таолодан махфий қолмайди (Яъни, АЛЛОҲу таоло бандаларнинг барча ишларини билади ва ҳисоб-китоб қилади). Ана шу кун АЛЛОҲ: «Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?» — деб хитоб қилади! Бандалар бир овоздан: «Бу куннинг мулки ягона ва қаҳрли АЛЛОҲгагина тегишлидир», деб жавоб берадилар («Ғофир» сураси, 16-оят). Тасаввуфда бу Қуръоний ибора орқали ҳар бир нарса: мулк, қудрат, ҳусн ва шунга ўхшашларнинг Вужуди Мутлаққа тегишли эканига ишора қилинади.

Лиқо (юз, чеҳра, кўриниш) — маъшуқнинг зуҳур этиши.

Лутф — Эҳсон. Бандани Ҳақ тоатига яқинлаштирадиган ва гуноҳлардан узоқлаштирадиган нарсалар. Маъшуқнинг мурса, мадад ва осойиш билан ошиқни тарбия қилиши.

М

Мавт — ўлим, нафсни туб илдизи билан ҳавою ҳавас заминидан ажратиб ташлаш. Чунки, ҳавою ҳавас нафснинг жонидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Усули ашара» рисоласида бундай ўлимни беш турга ажратиб кўрсатади: 1. Мавти иродий — инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши, яъни фанои куллийга етишиши. 2. Мавти аҳмар — «қирмизи ўлим». Бу — нафснинг истакларига қарши тура олиш, чидам билан уларни бартараф эта олиш демак. 3. Мавти абъз — «оқ ўлим». Очлик йўли билан нафс ва тамаъни забун айлаш. Шунда кўнгил покланиб, шаффофлик, яъни оқлик касб этади. 4. Мавти ахзар — «яшил ўлим». Ямоқдан кийим тикмак ва киймак. Чунки, янги ва чиройли кийим ўзгаларнинг диққатини жалб қилади, эътибор ва шуҳратга сабаб бўлади. 5. Мавти асвад — «қора ўлим». Бу қайғу ва мусибатларга сабр этиш, халқу халойиқнинг ҳар қандай жабру жафосига чидашдир.

Мазҳар — зоҳир бўлиш вақти ва макони; пайдо бўлиш, чиқиш ўрни; кўриниш. Бир нарсанинг зуҳур этадиган ери, АЛЛОҲнинг исм, сифат ва феълларининг ашё ва моддада зуҳур этиши.

Майхона — илоҳий ишқ улашиладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури; завқ, шавқ ва илоҳий маърифат тула орифнинг ботини. Навоий ёзади:

Эшит майхона ичра дайр пиридин Ҳақ асрори,
Ки воиз хонақоҳда гоҳ дер афсона, гоҳ афсун.

(«Бадоеъ ул-васат», 451,7)

Лоҳут олами маъносида ҳам келади. Майхона — мушоҳада ила матлубга восил бўлиш иштиёқидагилар, ҳақиқий маҳбуб ишқиға гирифторлар, ҳақиқат бодасидан сармаст, яқдил ва сафоли дўстлар тўпланадиган жой.

Майи лаъл — ошиқлар қони, уларнинг кўз йўлидан кўксига жомга тўкилувчи қон.

Майл — ошиқнинг хушёрлик ва шуур билан ўз аслиға қайтиши.

Масти хароб — ошиқнинг маҳбуб ишқиға ғарқ бўлиши. Бунда дил тамоман истиғроқ — ишқ ва иштиёқ ғалабасидан ўзини билмас даражада ҳайратга чўмиш, ғарқ бўлиш ҳолатида бўлиб, шуурни ҳаётӣ зарурӣ нарсалардан халос этади ва вуслат — эришиш мартабасига етказади.

Мастлик — барча сифатлари билан ишқнинг чўлғаб олиши. Масту хароб — истиғроқ ҳолатига, масту шайдо — завқ ва ҳузнга ишора.

Маърифат — инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали АЛЛОҲга яқинлашадилар. «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурға боғлиқ бўлиб қолади». «Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Имом Ғаззолийнинг ёзишича: «Соғлом қалб фақатгина зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, ҳикмат озуғидир». Шу боис яссавийликда маърифатни эгалламаган солиқ ишқ мартабасига юксала олмайди. Маърифатни ирфон ҳам дейдилар. Ирфон — АЛЛОҲнинг эҳсонӣ бўлганидан сўфийлар ирфонни илмдан устун қўйганлар.

Мақом — манзил, марҳала, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Диний ахлоқ ва феъл-атвор. Қушайрийнинг айтишича, мақом солиқнинг такрор асосида сифат ҳолиға етказган одоби ва ахлоқидир. Мақом ирода, риёзат, мужоҳада билан қўлга киритилади. Тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ризо — тариқат мақомларидир. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараъ мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айна шу тартибда давом этади.

Маҳбуб ва санам — севикли зот; тажаллийнинг сифотӣ суратда зоҳир бўлишидаги ҳақиқати руҳӣя.

Мижа (мужгон), киприк — адабиётшуносликда найза, ўқ ва камоннинг учларига ташбиҳ қилинади ва маъшукнинг нозу карашмаси билан ошиқ кўксига санчилади. Тасаввуф истилоҳида солиқнинг валоятиға, ҳол ва мартабасига ҳижоб бўлганни айтадилар; орифнинг амаларни сусткашлиқ билан бажариши ва унга басират кўзи билан боқмаслиги.

Мосиво — мосиваллоҳ: АЛЛОҲдан бошқа ҳар нарса, махлуқот, мумкинот, ҳодисот.

Мосиво — АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарса касрат демақдир. Ҳақ солиқлари Худо яратган ашёларға мафтун бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлганлар ва ҳақиқӣ борлиқ — Аллоҳнинг ишқу ёди билан умр ўтказишни афзал деб билганлар. Навоий ёзади:

Эй Навоий, фақр аро қил мосиваллоҳ дафъиким,
Келди солик бошига дунёву мо фиҳо бало.

(«Бадоеъ ул-васат», 29, 9)

Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ — АЛЛОҲ борлигининг тасдиғи ва далиллариدير. Тариқатчи шоирлар «гайр», «сиво», «давъо», «ёлгон», «ағёр» каби атамаларни ҳам мосиво маъносида татбиқ қилганлар.

Мужоҳада — нафсни вужудий машаққатлар билан қийнаш, ҳавою ҳавасга қатъиян қарши курашиш.

Мукошафа — кашф йўли билан билиш, авлиёуллоҳнинг қалбида ғайбий сирларнинг очилиши. Мужоҳада мақомидан кейин, яъни солик узоқ бир мужоҳададан сўнг етишадиган мақом.

Мурид — тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук йўлига кирган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

Мурид ва муршид — «Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таъоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур... нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун шарт ҳисобласин».

«Агар толиб (мурид) муқтадо (пир)га етишиш ишида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сири очилгунча сабру тоқати етгунча чидасин. Агар у мубтадий (сулукни бошлаган) бўлса, пирга савол қилиши мумкин. Агар мутавассит (сулук ўртасида) бўлса, баъзан савол қилсин».

«Авлиёлар ҳузурида мурид ўз аҳволини яшириши жуда қийин, чунки муршид валоят султони бўлиб, одамларнинг ҳолига ҳокимдир. Агар муршиднинг ўзи йўл бермаса, ҳеч ким унинг сифати ва ҳолидан огоҳ бўлолмайди» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муроқаба — мушоҳада, бирор нарсага диққат ила нигоҳ ташламоқ, АЛЛОҲ ёдига берилиб, дунёга тааллуқли ҳаёл, ўткинчи майллардан фориг бўлмоқ. Тасаввуфда муроқаба икки хилга ажратилган: бири авомнинг муроқабаси бўлиб, бунда Ҳаққа толиб киши АЛЛОҲнинг амрларини адо этади. Унинг ўз аҳволидан огоҳ ва талабгор эканини англаб, айни шу мулоҳазадан ғофил қолмайди. Иккинчиси — муроқабаи хавос. Бунда солик муҳаббат жазбаси билан Ҳусни Мутлақнинг сирри бўлган аҳадиятни давомли тарзда барча ашёда мушоҳада ва мулоҳаза қилади ҳамда шу жараёнда ашёни тамоман эсдан чиқаради.

Муроқиб — муроқаба этувчи, ўзликдан халос бўлган, АЛЛОҲга боғланган киши.

Муштоқ — орифларга кўра, Ҳақ дийдорини тўла, кучли шавқ билан кутиш.

«Муту қабла ан тамуту» — «Ўлмасдан бурун ўлинг!» Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «Ўлмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис сўфий ориф, эран, абдол — яъни Ҳақ ошиқлари учун ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Шу боис Аҳмад Яссавий айрим ҳикматларида бу ҳадисни изоҳлаб, уни тарғиб қилади.

Имом Раббоний «...ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча Муқаддас Зотга етишмак мумкин бўлмас... Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк одимдир ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражасидир», деган. Ҳақ ошиқлари, хос кишилар сайру сулукда ишни шу ҳадисга амал қилишдан бошлашган. Бу муроқаба орқали амалга оширилган. Бу тасаввуфда «робитайи мавт» дейилади (Қаранг: робита).

Муршид — тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо, иршод қилувчи шайх. «Саййид Амир Кулол қуддаса сирруҳнинг тилларидан кўп ўтар эдики, ҳузур (ҳозирлик) ва ғайбат (ғойиблик) да ҳам толибнинг руҳоният қуши бир соҳибдавлатнинг тарбияти орқали башарият тухумидан чиқиши зарур. Шундан сўнг бу қушнинг учиб борадиган жойини ҳазрати Илоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди». «Муршид (пир) бу — ҳозиқ табиб, муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муршид ва мурид — XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаб ўтган Азим Хожа эшон ҳикматларидан бирида ёзади:

Муршид ботан сураб тўғри мурид бағдан,
Оқини ўтар ақлу арман, талаб бағдан.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу борада шундай деганлар: «Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб-суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур.

...Муршид Аллоҳнинг марҳамати билан толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидин хабардор бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади.

...Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда олти томон. Қирқ йилдирки биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни беҳато кўрамиз».

Муғбача — мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; тасаввуфда садоқатли ва самимий мурид, толиб, ошиқ,

Мусҳаф — Қуръони карим.

Муғ дайри — майхона, ичкиликхона, ўтга топинувчилар ибодатхонаси. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар мажлиси.

Муҳаббат — севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси уруғ бўлгани каби диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг асли ва асоси муҳаббатдир.

Мўй (соч) — ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ; талаб йўли ва яна орифнинг «ҳаблул матин»и — мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим.

Нафас — тирикликни таъминловчи нафас, ҳаво; дам, фурсат, лаҳза; тасаввуфда муршиддан етадиган файз ва ишқ ўтида ёнган қалбнинг фараҳланиши. «Рисолаи Қушайрий»да ёзилишича: «Нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра кўп нозиктаъ ва покизадур. Шу боис вақт соҳиби мубтадийдир (бошланғич ҳолда). Нафас соҳиби мунтаҳидир (охирги марҳалада). Ҳол соҳиби эса шу иккиси орасида бўлур... Вақт қалб соҳибларига, ҳол руҳ соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир».

Сўфийлар Ҳақ таоло билан ўтган нафасларини ибодатларнинг энг аълоси ва фазилатлиси деб ҳисоблайдилар.

Нафс — ўзлик, руҳ, зот. Инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, гуноҳ ва ёмонликларга етакловчи майл ва истаклар нафсга нисбат берилади. Нафсга бўйсунган кишининг нафси ақлга эмас, шайтонга итоат қилади. «Нафсини таниган Раббисини танийди» ҳадиси ҳам унинг мураккаб хилқат эканини билдиради. Навоий ёзади:

Ҳар киши нафс итлигидин айласа ўзни халос,
Ваҳш хайлин айлар ул дашт узра Мажнунвор сайд.

(«Бадоеъ ул-васат», 119,7)

Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. Нафси аммора — ёмон ва гуноҳ ишларни қилишга буюрадиган ҳайвоний нафс, «Шубҳасиз, нафс ёмонликка буюради» («Юсуф» сураси, 53-оят).

2. Нафси лаввома — маломат қиладиган, койийдиган ва ёмонлайдиган нафс. Ёмон ва гуноҳ иш қилганнинг ўша иши туфайли уни маломат қиладиган, ҳисобга тортадиган нафс, виждон азоби. Қилган ёмонлиги натижасида пушаймон бўладиган, тавба қиладиган ва узр сўрайдиган нафс («Қиёмат» сураси, 2-оят).

3. Нафси мулҳима — илҳом ва кашфга мазҳар бўлган нафс. Ниманинг яхши ва савобли, ниманинг ёмон ва гуноҳ эканлигини илҳом орқали биладиган ва ўшанга кўра ҳаракат этадиган, виждон овозини эшитадиган ва тинглайдиган нафс («Шамс» сураси, 7-8-оятлар).

4. Нафси мутмаинна — қаноатланган, ҳузур ва сукунга қовушган, фазилатларга ўралган, илоҳий феълларнинг тажаллийларига мазҳар бўлган нафс («Наҳл» сураси, 106-оят, «Фажр» сураси, 27-оят).

5. Нафси розийя — ўз шахсий иродаси ва истагидан воз кечган, жалолий ва жамолий тажаллийларни кўнгилхушлик билан кутиб оладиган, қазо ва тақдирнинг ҳар қандай кўринишини мутлақо розилик билан қаршилайдиган, ризо мақомига эришган нафс («Моида» сураси, 191-оят, «Фажр» сураси, 28-оят).

6. Нафси марзийя — АЛЛОҲ рози бўлган нафс. «Розияллоху анҳум». Бу мақомда АЛЛОҲ розий, банда марзийя. Ўзаро ризо ҳолати («Фажр» сураси 27–30, «Баййина» сураси, 8-оят).

7. Нафси комила ёки «нафси закиййа» ёки «нафси сафиййа» — барча камол сифатларини қозониб, инсонларни иршод қилиш мақомига юксалган комил, тоза ва соф нафс, комил инсон сифати («Шамс» сураси, 9-оят).

Нийёз — ҳожат, эҳтиёж, истак, ҳадя, эҳсон маъноларини билдиради. Тасаввуфий истилоҳ сифатида маъшук лутфига ҳожатмандлик; кичикнинг каттага саломи ва дуоси мазмунини англатади.

Нубувват — пайғамбарлик. Тасаввуфда АЛЛОҲдан етган таблиғ, Ҳақдан келган хабар, малакдан келган илоҳий билим. Ғаззолийнинг шарҳлашича: «Нубувват хос инсонлар ҳолларидан бир ҳолдурки, шу ҳол ичида инсонда маънавий бир кўз очилар. Бу кўзда бир нур бўлиб, у нурла ғайбни ва ақл идрок эта олмайдиган нарсаларни кўришга эришилур».

Нунул қалам — Қуръондаги «нун» сурасига ишора ҳамда маъшукнинг қошидан — илоҳий сифатларидан киноя.

Нур — ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. «Ан-Нур» Асмои ҳуснодан бири. АЛЛОҲнинг зоҳир исми билан тажаллийсига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадиған вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний билан юзага чиқиши ва қалбдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий воридотга ҳам нур дейилган.

О

Об (сув) — ҳаётдан мурод маърифат бўлгани каби сувдан мақсад ҳам маърифатдир.

Оби ҳайвон — Аллоҳ нурларининг порлаши ва тажаллийси.

Оби ҳаёт — зулматдаги булоқ. Ривоятларда айтилишича, унинг сувидан ичган одам абадий тирик қолади. Тасаввуфда ишқу муҳаббат чашмасидан киноя.

Обид — ибодат қилувчи. Ибн Синога кўра, дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимса зоҳид, нафл ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган киши обид дейилади. Обидларнинг ибодатлари — намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, ҳажга бормоқ, нафсга дахлдор орзу-ҳавасларни енгиб, охират ғамини емоқ. Обидлар бир-бирини ранжитиб, бир-бирига озор етказгани учун улар авом тоифасига нисбат берилган. Шунингдек, уларнинг табиатида кибр, ҳасад, хусумат, фисқ ва ғанимлик сингари иллатлар ҳам тез-тез кўзга ташланиб турган. Зеро, обид шубҳа ва даъво одамидир. Ибн Ҳанбал «Олимнинг обиддан устунлиги ойнинг юлдузлардан устунлиги кабидир», дейди.

Огоҳ — воқиф, ориф, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолни англовчи, тўғри йўлга тушган Ҳақ йўлчиси. Қалб кўзи очиқ валий.

Озод — дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай боғлиқликдан қутулиб, маънавий хурриятга эришган инсон. Тўла маънодаги эркин одам.

Ойна — Ҳақни мушоҳада этишга восита бўлган мавжудот. Комил инсоннинг кўнгли.

Олам — дунё, жаҳон, коинот, борлиқ. Тасаввуфда АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарсага олам дейилади ва олами амр, олами арвоҳ, олами дунё, олами кубро, олами сугро, олами халқ, олами шаҳодат каби бир неча оламлар тушунчаси илгари сурилади. Амр олами билан халқ олами орасидаги фарқ амр оламининг лаҳзада бор бўлганлигидир. Инсон катта олам ичидаги кичик олам деб ҳам юритилади.

Оли Або — беш киши: Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али, набиралари Имом Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар назарда тугилади.

Олимул ғайб — ғайб сирларини билувчи — Худо.

Ориф — ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон — туйғуларга асосланади. Ориф АЛЛОҲ томонидан бахш этилган ладуний илм воситасида унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри ёди билан умр ўтказди.

Ориф — танувчи, билувчи. АЛЛОҲни, унинг сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган, валий.

Оташ — Аллоҳ ишқининг ҳайбати.

Ошиқ — тасаввуфда Ҳақ ишқига мубтало бўлган киши. Ибн Арабийнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ қуйидаги сифатлар соҳиби бўлиши керак: «мақтул»лик, куш каби парвоз эта олиш, доимо бедор яшаш, ғам ва кадарларни пинҳон сақлаш, таркидунё этиш, кўп дарду изтироб чекиш, машуқани эслашдан тўхтамаслик, ўзидаги фазилатларга ортиқча аҳамият бермаслик, севгилга итоат этиб, унга қарши боришдан қочиш, нафсдан халос бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр қилиш, қалб жунунига етишиш, машуқасини ҳатто ўзидан-да қизганиш...

П

Паймона — ҳақиқат майи; ғайбий нур ва маъноларни идрок қиладиган орифнинг қалби.

Пири харобот — комил инсонлар ва йўлбошчилар, пири майхона маъносида ҳам келади.

Пири муғон, пири харобот, хаммор ва бодафурўш — майхоначи, ҳазрат пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда пири комилнинг сифатлари. Муҳаммад алайҳиссалом ва асосан муршиддан киноя.

Рамз — сўз замирида яширинган ва аҳли дилдан ўзга киши англай олмайдиган маъно.

Раҳматан лил оламин — Ҳазрат пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламнинг «оламларга раҳмат» сифати. АЛЛОҲу таоло Қуръони каримда «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз сени барча оламларга раҳмат қилиб юбордик», деб марҳамат қилади («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур Қуръоний ибора асосан наът шеърларда кўпроқ келтирилади.

Риё — иккиюзламачилик, сохтакорлик, мунофиқлик. Ҳақ ризоси учун қилинмаган ихлоссиз амаллар.

Риёзат — машаққат тортиш, ранж чекиш. Оз ейиш, оз сўзлаш, оз ухлаш ва хилватга чекиниш машаққати билан нафси тарбиялаш. Нафс орзуларидан батамом кечиш.

Рижол ул-ғайб — валилар жамоаси. Улар ғайб эранлари, рижолуллоҳ, мардони Худо, мардони ғайб, ҳукумати маънавия деб ҳам юритилган.

Ризо — розилик, хушнудлик, мамнунлик. Маъшуқнинг жабру жафоларини мамнунлик билан қабул қилиш. АЛЛОҲ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Зуннун Мисрийга кўра, «Ризо — қайғу ва кадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ». Рувайм бин Аҳмад ал-Бағдодий эса ризони инсонга қисмат этилган балолардан лаззатланиш истеъдоди, деб таърифлайди. Жунайд Бағдодий эса: «Ризо қалблар восил бўлган илмнинг мустаҳкам ва саҳиҳ бўлишидир. Қалб илмнинг ҳақиқатига юзлангач, илм уни ризога йўналтирар», дейди.

Ризо масаласида сўфийлар хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирганлар. Абдулкарим Қушайрий шундай деган: «Ироқлик сўфийлар билан хуросонлик маломатийлар ризо ҳолми ёки мақомми деган масалада мунозарага киришдилар. Хуросонликлар дедиларки, ризо мақомлар жумласидандир, таваккулнинг ниҳояти эрур. Бунинг маъноси, ризо қўлнинг ҳаракати ва интилиши билан эришиладиган нарсалар тоифасидан демак. Ироқликлар эса бундай дейдилар: «Ризо — ҳолларга мансуб. Қўл бунга меҳнат, машаққат билан етиша олмас». Аслида, ризо дастлаб қўлнинг интилиши билан қўлга киритилар. Шунга кўра, у сайри сулук мақомларидан бири ҳисобланади».

Робита — алоқа, боғланиш, занжир, тартиб, қоида. Нажмиддин Куброга кўра, ирода тобланиб, «толибдаги самимият ҳам кучга тўлса, ҳиммат соҳиби ила матлуб орасида робита майдонга келур. Бу робита ё ижод ва пайдо айлаш ёки ихфо ва йўқотиш шаклида воқе бўлур».

АЛЛОҲ ва солиқ ўртасидаги робита илоҳий нурдир. Робита уч қисмдан иборат: «робитаи мавт» — ўлимни эслаш; «робитаи муршид» — шайхи билан маънавий боғланиш; «робитаи ҳузур» — Аллоҳни жон томиридан яқин қилиб, Унинг кўриб, кузатиб турганини ҳис қилиш.

Рух — юз, бет; афсонавий йирик қуш; шахмат доналаридан бирининг номи. Тасаввуфда АЛЛОҲ хуснининг мазҳари; Рух — кўп исм ва сифатларга эга бўлган якка-ягона илоҳий Зотга ишора. Рух — ҳазрати Вожиб таолонинг тажаллийси, оламдаги нарсалар ва илоҳий исмлар зухурини вужудга келтирувчидир; илоҳий лутф; Баъзи мутасаввифларга кўра, рухдан мақсад — илоҳий жамолнинг лутф сифати билан тажаллий қилишидир. Бунда Ҳақ «Латиф», «Рауф», «Таввоб», «Муҳийй», «Ҳодий» ва «Ваҳҳоб» сифатлари билан тажаллий қилади. Рухнинг нурга, зулфнинг зулматга муносабати бор. Гоҳида мосиво (АЛЛОҲдан ўзга нарсалар) мутлақо зулфга таъбир қилинади. Чунончи, зулф — маҳбуб юзидаги парда ва ниқобдир. Коинот ва касратдаги нарсалар илоҳий Зот ҳижоби ва ҳақиқий Воҳид жамолининг ниқобидир. Рух эса — моддадаги тажаллиёт.

Рух ва рухсор — зотий хусн мазҳари ва жамолий тажаллийларга айтилади; Навоий ёзади:

Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг
Шавқи бўлса, хоотири майли раёҳин айламас.

(«Бадоеъ ул-васат», 225, 3)

Баъзан мавжудот олами рухсор дейилади.

Рух — ҳақиқатидан банда бир оз хабардор бўлган илоҳий сир. Илоҳий бир нафас ва АЛЛОҲ амрларидандир. Ҳақ тажаллийсидир. Рух наботий рух, ҳайвоний рух, инсоний рух ва изофий рух каби қатор турларга ажратилган. Маъшуқнинг камоли назарда тутилиб, унга «Эй рух!» деб мурожаат этилган.

Рўъятуллоҳ — АЛЛОҲ сирларини ва тажаллийларини қалб кўзи билан сайр айлаш, маънавий оламни томоша қилиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш.

С

Сабр — чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устиворлик. Тасаввуфий тушунчада сабр — инсон яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам барчаси АЛЛОҲдан эканлигини англаши ва шунга рози бўлиши. Яхши ва ёмон ҳолларда ҳам шукр қилиб, шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир.

Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, сабр уч нарса орқали камолотга етади: 1. Илм. 2. Ҳол. 3. Амал. Сабр қилувчилар уч тоифадир: 1. Мутассаббир, яъни зўрма-зўракилик ила сабр қилувчи, сабрда бесабрликка ён берувчи. 2. Собир — сабрли, сабрига содиқ киши. 3. Саббор — ўта сабрли.

Собирлик уч мақомдан иборат: нафс ва шаҳватларни тарк этиш; қазою қадарга рози бўлиш; АЛЛОҲдан келган ҳар бир нарсани хушнудлик ва ишқ ила қабул қилиш.

Сабр деганда авом йўқчилик, қийинчилик ва қулфатларга бардош кўрсатишни англайди. Аслида, сабрнинг энг қийини шоду хуррамлик, омад, бой-бадавлатлик асносидаги сабр ҳисобланади. Бу ҳақда Имом Ғаззолий шундай деганлар: «...Йўқсилликдаги сабр бир жиҳатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликдаги сабр ҳақиқий сабрдир...» Сабрда сўз ва амал заррача бўлсин бир-биридан йироқлашмаслиги ва ажралмаслиги зарур.

Санам — бут. Соликни Худодан тўсиб турувчи нарса.

Сийна — илоҳий илм сифати.

Соқий — маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчи. Баъзан соқийдан мурод Кавсардир, у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Навоий ёзади:

Тут, эй соқий, манга бир майки, онинг нашъаси етказ,
Кўнгул беҳол бўлғай, жонга ҳар дам ўзга ҳол ўлғай.

(«Фавоид ул-кибар», 581,9)

Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада: «Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади» дейилади. Бу сўз (соқий) истиора йўли билан «муршиди комил»ни англатади. Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий ҳусн шаробини ичадиган маъшуқдир.

Соқий ва мутриб — маъно оламидан файз етказувчилар.

Соғар, суроҳи ва мино — орифнинг қалби. Уни хумхона, майхона ва майкада ҳам дейдилар. Шаробхона деганда, малакут, маъно ва арвоҳ оамлари ҳам тушунилади. Баъзан семурғ, анқо, иксир, жоми жаҳоннамо ва оиналардан комил инсон англашилади. Баъзи

тасаввуф истилоҳларида майхона, буткада, шаробхона деганда илоҳий маърифат ва завқ-шавққа тўла комил орифнинг ботини назарда тутилади.

Соғар ва паймона — маънавий идрок ва ғайбий нурлар мушоҳада қилинадиган манба ва шу манба соҳиби.

Сулук — йўл тутиш, яхши йўлга кириш, равиш, сўфиларнинг тариқат йўли. Нафсни тузатиш ва вуслатга эришиш учун тасаввуф йўлига, унинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук: усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик деб тасаввуфда муттасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишига айтилади.

Сухан (сўз) — ғайб олами билан ошнолик ва унга ишорат.

Сўфий — тасаввуф йўлида юрган, тариқат одобу арконига риоя қиладиган, халқ орасида бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган киши. Сўфий — тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сўфий қалбини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди. Сохта сўфий эса авом, риёкор ва мунофиқдир.

Т

Тавҳид — тасаввуфда АЛЛОҲни битта (ягона) деб билиш, ёлғизлигини тан олиш, сўфийликнинг бешинчи босқичи, суфийнинг Аллоҳга етишуви, у билан ниҳоятда яқинлашуви. АЛЛОҲнинг ягоналиги. Унинг зотини ақлий тасаввурлар ва зеҳний ҳаёллардан холи қилиш. Тавҳид уч хилдир: 1. Ҳақнинг ўзини ягона ва тенгсиз эканини билиши; 2. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халққа билдириши; 3. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халқнинг тил билан иқрор айлаши.

Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сўфий фақатгина Бир (АЛЛОҲ)ни кўради ва Уни билади, Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифлар муваҳҳид ва тавҳид аҳли дейилади. Халқнинг тавҳиди Худойи таолони Бир сифатида эшитиш, зиёлилар тавҳиди Бир билиш, хосларнинг тавҳиди Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан «ла машҳуда иллаллоҳ»нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди — Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажаллий этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва «ла фойла иллаллоҳ» дейди; сифот тавҳиди — Ҳақ соликка сифатлари билан тажаллий этганда, солик АЛЛОҲни ва Унинг сифатларини кўради; Зот тавҳиди — Ҳақ соликка зоти билан тажаллий этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина АЛЛОҲни кўради ва «ла мавжуда иллаллоҳ» дейди. Ваҳдати вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тажаллий — кўриниш, жилваланиш, жилоланиш, партавланиш; Ҳақ таоло лутфига муяссар бўлиш; ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Тажаллий — илоҳий файзнинг солик кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол. Навоий ёзади:

Магар тажаллийи ҳуснунгга мазҳар ўлди қуёш,
Ки зоҳир айлади онча жило била ёғду.

(«Бадоеъ ул-васат», 506, 4)

Тажаллий икки қисмдир: 1. Руҳоний тажаллий 2. Раббоний тажаллий. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улуҳият тажаллийси. 2. Рубубият тажаллийси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга, иккинчиси ҳазрати Мусо алайҳиссаломга тегишлидир. Тажаллий — доимо ғайбдан шухудга, зулматдан нурга, номатълумдан маълумга

ўтиш, демакдир. Тажаллий соликка баъзан жазба, баъзан сукунат беради. Тажаллий тўртга бўлинади: зотий тажаллий — илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси; сифот тажаллийси — илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; исм тажаллийси — Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зоҳир бўлиши; феъл тажаллийси — илоҳий феълларнинг банда қалбида юзага келиши. Ҳақ таоло ҳар лаҳза, ҳар ерда турли мартабаларда тажаллий этади, яъни ўзини ошкор қилади.

Ваҳдати вуҷуд аҳлига кўра икки хил тажаллий мавжуд: умумий ва раҳмоний тажаллий — бу тажаллийдан барча баробар насибасини олади; хос ва раҳимий тажаллий — бу тажаллийда мўъминлар, сиддиқлар ва орифлар тавҳид, маърифат ва ризо каби неъматларга ноил бўладилар.

Тажрид — мужаррад бўлмоқ. Мужаррад деб яланғоч ва бўйдоқ кишини айтадилар. Сўфийлар истилоҳида дунёвий ғараз ва андишалардан батамом холи бўлиш тажриддир.

Тажрид-тафрид — соликнинг зоҳиран молу мулкдан, ботинан зиддиятли фикр ва тушунчалардан ўзини халос айлаши. Тажрид молик бўлмаслик, тафрид эса мамлук бўлмасликдир. Тажрид қалбни мосиводан қутқариш, тафрид Ҳақни шаънига нолойиқ сифатлардан баланд тутиш, Уни фард, яъни қиёссиз, тенгсиз кўришдир.

Таквин — АЛЛОҲнинг хос сифатларидан бири. АЛЛОҲ шу сифати билан ҳар қандай нарсани йўқдан бор, бордан йўқ қилади.

Талаб — матлубдан муродни қидирган, излаган одам.

Талвин — бир рангдан бошқа рангга ўтиш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгаришдир. Талвиннинг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин бир манзилда қарор топмоқ, вазминлик ва руҳий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади.

Тараб — истилоҳда Ҳақ билан унсият(яқинлик) ҳосил қилиш.

Тарсо — замима (ёмон) сифатлардан халос бўлган ва ҳамида (яхши) сифатларга эришган ҳамда нафси амморадан қутилган руҳоният одами.

Тарсобачча — ғайб оламидан солиқ қалбига ворид бўлган (қуйилган) ғайбий воридотлар. Тарсобачча — раббоний жозиба ва руҳоний жוליба (жалб қилувчи нарсалар)дир. Баъзилар руҳлар оламидан кишилар қалбига ғалаба қилиб файз етказган ва нафслар қутқусидан халос қилган кишини тарсобачча дейдилар.

Тариқат — луғавий маъноси йўл демакдир. Тариқат — инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат АЛЛОҲга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва таълимот йўлидир. Аммо тариқат шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. Яъни тариқат аҳли шариат амрларини бажариш билан бир қаторда кўшимча нафл ибодатларни ҳам адо этади. Қаттиқ риёзатлар чекиб, суннатга жиддий эътибор қаратади. «Тариқат» сўзидаги ҳар бир ҳарф солиқ зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (Қ) ва буткул таважжуҳ (Т) каби мажбуриятларни юклайди.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр — хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифланган ушбу йўлнинг асосини зуҳд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида қаралган. Бу йўл — Ҳаққа етишишнинг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр — яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл — нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланган. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ халқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғрилиқдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби бўлган.

3. Тариқи шуттор – ошиқлар йўли. Унинг иккинчи бир номи – тариқи соирин. Бу – ишқ, муҳаббат ва жазба билан мақсадга эришиладиган йўл. Бу йўлга кирган киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда кўп мақомлардан ўтмоғи шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулук асосдир.

Тариқатларнинг ибтидоси ҳазрати пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)га бориб боғланади. Тариқатлар у Зотнинг икки буюк саҳобаси – ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али томонидан давом эттирилган. Ҳазрати Абу Бакрга бориб боғланадиган тариқатлар зикри хуфияга асосланган. Зикр ва дуоси очиқ ҳамда баланд овозда, жамоат ҳолида ижро этиладиган жаҳрий тариқатлар ҳазрати Алига нисбат берилган.

Турра – жамолдан киноя.

Ф

Файзи илоҳий – Ҳақ таолодан етгувчи файз. Икки қисмга ажратилган: бири – файзи ақдас, иккинчиси – файзи муқаддас. Дастлабкисига илм мартабаси орқали, кейингисига ҳақиқат ва олий моҳият туфайли эришилади.

Фано – йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топиши. Фанонинг туб маъноси – қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, АЛЛОҲнинг гузал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Фано ҳолидаги ошиқ «мен»лигини унутиши билан тавҳид асрорига соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори даражаси эса фанофиллоҳдир. Бу эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши.

Тасаввуфда фано фил ишқ тушунчаси ҳам мавжуд. Бунга кўра кўнгил тасфияси ва руҳни даражама-даража юксалтириш орқали фано фил ишқ даражасига эришилади. Алишер Навоий «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни ҳам» сатрида фано фил ишқ мақомига ишора қилган. Фақру фано эса маънавий бойлик мақоми. Навоий ёзади:

Соҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,
Ким Навоийга эрур фақру фано туфроғи хўб.

(«Бадоеъ ул-васат», 48, 7)

Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми; фақирлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, АЛЛОҲу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Фақр мосиводан халос бўлиш, таваккул туйғуси билан яшаш демакдир. Фақр шараф хирқаси, пайғамбарлар ва солиҳларнинг либосидир. Фақр тожини кийган икки жаҳонда султондир. Шу боис фақр тасаввуфнинг асоси ва манбаи ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Фақирлик фаҳримдир» деганлари учун ҳам ориф инсонлар фақирлик билан фаҳрланганлар. Бу фаҳрланиш халққа камбағаллигини, тиланчиларга хос ҳаётини кўрсатиш эмас, АЛЛОҲ олдида ожиз ва фақирлигини ҳис этиб ёлворишдир.

Фақр – йўқсиллик, АЛЛОҲга муҳтож бўлиш ҳолати ва шуури, сўфийлик. Фақир, дарвеш, сўфий, мурид, толиб, ўзини ҳар жиҳатдан АЛЛОҲга муҳтожлигини биладиган, ал-фақру илаллоҳ – АЛЛОҲга муҳтож бўлиш, ал-фақру илаллоҳ – ўзини АЛЛОҲга муҳтож деб билган киши.

Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди.

Фақр — тарки дунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари фақрнинг олти одоби борлигини таъкидлайди:

1. Яхши ва ёмон муомалада бўлмаслик;
2. Пир олдида хомуш бўлмоқ ва унинг ижозатисиз сўзламаслик;
3. Ҳеч ким билан ёмон муомалада бўлмаслик;
4. «Хосу омнинг хизмати» адо этмоқ;
5. Нафсни енгмоқ;
6. Ҳавою ҳавасни тарк қилмоқ.

Машҳур сўфий Саҳл ибни Абдуллоҳ Тустарий: «Сўфи ҳар қандай ғам-ғуссадан холи, тафаккурли, Худонинг даргоҳида фисқу фасод қилишдан йироқ ва унинг кўзига тупроқ ҳам, тилло ҳам бир хил кўриниб, тафовути қолмаган кимсадир», деб фақр мақомининг сўфийлик шартларидан бири эканлигига ургу беради.

Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: «Фақр — молинг бўлмаслиги, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслиги, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг АЛЛОҲдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул этиқоди билан яшайди.

Х

Харобот — шаробхона. Сўфийлар истилоҳида башарий сифатларнинг хароб, жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир. Хароботий ундан беихтиёр илоҳий маърифатлар содир бўладиган комил инсондир. Хароб — башарият оламининг хароб бўлишига ишорадир. Навоий ёзади:

Кир харобот ичраким, бир журъасидин етқурур,
Файзни юз шайхча базм аҳлига хаммор файз.

(«Фавойид ул-кибар», 278,5)

Хат — кибриёлик (улуғлик, буюклик) хитоби; Муҳаммадий ҳақиқатга, баъзан вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳ оламига ишора; маҳбуб юзига латофат, нозиклик, гўзаллик билан чизилган хат. У барча нозиклик ва ҳусну жамол нуқталарини жамловчидир. Навоий ёзади:

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулгузор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гоҳе ғубор.

(«Фаройиб ус-сиғар», 171, 1)

Хат ва маҳбуб юзини кўрган шак-шубҳасиз, касратни ваҳдат деб билади, маълум бўладики, ваҳдат — кундуз, касрат кечасидир; хат — ғайб олами. У вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳлар олами борлиқларига ҳам ишора, дейдилар.

Хол — ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. У касрат — кўпликнинг бошланиши ва интиҳосидир. Ағёрнинг идрок ва шууридан беркитилган ва махфий қилинган. «Барча амрлар ундан бошланади ва унга қайтади...». Хол йўқлик оламини англатиши билан бирга Мутлақ зот ягоналигига ҳам ишорадир.

Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.

(«Фаройиб ус-сиғар», 87,7)

«Миръотул ушшоқ»да вужуд фалагининг маркази бўлган қалбнинг сувайдо нуқтаси бу холни жилолантирувчи ва зоҳир қилувчи жойдир, дейилган. Баъзи мутасаввифларга кўра, хол — тоат нурлари ичидаги маъсият зулматидир. Агар яхшилик оз бўлса, хол дейдилар. Холнинг қора рангга ташбиҳ қилиниши ғайбий ҳақиқатдир, идрок ва шуурдан панададир; мабдаъ ва касрат интиҳосининг ҳақиқий ваҳдат нуқтасидир. Ва яна Мутлақ Зот ваҳдатидан киноя ҳам дейдилар. Қора хол деганда, баъзан, ғайб олами тушунилади.

Хум — сир мартабаси ва руҳий латифа. «Аҳадиятул жамъ» ва мавқиф (тўхташ, тин олиш мақомлари)га ҳам айтилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида «хуми ишқ» ибораси кўп қўлланилган. Навоий ёзади:

Эй Навоий, хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладиңг.

(«Бадоеъ ул-васат», 348, 7)

Ч

Чашм (кўз) — ашёлар (нарсалар)да Ҳақни мушоҳада қилиш. Бу мушоҳадакорлик лаёқати басарий сифат деб таъбир қилинади. Яъни солиқ назаридан бирор нарсани четда қолдирмайдиган фойдали ва зарарли нарсаларни назорат қилиб турувчи, унинг барча яхши ва ёмон аҳволига тааллуқли басарий сифатлар. Навоий ёзади:

Қотил кўзунгки ўлтурур элни боқиб туруб,
Боқмас манга, кўзум нечаким турса телмуруб.

(«Бадоеъ ул-васат», 66, 1)

Чашми пурхумор — солиқнинг ўзида сайр қилиши.

Чашми жоду — илоҳий жазбалар.

Чашми маст — илоҳий сир ва унинг жазбалари.

Чашми наргис — камол аҳли пинҳон тутадиган олий мартабалар.

Чашмаи ҳайвон — маърифатнинг манбаи ва асоси, Ҳақ маърифати.

Чашм ва абру (қош) ва жамол — солиқ қалбига қуйилувчи ғайбий илҳомлар.

Чехра — бет, юз, башара, афт; тасаввуфда солиқнинг кайфият ва ҳолатига кўра содир бўладиган ҳамда солиқнинг ғайб ҳолатида рўй берадиган тажжалиёт.

Чехраи гулгун — комил орифнинг қалбида порлайдиган тажжалиёт.

Ш

Шайдо — жазба ва шавқ аҳлидан киноя.

Шамъ — АЛЛОҲнинг нури, илоҳий нур қуёши; тажаллий. Навоий ёзади:

Жон қуши ўртанмасун деб ёпма ўтлуқ чехраким,
Шамъ ўтин кўргач куярдин айламас парвона бок.

(«Бадойиъ ул-васат», 325, 3)

Шароб, май, бода — муҳаббат; асосан, ишқ-муҳаббат шароби. Май — илоҳий май. Нақл қилинишича, Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) меърожда илоҳий ишқ

шаробидан тотиб, беҳуш бўлган эканлар. Шу боис ишқ шароби тасаввуф адабиётида асосий тимсоллардан бўлиб келган. Шароб — ишқ, илоҳий муҳаббат; ишқнинг ғалаба қилиши. Ҳақиқий маҳбуб жилваланиб, муҳаббат ғалаба қилган пайтда, солиқ қалбига қуйилиб уни масту беҳуш қилувчи завқ, важд ва ҳолатдир. Бу ҳолат чулғаб олганда ақл муҳокамалари ва ҳаёл хоҳишлари зойил бўлади, масту мустағрақлиқ ҳолати юз беради. Шароб — мастликдан киноя ва Ҳақ муҳаббатининг жазбасидир. Навоий ёзади:

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

(«*Фаройиб ус-сигар*», 1, 7)

Пайғамбар алайҳиссалом АЛЛОҲ таолодан ҳикоя қилиб айтдилар: «Эй Аҳмад (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар маст бўладилар. Агар маст бўлсалар хурсанд бўладилар, агар хурсанд бўлсалар талаб қиладилар, агар талаб қилсалар топадилар, агар топсалар тавба қиладилар, агар тавба қилсалар халос бўладилар, агар халос бўлсалар етадилар, агар етсалар бирлашадилар, агар бирлашсалар улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди». (Муҳаййир, «Девон», «Муҳаррир», 2010, 23-б.)

Шароби хом, шароби пухта — хом шароб ҳақиқий бандаликдан йироқ бўлган гўзал ҳаёт бўлса, пухта (етилган, пишган) шароб — бандалик, ошиқликнинг мусаффо, холис ҳаётидир.

Шаробан тахуро (тоза, соф шароб) — Қуръонда зикр қилинган ва мўминларга жаннатда улашиладиган шароб. Шайх Акбарободийнинг «Нодир ул-меърож» асарида ёзилишича, мўминлар жаннатда шароби тахурдан ичсалар, АЛЛОҲ таолонинг беназир ва беқиёс дийдорига мушарраф бўлар эканлар («Инсон» сураси, 21-оят).

Шўх — нозли дилбар; илоҳий жазба ва илоҳий тажаллий.

Қ

Қад — ваҳдат оламига таважжуҳ қилиш учун қойим бўлмоқликни айтадилар.

Қаландар — дарбадар кезувчи, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрувчи, қаландарлик қиладиган, шунингдек, қаландария тариқатига мансуб киши. Тасаввуфий шеърларда асосан дарбадар кезувчи Ҳақ ошиғи сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий асарларида сохта, текинхўр қаландарларни қаттиқ танқид қилган бўлса-да, шеърларида ошиқнинг турли ҳолатларини ифодалаш учун қаландар атамасидан фойдаланади.

Қаландар ва қаллош — маъно товланишларига кўра сафо аҳли, тарк аҳли ва фано аҳли назарда тутилади. Навоий ёзади:

Илгида жому кўрар май ичра олам ҳолини;
Ё Раб, ул Жамшид ё майхона қаллошимудур.

(«*Бадоеъ ул-васат*», 173, 6)

Қоба қавсайн — икки ёй оралиғи, яқин масофадан киноя. Бу ибора Қуръонда зикр қилинади ва меърож кечаси қурб манзилида АЛЛОҲ ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзаро яқинлашувини ёки йўлда Муҳаммад алайҳиссалом ва Жабраил фаришта ораларидаги масофа яқинлигини англатади.

Қолу боло — Ҳақ таоло Одам болаларининг пушти камарларидан қиёматга қадар дунёга келажак барча зурриётлардан: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» деб сўраганида, улар: «Ҳа, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг» («Аъроф» сураси, 172-оятдан олинган ибора).

Қомат — севикли ёр; муҳаббат манбаи; қалбнинг юқори оламга таважжуҳ қилиши, сиғинишга муносиб назарда тутилади. Зеро, Худодан бошқа сиғинишга муносиб эмас.

Ғ

Ғамза — кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш, ноз ва дилбарона ишва билан кўз сузиш, боқиш. Тасаввуфда кўркув ва умид (хавфу ражо); идрок қилинган ишоратлар. Навоий ёзади:

Ул ғамза қон қилурға, ул кўз вафо қилурға,
Бедоду зулм боис, нозу итоб монё.

(«Ғавойид ул-кибар», 291, 5)

Ғариб — мусофир, кимсасиз, ажойиб, нодир, қизиқ, камёб. Солик асл ватани бўлмиш рўҳлар оламидан келганини ва ўткинчи дунёда ғурбатда яшаётганини ҳис қилса, ғариб дейилади.

Ҳ

Ҳаблул варид — бўйин томири. Қуръондаги: «Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз» оятига ишора («Қоф» сураси, 16-оят).

Ҳай — солиқ қалбида ҳосил бўлиб, уни хушвақт қиладиган завқ.

Ҳайрат — ҳайрон қолиш, ажабланиш. Қалбда юз очган тажаллий туфайли солиқнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишиши. Навоий ёзади:

Кўнгулу кўз санга муштоқу йўлуқсанг, чиройингдин
Ани беҳудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни ҳайрат.

(«Ғавойид ул-кибар», 76,6)

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юри-тишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни ёришиш, ойдинлашиш, ойдинликдир. Шиблийдан ҳайрат ҳақида сўраганларида, у: «Ҳайрат икки турлидир: бири — гуноҳ қилиш кўркувининг шиддатидан туғилган ҳайрат, иккинчиси эса қалблардан ўрин олган таъзим туйғусидан майдонга чиққан ҳайрат», деган экан. Ҳайрат фанофиллоҳ ҳолига кўтарилиш учун восита бўладиган мақомлардан бири ҳамдир.

Ҳал мин мазид — «Яна қўшимча борми?» «Яна зиёдаси борми?» маъноларини билдирадиган Қуръоний ибора. «У Кунда Биз жаҳаннамга: «Тўлиб битдингми?» дермиз, у эса: «Яна қўшимча борми?» дер («Қоф» сураси, 30-оят). Тасаввуфий асарларда бу ибора орқали ёрнинг чексиз нозу истиғноси ва фазилатларига ишора қилинади.

Ҳаловат — мушоҳададан ҳосил бўлувчи нурлар.

Ҳақиқат — қалбнинг доимий суратда АЛЛОҲнинг ҳузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги, илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган, аммо ифода қилиб

бўлмайдиган, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган маънавий ҳақиқатлар, маърифат. Тариқат сирри, яъни латоифалар нури зоҳир бўлса, ҳақиқат дейилади.

«Таҳқиқ» — ҳақиқат мартабасига етиш учун бутун қувватини ва тоқатини сарфлаш, «таҳаққуқ» — ҳақиқат мартабасига етишиш. «Ҳақиқати Муҳаммадийя» — ҳақиқатлар ҳақиқатидир. Илк ҳақиқат «АЛЛОҲ биринчи бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.) руҳини ва нурларини яратди, кейин ҳамма нарсани шу руҳ ва нурдан, шу руҳ ва нур учун яратди» шаклидаги ишонч, нури Муҳаммадий ва ақли куллий ақидаси.

Ҳақиқат бир неча маънода қўлланади. Жумладан, Худони таниш ва билиш; мажознинг зидди; банданинг Худо васлига интизорлик ҳолати; Ҳақ жамолини кўрсатиши; нарсалар манбаида илоҳий қудрат ва санъатни мушоҳада этиш ва ҳоказо.

Ҳақиқат шариат ва тариқат босқичларидан кейинги мақом бўлиб, Илоҳий Зот маърифатини ифодалайди. Тасаввуф буни «Шариат — солиқнинг жисми, ҳақиқат — унинг руҳи», деб таърифлайди. Сўфийлар ҳақиқатга етишишни асосий мақсад деб биладилар. Сайру сулук натижасида моддий ва маънавий тўсиқлардан ўтиб, ўз нафсларининг асл жавҳаридан, яратилиш ва дунёга келиш сирларидан огоҳ бўладилар. Баъзи сўфийлар бу мақомни фанодан сўнгги бақо деганлар. Бу тушунчанинг ривожланиши асосида аста-секин «комил инсон» тушунчаси юзага келган.

Тасаввуфий манбаларда ҳақиқат атамасидан ташқари «ҳақиқати жомий», «ҳақиқати мутлақ», «ҳақиқатул ҳақиқ» иборалари ҳам қўлланади.

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳақиқат истовчиларни тўрт гуруҳга: мутакаллимлар, файласуф ва ҳакимлар, исмоилия ва таълимия тарафдорлари ҳамда сўфийларга бўлади. Сўфийлар ҳақида: «Мен учун тамоман равшан бўлдики, Худойи таоло тариқатига қадам қўйганлар фақат сўфийлардир. Уларнинг ҳаёт тарзлари, тариқатлари, феъллари ҳам энг яхшидир, мақбулдир», деб таъриф беради.

Ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир. Кушайрийнинг ёзишича, шариат фиқҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир танганинг икки томони кабидир. Ҳақиқатсиз шариат мақбул эмас, шариатсиз ҳақиқат эса ботилдир.

Ҳижоб — парда, тўсиқ. Ошиқни маъшуқидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Навоий ёзади:

Ўзлутининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

(«Наводир уш-шабоб», 10,7)

Дунё ва охиратга оид тамаъ ва ниятлар инсонни АЛЛОҲдан йироқлаштирувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам Ҳақ ва солиқ орасини тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади. «АЛЛОҲ ила қул орасида нурдан ва қоронғуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир», дейди Нажмиддин Кубро. Оддий ҳижоб — парда, моддий олам билан маънавий олам орасидаги нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Кишининг Ҳақ ва ҳақиқат орасидаги пардаси. Ҳижоб ва парда фақат нафсдир.

Ҳол — меҳнат орқали қўлга киритилмайдиган Ҳақ неъмат. Мақомларга эса меҳнат билан эришилади. Ҳол — сўфийнинг юксак маънодаги маънавий-руҳий ҳолати; кайфият, қувват. Ҳол ўзгарувчандир. Ҳол ўзгаришларини бошидан кечирган солиқ ҳол соҳибидан мақом соҳибига айланади. Ҳол — ошиққа маъшуқнинг лутфи. Ҳол эгаси йшқ туғёнида ҳолдан ҳолга юксалиб боради.

Ҳол солиқнинг хоҳиш-иродасисиз АЛЛОҲдан қалбга етган маънолар, файзлардир. Илми қол — шариат, илми ҳол — тариқат. Тасаввуфда солиқнинг ҳоли муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам тасаввуф баъзан илми ҳол деб юритилади. АЛЛОҲнинг розилигини топган тақводор инсонлар «ҳол соҳиби»дирлар. Шунинг учун ҳол соҳиби валий маъносида ҳам қўлланади.

Ҳол соҳиби — маънавий ҳолати яхши бўлган, тасаввуфий ҳолларни кўриб ва яшаб таниган; важд, жазба ва истиғроқ ҳолатида бўлган, сакр ва талвин соҳиби, ҳолига ҳоким инсон.

Ҳусн — гўзаллик, чирой. Илоҳий ҳусн. Энг мукаммал камолот ва сифатга эга бўлган Зот, Ҳақ. «АЛЛОҲ гўзалдир ва у гўзалликни севади» (Ҳадиси шариф). Ҳақ зотидаги барча мукаммал камолот; АЛЛОҲ жамоли, маҳбуб дийдори. Навоий ёзади:

Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

(«Бадоеъ ул-васат», 205, 6)

МУНДАРИЖА

Мўъжизакор ижод намунаси 5

Дебоча 10

ҲАЗАЛЛАР

АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо	22
Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо	23
Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо	24
Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга	25
Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро	26
Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро	27
Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»	28
Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур қисват анга	29
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга	30
Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиф қондин анга	31
Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга	32
Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга	33
Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга	34
Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга	35
Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга	36
Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга	37
Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга	38
Эй алифдек қоматинг майли бузулган жон аро	39
Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро	40
Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро	41
Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро	42
Икки бармоғ бирла туттум лаълин ул руҳсор аро	43
Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа	44
Эрур ишқ аҳли ғуристонию юз минг мазор анда	45
Доғларким, қўйдум ул ой фурқати озорида	46
Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр оллида	47
Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса	48
Не хуш бўлғай иковлан маст бўлсақ васл боғинда	49
Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлган бало	50
Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро	51
Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми бедорим фидо	52
Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла	53
Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо	54
Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо	55
Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо	56

Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё	57
Зор жисмимга хадангинг захмидин ортар наво	58
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо	59
Маҳвашо, сарвқадо, лоларухо, сиймтано	60

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Зиҳи висолингга толиб тутуб ўзин матлуб	61
Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб	62
Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб	63
Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб	64
Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб	65
Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб	66
Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун санга ашҳаб	67
Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, ё Раб	68
Эй, санга юз ҳўбу лаб ҳўбу лабингдин кулгу ҳўб	69
Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб	70
Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб	71
Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб	72
Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб	73
Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб	74
Ваҳ, не қотилдур келур ойини қатлу кин солиб	75
Ханжаринг жонимга етти кўкрагимга санчилиб	76
Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб	77
Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб	78
Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб	79
Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб	80
Қон ёшим йўлунгда томмайдур кўзум гирён бўлуб	81
Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунграшиб	82
Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимга солғай деб	83
Дам-бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб	84
Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб	85
Ул ой қасдима тийғи буррон чекиб	86
Чобукум рахш уза ҳижрон йўлида пўя қилиб	87

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп	88
Зулфу юздин сунбулунгни гул уза тарқатма кўп	89

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут	90
Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон меҳр шартин қилди тут	91

Келгил, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут	92
Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат	93
Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингга бот	94
Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот	95
Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот	96
Эй кўнгул, ёр ўзгалар домига бўлди пойбаст	97
Субҳ эрур соқию мен махмурмен, сен майпараст	98
Жунун тоши уруб ҳар ён янги доғимни афгор эт	99
Вужудум ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут	100
Кўнглум олди бир парипайкар малаксиймо йигит	101
Маст чиқти яна ул қотили бебок йигит	102
Яна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонга ўт	103
Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот	104
Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт	105
Хирмани рухсориға солмиш майи гулнори ўт	106
Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт	107
Войким, душмандек ўлди аҳидин бегона дўст	108
Бош кўярмен куп аёгинда май ичсам пайваст	109

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис	110
Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс	111
Менинг жунунума гар ул пари эрур боис	112

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж	113
Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож	114
Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж	115
Майи лаълинг эрур жон бирла мамзуж	116

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАГУШОЙЛИФИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач	117
Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулўзор ўлғач	118
Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач	119
Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ич	120
Фақр аҳлиға подшо муҳтож	121

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРОМИЙЛАРИ ҲУСНОРОЙЛИФИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Зиҳи тилинг ана афсаҳ такаллумида фасиҳ	133
Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ	133
Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдох	134
Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ рухсор субҳ	135
Рўзау гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ	136
Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза руҳ	137

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох	138
Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах	139
Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўҳ	139
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх	140
Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх	142
Хонақаҳда ҳалқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх	143
Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох	144

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд	145
Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд	146
Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд	147
Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд	148
Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод	148
Айламас ҳар навъ бўлсам ул бути раъно писанд	149
Топқали хокий танимға новаки ишқинг кушод	149
Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд	150
Чекар ун кўнглум урсанг тийғи бедод	150
Жилвада ҳусн аҳли ичра кўрмишам бисёр қад	154
Мендин эл ҳар сўз деса, бовар қилур ул сарвқад	155
Йўқки оҳимдин қилибдур тийра бу вайронни дуд	156
Унутмағилки то ҳажр этти бедод	157
Ваҳки, ҳар соат бўлурмен васлидин еткач навид	158
Иш манга қилмоқдурур ул шўҳи бепарвони ёд	159

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗАВИЮ-Л-ҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛУҒИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Зухду тоат шаҳдини аҳли замон кўрмас лазиз	159
Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон коғаз	161
Демагил кўйини беному нишонларға малоз	162

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТОХЕЗИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур	133
Парим бўлса, учуб қочсам улустин то қанотим бор	134
Кема оғзи демаким, ишқингда куксум чокидур	135
Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаққарханд эрур	136
Эл тилидин жонима гар юз боло мавжуд эрур	137
Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур	138
Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур	139
Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлуғум ойин эрур	140
То лабинг шавқида жисмим ғарқайи хуноб эрур	141
Ул пари кўнгли учун руҳум асиру зор эрур	142
Кўнгулки, ишқида дерсен боло не бўлғусидур	143
Жафо қилур бари гулчехралар, вафо қилакўр	144
Жоним ороми учун қосидки, жонондин келур	145
Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир	146
Паривашим қора бўркинки, бир ён эгри қилибдур	147
Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур	148
Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур	149
Телбараб иткан кўнгул ёдимға кирса гоҳлар	150
Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуғ жонимдадур	151
Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулўзор	152
Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар	153
Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур	154
То ҳаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур	155
Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули хуррам баҳор	156
Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур	157
Тарарда уқдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар	158
Оллим ул ой саждасидин реш эрур, ҳолим будур	159
Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ўлтурур	160
Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур	161
Кўзунг не боло қаро бўлуптур	162
Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур	163
Ваҳки, майдон азмиға секретги ул чобуксувор	164
Ваҳй нозил бўлди ёҳуд ёрнинг пайғомидур	165
Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур	166
Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндур	167
Нуқтайи холингки кўздин доим маъдум эрур	168
Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур	169
Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур	170
Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур	171
Холу хатинг ҳаёлидин, эй сарви гулўзор	172
Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор	173

Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар	194
Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур	195
Ул ойки, жафо нардини хублардин утуптур	196
Барча хўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор	197
Чораи кор истабон бечоралиғ кўнглум тилар	198
Ҳар ўқи ул қоши ёнинг жонниким, қурбон қилур	199
Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар	200
Ё Раб, бу не гулдурким, бошиға чечак санчар	201
Ғаминг ўқиқи кўнгуллар уйин нишона қилур	202
То бўлди кўнгул ул кўзи усрукка гирифтور	203
Фигонки, ёр вафо аҳлиға ситам қиладур	204
Улки, онсиз хаста кўнглумнинг юз оху войи бор	205
Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр	206
Ҳар қаён боқсам кўзумға ул қуёшдин нур эрур	207
Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолиптур	208
Ул малаксиймо париким, халқ анинг ҳайронидур	209
Шаҳсуворим ҳар қачон жавлон қилур	210
Қайси бир кўкнинг юзингдек меҳри оламтоби бор	211
Улки юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор	212
Яна ғариб гуле жонима жафо қиладур	213
Майдин айру гул эмас гўё эрур гулгун ҳарир	214
Соқиде, дай шиддатидин ақлу ҳис бетоб эрур	215
Оразинг хуршиду оғзинг заррадин тимсол эрур	216
Оразинг кўзгусиму тер касратидин судаду	217
Оразинг кўзгусида хат сабзадурким, суда бор	218
Юзунгда зарварақ ҳар ёнки лутфи бениҳоятдур	219

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз	220
Рафиқлар, мени маҳзун нечук бўлай ғамсиз	221
Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз	222
Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз	223
Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз	224
Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз	225
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз	226
Хуррам ўлди боғу бир гулдин ичимда ғам ҳануз	227
Сайл ун чектию савдо менда бепоён ҳануз	228
Кўюнг борида қилман жаннатқа гузар ҳаргиз	229
Замоне гарчи ёдим қилмас ул номехрибон ҳаргиз	230
Ҳар неча кўнглумни чок этсанг қилур ишқинг ситез	231
Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф қошонамиз	232
Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз	233
Жилваму қилди сариг бўркин кийиб ул сарвиноз	234

Туфроғимдин кошки жисме мураттаб қилсангиз	235
Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки чектим тез	236
Ёрдин айрилғали шайдо кўнгул беҳоб кўз	237
Тийрадур ўйлаким, ёруғлуг анга қўймас юз	238
Йўқки ул кўз қорадур ҳуснунг аро, эй қоракўз	239
Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз	240
Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз	241
Ул пари қўйида мен девонани банд айлангиз	242
Ғам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж	243

СИН ҲАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас	244
Не ажаб гар нуқл тухми ғам қушин ром айламас	245
Кийик чарми заиф эғнимга мажнунлуг нишони бас	246
Нафис кийгулук ўлса яланг танимға ҳавас	247
Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон эрмас	248
Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас	249
Демаким, нўши лабидин қути жон қилдим ҳавас	250
Бас недур кўз гар ҳаёлинг хайлиға манзил эмас	251
Оҳ ўқин жон ичра асраб, кўнглум изҳор айламас	252
Зулфидин айру жунунумға десам тadbир эмас	253
Дам-бадам лаълинг ҳаёлидин ичим қонму эмас	254
Чок бўлган кўнглума қилмоқ илож осон эмас	255
Хаста кўюнга ётмишам бекас	256
Бизга олам боғидин ул сарви гулруҳсор бас	257
Манзилеким, ул парипайкарни кўрдум бир нафас	258
Фигонким, кўнглум олган дилбарим дилдорлиғ билмас	259
Чок этиб кўнглумни очилсун демак имкон эмас	260
Хўбларға менг ул ойнинг тоза қуллук доғи бас	261
Сендегу кийган шабандаррўз ҳуллангдек эмас	262

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎҲЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Зиҳи камол ила кавнайн нақшиға наққош	263
Мени саргашта жисмин доғ ила қон лолазор этмиш	264
Кўнгулким зарнишон пайконларингдин нотавон бўлмиш	265
Чиқти ёрим кеча йўл азмин қилиб ул бағритош	266
Қатиқ дардим зулоли ашк этар фош	267
Чу билди шамъким, ғам шоми кўнглумни ҳалок этмиш	268
Кўз кўтарман ул қуёшдин гар кўзум қилмоққа реш	269
Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш	270
Сариғ гул демаким, чун сарвинозим боғ аро бормиш	271
Порсоваш дилситоним бўлган эрмиш боданўш	272

Сени кўргач дер эдим, бир меҳрибоним бор эрмиш	273
Вусма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш	274
Не абрашдурки, секритмиш яна майдонға ул маҳваш	275
Ул сарв узори гули серобдек эрмиш	276
Не ажаб гар бор эсам девонавашлиғ бирла хуш	277
То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш	278
Борғонингдин жон талашмоқ эрди мен маҳзунға иш	279
Оразин кўрдум ниҳон, ашк айлади сирримни фош	280
Ҳар кун оқшомғача ҳажрингда манга зорлиғ иш	281
Ёрким ёғлиғ била кўксум яросин боғламиш	282
Кўнглума келмас хазоний боғ аро норанж хуш	283
Сендин айру танда кўнглум йўқтуру кўнглумда хуш	284
Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш	285
Лаъли ишқ аҳлидин онча ғорати жон айламиш	286
Ул гулеким, базмида зоғу заған қилғай хуруш	287
Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш	288
Тузмагай эрди қазо бу жисми вайронимни кош	289
Дедим, ул пайконни лаъл эткан юрак қони эмиш	290
Илгига мовий катон ул шўх невчун чирмамиш	291

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос	292
Гулруҳум ёди била кўнглум эрур гулга ҳарис	293
Жон етиб оғзимға топмон дарди ҳижрондин халос	294
Бода мени айлади зуҳду риёдин халос	295
Эй, сенинг ханжари ҳажринг яраси жонима хос	296

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Бировки амр хилофидин айлагай эъроз	297
Ичиб ул шўх гулгул қилди лаъли ноб ила ораз	298
Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз	299
Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз	300

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Нафс қуттоғ-ут-тариқи манзилидур бу работ	301
Юзда холингдурму ё таҳрир этар ҳолатда хат	302
Қилса бўлмас оҳу афғондин мени шайдони забт	303
Рухсор ила лабингдин этар кўнглум инбисот	304

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Тариқи ишқдин бўлмиш манга бало малҳуз	305
Ришта — диққатдур, каломингда дури шаҳвор лафз	306
Масиҳойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз	307
Бу нағма эрдиму йўқ эрса офат, эй ҳофиз	308

АЙН ҲАРФИНИНГ ИЙОРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Истасангким ургасен давронға тийғи инқитоъ	309
Жисми васлин қилдим ул зулфи сумансодин тамаъ	310
Кўзумни токи қилмиш ул саодат ахтари матлаъ	311
Учуқ эрмаски чун бўлди Суҳайли оразинг толиъ	312
Доғ уза доғдин овора кўнгулдур зойиъ	313
Васл шоми хилватимда ёқсалар ногоҳ шамъ	314
Юзига кўзгуни ҳар дам қилур ул сиймбар мониъ	315

ҒАЙН ҲАРФИНИНГ ФИЗОЛАЛАРИНИНГ ҒАВФОСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Меҳрсизликдин фалак эл қатлин айлар бедариғ	316
Заиф танда ғамингдин юз эски бўлган доғ	317
Соқиё, ҳажр илгидин кўп тортадурмен зорлиғ	318
Ул суманбар қаддининг сарвиға кўнглум бўлди боғ	319
Ўртанурмен кечалар ҳажрингда андоқким чароғ	320
Гарчи мен ҳажрингдин ўлдум тортибон кўп зорлиғ	321
Неча, эй ороми жон, ҳажрингда беоромлиғ	322
Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ	323

ҒЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф	324
Зор жисмимда қиличинг захми ҳар ён мухталиф	325
Ёшурун ғамзанг қиличиким қилур кўксум шикоф	326
Кўргузур ҳижрон ҳуруфи нуқтасин жон ҳар тараф	327
Бода ҳуштур гар ҳарифим бўлса бир ёри зариф	328
Базм аро гар йўқ май била даф	329

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Зихе азалда қарам айлабон санга Халлоқ	330
Ёрдин айру кўнгул — мулкедурур султони йўқ	331
Бўлмас эрмиш дилраблар аҳди маҳкам, эй рафиқ	332
Санга иш жавлон қилиб майдонда чавгон ўйнамоқ	333
Оҳким, ғам тийғидин кўксумни қилди чок ишқ	334

Ваҳ, неча жисмимни ғамдин нотаваон эткай фироқ	336
Қон ёшим сориг юз узра ошкор этти фироқ	336
Жунун тоши харобот ичра ҳар дам куксума урмоқ	337
Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ	338
Чиқса жоним, айб қилма, жисми беморимға боқ	339
Ғамим кўп айта олмасмен не тонг кўнглум ҳалок ўлмоқ	340
Демангиз аҳбобким, қилмасмусен бас йиғламоқ	341
Кимки, васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ	342

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Эй, деб сифатингда аҳли идрок	343
Ваҳ, недур майдонда ҳар ён азми жавлон айламак	344
Ишқ аро васлинг тилаб ҳажрингда бўлдум дардноқ	345
Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек	346
Турфа рухсорингки, хусн ичра эрур гулзордек	347
Не навъ борди экин уйга кеча ул чобук	348
Менки чектим лаъли шавқи бирла жонондин илик	349
Маҳвашимда заъфу мен бу ғуссадин ҳар дам ҳалок	350
Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак	351
Кўнглакинг барги гулу устида гулранг елак	352
Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак	353
Кимки ошиқ бўлса зору хастаҳол ўлмоқ керак	354
Ёр бўлмиш ўртаға ҳижрон тариқин солғудек	355
Эй, кўнгулда шаҳди лаълинг ҳасратидин юз тешук	356
Жунун саҳросида бое йўқ эркандур бу маҳзундек	357
Лабингки, сайли сиришкимни оқизур қондек	358
Ҳажр тоби ичра ким кўрмиш бу жисми зордек	359
Эй тўқуз торами, ахзар бўлубон жилвағаҳинг	360
Қорадур холу хатту кўзу қошинг	361
Эй чучук жоним сенинг ширин лабинг	362
Кулмадинг, то кўзларимни кавкабафшон қилмадинг	363
Эй, менинг жоним олиб яхшилиғинг	364
Ики ғунчанг эрмас, эй гулчеҳра, тенг	365
Шоҳ бўлди ишқ ичинда соҳибасрорим менинг	366
Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг	367
Оразинг субҳидин эл айшини жовид айладинг	368
Ишқим ортар хатти зоҳир бўлғали жононанинг	369
Тонг насимин сойир эткан гулузоримдур менинг	370
Коғаз уза қаламни фусунсоз қилмадинг	371
Ғам хазонин зоҳир этмиш чеҳрайи зардим менинг	372
Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг	373
Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг	374
Эй ишқ, яна фурқат ўтин жонима урдунг	375

Неча жаврин тортайин ул сарви хуризоднинг	376
Кўнгуллар қути ширин достонинг	377
Рафиқларни борин ёру муътамад қилдинг	378
Истаб ул бутни хирад белида зуннорин кўрунг	379
Хаёлинг ҳуснига кўнглумда зийнат берса хижронинг	380
Чаманда чехра фуруғи учун қадаҳ олдинг	381
Ғам тошин жисмимда пайконинг била банд айладинг	382
Эй висол аҳли, ул ой кўнглини хушҳол тутунг	383
Ишқ келтурса ишим дайри фано аздада ўнг	384

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил	385
Оғзидин чиққан ҳадиси нозуку рангинни бил	386
Анингдек мастмен дай субҳиким, бу мушқил эрмас ҳал	387
Юзунгни кўрдум эмди кўзларимни боғла, эй қотил	388
Ҳажр ўтига истасанг ёқилмағайсен, эй кўнгул	389
Чаманда қонини баским оқизди зор кўнгул	390
Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл	391
Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил	392
Номаси кўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул	393
Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул	394
Ул париким, банди зулфига мажониндур уқул	395
Қон тўқар кўз оразинг гулгуналиқ кўрган маҳал	396
Кўзумда ҳажр ўтининг ҳумратин кўр, дема қондур ул	397
Қани бир чехраки майл эткай анга хаста кўнгул	398
Ҳар киши кўрса қизил хорода ул маҳваш жамол	399
Қилди овора мени хастани овора кўнгул	400
Не қошу юздурур, санга, эй сунъи лоюзол	401
Ё Раб, ул ой ҳуснин эл фаҳмига номафҳум қил	402
Бўйнулга қайда қилгай ул ой қўлини мойил	403
Зулфини очмиш сабо юзига чиқмиш тоби мул	404
Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамеша шод бўл	405
Қоматингга ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол	406
Боғ мендек сарғариб, булбул менингдек бўлди лол	407
Сарвинозим, йўқ ажаб, гар рўзадин топмиш малол	408
Уйғониб субҳ уйқусидин меҳр шамъин тор қил	409
Ул муқаҳҳал кўз жафосидин агар бўлсам қатил	410
Қилғали хилъатин ул сарв гуландом қизил	411
Йўқтурур оламда аҳли ишқдек бечора эл	412
Кеча борди ёру андин қолмади гирён кўнгул	413

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим	414
Ул пари наззорасиға, ваҳки, йўқтур тоқатим	415
Чаманда мунисим не сарв эрур, не гул, не сунбул ҳам	416
Не тонг узорим агар сарғариб, қизарди ёшим	417
Ҳажр тошининг кўкумтул доғидин куйди таним	418
Қилғали юз тил киби кўнглумни чок ул қотилим	419
Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум	420
Магарки кўз йўлидин оқти қон бўлуб юрагим	421
Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум	422
Айни заъфимдин қўлум чун қўлдадинг, эй дилбарим	423
Тун оқшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним	424
Ишқ ила бўлдум масал, савдо била афсона ҳам	425
Кеча ул маҳвашни ёд айлаб фаровон йиғладим	426
Соқиб, кечаги май нашъасидин жон топтим	427
Битигингдинки, саводини кўруб жон топтим	428
Висол тухмини эктим, фироқ бар топтим	429
Васл баргин узки, мен ҳижрон гулин бўй этмишам	430
Тирик юрурмену бор мендин айру жононим	431
Эй қадинг сарви равон, кўюнг баҳори гулшаним	432
Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим	433
Оқизди лимуи бўркунгни кўргач, онча қон кўнглум	434
Не айб, агар майи софий ғамидадур кўнглум	435
Вайронаедур масканим, андин манга бисёр ғам	436
Онча кавкаб тўкти шоми ғам ҳаёлингдин кўзум	437
Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим	438
Лаълинг ғамидин дийдаи гирён била бордим	439
Водийи ҳажрингда бир дам қон ютардин қонмадим	440
Онча йиғлатти жафодин дўстдур деб севганим	441
Хазон ранги юзига берса тонг йўқ шуълайи дардим	442
Ақлу жон қасдида кўрдум ул кўзу мужгонни ҳам	443
Ажойиб тийрадур ҳажрим туни, эй меҳри йўқ моҳим	444
Тандин ўқунгни чексалар, оғирдин эрмас шеваним	445
Қуруқ танимға туган куйдуруда бебоким	446
Висол ичра ул ойнинг фурқатин осон гумон қилдим	447
Ҳажр ила кўрма раво жонимға бепоён ўлум	448
Бўлмасун кўнглунг қушиға дурру гавҳар васли ком	449
Менки, даврон зулмидур кўнглумга, балким жонга ҳам	450
Ул қуёш васлида ўзни рашкдин гум айларам	451
Сенсиз ашким ёмғури селини тўфон айладим	452
Ҳуснунга ҳайратдин ўлди барча бесомонлиғим	453
Жонима доғе қўюптур лаълинг узра холким	454

Юзунг ғамидин эрур абри навбаҳор кўзум	455
Сендин айру то асири дарди ҳижрон қолмишам	456
Не ул қулоққа етар, арзи ҳол адо қилсам	457
Кўнгулни бағир қонидин лола қилдим	458

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Истарам юз манзил ўткаймен адам саҳросидин	459
Кўнгулни айладим юз чок ишқингдин, мени маҳзун	460
Булуг ҳайвон зулоли бирла тиргузди ҳаво жонин	461
Муҳаббат риштасин уздики, ўлтургай бу ғамнокин	462
Баски қадди ғунчадек эл кўнглин олиб қилди қон	463
Ишқида яхши-ёмон бедодидин топман амон	464
Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин	465
Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин	466
Не тонг, сариғ юзумда ашки рангин	467
Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон	468
Ишқ аро менмен даме бемеҳнату ғам бўлмаған	469
Хуршид тулуъ этса, қуёшинг соғинурмен	470
Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин	471
Шавқдин ашк ичра ғарқ ўлуб, дей олмасмен ғамин	472
Мени бедил санга жон ўйнамоқ бирла ярайдурмен	473
Тикмишам мажруҳ кўнглум захмини ғам нешидин	474
Англаман судек юзунгмудур кўрунган кўзгудин	475
Ёна не қад жилва қилдиким, демакдин лолмен	476
Ваҳки, мендин айру юз жон, йўқса жононму экин	477
Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин	478
Юзунг ўтиға тутун зулфи муанбарму экин	479
Улки ҳар тун уйғаниб, ёнида кўрмас ҳамдамин	480
Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин	481
Чиқарғач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин	482
Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин	483
Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен	484
Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин	485
Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен	486
Юз боло ҳижрон топар ҳар дам бу маҳзун жон учун	487
Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун	488
Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун	489
Васлингға етибон соғинурмен хаёл экин	490
Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен	491
Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин	492
Эйким, танимға жон берасен ҳар тариқдин	493
Ғамингда ҳар кеча, эй гулўзор, йиғлармен	494
Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлуптур тўла қон	495

Сафҳаи ҳуснунгда жонбахш ирнинг, эи сийминбадан	496
Фалак ситезасидин бўлма, соқӣё, маҳзун	497
Ғам елидин, ё Раб, ул гулга ғуборе бўлмасун	498
Эйким, нафасе ғойиб эмассен назаримдин	499
Не тирикмен, не ўлук, не соғ, не бемормен	500
Сарвеки нолишим бийик ўлди ҳавосидин	501
Дўстлар, бир чора мен девонаи шайдо учун	502
Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен	503
Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен	504
Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун	505
Ноумиде мен киби борму экин жононидин	506
Ёр пайғоми не осиг ўзгалар таҳриридин	507
Келки, васлингдин ҳазин жонимни хурсанд айлайин	508
Масиходин лабинг афсаҳ, қуёштин оразинг аҳсан	509
Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин	510
Рашкдин дерменки меҳр итсун сипеҳр айвонидин	511
Кўрубмен кирпичинг боштин-аёғ тешкан кўнгул ҳолин	512
Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин	513
Соғинманг соя ғам шоми малул эрмас фиғонимдин	514
Меҳр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин	515
Тўла қондур кўзумнинг ҳалқаси то қолди ёримдин	516
Мени заифни саргашта айлади гардун	517
Елга берди куйдуруб ул гул таним хокистарин	518
Нихон ишқингки кўнглум ичра тушти юз шарор андин	519
Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен	520
Субҳи васлин элга кўргандин паришонмен бугун	521
Фироқинда кўзумдин йиғламоқ бўлғайму кам бир кун	522
Жамолинг шавқидин ғам шоми куймак ибтилоидин	523
Манъ қилмас ашк лаълингдин туташқон жон ўтин	524
Сиришк қонин аёғинг учун ҳино қилайин	525
Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух суратин	526

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВАЛОҲИЯТАФЗОЛАРИНИНГ ВАҚОЙИИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру	527
Ёр мустағнию муҳлик ғами ҳижрон асру	528
Юзунгда май гули ё гул очилған бўстондур бу	529
Ҳажрида кўнглумга бор ул лаъли сероб орзу	530
Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму	531
Сели ашким бирла тутмиш жумлаи оламни су	532
Белингу зулфунг хаёлин шарҳ этармен мў-бамў	533
Ул ойға не ғам, тушса бу девонадин айру	534
Тутқали ламъайи рухсориға жонон кўзгу	535

Сочти тердин гул уза ул сарви гулрухсор су	516
Солса зухдунг тунига жоми ҳилоли партав	517
Жонда жонпарвар сӯзидурму лаби хандониму	518
Шоми ҳажр ўлтурди бу ношодни, сен шод ую	519
Ғамимниму дейин ё беғам элнинг можаросинму	520
Назарға келгали ул икки наргиси жоду	521

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГИЗЛИҒЛАРИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи Илоҳ	522
Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға	523
Кўнгулким, васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла	524
Куйди кўнглумким, недин манзил эмас жононаға	525
Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима	526
Анбари тар истаман юз узра холинг борида	527
Ғамидин гарчи жон йўқ эрди танда	528
Кўнглумнинг оҳи қатраи хуни жигар била	529
Зиҳи ҳайвон суйидек лабларингнинг ҳасрати жонда	530
Пардаға кирган киби хуршиди рахшон ҳар кеча	531
Ул мусофирким, эрур барча сипоҳ аҳлиға шоҳ	532
Жон олса найлай ул бути паймонгусил била	533
Оҳким, жон бўйниға зулфунг таноб ўлди яна	534
Орази ёниға гул санчар жамол изҳориға	535
Насиҳат аҳли манға дерки, майни тарк эт, ваҳ	536
Қил учи кўрмай оғзингдин нишона	537
То кўрубон юзин қуёш қолғали иштиёқиға	538
Тушти ўт кўнглум уйига оҳи дардолуд ила	539
Лабларингким, ҳайф эрур тенг тутмоқ ани қанд ила	540
Меҳрдин дерменки, бўлсам дойим ул ойим била	541
Гар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била	542
Ваҳки, ул шўх бориб, жонима ўт солди яна	543
Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била	544
Яна не ўт эдиким тушти хонумонимға	545
Мени гадой қачон еттим эрса шоҳимға	546
Кўнглума андуҳ елидин ғуборедур яна	547
Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумраҳ	548
Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимға паррондур яна	549
Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ	550
Ҳайҳотким, бирав ғамидин зормен яна	551
Яна ҳар дам ишим сочмоқдурур кўз боғидин лола	552
Нилдин ҳар бир алиф ул маҳжабин рухсорида	553
Кўнгул қушидур анинг зулфи тобдори била	554
Дардини жисмим аро асрай дебон тадбир ила	555

Илгин ул гул ранг этибдур лола яфроғи била	576
Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била	577
Мен масти ғарқи бодамен, аксим эмас май ичра, ваҳ	578
Хуш улким, бор эди илгимда печон сунбулунг гаҳ-гаҳ	579
Соқийё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била	580
Сочиб сиришк югурсам қошинг ҳаёли била	581
Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ	582
Қаю ёреки бир ёри била жоми вафо чекса	583
Не эди, эй ишқ, юз тийғи бало бир зорға	584
Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморға	585
Чун куяр парвона ул шамъи шабистон ўтиға	586
Бўлмағай эрди фалакнинг кинаси давронида	587
Ишқ аро ишлар тушар эрмиш кишининг бошиға	588
Йўқ иложим гар мени бир жавр ила ёд этмаса	589
Ишқ журмидин нетиб инкор этай халқ ичра, ваҳ	590
Лаълидин бир сўз синук кўнглумни айлар тоғча	591
Ёр ҳар базм ичра, мен хориж мушаввашлиғи била	592
Баҳорни нетайин, ўт менинг баҳоримға	593

ЛОМАЛИФНИНГ ДОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Ул жигар парголasi ашкимни гулгун қилдило	594
Вафо ваъда айлаб жафо айладингло	595

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «ҒАРОЙИБ»ДИН

Сиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингға исботе	596
Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари	597
Сўзи ҳажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати	598
Тавсанинг наълидин истармен бошимға афсаре	599
Давлат тонги юзию сочи тонг қаронғуси	600
Зоҳир айлар ашк ила оҳимни ҳажринг оғуси	601
Ўт солур эл жониға ҳар дам совуғлуғ бирла дай	602
Шукри лиллоҳ, эй кўнгулким, рафъ ўлуб ҳижрон тунн	603
Ғамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим ниҳон эткай	604
Сиҳхатим озурда жононимда бўлғай кошки	605
Нечаки, ул ойға мендин меҳрибонроқ йўқ киши	606
Сенсизин базм ичра қат-қат қон кўнгул бетоб эди	607
Тилармен музтар этса офати озурда жонимни	608
Соқийё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай	609
Бўлғай эрди юз туман минг ранжу меҳнат кошки	610
Хуштуруп гулгун қадаҳ давринда гулбарги тари	611

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди	412
Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари	413
Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени	414
Эй дудогинг шарбатиди оби ҳайвон лаззати	415
Наргисин гул узраким, бемор этар ноз уйқуси	416
Тануредур ичим, гўё қизитқан ишқ ўти они	417
Эй кўнгул, бердинг иликдин васлининг давронини	418
Ул ойки, меҳр ила оламни муҳтарам қилди	419
Маҳвашекиме меҳридин бўлдум жаҳон овораси	420
Қилдим ул ой оллида ошиқлигим изҳорини	421
Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани	422
Ҳар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади	423
Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлалди	424
Ғунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани	425
Ғариблиғ яна кўнглумни дарднок этти	426
Лаълингга боғланди жоним ҳажр элиндин ол ани	427
Қани висолингга бир мендек орзуманде	428
Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире	429
Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди	430
Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси	431
Ёр ила бир хилват истарменки, агёр ўлмағай	432
Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди	433
Лабинг такаллум этиб, сўзда лол қилди мени	434
Хароб айладинг, эй ишқ, хонумонимни	435
Дедимки, кўзга чекай гарди раҳнавардингни	436
Кўзғади оҳим сўнгак бирла тани ғамнокни	437
Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай	438
Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай	439
Олса жонимни лабинг даврон тўқуб қон ёшини	440
Эй кўнгул, қўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай	441
Кўнглумга шўр солди биравнинг малоҳати	442
Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули	443
Оразинг зар ҳуққалардин, эй малоҳат машъали	444
Каманд авжиға еткурмас ғаму андеша айёри	445
Эмас боғ ичра сариг лола занбақ билки, ҳар сори	446
Донайи холи узра кўр сабзайи хат нишонаси	447
Ишқ аҳли ғўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси	448
Бутмади гулшан тавофи бирла бағрим ёраси	449
Ғам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари	450
Гарди яздий маъжар остида қошинг, эй кўркабой	451
Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади	452
Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади	453
Кўнглум оҳидин табассум лаълингга фан бўлмади	454
Май халос этти риёи порсолиғдин мени	455

Юзидин ўлмаса, ё Раб, раво кўзум тилаги	656
Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди	657
Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини	658
Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни	659
Кўзи ҳажри мени бемор этти	660
Эй узоринг оллида шарманда меҳри ховарий	661
Чу ишқ илги забун айлар диловар подшоларни	662
Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади	663
Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай	664
Эврулай бошингғау беҳушу ҳайронинг бўлай	665
Сурганда жафо тийгин қўл асрамадинг боре	666
Эй фалак, бир ой ғамидин асру зор эттинг мени	667
Мангоки кўрмаки ул шўхнинг муҳол ўлгай	668
Вафо кўз тутқан ондин ҳушдин бегонае бўлгай	669
Ваҳ, неча ул шўх бедодин мени шайдо кўрай	670
Эй қуёшқа кўз қамаштурғон жамолинг партави	671

МУСТАЗОД

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалло	673
--	-----

МУХАММАСЛАР

Ҳалқайи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами	675
Оҳким, тарки муҳаббат қилди жонон оқибат	676
Ишқ ўтидин жисми зори нотавадим ўртадинг	677

МУСАДДАС

Субҳидам махмурлуқтин тортибон дарди саре	680
---	-----

ТАРЖИЪБАНД	683
------------------	-----

МАСНАВИЙ	694
----------------	-----

ҚИТЪАЛАР	706
----------------	-----

РУБОИЙЛАР	724
-----------------	-----

КЎРСАТКИЧЛАР	748
--------------------	-----

ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАР	758
-----------------------------	-----

УДК 821.5(2.13)
84 (59)
Н34
ББК 84 (59)

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

Нашрга тайёрловчилар:

Ҳамид Сулаймон, Сайфиддин Рафиддинов

Масъул муҳаррир
Иброҳим Ҳаққул

ISBN 978-9943-03-349-8

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2011 й.

Адабий-бадиий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик

Биринчи жилд

ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ

Ғаройиб ус-сигар

Китоб безаклари ва макетини

Анатолий Бобров ва Шухрат Мирфайёзов тайёрлади

Нашр учун масъуллар: *Лазиз Тангриев, Илҳом Зойиров*

Муҳаррирлар: *Маъсуда Йўлдошева, Ваҳоб Раҳмонов*

Бадиий муҳаррир *Акром Баҳромов*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Саҳифаловчилар: *Умида Валижонова, Акмал Сулаймонов*

Мусахҳиҳлар: *Доно Тўйчиева, Фотима Ортиқова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 27.05.2011 й.да рухсат этилди.

Бичими 70 x100 $\frac{1}{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.

64,82 шартли босма тобоғи. 21,7 нашр тобоғи.

Адади 3000 (1-завод 1000) нусха. 20 – 2011 рақамли шартнома.

241 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz

E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Навоий, Алишер.

Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А.Навоий; ЎзР ФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт ин-ти. — Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. — 804 б.

Ж.1 : Фаройиб ус-сиғар. — 804 б.

ББК 84 (5ў)1